

Абу Ҳомид Ғаззолий

# МУКОШАФАТ-УЛ ҚУЛУБ

*Миразиз Аъзам таржимаси*

«Адолат» нашриёти  
Тошкент  
2002

Ислом Шарқининг буюк олими Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111)нинг «Мукошафат-ул-қулуб» асари мана неча асрлардан буён инсоният учун зиё манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда, изтироб ва ҳузурсизликлар ичида қийналиб яшаётган шахсларга, жамиятларга ва халқларга хотиржамлик ҳамда саодат йўлларини кўрсатмоқда.

Жамият таназзулига сабаб бўладиган қусурлар, кибру ҳаво, риё, шухратпарастлик, ҳасад, золимлик, адолатсизлик каби ғайриинсоний феъл ва туйғулардир. Қайси бир жамиятда шундай ёмон феълли одамлар кўп бўлса, ўша жамият инқирозга юз тутди. Хўш, одамлар табиатидаги бундай қусурларни тузатиш мумкинми? Ана шундай дардларни даволаш йўлларини кўрсатиб берган буюк олим Ғаззолий бу хасталикларнинг ташхисини қўйган. Бу иллатлар уя қурадиган жой «инсон руҳи», «инсон қалби» бўлгани учун асарни «Мукошафат-ул қулуб» деб номлаган. «Мукошафа» деган арабча сўз бизда «кўринмайдиган нарсаларни очиш», «кашф этиш» маъносини билдиради, яъни инсоннинг ўзи учун тушунарсиз бўлган ҳодисани инкишоф йўли билан билиб олиши деганидир. Аллоҳнинг зот ва сифатларини, бошқа илоҳий сирларни англаб этиш деган маъноси ҳам бор бу сўзнинг. Китобнинг номини кенг маънода «қалбларни босиб ётган ғайриинсоний феъл ва туйғуларнинг кашфи» деса ҳам бўлади.

Агар жамиятда шафқатсизлик ўрнини марҳамат, кибру ҳаво ўрнини одоб-тавозе, риё ўрнини ихлос, ҳақсизлик ўрнини адолат эгалласа, бундай жамиятда бахт-саодат қарор топади.

## ҒАЗЗОЛИЙ

Ислом оламининг буюк мутафаккирларидан бири, Шарқда «Ҳужжат ул-Ислом» рутбаси билан машҳур бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий ҳижрий 450 (милодий 1058) йили Тус шаҳрида туғилган. Отаси ғаззол, яъни ишчи эди. Ғаззолий таҳаллуси шундан келиб чиққан. Баъзи бир олимлар у Ғазолада туғилган, таҳаллуси шунга оид деб, нисбасини ташдидсиз, яъни Ғаззолий деб ёзадилар, лекин бу кўпчилик олимларнинг фикрича тўғри эмас.

Отаси Муҳаммад ғаззол тирикчилик тақозоси билан маълумот ололмаган эди, аммо ўғиллари Муҳаммад ва Аҳмаднинг маълумотли бўлишларини қаттиқ истаган эди, шунинг учун оламдан кўз юмаётиб, ўғилларини бир дўстига омонат қолдирди ва уларга таҳсил беришни ўтиниб, илтимос қилади. Дўсти бу васиятни шараф билан адо этди ва иккала ўғилга ҳам яхшигина таҳсил бергач, мадрасага жойлади. Шундай қилиб, ака-ука Тусда Аҳмад ибн Муҳаммад ар-Розаконийдан фикҳ илмини ўрганишди. Кейин Муҳаммад Ғаззолий Журжонга келиб, Имом Абу Наор Исмоилийдан, Нишопурга бориб Имом ал-Ҳоромайдан сабоқлар олди. 20 ёшида, яъни 1078 йилда домласи ал-Ҳоромайн вафот этгач, Бағдодга кетди. Бу пайтда у вафот этган машҳур олимнинг энг севимли ва зукко шогирди сифатида эл оғзига тушиб улгурган эди. Шунинг учун ҳам у Бағдодга борганда улуғ вазир Низомулмулкнинг қабулига кира олди. Низомулмулк уни олимлар даврасида синовдан ўтказди ва ҳамма сарой олимларини енгиб чиққан ёш Муҳаммад Ғаззолийни Бағдоддаги "Низомия" мадрасасига, Абу Исҳоқ аш-Шерозийнинг ўрнига бош мударрис қилиб тайинлади». Ғаззолий теран билимлари, метин иродаси ва қаттиқ таъсир кучига эга бўлган хитоботи билан катта шухрат қозонди, эътибор,

меҳр кўрди. Лекин 1096 йилда кўнглида бир иштибоҳ уйғонди, ўз-ўзидан норози бўлиб, мутасаввиф бўлишга аҳд қилди. Моли, эгаллаб турган амали, дўстларини тарк этиб, саёҳатга чиқди. У гоҳ у ер, гоҳ бу ерда кўриниб қолар, гоҳ бедарак йўқолиб кетарди. Фаззолий жамоатдан, олам ташвишларидан узилган бир ҳолда фақат илм билан шуғулланиб, умрининг 10 йилини ўтказди. Низомулмулкнинг қаттиқ талаби билан 1105 йилда Нишопурга келиб, яна мадрасада мударрислик қилди, аммо бу ҳол узоқ чўзилмади. Тусга кўчиб кетди. Атрофига 300 га яқин талаба тўплаб, хусусий дарслар берди. Фаззолий 1111 йилда вафот этган.

Фаззолий 53 йиллик қисқа умри давомида 100га яқин асар ёзиб қолдирди. Улар Ислом динининг турли тармоқларига тааллуқли бўлиб, далиллар қамрови жиҳатидан жуда катта миқёсга эга. Мазкур асарлар тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, тасаввуф олимлари учунгина эмас, оддий инсонлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, фақиҳлар (юристлар) Фаззолийнинг "Босит", "Вожиз", "Восит" каби асарларидан, муфассирлар, калом илмининг олимлари "Қавоид ал-Ақоид", "Ар-Рисолат ал-Қудсия", "Ал-Иқтисод фил-Эътиқод" сингари китобларидан, мутасаввифлар ва умуман барча-ҳақиқат ошиқлари "Ихё улум ад-Дин" номли буюк асаридан баҳраманд бўлсалар, катта руҳий қувончни бошдан кечирадилар. Ислом рақиблари билан курашда унинг "Ҳужжат ал-ҳақ", "Муфассил ал-Хилоф", "Қавосим ал-Ботиния" каби асарлари асқотиши шак-шубҳасиздир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу фоний дунёдаги барча ожиз бандалар каби Фаззолий ҳаётида ҳам хатолар ва зиддиятлар бўлган. Унинг ҳаётида икки марта шубҳа инқироzi юз берган. Биринчиси: навқирон йигитлик пайтида ҳар нарсадан шубҳа қилган ва ўрганган илмларининг ҳаммасида камчиликлар кўп деб ўйлаган, эгаллаган фанларидан ҳеч қаноатланмай, ўзича ҳақиқат излай бошлаган. Ҳақиқат ё туйғуларда, ё аниқ билимларда бўлиши мумкин, баъзан икковида ҳам бўлиши мумкин эмасдай кўринган унга. Дастлаб у ҳақиқат туйғуларда деб билган, аммо тез орада туйғулар алдаши мумкинлигини кўрган ва аниқ билимлар ҳақ деган хулосага келган, аммо сўнг "балки ақл ҳам алдар" дея иштибоҳга тушган. Охир-оқибатда Аллоҳнинг ҳидояти қалбига ёруғлик бериши билан маънавий илмлар каби аниқ илмлар ҳам ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилган.

Фаззолийнинг иккинчи руҳий инқироzi 38 ёшида юз беради. Кунлардан бир кун у: бутун килаётган ишларим шон-шухрат, амал-мансаб, нуфуз мол-дунё учун эмасмикин?" - деган шубҳага тушади. "Ҳақиқат фақат мутасаввифларнинг яшаш тарзида бўлиши мумкин", деган хулоса унинг тинчини бузади. Шунинг учун у Бағдоддаги мадрасани тарк этиб, фақирона ҳаёт кечиришга ўтади. Шу аснода у ейиш-ичишни ҳам кескин камайтиради, оқибатда жисмонан заифлашиб кетади. Фаззолийнинг шахсий табиблари нима қилишни билмас эдилар. Шу аҳволда у 10 йил элма-эл дарбадар кезди. Бир дафъа вазирнинг сўзига кириб, Нишопурда ишлаган бўлса ҳам, барибир ишига қаттиқ ботланмади, тузуккина мутасаввифга айланди, то ўлгунча кўзга ташланмай яшади.

Фаззолийнинг фалсафий ишлари ҳам талайгина. Уларнинг ичида "Таҳофут ал-Фалосифа" ҳамда "Мақосил ал-Фалосифа" асарлари олим ижодида кўзга кўринган ўринни эгаллайди. Буларда Форобий, Ибн Сино, Абу Ҳайён ат-Тавҳидий рисолаларининг таъсирини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Мукошафат-ул Қулуб» Фаззолийнинг неча асрлар илгари ёққан юзлаб машъалаларидан бир донасидир. Бу машъала сочган мангу сўнмас зиё дасталари замонлар оша сўнгсизлик сари оқиб боргусидир. Инсон насли то қиёматгача мавжуд бўларкан, бу асар ҳам инсоният учун мангу зиё манбаи бўлиб, азоб-уқубатлар, ғам-ташвишлар ва беҳузурликлар ичида изтироб чекаётган шахслар, сиймолар ва миллатларга ҳузур-ҳаловат ва бахт-саодат йўлларини кўрсатажак.

*Таржимон*

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

#### АЛЛОҲДАН ҚЎРҚИШ

Баъзи ҳикмат аҳллари дейдики:

- Вужуднинг соғлиги ва омонлиги оз ейишда, руҳнинг соғлиги ва омонлиги гуноҳсиз бўлишда. Диннинг омонлиги эса, Аллоҳ яратган зотларнинг энг зиёлиси Ҳазрат Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал ахлоқига эга бўлишдадир.

Аллоҳ жалла жалалаҳу буюради: **«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар! Ҳар ким эртаси учун олдиндан нима ҳозирлаб қўйганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар, чунки Аллоҳ чиндан ҳам қилаётган амалларингиздан хабардордир»** (*«Ҳашр» сураси, 18-оят*).

Оятнинг мазмуни мана бундай:

- Аллоҳдан қўрқинг, унга итоат этинг. Моддий ва маънавий азоб чекаётганларга ёрдам беринг. Доимо Аллоҳ йўлида бўлинг, қиёмат куни бунинг мукофотини оласиз. Чунки Аллоҳ савоб ишингизни ҳам, гуноҳ ишингизни ҳам - нима қилган бўлсангиз ҳаммасини билади. Фаришталар, осмон, ер, кеча, кундуз... ҳамма-ҳаммаси, инсон нима қилган бўлса шу ҳақда қиёмат куни гувоҳлик беради. Ҳатто инсоннинг ўз аъзолари ўзи тўғрисида гувоҳлик қилади. Ер иймонли ва ихлосли кишиларга гувоҳ бўлади ва:

- Менинг устимда намоз ўқиди, рўза тутди, ҳажга борди, - дейди. Раҳмлилар ичида энг раҳмли бўлган Аллоҳ қиёмат куни иймонсизлар билан осийларни ипидан игнасигача синчиклаб сўроқ қилганда уларнинг ҳолига вой бўлади!

Бутун вужуди, барча аъзолари билан Аллоҳдан қўрққан кишилар мўминлардир. Бу борада Имом Абул-Лайс шундай дейди: - Аллоҳдан қўрқинишнинг аломати етти нарсада намоён бўлади:

1. Тилда: Аллоҳдан қўрққан одам тилини ёлғондан, ғийбатдан, бошқаларга бўҳтон қилишдан ва бекорчи сўзлар айтишдан тияди. Уни Аллоҳни зикр этувчи, Қуръон ўқувчи ва илмий музокаралар билан машғул аъзо ҳолида шай тутати.

2. Қалбда: Аллоҳдан қўрққан одам қалбида мусулмон қардошларига душманлик хис қилмайди. Ёлғон, бўҳтон ва ҳасад қилиш каби ғайриинсоний туйғуларни қалбидан йўқ қилади. Чунки ҳасад кишининг гўзал амалларини маҳв этади. Шунга кўра, Аллоҳнинг Расули с.а.в. буюради: *«Олов ўтинини еб битиргани каби, ҳасад ҳам инсоннинг гўзал амалларини еб битиради»*. Эй ўқувчи, билки ҳасад қалбларга жойлашган ва жамият ҳаётида катта зарарларга йўл очувчи ёмон бир касалликдир. Қалблардаги хасталиклар, яъни ёмон туйғулар, ёмон феъллар фақат илм ва амал билан даволаниши мумкин.

3. Кўзда: Аллоҳдан қўрққан одам ейишда ҳам, ичишда ҳам, кийишда ҳам ва бошқа хусусларда ҳамкўзини ҳаромдан эҳтиёт қилади. Дунёга ҳирс билан ва ҳар нарсани кўлга киритиш иштиёқи билан эмас, ибрат назари билан қарайди. Ҳалол бўлмаган нарсаларга қарашдан тийилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) буюради: *«Ким кўзини ҳаром нарсалар билан тўлдирса, Аллоҳ ҳам қиёмат куни унинг кўзини олов билан тўлдиради.»*

4. Меъдада: Аллоҳдан қўрққан одам меъдасига ҳаром лўқма бермайди. Чунки ҳаром лўқма ейиш энг катта гуноҳлардан биридир. Шу боис Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) буюради: *«Инсон зотининг меъдасига бир лўқма ҳаром тушганда бу лўқма меъдасида қанча вақт турса, еру кўкдаги фаришталар ҳам шунча вақт унга лаънат ўқийдилар.»*

5. Қўлда: Аллоҳдан қўрққан одам қўлини ҳаромга узатмайди, аксинча Аллоҳнинг ризосига уйғун нарсаларга узатади. Каъбдан шундай бир ривоят қолган. Аллоҳ яшил зумраддан бир бино яратган. Бу бинода етмиш минг доира ва ҳар доирада минг хона бор. Бу ерга фақатгина ўзига ҳаром нарса инъом этилганда ёлғиз Аллоҳдан қўрққани учун уни рад этган кишилар

киради.

6. **Оёқда:** Аллоҳдан қўрққан одам исён йўлида эмас, Аллоҳга итоат йўлида одимлайди. Илм-маърифат ва яхши ахлоқ ўрганиш мақсадида олимлар ва солиҳ кишилар мажлисига боради.

7. **Итоатда:** Аллоҳдан қўрққан одам ёлғиз Аллоҳ ризоси учун унга итоат этади. Риёдан, инсонларга ўзини ва ё ишларини кўз-кўз қилишдан ва иккиюзламачиликдан сақланади.

Шундай қилиб, бир кимсанинг олти аъзосида ва еттинчи ўлароқ ибодатида шу ҳоллар бор бўлса, демак у Аллоҳнинг: **«Охират эса Раббингиз наздида тақводорлар учундир.»**

(*Зухруф сураси, 35-оят.*), деб марҳамат қилган кишиларидан бири бўлади. Яна тақводорлар ҳақида Аллоҳ билдиради: **«Шубҳасизки, тақводорлар, яъни Аллоҳдан қўрққани учун ўзини ёмонликлардан тийганлар, Раблари ато этган савобларни олган ҳолда жаннатларда ва булоқ бўйларида бўлурлар. Чунки улар илгари чиройли амаллар қилгандилар. Тақводорлар жаннатларда ва неъматлар ичида бўладилар».** (*Ва-з-Зориёт сураси, 15-16-оятлар*) **«Тақводорлар амин бир мақомдадирлар, яъни Аллоҳга қарши бўлишдан қўрқувчилар қиёмат куни осойишта, ишончли жойда бўладилар»** (*Духон сураси, 51-оят.*)

Бу оятларнинг барчасида Аллоҳ бамисоли шундай дегандай кўринади: Улар қиёмат куни азобдан озод бўладилар. Яна мўмин бўлган одам қўрқув билан умид орасида турмоғи, Аллоҳнинг раҳматига суянмоғи, ундан асло умид узмаслиги керак. Аллоҳ буюради: **Айтинг: «Эй, нафсига зулм қилаётганлар! Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Чунки Аллоҳ барча гуноҳларни авф этиш қудратига эгадир. Шубҳасизки, У кўп авф этувчи, кўп меҳрибондир»** (*Зумар сураси, 53-оят.*)

Мўмин одам Аллоҳдан умид узмаслик билан бирга, ибодатларини ҳам беистисно адо этади, ёмон феълларидан воз кечади ва ёмон атворларини тарк этади. Аллоҳнинг дўсти Ҳз.Иброҳим (*Ҳазрат Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам... — «Аллоҳ Ҳазрат Муҳаммаднинг шонини юксалтирсин ва устларига саломини ёғдирсин» маъносидаги бу жумла Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг исмлари тилга олинганда айтилиши суннат бўлган дуодир. Матн ўқилишини қулайлаштириш учун, бундан кейин қаерда «Ҳазрат» сўзи келса «Ҳз.» ҳолида ишлатамиз, «саллаллоҳу алайҳи ва саллам»ни эса «с.а.в.» деб ишлатамиз.*) салом унга, хатоларини ёдига олганда ўзидан кетар, қалбининг шиддат билан ураётганини ҳис этарди. Аллоҳнинг олдига Жаброилни юборди. Жаброил Ҳз. Иброҳимга деди:

- Аллоҳ сенга салом юборди ва: «Дўстидан қўрқадиган дўст ҳам бўладими?» демоқда, - деди. Шунда Ҳз.Иброҳим:

- Эй Жаброил, хатоларим ёдимга тушиб, уларнинг жазосини ўйлаганимда дўстликни нутаман, - деган жавобни берди.

Имом Абулайс дейдики:

-Осмоннинг еттинчи қаватида Аллоҳ яратган, унга сажда килувчи шундай фаришталар борки, Аллоҳ қўрқувидан томирлари титрар. Қиёмат куни бўлганда бошларини саждадан кўтариб:

—Эй Раббимиз, сени танзиҳ этамиз. Қуллик вазифамизни керагича адо этолмадик, - дерлар.

Аллоҳнинг мана бу ояти ана шу ҳақиқатга ишора қилади:

— Раббиларидан қўрқурлар ва фақат ўзларига амр этилган ишларнигина қилурлар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан ривоят қилинган шундай бир ҳадис бор:

— Аллоҳ қўрқувидан кишининг вужуди хурпайган вақтда, дарахтдан япроқлар тўкилгандай, гуноҳлари тўкилади.

Айтишларича, бир одам бир хотинни кўз остига олади. Бир кун шу хотин тижорат мақсади билан бир карвонга қўшилиб йўлга чиқади. Ҳалиги одам ҳам ўша карвонга қўшилиб, кетидан кетади. Оқшом чоғи карвон бир ерда қўноқлайди ва ҳамма ётади. Бу орада одам хотиннинг ёнига келади ва мақсадини унга айтади. Хотин:

— Бор, кузатиб кел, ҳамма ухлаганмикин, билайликчи, - дейди.

Таклифи қабул бўлди деб ўйлаган эркак севиниб кетади, карвон атрофини айланиб келади ва:

— Ҳамма ухлаган, - дейди. Бу сафар хотин:

— Яхши, Аллоҳ-чи? Ажабо, шу соатда у ҳам ухлаганмикин, нима дейсан? — деб сўрайди. Бу оғир саволга эркак:

— Йўқ, Аллоҳ ҳеч қачон ухламайди, мудрамайди ҳам, деб жавобини беришга мажбур бўлганда, хотин:

— У ҳолда? - дейди,

- одамлар кўрмаса ҳам, ухламаган ва мудрамайдиган Аллоҳ бизни кўради. Ҳаммадан ҳам кўра ундан кўрқайлик ва ҳаё қилайлик.

Хотин у сўзларни айтаётганда эркакнинг кўнглида кўрқув уйғонади. У Аллоҳдан кўрқади, дарҳол карвонни тарк этиб, уйига қайтади ва тавба қилади.

Яна ҳикоя қилишларича, бир одам бор эди, Аллоҳ йўлида эди. Бир куни бошига қийинчилик тушди, болалари оч қолди. У: «Бор, егулик ул-бул топиб кел», деб хотинини йўлга чиқарди. Хотин, бир бойнинг эшигини тақиллатиб, болалари очлигини айтди ва садақа сўради. Лекин бой беражак ёрдами эвазига ёмон истаклар билдирди. Хотин буни рад этди ва ҳеч нима олмай, уйига қайтди. Лекин болалари очлик азобига чидай олмай фарёд кўтара бошлагач, хотин яна ўша бой ҳузурига борди ва унинг шартини қабул қилганини айтди. Бой хотинга яқинлашаётганда бечоранинг вужудида мудҳиш бир титроқ турди. Ҳар бир аъзоси қалтирай бошлади.

— Мунча қалтирамасанг... — деди бой.

- Аллоҳдан кўрқяпман, деди хотин.

Шунда бой:

- Сенки, мажбур бўлганинг ҳолда Аллоҳдан шунчалик кўрқаётган бўлсанг, мен қандоқ одам бўлдим энди? Аслида менинг ҳолим кўпроқ кўрқувлик-ку! - деди ва хотиннинг эҳтиёжини таъминлаб, уйига жўнатди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан ривоят қилинган бир ҳадис шу мазмундадир:

- Аллоҳ буюрадики: «Мен икки ҚЎРҚУВни ва икки ҚЎРҚУВСИЗЛИКни бандамнинг бошида тўплаб-йиғиб ўтирмайман. Ким дунёда кўрққан бўлса, охиратда мендан кўрқмагай. Ким дунёда кўрқмай юрган бўлса, охиратда албатта кўрқитаман».

Аллоҳ буюради:

- **...инсонлардан кўрқманг, мендан кўрқинг** (*Моида сураси, 44-оятнинг бир қисми*)

— **...агар мўмин бўлсангизлар, улардан эмас, мендан кўрқингизлар** (*Ол-и Имрон сураси, 175-оятнинг бир қисми.*)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан кейинги иккинчи халифа Ҳз.Умар (*қаерда «Ҳазрат» сўзи келса «Ҳз.» ҳолида ишлатамиз*) — Аллоҳ ундан рози бўлсин - Қуръондан оятларни тинглаганда ўзини йўқотар ва ҳушидан кетар эди. Бир куни қўлига сомон чўпини олиб, шундай деди:

— Кошки сомон Чўпи ё эсланмайдиган бир нарса бўлсайдим. Кошки онам мени туғмаган бўлсайди.

Яна Ҳз.Умар - Аллоҳ ундан рози бўлгай— шунчалик кўп йиғлардики, икки кўзидан оққан ёш ёноқларида икки қора чизик қолдирарди.

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) буюради:

- Кимки Аллоҳдан кўрқиб йиғласа, кўкрақдан чиққан сут кўкракка кирмагунча, у ҳам жаҳаннамга кирмайди (яъни кўкрақдан чиққан сут кўкракка қайтиб кирмаганидек, тақводорлар ҳам жаҳаннамга кирмайди)

«РАҚОИҚ УЛ-АХБОР» («*Рақоиқул-Ахбор*» - «*Нозик хабарлар*» маъносини билдирувчи бу китобнинг муаллифини аниқлашга муваффақ бўлмалик.) деган китобда шундай бир хабар бор:

— Қиёмат куни бир кишини олиб келишади. Савоблари билан гуноҳлари қиёсланади, лекин

гуноҳлари оғирроқ чиқади. Ва шунга яраша жазо тортиш амри берилганда, киприкларидан бир толаси тилга кириб дейдики:

—Эй Раббим, сенинг Расулинг Ҳз.Муҳаммад,— унга саломинг ёғилсин — «Ким Аллоҳ кўрқувидан йиғласа, Аллоҳ у кўзни жаҳаннам оташига ҳаром қилади» деб буюрган эди. Мен дунёдалигимда сендан кўрқиб йиғлаган эдим-ку?!

Шунда Аллоҳ ўша кишини афв этади, дунёда Раббидан кўрқиб йиғлаган бир киприк толасидаги нам туфайли уни азобдан қутқаради. Жаброил эса:

— Фалон киши Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган бир киприк толаси ҳурмати жазодан озод қилинди — деб эълон қилади.

«БИДОЯТ УЛ-ҲИДОЯ»да («Бидоятул-Ҳидоя» («Тўғри йўлнинг бошланиши») Фаззолийнинг ўз асарлари бўлиб, ўқувчи диққатини унга қаратмоқчи бўлганлар) эса мана бундай хабар бор:

—Қиёмат бошланганда жаҳаннам шундай бир ўкирадики, бутун инсонлар даҳшатга тушиб тиз чўкадилар.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ буюради:

— **Ва сен ҳамма умматнитиз чўккан ҳолда кўрурсан. Ҳар бир уммат ўз китоби тепасига чақирилур, сўнг уларга дейилур: «Бугун қилган амалларингизнинг эвазини олурсизлар»**( Жосия сураси, 28-оят.),

Инсонлар жаҳаннамга яқинлашган вақтларида жаҳаннам ғазабдан ўкираётган бўлади. Ҳолбуки, бу ўкириш, бу жазава беш юз йиллик узоқ масофадай эшитилаётган бўлади. Шу пайт барча инсонлар, ҳатто пайғамбарлар ҳам «ВОЙ ЖОНИМ, ВОЙ ЖОНИМ» деб ўз дардларига қовриладилар. Фақат пайғамбарларнинг энг сараси Ҳз.Муҳаммад — унга Аллоҳ нинг саломи бўлсин - ўз жонини унутади. «ВОЙ УММАТИМ, ВОЙ УММАТИМ» дея нола қилади. Шунда жаҳаннамдан тоғдай маҳобатли олов парчаси чиқади, Ҳз.Муҳаммаднинг уммати бу олов парчасини даф қилмоқчи ва ўзларидан йироқлаштирамоқчи бўлиб:

— Намоз ўқиганлар, рўза тутганлар, ҳақиқатдан юз ўғирмаганлар ва ихлосли кишилар ҳаққи, қайт орқага, кет!-дейдилар. Лекин у кетмайди. Шу пайт Жаброилнинг овози ғулдурайди:

— Олов парчасига Муҳаммаднинг уммати қасд қилаётир!

Сўнгра Жаброил бир бордоқ сув келтириб Пайғамбаримиз (с.а.в.)га узатади.

— Эй Аллоҳнинг Расули, ол буни, оловнинг устига сеп! –дейди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) сувни олади ва оловга сепади. Одамлар олов дарҳол сўнганини кўрадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаброилдан сўрайди:

— Эй Жаброил, бу сув нима эди?

Жаброил жавоб беради:

-Эй Аллоҳнинг Расули, бу умматинг орасидаги осийларнинг ёлғиз Аллоҳдан кўрқиб оқизган кўз ёшлари. Ҳозиргина менга оловга сочиб ўчиришинг учун, уни сенга беримни амр этилди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дуо қиларди:

-Аллоҳим, менга ўлмасимдан олдин, сендан кўрқиб йиғлайдиган икки кўз бер!

**Умр ўтди, кечиргайсан, Илоҳим! Кўзим ёшли: ахир, кўп-ку гуноҳим...**

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан нақл этилган бир хабар шу мазмундадир:

-Иймонли киши ёлғиз Аллоҳдан кўрққани сабабли кўзидан пашша бошичалик ёш тўккан бўлса ва бу ёш иссиқ ёноғини ҳўллаган бўлса, у кимсага жаҳаннам олови ҳеч тегиши мумкин эмас!

Ҳикоя қилишларича, Муҳаммад ибн Мунзир (*Муҳаммад ибн Мунзир - Андалус амавийларидан бири бўлиб, милодий 886-888 йилларда хадиғалик қилган*) йиғлаган пайтларида юзини ва соқолини кўз ёшлари юваркан ва шундай деркан:

-Эшитишимча, кўз ёшлар теккан ерга жаҳаннам олови тегмасмиш...

Келтирилган бу нақлларнинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, ҳақиқий мусулмон Аллоҳдан, у беражак азоблардан кўрқиши ва нафсининг шаҳвоний истакларидан қочиши керак. Шунинг учун ҳам Аллоҳ буюради:

**- Ким нафсининг истаклари билан туғёнга тушган ва дунё ҳаётини охираат ҳаётидан устун қўйган бўлса, фақат жаҳаннамгина унинг учун жой бўлур. Ким Раббининг қудратидан қўрққан ва нафсоний ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, фақат жаннатгина унинг учун жой бўлур** (*Нозиот сураси, 37-41-оятлар*).

«ЗАҲАР УР-РИЁЗ»да («Захарур-Риёз» - «Боғлардаги захиралар» маъносини билдирувчи бу китобнинг муаллифини, бизда манба йўқлиги туфайли, аниқлай олмадик.) бир хабар бор, Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан нақл этилади:

- Жаннати кишилар жаннатга кирган вақтларида фаришталар уларни турли-туман таомлар, ранго-ранг мевалар, гўзал меҳмонхоналар ва ётоқлар, хуллас, ақлга келиши мумкин бўлмаган ҳар турли неъматлар билан кутиб оладилар. Шунинг билан бирга, бу жаннати кишиларнинг ҳолида бир хаёлчанлик, юзларида бир ҳайронлик аломатлари сезилади. Аллоҳ сўрайди:

- Эй бандаларим, бу хаёлчанлик ва ҳайронлик нечун? Бу сўралгундай жоймидики?

Жаннати бандалар:

- Бизга бир ваъда бор эди. Унинг вақти келмадими? - дейдилар.

Аллоҳ фаришталарга амр беради:

- Юзларидан пардаларни кўтаринг!

Лекин фаришталар дейдиларки:

- Эй Раббимиз, улар сенинг жамолинга қандай қарайдилар?! Улар дунёда сендан норози бўлишганди.

- Кўтаринг пардаларни! Улар дунёда мен кўрсатган ахлоқ асосларига риоя қилдилар, саждага бош қўйдилар, менга етишиш орзуси билан кўз ёшлар тўқдилар, - деб буюради Аллоҳ.

Амр шундай бўлгач, пардалар кўтарилади. Жаннати кишилар жамоли Илоҳийни кўрганда саждага тиз чўкадилар.

- Эй бандаларим, бошингизни саждадан кўтаринг! - деб буюради Аллоҳ. — Бу ер ибодатгоҳ эмас, иззату икромхонадир:

Сўнгра уларга юзланиб, жилва қилади ва:

- Салом сизга, эй бандаларим! Мен сиздан розиман. Сиз **ҳам** мендан розимисиз? — деб сўрайди.

- Эй Раббимиз, биз Сендан нега рози бўлмайдик, Сен бизга кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва ҳеч бир кимса ҳаёлига келтирмаган неъматларни бердинг! - дейдилар улар ҳам.

Мана, Аллоҳнинг икки ояти шу ҳақиқатдан далолат беради:

**Уларнинг Раббилари ҳузуридаги мукофотлари - этагида дарёлар оқадиган АДН ЖАННАТЛАРИДир. Улар ўша жойда абад-абад қоладилар. Аллоҳ улардан рози. Улар ҳам Аллоҳдан розидирлар. Бу бахтиёрлик Раббидан қўрққан кишилар учундир** (*Баййина сураси, 8-оят*).

**Бу эса кўп марҳаматли Раббиларидан бир саломдир** (*Ёсин сураси, 58-оят*).

## САБР. ХАСТАЛИК

Кимки Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлмасликни ва раҳматига эришиб, жаннатига киришни истаса, нафсини дунёвий ҳою-ҳавасдан тийсин ва дунёнинг қийинчиликларига ҳамда мусибатларига чидаб, сабр қилсин! Бу борада Аллоҳ буюради:

**Аллоҳ мусибатларга чидаб сабр қилгувчиларни севади** (*Ол-и Имрон сураси, 146-оятнинг сўнги*). Сабр бир қатор ҳолларда зулумлидир.

1. Аллоҳга итоат қилишдаги сабр ва сабот.

2. Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилишдаги сабр ва сабот.

3. Мусибатларга ва айниқса мусибатга дучор бўлган илк онларидаги сабр ва сабот.

Ким Аллоҳга итоат қилишда сабр ва саботли бўлса, Аллоҳ унга қиёмат куни жаннатда ҳар бири ер билан кўк орасича келадиган уч юз даража беради.

Яна, ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилишда сабр ва сабот кўрсатса, қиёмат куни У, унга олти юздаража беради.

Ким дунёнинг машаққат ва мусибатларига чидаб, Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларига риоя қилса, У, жаннатда унга етти юз даража беради.

-Ақлли мусулмонга ярашадиган энг тўғри ҳаракат, бу — ҳар не суратда бўлса ҳам дунёда мусибатларга сабр қилмоқ ва ўз ҳолидан шикоят қилмасликдир. Чунки мусибатларнинг энг даҳшатлисига пайғамбарлар ва авлиёлар маъруз қолганлар. Жунайд Бағдодий (*Жунайд Бағдодий — Бағдодлик машҳур мутасаввиф, вафоти ҳижрий 297, милодий 909 йил (бундан кейин «ҳижрий», «милодий» сўзларини тушириб қолдирамиз ва 297/909 й. тарзида ишлатамиз*) — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! - дейдики:

-Бало ва мусибат орифлар (донолар) учун қандил, Аллоҳ йўлини изловчилар учун омил, иймонлилар учун бир ислоҳчи, ғофиллар учун эса ўлим хабарчисидир. Киши мусибатга дучор бўлганда розилигини намоён этмагунча ва сабр қилмагунча ИЙМОНдан маза топмайди.

Пайғамбарчмиз (с.а.в.) буюрадилар:

-Кимки бир кеча хасталансаю, сабр қилса ва Аллоҳга шикоятчи бўлмаса, онасидан туғилган кундагидай гуноҳларидан фориг бўлади. Эй умматим, хасталанган пайтингизда Аллоҳга шикоят қилувчи бўлманг!

Маоз ибн Жабал (*Маоз ибн Жабал - саҳоба, тўлиқ исми Абу Абдурахмон Ансорий ал-Ҳазражий ал-Жашмий, Муоз ҳам дейдилар. Бадр жанги ғозийларидан*) дан нақл этилган бир хабар бундайдир:

-Аллоҳнинг бир мўмин бандаси хасталикка мубтало бўлган чоғида, Аллоҳ гуноҳларини ёзиб борувчи фариштага амр беради:

- Торт қаламни унинг дафтарида! Савобларни ёзувчи фариштага шундай буюради:

- Бандам қилган амалларнинг энг чиройлиларини ёз! Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан ривоят қилинган бошқа бир хабар қуйидагича:

—Бирон иймонли банда хасталанган пайтида Аллоҳ унга икки малак юбориб, «Қараб боқинглар-чи? Бандам нималар деяпти!» - дейди. Агар банда: «Алҳамдулиллоҳ», - деса, Аллоҳ ўзи бундан воқиф бўлади, яна малаклар ҳам бу сўзни Раббига етказадилар. Шунда Аллоҳ буюради:

—Агар бандамни шу хасталик ҳолида ўлдирсам жаннатга қўяман. Агар шифо берсам зотини ва қонини покизароқ эт ва қонга айлантириб, гуноҳларини мағфират этаман!

Ибн Ото (*Ибн Ото - араб фақиҳи ва муҳаддиси, асли яманлик бўлиб, Маккада вояга етган. Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос кабилардан таҳсил олган, кейинчалик, Маккада муфтилик қилган даврида катта шухрат қозонган, 88 йил умр кўрган. Вафоти тахминан 115/733 й.*) дейди:

—Кешининг тўғри ё эгрилиги ва мўмин ё осийлига соғлик чоғида ва мусибат онида маълум бўлади. Агар соғ-саломат кунларида шукр қилсаю, мусибатга дучор бўлганида Аллоҳга қарши зорланаверса, у ғирт ёлғончилардандир. Агар бирон кимса катта олим бўлсаю, бошига андух шамоллари тушганда, дучор бўлган шу балолар туфайли Аллоҳга қарши шикоятланса, унга на илми, на гўзал амаллари фойда беради. Шунинг учун ҳам ҚУДСИЙ ҲАДИСда Аллоҳ буюради:

—Кимки менинг тақдиримга рози бўлмаса, бошига тушган кулфатлар туфайли шикоятланса, у ўзига Мендан бошқа илоҳ топиб олсин!

## НАФС ТАРБИЯСИ

Аллоҳ бир оятда шундай огоҳлантиради:

— **Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва ҳар бир жон эрта — Қиёмат куни учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир** (*Ҳашр сураси, 18-оят*) .



Эй инсон, билиб қўйки, доим ёмонликни хоҳлаб турадиган НАФС сенга шайтондан ҳам душманроқдир. Шайтон нафсингнинг ҳою-ҳаваси билан бўйнингга миниб олиб, сени Алдоҳнинг йўлидан чиқариши мумкин. Нафсинг эса сени беҳуда амаллар ва қуруқ хаёллар билан алдаб қўюр! Чунки НАФС табиатан тинчлик-осудаликни, лоқайдлик, ғафлат ва бепарволикни ёқтиради ва умрни танбаллик билан ўтказишни истайди. У доимо беҳуда ва ботил (бузук) нарсаларга ўралашади. Беҳуда кибрга берилади. Агар нафсингдан мамнун бўлиб, унинг хоҳишларига юрсанг, манзилинг фалокатдир, ўлимдир. Янглиш ҳисоблар ва хом хаёлларингдан хабардор бўлмасанг, охири чўкишинг муқаррардир. Агар , НАФСга «тўхта!» дейишга ожизлик қилсанг, у сени ёнғинга олиб боради. У ҳолда асло яхшиликка қайтиш умиди йўқдир. НАФС балоларнинг боши, разолатларнинг манбаидир. Шайтон учун гуноҳ хазинаси бўлган НАФСни яхши кўрган одам ЯРАТГАНни таний олмайди.

Инсон Аллоҳ йўлида нималар килгани тўғрисида, умрининг ўтган қисми устида ана шундай мулоҳаза юритса, бу мулоҳаза бир нави ўз қалбини ювиш бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

— Яхши мавзуда бир соат мулоҳаза қилмоқ, ўйламоқ бир йиллик ибодатдан яхшироқдир.

Имом Абуллайсининг тафсирида ҳам шундайдир.

Ақлли мусулмон бўламан деган одам ўтмишда қилган ё ҳозир қилаётган хатоларидан ва гуноҳларидан воз кечсин, ўзини Аллоҳга яқинлаштирадиган гўзал феъл-атворлар тўғрисида ўйласин ва уларга соҳиб бўлиб, охиратини қутқарсин, қуруқ ва охири номаълум амаллар қилмасин, ёмон феъл ва туйғуларни тарк этишга шошилсин, доимо Аллоҳни хотирада тутсин, ҳаром ва тақиқланган нарсаларга яқинлашмасин, нафсининг ғайри ахлоқий ва ғайри машруъ истакларидан қочиб, сабру сабот кўрсатсин, нафсининг ахлоқий бўлмаган шаҳвоний истакларига тобе бўлмасин!

Нафс тарбияси борасида буюқларимизнинг сўзлари:

*Ҳз. Сулайман (Ҳз. Сулаймон — Сулаймон алайҳиссалом исмлари Қуръонда келтирилган пайғамбарлардан бўлиб, Ҳз. Довуд алайҳиссаломнинг ўғлидирлар. Ота васияти билан Байт-ул-Мақдисни етти йилда иншо қилдирдилар. Қуддусда маҳобатли бир ҳукумат саройи қурдирдилар. 40 йил ҳам шоҳлик, ҳам пайғамбарлик қилдилар) алайҳиссалом:*

— Менимча, нафсини синдириб, тарбиялай олган кимса, ёлғиз ўзи бир шаҳарни босиб олган жангчидан ҳам кучлироқдир.

Ҳз. Али (р.а):

- Мен ва нафсим бир сурувнинг чўпонига ўхшаймиз. Чўпон сурувни бир томондан тўплайди, бир томондан сурув ёйилиб кетаверади. Ким нафсини ўлдириб, унинг истакларини тўхтатиб қололса, раҳмат кафанига ўралади ва каромат тупроғига дафн этилади. Кимки қалбини ўлдириб, ундаги илоҳий ва инсоний туйғуларни ҳалок этса, лаънат кафанига тикилади ва азоб тупроғига дафн этилади.

*Яҳё ибн Маоз (Яҳё ибн Муоз - машҳур авлиёлардан бири. Шу қадарки, улуғ шайхлар айтарканлар: «Ҳақ таолонинг икки Яҳёси бор: бири — пайғамбар, бири — авлиё». «Пайғамбар» деганда Ҳз. Яҳё алайҳиссаломни, «авлиё» деганда Яҳё ибн Муозни назарда тутарканлар. Мансабдорларга ҳасад билан эмас, ибрат кўзи билан, камбағалларга кибр билан эмас, шафқат кўзи билан, аёлларга шаҳват билан эмас, эъзоз кўзи билан қаровчи кишилар солиҳ инсонлар эканлигини Яҳё ибн Муоз айтганлар.):*

- Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларига мослашиш ва нафсининг завқу сафо орзусини синдириш учун нафсинг билан жиҳод қил! Оз ухла, оз сўйла. Бемаъни гапирмаслик, инсонларга ва бошқа жонзотларга азият бермаслик ва оз емак — буларнинг бари нафсининг ҳавойи истакларига ғов қўймоқ демакдир. Оз ухлаган одам тўғри тушуниш малакасига эга бўлади. Камгап одам бир қатор офатлардан омон қолади. Инсонларга ва бошқа жонзотларга азоб бермаган одам бир қатор мақсадларига етишади. Кам томоқ одам нафсининг шаҳвоний истакларини қийналмай бартараф қила олади. Тиқиб-босиб ейиш қалбни кўр қилади, унда

инсоний феъл атворларнинг йўқ бўлишига сабаб бўлади. Оз емак қалбни нурлантиради. Мечкайлик ва давомли тўқлик эса кишини Аллоҳдан узоқлаштиради. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) буюради:

- Қалбларингизни очлик билан нурлантирингиз, нафсингиз билан жиҳод қилиб, уни тарбиялай олмоқ учун очликни ва ташналикни қурол сифатида ишлатинг. Жаннат эшигига бош уришларни очлик билан давом эттиринг! Нафсни тарбиялаш учун унинг билан жанг қилган кишининг мукофоти жанггоҳда душман билан уришганнинг мукофоти сингаридир. Аллоҳнинг ёнида бўлмоқ учун нафсни очлик ва ташналик билан тарбиялашга интилишдан гўзалроқ амал йўқ. Кимки меъдасини узлуксиз тўлатиб юрса, маънавият оламига киролмайди. Маънавиятдан завқ ололмайди ва ибодатнинг тотини ҳам ҳис қилмайди.

Ҳз.Абубақр (Ҳз. Абу Бақр - асл исми Абдуллоҳ ибн Абу Қаххофа бўлиб, Абу Бақр Сиддик лақаби билан машҳурдир. «Чорёрлар» деб аталувчи дастлабки тўрт халифадан биринчиси. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг энг яқин саҳобалари ва қайноталари. Ҳз. Ойшанинг оталари. Милодий 572-634 йилларда яшаб, 633- 634 йилларда халифалик қилганлар.):

- Мусулмон бўлганимдан бери Раббимга ибодат завқини олиш учун тўйгунча овқат емадим. Яна Раббимга етишиш иштиёқида қонгунча сув ичмадим. Чунки кўп еган одам кўп ибодат қилолмайди. Инсон бўғзига тикилгунча овқат еса вужуди оғирлашади, кўзини уйқу босади! Аъзолари овора бўлиб қолади, кўп ибодат қилишни ният қилса ҳам бажаролмайди, қўлидан келадигани фақат уйқу бўлади.

МИНҲОЖУЛ-ОБИДИНда ҳам шундайдир.

Луқмони Ҳаким: (Луқмони Ҳаким - яна Луқмон алайҳиссалом ҳам дейилган. Қуръони каримда оти айтиб ўтилган буюк зотлардан бири бўлиб, ўғитлари ва ахлоқи, тиббий насиҳат сўзлари билан танилгандир. Пайғамбар Довуд алайҳиссалом даврида яшагани ривоят қилинади. Пайғамбарми ёки валий эканлиги хусусида ихтилоф бор. Қуръони каримнинг 31-сураси «Луқмон сураси» дейилади ва у Маккада нозил бўлгандир)

- (Ўғлига ўғит беради) Эй ўғлим! Кўп ухлама, кўп ема! Ким кўп ухлаб, кўп еса, қиёмат куни сўроққа хунук ҳолатда келади, ҳеч бир гўзал амали бўлмайди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

- Тўйгунча еб-ичиб, қалбларингизни ўлдирманг! Қалб бир ниҳолга ўхшайди. Ниҳолга ошиқча сув берилганда қандай сарғайиб сўлса ва ўсишдан тўхтаса, худди шундай қалб ҳам ортиқча сувдан ўлади, бундай одамда тоза фикр ва инсоний феъл-атворлар қолмайди.

Олимларнинг баъзилари меъдани қалбнинг остида қайнаётган ва буғларини қалбга қарата пуфлаётган бир танжарага (кострюлкага) ўхшатадилар. Буғ қанчалик кўп бўлса, босган жойни шунчалик безовта-беҳузур қилади ва қоронғилаштиради. Шунингдек, меъда ҳам қай даражада кўп, тўлатилган бўлса, шу даражада ортиқ қораяди ва кучсизланади. Ундан ташқари, кўп еган одамнинг акли заиф бўлади, илм ўргана олмайди. Чунки, доимий тўқлик ва мечкайлик ақлни кўр қилади.

Ақли бўлган одам нафсининг шаҳвоний ҳавасларини очлик йўли билан маҳв этади. Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларини оёқ ости қилган нафсни фақат очлик тарбиялай олади. Чунки ҳавойи орзулар, еб-ичишлар кишини тўғри йўлдан чиқариш учун шайтоннинг қўлидаги қуролдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) буюради:

- Шайтон инсоннинг қон томирларида айланиб юради. Унинг йўлини очлик билан тўсиб ташланг. Қиёмат куни Аллоҳга инсонларнинг энг яқин бўлгани кўпроқ оч ва ташна юрганлардан иборат бўлади (Бу ҳадис шундай шарҳланади: калорияси кучли ва кўп овқат ейувчи кимсалар тез йўлдан озадилар, чунки бу ҳолда қон серҳаракат бўлади. Нафс шундай ҳолга етадики, энди у ҳаром-ҳалол, машруъ-ғайримашруъ демай, ҳар нарсани ураверади. Ҳолбуки, эҳтиёж миқдорига риоя қилган ҳолда овқатланилса, нафс бузилмайди, одам йўлдан озмайди.)

Баъзи аҳли ҳикмат дейдики:

-Кимнинг нафси ғалаба қилиб, бўйнига миниб олса, у кимса нафсининг ҳавойи истакларига асир ҳисобланади. У мағлублар зиндонида қамоқдадир. Қалби яхши ва фойдали, эзгу амаллар ўйлаб тополмайди. Кимки вужуд шудгорини нафсининг ҳою-ҳаваси билан сўғорса, қалбига надомат ниҳолини эккан бўлади.

Аллоҳ жонлиларни уч тоифада яратган:

1- МАЛАКЛАР (ФАРИШТАЛАР): Аллоҳ малакларга фақат ақл берган, доимо ҳою ҳавасга амал киладиган нафс бермаган. Демак, малакларда гуноҳ қилишга мойиллик йўқ.

2- ҲАЙВОНЛАР: Аллоҳ ҳайвонларга биз тушунган маънода ақл бермаган, фақатгина нафс берган.

3- ИНСОНЛАР: Аллоҳ инсонларга ҳам ақл, ҳам нафс берган. Шундай бўлгач:

Инсон зоти учун энг катта хатар меъдадан ва ейиш-ичиш ҳирсидан келади. Одам ила Ҳаво - уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин - меъданинг ҳирси туфайли жаннатдан қувилиб, хорлик ва йўқлик майдонига отилгандилар. Чунки Аллоҳ уларга мева ейишни тақиқлаганди.

1. Кимнингки нафси ақлидан ғолиб келса ва шу нафсининг ҳавойи истакларига кўра ҳаёт кечирса, у ҳайвондан ҳам тубанроқ, яъни ҳайвонлар ундан яхшироқдирлар;

2. Кимники, ақли нафсидан ғолиб келса ва ҳаётини Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асослари доирасида ўтказса, у малаклардан ҳам устундир.

Нафсининг ҳавойи истакларига бўйсунган одам, агар у ҳукмдор бўлса, қул аҳволига тушади. Нафсининг ҳавойи ҳавасларига қаршр бориб, сабр қилган одам эса, қул бўлса ҳукмдор бўлади.

Бир кун Абулҳасан Розий (*Абулҳасан Розий - Ҳижрий П-Ш асрларда яшаган авлиёлардан бири.*) икки йил олдин вафот этган отасини тушида кўради. Эгнида қатрондан бир кийим бор эди. Отасига дедик:-

-Эй отажоним, нима бўлди? Нечун сизни жаҳаннамлик кишилар қиёфасида кўрмоқдаман?

Отаси шу жавобни беради:

— Эй ўғлим, нафсим мени жаҳаннамга етаклади. Эй ўғлим, нафсининг ҳийласидан сақлан!

**Ишратга ўчлигим жабр жонимга -Мубтало бўлдим-ку мен тўрт золимга. Булар: шайтон, дунё, нафс, ҳою-ҳавас.**

Лекин ким иймонини қочирган бўлса, Аллоҳнинг ғазабига учрайди, юзи қораяди, қўли бўйнига боғланади, оёғига оловдан кишан урилади; ейдигани, ичадигани ва киядигани оловдан бўлади.

## ҒАФЛАТ

Ғафлат надоматни ортттиради. Ғафлат неъматнинг қўлдан кетишига сабаб бўлади. Ғафлат Аллоҳ йўлини пардалайди. Ғафлат ҳасаднинг кучайишига, кишининг озорланишига сабаб бўлади.

Бир киши тушида устозини кўриб, сўрабди:

- Сизнингча, қандай пушаймон оғирроқ?

Устози:

— Ғафлат сабаб бўлган пушаймон? — деб жавоб берибди.

Яна бир киши тушида Зуннун Мисрийни (*Зуннун Мисрий — маърифат султони, ўз даврининг маънавияти соҳасида энг юксак чўққига кўтарилган олим, Пайғамбаримиз ҳадисларидаги «камбағаллигим билан фахрланаман» ғоясини ўз ҳаёти билан исботлаган, Миср халқига ўзини ярамас қилиб кўрсатгани туфайли даҳрий лақабини олган улуғ сиймо эди (ўлими 245/859 й.)*) кўради ва шундай савол беради:

-Аллоҳ сенга нима деди?

Мисрий жавоб айлади:

— Мени ўз ҳузурда тикка турғазиб, шундай деди: «Эй ёлғончи, мени севганингни иддао

қилардинг, ундай бўлса кейин нега ғафлатда ётдинг?!»

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Энг фазилатли жиҳод нафс тарбияси учун қилинган жиҳоддир, - деб марҳамат қилгандар.

НАФС инсонни ҳар он тўғри йўлдан оздириши мумкин, шу боис у билан тинимсиз курашиш керакдир.

НАФС ва уни васвасага солувчи шайтон эса қўзга кўринмайди. Кўриниб турган душман билан олишиш кўринмаётган душман билан олишишга қараганда осонроқки, буни айтиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Яна, васвасачи шайтон инсонда ўзига ёрдамчи топади. Бу нафснинг ҳавойи орзуларидир.

Агар шайтон ва нафс инсонни йўлдан оздирса, у киши Аллоҳнинг азобига дучор бўлади. Айнан шу борада бир ҳикматли сўз бор. Айтадиларки:

— Кимнинг жанг майдонидан оти қочса, душманнинг қўлига тушади. Кимнинг ўзидан иймони қочса, Аллоҳнинг азобига учрайди. Иймонни қочирмаслик учун Аллоҳга сиғинамиз.

*Ғафлатдасан, қалбинг адашмоқда,*

*Умринг ўтди, гуноҳларинг қалашмоқда.*

Солиҳлардан бири тушида отасини кўради, аҳволини сўрайди ва олган жавоби шу бўлади:

— Эй ўғил, ғафлат ичида яшадик, ғафлат ичида ўлдик. Ёқуб алайҳиссалом (*Ёқуб алайҳиссалом - Қуръонда номи келтирилган пайғамбарлардан. Юсуф алайҳиссаломнинг отаси ва Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғлидир. Яна бир оти Исроил бўлгани сабабли бу сулоладан тарқалганларни Исроил ўғиллари ёки Бани Исроил дейилади. Катта ўғлининг оти Яҳуд бўлганидан улар яҳудийлар ҳам дейилгандир.*) билан ўлим фариштаси Азроил биродарлардек учрашиб туришарди. Бир куни Азроил зиёратта келганида, ораларида шундай суҳбат бўлиб ўтди: Ҳз.Ёқуб:

— Эй ўлим фариштаси, зиёратга келдингми ё жонимни олганими?

Ўлим фариштаси:

— Зиёратга келдим.

Ҳз.Ёқуб:

-Сендан бир талабим бор. Ўлим фариштаси:

-Нима экан у? Ҳз.Ёқуб:

-Ажалим яқинлашиб, жонимни олмоқчи бўлганингда менга сал олдинроқ хабар берсанг...

Ўлим фариштаси:

- Жуда соз. Сенга икки ё уч хабарчи юбораман.

Бу суҳбатдан бирмунча вақт ўтгач, Ҳз.Ёқубнинг ажали яқинлашди. Ўлим фариштаси яна келди. Ҳз.Ёқуб сўради:

— Зиёрат мақсадида келдингми ё жонимни олганими?

Ўлим фариштаси:

- Жонингни олгани!

Ҳз.Ёқуб:

-Ахир, сен менга олдиндан хабар бермоқчи эдинг-ку?!-

Икки ё уч хабарчи юбораман-дегандинг... Қани хабар берганинг?

Ўлим фариштаси:

- Мен айтганимни килдим:

1. Сочларинг олдин қора эди, оқарди. 2: Вужудинг олдин кучли эди, кейин қувватдан қолди. 3. Қаддинг олдин тик эди, энди букилди. Эй, Ёқуб, мана санга уч нарса, ўлимдан олдин инсонларга менинг юборган хабарчиларимдир.

*Ойу йиллар ўтади, гуноҳларинг ортади,*

*Қалб Азроил келганда, ғафлат босиб ётади.*

*Дунёдаги неъматларинг - кибру надомат,*

*Мангу қолмоққа дунёда йўқ имконият.*

Абу Али Даққоқ (*Абу Али Даққоқ - ҳижрий II-III аср мутасаввифларидан бири. Унинг сабр, таваккул, тақво, Аллоҳдан қўрқиш - кўз ёши, маъюслик мавзуларидаги асарлари тасаввуф оламида машҳурдир*) ҳикоя қилади:

— Бир солиҳ зот бор эди. Замонасининг буюк олими эди. бир пайт хасталанди. Кўргани бордим. Атрофида талабалари ўтирган эди. У зот эса йиғлар эди.

Дедим:

— Эй устод, нега йиғлайсиз? Дунёдан кўчаяпман дебми?

Деди:

— Йўқ, дунёдан кўчаётганимга эмас, намозимни мазмунсиз ўтказганимга йиғлайман.

Дедим:

— Яъни қандай? Сиз намозингизни тўла-тўқис адо этардингиз-ку?! Деди:

-Ҳа, тўқис намоз ўқирдим. Фақат бугунгача доим ғафлатда сажда қилдим, ғафлатда саждадан бошимни кўтардим. Мана энди ғафлатда ўляпман.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан нақл этилган бир хабар шундайдир: -Аршда шу шаклда ёзув бор:

-Мен (Аллоҳ) менга итоат этганнинг истакларини бераман, ишини йўлга қўяман. Мени севганни севаман. Мени чақирганга жавоб бераман. Афв тилаганни афв этаман.

Ақлли мусулмон Аллоҳдан қўрқади, унга итоат этади. Ибодатларини ёлғиз Аллоҳ учун қилади. Унинг ҳукмига ва тақдирига рози бўлади. Бошига тушган мусибатларга сабр қилади. Эришган неъматларининг шукрини қилади. Аллоҳнинг берганига қаноат этади. Ҳаром ва ғайриқонуний йўл билан топилган фойдаларга илтифот қилмайди.

Аллоҳ таоло қудсий ҳадисда буюрадики:

-Ким Менинг ҳукмимга ва тақдиримга рози бўлмаса, балоларга сабр қилмаса, неъматларимга шукрона билдирмаса ва берганимга қаноат қилмаса, у ўзига Мендан бошқа илоҳ топиб олсин!

Бир киши Ҳасан Басрий (*Ҳасан Басрий - энг атоқли тобеинлардан бўлиб, ҳадис ва фикҳда буюк олимлардандир. Ҳижрий 21 йилда туғилган. Ўлими 110/728 й. Ҳэ. Алининг қўл остида тарбияланган. Саҳобалардан 130 зот билан учрашган. Басрада дафн этилган*) га:

- Мен Аллоҳ йўлида бўлишдан завқ олмайман! - деганида, Ҳасан Басрий:

- Эҳтимол, сен ўзида Аллоҳ қўрқуви бўлмаган бир одамнинг юзига қараган бўлсанг керак, - деб жавоб берган экан.

Бошқа бир киши айни сўроқни Боязид Бастомий (*Боязид Бастомий - зоҳидлик ва тасаввуфга янги ўлчов, янги мезонлар олиб кирган сўфийлардан биридир. Унинг тасаввуфий ҳаётида сархушлик, шиддаткорлик, юксак ҳаяжон, дунёнинг ўткинчилигини ёдда тутиш ҳоллари ҳукм суради. Ана шу хусусиятлари билан Ҳаллож ва ибн Арабийга таъсир ўтказган. Вафоти 261/874 й.*) га берганида мана бу жавобни олган эди:

-Сен Аллоҳга эмас, итоатга ибодат киласан. Ибодатдан завқ олмоқчи бўлсанг, итоатга эмас, Аллоҳга ибодат эт.

Бир одамнинг қопи йўқолади, кимга берганини ҳеч эслаёлмайди. Бир кун намоз ўқиётганда қопи кимдалиги эсига тушиб қолади. Намозни битирганда қулига қараб бақиради:

- Ҳой, фалон кишиникига бор, қопимизни сўра!

Қул:

- Қоп ундалигини қачон эсладингиз?

Хожа:

— Намозда!

Қул:

— У ҳолда сиз ибодат қилмай, қоп қидирибсиз!..

Қулнинг бу гўзал танбеҳи ва тўғри эътиқоди туфайли хожаси уни озод этади.

Ақли бор одам қалбини дунёга эмас, Аллоҳга беради.

Оқибатни ўйлайди ва охират учун ҳозирлик кўради. Шунинг учун ҳам Раббимиз буюради:

— **Ким охират экинени истар экан, биз унга экиннинг ҳосилини мўл-зиёда қилурмиз. Ким дунё экинени истар экан, биз унга ўшандан (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирон насиба бўлмас!** (*Шўро сураси, 20-оят.*)

Мол-мулкка муккасида кетган инсоннинг қалбида Аллоҳ севгиси ва охират қайғуси бўлмайди. Ҳз. Абубакр — Аллоҳ ундан рози бўлсин! - қалбидаги Аллоҳ севгисига ҳалал бермасин учун мол-мулкдан қирқ минг динорини яширинча, қирқ минг динорини ошкора садақага берганди. Шундайки, охирида ўзи ҳеч нимасиз қолганда севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳамда ул зотнинг оила аъзолари дунё севгисидан ва дунёга берилишдан (топинишдан) қатъиян сақланишарди, қалбларида ёлғиз Аллоҳнинг муҳаббати ҳукмрон эди. Ана шу сабабларга кўра Аллоҳнинг Расули Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳз.Фотимани турмушга чиқарганларида сеп сифатида фақатгина ошланган бир қўчқор пўстаги ила ичида хурмо дарахти пўстлоғининг толалари бўлган бир ёстиқ совға қилгандилар, холос.

## ОЛЛОҲНИ УНУТМОҚ

Аллоҳ буюрадики:

— **Сизлар Аллоҳни унутиб қўйган (яъни, У зотнинг амр-фармонларига итоат этмаган), бас (шундан кейин, Аллоҳ) уларга ўзларини ҳам унуттириб қўйган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ўшалар фосиқ-итоатсиз кимсалардир** (*Ҳашр сураси, 19-оят.*)

Бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўрашди:

— Мўмин ким-у, мунофиқ ким?

Расулulloҳ буюрдилар:

— Мўмин намоз ўқийди, рўза тутади. Мунофиқ кимса ҳайвондай еб-ичади, намоз ўқимади ва Аллоҳнинг ўртага қўйган ахлоқ асосларига зид ҳаёт кечиради. Мўмин музтариб (изтиробда қолган) ва қийналаётганларга ёрдам бериш ва Аллоҳдан мағфират тилаш билан машғулдир. Мунофиқ эса ҳою-ҳавас кетида, очкўзлик билан чор тарафга ташланиш билан машғулдир. Мўмин ёлғиз Аллоҳга суянади, ундан бошқасини ҳақиқий ҳалоскор деб билмайди. Мунофиқ эса Аллоҳдан бошқа ҳар нарсага сиғинади, ёлғиз Аллоҳга таваккул қилмайди. Мўмин динини пулга ва мол-мулкка сотмайди, олдин дин-иймон, сўнгра мол-мулк ва пулдир. Мунофиқ эса динини пулга сотади, унинг учун пул ва мол-мулк диндан ҳам, иймондан ҳам устун туради. Мўмин Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зотдан қўрқмайди, мунофиқ эса, Аллоҳдан бошқа ҳар кимдан қўрқади. Мўмин гуноҳ қилишдан сақланади, Аллоҳ учун кўз ёши тўқади. Мунофиқ эса, гуноҳ қилишдан тоймайди, доимо кулади. Мўмин ёлғиз қолиб, қалбида Аллоҳ севгисини кучайтиришни яхши кўради. Мунофиқ ёлғизликни севмайди, тинимсиз инсонлар билан аралашиб ўтиришдан роҳатланади. Мўмин тузатишни, ислоҳни севади, бузғунчиликдан тийилади, мунофиқ эса бузғунчиликни севади ва бу бузғунчиликнинг охирида хайрия тўпламоқчи бўлади. Мўмин фақат Аллоҳнинг амри бўлгани учун ёмонликларга тўсқинлик қилади, эзгу амаллар қилинишини истади. Мунофиқ эса ўз манфаатини кўзлаб тўсқинлик қилади ёки буюради. Ҳатто ёмон нарсаларни ташвиқ қилади, яхши нарсалар йўлига ғов бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ буюради:

-Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар бир-бирларидандирлар (бир-бирларини давом эттирадилар).

Улар ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан тўхтатадилар ва (Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилишдан) қўлларини тиядилар. Улар Аллоҳни унутишгач, Аллоҳ ҳам уларни унутади. Албатта, мунофиқлар фосиқ-итоатсиздирлар".

- **Аллоҳ мунофиқ ҳамда иймонсизларга улар абадий қоладиган жаҳаннам оташини ваъда қилдики, ўша улар учун етарлидир. Аллоҳ уларни раҳматидан четга**

**чиқарди. Улар учун битмас-туганмас азоб бордир** (*Тавба сураси, 68-оят.*).

- **Албатта, Аллоҳ барча мунофиқ ва иймонсизларни жаҳаннамга жамлагувчидир** (*Нисо сураси, 140-оятнинг сўнги*).

Иймонсизлар ва мунофиқлар куфр қилаётганларида ёки нифоқ кўтарган пайтларида ўлсалар, улар учун абадий жаҳаннам азоби бордир. Кўрилганидек, оятда олдин «муно-фиқлар» келган. Чунки мунофиқлар иймонсизлардан ҳам шарир (бузуқи) ва хатарлидирлар.

Яна Раббимиз буюради:

— **Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз!** (*Нисо сураси, 145-оят*)

Ҳадисда шундай буюрилган:

— Мунофиқ икки бегона сурув орасида қолиб, бир у сурувга, бир бу сурувга қўшилмоқчи бўлган, лекин ҳар икки сурувда ҳам бегона бўлгани учун уларнинг ҳеч бирига киролмаган қўйга ўхшайди.

Шунга ўхшаб, икки юзлама инсонлар (мунофиқлар) ҳам ёт бўлиб қоладилар: на иймонлилар ёнида барқарор тура оладилар, на иймонсизлар ёнида!..

Аллоҳ жаҳаннамни ётга қават қилиб яратди ва шундай буюрди:

— **У кимсаларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой, шак-шубҳасиз жаҳаннамдир. Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозадан уларнинг бир тўдаси кирур** (*Ҳижр сураси, 43-44-оятлар*)

Жаҳаннамнинг темир дарвозалари лаънат билан ёпилгандир. Усти мисдан, ости қўрғошиндандир. Асосларида азоб бордир. Жаҳаннам аҳли пастдан-юқоридан, ўнгдан-сўлдан, табақа-табақа алангаи оташга дучор бўладилар. Энг остки табақа мунофиқлар учун ҳозирлангандир.

Бир кун Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз (с.а.в.) қошига келади. Аллоҳ Расули: «Эй Жаброил! Менга жаҳаннам оловини ва унинг ҳароратини таърифлай оласанми?! - деб сўраганда, шу жавобни оладилар.

—Аллоҳ жаҳаннам оташини яратди ва минг йил ёқди, у кип-қизил ҳолга келди. Сўнгра минг йил яна ёқди, оппоқ ҳолга келди. Ундан кейин минг йил яна ёқди, қора ҳолга келди. У тим қоронғилиқдир. Эй Муҳаммад, сени пайғамбар этиб юборган Аллоҳга онт ичиб айтаманки, агар жаҳаннам аҳлининг кийимларидан бир либос ер юзига чиқса, бутун инсонлар ўлади; жаҳаннам сувидан бир кўза сув ер юзининг сувларига қўшилса, ундан ичган ҳалок бўлади. Агар Аллоҳнинг

—**Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!** (*Ал-Ҳааққа сураси, 32-оят*) — оятида айтган занжирлардан бир гази (тахм. чорак кам бир метр) дунё тоғларидан бирининг устига тушса, муқаррарки, тоғ эрирди. Агар бир инсон жаҳаннамга тикилиб, кейин дунёга чиқарилса, ер юзидаги барча инсонлар унинг захарли хидидан ўлардилар.

Аллоҳни ва унинг буюклигини таниган одам ундан қаттиқ қўрқади ва келгусида азобга дучор бўлмаслик учун нафсини ҳозирдан тарбиялаб боради ва қилган гуноҳлари устидаги пардалар очилиб, Аллоҳ ҳузурига келтириб муҳокама қилиниши натижасида жаҳаннамга отилмасидан бурун илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилади. Неча-неча мўйсафидлар борки жаҳаннамда: «Воҳ кексалигим!» — деб бақиради. Неча-неча ёшлар борки: «Оҳ, ёшлигим!» — дея фиғон қилади. Неча-неча хотинлар борки: «Оҳ, разилликларим!» — дея ғужанак бўлади. У ерда ҳаммасининг юзлари ва вужудлари қоп-қора, беллари синиқ бўлади. На катталарга иззат-икром, на ёшларга марҳамат қилинади!.. Хотинларга ҳам, шубҳасиз, ҳеч қандай шафқат бўлмайди.

Аллоҳим! Бизни оташдан, оташда ёнишга сабаб бўладиган ҳар турли амалдан ўзинг асра. Бизга марҳамат қил! Эй афв этувчи Аллоҳим! Биздан марҳаматингнй дариг тутма, бизни яхши кишилар ёнида жаннатингга қўй! Аллоҳим, айбларимиздан ўт, бизни қўрқувлардан халос эт!

Аллоҳим, қабоҳатларимизни назарга илма! Бизни ўз ҳузурингда разил этма, раҳмонларнинг раҳмони! Пайғамбаримиз Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.)га ва унинг гўзал ахлоқига эргашганларни икки дунёда омон сақла!

## ТАВБА

Эркакми, хотинми, қатъий назар ҳар бир мусулмонга тавба қилиш вожибдир. Аллоҳ буюради:

— **Эй, мўминлар, холис тавба қилиб, Аллоҳга қайтинглар. Шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У КУНда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин: Албатта, Сен барча нарсага қодирдирсан»,** - дерлар (*Нисо сураси, 145-оят. Марям сураси, 71-оят. Таҳрим сураси, 8-оят. Ҳашр сураси, 19-оят.*)

Бу оятда айтилган «ҚАЙТИНГЛАР» амри вужиб (зарурат) учундир. Яна Аллоҳ буюради:

— Сизлар Аллоҳни унутиб қўйган бас (шундан кейин Аллоҳ) уларга ҳам ўзларини унуттириб қўйган кимсалар каби бўлмангиз. Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир (*Ҳашр сураси, 19-оят.*).

Фосиқлар Аллоҳнинг йўлидан чиққан кишилардир ва икки қисмдан иборатдирлар:

1. Иймонсиз фосиқлар.
2. Фожир фосиқлар.

Иймонсиз фосиқлар Аллоҳга ва пайғамбарларига инонмайдилар. Аллоҳнинг тўғри йўлидан чиқадилар, бузук йўлларга кирадилар. Бу борада Раббимиз буюради:

— **Фақат Иблис сажда қилмади. У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйинсунишдан бош тортди** (*Каҳф сураси, 50-оятнинг бир қисми*).

Фожир фосиқ ичкилик ичади, ҳаром ейди, зино қилади ва бошқа хусусларда Аллоҳга қарши боради. Ибодат йўлидан чиқади, маъсият (гуноҳ) йўлига киради. Фақат Аллоҳга шерик қилмайди.

Иймонсиз фосиқ билан фожир фосиқ орасидаги фарқ шудир:

Иймонсиз фосиқнинг ўлмасдан олдин иймонга келиб, то тавба қилмагунча афвга сазовор бўлишдан умиди йўқдир. Фожир фосиқ эса ўлмасдан олдин тавба қилса, афв этилишдан умиди бордир. Чунки нафснинг шаҳвоний ҳою-ҳавасидан юзага келган кичик гуноҳнинг афв этилишидан умид қилиш мумкин. Кибр ва ғурурдан юзага келган катта гуноҳнинг эса афв этилишидан умид йўқдир. Иблис гуноҳининг асли кибрдан эди.

Шундай бўлгач, эй мусулмон, ўлмасдан олдин ёмон феъл-атворларни тарк этишинг, яхши ва гўзал феъл билан нақшланишинг сенинг зиммангдаги вазифадир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ буюради:

— **У бандаларидан тавба-тазарруъ қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қилаётган ишларингизни биладиган зотдир** (*Шўро сураси, 25-оят*).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюради:

— Гуноҳлардан қайтиб, ёмон феъл-атворларини яхши феъл-атворлар хирмониغا айлантирганлар гуноҳ қилмагандай бўлиб кетадилар.

Абу Ҳурайра (*Абу Ҳурайра — Пайғамбаримиз (с.а.в.)га жон-жаҳпи билан хизмат қилган ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ила бутун жанглarda иштирок этган. Ул зотдан 5374 та ҳадиси шариф нақл қилинган. Вафоти 75/678 й. Мадина*) ҳикоя қилади:

— Бир кеча Аллоҳ Расули (с.а.в.) билан бирга хуфтон намозини ўқигандан кейин уйга қараб кетаётган эдим, кўчада қаршимдан бир хотин чиқиб қолди ва менга дедими:

— Эй Абу Ҳурайра, мен бир гуноҳ иш қилиб қўйдим. Тавба қилсам, яна йўлин очилармикин?



Мен:

— Нима гуноҳ қилдингиз? — деб сўрадим.

— Ғайри шаръий муносабатда бўлдим ва бу муносабатдан бўлган болани ҳам ўлдирдим.

— Ўзинг ҳалок бўлибсан, - дедим хотинга, - болани ҳам ўлдирибсан. Сен учун тавба йўли берк

Бу гапларимни эшитган хотин ақлдан озаёзди. Мен эса жўнаб кетдим. Фақат кейин ўз-ўзимга:

— Мен фатво бердим. Ҳолбуки, Расулulloҳ ичкарида. Балки, мен янглиш фатво бергандирман. Кириб Расулulloҳга бу масала ҳақида арз қилай, - дедим ва унинг ҳузурига бордим. Фатвомни айтганимда, Аллоҳ Расули менга шундай деди:

— Ўзингни ҳам ҳалок қилибсан, хотинни ҳам!.. Мана бу оятлардан хабаринг йўқми эди?

— Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу гуноҳлардан биронтасини қилса уқубатга дучор бўлур.

— Қиёмат қунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур.

— Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, яхши амаллар ила машғул бўлса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Аллоҳ Мағфиратли, меҳрибон зотдир

— **Ким тавба қилиб, яхши амаллар қилса, бас албатта у Аллоҳнинг ризо-мағфиратига қайтган бўлур** (*Фурқон сураси, 68-71-оятлар*).

Шунда янглиш фатво берганимни англадим. Расулulloҳнинг ёнидан чиқдим-у:

— Э воҳ, мендан фатво олган хотинни энди ким менга топиб беради?! — деб фарёд кўтардим.

Болалар: «Абу Ҳурайра жинни бўлиб қолибди!» — дея пичирлашарди. Кейин зир югуриб кетдим ва хотинни топиб, масалани тушунтирдим. У севиниб чинқириб юборди!

Сўнгра:

— Менинг бир боғим бор, - деди, - уни Аллоҳ ва унинг Расули учун садақага бераман!

Утбат-ул-ғулом деган бир киши бор эди. Фиску фужур аҳлидан эди. Бузғунчиликда ва шаробхўрликда унга етадигани йўқ эди. Ана шу фасодчи. ва майхўр одам бир кун Ҳасан Басрийнинг даврасига кирди. Ўша онда Ҳасан Басрий мажлисдагиларга:

— **Иймон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган Ҳақ-Қуръонга мойил бўлиш вақти келмадими? Илгари китоб ато этилган эди, сўнгра орадан шунча вақт ўтди, энди диллари қотиб қолган кимсалар каби бўлиб қолмасинлар! Уларнинг кўпчилиги фосиқ-итоатсиздирлар!** (*Ҳадид сураси, 16-оят*) — мазмунидаги оятни ўқиётган эди. Оятни битиргандан кейин чиройли бир суҳбат қилди, шундай суҳбатки, бутун жамоатни йиғлатди. Шу орада бир ёшгина йигит ўрнидан турди ва Ҳасан Басрийга хитобан шундай деди:

— Эй мўминларнинг энг гўзал ахлоқлиси! Аллоҳ, мендай фисқ-фужур соҳиби гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қилишни билдирадими?

— Ҳа, азаматим, агар бошқа бундай қилмаслик шарти билан ёмон феъл-атворларингни тарк этсанг ва Аллоҳдан авф тиласанг, сени ҳам авф этади.

Йигит бу сўзларни эшитганда ранги ўчиб, сап-сарик бўлиб кетди. Ҳар ҳужайрасининг туклари типпа-тик бўлди. Бир «оҳ» тортиб, ҳушини йўқотди. Узига келганда Ҳасан Басрий унга яқинлашди ва шу байтларни ўқиди:

*Эй Аллоҳга қарши йигит, осий санғи,  
Гуноҳкорнинг жазоси не, биласанми?  
Осийларнинг жойи - САИР, Ёнар ўзи,  
Шиддатли ўт ичра пишар гўзал юзи.*

*Малли, ўтда ёнай, десанг ҳақни унут...  
Ё ўзингни гуноҳлардан узоқда тут.  
Аллоҳингга қарши гуноҳ қилган бўлсанг,  
Тавба қилки, гаровдаги оддий қулсан!*

Саир — жаҳаннамдаги етти табақанинг олтинчиси.

Шу пайт Утбат-ул-ғулом ҳам бир «оҳ» кўтариб, ҳушидан кетди. Ўзига келганда Ҳасан Басрийга юзланиб:

— Эй устод, - деди. — Кўп марҳаматли бўлган Аллоҳ мендай гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиладими?

Ҳасан Басрий:

— Ўзига жафо қилган банданинг тавбасини афви мўл бўлган Аллоҳдан бошқа ким ҳам қабул эта оларди? - деди.

Шундан кейин Утбат-ул-ғулом бошини кўтариб, Аллоҳга уч хил дуо ўқиб ёлворди:

1. Аллоҳим, агар тавбамни қабул қилиб, гуноҳларимни афв этган бўлсанг, менга тушуниш-ўрганиш ва ўрганганимни муҳофаза этиш қобилиятини берки, ўзлаштирганим ҳар илмий асосни ақлимда тутай.

2. Аллоҳим, менга шундай гўзал бир овоз берки, менинг Қуръон ўқишимни эшитган ҳар кимсанинг — қалби қайғуга чўмган бўлса ҳам — қалбида меҳр ортсин!

3. Аллоҳим, менга ҳалол ризқ насиб эт ва ўзим кутмаган жойдан ризклантир.

Аллоҳ унинг бу дуолари қабул бўлишини билдирди. Йигитнинг тушуниш қобилияти ва закоти ортди, ўрганган илмий асосларини ҳеч унутмайдиган бўлди. Унинг Қуръон ўқишини эшитган ҳар киши тавба қилар, ёмон феълларидан воз кечар эди: Ҳар кун уйига бир коса шўрва билан икки лочира келарди. Булар каердан ва ким томонидан юборилганини ҳеч кимса билмас эди. Бу ҳол ўлимига қадар давом этди.

Бинобарин, ёлғиз Аллоҳ учун ёмон феълларидан воз кечиб, илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилганларнинг ҳаёти шундайдир. Чунки Аллоҳ ёмон феълларни тарк этиб, яхши феъл-атвор билан нақшланган ва гўзал амаллар адо этганларнинг мукофотини бекор қилмайди.

Бир олимдан сўрабдилар:

-Бир кимса тавба қилган чоғида тавбаси қабул қилинган ё қилинмаганлигини билиши мумкинми?

Олим шундай жавоб берди:

- Йўқ, қабул қилингани ёки рад этилгани тўғрисида кескин бир ҳукм чиқарилиши мумкин эмас. Лекин қабул этилганини кўрсатувчи баъзи бир аломатлар бор:

1. Киши ўзида гуноҳ қилишга майл бўлмаётганини кўради.

2. Қалбидан хотиржамлик кетганини кўради, ҳар нарсада Аллоҳни ҳозир уноқ қолди.

3. Тўғри ва яхши ахлоқли кишилар билан бирга юради, ёмон феълли кишилардан ўзини узоқ тутди:

4. Очқўзлик қилмайди. Оз бўлса ҳам ҳалол йўл билан топганига қаноат қилади. Ўзининг озгина бўлса ҳам ҳалол йўл билан топгани унинг кўзига кўп кўринади, лекин қилган хайрли ва гўзал амаллари кўп бўлса ҳам унинг кўзига оз кўринади.

5. Қалби доимо Аллоҳ фарз қилган нарсалар билан банд бўлади. .

6. Динини ёмон-кўзлардан ҳимоя қилади.

7. Давомий тафаккур ҳолида юради.

8. Ўтмишда қилган гуноҳлари туфайли надомат ичида юради.

## СЕВГИ-МУҲАББАТ

Ҳикоя қиладиларки:

-Бир одам чўлда кезиб юраркан, бир бадбашарани кўради ва ундан: «Сен кимсан?» - деб сўрайди. Бадбашара: «Мен сенинг ёмон амалларингман!» — дейди. У одам:

«Сендай бадбашарадан қутулишнинг иложи борми?» - деб сўраганда:

-Бор, бунинг учун Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг гўзал ахлоқига эга бўлишинг ва унга салоту салом йўллашинг керак!.. — жавобини-олади.

Пайғамбариимиз (с.а.в.) буюрадилар:

-Менинг ахлоқимга мослашмоқ, бу - қиёмат куни Сирот кўпригида бир нурдир. Ким менинг ахлоқимга эргашса ва жума куни менга саксон марта салоту салом йўлласса, Аллоҳ саксон йиллик гуноҳини афв этади.

Ҳикоя қиладиларки:

-Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ахлоқи билан ахлоқланмаган бир одам бир кун тушида Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўради, лекин Аллоҳ Расули (с.а.в.) унга ҳеч эътибор бермайди. Одам дейди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Мендан хафамисиз? Пайғамбар:

-Йўқ. Одам:

- У ҳолда нега менга қарамаяпсиз? Пайғамбар:

- Чунки сени танитайман! Одам:

-Нега танитайсиз? Мен сизнинг бир умматингизман. Ҳолбуки, олимларнинг айтишича, сиз ҳар бир умматингизни она ўз фарзандини танигандан ҳам яхшироқ танир экансиз.

Пайғамбар:

-Тўғри айтишган. Лекин мен сенда менинг гўзал «ахлоқимдан бирон аломат кўрмайпман ва сенинг менга ҳеч салоту саломинг келмади. Менинг умматимдан бирини танишим ахлоқимнинг унда қай даражада борлигига ҳам боғлиқ.

Одам уйғонганда буларни ўйлади ва шу онданоқ Пайғамбар (с.а.в.) нинг гўзал феъл-атворларини ўз ҳаётига татбиқ этишга киришди. Бир муддат ўтгач, такроран Аллоҳ Расули (с.а.в.) ни тушида кўрди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) дарҳол:

-Энди сени танидим, сен учун шафоат қиламан! - деб буюрдилар.

Чунки энди у Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни севар, Унинг гўзал ахлоқига мослашган эди. Раббимиз ҳам буюради:

**-Айтинг (Эй, Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсанглар, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгвчи, меҳрибондир» (Ол-и Имрон сураси, 31-оят)**

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Каъб ва Ашраф(Каъб ибн Ашраф - Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муҳолифларидан бўлиб, мусовийликнинг кучли тарафдорларидан эди. Бадр жангининг натижасидан қаттиқ таъсирланиб, Маккада исломга қарши кураш олиб борган, кейинчалик Мадинага ҳам келиб, мусулмон хотинлар номидан Расулulloҳ (с.а.в.)га шеърий-ишқий мактублар ёздириб, турли-туман бўҳтонлар уюштирган эди. Ҳижрий 4-йилда ўлдирилган) ва унинг одамларини динга даъват этардилар. Улар эса: «Биз Аллоҳни жуда қаттиқ" севамиз!» - дейишарди. Ана шу ҳодиса юқорида мазмуни келтирилган оятнинг нозил бўлишига сабаб бўлди.

Пайғамбарга эргашмоқ Аллоҳ унга ўргатган ва у эса инсониятга тақдим этган илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилмоқ демақдир.

Мўминларнинг Аллоҳни севиши унинг амрига итоат этишлари ва фақатгина унинг ризосини ўйлаб иш кўришлари демақдир.

Аллоҳнинг мўминларни севиши эса уларни афв этиши, мукофотлаши, раҳмати ва тавфиқи билан уларга икром кўрсатиши демақдир.

Ким тўрт нарсани даъво қилсаю, тўрт нарсага амал қилмаса, у ёлғончидир.

1. Жаннатни севаман-десаю, Аллоҳга итоат этмаса. ;

2. Ҳазрат Пайғамбарни севаман десаю, унинг гўзал ахлоқига эргашмаса, эзилганларни ва

фақиру бенаволарни севмаса.

3. Жаҳаннамдан қўрқаман десаю, гуноҳ қилишдан чекинмаса.

4. Аллоҳни севаман десаю, мусибатларга дучор бўлганда инграб зорланишдан тийилмаса...

Зотан, Робиа-и Аъдвиййа (*Робиа-и Аъдвиййа - Робиатул-Одавиййа ҳам дейилади. Бошқа исломий илмларда бўлгани каби, тасаввуфда ҳам хотинларнинг алоҳида ўрни бор. Унгача мутасаввифлар ижодида Аллоҳдан қўрқув мавзуи кенг ўрин эгаллаган бўлса, бу мутасаввиф аёл ижодида Аллоҳга муҳаббат мавзуи етакчи ўринга чиқади. Ўзи Басрада туғилган, оиланинг тўртинчи қизи бўлгани учун, отини Робиа (тўртинчи) қўйишган. Тасаввуфдаги ўткир қарашлари туфайли катта шуҳрат қозонган. Фаридиддин Аттор Пайғамбаримиз с.а.в.нинг «Аллоҳ йўлидаги аёл эрдир» деган ҳадисларини келтириб, «Робиа ўз замонида Хақ муомаласи ва маърифати бобида беназир эди», дейди. Орвупода танитилган илк ислом сўфийси Робиадир (XIII аср). Шарқда ҳам, Фарбда ҳам у ҳақда талай бадиий асарлар ёзилган. Вафоти 185/804 й.) шундай дейди:*

*«Севаман!» дейсану, этасан исён,  
Бу ҳолинг ажойиб, бўламан ҳайрон.  
Итоат қилгин-да, севсанг гар албат  
Севган суйганига этар итоат.*

Чиндан ҳам, севгининг аломати — суйганига мослашмоқ ва севгилиси ёқтирмаган хатти-ҳаракатлардан тийилмоқдир.

Бир кун улуғларимиздан бири Шиблий (*Шиблий - Ўлими 334/945 й. Бағдоддикдир. Жунайддан ксйин тасаввуф тушунчасининг камол топишида энг кўп хизмат кўрсатганлардан биридир*) нинг ҳузурига - Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин устига! - бир жамоат келади. Шиблий:

— Сизлар кимсизлар? — деб сўрайди.

Улар:

— Сизнинг дўстларингиз бўламиз, - деб жавоб беришди. Бу жавобни эшитган Шиблий ўгирилиб, уларга тош отди. Қочаётганларида шу гапларни айтади:

— Нега қочяпсиз? Агар сизлар ҳақиқий дўстларим бўлсайдингиз, мендан келган балодан қочмасдингиз!

Сўнгра дейди:

— Муҳаббат аҳли севги косасидан ичади, ер юзи ва шаҳарлар уларга торлик қилади. Аллоҳни чинакамига танийдилар, унинг Буюклигидан қўрқадилар. Қудратидан ҳайратланадилар. Аллоҳ севгиси косасидан ичадилар. Унинг дўстли денгизида чўкадилар ва яна унга муножот қилиш билан лаззатларга фарқ бўладилар. Ундан сўнг Шиблий шу байтни ўқиди:

*Ишқинг мени сархушлик уммониға отди,  
Кўрганмисан севиб сархуш бўлмаган зотни?*

Ҳз. Али дерки:

— Жаннатга иштиёқи бўлган одам яхшилик қилишга шошилади. Жаҳаннамдан қўрққан одам нафсини ёмон хатти-ҳаракатлардан қайтаради. Ўлимни ҳақ билган одам дунё завқларини тубан кўради.

Иброҳим Ҳоввосдан сўрадилар:

— Севги-муҳаббат нима?

Жавоб берди:

— Худбин истакларни йўқ қилмоқ, манманликни ёқмоқ ва ишоратлар денгизида нафсни бўғмоқдир.

СЕВГИ — бу инсон табиатининг завқлантирувчи ҳузур-бахш лаззатга майл этишидир. Севгининг олий даражаси ИШҚ дейилади. Ошиқлар ўз маъшуқаларининг висолига етишмоқ учун ҳеч нималарини, ҳаттоки жонларини ҳам аямагайлар. Ҳз. Юсуфни севиб, тилларда дoston бўлган Зулайҳо бунинг ёрқин мисолидир. Чиндан ҳам, Зулайҳо ишқ йўлида молини-мулкини,

ҳатто ғўзаллигини ҳам йўқотади. У етмиш туяга юк бўладиган инжу жавоҳирларга соҳиба эди. Бебаҳо зебигардонларини Ҳз. Юсуфга бўлган ишқи йўлида сарф этади. Кимда-ким, «Мен бугун Юсуфни кўрдим!» — деса, унга қимматли маржонларидан бирини берарди. Шу тариқа, совға эта-эта ҳеч бир нарса қолмайди. Ҳар нарсани «Юсуф!» деб чақирарди. Унга бўлган чексиз ишқи туфайли «Юсуф» калимасидан бошқа ҳамма сўзларни унутганди. Бош кўтариб кўкка қараса, юлдузлар маржондай тизилиб, «Юсуф» исмини ёзгандай бўлиб кўринардилар. Яна ривоят қиладиларки, Зулайҳо иймонга келиб, Ҳз. Юсуфга текканидан кейин, ўзини ул зотдан четлата ва тоат-ибодатга берилиб, узлатга чекина бошлабди. Энди бу ишқ, ишқнинг ҳақиқий соҳиби Аллоҳга

қаратилган эди. Аҳвол шундай эдики, Ҳз. Юсуф уни тунда ётоққа даъват этса, у висол онини кундузга сурар, кундуз даъват этса, фурсатни тунга сурар ва шундай дерди:

-Эй Юсуф, мен сени Аллоҳни танимасдан олдин севгандим. Лекин уни танигандан кейин аслида унга оид бўлган севгидан бошқасига ўрин қолмади. Аллоҳга бўлган бу севгимга бошқани шерик қилмайман.

Яна Лайло ила Мажнун ҳикояси ҳам машҳурдир Мажнундан сўрабдилар:

- Исминг нима?

- Лайло!

- Лайло ўлмадими?

- Йўқ, Лайло менинг қалбимда, ўлмади. Мен Лайломан.

Мажнун бир кун Лайлосининг уйи олдига келади ва осмонга қараб жовдирайди. Унга дейдиларки:

— Ҳой Мажнун, осмонга қарама! Лайлонинг деразасига қара. Балки, уни кўрарсан!..

-Кўлкаси Лайлонинг уйига тушган Юлдуз менга кифоя!

Мансур Ҳаллож (*Мансур Ҳаллож - ўлими 309/951 й. Тасаввуф тарихининг энг машҳур сўфийларидан биридир. Эронда туғилган. Тустарда, Басрада, Бағдодда илм олган. Хуросон, Сижистон. Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга саёҳат қилган. Унинг «Китобуът-тавосин» номли китоби таниқпидир. «Аналҳақ» деган сўзи туфайли ўлдирилган*) ни ўн саккиз кун ҳибс этадилар. Бир кун Имом Шиблий унинг ёнига келиб сўрайди:

- Эй Мансур, севги-муҳаббат нима?

- Бугун сўрама, эртага сўра.

Эртаси кун бўлди, Ҳалложни қатл этгани зиндондан чиқариб, майдонга келтирадилар.

Мансур айна шу онда етиб келган Шиблийга шундай садо беради:

— Эй Шиблий, севги-муҳаббатнинг боши ёнмоқ, оёғи қатл бўлинмоқдир!

Мансурдан сўрмишларки:

-Сен кимсан!

Жавоб бермиш:

-Мен ҲАҚман!

Ана шу сўзи учун у қатл этилганди. Масаланинг изоҳи эса мана бундай:

— Мансур шундай бир мартабага юксалгандики, унинг назарида Аллоҳдан бошқа ҳар қандай мавжудот фоний, йўқ бўлишга маҳкум ва ботил эди. Ҳақиқий борлиқ ёлғиз Аллоҳ Ҳақ эди. Мана шу даражадаги юксак бир мартабага чиқа олган Ҳаллож, ёлғиз Аллоҳнинг бир исми бўлган «ҲАҚ» (Мавжуд) калимасини билар, ўз исмини ҳам хотирламас эди. Шунинг учун ўзига айтилган «Сен кимсан?» сўроғига «Анал ҲАҚ», яъни «Мен ҲАҚман!» жавобини берганди.

Айтадиларки:

— Ҳақиқий севги-муҳаббат уч нарсада билинади:

1. Севган суйганининг сўзини бошқаларнинг сўзидан устун қўяди.

2. Севган суйганининг суҳбатини бошқаларнинг суҳбатидан устун қўяди.

3. Севган суйганини мамнун этишни бошқаларни мамнун этишдан устун қўяди.

Бир олимдан сўрадилар:

— Ошиқ деб кимга айтилади ва унинг ҳоли қандай бўлади?

Олим жавоб берди:

— Инсонлар билан оз алоқада бўлади. Кўпроқ Рабби билан юзма-юз қолади. Кўриниши сассиз-садосиз, лекин узлуксиз тафаккур ҳолида бўлади. Қараганда кўрмайди, чақирганда эшитмайди, суҳбат чоғи ҳеч нарсани англамайди. Бошига бир фалокат тушса, эзилмайди. Оч қолса, очлигини ҳис этмайди. Кўриниши пажмурдадир. Аллоҳдан бошқасидан кўркмайди. Узлатда Аллоҳга муножот этади. Дунёлик юзасидан аҳли дунё билан олишмайди.

Бир кун Ҳз. Исо (Ҳз. Исо — Исо алайҳиссалом тўрт буюк пайғамбардан биридир. Ҳз Биби Марямнинг ўғлидир. Ҳақиқий насронийлик динининг пайғамбаридир. Қуръони каримда номи кўп марта келтирилган. Унга нозил бўлган муқаддас китобнинг ояти Инжилдир. Аммо ундан кейин ҳаворийлари қайта ёзишган. Инжилнинг бир жойида Ҳз. Исо деганлар: «Мен кетаман; энди Дунёнинг Раиси келсин». Дунёнинг Раиси - Расули Акрам с.а.в.дан бошқа ким бўлиши мумкин) боғ суғораётган бир навқиронга дуч келади. Йигит Ҳз.Исога: «Раббимдан менга бир зарра севги сўраб бер», - деб арз қилади. Ҳз. Исо: «Аллоҳдан бир зарра севги сўраб берсам, сен унга бардош беролмайсан», - деганида, йигит: «У ҳолда зарранинг ярмини берсин!» — деб ялинади. Ҳз. Исо: «Ё Раббим, бу навқирон йигитга зарранинг ярмисича севгингдан ато эт!» — дейди ва ўтиб кетади. Бир муддат кейин яна айна шу ерга келганда, у навқирон йигитни суриштиради. Одамлар:

— У ақлдан озиб қолди ва тоққа чиқиб кетди, - дейишади.

Ҳз.Исо ўша ёшни ўзига кўрсатишини сўраб, Аллоҳга дуо ўқийди ва уни тоғда бир қоянинг устида самога термилганча ўтирган ҳолда топади. Салом беради, лекин йигит саломга алиқ олмайди. Шунда:

— Мен Исоман, - дея садо беради Исо алайҳиссалом.

Вале Аллоҳ ваҳий йўли билан Ҳз. Исога буюрадики:

— Эй Исо, қалбида зарранинг ярмисича менинг севгим бўлган кимса инсонларнинг сўзини қандай эшитсин?! Иззатим ва жалолим ҳаққи айтаман, агар бу йигитни арра билан арраласанг ҳам сезмайди.

Ким уч нарсани даъво қилсаю, уч нарсдан ўзини покламаса, у алданган бўлади:

1) Аллоҳнинг ўртага қўйган ахлоқ асосларига риоя қилиш завқли эканидан лоф урсаю, лекин дунё севгисидан воз кечмаса;

2) Амалларни ёлғиз Аллоҳ учун қилишни севишини айтсаю, лекин инсонларнинг унга таъзим қилишидан мамнун бўлса;

3) Аллоҳни севаман десаю, лекин нафсини тарбия қилмаса, у кимса алданган бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

— Умматимга шундай бир замон келадики, беш нарсани севадилар, беш нарсани унутадилар:

1. Дунёни севадилар, охиратни унутадилар.

2. Мол-мулкни севадилар, охирида ҳисоб беражакларини унутадилар.

3. Халқни севадилар, Ҳақни (Аллоҳни) унутадилар.

4. Гуноҳ қилишга берилдилар, ёмон феълларини яхши феълга айлантиришни ва тавба қилишни унутадилар.

5. Саройларда, кўшқларда яшашни севадилар, қабрни унутадилар.

Мансур ибн Аммор (Мансур ибн Аммор - шайхларнинг ҳукамосидан ва бу тоифанинг саййидларидан ва уламосидан эди. Хуросон ва Ироқда машҳур эди. Ҳижозга кетаркан бир ерда вафот этгани, ўшанда шайх Абулҳасан уни тушида кўргани Фаридиддин Атторнинг «Тазкират-ул авлиё»сида ҳикоя қилинади. Демак, У шайх Абулҳасан Розийдан олдинроқ яшатан) бир ёшга ўгит бера туриб, шундай дейди:

— Эй азамат, ёшлигинг сени алдаб қўймасин! Қанча-қанча ёшлар борки, тавбани орқага

сурадилар; ёмон феълларини яхши феълларга айлантирмайдилар. Ҳою-хавасга берилдилар; ўлимни унутадилар. «Эрта-индин тавба қиларман, ёмон феълларимдан воз кечарман», - дейдилар. Лекин шу тариқа ғафлат ичида ўралашиб юраркан, кутилмаганда ўлим фариштаси келади ва у ўзини лаҳадда кўради. Ортиқ у ерда унга на мол, на бола-чақа, на хизматчи ва на ота-она фойда беради. Шунинг учун Аллоҳ айтади:

**У КУНДА НА МОЛУ ДАВЛАТ ВА НА БОЛА-ЧАҚА ФОЙДА БЕРМАС. МАГАР АЛЛОҲ ҲУЗУРИГА ТОЗА ДИЛ БИЛАН КЕЛГАН КИШИЛАРГАГИНА (фойда бўлур)» (Шуаро сураси, 88-89-оятлар)**

Аллоҳим, бизга ўлмасдан олдин тавба қилиш ва ёмон феълларимизни тарк этишни насиб айла! Бизни ғафлатдан уйғот! Расулларнинг энг хайрлиси Пайғамбаримиз Ҳз. Муҳаммад (с.а.в) нинг шафоатига ноил айла!

Мўминнинг мўминлигини кўрсатувчи сифати шуки, ҳар он, ҳар соат ва ҳар кун ёмон феъллардан покланишга тиришади. Кечмишда содир этган гуноҳлари туфайли надомат ҳис қилади. Мол-дунё тотгаш хаёлларига кўмилиб ётмайди. Фойдасиз ва бесамар нарсалар билан машғул бўлмайди. Аллоҳга оид вазифаларини ихлос билан адо этади ва кўз-кўз қилишдан сакданади.

Ривоятга кўра, Ҳз. Мусо замонидаги Фиръавннинг хотини Осийа иймонини эҳтиёт қиларди. Фиръавн аҳволдан хабардор бўлганда, хотинига кишан урилишини буюради. Хотинга ҳар турли азоблар берадилар. Фиръавн хотинига: «Динингдан қайт!» - дейди, лекин у қайтмайди: Бу сафар таёқ келтириб, хотинни савалайдилар. Фиръавн: «Динингдан қайт!» — дейди. Осийа шу жавобни беради:

— Сен менинг нафсимга ҳукмингни ўтказа оларсан, қалбим эса Аллоҳнинг ҳимоясидадир. Мени сўйсанг, бу Аллоҳга бўлган севгимни орттиришдан бошқа бир нарсага ярамайди.

Шу аснода у ердан Ҳз. Мусо ўтиб кетаётган эди. Осийа дейдики:

— Эй Мусо! Раббим мендан розими, рози эмасми, хабар бер!

Ҳз. Мусо шу жавобни беради:

— Эй Осийа, кўкларда фаришталар сени иштиёқ билан кутаётирлар. Аллоҳ ҳам сен билан фахрланади. Не тиласанг тила, қабул этилажақдир!

Аллоҳ иймон келтирган зотлар ҳақида Фиръавннинг аёлини мисол келтирди. Ушанда (бу хотин): **«Эй раббим ўзинг мен учун ҳузурингда жаннатда бир уй бино қил. Мени Фиръавннинг ва унинг фано амал ва ҳаракатларидан қутқар. Менга бу золим қавмдан нажот бер!»** - деди (*Таҳрим сураси, 11-оят*).

Осийанинг бундай дуо қилиши бизга машаққат ва мусибат онларида Аллоҳга сиғиниш ва азобдан қутулишни ундангина исташ кераклигини кўрсатади.

## ОЛЛОҲГА ИТОАТ, ОЛЛОҲГА ВА УНИНГ РАСУЛИГА СЕВГИ

Аллоҳ буюради:

- **Айтинг (Эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашишлар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир!»**

- **Айтинг: «Аллоҳга ва пайғамбарга итоат қилингиз!» Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Аллоҳ ҳам (бундай) динсизларни севмас (Ол-и Имрон сураси, 31-32-оятлар).**

Кишининг Аллоҳни ва унинг Пайғамбарини севиши уларга итоат этиши, амрларига эргашиши демақдир. Аллоҳнинг бандасини севиши эса, унга ноз-неъматлар ато этиши, сийлаши, уни афв этиши демақдир.

Айтадиларки:

- Банда, ҳақиқий комиллик ёлғиз Аллоҳга оид эканлигини, ўз нафсида ёки бошқаларда кўринадиган комиллик эса ёлғиз Аллоҳдан келишини идрок этаётганда Аллоҳни севган бўлади.

Бандасининг бу идроки уни Аллоҳга яқинлаштирувчи ишлар қилишга етаклайди.

Бишр Ҳофий - Аллоҳ ундан рози бўлсин! - ҳикоя қилади:

Бир кун тушимда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ни кўрдим. Менга: «Аллоҳ сени қайси хислатларинг туфайли дўстларинг орасида баландроққа қўяди, биласанми?» - деб сўради. Мен «йўқ» деб жавоб берганимда, у шуларни айтди:

- Солиҳ кишиларга хизмат қилишинг, мусулмон биродарларингга ўғит беришинг, мўминларни ва менинг суннатимга эргашганларни севганинг ва менинг гўзал ахлоқимга эга бўлганинг туфайли!..

Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ҳадисларида шундай марҳамат киладилар:

- Ким менинг ахлоқимни ихё этса (такрорласа, тикласа), мени севганидир. Ким мени севса, қиёмат куни жаннатда мен билан биргадир.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан бизгача етиб келган хабарларда шундай буюрилган:

— Инсонларнинг ахлоқи бузилганда ва мазҳаб ихтилофлари авжига чиққанда, Аллоҳ Расулининг гўзал ахлоқини намоеён қилган одамга юз шаҳиднинг савоби берилади.

Бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай билдирадилар:

— Умматимнинг ҳаммаси жаннатга киради, фақат қочоқлар кирмайди!

Сўрадилар:

— Кимдир қочоқлар?

Айтдилар:

— Менга итоат этганлар жаннатга киради, исён қилганлар эса қочоқдир. Менинг суннатимга, менинг ахлоқимга мос тушмайдиган ҳар бир ҳаракат гуноҳдир.

Дедиларки:

— Сиз бир одамни кўрсангиз, у одам кўкда учса, ё сув устида юрса ёхуд олов еса ва ё шунга ўхшаш баъзи нарсалар қилса, лекин Аллоҳнинг фарз қилган низомларини адо этмаса ва Пайғамбарнинг гўзал ахлоқига эргашмаса, билингизки, у кимса ёлғончи ва найрангбоздир.

Баъзи улуғларимизнинг гўзал сўзлари: Жунайд Бағдодий:

— Аллоҳнинг лутфи бўлмасдан бир кимса унга етишолмас. Аллоҳга етишишнинг йўли унинг Расули Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.) га тобе бўлишдир.

Аҳмад Ҳаворий:

— Пайғамбарнинг суннатига номувофиқ ҳар бир ҳаракат ботилдир.

Шунинг учун Расулуллоҳнинг бир ҳадиси ҳам шундайдир:

— Ким менинг гўзал ахлоқимга тобе бўлмаса, унга шафоатим ҳаромдир.

Фузайл ибн Иъёз (*Фузайл ибн Иъёз — Мансур ибн Бишрат-Талиний ал-Марвазий ал-Маккийнинг неварасидир. - ўлими 187/802 й. Куняси Абу Али-Хуросонда туғилган. Маккада вафот этган. Ёшлигида ўкри бўлган. Тавба қилиш тарихи эса мана бундай: Фузайл бир хотинга ошиқ бўлиб, уларнинг деворига тирмашаётганда, ичкаридан қулоғига «Мўминларнинг қалблари Аллоҳнинг зикрига ва Қуръонга мойил бўлиш пайти келмадими?» (Ҳадид сураси, 16-оят) деган сас эшитилади. «Кедди у пайт, ё Раб!» дея ортига қайтади. Тунни бир харобада ўтказди. Шу чоғ ён тарафдан бир гуруҳ одамнинг шундай деб гаплашганларини эшитади: - Туринглар, кетамиз! - Йўқ, йўқ, бундай соатда Фузайл йўл тўсади. Шунда Фузайл такроран тавба қилади ва аҳволини одамларга айтади. Фузайл тавба қилганлар орасида энг илғори, карам ва эҳсон офтоби, жўмардлик ва ирфон дарёси, шайхларнинг улуғларидан эди):*

— Агар сенга: «Аллоҳни севасанми?» — десалар сукут қил. Чунки «Севмайман!» - десанг, иймондан чиқасан. «Севаман!» - десанг, балки керагича севганлар каби севолмассан! Керагича севолмаганинг ҳолда «Севаман!» - деб Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишдан сақлан!

Суфён Саврий (*Суфён Саврий - ўлими 161/777 й. Дастлабки фақиҳ ва зоҳидлардандир. Нафс тарбиясига оид фикрлари оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. «Сен нафсингни яхши билсанг, у ҳақда нима дейишса ҳам, сенга зарар етмайди». «Хуросонда битта азон айтиш Маккада ибодатга чўкиб ўтиргандан афзалроқ):*

— Аллоҳга севгиси бўлган бирон кимсани севган одам Аллоҳни севади. Аллоҳга итоатли



кимсани сийлаган одам Аллоҳни иззат-икром қилаётган бўлади.

Саҳл (*Саҳл - ўлими 283/896 й. Тўла исми Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарийдир. Нафс, кибру ҳаво мавзулари устида кўп ишлаган илк зоҳидлардан. Таваккулва валияликка оид кўп ўтқир фикрлари бор. Унинг «Тафсирул-Қуръонил-Азим» номли китоби бизгача етиб келган. Миср 1908 й.*):

- Аллоҳ севгисининг аломати Қуръон севгисидир. Қуръон севгисининг аломати Пайғамбар (с.а.в.) севгисидир. Пайғамбар (с.а.в.) севгисининг аломати унинг суннатига ва гўзал ахлоқига тобе бўлмоқдир. Суннатга тобе бўлишликнинг аломати охират ҳаётини унутмасликдир. Охират ҳаётини унутмасликнинг аломати дунёга ҳирс қўйишдан, ҳаром ва ғайримашруъ даромад йиғишдан қочишлиқдир.

Абулҳасан Занжоний (*Абулҳасан Занжоний - X асрнинг 11 ярмида (373/983 й.) шийлар сиёсий-диний бир тўгарак тузиб, отини «Иҳвон ас-сафо» қўйдилар. Бу тўгарак аъзолари бир қатор «Рисола»ларини эълон қилдилар. Бу рисолалардаги ҳикоя ва фикрлар олдинги асрлар адабиётидан олинган, шунингдек, юнон, эрон ва ҳинд ҳикматининг таржималари эди. «Иҳвон ас-сафо»нинг фаол аъзоларидан бири Абулҳасан Занжоний эди*):

-Ибодатнинг асоси уч устунга эгадир:

1.Кўз.

2.Қалб.

3.Тил.

Кўз коинотдан ибрат олиш учундир.

Қалб тафаккур учундир.

Тил тўғри сўз айтиш ва Аллоҳни зикр этиш учундир.

Шунинг учун Аллоҳ буюради:

- Эй. мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!

-Эртаю кеч у Зотни поклаб, тасбеҳ ва танзиҳ қилинглар!

Мўмин доимо пок ва таҳоратли бўлиши керак, ҳар таҳорат бузилганда янгитдан таҳорат олиши ва икки ракъат намоз ўқиши керак. Ҳар мажлисда имкон даражасида қиблага қараб ўтиришга ҳаракат қилиши керак. Ҳар он Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ҳузуридаман деб ўйлаши керакки, ҳаракатларида унинг суннатига зид ҳолат чиқиб қолмасин. Мусибатларга дучор бўлганда, чидаши ва сабр қилиши лозим. Гуноҳкорларга ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг йўлидан чиққанларга мағфират тилаб, дуолар қилиши даркор, ўзи ғурурланмаслиги ва ҳеч қачон кибрланмаслиги лозим. Чунки кибр шайтоний феълдир. Камтарин бўлиши ва нафсини ҳар вақт паст қўйиши керак. Аллоҳ йўлида бўлганларга таъзим ва эҳти-ром кўзи ила боқмоғи лозим. Ким Аллоҳ йўлидагиларга эҳтиром кўзи билан боқмаса, Аллоҳ уларнинг суҳбатини у кишига ҳаром қилади. Кимки ибодатнинг муҳтарамлигини билмаса, Аллоҳ унинг қалбидан ибодат завқини олади.

Фузайл ибн Иъёзга: «Киши қачон солиҳ бўлади?» — деб савол беришганда, у шундай жавоб қайтарганди:

-Қалбида кўрқув, тилида тўғрилиқ, аъзосида яхши амал ва ниятида насиҳат бўлганда.

Солиҳлардан бири бир жамоага учрайди. Қараса, замоннинг машҳур табибларидан бири ҳасталиклардан ва дорилардан баҳс юритаётган экан. Табибдан сўрайди:

- Эй танларга шифо берувчи табиб, қалбларга ҳам шифо бера оласизми?

Табиб: Ҳа, дардингни айт, давосини айтиб берай! Одам:

- Гуноҳлардан қалбим қорайди, қалбни қайғу босди. Табиб:

-Унинг дориси Аллоҳга ибодат ва итоатдир, кеча-кундуз Аллоҳ йўлида бўлиш ва гуноҳлардан тавба қилишдир. Шифо Аллоҳдандир.

Табибнинг бу сўзларини эшитган солиҳ одам бир «оҳ» тортди ва йиғлаб чиқиб кетаркан, шундай деди:

-Тўғри айтдингиз, эй табиб, сиз қалбимнинг дорисини топдингиз...

## ИБЛИС

Аллоҳ буюради:

- Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!» Агар юз ўғирсалар, бас, албатта Аллоҳ (бундай) динсизларни севмас» (Таҳрим сураси, 11-оят).

Аллоҳ иймонсизларни севмас, дегани уларни афв этмас, Тавбаларини қабул қилмас, деганидир. Шунинг учун ҳам қуфри ва кибрлангани туфайли Иблисни афв этмаган ва тавбасини қабул қилмаганди. Ҳолбуки Ҳз. Одамни афв этиб, унинг тавбасини қабул қилишни билдирганди. Чунки Одам - Салом унга - нафсининг айбдорлигини тан олган ва афсус-надоматлар қилиб, нафсини койиган эди. Ҳз. Одамнинг қилган гуноҳи аслида у қадар катта гуноҳ бўлмаса ҳам -чунки пайғамбарлар гуноҳдан покланганлар - тўғри ишон-чга кўра, улар пайғамбарликдан олдин ҳам, пайғамбарлик-дан кейин ҳам гуноҳ қиломайдилар — зоҳиран гуноҳ қилганлар ҳолатидадирлар. Шунинг учун Ҳз. Ҳаво ва у, биргаликда шундай дедилар:

- Улар (Одам ва Ҳаво): «Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм қилдик. Агар бизларни мағфират ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз», - дедилар.

Ҳз. Одам пушаймон бўлди. Қатъиян тавба қилиб, Раббининг афвини тилади. Аллоҳнинг раҳматидан асло умид узмади. Шунинг учун ҳам Раббимиз марҳамат қилади:

- (Эй, Мухаммад), менинг ўз жонларига ҳаддан зиёд зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан умид узманглар! Албатта, Аллоҳ (ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, унинг Ўзигина мағфиратли; меҳрибондир»".

Ҳолбуки, Иблис ўз нафсининг айбдорлигини тан олмади, қилган ишига афсусланмади ва нафсига танбеҳ бермади. Тезда тавба қилиб, Аллоҳнинг афвини сўраш йўлига юрмади. Аксинча, Аллоҳнинг раҳматидан умидини узди, кибрланди.

Кимки Иблисдай ҳаракат қилса, тавбаси қабул қилинмайди. Кимки Ҳз.Одамдай ҳаракат қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Чунки нафснинг шаҳвоний ҳою-ҳавасидан юзага келган гуноҳнинг афв этилишидан умид қилса бўлади. Кибр ва манманликдан юзага келган гуноҳнинг эса афв этилишидан умид йўқ. Ҳз. Одамнинг гуноҳи нафснинг шаҳвоний орзуси туфайли юз берганди. Иблиснинг гуноҳи эса кибр ва манманликдандир.

Бир кун Иблие Ҳз. Мусога келиб, дедики:

- Аллоҳ сенга пайғамбарлик бериб, хос қулларидан қилиб олди, сен билан суҳбатлашиб туради.

Мусо:

- Шундай, хўп, муродинг нима, сен кимсан?

Иблис:

- Эй, Мусо, Раббингга: «Бандалардан бири тавба қилмоқчи!» — деб айт.

Иблис шу сўзларни айтаётганда, Аллоҳ ваҳий йўли билан Ҳз.Мусога маълум қилдики:

- Эй Мусо, олдинга келган шу бандага — баённоманг қабул бўлади, агар Ҳз. Одамнинг қабрига сажда қилсаи, тавбанг инobatга олиниб, ўзинг афв этиласан, деб айт.

Ҳз. Мусо Аллоҳнинг бу ваҳийсини Иблисга билдиради, лекин Иблис аччиқланади ва шундай дейди:

- Эй Мусо, Мен жаннатда унинг (Ҳз. Одамнинг) тиригига сажда қилмадим, энди ўлигига сажда қиламанми?

Бир кун Иблис дедики:

—Ё Рабб! Одам туфайли мени жаннатдан қувдинг. Фақат билиб қўй: Сен мени қандай безор қилган бўлсанг, мен ҳам уни шундай безор қила оламан.

Аллоҳ буюрди:

- Сен одамларни безор қилувчисан! (Пайғамбарларни шайтон безор қилолмайди).

Иблис:

— Яна нима!

Рабб:

— Ундан (Одамдан) туғилган бола қанча бўлса, сенинг ҳам шунча боланг бўлади!

Иблис:

— Яна нима!

Рабб:

— Қалбларига васваса солишинг мумкин!

Иблис:

— Яна нима!

Рабб:

— Барча ёрдамчиларинг билан уларни йўлдан оздириб, ҳаром даромад ва ҳаром харж қилишлари, бузуқ, ва хурофий нарсаларга майл этишлари, ёмон амаллар билан овора бўлишлари ва орзу-ҳаваслар остида ўралишишлари, тавбани тарк этишлари учун васвасага сола оласан!

Аллоҳнинг Иблисга: «Шуларни кила оласан!» - деб билдириши таҳдид оҳангидадир. Яъни: «Қани, шуларни қилавер-чи, кейин кўрасан!» - қабилидадир. Шунинг учун:

— Албатта, Бизнинг оятларимизга эгрилик қиладиган (яъни уларни бузмоқчи бўлган) кимсалар Бизга махфий номаълум бўлиб қолмаслар. Ахир дўзахга ташланадиган кимса яхшироқми ёки қиёмат кунига (Аллоҳнинг азобидан) хотиржам ҳолда келадиган кишими?! Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар! Албатта, У қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир, маъносидаги оятнинг «Ўзларингиз хоҳлаган амални қилаверинглар» жумласини ташкил этган парчаси ҳам шу қабилидандир.

Шундан кейин Одам келиб, Аллоҳга деди:

— Эй Раббим, Иблисни менинг (болаларимнинг) бошига бало килдинг, мен унинг васвасаларидан ўзимни фақат Сенинг ёрдамим билан ҳимоя қила оламан.

Аллоҳ марҳамат килди:

- Ҳар туғилган болангга бир ҳимоячи фариштани вакил қилиб қўяман.

Одам:

— Яна нима! Рабб:

— Бир савобга ўн савоб бераман! Одам:

— Яна нима!

Рабб:

— Жонлари танларида эканлигида тавбаларини қабул қиламан!

Одам:

— Яна нима!

Рабб:

— Уларни афв этаман.

Одам:

— Етади, ё Рабб!

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Иблис такроран келиб дедики:

— Ё Рабб, Одамлар учун пайғамбарлар юбординг, китоблар индирдинг. Қани менинг пайғамбарим?

Рабб:

— Қоҳинлар, фолбинлар сенинг пайғамбарларинг.

Иблис:

— Китобларим нима бўлади?

Рабб:

— Игна билан баданга солинган расмлар ҳам сенга китоблар ўрнида ўтаверади.

Иблис:

—Ҳадисим нима?

Рабб:

—Ёлғон.

Иблис:

—Қуръоним нима?

Рабб:

—Қофияли сафсаталар, маддоҳликдан ўзгасини билмайдиган шеърлар.

Иблис:

—Муаззиним?

Рабб:

—Мазмунсиз шовқин таратувчи чолғулар.

Иблис:

—Масжидим қаер?

Рабб:

—Тунги кўчалар.

Иблис:

—Уйим қаер?

Рабб:

—Ҳаммомлар.

Иблис:

—Ейдиганим нима?

Рабб:

—Ҳаром йўл билан ё ишламай топилган таомлар.

Иблис:

—Ичадиганим нима?

Рабб:

—Ақл идорасини йўқ қилувчи ичимлик ва карахт қилувчи моддалар.

Иблис:

—Тузокларим нимадир?

Рабб:

—Бузуқ хотинлар.

## ОМОНАТ

Аллоҳ айтади:

—Биз омонатни осмонларга, ерга ва тоғу тошларга қўндаланг қилган эдик улар буни кўгаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Чунки у (ўзига) зулм қилгучи ва нодондир. (Аҳзоб сураси, 72-оят.)

Бу оятдаги «ОМОНАТ»дан мурод - Аллоҳдан кўрқиш кераклиги ва «САВОБ ОЛИШ» ёки «ЖАЗОГА ҚОЛИШ» каби нарсалардир.

Қуртубий (Қуртубий — Андалуснинг Қуртуба шаҳридан чиққан энг машҳур олимлардан биридир. Тўла исми — Боқий ибн Моҳлад ибн Язид ибн Абдурахмон ал-Қуртубийдир. Тафсир ва сунанлар муаллифи. Ўзи обид, тўғри, дуоси мақбул, ҳеч кимга ўхшамаган, ҳадис билан ҳам шуғулланган имомлардан эди. Ҳижрий 276 йилда вафот этган.) дейдики:

—Оятдаги «Омонат» калимаси барча диний вазифаларга оиддир (Аксар олимларимизнинг фикри ҳам шу).

Баъзи олимлар дерки:

—ОМОНАТнинг ОСМОНга ва ЕРга топширилиши -бу, бир тамсил. Унинг шарҳи шундайдир:

—Осмон ва Ер шу қадар катта бўлишига қарамай, агар ОМОНАТ, яъни ИЛОҲИЙ АМРЛАР уларга юклансайди, оғирлик қилган бўларди,

ОМОНАТсўзи ИМОН сўзидан ясалгандир. Аллоҳнинг амрларидан ташкил топган омонатни кимда-ким яхши муҳофаза қилса, Аллоҳ ҳам унинг иймонини яхши муҳофаза қилади. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ шундай марҳамат қиладилар:

— Омонатни яхши сақламаганнинг Иймони йўқдир. Аҳдида турмаганнинг дини йўқдир.

Шоир дейдики:

*Хиёнатга қўрқмай борган ҳалок бўлгай,*

*Омонатни асрамаган қурир гулдай.*

*Дини билан инсонлиги ташлаб кетгай,*

*Уни бир-бир мусибатлар таъқиб этгай.*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки:

- Мўмин хиёнатсиз ва ёлғонсиз гўзал феъл-атворга эга бўлади, ишларида хиёнат ва ёлғондан бўлмаслиги керак, деган илоҳий низомга итоат этади.

- Умматим омонатни ғанимат билмайди, (яъни ўлжа деб қабул қилмайди) садақани мажбурлаб олмайди — шундай қилгандагина хайрли йўлда юрган бўлади.

- Сизга омонатга берилган омонатни қайтариб беринг. Хиёнат қилганга хиёнат қилманг.

Бухорий (Бухорий - (ҳижрий 194-256). 600.000 ҳадис тўплаб, уларнинг ичидан 7275 ҳадисни энг мўътабар ва энг тўғри деб, илман асослаган буюк олим. Жаҳонда юзлаб, балки, минглаб ҳадисчилар ўтган, аммо уларнинг орасида энг таниқлиси олти олимдир, уларнинг китоблари «Кутуби ситтаи ҳадисийа» («Олти ҳадис китоби») дейилади, бу олти китобнинг ҳам энг мўътабари «Саҳиҳи Бухорий»дир. Тўла исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир.) ва Муслим (Муслим — «Кутуби ситта»нинг иккинчи таниқли китоби «Саҳиҳи Муслим»дир. Унинг муаллифи имом Муслим ал-Ҳажжодир (ҳижрий 204-261). У ўз саҳиҳ китобини 100.000 ҳадис ичидан танлаган ва 15таянчасосида вужудга келтирган. Мазкур асарида 2775 ҳадис нақл этилгандир.) ҳам Абу Ҳурайрадан шу ҳадисни келтирадилар:

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки:

Мунофиқнийг уч аломати бордир:

1. Сўзлаганда ёлғон қўшади.

2. Ваадасида турмайди.

3. Омонатга хиёнат қилади.

Омонатга хиёнат деганда сирни фош қилиш, ўзига топширилган нарсага ё инкор этиш, ё эҳтиёт қилмаслик, ёхуд рухсатсиз фойдаланиш йўли билан хиёнат қилиш тушунилади. Омонатни эҳтиёт қилиш МУҚАРРАБИЙН МАЛАКЛАРИнинг (поклиги ва ибоддти билан авлиё даражасига юксалган буюк дўстлар фаришталарнинг) ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг сифати — ТАҚВО эгаларининг мижозидир.

Аллоҳ буюради:

- Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради. Албатта, Аллоҳ сизларга энг яхши панд-насихатлар қилур. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчи бўлган зотдир (Нисо сураси, 58-оят.).

Муфассирлар дерларки:

- Бу оят бир неча ШАРЪИЙ АСОСЛАРни ўз ичига олган. Идорачилар ва барча амалдорлар бу оятга қулоқ солишни талаб қиладилар. Бу тўғри, аммо бу хол уларга маз лумларни қўллаш ва уларнинг ҳақларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди; бу, улар учун бир омонатдир. Яна, мусулмон аҳолининг, айниқса, етимларнинг мол-мулкани тажовузлардан асраш ҳам идорачиларга вожибдир. Олимларга эса авом табақага дин асосларини ўргатиш вожибдир. Авом табақага диний асосларни ўргатиш улар учун бир омонатдир. Бу омонатни кўз қорачиғидай асраш олимлар зиммасидаги мажбуриятдир. Болаларини гўзал ахлоқли қилиб

тарбиялаш ва улғайтириш оталар зиммасидаги мажбуриятдир, чунки авлод ота-онага берилган бир омонатдир. Бу омонатни сақлаб қолиш унга гўзал тарбия бериш деганидир. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) буюрадилар:

- Ҳаммангиз чўпонсиз, ҳаммангиз сурув учун жавобгарсиз!  
ЗАХАРУР-РИЁЗ («Боғдаги захиралар»)да шундай ёзилгандир:

- Қиёмат куни бировни Аллоҳ ҳузурига келтирадилар.

Аллоҳ сўрайди:

- Фалончининг омонатини қайтариб бердингми?

- Йўқ, ё Рабб!

Бу жавобдан сўнг Аллоҳ бир фариштага: «Бунни жаҳаннамга олиб боринг ва жаҳаннамнинг бир чуқурида олган омонатини айнан кўрсатинг», - деб амр этади. У, жаҳаннамда юқоридан пастга қараб етмиш йилда тушади. Сўнг бир чуқурга боради ва олган омонати билан юқорига чиқади. Энг устки табақага келганда оёғи тойиб кетади, яна чуқурга қайтиб тушади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шафоати (ўртада туриши) натижасида Атлоҳнинг лутфига сазовор бўлади, яъни омонат эгаси омонатга хиёнат қилгандан рози бўлгунга қадар ўша юқорига чиқиш ва пастга тушишлар шу тариқа давом этаверади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг саҳобаларидан бўлган Саламадан бир ривоят бор. Салама дейдики:

- Бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ёнида ўтирган эдик. Намоз ўқиладиган пайтда бир одамни жанозага олиб келишди. Расулulloҳ (с.а.в.) сўрадилар:

- Қарзи борми? Дедилар:

- Йўқ!

Шунда унинг жаноза намозини ўқидилар. Сўнгра яна бир одамни жанозага олиб келишди. Расулulloҳ (с.а.в.) сўрадилар:

- Қарзи борми?

Дедилар:

-Ҳа!

Сўрадилар:

- Бирор нарсаси қолганми?

Дедилар:

- Уч дирҳам пули бор!

Шунда жаноза намозини ўқидилар. Кейин учинчи бир маййитни жанозага олиб келишди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) яна сўрадилар:

- Қарзи борми?

Дедилар:

-Ҳа!

Расулulloҳ сўрадилар:

- Бирон нарсаси қолганми?

Дедилар:

- Йўқ!

Расули акрам буюрдилар:

- У ҳолда дўстингизнинг жанозасини сизлар ўқинглар! Қатода (Қатода - ҳижрий 2 йили Рамазон ойининг 19-кунида юз берган Бадр жанги (624 йил, март) ғозийларидан бири Қатода бин Нуъмондан Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақида бир қанча ривоятлар қолган. Бу ерда шу ривоятлардан бири келтирилган.) ривоят қилади:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Мен сабр қилиб, қочмасдан, душман қаршисида, Аллоҳ йўлида ўлдирилсам, Атлоҳ менинг гуноҳларимни афв этадими?

Расулulloҳ айтдилар:

- Ҳа!

Сўнгра, у одам бурилиб кетаётганда орқасидан шундай деб қолдилар:

- Аллоҳ шаҳиднинг ҳамма гуноҳини афв этади, фақат қарзини афв этмайди.

## **НАМОЗНИ ТАВОЗУ ВА ХУШУ БИЛАН АДО ЭТИШ**

Аллоҳ марҳамат қилади:

- Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар! Улар намозларида хушу ва тавозу билан бўйин эгувчи кишилардир".

Олимларимизнинг баъзилари хушу қалбнинг қўрқувга ўхшаш феълларидан деб ҳисоблайдилар. Баъзилари эса, аъзонинг феълларидан, деб қабул қиладилар, яъни намозни қимирламасдан, ўнгга-сўлга чайқалмасдан ва бошқа беҳуда ҳаракатлар қилмасдан ўқиш, деб тушунадилар.

Хушунинг намоз фарзлариданми, йўқса фазилатлариданми эканлиги борасида ҳам фикрлар хилма-хилдир. Баъзилар, фарзларидан, дейишади ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг «Одамнинг намозидан фақат маъқул бўлгани хушули намоздир» мазмунидаги ҳадисини ва «Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо қил!» (Тоҳа сураси, 14-оятнинг сўнги.) мазмунидаги оятни далил қилиб келтирадилар. Фафлат зикрга зиддир. Шунингучун Аллоҳ буюради:

— Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю-кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлмаг! (Аъроф сураси, 205-оят.)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг намоз ҳақидаги бир ҳадиси шу мазмундадир:

— Уйингиз олдида лим-лим тўлиб оқаётган дарё ва бу дарёда кунда беш марта ювинувчи уй эгаси қандай бўлса, кунда беш маҳал намоз ўқувчи киши ҳам шундайдир. Кунда беш марта ювинган одамнинг вужудида кир қоладими?

Бу ҳадисни шундай изоҳлаш мумкин:

— Сув инсон вужудини моддий кирлардан тозалайди. Намоз эса инсон вужудини маънавий кирлардан, яъни ёмон феъл-атворлардан ва катта гуноҳлар сирасига кирмайдиган гуноҳлардан тозалайди. Фақат намоз хушу билан ва бажонудил ўқилгандагина шундай натижага эришилади. Хушу ила ва бажонудил ўқилмаган намозлар қабул бўлмайди, фойдасиздир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

—Ким бугун дунёвий фикрлардан қугулиб, бажонидил икки ракъат намоз ўқиса, барча ўтган гуноҳлари кечирилади.

—Намоз фарз қилинди, ҳақ ва тавоф қилиш амр этилди ва бошқа ибодат асослари нозил бўлди. ва буларнинг бари Аллоҳни зикр этиш учундир.

Агар намоз ўқиётган одамнинг қалбида - модомики нияти ва мақсади Аллоҳни зикр этиш экан — Аллоҳнинг маҳобати ва қудрати сезилиб турмаса, у ҳолда зикр этишнинг нима аҳамияти бор?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

— Агар ўқилган намоз кишини чиркин ҳаракатлардан ва ёмон феъл-атворлардан қайтара олмаса, намоз унинг Аллоҳдан узоқлигини орттиришдан бошқа нарсага ярамайди.

Бакир ибн Абдуллоҳ (Бакир ибн Абдуллоҳ - тахм. ҳижрий II асрда яшаган фақиҳлардан.) бир кун шундай деди:

— Эй Одамзот, сен агар рухсатсиз Раббингнинг ҳузурига кирмоқчи ва у билан таржиймонсиз гаплашмоқчи бўлсанг, марҳамат, кираверишинг мумкин.

Сўрадилар:

—Бунинг йўли қандай?

Жавоб берди:

— Камчиликсиз таҳорат ол, бажонудил намозга тур. Ана шу ондан эътиборан сен Аллоҳнинг ҳузуридасан. Таржиймонсиз гаплаша оласан.

Ҳз. Ойшадан (Ҳз. Ойша - Ҳз. Муҳаммад с.а.внинг хотини, биринчи халифа Абу Бакрнинг қизи. Ҳижратдан 9 йил олдин туғилган (мил. 613 й.), ўлими 57/678 й.) — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади. Ойша дерки:

- Расулulloҳ (с.а.в.) билан гаплашиб ўтирдик. У бизга бир нарсаларни тушунтирар, биз ҳам унга алланималарни айтардик. Лекин намоз вақти келдими, вассалом, унинг бутун фикри-ёди Аллоҳнинг қудрати ва маҳобатида бўларди, бамисоли У бизни танимас, биз ҳам уни танимасдик.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки:

- Кишининг қалби ва жисми ҳамжиҳат бўлиб намозда шай бўлмагунча Аллоҳ у намозга қарамайди.

Аллоҳнинг дўсти Ҳз. Иброҳим намоз ўқиётганда, унинг юрак уришлари икки чақирим наридан эшитиларди.

Танухий (Танухий - тўла исми Абу Али ал-Муҳассин ал-Танухийдир. 329/940 йилда Басрада туғилиб, 384/994 йилда Бағдодда вафот этган бир араб муаллимидир.) намоз ўқиётган вақтларида ёноқларидан соқолига оқиб тушаётган кўз ёшлари шашқатор бўлар эди...

Бир дафъа Пайғамбаримиз (с.а.в.) намоз ўқиётган бир одам соқолини ўйнаётганини кўрдилар ва шундай дедилар:

- Агар бу одамнинг юрагида хушу бўлса эди, аъзосида ҳам бўлар эди.

Ҳикоя қиладиларки:

- Намоз вақти келганда Ҳз. Али титрар ва ранг рўйи ўзгара бошларди. Ундан: «Эй мўминларнинг амири, сенга нима бўлди?» - деб сўраган чоғларида, шундай дерди:

- Аллоҳ еру кўкларга фарзларини омонатга бермоқчи бўлганида улар кўрқиб олмаган эдилар, мен қабул қилганман... Энди ОМОНАТ (намоз) пайти келди...

Яна Ҳз. Ҳусайн (Ҳз.Ҳусайн - тўртинчи халифа Ҳз. Алининг ўғли. 56 ёшида 61/680 йилда шаҳид этилган.) таҳорат олаётганда афти-ангори сап-сарик бўлиб кетарди. Оила аъзолари ундан бунинг сабабини сўраганларида, у шу жавобни берарди:

- Кимнинг олдида тик туриш учун ҳозирлик кўраётганимни биласизми?

Ҳотам Асомдан намозни қандай ўқишини сўрайдилар. У шундай жавоб беради:

- Намоз вақти яқинлашганда бекаму кўст таҳорат олиб, намоз ўқийдиган еримга келаман. Аъзоларим тинчланиши учун бир оз ўтираман. Сўнгра намозни бошлаш учун ўрнимдан тураман. Каъбани икки қошим орасига, сирот кўпригини оёқларим остига, жаннатни ўнгимга, жаҳаннамни сўлимга, ўлим фариштасини орқамга оламан ва умримнинг энг сўнгги намозини ўқиётирман деган хаёл билан, кўрқув ва умид орасидаги бир руҳий ҳолат қучоғида намоз ўқишни бошлайман. Такбирни хушу билан айтаман. Сура ёки оятларни секин-секин, эҳтиёт бўлиб ўқийман, руқуларни тавозу билан, саждаларни хушу билан қиламан. Сўл оёғимнинг қаттиқ қисмини ерга кўндаланг ётқизаман, сўл оёғимга ўтираман. Ҳамда буларнингбарчасини ихлос билан адо этаман, фақат намозим қабул бўлган-бўлмаганини билмайман.

Ибн Аббос (Ибн Аббос - Расулulloҳ (с.а.в.)нинг амакиваччаси. Ҳз. Усмон ва Ҳз. Али халифалиги даврида бир муддат Басра валийси бўлган арбоблардан. Тўла исми Абдуллоҳ ибн Аббосдир. Фикҳ соҳасида маълумоти юксак ва илғор дунёқарашли киши, машҳур ҳадис ровийларидан эди. Вафоти м. 688 йил.) дерки:

— Кўп чўзмасдан ва кўп калта ҳам қилмасдан бажонудил ўқилган икки ракъат намоз юрак хатоларга тўла ҳолда бир кеча ўқилган намоздан хайрлироқдир.

Пайғамбаригииз (с.а.в.) нинг бир ҳадиси шундай мазмундадир:

— Охир замонда умматимнинг шундай бир қисм кишилари бўладики, улар жомеъ ва масжидларга келиб, давра қуриб ўтирадилар. Бутун зикрлари ва ўйлаганлари дунё бўлади. Ва дунё севгиси бўлади. Асло улар билан ўтирманг. Аллоҳнинг улар билан иши йўқ.

Бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дедилар:

—Сизларга ўғриларнинг энг каттаси кимлигини айтайми?



Саҳоба сўради:

—Ким у, эй, Аллоҳнинг Расули?

Расул (с.а.в.) айтдилар:

—Намозидан ўғрилиқ қилган.

Саҳоба сўради:

—Намоздан қандай ўғрилиқ қилиш мумкин?

Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

—Бундай ўғрилар руку ва саждаларни тўла қилмайдилар. Яна, намоз тўғрисида айтилган бир ҳадис шу мазмундадир:

—Қиёмат куни одамлар энг олдин намоздан ҳисоб берадилар. Агар инсон ҳақиқатан намозини ўз вақтида ва тўла-тўқис адо этган бўлса, бундан кейинги ҳисоботи осонлашади. Йўқ, агар ўқиган намозлари нуқсонли ва қусурли бўлса, Аллоҳ малакларга шундай буюради:

—Бандамнинг бундан бошқа нофила (қўшимча) ибодатлари борми? Бор бўлса, улар билан нуқсонлар ўрнини қопланг!

Намоз борасида айтилган бошқа бир ҳадис эса шундайдир:

— Кишига тўла-тўқис икки рақъат намоз ўқиган чоғида берилган савобдан хайрлироқ ҳеч нима берилмайди.

Ҳз. Умар намоз ўқишни ният қилган чоғида ҳурпаяр, тишлари такилларди. Ундан бунинг сабаби сўралганда:

— Омонатни адо этиш ва фарзни ўрнига қўйиш пайти келди, аммо мен буни қандай адо этажагимни билмайман,- дерди у.

Бир кун Холаф ибн Айюб (Холаф ибн Айюб - Ҳз. Муҳаммад с.а.в.нинг атоқли саҳобаларидан.) намоз ўқиётганда, уни ари чақиб олди, вужудидан қон чиқса-да, у буни ҳеч ҳис этмади. Ибн Саид буни кўриб турганди. Намоздан кейин унга: «Сени ари чақиб, терингдан қон оқди-ю, хабаринг бўлма-ди!» деганда Ибн Айюб шундай деди:

— Ўзинг ўйла: бир одам Аллоҳнинг ҳузурида, ўлим фариштаси боши устида, жаҳаннам сўлида ва сирот кўприги оёқлари остида бўлса, бу одам арзимаган ари чақиши каби нарсаларни ҳис қилиши мумкинми?

Амр ибн Зар (Амр ибн Зар - Муҳаммад с.а.в.нинг эътиқоди маҳкам машҳур саҳобаларидан)нинг қўлига бир яра чиққанди. Табиблар қўли кесилиши кераклигини айтишди. У ҳам: «Кесинг!» - деди. Табиблар: «Сени чивик билан боғлаб қўйиб, сўнг кесишимиз мумкин!» - дейишганда, Амр ибн Зар:

— Бунга ҳожати йўқ, мен намоз ўқиётганимда бемалол кесаверишингиз мумкин, - деди.

Амр ибн Зар намозга турганда қўлини кесдилар, у буни ҳис этмади ҳам.

## **ЯХШИЛИККА УНДАШ - ЁМОНЛИҚДАН ҚАЙТАРИШ**

Аллоҳ таоло Куръони каримда айтади:

— (Эй уммати Муҳаммад), сиз одамлар учун (инсоният учун) чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоб ҳам иймон келтирганида эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан мўминлари ҳам бор ва (лекин) уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир (Ол-и Имрон сураси, 110-оят.).

Калабий (Калабий - тўла исми Абул-Нозир Муҳаммад ал-Калабийдир, асли Куфадан, кейинчалик Басрада Қуръон муфассири бўлган. Вафоти 146/763 й.) дерки:

— Бу оят фазилат бобида Муҳаммад (с.а.в.) умматининг бошқа умматларга қиёсан эгаллаган ўрнини баён этади. Оятда бу умматнинг ҳеч шак-шубҳасиз бошқа умматлардан хайрлироқ эканини билдирувчи далил бор. Яна бу хайрлилик, бошқа умматларга солиштирилганда, илк мусулмонлар билан охир замон мусулмонлари орасида ҳам шунга

ўхшашдир. Саҳоба фазилат бобида бошқа мусулмонлардан қанчалик устун бўлмасин, бари бир ўзгаришга мажбурдир!

«Яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз» жумлалари Муҳаммад умматининг устунлик сабабларини кўрсатади. Шундай бўлгач, улар фақат шу сифатларга эга бўлган чоғларидагина хайрли бўла оладилар. Агар бу сифатларни йўқотсалар, хайрлилик улардан кетади. Шу сабабли биз бу оятни ўқиганда шундай хулосага келишимиз мумкин:

— Аллоҳ Муҳаммад (с.а.в.) умматини инсоният учун инсонларнинг энг хайрлиси қилди. Энди улар ҳаммани яхшиликка ундаши, ёмонликдан қайтариши керак. Аллоҳнинг адолати ҳукмрон бўлиши учун улар иймонсизлар билан жиҳод олиб борадилар.

Шу сабабли Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар:

— Инсонларнинг энг хайрлиси инсонларга фойдали бўлгандир. Инсонларнинг энг ёмони инсонларга зарарли бўлгандир.

«Аллоҳга иймон келтирасиз» дегани — Аллоҳнинг бирлигини тасдиқ этасиз ва бу тасдиқингизга собит бўласиз, Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.) нинг Аллоҳ Расули эканлигига иқрор бўласиз ва бу иқрорингизда собит турасиз, дегандир. Ҳз. Муҳаммад — Аллоҳнинг Расули эканлигини тасдиқ этмаган одам Аллоҳга иймон келтирган саналмайди. Чунки уни тасдиқ этмаслик — у тақдим этган мўъжизалар Аллоҳ томонидан бўлмаганлиги, унинг ўзи тўқиганлигини даъво қилиш демакдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадиларки:

— Қайси бирингиз Аллоҳ ризосига тўғри келмайдиган бирон хатти-ҳаракатни кўрсангиз, уни қўлингиз билан қайтариб огоҳлантиринг. Агар бу унга таъсир қилмаса, тилингиз билан бу ҳаракат тўғри эмаслигини айтиб, йўлга солинг. Кимда-ким тили билан ҳам, қўли билан ҳам бирон иш қилолмаса, лоақал бу ҳаракатни маъқулламаганини кўнглидан ўтказсин. Иймонлиларнинг энг заиф феъли шудир\_

Бу ҳадис юзасидан баъзи олимларимиз шундай дейдилар:

— Ёмонликка қўл таҳдиди билан монеъ бўлмоқ амалдорларга, тил билан монеъ бўлмоқ, яъни ул хатти-ҳаракатнинг ёмонлигини тил билан тушунтирмоқ олимларга, қалбан маъқулламаганини кўнглидан ўтказмоқ эса авом табақасига оиддир.

Баъзи олимларимиз бу борада шундай дейдилар:

— Ким бўлишидан қатъий назар, бир ёмонликнинг олдини олишга қўлдан келганча ҳаракат қилиш ҳар бир инсон учун вожиб.

Шунинг учун Аллоҳ буюради:

— Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Шубҳасиз, Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир".

Яхшиликни ташвиқ этмоқ, хайрли ишлар қилишни осонлаштирмоқ ва имкон даражасида ёмонлик ва душманлик йўллари бекитмоқ «Яхшилик йўлида ҳамкорлик» жумласига киради.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадисларида буюрадилар:

— Ким, бидъат йўлидаги одамнинг бидъатига монеълик қилса, Аллоҳ унинг қалбини ўз ҳимоясига олади, иймон билан тўлдиради. Ким, бидъат эгасига қарши чиқса, Аллоҳ қиёмат кунининг қўрқувидан уни халос қилади. Ким, бирон кишини яхшилик сари йўлга сололса, ёмонликдан қайтарса, у ер юзида Аллоҳнинг, Аллоҳ Китобининг ва Расулининг халифасидир.

Ҳузайфа (Ҳузайфа - муҳтарам ансорлардандир. Ҳузайфа-и Яманий ҳам дейилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан кўп мулоқотда бўлган. Жудатақволи бир зот эди. Эрон фатҳида қатнашган. Ҳижрий 35 йилда вафот этган.)да шундай нақл бор:

— Шундай бир замон келадик, бир қисм инсонларнинг фикрича, атрофда яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтарувчи одам қолмайди, «эшак териси» мақбул нарса деб ҳисоблана бошлайди.

Ҳз. Мусо сўрайди:

— Эй Раббим, мўмин биродарини йўлдан қайтариб, унга яхшилик қилишни ва ёмонликдан қочишни тавсия этган одамнинг мукофоти нимадир?

Аллоҳ буюрадики:

— Унга бутун калималар билан бир йиллик ибодат савоби ёзаман ва унга азоб беришдан уяламан.

Бир қудсий ҳадисда Аллоҳ буюрадики:

— Эй Одамзот, тавбага кечиккан, ҳою-ҳавасларга ўралашган ва охиратга амалсиз қуруқ келганлардан бўлма. Обидларнинг айтганини айтиб юрвчи, лекин амалда мунофиқлар ишини қилиб юрвчилардан бўлмаки, улар Аллоҳнинг ҳалолдан берганларига қаноат қилмайдилар ва ҳаром бўлган нарсаларга яқинлашишдан тоймайдилар... Солиҳларни севаман деб, уларнинг ахлоқига эга бўлмаган ва мунофиқларни ёмон кўраман деб, улар билан бирга юрадиганлардан бўлма. Бировни яхшиликка ундаб, ўзи яхшилик қилмайдиган, ёмон ишлардан қайтариб, ўзи ёмонлик қилишдан қайтмайдиган тоифадан ҳам бўлма.

Ҳз. Алидан нақл этилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) дан эшитганман. Айтардиларки:

- Охир замонда исқирт тишли, ақлсиз шундай бир гуруҳ одамлар юзага чиқадики, улар яхшиликдан гап сотадилар-у, лекин айтганлари юракларга таъсир этмайди. Ўқ нишонга тегмай, хато кетгани каби таъсирсиз қолаверади ва одамлар диндан чиқиб кетадилар.

Яна Расулulloҳ (с.а.в.) бир ҳадисларида айтадилар:

- Меърож кечаси бир қисм одамларни кўрдим. Оловдан бўлган қайчилар уларнинг дудоқларини кесар эди. «Булар кимлар, эй Жаброил?» — деб сўрадим.

Дедики:

- Булар сенинг умматингдан... бошқаларга яхшилик қилишни ўргатганлари ҳолда ўзларини унутган хатиблардир.

Шу сабабли Аллоҳ буюради:

- Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Эс-ҳушингизни йиғиб олмайсизларми? (Бақара сураси, 44-оят.)

Қанча-қанча инсонлар Аллоҳнинг китобини ўқийдилар. Истагини тушунадилар, ўрганадилар, фақат амал қилмайдилар. Масалан, муҳтожларга ва етишмовчиликдан қийналганларга ёрдам бериш кераклигини айтадилар, лекин ўзлари бундай ёрдамга майл кўрсатмайдилар. Яхшиликка йўллай билиш ва ёмонликдан қайтариш яхши, лекин айни замонда бу гапни айтган одам ўзи ҳам феълан шу асосда иш кўрувчи мусулмон бўлмоғи ҳар бир мўминга вожибдир. Аллоҳ марҳамат қилади:

— Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намозни тўқис адо этадилар, закот берадилар, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларни Аллоҳ ёрлақайди. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли (ҳеч нарса уни ваъ-дасидан қайтаролмайди), ҳикматлидир (ҳеч нарсани ҳикмат билан, ўринли адо этади) (Тавба сураси, 71-оят.).

Аллоҳ «яхшиликка буюрадилар» жумласи билан мўминларни мақтайди. Демак, «яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришга ҳаракат қилмаганлар» бу оятда мадҳ этилган мўминлар тоифасидан ҳисобланмайдилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ «Яхшилик қилишни буюриб, ёмонликдан қайтариш учун ҳаракат қилмаганлар»ни айблади:

— Улар бир-бирларини қилган нолойиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш! (Моид сураси, 79-оят.)

Абу ад-Дардо (Абу ад-Дардо. Ансорлардан, Уваймир номи билан ҳам танилган. Тўлиқ номи Абу ад Дардо Уваймир. У ибн Моликнинг олим ва ҳақимларидан эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Уваймир - умматимнинг ҳақимларидандир» деб билдирганлар. Уҳуддан бошлаб барча жангларда иштирок этган. 179 та ҳадис ривоят қилганлар. Вафоти м. 652 йил.) шундай дейди:

— Эй инсонлар, сиз одамларни яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтаринг. Йўқса, Аллоҳ

золим бир ҳукмдорни бошингизга бало қилиб юборади. Бу золим на катталарингизни ҳурмат қилади, на кичикларингизга марҳамат кўрсатади!.. Орангизда қолган яхши одамларингиз дуо қиладилар, аммо дуолари қабул бўлмайди. Аллоҳдан нажот тилайдилар, аммо нажот келмайди. Афв сўрайдилар, аммо афв қилинмайдилар.

Абу Зар Ғиффорий (Абу Зар Ғиффорий (Жундуб ибн Жунода) - илк исломга кирганларнинг бешинчиси бўлиб, илмда Ибн Масъуд ҳазратларига тенг саналарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан 281 та ҳадис нақл этган. Вафоти ҳ. 31 й.) ҳикоя қилади:

Абу Бакр деди:

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) бутпарастрлар билан қилинган урушдан бошқа жиҳод борми?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Ҳа, эй Абу Бакр! Аллоҳнинг ер юзида шундай мужоҳид бандалари борки, шаҳидлардан ҳам фазилатлидирлар: яшайдилар, еб-ичадилар ва дунё юзида айланиб юрадилар. Аллоҳ кўкдаги малаклардан ҳам кўра улар билан кўпроқ фахрланади, чунончи, Умму Салама Аллоҳнинг Расули учун безанса, жаннат ҳам улар учун безанади.

Абу Бакр:

— Улар деганингиз кимлар, эй Расулulloҳ? Расулulloҳ (с.а.в.):

— Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарганлар, Аллоҳ учун севиб, Аллоҳ учун ёмон кўрганлар! Менинг нафсим Аллоҳнинг кудратли қўлидадир, мен Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, юқорида айтилган сифатларга эга бўлган киши кўшклараро, шаҳидларнинг кўшклари устидаги кўшқда ўтиради. Ҳар кўшкнинг уч юз эшиги бўлади. Эшиклар ёқутдан ва яшил зумраддан бўлади. Ҳар эшиқда бир нур бўлади. Бу кўшкнинг эгаси уч юз минг ҳурга уйланади ва бу ҳурлар ёлғиз унга кўнгил берадилар. Ҳурларнинг қай бирига назар ташласа, шу онда унга шундай дейилади:

— Хотирингдами, фалон куни фалончи-фалончиларни яхшиликка ундаган, ёмонликдан қайтарган эдинг.

Яна ҳурлардан қай бирига илтифот кўрсатса, ўша ҳур унга яхшиликка ундаган, ёмонликдан қайтарган чоғларини хотирлатади.

Абу Убайда ибн Жарроҳ (Абу Убайда ибн Жарроҳ - Пайғамбаримиз (с.а.в.) жаннат ваъда қилган ашараи мубашшаралардан биридир. Илк мусулмон бўлганлардан, Расулulloҳ с.а.в. билан бирга кўп урушларда қатнашган. Аскарларга саркардалиқ қилган. Ҳз. Умар халифалиги даврида Суриядаги кўшиннинг бош қўмондони бўлган. Ҳижрий 18 йилда вабо касалидан вафот этган.) ҳикоя қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) га дедимки:

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), Аллоҳ ҳузуринида шаҳидлардан қайси бири шарафлироқ?

Айтдилар:

— Золим бир амалдорга қарши чиқиб, уни яхшилик сари йўлга ундаган ва ёмонликдан воз кечишга чақирган ва шу туфайли у золим томонидан қатл этилган одам! Қатл этил маса ҳам, модомики у золим ҳукмдорга қарши чиққанидан кейин қандай яшаганидан қатъи назар, қалам унга ортиқ гуноҳ ёзмас.

Бир замонлар Аллоҳ, Юшо Алайҳиссалом (Юшо алайҳиссалом — Мусо алайҳиссаломдан кейин пайғамбар бўлган ва 29 йил пайғамбарлик қилган ҳамда тарихий асарларда айтилишича, илоҳий жазо сифатида 40 йил Тийх саҳросида қолган бани Исроил қавмини Аллоҳнинг маърифати билан саҳродан қутқариб олиб чиққан эди. Ўзи Юсуф пайғамбарнинг невараларидан бўлгани ва милоддан аввалги 1225 йилда Мусо алайҳиссаломнинг ёнида бўлгани, кейин 110 йил умр кўргани айтилади.)га ваҳий юборади:

— Эй Юшо, қавмининг яхшиларидан қирқ мингини, шарир (бузуқ)ларидан эса олтмиш мингини ҳалок этаман!

Юшо:

— Эй Раббим, шарирларни-ку тушундик, яхшиларнинг гуноҳи не?

Аллоҳ:

— Чунки улар (яхшилар) шарирлар билан бирга еб-ичадилар.

Анас ибн Молик (Анас ибн Молик - Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан, лақаби Абу Ҳамза. Тахминан ҳижрий 92 йидда 100 ёшида вафот этган.) нақд этади: Дейдики:

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), ўзимиз яхшилик қилмасдан бурун бировни яхшиликка ундамайлик, ҳамма ёмонликларимизни тарк этмагунча бошқаларга, ёмонлик қилманг, демайлик. Ё бу гапимиз нотўғрими?

Марҳамат қиладиларки:

— Яхшиликнинг таги мўл, ҳамма вақт яхшилик қилишга улгурмайсиз, умуман, яхшилик қилаётган бўлсангиз, бас, бошқаларни яхшиликка ундайверинг; ўзингиз ёмонликларнинг ҳаммасидан қутулмаган бўлсангиз ҳам, бошқаларни ёмонликдан қайтаринг.

Салафларнинг баъзилари (яъни баъзи бир ўтмишда ўтган кишилар) ўғилларига шундай насиҳат қилишарди:

— Орангизда кимда-ким одамларга яхшилик қилиш ва ёмонликдан воз кечиш кераклигини айтмоқчи бўлса, ўз нафсини сабр билан қуроллантириб олсин. Бу гапининг савобини Аллоҳдан кутсин. Кимки Аллоҳ берадиган савоб билан кифояланса, одамлар томонидан бериладиган ноҳақ жавобларнинг аччиғини ҳис қилмайди.

## ШАЙТОННИНГ ДУШМАНЛИГИ

Кимки ўзини мўмин деб билса, олимларни ва солиҳларни севиши, уларнинг давра суҳбатларига қатнаши, билиши шарт бўлган масалаларни сўраб ўрганиши, насиҳатларини олиши, ёмон амаллардан узоқлашиши ва шайтонни ўзига душман деб билиши вожибдир. Аллоҳ буюради:

-Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз у ўз фирқасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур (Фотир сураси, 6-оят).

Оятни мана бундай деб тушуниш керак:

- Аллоҳга итоат этиш орқали шайтонга душманлик қилинг. Аллоҳга қарши исён қилиб, шайтонга итоат этманг. Чин юракдан, самимият билан қилинган хатти-ҳаракатларингизда, сажияларингизда ва ишончларингизда шайтондан қочинг. Ишингизни ақлни ишлатиб қилинг. Чунки шайтон амалларингизга қайта-қайта риё аралаштиради ва ёмон ҳаракатларингизни кўзингизга яхши қилиб кўрсатади. Шайтоннинг ўйинига тушмаслик учун Аллоҳдан ёрдам талаб қилинг.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳикоя қилади:

- Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) бир чизиқ чизди ва: «Бу — Аллоҳнинг йўли!» — деб айтди. Кейин бу чизиқнинг ўнг ва сўл тарафига яна биттадан чизиқ чизди ва «Булар ҳам йўл, уларнинг ҳар бири узра шайтон бор, у сизни шу йўлларга чорлайди!» - деди, сўнгра шу оятни ўқиди:

— Албатта, мана шу менинг Тўғри йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар. Бошқа йўлларга эргашмангизки, улар сизларни унинг (Аллоҳнинг) йўлидан узиб қўяр, у (Аллоҳ) шояд тақво қилсангиз деб сизларни шунга буюрди (Анъом сураси, 153-оят).

(Абдуллоҳ ибн Масъуд — Исломга кирганларнинг олтинчисидир. Ҳали Қуръони Карим шаклланиб битмаган замонлардаёқ сураларни ҳаммадан яхши ёд билгани учун кўп ҳадислар эшитишга мушарраф бўлган ва эслаб қолганди. Буюк фақиҳ ва мужтаҳидлардан. Жисмонан заифрок эди, аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Сиз Ибн Масъуднинг вужуди заифлигига қараманг. Ўлчовда у ҳаммангиздан оғирдир», - деб буюрганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан 840 ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 32 йилда 60 ёшида вафот этган.)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу изоҳи билан бизга шайтоннинг йўллари кўплигини баён этгандир.

Эй биродарим, билиб қўйки, юрак бир қалъага ўхшайди. Шайтон эса бу қалъага кириб, уни ишғол этиб, унга эга бўлишни хоҳловчи бир душмандир. Қалъа, фақат дарвозалар қўриқланиб, бузилган жойлари таъмирлангандагина Душмандан муҳофаза қилинади. Душман кирадиган эшикларни қандай қўриқлашни билмаганлар душман қўлига тушишга маҳкумдир.

Юракни шайтоннинг васвасаларидан муҳофаза қилиш ҳар бир мусулмоннинг зиммасига юкланган вазифадир, ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди. Бу мажбуриятни бажармоқ учун нималарни билиш лозим бўлса, ўшаларни ўрганиш ҳам вожибдир. Фақат Шайтоннинг кириш йўллари билган одамгина унинг васвасаларини даф эта олади. Шайтоннинг кириш йўллари ва эшиклари кишининг сифатлари ва ёмон феъл-атворлари устига қурилади. Булар эса беҳисобдир. Жумладан, баъзи бирларини кўриб чиқайлик:

### *Ғазаб ва ҳавойи нафс*

Ғазаб бир онда ақлни ишдан чиқаради, яъни жаҳл келганда ақл кетади ва инсон тўғри гапни англаш қобилиятини йўқотади. Ана шундай пайтда шайтон ўз васвасалари билан ҳужумга ўтади. Инсон аччиқланган пайтда, ёш бола бемалол копток ўйнаб ўтирганидай, Шайтон уни бемалол ўйинчоқ қилиб ўйнайди. Бир куни Шайтондан сўрашибди:

— Сен инсонларни қандай мағлуб этиб, йўлдан оздирасан?

Шайтон шундай жавоб берибди:

— Мен инсон ғазабланганда ва ҳавойи нафсга берилганда унинг ёқасидан оламан.

### *Ҳасад ва ҳирс*

Ҳасис одам кўрдир, кардир. Ичида ғимйрлаётган ҳирс уни кўр ва кар қилади. Шайтон эса ана шу ҳирсли кишини васвасага солиш учун пайт пойлайди. Ҳирсли кишининг нафси истаётган нарса ҳаром, тақиқланган ва ёмон иш бўлишига қарамай, ҳаммасини унга чиройли ва ёқимли қилиб кўрсатади. Шу тариқа ҳирсли кишининг ақдидан ҳаром-ҳалол тушунчаси маҳв этилади. Шундан сўнг у (ҳирсли киши) ҳар ёққа талпина бошлайди. Ҳамма нарсани қўлга киритмоқчи бўлаверади.

Ҳикоя қиладилар:

— Нух Алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига кўра ҳар жонивордан бир жуфтдан олгандан сўнг кемасига чиқади. Бир маҳал қараса, кеманинг бир бурчагида у танимаган бир чол ўтирган эмиш.

Сўрайди:

— Сени бу ерга ким чиқарди? Чол:

— Ўзим чиқдим. Сенинг одамларингнинг юрагига васваса солиб, қалбларини мен билан, танларини эса сен билан қолдириш учун!..

Нух унинг шайтон эканлигини англайди ва:

— Даф бўл бу ердан! Аллоҳнинг душмани! Лаънати! — дейди.

Шунда Шайтон шу сўзларни айтади:

— Беш нарса борки, мен ўшалар билан инсонларни тўғри йўлдан чиқараман. Буларнинг фақатгина учтасини айтмай сенга! Қолган иккитасини айтмайман.

Лекин худди шу асно Аллоҳ, Нух Алайҳиссаломга ваҳий йўли билан ишора қилиб дерки:

— Сенинг у учтага эҳтиёжинг йўқ. Қолган иккитасини айтсин!

Бу хабардан сўнг Нух Алайҳиссалом, қолган иккитасини айтишингни истайман, дейди: Шайтон шунда дейди:

— Қолган иккитаси шундай нарсаларки, мени ҳеч ким ёлғончига чиқаролмайди. У икки нарса шундай хислатга эгаки, ҳеч ким мени ташлаб кетолмайди. Шу икки нарса билан мен мўлжалга беҳато ураман. Шу икки нарса билан мен инсонларни ҳалок этаман. Ҳирс, ҳасад!.. Ҳасад

туфайли мен Аллоҳнинг лаънатига учрадим, қувғин бўлдим. Ҳирс масаласига келинса, Жаннатда Одамга бир дарахтдан бошқа ҳар нарса мубоҳ қилинган эди. Мен ҳирснинг ёрдами билан ниятимга етдим: Одам ҳирс туфайли тақиқланган мевага қараб борди.

### *Тўқлик ва мечкайлик*

Олинган озиқ-овқатлар бутунлай ҳалол бўлса ҳам, узлуксиз овқат еявериш меъдани қорайтиради, унга зарар етказди. Чунки тўқлик шаҳвоний ва ҳавойи истакларни қучайтиради. Шаҳвоний ва ҳавойи истаклар эса шайтоннинг қуроллари жумласидандир. Шаҳвоний ва ҳавойи истаклар туфайли кўзи тинган инсонни шайтон осонгина қўлга ту-ширади ва Аллоҳнинг йўлидан чиқаради. Юқорида Иблис ва Яҳё Алайҳиссалом ҳикоясидан баҳс этган эдик, яна бир карра ўша манзарани хотирлайлик:

Бир кун Яҳё Алайҳиссалом Иблис билан учрашиб қолади. Иблиснинг қўлида учи чангалли бир боғлам таёқлари бор эди. Яҳё Алайҳиссалом сўрайди:

— Булар нима?

Иблис:

— Одамларни тўғри йўлдан оздирадиган баъзи шаҳвоний ва ҳавойи истаклар.

Яҳё Алайҳиссалом:

- Менга оиди борми уларнинг орасида? Иблис:

- Йўқ, лекин бир марта кўп овқат егандинг, намоз ўқиб, Аллоҳни зикр қилаётганингда сени бир оғирлик босганди.

Яҳё Алайҳиссалом:

- Бошқа бирон нарса йўқми? Иблис:

- Йўқ.

Яҳё Алайҳиссалом:

- Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, бундан кейин ҳеч қачон меъдамни тўлдириб овқат емайман.

Иблис:

- Мен ҳам Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, буни бошқа бирон кимсага айтмайман.

### *Уй, жиҳоз ва кийимга ўчлик*

Кимнингки мижозида уй, жиҳоз ва кийимга ўчлик бор бўлса, шайтон унинг бу заифлигидан фойдаланади. Уни уйини кўркамлаштиришга, деворларини ва шифтларини нақшлашга, хоналарини кенгайтиришга чақиради. Гўзал либослар ва уловлар билан кўзини ўйнатади. Натижада бундай аҳволга тушган одам ҳою-ҳавасларга берилади. Ҳеч қачон ўлмайдигандай ҳаракат қилади. Шайтон уни шу йўлга солдими, вассалом, ортиқ ҳеч қачон ғу аҳволдан қутулолмайди. Чунки бу аҳволдаги одамнинг ҳаваслари ҳеч битмайди. Шундай бир пайт келадикки, у, шу тариқа шайтоннинг йўлида, ҳою-ҳавас кетида умр ўтказаркан, ажал етиб келганини ҳам билмай қолади. Қарасаки, ҳеч бир иш қилмабди... Оламдан бундай иймонсиз ўтишдан кўрқмоқ лозим. Худо сақласин!

### *Ҳовлиқмалик*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадиларки:

- Ҳовлиқиш шайтондандир; бамайлихотирлик (таанни) ва мўътадиллик (иътидол) Раҳмондир. Мўътадиллик ўрнига ҳовлиқмалик бошланганда, Шайтон инсонга секингина бир тарафдан, идрок ҳам қилдирмай, гуноҳни қабул қилдиради.

Ривоят қилишларича, Ҳз. Исо туғилган куни шайтонлар тўпланишиб, Иблиснинг қошига

келадилар ва шундай дейдилар:

— Бу кеча бутлар оёғи осмондан бўлиб йиқилди.

Иблис бу хабарни эшитганда: «Шошилининг! Бу янги бир ҳодиса!» — дейди ва дарҳол ер юзини айланиб чиқади, лекин бирон янгилик тополмайди. Фақатгина Исо Алайҳиссалом туғилганини ва малаклар уни зиёрат қилаётганликларини кўради. Ортига қайтади ва шундай дейди:

— Ўтган кеча бир пайғамбар туғилибди. Ҳар бир туғилган боладан менинг хабарим бўларди. Фақат бунисидан хабарим бўлмади.

Ҳз. Исо туғилган аснода инсонларни бутга сиғинтиришдан умидларини узган шайтонларга қараб, улуғ боболари Иблис шундай дейди:

— Бундан буён одамзотни ҳовлиқмалик, енгилтаклик ва шошқалоқлик томиридан тутаман!

### *Мол-мулк ва пул*

Эҳтиёжидан ортиқча ҳар қандай мол-мулк инсоннинг тўғри йўлдан озишига ва тойиб кетишига олиб боради. Кишининг ҳар турли маъмурчилик ичида яшаши уни шайтоний ҳаракатларга бошлайди. Бойлигига керилган киши ҳар тарафлама Аллоҳ йўлидан чиқади.

### *Хасислик ва қашшоқ дўлиб қолишдан қўрқиш*

Хасис ва қашшоқ бўлиб қолишдан қўрқиб яшовчи кишилар муҳтожларга ёрдам бермайди. Мол-мулкани ва пулини жуда эҳтиёт қилади. Хасис одам кўпроқ мол-мулк орт-тириш учун ҳирс билан ўзини тўрт тарафга уради, бутун кун турли ерларда ва кўчаларда изғиб юради. Кўчалар эса шайтонлар уя қурган жойлардир.

### *Таассуб (Чекланганлик)*

Бир тур инсонлар бўладик, улар ўз мазҳабидан хорижда бўлган ёки фикрлаш тарзи ўз фикрига уйқашмайдиган кишиларга ёвлик қиладилар. Уларни тубан кўрадилар. Бундай ҳол ва бундай хатти-ҳаракат жамиятни кемирувчи, охир-оқибатда ўддирувчи жуда ёмон бир касалликдир. Улуғ шахслари шундай таассубга дучор бўлган кўпдан-кўп жамоалар бир-бирларига кек сақлайдилар ва ёвлик қиладилар. Иблисининг шундай дегани ривоят қилинади: - Мен уммати Муҳаммадни алдаб, бир қанча гуноҳлар қилдирдим. Лекин улар тавба қилиб, бошқа бу гуноҳни қилмаслик йўли билан менинг белимни синдирдилар. Мен ҳам бу сафар уларни тавба қилмайдиган гуноҳлар билан алдадим. Булар ботил ва фосиқ (асоссиз ва бузуқ) эътиқодлар, таассуб ва кекдир.

Малъун тўғри айтади. Чиндан ҳам бир қатор кишилар ботил ва фосид ишончларга боғланиб қолганлар. Уларнинг аксарияти ўз мазҳабидан бўлмаган ва бошқача фикрловчи кишиларга нисбатан кек сақлаб, ёвлик қиладилар, уларга ҳақоратли назар билан қарайдилар. Айни чоғда бу ҳаракатлари гуноҳ эканлигини ва тавба қилиш кераклигини билмайдилар.

### *Су-и зан (Бировдан гумонсираш, ишончсизлик)*

Мусулмонларга ёмон гумонсирашдан, яъни су-и зандан қочиш вожибдир. Қачон бўлмасин, бир одам иккинчисни су-и зан қили, айбларини ковлаштираётганини кўрсанг, билки, бу одамнинг ичи қорадир, юраги кирдир. Унинг бундай ўтган-кетганнинг айбини ковлаштирувчилиги ўзидан атрофга ёйилаётган сассиқ ҳид, ифлосликдан иборатдир.

Шу ергача кишининг тўғри йўлдан чиқишига сабаб бўлувчи баъзи ёмон сифатлар ва ёмон феълларни қисқача изоҳладик. Билингки, шайтоннинг васвасаси шу йўллардан ки-ради. У ҳолда бу йўлларни бекитмоқ, яъни бу ёмон сифат ва феълларни тарк этмоқ ва Аллоҳни зикр



қилиш билан шайтонларга қарши ёрдам талаб этмоқ ҳар мусулмон учун во-жибдир.

## ОМОНАТ – ТАВБА

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бир ҳадиси шундайдир:

— Менинг ахлоқимга тобеъ бўлмаган ва менга салоту салом йўлламаган киши жаннат йўлини йўқотиб қўяди. ОМОНАТ калимасининг ўзаги «АМИН»дир. Амин бўлмоқ, қўрқув ва андиша эҳтимолидан холи бўлмоқдир.

Омонатга риоя қилинган жойда бировнинг ҳақи ўтганлиги тўғрисида андишага борилмайди. Омонатнинг тескариси хиёнатдир. Бу сўзнинг ўзаги «хайн» бўлиб, нуқсон, етишмовчилик маъносида келади. Чунки бир жойда кимгадир хиёнат қилинса, унга етишмовчилик (камомад) етказилган, яъни бир нарсаси йўқотилган (ё ўзлаштирилган) бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дейдилар:

- Ҳийлачи ва хоин киши жаҳаннамдадир.

- Ким инсонлар билан қилган олди-бердисиди ва муомаласиди уларга зулм ўтказмаса, гаплашган пайтида ёлғон сўзламаса, унинг инсонлиги камол топади, адолат кўзга ташланади ва биродарлик бурчи ижро этилган (бажарилган) бўлади.

Тоғлик бир араб бир қабилани мақтаб шундай дейди:

- Омонатни эҳтиёт қилишни жуда яхши кўрадилар. Ўзларига қолдирилган омонатга ҳеч тегмайдилар, хиёнат қилмайдилар, бурчларидан қайтмайдилар. Мусулмон одамни ҳурмат қилишда қусурга йўл бермайдилар. Уларга қолдирилган омонат асло зое бўлмайди. Улар умматнинг энг яхшиларидандирлар.

Мен (Фаззолий) дейманки:

- Бу тоғлик араб мақтаган инсонлар йўқ бўлиб кетишди. Биз бу замонда фақатгина либос кийган бўриларни кўраимиз.

Шу сабабли бир шоир шундай дейди:

*Инсон кимга айтсин ахир ўғриларни,  
Қайдан топсин холис дўстни, тўғриларни?!  
Тўрт ён боқиб инсон зотин тополмайди?  
Кўрар фақат либос кийган бўриларни.*

Ҳузайфа ҳикоя қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) башорат қилиб дедиларки:

- Шундай бир замон келадики, омонатга риоят йўқ бўлажак. Инсонлар олди-бердиларида бир-бирларига ишонмаяжаклар. Омонат ўз эгасига топширилмаяжак. Мабодо биронтаси омонатни эгасига топширса, у ҳақда: «Фалон оилада омонатга риоят қиладиган бир киши бор!» — дейилажак.

Эй биродарим, оятлар ва ҳадисларда қатъий бир нарсаси бор: тавба қилмоқ, яъни «Ёмон феъл-атворларни тарк этмоқ ва гўзал ахлоқли бўлмоқ» вожибдир. Аллоҳ буюради:

— Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглари, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар (Нур сураси, 31-оятнинг сўнги).

Бу оят ҳамма учун амрдир. Бунга кўра ким бўлишидан қатъи назар, барча мўминлар тавба қилишларини, яъни ёмон феълларини агар бор бўлса тарк этишлари ва гўзал феъл-лар билан безанишлари вожибдир.

Яна Аллоҳ буюради:

— Эй мўминлар, холис тавба қилиб, Аллоҳга қайтинглар. Балки, Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У КУНда Аллоҳ Пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нурумизни комил қилиб бергин ва бизларни ярлақин. Албатта, Сен барча нарсага

қодирдирсан!, - дерлар (Таҳрим сурасидан).

Шу мазмундаги бошқа оят ҳам тавбанинг фазилатидан далолат беради:

— Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади (Бақара сураси, 222-оятнинг сўнги).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам тавбанинг фазилати борасида шундай марҳамат қиладилар:

—Тавба қилиб, ёмон феълларини тарк этган одам Аллоҳнинг дўстидир.

—Тавба қилиб, ёмон феълларини тарк этган одам гуноҳкор бўлмайди, гуноҳ қилмаган одамдай бўлади.

Яна Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) бир ҳадисларида айтадиларки:

— Аллоҳ, ўзининг мўмин бандаси ёмон феълларини тарк этса, ҳаддан зиёд севиниб кетади. Фараз қилинг: бир киши ёнида егулиги билан чўлда йўлга чиқади, бир жойда манзил қуради ва бошини ерга қўйиб, ухлаб қолади. Уйғонганида егулиги ғойиб бўлганини кўради. Ўнгу сўлини ахтаради, очлик ва ташналиқдан хароб бир ҳолга келади ва ўз-ўзига шундай дейди: «Майли, егулигимни йўқотган еримга бориб, тўйиб ухлай ва ўлиб қўя қолай!»! Бошини қўлларига қўйиб, ўлиш нияти билан ётади ва ухлайди. Бироздан сўнг тўсатдан уйғониб кетади, қараса, егулиги ёнида! Мана шундай, Аллоҳ, бир мўмин тавба қилиб, ёмон феълларини тарк этган пайтда, чўлда егулигини йўқотиб, сўнгра уни топган бу кишининг севинишидан ҳам кўпроқ севинади.

Ривоят этилишича, Аллоҳ Ҳз. Одамнинг тавбаси қабул қилинишини билдирган вақтда барча малаклар уни табриқладилар. Бу орада Жаброил ила Микоил уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! келишди. Кейин:

— Қутлуғ бўлсин, Аллоҳ тавбангни қабул этди, дейишди.

Одам сўради:

— Тавбам қабул қилинган бўлса, энди бундан буён қаерда яшашимни билсам бўладими?

Шунда Аллоҳ ваҳий йўли билан унга шуларни билдирди:

— Эй Одам, сен наслингга мерос қилиб, заҳмат ва машаққат қолдирдинг. Мен эса уларга тавба қоддирдим. Ким мени чақирса, унинг чақириғига жавоб бераман. Сенинг чақириғинга ҳам жавоб бердим. Ким мендан афв тиласа, афвимни қизғанмайман, қозонган афвини бераман. Чунки мен бандаларимга кўп яқинман. Муножотларининг ҳақини бераман. Гуноҳларига гавба қилиб, ёмон феълларини тарк этганларни қабрларида севинч ичида, ўйнаб-кулган ҳолда турғизаман. Ёмон феълларини тарк этиб, гўзал феъллар билан безанганларнинг дуоси ҳар вақт ҳам мақбулдир.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирадиларки:

—Аллоҳ, тунда гуноҳ қилган кишининг кундузи тавба қилиб, ёмон феълидан воз кечишини кутади. Яна кундузи гуноҳ қилган кишининг ҳам тунда тавба қилишини ва бу ёмон феълидан воз кечишини куёш ботгандан куёш чиққунга қадар кутади.

—Осмон бўйи гуноҳ қилган бўлсангиз ҳам, сўнгра қаттиқ афсусланиб тавба қилсангиз ва ёмон феълларингизни тарк этсангиз, тавбангизни қабул қилишни марҳамат қилади.

— Бандаси бир гуноҳ қилиб қўйиши мумкин, сўнг шу гуноҳи кечирилиб, жаннатга ҳам киради.

Саҳоба сўради:

— Бу қанақаси, эй Аллоҳнинг Расули?

Расул айтдики:

— Бандаси гуноҳ қилади, лекин тавбани кўз ўнгида тутаяди, гуноҳдан қочаяди.

— Гуноҳни ювувчи нарса надоматдир. Гуноҳларига тавба қилиб, ортиқ бундай қилмаганлар гуноҳ қилмаганлар кабидир.

Бир кун ҳабашистонлик бир киши Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), мен кўп ёмон ишлар қилдим. Энди бундай қилмаслик шарти билан тавба қилсам, қабул бўладими?

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

-Ҳа!

У киши кетди, сўнгра орқага қайтди, кириб шундай деди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, мен ёмон феълимда тураверсам, Аллоҳ мени кўрадимми?

Расул (с.а.в.) айтдилар:

-Ҳа!

Бу жавобни эшитган ҳабашистонлик киши бир «оҳ» урди ва шу ондаёқ жон таслим этди.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ Шайтонни лаънатлаган пайтда Шайтон муҳлат сўради. Аллоҳ унга қиёматга қадар муҳлат берди. Шунда Шайтон:

— Иззатинг ва Жалолинг ҳаққи, одамзотнинг жони танини тарк этмагунча, уни тўғри йўлдан чиқаравераман — деди.

Аллоҳ ҳам айтдики:

— Иззатим ва Жалолим ҳаққи, одамзотнинг жони танини тарк этгунча, унинг тавбасини қабул этавераман!

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

— Қилинган гўзал ва хайрли ишлар, сув либоснинг кирини кетказгандай гуноҳларингизни ювиб кетади.

Бир одам Абдуллоҳ ибн Масъуддан сўради:

— Мен бир гуноҳ қилдим. Тавба қилиб бошқа бундай қилмасам, Аллоҳ афв этадимми?

Ибн Масъуд аввал у одамдан юз ўгирди. Жавоб бергиси келмади. Сўнгра бурилиб, унга қаради. Одамнинг кўзларидан ёш оқаётган эди. Шундай деди:

— Жаннатнинг саккиз эшиги бор. Ҳаммаси очилиб-ёпилиб туради, фақат тавба эшиги ҳеч ёпилмайди. Унинг устида эшик ёпилмасин учун бир малак бор. Тавба қил, маъюс бўлма!

Ибн Масъуд ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули дедиларки:

— Бир кимса гуноҳига тавба қилиб, бошқа бундай гуноҳ қилмаса ва ёмон феълларини тарк этса, Аллоҳ ёзувчи малакларга у бандасига оид ёзилган гуноҳларни ўчиртиради; айни тарзда бандасининг барча аъзоларига, гуноҳ қилинган жойга ва кўкдаги мақомига ҳам у гуноҳларни унуттиради. Токи Қиёмат куни бу гуноҳларнинг қилинганига оид гувоҳлар қолмасин.

Ҳз. Али Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан нақл этади:

—Аллоҳ махлуқотни яратмасдан тўрт минг йил илгари АРШнинг атрофида шундай ёзув бор эди:

—«Мен тавба қилган ҳамда иймон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлга юрган кишиларни мағфират этгувчидирман!» (Тоҳа сураси, 82-оят).

Эй биродарим, билиб қўйки, тезлик билан катта ва кичик гуноҳлардан тавба қилиш ва ёмон феълларни тарк этиб, яхши ахлоқли бўлиш фарзи айнди. Кичик гуноҳларга бепарволик ва ҳадеб кичик гуноҳ қилавериш катта гуноҳларнинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ айтади:

— (У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган, ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, - билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир (Оли Имрон сураси, 135-оят).

Тавбани бошқа гуноҳ қилмасликка азм этиб, қилган гуноҳи учун афсусланиб, чин юракдан қилиш керак. Юзаки ва тил учида тавба қилувчининг ҳоли ғоят ачинарлидир ва мана бу воқеани эсга солади:

— Сасиб ётган ахлат устига ипакдан, кўз қамаштирувчи бир газмол ёпиб қўйилади. Тагида нима борлигини билмаган одам бу ипакка ҳайрон бўлиб қарайди, лекин газмолни кўтариб кўргач, ахлатни кўрганда, бурнини чангаллаб қочиб қолади.

Ҳудди шунга ўхшаб, ибодатни чин кўнгилдан қилмаганлар ҳам бошқаларда ёқимсиз

таассурот қолдиради. Кўринишлари намоз-ниёздаю, ичлари ҳамон ўша-ўша, ифлос. Қиёмат куни пардалар кўтарилганда, малаклар улардан қочадилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) бир ҳадисларида шундай дейдилар:

— Аллоҳ сизнинг бўй-бастингизга, кўринишингизга боқмайди, ёлғиз қалбингизга боқади.

Ибн Аббос дерки:

— Неча-неча одамлар борки, Қиёмат куни тавба қилганман, деб келади. Ҳолбуки, у тавба қилмагандир. Тавба қилганликнинг баъзи шартлари бор. Булар қуйидагилардир:

1. Одам ич-ичидан афсус-надомат билан тавба қилади.

2. Бошқа гуноҳ қилмасликка азм этади ва гуноҳни такрорламасликка интилади.

3. Мумкин бўлса, ҳақини еган кишининг ҳақини қайтариб беради.

4. Мумкин бўлмаса, кимнинг ҳақиға тажовуз қилган бўлса, ўша киши билан ҳалолланади (розилашади).

Агар мазлумнинг ҳақини бериш ҳам, розилигини олиш ҳам иложсиз бўлса, унинг ҳақиға дуо ўқиш ва истиғфор этиш керак бўлади. Шунда Аллоҳнинг ундан рози бўлиши-дан умид қилиши мумкин.

Гуноҳларни унутиш айбларнинг энг каттасидир. Ақли бўлган одам, албатта, ўзини-ўзи сўроқ қилади, ўзидан ҳисоб сўрайди, гуноҳларини унутмайди. Шунинг назарда тутиб, бир шоир шундай деган:

Сиртига гуноҳи юкланган инсон, унутма гуноҳинг, юв уни чаққон. Аллоҳга ўлимдан олдин тавба қил, Айбингни тан олгил эй осий, шошил!

Имом Абуллайс ҳикоя қилади:

— Бир кун Ҳазрат Умар Пайғамбаримиз (с.а.в.) қошига йиғлаб келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Нега йиғлайсан?! — деб сўраганларида Ҳазрат Умар:

—Эй Аллоҳнинг Расули, эшикда бир йигит йиғлаб ўтирган экан, кўнглим эзилди. Шунинг учун йиғладим, - деб жавоб берди.

Расулulloҳ (с.а.в.): «Уни ичкари олинг!» - деб буюрдилар. Йигит ичкари олинди. Йиғлаб турган йигитдан Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўрадилар.

— Нега йиғлаяпсан, эй йигит?

Йигит:

- Гуноҳларим кўплиги мени йиғлатди. Аллоҳдан қўрқяпман, эй Аллоҳнинг Расули!

Сўнгра ораларида шундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

Пайғамбар (с.а.в.):

- Аллоҳга шерик кўрдингми?

Йигит:

- Йўқ!

Пайғамбар (с.а.в.):

— Бировни ноҳақ ўлдирдингми?

Йигит:

- Йўқ!

Пайғамбар (с.а.в.):

- Гуноҳларинг етти қават осмону, ер ва тоғлар қадар бўлса ҳам, Аллоҳ афв этиши мумкин!

Йигит:

- Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), менинг гуноҳим бундан ҳам катта!

Пайғамбар (с.а.в.):

- Сенинг гуноҳинг каттароқми, курсими (Курси - Аллоҳ ўтирувчи кўшк — Арши Аъло этагидаги осмон табақаси)?

Йигит:

- Менинг гуноҳим каттароқ.

Пайғамбар (с.а.в.):

- Сенинг гуноҳинг каттароқми, Аллоҳнинг афвими?

Йигит:

- Аллоҳнинг афви каттароқ.

Пайғамбар (с.а.в.):

- Энг катта гуноҳни энг катта бўлган Аллоҳдан бошқа ҳеч ким афв этолмайди. Менга гуноҳинг нималигини айт.

Йигит:

- Сиздан уяламан, эй Аллоҳнинг Расули! Пайғамбар (с.а.в.):

- Айт, деяпман сенга!

Йигит:

- Эй Аллоҳнинг Расули, мен етти йилдан бери кафан шилувчилик қиламан. Охирги марта ансорлардан бир чўри қиз ўлганди. Бордим, қабрини очиб, кафанини шилдим. Сўнгра шайтоннинг сўзига кирдим. Унинг номусига тажовуз қилдим, Оз ўтмасдан, Аллоҳнинг қудрати билан чўри тилга кирди ва менга шундай деди:

- Суф сенга, мазлумнинг ҳақини золимдан олувчи Аллоҳдан уялмайсанми? Мени қабр халқи орасида қипяланғоч қолдирдинг. Устига-устак, Аллоҳнинг ҳузурида жунуб бир ҳолга (наҳс босган ҳолга) келтирдинг!

Йигит буларни айтганда Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўринларидан сакраб туриб кетдилар. Йигитни итариб: -Чик бу ердан, эй фосиқ! — деб буюрдилар. -У ҳам чикди-кетди ва қирқ кун Аллоҳга ёлворди. Охири бошини кўкка кўтариб:

- Эй Муҳаммаднинг, Одамнинг ва Иброҳимнинг илоҳи! — деди. — Агар мени ёрлақанган бўлсанг, Расулинг Муҳаммадга ва асҳобига маълум қил. Йўқ, агар ёрлақаманган бўлсанг, кўқдан бир олов тушир ва мени ёқ, охират азобидан қутқар! Шунда Аллоҳ ўз Расули(с.а.в.)га Жаброилни йўллади. Жаброил келди ва дедик:

— Эй Муҳаммад, Раббинг сенга салом юборди ва «Махлуқотни у яратганми, менми?!» — деб сўради.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедиларки:

— Мени ҳам, бошқа махлуқотни ҳам Аллоҳ яратган. Мени ҳам, бошқа борлиқни ҳам у ризқлантиради.

Жаброил келтирган хабари билан гапга нуқта қўйди:

— Аллоҳ анов йигитни афв этганини маълум қилди!

Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.) у йигитни чақирдилар ва Аллоҳ уни афв этганини билдирдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки:

— Аллоҳ учун тавба қилаётган гуноҳкорнинг овозидан гўзалроқ овоз йўқ. Бандаси: «Эй Раббим!» — деган заҳоти Аллоҳ: «Лаббай, эй бандам!» - дея жавоб беради ва: «Тила тилагингни, - деб давом этади, - сен менинг ёнимда баъзи фаришталарим ўрнидасан! Мен сенинг ўнгу сўлингда ва бошинг устидаман! Сенга сендан ҳам яқинроқман. Эй фаришталарим! Гувоҳ бўлинг, бандамни афв этдим!» — дейди.

Зуннун Мисрий дерки:

—Аллоҳнинг шундай бандалари бордирки, тўсатдан қилиб қўйган гуноҳларини қалб кўзи билан кўрадилар. Тавба қилиб, бошқа такрорламай, бу гуноҳларини йўқ қиладилар. Хазин тортиб, қайғуга ботадилар. Жинни бўлмай туриб, ақлдан озадилар. Ҳеч кимни ранжитмайдилар. Мана, Аллоҳни ва Расулини чинакамига таниганлар шулардир. Сўнгра сафо шарбатини ичадилар, узун балоларга чидашга мажбур бўладилар (сабрнинг меросчилари бўладилар). Кейинроқ маънавият оламида қалблари ҳайратланади, илоҳий қудрат пардасининг лашкарлари орасида фикрлари чалқашади. Надомат айвонида салқинлаб ўтирадилар. Гуноҳ саҳифаларини ўқийдилар. Тақво нарвони билан энг баланд маънавий мартабага юксалмоқ учун нафсларига мерос қилиб сабрсизликни берадилар. Дунёдан кетиш азобини ширинлаштирадилар. Қабр ётоғини юмшатадилар. Нажот риштаси ва омонлик ҳалқаси билан зафарга эришадилар.

Рухлари юксак-юксакларга кўтарилади, жаннат боғларига кирадилар, ҳаёт денгизига чўмадилар, сабрсизлик хандагини кўмадилар, ҳою-ҳавас кўприкларидан ўтадилар. Илм майдонига қўнадилар, ҳикмат кўлидан чанқоқларини қондирадилар, фаросат кемасига чиқадилар. Холоскорлик шамоли билан омонлик денгизини ёриб ўтадилар ва роҳат-фароғат боғларига, иззат ва каромат манбаига етиб борадилар.

## МАРҲАМАТ

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтадиларки:

—Жаннатга фақат марҳаматли бўлган одам киради. Саҳоба деди:

—Эй Аллоҳнинг Расули, биз ҳаммамиз марҳаматлимиз. Расули акрам (с.а.в.) сўзга яқун ясадилар:

— Фақатгина ўзига нисбатан марҳаматли бўлганлар марҳаматли эмасдилар. Марҳаматли деб ҳам ўзига, ҳамда бошқаларга нисбатан марҳаматли бўлганларга айтилади.

Кишининг ўзига марҳаматли бўлиши гуноҳларни тарк этиши, тавба қилиб, ёмон феълларидан воз кечиши ва ибодатларини ихлос билан қилиб, Аллоҳнинг азобидан қутулишидир.

Кишининг бошқаларга марҳаматли бўлиши эса, ҳар қандай тарзда ҳам, мусулмон биродарларини қийнамаслигидир.

Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

— Мусулмон деб шундай кимсага айтиладики, инсонлар унинг кўлидан ва тилидан жабр кўрмайдилар, зарарга дучор қилинмайдилар.

Марҳаматли киши ҳайвонларга ҳам марҳамат қилади. Юк ҳайвонларига кўтаролмайдиган, ортиқча юк юкламайди. Емини, сувини ўз вақтида ва етарлича беради. Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан нақл этилган бир воқеа бу масалага янада кўпроқ ойдинлик киритади.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) ҳикоя қиладилар:

— Бир замон бир одам йўлда кетаётган эди. Қаттиқ чанқади. Ўша йўлда учраган бир қудуққа тушиб, ташналигини босди. Қудуқдан чиққанда ўша ерда ташналиқдан тилини осилтириб, ҳансираётган бир кўппакни кўрди. Ўз-ўзига: «Бу кўппак ҳам мендай сувсизликдан ўлар ҳолга кепти!» — деб яна қудуққа тушди. Оғзига тўлдириб, сув олиб чиқди. Сўнг ҳовучида кўппакка ичириб, унинг чанқоғини қондирди. Йўловчининг бу иши Аллоҳга хуш келиб, илгари қилган гуноҳлари кечирилди.

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), махлуқларга қилган яхшиликларимиз учун ҳам савоб борми? Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки:

— Ҳар қандай жониворга қилинган хизматнинг савоби бор.

Анас ибн Молик ҳикоя қилади:

—Ҳз. Умар халифалигида бир кеча шаҳар айланиб юрган эди. Бир жойда кўноқлаган бир тўда йўловчиларни кўрди. Улар ухлаётган эди, анжомларидан овоз чиқиб, уйқуларини безовта қилишидан андишаланди. Шу асно Абдураҳмон ибн Авф келиб қолди.

(Абдураҳмон ибн Авф - фидокор саҳобалардан, илк мусулмон бўлган саккиз кишидан бири. Мадинага ва Ҳабашистонга ҳижрат қилган бойлардан эди. Бир дафъа ўттиз қулни бирдан озод қилганди. Ҳижрий 31 йили 71 ёшида вафот этган.)

У:

—Эй мўминларнинг халифаси, бемаҳалда бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — деб сўради.

Халифа аҳволни тушунтирди ва: «Кел!» - деди, - тўхтайлик, нарсаларнинг овози чиқмасин, улар туришгач, кетамиз!» Сўнгра ухлаётган карвон яқинида ўтириб, бомдод намози вақти бўлгунча кутдилар. Намоз вақти бўлганда Ҳазрат Умар:

Эй карвон, намоз! - дея бақирди. Йўловчилар тура бошлаганини кўргач, Халифа Абдураҳмон

билан секингина у ердан узоқлашди.

Эй биродарим, бизнинг зиммамизда саҳобанинг гўзал ахлоқига риоя қилиш мажбурияти бор, келинг, уларга эргашайлик. Аллоҳ ўз оятларида уларни шундай мадҳ этган:

— Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлганлар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида эса марҳаматли (раҳм-шафқатли)дирлар. Уларни Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб руку, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир. Мана, уларнинг Тавротдаги васфлари ҳам шу-дир. Инжилдаги васфлари ҳам!.. Улар уруқини ёриб чиққан, новда чиқариб кучга кирган, сўнг йўғонлашиб, новдасини тик кўтарган ва шу тариқа деҳқонни суюнтирган экинга ўхшайдилар. (Инжилда ҳам, Тавротда ҳам мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари шундай зикр қилинганлиги иймонсизларни хафа қилиш учундир). Аллоҳ (мўминлардан) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир (Фатҳ сураси, 29-оят).

Ҳақиқатан ҳам саҳобалар мусулмонларга ва барча махлуқотга нисбатан марҳаматли эдилар. Мусулмон бўлмаган Аҳли зиммат (Аҳли зиммат - Ислом давлати қарамоғидаги насронийлар, Ислом давлати томонидан ҳимоя қилинувчи ғайримуслимлар)га нисбатан ҳам марҳаматли муносабатда бўлардилар. Ҳатто бир кун Ҳз.Умар кекса бир ғайримуслимнинг эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрганини кўрганда шундай деганди:

- Сенга инсофсизлик қилдик. Ёшлигиндан сендан жизя (мусулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ -тарж.) олдик. Энди эса ўз ҳолингга ташлаб қўйдик!

Шундан сўнг Ҳз. Умар муҳтожликда қолган бу ғайримуслимга байтулмол (ҳазина)дан нафақа берилишини амр этганди.

Ҳз. Али ҳикоя қилади:

- Бир кун эрта билан халифа Умарни бир водийда йўл устида кўрдим.

- Эй мўминлар халифаси, йўл бўлсин? - деб сўрадим.

Халифа:

- Бир тўя йўқолди. Закот моли эди ва байтулмолга оид эди. Шунини ахтариб юрибман.

Мен:

- Ўзингдан кейинги халифаларни залил қилдинг, эй мўминлар халифаси!

Халифа:

- Мени айблама, эй Али! Ҳз. Муҳаммад(с.а.в.)ни Пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга онт ичиб айтаманки, Фурот дарёсига бир улоқ тушиб кетса, қиёмат куни бунинг ҳисоби Умардан сўралади. Чунки мусулмонларнинг ҳақини ҳимоя қилмаган амир, шунингдек, мўминларни кўрқувга солган фосиқ (ёмон ишлар қилувчи раҳбар) ҳурмат қилинмайди.

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг МАРҲАМАТга оид баъзи ҳадислари:

- Умматимнинг саралари ўқиган намозлари ва тутган рўзаларининг кўплиги билан эмас, юракларининг тозаллиги, кўнгилларининг кенглиги ва барча мусулмонларга мар-ҳаматли бўлишлари билан жаннатга кирадилар.

- Марҳаматлиларга Аллоҳ марҳамат қилади. Ердигиларга марҳамат қилсангиз, кўкдагилар ҳам сизга марҳамат кўрсатишади.

- Марҳамат қилмаганга марҳамат қилинмайди. Кечирмаган одам ўзи ҳам кечиримга сазовор бўлолмайди.

Молик ибн Анас (Молик ибн Анас - моликия мазҳабининг асосчиси (мил. 715-795) ривоят қилади:

- Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

- Тўрт нарса сенинг зиммангда мусулмонларнинг ҳақлари жумласидандир:

1. Яхши ахлоқларни қўлламоқ.

2. Гуноҳкор мусулмонлар учун тавба-тазарруда бўлмоқ.

3. Касалларни кўргани бориб, шифоланишини тиламоқ.

4. Гуноҳлари юзасидан тавба қилиб, ёмон феълларини ташлаганларни жондан севмоқ.

Ҳз. Мусо сўради:

- Эй Раббим, мени қай сабабга кўра тақволи банда сифатида қабул қилдинг?

Рабби буюрди:

- Махлуқотингга марҳаматли бўлганинг учун. Саҳобалардан бири Абуддардо болалар тутиб олган чумчуқларни улардан пулга сотиб олар ва:

- Оқ йўл, омон бўлинглар! — деб қўйиб юборарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар:

- Мўминлар бир-бирларига раҳм-шафқат, марҳамат, севги ва дийдор бобида бир вужудга ўхшайдилар. Вужуднинг бир аъзоси касалга чалинганда бошқа аъзолар ёрдамга келиб, касалликка қарши ҳимояга ўтадилар, бирга қаршилиқ қиладилар.

Бир кун Исо Алайҳиссалом Иблис билан учрашиб қолади. Иблиснинг бир қўлида асал, бир қўлида кул бор эди. Ҳз. Исо сўрайди:

-Эй Аллоҳнинг душмани, бу асал ва кулни нима — қиласан?

Иблис жавоб беради:

— Асални ғийбатчиларнинг лабларига сураман, токи ғийбатни мазза қилиб давом эттирсинлар. Кулни эса етимларнинг юзига сепаман, токи ҳар ким уларни ҳақир (эътиборга нолайиқ) кўрсин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) етимлар борасида баъзи ҳадисларида шундай дейдилар:

—Етимларнинг йиғисидан АРШ ҳам титрайди.

Аллоҳ айтадики:

— Эй малакларим, отасини тупроқда йўқ қилганим бу болани ким йиғлатди!

Кимки етимни егулик ва ичгулик билан (нон-сув билан) таъмин этса, ё боқиб олса, Аллоҳ унга жаннатни вожиб қилади.

Ҳикоя қилишларича, Иброҳим Алайҳиссалом тамадди қилишдан олдин бир-икки чақирим айланиб юрарканлар, дастурхонга бирга ўтиришга одам ахтарарканлар.

Бир кун Ҳз. Али йиғлаб ўтирарди. Кўрганлар нега йиғлаётганини сўрашди. Шундай жавоб берди:

— Етти кундирки, дастурхонимга битта ҳам меҳмон келмади. Аллоҳнинг назарида эътибордан қолганга ўхшайман. Шундан қўрқиб йиғлаяпман.

Бу мавзуда Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг баъзи ҳадислари:

—Ким Аллоҳнинг ризоси учун бир очни тўйғазса, унинг учун жаннат вожибдир. Кимки бир очнинг тамадди қилишига монелик қилса, Аллоҳ қиёмат куни ундан фазилатини олиб қўяди ва уни азоблайди.

—Сахий киши Аллоҳга яқиндир, жаннатга яқиндир, инсонларга яқиндир, жаҳаннамдан узоқдир.

- Бахил киши Аллоҳдан узоқдир, жаннатдан узоқдир, инсонлардан узоқдир, жаҳаннамга яқиндир.

- Аллоҳнинг наздида жоҳил, лекин саховатли киши обид, лекин бахил кишидан севимлироқдир.

- Қиёмат куни бўлганда инсонларнинг тўрт тоифаси сўроқсиз, саволсиз жаннатга киради:

1. Илмига амал қилган олим.

2.Аллоҳ ризоси учун ҳажга борган ва бундан кейин ўлгунча ҳеч ёмонлик қилмаган киши.

3.Исломиятни тушунтирмақ ва ёймоқ мақсадида иймонсизлар билан урушган ва шаҳид бўлган киши.

4.Ҳалол мол-мулк орттирган, сўнгра риёга берилмай ва кўз-кўз қилмай, бу молини Аллоҳ йўлида харжлаган сахий киши.

Мана шулар «олдин сиз кирилинг», «сиз кирилинг» қилиб, бир-бирларига йўл бўшатиб, бир-бирлари билан муноқаша қиладилар.



Ибн Аббос ривоят қилади:

Аллоҳ Расули билдирдилар:

- Аллоҳнинг шундай бандалари борки, бошқа бандаларининг манфаати учун уларга кўп неъматлар беради. Ким бу манфаатлар устидан бахиллик қилса, Аллоҳ у неъматларни олиб, бошқасига беради.

- Саховат жаннат дарахтлари орасида шундай бир дарахтки, шохлари бу дунёда кўриниб туради. Ким бу шохлардан бирига ёпишса, у шох уни жаннатга элтади.

Жобир ҳикоя қилади:

(Жобир - Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий ҳам дсйилади. Машҳур саҳобалардан. Пайғамбаримиздан илм ва файз олган. Мадина муфтиси бўлган. 1540 ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 73 йилда 94 ёшида вафот этган.)

— Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан: «Қайси амаллар фазилатлироқ, эй Аллоҳнинг Расули?!» - деб сўрашганда:

— Сабр ва саховат! — деб жавоб бердилар.

Яна саҳобалардан бири Пайғамбаримиз(с.а.в.)га шундай деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули, айтинг-чи, қандай амал мени жаннатга сазовор қилади?

— Едирмоқ, ҳар бир шахснинг соғлигини тиламоқ, гўзал ва тўғри сўз айтмоқ мағфирати мужиб сабаблардандир.

## НАМОЗДА ХУШУ

*(Намозда ўзини паст тутиб ёлвориш)*

Қиёмат куни одам энг олдин намоздан сўроқ беради. Агар намозини яхшилаб ўқиган бўлса, намози ва бошқа эзгу амаллари қабул қилинади. Намозини яхшилаб ўқимаган бўлса, намози ва бошқа амаллари рад этилади.

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг намоз ҳақидаги ҳадисларидан баъзилари:

— Фарз намози тарозуга ўхшайди. Тўғри тортган фойда кўради (Намозини яхшилаб адо этган кишигина мукофот кўради).

— Умматимдан икки киши туриб, намоз ўқийди. Рукулари, саждалари бир. Лекин бу икки кишининг намозлари орасида ер билан осмонча фарқ бўлиши мумкин.

Бу билан Пайғамбаримиз (с.а.в.) хушуга эътибор беришни буюрганлар:

— Руку билан сажда орасида белини текис тутмаган одамга Аллоҳ қиёмат куни назар ташламайди.

— Ким тўқис таҳорат олиб, руку ва саждаларни ўринлатиб, хушу ила вақтида намоз ўқиса, бу намоз оппоқ бўлиб, порлоқ бир суратда кўкка юксалади ва эгасига шундай дейди:

— Сен мени кечиктирмай, вақтида ўқиб қандай авайлаган бўлсанг, Аллоҳ ҳам сени шундай авайласин!

Кимки таҳоратини чала қилиб, рукуларини ва саждаларини, хушу ила намозини вақтида адо этмаса, унинг намози ҳам қоп-қора ҳолида кўкка чиқиб, шундай дейди:

— Сен мени қандай зое этган бўлсанг, Аллоҳ ҳам сени шундай зое этсин.

Аллоҳ хоҳлаган вақт масаласига келсак, бу хил намозлар бир эски латта сингари, ўралиб-ёзилиб, эгасининг шарпасидан аччиқланиб туради.

— Инсонлар орасидаги энг ёмон ўғри намозидан ўғирлаган кишилардир.

Ибн Масъуд шундай дейди:

— Намоз ўлчовлидир, тўла адо этган одам ҳақини ҳам тўла олади. Чалакам-чатти ўқиганлар Аллоҳнинг мана бу оятини унутмасин:

Ўлчов ва тарозидан уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай. Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. (Мутаффифун сураси, 1-3-оятлар.) Баъзи

олимлар шундай дейди:

— Намоз ўқиётган кишининг ҳоли тижоратчининг ҳолига ўхшайди. Тужжор сармоясини бутлаб олмагунча фойдага ўтолмайди. Намоз ўқиётган киши ҳам фарз намозларни яхшилаб адо этмагунча нофила намозлари ҳукмга ўгмайди. Намоз вақти келганда Ҳз. Абу Бакр шундай дерди:

— Туринг, Раббингизнинг ёққан оловини сўндириг (ўчириг).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки:

— Намоз тавозудан иборатдир.

— Намоз ўқиётган кишининг намози уни ёмонликлардан қайтармаса, унинг бу намози ўзини Ачлоҳдан узоқлаштиришдан бошқа нарсага ярамайди.

— Ғофилнинг намози уни ёмонликлардан қайтаролмайди.

— Неча-неча намозга турганлар борки, уларга чарчокдан бошқа ҳеч нима қолмайди.

Бу сўзлари билан Пайғамбаримиз (с.а.в.) ғафлатда намоз ўқувчиларни назарда тутганлар.

— Киши намознинг маъносини идрок этиб, қай даражада яхшилаб ўқий олса, шу даражада савобдан насибаси бордир.

Маърифат аҳли дейки:

— Намоз тўрт нарсадан иборатдир:

1. Билиб ва онгли равишда намоз бошламоқ.

2. Ҳаё билан намозга турмоқ.

3. Таъзим қилмоқ.

4. Намозни қўрқиб битирмоқ. Баъзи олимлар эса шундай дейдилар:

— Намоз ўқиётган одам қалбини (хотирини) ҳақиқат узра жамламаса, қалби билан вужудини бирлаштирмаса, намози фосид (бузилган) бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

— Жаннатда АФЙОН («кенг» деган маънода -тарж.) номли бир дарё бор. Ичида ҳурлар бор. Атлоҳуларни заъфарондан яратган. Инжу ва ёқут маржонларини ўйнашади. Етмиш минг тилда Аллоҳни тасбиҳ этадилар. Овозлари Довуд Алайҳиссалом овозидан ҳам гўзалроқдир. Бу ҳурлар шундай дейдилар:

—Биз намозини хушу ила ва қувониб адо этганлар учунмиз!

Аллоҳ ҳам марҳамат қилади:

— Намозни хушу ила ва қувониб адо этган кишини, ўз маконимда олиб қоламан. Менинг зиёратчиларимдан бири бўлади.

Аллоҳ бир ваҳийида Ҳз.Мусога шундай деган эди:

— Эй Мусо, мени зикр этишни бошлаган пайтингда шундай зикр этки, аъзоларинг ҳурпайиб кетсин. Мени зикр этганингда хушу ва қувонч бағрида бўл. Мени зикр этганингда тилингдан чиққан зикр қалбининг тубидан келсин. Ҳузуримда турганингда камтарин бўл. Менга юрагингда қўрқув, тилингда тўғри сўз билан мурожот эт!

Саҳобалардан баъзи бирлари дерки:

— Қиёмат куни инсонлар, дунёда ўқиган намозларидаги ҳолга қараб ҳашр қилинадилар (тўпланадилар). Намозни хушу ила ва бажонидил қилган-қилмаганларига ва ўқиган намозларидан завқ олган-олмаганларига кўра ўша шакл ва ўша атворда ўртага чиқариладилар.

Эй биродарим, билиб қўйки, Аллоҳ, намозларини хушу ичра ва бажонидил адо этганларни бир қанча оятларида мадҳ этган. Бу оятлардан баъзилари:

— Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар! Улар намозларини хушу ва тавозу билан адо этадилар.( Мўминлар сураси, 1-2-оятлар.)

Улар (барча) намозларини (вақтида адо этиб, қазо бўлишдан) сақлагувчи кишилардир.( Мўминлар сураси, 9-оят.)

Дейдиларки:

— Намоз ўқувчилар кўп, лекин хушу билан ўқувчилар оз. Ҳаж қилувчи кўп, лекин қилган

ҳажи учун садақа берган оз. Қуш кўп, фақат булбул оз. Олим кўп, лекин илмига амал қилувчи оздир. Намозда хушу ва тавозунинг ўрни алоҳидадир ва хушу намознинг қабул қилиниш шартидир. Намознинг:

1. ўринли бўлган шартлари;
2. қабул бўлиш шартлари бордир.

Намознинг ўринли бўлган шартлари намозда фарз бўлган нарсаларнинг зоҳиран адо этилишидир.

Намознинг қабул бўлиш шарти эса хушу ва тақводир, шунинг учун ҳам Аллоҳ айтади:

- Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар! Улар намозларини хушу ва тавозу билан адо этадилар. Аллоҳ фақат тақво эгаларидангина қабул қилади.(Моида сураси, 27-оятнинг сўнги.)

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг бир ҳадислари шундайдир:

— Кимки чин юракдан Аллоҳга ёлвориб икки ракъат намоз ўқиса, гуноҳлардан покланиб, онадан янги туғилгандай бўлади.

Эй биродарим, билиб қўйки, хаёлга келиб, киши ақлини машғул қилиб қўювчи турли фикрлар унинг намози ғафлат ичида ўқилишига сабаб бўлади. У ҳолда, хаёлга келган бу машғул этувчи фикрларни даф этмоқ лозим. Намоз ўқиладиган жой тинч бўлиши, эътиборни бўлувчи овозлар чиқарилмаслиги, жойнамозларнинг ўта гулдор-нақшдор бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Кўзни қамаштирувчи гулдор либослар ҳам киши эътиборини бўлади, намознинг ғафлатда ўтишига сабаб бўлади. Агар шундай нарсалар киши зехнини банд этса, уларни ташқарига чиқариш керак. Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг ҳаётидан нақл этилган бир ҳодиса бу фикримизни мустаҳкамлайди.

Абу Жаҳм (Абу Жаҳм - Пайғамбаримиз с.а.в.нинг саховатли саҳобаларидан.) Пайғамбаримиз(с.а.в.)га бир либос берганди. Бу либосни кийиб намоз ўқиган Пайғамбаримиз (с.а.в.), намоздан сўнг ечиб:

— Буни Абу Жаҳмга обориб беринг. Ҳозиргина намозда кўп хаёлимни бўлди, деб айтдилар.

Саҳобалардан бири Абу Толҳо (Абу Талҳо - Асҳоби Киром орасида қахрамонлар қаторида саналувчи жангчилардандир. Тўла номи — Абу Талҳо Зайд ибн Саҳлдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.)га отилган ўқларга кўксини тутарди. 20 ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 34 йилда вафот этгандир.) ўз боғида намоз ўқиётган эди. Дарахтдаги бир қуш эътиборини бўлди. Неча ракъат ўқиганини унутди. Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) қошига келиб бўлган воқеани айтди ва:

— Эй Аллоҳнинг Расули, боғимни садақага бераман, — деди

Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Хоҳлаганингни қил!» — дедилар. .

Улуғларимизнинг баъзи бирлари шундай дейди: Намозни тўрт нарса қийнайди:

1. Чайқалмоқ.
2. Юзини силамоқ.
3. ажда қилаётганда хас-чўп ва тош-пошларни суриб қўймоқ
4. Рўпарасида йўл бўлган жойда намозга турмоқ

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки:

— Киши намозини хушу билан ва бажонидил ўқиб, ўннга-сўлга чайқалмаса, Аллоҳ унинг намозига назар ташлайди.

Ҳз. Абу Бакр намозини қатъиян хушу ила ва бажонидил ўқирди. Намоз чоғи туришлари доим бамисоли жонсиз бир дарахтни эслатарди. Улуғлардан баъзи бирлари руку асносида шундай тек- турар эдиларки, чумчуқлар уларни жонсиз билиб, устига қўнарди.

Булардан ташқари, ақл тақозосига кўра, дунё султонларининг ҳузурида таъзим билан турилади. Модомики шундоқ қиларканмиз, султонларнинг султони бўлмиш Аллоҳнинг ҳузурида таъзим билан туриш керакмасми?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

— (Аллоҳ буюради): Бандам, фақат унга мен фарз қилган нарсаларни адо этиш билангина ўзини азобдан қутқариши мумкин.

## ҒИЙБАТ - ГАП-СЎЗ - ИҒВО

Эй биродарим, билиб қўйки, Аллоҳ, ўзининг Қуръонида ғийбатнинг ёмонлиги ҳақида кескин айтиб, ғийбат қилганни ўликнинг этини еганга ўхшатгандир.

— Эй мўминлар, кўп гумонлардан четланинглар! Чунки айрим гумонлар гуноҳдир! Бир-бирингизнинг айбларингизни кавлаштирманг ва айримларингиз ҳам айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарларининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана, ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бунданда ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз!) Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир. (Ҳужурот сураси, 12-оят.)

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрадиларки:

— Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли, иффати ва номуси бошқа мусулмон учун ҳаромдир.

— Ғийбатдан сақланинг! Ғийбат зинодан ҳам ёмондир. Зеро, киши зино қилиб, охири тавба қилса, Аллоҳ афв этиши мумкин. Ҳолбуки, ғийбат қилганни тўғридан-тўғри кечириши қийин. Фақат ғийбат қилинган киши кечиргандан кейингина афв этиши мумкин.

Дерларки:

— Ғийбат қилган киши майдонга бир тўп қўйиб, ўнгу сўлни замбарак ўқидан совурган кимсага ўхшайди. Ғийбат қилганда, унинг қилган гўзал амаллари ўнга-сўлга совурилган бўлади. Ким мусулмон биродарининг номига доғ тушириш мақсадида уни ғийбат билан қийнаса, қиёмат куни Аллоҳ уни жаҳаннам кўприги устида турғизади. Қилган ғийбати қайтиб олинмагунча у ўша жойдадир.

— Ғийбат биродарининг ортидан ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган айб-нуқсонини айтишингдир. Бу ҳадис кўп қамровлидир. Кишининг жисмоний камчилигини, зоти, хатти-ҳаракатлари, сўзи, диний ва дунёвий жиҳатлари, ҳатто либоси ва уловининг қусурини айтмоқ, уни кавлаштирмоқ демакдир. Дастлабки соф мусулмонларнинг баъзи бирлари биров тўғрисида «Кийими қисқа ё кийими узун!» тарзида айтилган сўзни ҳам ғийбат деб ҳисоблаганлар. Шундай бўлгач, нега энди кишини хафа қиладиган сўз айтилганда, бу ғийбат бўлмасин?!

Бир кун пакана бир хотин баъзи бир масалаларни сўрамоқчи бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни йўқлаб келади. Билолмай қийналиб юрган нарсаларини билиб олиб, чиқиб кетгандан кейин, Ҳз. Ойша:

— Мунча ҳам пакана хотин экан! — деб қолади. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Ғийбат қилдинг, эй Ойша! — дейдилар. Ғийбатдан сақланинг! Чунки унда уч офат бор:

1. Ғийбатчининг дуоси қабул қилинмайди.

2. Қилган хайрли ишлари қабул этилмайди.

3. Ғийбатчининг устида гуноҳлар бирлашади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳамима (гап ташувчилик)нинг ёмонлиги ҳақида шундай буюрганлар:

— Қиёмат куни инсонларнинг энг ярамаси иккиюзламачиларидир. Иккиюзламачилар бу ерга келиб бошқача сўзлайди, унга бориб бошқача гапиради. Ким дунёда шундай иккиюзлама бўлса, қиёмат куни унинг оловдан икки тили бўлади.

— Унга бориб бир турли, бунга келиб бошқа турли гапириб, бузғунчилик қилганлар жаннатга кирмайди.

Ҳикоя қиладилар:

— Абуллайс Бухорий ҳажга кетаётганда чўнтагига иккита пулни ғамлаб олади ва ўзига-ўзи шундай шарт қўяди:

— Агар Маккага кетаётганимда ёки у ердан келаётганимда бировни ғийбат қилсам, шу икки пулни садақа қиламан.

— Маккага бориб келади, лекин икки пули чўнтагида қолади. Сўраганларга шу жавобни беради:

— Юз марта зино қилганимдан бир марта ғийбат қилганимнинг гуноҳи ёмонроқдир!

Абу Ҳафс Кабир (Абу Ҳафс Кабир — дастлабки ислом фақиҳларидан.) ҳам бу мавзуда шундай деган эди:

— Бировни иғво қилишнинг гуноҳи бир рамазон рўзасини тутмасликнинг гуноҳидан ёмонроқдир.

Ва илова қилади:

— Ким бир фикҳ олимини иғво қилса, қиёмат куни пешонасида «Бу, Аллоҳнинг раҳматидан умид узувчидир!» деб ёзилган ҳолда келади.

Анас ибн Молик ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Меърож кечаси бир тўда инсонларни кўрдим, тирноқлари билан юзларини тимдалардилар ва ифлос нарсалар еярдилар. Жаброилдан: «Булар ким?» — деб сўрадим. Дедими: «Булар дунёда инсонларнинг гўштини еганлар, ғийбат қилганлардир!»

Абу Ҳурайра дейдики:

— Сизларнинг баъзи бирларингиз мусулмон биродарингизнинг кўзига тушган бир чўпни кўрадию, ўзининг кўзидаги ходани кўрмайди (яъни бошқаларнинг арзимаган майда-чуйда камчиликларини титкилайди, топади ва иғво қилади, лекин ўзининг ундан каттароқ хато ва камчиликларини кўрмайди).

Ривоят қилдиларки:

— Салмон Форсий кўпинча Ҳз. Абу Бакр ва Умар билан сафарда бўларди ва уларга егулик ҳозирлар эди. Бир пайт бир ерда қўнишди. Лекин ейдиган ҳеч вақолари йўқ эди. Ҳз. Абу Бакр билан Умар Пайғамбар(с.а.в.)нинг ёнида егулик бир нарсаси бўлса олиб келиш учун Салмонни жўнатдилар. Лекин у ерда ҳам егулик бўлмагани учун Салмон қўли бўш қайтди. Шунда Ҳз. Абу Бакр билан Усмон:

— Агар Салмон сув олишга қудуққа борса, қудуқнинг суви ҳам қурийди! — дедилар.

Шунда Пайғамбаримиз(с.а.в.)га ушбу мазмундаги оят инзол бўлган эди:

—Айримларингиз ҳам айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ана, ёмон кўрдингизми?!

Абу Ҳурайра накл этади:

— Аллоҳ Расули дедиларки:

— Ким дунёда мусулмон биродарининг гўштини еса (ғийбат қилса), Қиёмат куни у кишининг эти унга тақдим этилади ва «Е буни ўлик ҳолида, чунки сен уни дунёда тириклигида егандинг!» — дейилади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) буларни ўқигандан сўнг мана бу оятни ўқиди:

—Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? (Мужоҳид - тўла исми Мужоҳид ибн Жабрдир. У тобсинларни кўрган, уларнинг саҳобалар ҳақидаги ҳадисларини езиб олган, уларнинг ҳаётини кузатган ҳадисчилардандир (вафоти ҳижрий 103 йил))

Жобир ибн Абдуллоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в.) замонида қилинган ҳар қандай ғийбат ҳидидан сезилганлигини айтади.

Бу у замонда ғийбат оз бўлгани учундир. Ҳолбуки, бизнинг замонамизда ғийбат кўпайган, бурунлар ғийбат билан тўлган ва ҳидини фарқлаб бўлмайди. Бу ҳол, кўнчилар бозорига кирган одамнинг ҳолига ўхшайди: ифлос ҳиднинг ўткирлигидан у ерда бир дақиқа ҳам туриб бўлмайди. Ҳолбуки, кўнчилар у ерда бемалол овқатланишади, ебичишади, лекин асло жирканишмайди. Бу жирканч ҳид уларнинг бурнини безовта қилмайди. Чунки ёмон ҳид бурунларига яхшигина тўлиб бўлган. Мана, бизнинг кунларимизда ғийбат масаласи шундайдир.

Аллоҳ огоҳлантирди:

— Барча бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлғай. (Ҳумаза сураси, 1-оят.)

Бир дафъа Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай буюргандилар:

— Ғийбатдан сақпанинг! Чунки ғийбат зинодан ҳам ёмондир.

Саҳобалардан бири сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат зинодан қандай қилиб ёмонроқ бўлсин?

Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Зино қилган киши тавба қилади, ортиқ бу ишни такрорламаса, Аллоҳ тавбасини қабул этиб, афв этиши мумкин. Ҳолбуки, ғийбат қилганни ғийбат қилинган киши кечирмагунча Аллоҳ ҳам уни афв этмайди.

Ғийбат қилган одам ғийбати туфайли ғийбат қилинган одамга қарамдир. Авваламбор, Аллоҳнинг ҳақидан қутулиш учун тавба қилиши, кейин яна ғийбат қилинган кишининг ҳақидан ҳам қутулиш учун ундан розилик тилаши вожибдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай огоҳлантирадилар:

— Ким мусулмон биродарини ифво қилса, Аллоҳ Қиёмат куни унинг юзини орқасига ўгириб қўяди.

Ғийбат қилган кишининг зиммасига тушган юк шундан иборатки, у ғийбат қилган даврасидан туриб кетмасдан бурун ва қилинган ифво ифво қилинганнинг қулоғига етмасдан бурун тавба-истиғфор қилсин, чунки қилинган ғийбат ғийбат қилинганнинг қулоғига бормасдан аввал тавбаси-истиғфор қилинса, афв этилади! Лекин, қилинган ғийбат ғийбат қилинганнинг қулоғига етиб боргандан кейин афв этилмайди, фақат ифво қилинган киши билан розилашгандагина афв этилади. Айни тарзда, уйли-жойли хотин билан зино қилган киши хотиннинг эридан розилик сўраши лозим. Унинг розилигини олмасдан тавба қилган билан афв ололмайди.

Намоз, закот, рўза ва ҳаж сингари ибодатлар эса тавба қилиш билан кишининг устидан олиб ташланмайди. Вақтида адо этилмаган бу хилдаги ибодатлар қазосини адо этиш билан кишининг зиммасидаги қарзи узилган бўлади. Ҳар нарсанинг тўғриси энг яхши шаклда ёлғиз Аллоҳ билади.

## ЗАКОТ

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

Улар (мўминлар) закотни адо қилгучи кимсалардир. (Мўминлар сураси, 4-оят.) Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедиларки:

— Олтини ё кумуши бўла туриб, буларнинг закотини бермаган кимсалар учун, қиёмат содир бўлганда, чўғдек қизиган сочлар тайёрланиб, шу сочлар устида жаҳаннам оташида қиздирилурлар, қиздирилган сочлар уларнинг ҳар ёғини доғлаб ташлагай!

— Аллоҳ буюради:

— Олтин-кумушини босиб ўтириб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хуш-хабарини» етказинг!

У кунда (қиёматда) ўша олтин-кумушни жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: «Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб кўринглар!» дейилур. (Тавба сураси, 34-35-оятлар.)

Аллоҳ Расули (с.а.в.) огоҳлантирадилар:

— Вой бўлсин у бойларнинг ҳолигаки, камбағаллар улар ҳақида шундай гувоҳлик берадилар:

— Бизга зулм қилдилар. Зиммаларидаги фарз бўлган закотни бермадилар.

Камбағалларнинг бу сўзидан сўнг Аллоҳ ҳам айтади:

— Эй фақирлар! Иззатим ва Жалолим ҳаққи, мен сизларга яқинман, улардан (бойлардан) узоқман. Сўнг Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу оятни ўқийдилар:

— Молларида камбағалларнинг ҳақи ҳам борлигини таниганлар бундай эмаслар. (Маориж сураси, 24-25-оятлардан.)

Ривоят қилишларича, меърож кечаси Пайғамбаримиз (с.а.в.) заҳар-заққум тиканакларни зўрлаб едириш учун ҳайдаб кетилаётган, олд ва орқалари қасмоқ сурувлар каби сурилиб бораётган бир тўда инсонларни кўрадилар. Жаброилдан булар кимлигини сўрайдилар. Саволга шундай жавоб оладилар:

— Булар молларининг закотини бермаганлардир!

Аллоҳ уларга асло зулм этмади. Аллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмас.

Тобеинлардан (Тобеин — Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрмаган, Пайғамбар (с.а.в.)нинг саҳобасини кўрган.) бир жамоа Абу Синонни (Абу Синон - Ҳз. Муҳаммад с.а.в.нинг саҳобаларидан.) зиёрат қилгани боради. Салом бериб ўтиришгандан сўнг Абу Синон уларга:

— Бир қўшнимиз бор эди. Акаси ўлди. Келинг, сизлар билан бирга уларникига чиқайлик, таъзия билдирайлик! — дейди.

Ҳодисанинг бундан бу ёғини жамоада бўлган Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий (Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий — илк муснад (асослари кўрсатилган ҳадис китоби) ёзган муаллифлардан бир (ўлими ҳижрий 212 йил.) дан эшитайлик:

— Абу Синондан бу сўзни эшитган заҳоти баравар ўрнимиздан турдик ва айтган қўшнисиникига чиқиб кетдик. Акаси ўлган бу одам аччиқ-аччиқ йиғлар, фарёд кўтарарди. Унга тасалли бериб, сабр-тўзим тиладик, лекин у на таскин топар, на сабр қилар эди. Шунда унга:

— Билмайсанми, ўлим ҳақ, у ҳаммамизнинг бошимизда бор, ундан қутулиш йўқ, - дедик.

Дедики:

— Ҳа, биламан, ўлим ҳақ. Мен унга йиғлаётганим йўқ. Акамнинг кеча-кундуз тортаётган азобига йиғлайман.

Биз: «Аллоҳ сенга ғойибдан хабар бердим, аканг азоб тортаётганини қаёқдан биласан?» - деганимизда, у шуларни тушунтирди:

— Йўқ, Аллоҳ менга ғойибдан хабар бермади. Лекин акамни дафн этиб, қабрига тупроқ тортганимиздан ва тобуткашлар чиқиб кетгандан кейин, мен бир оз мазор бошида ўтирдим. Ўшанда акамнинг мазоридан бир овоз чиқди:

— Оҳ! Мени ёлғиз қолдирдилар, қийналиб кетдим, - дер эди акам. Мен рўза тутардим, намоз ўқирдим. Нечун менга бу азоблар?!

Бу сўзлар мени йиғлатди. Акамнинг ҳолини кўриш учун қабрини очдим. Кўрганим нима бўлди денг? Лаҳаднинг ичини олов қоплаганди. Акамнинг бўйнида оловдан бир маржон бор эди. Жигарлик қилиб, раҳм-шафқат билан қўлимни узатдим, бўйнидан бу олов маржонни олиб ташламоқчи бўлдим. Қўлларим, бармоқларим куйди (У шундай деб, бизга қўлини кўрсатди. Чиндан ҳам қўли қоп-қора бўлиб куйган эди).

Шундан кейин яна қабрга тупроқ уйиб, акамни қолдириб келдим. Акамнинг бу ҳолига мен йиғламай, ким йиғласин, жигар-бағрим эзилиб кетди!

У одамдан: «Аканг нима иш қиларди? — деб сўрадик. — Қайси фарзларни адо этмасди?» Дедики:

— Молининг закотини бермасди. Биз ҳам:

— Бу ҳодиса Аллоҳнинг:

— Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг закотини беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунда бўйинларига ўралажак! (Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва) осмонлару ер мерос бўлиб Аллоҳнинг ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир (Оли Имрон сураси, 180-оят.), - деган оятини тасдиқлайди, акангнинг азоби тезлик билан қабрдаёқ бошланибди, энди яна қиёматгача давом этади! — дедик.

Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий давом этади:

— Сўнгра у ердан турдик. Пайғамбар(с.а.в.)нинг суҳбатдош ҳамсояси саҳоба Абу Зарникига бориб, бўлган воқеани айтиб бердик ва: «Биз ҳайронмиз. Яҳудий ва насронийларнинг ўликлари бошида нега бундай ҳодисалар содир бўлмайди?» - дедик.

Абу Зар: «Аллоҳ сизга бундай ҳодисани аҳли иймонда кўрсатганки, ибрат олинг», - деди. Аллоҳ буюрадики:

- Сизларга Парвардигорингиздан хужжатлар келмишдир.

Ким кўрса, ўзи учун кўрар. Ким кўр бўлиб олса, ўзига зиёндыр. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман. (Анъом сураси, 104-оят.)

Нақл этилишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

- Аллоҳнинг нуқтаи назарида, молининг закотини ва ушурини бермаганлар малаклар ва пайғамбарлар тилида лаънат билан ёдланадилар. Калимаи шаҳодатлари қабул этилмайди.

Молининг закотини ва ушурини берганлар нақадар бахтли бўлишларини билсайдингиз! Уларга закот бермаганлар азоби йўқ, қиёмат азоби йўқ! Нақадар бахтли бўладилар улар! Ким молининг закотини берса, Аллоҳ унга қабрда азоб торттирмайди, вужудини жаҳаннам оташида ҳаром қилмайди, улар савол-жавобсиз тўппа-тўғри жаннатга кирадилар ва қиёмат кунининг шиддатли сувсизлигига маъруз бўлмайдилар...

## ЗИНО

Аллоҳ марҳамат қилади:

Улар (мўминлар) авратларини (ҳаромдан-зинодан) пок сақлагувчи кишилардыр. (Мўминлар сураси, 5-оят.)

Айтинг: «Келинлар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У зотга бирон нарсани шерик қилмангиз; ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни камбағалликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз — биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз — бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашмангиз, ҳақ ҳукми зиммангизга тушмагунча, Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз». (Анъом сураси, 151-оят.)

Ёмонликларнинг каттаси бор: зино каби, кичиги бор: ўпиш, ушлаш ва қараш каби. Шунинг учун Расулуллоҳ билдирадилар:

-Кўллар зино қилади, оёқлар зино қилади, кўзлар зино қилади.

Аллоҳ буюради:

- (Эй Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! (Нур сураси, 30-оят.)

Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар. Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар! Улар зеб-зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўз ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ўз оға- иниларига ё оға-иниларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё ўзлари каби аёлларга ё қўл остидаги чўриларга ё (аёллардан) беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолган ёки ақлсиз- девона) эркак хизматкор-қулларга ё аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдакларгагина (кўрсатишлари жоиздыр). Яна яширган зеб-зийнатлари билинсин учун оёқларини (ерга) урмасинлар! Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинлар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар. ( Нур сураси, 31-оят.)

Демак, Аллоҳ эркакларга ҳам, аёлларга ҳам номаҳрамларга қарамасликни ва жинсий аъзоларини ҳаромдан сақлашликни буюради. Яна Аллоҳ зинони ҳаром қилганини бир қанча оятларда кескинлик билан билдиради. Шунинг учун ҳам огоҳлантиради:

Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни



ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур. (Фурқон сураси, 68-оят.)

Қиёмат кунда унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. (фурқон сураси, 69-оят.)

Саҳобалардан бирининг шундай дегани ривоят қилинади:

— Зиодан сақланинг! Чунки унда олтита зарарли хусусият бор. Буларнинг учтаси бу дунёда, қолган учтаси у дунёда кўрилади.

Бу дунёда кўриладиганлари:

1. Ризқда етишмовчилик бўлади.
2. Зионарнинг ҳаётига ажал аралашади.
3. Юзи тез сўлфинлашади (тез қарийди).

Охиратда кўриладиганлари:

1. Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлади.
2. Сўроқ қаттиқ бўлади.
3. Азоб кўришига сабаб бўлади. Ҳз. Мусо сўрайди:

— Эй Раббим, зионарнинг жазоси надир?

Аллоҳ айтади:

— Унга оловдан шундай кўйлак кийгазаманки, агар бу кўйлак бир тоғнинг устига қўйилса, тоғ эрталабгача кулга айланган бўларди.

«Масобих» («Чироқтар») деган китобда Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шу ҳадис ривоят қилинади:

— Киши зино қилган пайтида ундан иймон чиқади ва боши узра бир соя каби туради. Қачон бу феълени ташласа, ана ўшанда қайтади.

«Иқно» («Кўндирилган») деган китобда шундай ҳадис келтирилган:

Пайғамбар (с.а.в.) буюрадики:

— Эркак кишининг ўзи учун ҳалол бўлмаган хотиннинг раҳмига оқизган манийидан оғирроқ ҳеч гуноҳ йўқдир. Ливота (болавозлик, эркак билан эркакнинг жинсий муносабати) зиодан ҳам баттардир. Анас ибн Моликнинг Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан ривоятқилган бир ҳадиси шунга ишорат этади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) огоҳлантирдиларки:

— Ким ливота қилса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Ҳолбуки, жаннатнинг ҳиди беш юз йиллик масофадан сезилади. Лут Алайҳиссаломнинг қавми ливотага мубтало бўлганди. Уларда болавозлик одат тусини олганди. Аллоҳ уларга Лут Алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. У қавмига бу ёмон ахлоқсизликдан қайтишни буюрди, уларни Аллоҳ йўлига даъват этди, гуноҳ қилишдан қайтмасалар, Аллоҳнинг азобига дучор бўлажакларини хотирлатди. Лекин ливотачилар бунинг учун Аллоҳдан келиши мумкин бўлган азобга инонмадилар ва шундай дедилар:

— Агар сен ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга Аллоҳнинг азобини келтирчи? (Анкабут сураси, 29-оятнинг бир қисми.)

Шунда Лут Алайҳиссалом ўз қавмига қарши Раббидан ёрдам сўради. Дедики:

-Парвардигорим, бу бузғунчи қавм устига ўзинг мени ғолиб қил! ( Анкабут сураси, 30-оят.)

Пайғамбар Лут имдод тилаган бу аснода Аллоҳ Осмонга ливотачилар устига тош ёғдиришни буюрди. Ҳар тошда, кимнинг устига тушажак бўлса, унинг исми ёзилган эди. Мана бу оят шу воқеликка ишорат қилади:

— Энди қачонки Бизнинг Фармонимиз (яъни азобимиз) келганида, у жойларни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб кўйилган (яъни кимга бориб тегиши ёзиб қўйилган) сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик. У жойлар бу золимлардан (яъни Макка мушрикларидан) йироқ эмас. (Ҳуд сураси, 82-83-оятлар.)

Ҳикоя қиладиларки:

- Лут Алайҳиссалом қавмидан (Лут алайҳиссаломнинг қавми, уларнинг бузуклиги ва бунинг

фожеий оқибати ҳақида Шуаро сурасининг 160-172-оятларини, Ҳуд сурасининг 77-80-оятларини тўла ўқиб чиқишни тавсия қиламиз.) бир тижоратчи бор эди. Аллоҳнинг азоби келган пайтда бу тужжор юртида эмасди.

Тижорат мақсадида Маккада юрган эди. Шу аснода Аллоҳнинг кўқдан ёғдирган тошларидан бир донаси келди. Ҳарамда бу кишининг бошига тушмоқчи бўлди. Лекин Аллоҳнинг амри билан малаклар тошга дедиларки:

- Орқанга қайт! Бу одам ҳарами шарифдадир.

Шунда тош орқага қайтди ва қирқ кун ҳавода қодди. Бу вақт ичида Лут қавмидан бўлган тужжор ҳам олди-бердисини тугатган эди. Ҳарами шарафдан чиқар-чиқмас тош унга тегди ва ўлдирди.

Лут Алайҳиссалом Аллоҳнинг амри чоғида хотинини ва хизматчиларини олиб шаҳардан чиқиб кетаётган эди ва шаҳардан чиққанда асло орқага қарамаслиг? буюрилган эди.

Лекин хотини эрининг Аллоҳдан келган амрига риоя қилмади. Қавмнинг бошига тушаётган балоларни пайқаб, орқасига қаради ва:

— Воҳ, қавмим-эй! — деди.

Шу ондаёқ бир тош етиб келиб аёлнинг бошига тушди ва ўлдирди.

Мужоҳид (Мужоҳид - тўла исми Мужоҳид ибн Жабрдир. У тобсинларни кўрган, уларнинг саҳобалар ҳақидаги ҳадисларини ёзиб олган, уларнинг ҳаётини кузатган ҳадисчилардандир (вафоти ҳижрий 103 йил)) дейдики:

- Ўша куни эрталаб Жаброил ливотачиларнинг юртига келди. Келиб бу ўлкани узиб олдида қанотлари тагига тикди, сўнг елкасига кўтариб кўкка олиб чиқди. Шу пайт кўкда яшовчилар хўрозларининг қичқирганини, итларининг вовуллаганини эшитдилар. Ниҳоят, Жаброил у ўлкани остин-устун, тилка-пора қилди. Ерга энг олдин уйларнинг пардалари

тушди, кейин бошқа нарсалар... Бу қавмнинг бошига тушган азоблар ҳеч бир қавмнинг бошига тушмасин! Ҳа, дарвоқе, бу азоблар бошқа ҳеч қайси қавмга дохил бўлмади. Сўнгра Аллоҳ уларнинг кўзларини кўр, қасаба ва шаҳарларини остин-устун қилди. Ҳаммаси беш шаҳар эди ва энг катта шаҳари Содом эди. Сўз юритилган ва остин-устин қилинган ифодаланган шаҳарлар шулардир. Ўша вақтда бу ерда тўрт миллион киши истиқомат қилганлиги айтилади.

## **СИЛАИ РАҲИМ (ЯҚИНЛАРАРО МЕҲР-ОҚИБАТ), ОТА-ОНА ҲУҚУҚИ**

Аллоҳ буюради:

Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажрашиб кетишдан сакланингиз)! Албатта, Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир. (Нисо сураси, 1-оятнинг бир қисми.) Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас уларнинг (қулоқларини панд-насихат эшитишдан) кар, кўзларини эса (тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир. (Муҳаммад сураси, 22-23-оятлар.)

Аллоҳ кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳақ йўлга ҳидоят қилади... фақат Аллоҳнинг аниқ кўрсатмаларини бузадиган, у боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қиладиган фосиқ кимсаларнигина адаштиради. Улар, шубҳасиз, зиён кўргувчилардир. (Бақара сураси, 27-оят.)

— Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр — жаҳаннам бордир. (Анкабут сураси, 29-оятнинг бир қисми.)

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу мавзу ила боғлиқ ҳадислари:

Бухорий ҳам, Муслим ҳам Абу Ҳурайрадан нақл этадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

Аллоҳ бутун жонзодларни ва уларнинг барча аъзоларини яратгандан сўнг, силаи раҳим (Силаи раҳим - бу ерда: аёл кишининг аъзоси, асалдони маъносида ишлатилган.) ўрnidан турди ва Аллоҳга қараб дедики:

— Эй Рабб, қон-қариндошлик алоқаларининг узилмоғидан асрамоғингни тилайдирганнинг жойи ҳали шу бўлдимми?

Аллоҳ:

— Ҳа, шу. Аммо, агар мен қон-қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлайдиганларни ёрлақасам-у, уни узганлардан эрса раҳматимни дариф тутсам, рози бўлғаймисан?

Силаи раҳим: -Ҳа. Аллоҳ:

— Сени деб шундай қилгум! Пайғамбаримиз (с.а.в.) сўнгра буюрдиларки:

— Хоҳласангиз мана бу оятни ўқинг! (Ва ўзлари ўқидилар).

— Агар (иймондан) юз ўғирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас уларнинг (қулоқларини панд-насихат эшитишдан) қар, кўзларини эса (тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир. (Муҳаммад сураси, 22-23-оятлар.)

Ҳз. Абу Бакр Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилади:

— Зулм қилганларга ва қон-қариндошлик алоқаларини узганларга (яъни силаи раҳим қилмаганларга) Аллоҳ охиратда бўлакча бир азоб тайёрлайди, бу дунёда ҳам тез жазо беради. Бу икки феъл-атвор (зулм қилиш ва силаи раҳим қилмаслик)дан бошқа, бу ёруғ дунёда жазоси берилишига арзигулик бирон гуноҳ йўқдир.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар:

— Қон-қариндошлик, яқинлик алоқаларини узганлар (силаи раҳим қилмаганлар) жаннатга кирмайди.

— Ҳар пайшанба ва жума кечаси одамларнинг амаллари тўғрисида Аллоҳга хабар берилади. Шунда силаи раҳим қилмаганларнинг яхши амаллари Аллоҳ томонидан қабул этилмайди. Байҳақий (Байҳақий - буюк ҳадис ва фикҳ олимларидан бўлиб, асл оти Абубакр Аҳмад ибн Ҳусайндир (ҳижрий 384-458).) қайд этади:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки:

— Жаброил қошимга келиб, дедики: «Бугун Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси (Бароат Қандили)дир. Бу кеча Аллоҳ Баъни қабиласининг (қўйи кўп бўлган бир қабила) қўйларининг жунлари қанча бўлса (яъни жунларининг қили қанча бўлса) шунча одамни афв этади. Фақат мушриклар, жаҳлидан тушмаганлар, қон-қариндошлик алоқаларини узганлар, силаи раҳим қилмаганлар, такабурлар ва гердайганлар, онасига-отасига қарши борувчилар ва майпараст ичкиликбозларга қайрилиб қарамайди, уларни ёрлақамайди».

Ибн Ҳоббон (Ибн Ҳоббон - тўла исми Муҳаммад ибн Ҳоббон (Ҳиббон ҳам дейилади) ибн Аҳмад ат-Тамамий ал-Бустийдир. Вафоти ҳижрий 354-йил. Даврининг фикҳ ва ҳадис олимларидан.) ва бошқалар қайд этадилар:

— Уч тоифа кишилар Жаннатга кирмайдилар:

1. Майпарастлар.

2. Қон-қариндошлик алоқаларини узганлар.

3. Сеҳрбозларга ишонганлар. Байҳақий қайд этади:

— Умматимкннг бир тоифаси еб-ичиб, кайф-сафо қилиб, ўйнаб-кулиб кун ўтказади. Эрталаб эса ўринларидан маймунлар ва тўнғизларга ўхшаб турадилар. Улар йиқилишга ва ҳужумларга учрашга маҳкумдирлар. Эрталаб бошқа инсонлар ўринларидан турганда уларга: «бу кеча фалончилар уйда фалокат юз берибди, бу кеча пистончилар уйини фалончилар босибди!» - деган овозлар етиб келади. Ҳаром йўлдан юрганларнинг уйига тош ёғади, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам Лут Алайҳиссалом қавмидан баъзи қабилалар бошига ва уларнинг

уйларига тош ёғгани каби, буларнинг устига ҳам тош ёғади. Яна Од қавмининг баъзи қабилалари ва уйлари устига яшин тушгани каби, буларнинг устида ҳам чақмоқ чақиб, момақалдироқлар гулдураб турибди... Агарки, бирон ҳалокат содир бўлгудай бўлса, бунга сабаб ана шулардир, деб ўйлайман. Булар ичкилик ичиб, маст-аласт бўлишдан қайтмаётирлар, эркаклар ипак кўйлақлар кийиб, созанда ва хонанда хотинлар билан ғайримашруъ алоқаларда бўлмоқдалар, фоиз емоқдалар ва судхўрлик қилмоқдалар, қон-қариндошлик алоқаларини узмоқдалар, силаи раҳимни унут- моқдалар.

Тобароний (Тобароний — Имом Тобароний ё Имом Тобарий ҳам дейилади. Тўла исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язиддир (ҳижрий 224-310). Ислом тарихчиси ва тафсирчиси бўлиб, отасининг номида Жаририя деган бир фикҳ мактаби барпо этган, тафсирлари моҳирона ёзилгандир.) «Авсот»да Жобирдан ривоят қилади:

— Биз тўпланишиб ўтиргандик. Устимизга Расулulloҳ келиб қолдилар ва дедиларки:

— Эй мусулмонлар жамоаси, Аллоҳдан қўрқинг! Ёмон феъл-атворларингизни яхши феъл-атворларга айлантиринг, қон-қариндошлик алоқаларини давом эттиринг, силаи раҳим қилинг. Чунки, оламда энг тез савоб олиб келадиган нарса силаи раҳимдир. Зулмдан сақланинг. Чунки оламда энг тез азоб олиб келадиган нарса зулмдир. Ота-она ҳақиға тажовуз қилишдан сақланинг, зеро, Жаннатнинг ҳиди минг йиллик масофадан сезилади, лекин Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, ота-онасини ранжитган, қон-қариндошлик алоқаларини узган, улғайиб қолгани ҳолда зиногарлик қилган ва қўшнисига такаббурлик қилган одамлар жаннатнинг ҳидини туймагайлар. Маҳобат ва буюклик фақат Аллоҳга ярашади.

Исбиҳоний (Ибн Ҳоббон - тўла исми Муҳаммад ибн Ҳоббон (Ҳиббон ҳам дейилади) ибн Аҳмад ат-Тамамий ал-Бустийдир. Вафоти ҳижрий 354-йил. Даврининг фикҳ ва ҳадис олимларидан.) қайд этади:

— Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ёнида ўтирардик. Шундай буюрдилар:

— Бугун бу ерда қариндошларидан алоқасини узганлар ўтирмасин!

Орамизда ўтирган бир ёш ўрnidан турди, холаси билан ораларидан ола мушук ўтган экан, ўшаникига кетмоқчи бўлди. У чиқиб кетишдан олдин холаси билан оралари бузуклиги учун афв сўради. Расулulloҳ эса унинг учун Аллоҳдан афв тиладилар. Шундан сўнг у холасиникига бориб келиб, орамизга қайтди.

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Ичида қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, бундай миллатга Аллоҳнинг раҳмати ёғмайди.

Абу Ҳурайра Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ҳикоя қилаётган эди. Бир пайт дедик:

— Қон-қариндошлик алоқаларини бузганлар ёнимизда ўтирмасин!

Шу пайт йиғинда ўтирган бир ёш йигит ўрnidан турди, силаи раҳим қилмайдиган бир аммаси бор эди. Ўшаникига кетди. Ярашди. Аммаси ундан узр сўраб келганининг сабабини сўрабди, йигит Абу Ҳурайранинг сўзларини айтибди. Шунда аммаси: «бор, бу гапни охиригача билиб ол!» - дебди. Йигит даврага қайтиб келиб, гапнинг охирини сўради. Абу Ҳурайра шу жавобни берди:

— Мен Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман, ул табаррук зот шундай деган эдилар:

— Миллат ичида қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, унга Аллоҳнинг раҳмати ёғмайди!

Тобароний ҳадисни бундай қайд этади:

— Миллат ичида қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, бу миллатга фаришталар тушмайди.

Яна Тобароний қайд этади:

— Ибн Масъуд бомдод намозидан кейин бир жамоат ичида ўтирарди.

Дедик:

— Худо ҳаққи, қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлса, орамиздан туриб

кетсин! Биз Раббимизга дуо ўқимоқчимиз. Қон-қариндошлик алоқаларини узганлар бор бўлган жойда осмон эшиклари ёпиқ бўлади, дуолар қабул бўлмайди.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар: Силаи раҳим, АРШга осифлиқдир. Дерки:

— Ким менинг ҳақимни ўрнига қўйса, Аллоҳ унга яқинлашади, ким мендан узоқлашса, Аллоҳ ундан узоқлашади.

Абдурахмон ибн Афв Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитгандим, шундай деярдилар:

— Аллоҳ буюрадики: «Мен Аллоҳман, мен Раҳмонман, раҳмни яратдим ва шунинг учун бир исмимни иккига бўлдим. Ким силаи раҳим қилса, мен унга яқинлашаман ва кимки уни узса, ундан узоқ бўламан!»

— Фоизнинг энг ёмони ҳақсизлик билан бир мусулмоннинг иффати ва номусига қўл чўзмоқдир. Силаи раҳим Аллоҳ томонидан берилган бир раҳматдирки, бир-бирига киргизилиб бир уй қурган синчларга ўхшайди. Ким уни бузса, Аллоҳ ул кимсага жаннатни ҳаром қилади.

— Раҳим (силаи раҳим), Аллоҳнинг Раҳмон исмидан бўлинма ва чатишиб кетган илдишлар устига қурилган қурилмадир.

Уч нарса АРШда осифлиқдир:

1. Раҳим (силаи раҳим). Дерки: «Аллоҳим, мен сен билан биргаман, айрилмайман!»

2. Омонат. Дерки: «Аллоҳим, мен сен билан биргаман. Хиёнат қилмайман!»

3. Неъмат. Дерки: «Аллоҳим, мен сен билан биргаман. Нонкўрлик қилмайман!»

Бухорий — Муслим қайд этадилар:

- Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, қариндошлик алоқаларини узмасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, яхши сўйласин, йўқса сукут сақласин!

Яна Бухорий — Муслим қайд этадилар:

- Ким, ризқи мўл бўлишини, ажали орқага сурилишини истаса, қариндошлик алоқаларини узмасин!

Абу Йўъло (Абу Йўъло — тўла исми Абу Йўъло ал-Ҳалим ибн Абдуллоҳ ал Халилий. «Ал-Иршод» китобининг муаллифи, ўлими ҳ. 446 йил.) қайд этади:

- Садақа, силаи раҳим... Аллоҳ бу иккиси билан умрга

барака ато қилади, Су-и хотима (ўлим чоғи иймонсиз кетмоқ)ни, макруҳ ва хавфли нарсаларни даф этади.

Яна Абу Йўъло, Хосъомли (Хосъомли — Яманда бир қабиланинг исми.) бир кишига нисбат бериб қайд этади. Хосъомли:

- Пайғамбар (с.а.в.)ни йўқлаб боргандим. Бир тўда саҳобалари билан бирга ўтирган экан.

- Аллоҳнинг Расули сизмисиз? — дедим.

- Ха, менман, - дедилар.

Дедим:

- Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг ёнида қайси амал севимлироқ бўлади?

Деди:

— Аллоҳга иймон келтириш! Дедим:

— Сўнгра? Деди:

— Силаи раҳим! Дедим:

- Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг ёнида энг ёмон амал нимадир?

Деди:

— Аллоҳга эш-шерик танимоқ? Дедим:

— Сўнгра? Деди:

— Силаи раҳимни узмоқ! Дедим:

Сўнгра? Деди:

- Ёмонликка ундамоқ, яхшиликдан қайтармоқ!

Бухорий - Муслим қайд этадилар:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) бир сафарда эди. Бир вақт қаршисидан бир аъробий (сахройи араб) чиқиб қолди. У Пайғамбар туясининг тизгинидан тутиб:

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), менга мени жаннатга яқинлаштириб, дўзахдан узоқлаштирадиган нарса тўғрисида хабар бер, - деди.

Пайғамбар бир зум сукут сақладилар, кейин сахобалардан бирига бир қараб қўйдилар. Ана ундан кейин шундай дедилар:

- Бу, ҳидоятга етиб кепти!

Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу сўзини эшитган аъробий:

- Нима дединг? — дея унга интилди.

Пайғамбар (с.а.в.) яна такрорладилар:

- Бу ҳидоятга етиб кепти!

Сўнгра Аллоҳ Расули (с.а.в.) шуларни илова қилдилар:

— Аллоҳга ибодат қиласан, унга ҳеч қандай эш-ўртоқ қўшмайсан. Намоз ўқийсан, закот берасан, силаи раҳим қиласан. Бас, қўйиб юбор туяни!

Ундан узоқлашгач, Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай дедилар:

— Агар буюрганларимга амал қилса, жаннатга киради.

Тобароний қайд этади:

— Аллоҳ бир миллатнинг ўлкасини маъмур қилади, молларини, мулкларини кўпайтиради. Ҳолбуки, уларга ғазоби бўлгани сабабли яратганидан бери уларга назар қилган эмасди.

Саҳоба сўрайди:

— Бу қанақаси бўлди, эй Аллоҳнинг Расули? Расул (с.а.в.) марҳамат қилади:

— Қон-қариндошлик ришталарини узмаганлари учун! Ибн Ҳоббон ва Байҳақий қайд этадилар:

— Эй Аллоҳнинг Расули, инсонларнинг энг хайрлиси қайсилари?

Айтдиларки:

— Аллоҳдан энг кўп кўрққани, силаи раҳим қилгани, яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтаргани!

Ибн Ҳоббон ва Тобароний қайд этадилар: Абу Зар ҳикоя қилади:

— Дўстим Пайғамбар менга баъзи гўзал хулқларни ўргатдилар. Ўғит бериб айтдиларки:

— Ўзингдан юксак бўлганларга қарама, доимо ўзингдан пастдагиларга қара.

Ўғит бериб айтдиларки:

- Камбағалларни сев, уларнинг энг камбағалларини!..

Ўғит бериб айтдиларки:

- Қариндошларинг сени кам эсласалар ҳам, сен улар билан қариндошлик ришталарини узма.

Ўғит бериб айтдиларки:

- Динингга маҳкам бўлганинг учун сен билан мазах оҳангида сўзлашувчилардан кўрқма.

Ўғит бериб айтдиларки:

- Аччиқ бўлса ҳам тўғри гапир, тўғрисини айт.

Ўғит бериб айтдиларки:

«Ло ҳовла ва ло Қуввата Илло Биллоҳ!»ни жуда кўп айт. Чунки, бу жаннат хазиналаридан бир хазинадир.

Бухорий — Муслимнинг ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида қайд этилади:

Пайғамбаримизнинг завжаи покизаларидан Маймуна ўз қулларидан бирини Пайғамбар (с.а.в.)га айтиб ўтирмай, озод қилиб юборади. Пайғамбар (с.а.в.) келганда дейдики:

- Хабарингиз бўлдими, эй Аллоҳнинг Расули! Мен қулимни озод этдим!

Расулulloҳ (с.а.в.):

- Сен ўзингни?

Маймуна:

-Ҳа!

Пайғамбар (с.а.в.):

- Хайрли иш қилибсан, аммо тоғаларингга берсайдинг, сен учун савоб янада кўпроқ бўлар эди.

Ибн Ҳоббон ва Ҳоким (Ҳоким — тўла исми Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Баййиъ Ҳокимдир (ҳижрий 321-405). Сомония давлатининг Нишопур вилоятида қозиликда бўлган буюк ҳадисчилардан, шофеъий фақиҳларидан, ўз асрининг энг улуғ дин олими деб танилган бир зотдир. Бир қанча асарлари бор.) қайд этадилар:

- Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бир одам келиб дедик:

- Мен катта бир гуноҳ қилиб қўйдим. Тавба этсам қабул бўладими ва Аллоҳ кечирадими?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Онанг борми? Келган одам:

— Йўқ! Расулulloҳ (с.а.в.):

— Холанг борми? Келган одам:

— Бор! Расулulloҳ (с.а.в.):

— Унга яхшилик қил!

Бухорий ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида қайд этилади:

- Силаи раҳим қилган, деганда ўз сила (яқин) кишисининг меҳр-оқибатини қабул қилган кишини тушунмаймиз. Силаи раҳим қилган, деб қарши тараф қариндошлик алоқаларини узганда бунга жавобан эски алоқаларни давом эттирган кишини айтаемиз.

Термизий (Термизий — «Кутуби ситта»нинг бешинчиси «Сунани Термизий»дир.

Муаллифи Ҳофиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, ҳижрий 275 йилгача яшаган.) қайд этади:

Доимо бошқаларга эргашадиган заиф фикрли кишилар бўлмангки, улар шундай дейдилар:

— Инсонлар бизга яхшилик қилса, биз ҳам уларга яхшилик қилаемиз. Бизга зулм ўтказсалар, биз ҳам уларга зулм ўтказамиз. Сиз инсонлар яхшилик қилса яхшилик қиладиган нафсингизни, ёмонлик қилса ёмонлик қилмайдиган нафсингизга алиштиринг!

Муслим қайд этади:

Саҳобалардан бири дерки:

-Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), менинг қариндош-уруғларим, яқинларим бор. Мен қариндошлик ва яқинлик алоқаларини давом эттираман, улар узаверадилар. Мен уларга яхшилик қиламан. Улар менга ёмонлик қиладилар. Мен уларга яхши ва юмшоқ муомала қиламан, улар менга жоҳилона ва қўпол муомала қиладилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) буларни тинглагандан кейин дедиларки:

— Агар сен айтганингдай бўлсанг, бамисоли уларнинг устига қўр сепгандай иш қилибсан! Сен шу ҳолда давом этавер, Аллоҳ уларга қарши сенга ёрдам бериши муқаррардир.

Тобароний, Ибн Ҳузайма (Ибн Ҳузайма — тўла исми Ҳофиз Муҳаммад ибн Исҳоқ бин Ҳузайма ан-Нисобурийдир. Саҳиҳ ҳадис тўплаган муҳаддислардан бири. Ҳ. 311 й.) ва Ҳоким қайд этадилар:

— Садақанинг энг хайрлиси кўнглига душманликни туккан қариндошга берилган садақадир.

Бу ҳадис Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадиси маъносидадир:

— Сен билан қариндош-уруғлик алоқаларини узганлар билан сен алоқани давом эттир (Сенга душманлик қилсалар ҳам, сен уларга дўстлик қил).

Баззор (Баззор - тўла исми Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ал-Баззор. Илк муснад ёзган тафсирчилардан. Ҳ. 292 йил.), Тобароний ва Ҳоким қайд этадилар:

— Кимдаки уч нарса бор бўлса, Аллоҳ (қиёматда) унинг савол-жавобини осонлаштиради ва унга раҳмат ёғдириб, жаннатига қўяди.

Саҳоба сўради:

— Уч нарса нима, эй Аллоҳнинг Расули?

Расул (с.а.в.) буюрдики:

1. Сени маҳрум қилганга сенинг илтифотинг (Сенга бермаганга сенинг беришинг).

2. Сен билан яқинликни узганларга сенинг силаи раҳим қилишинг.

3. Сенга зулм қилганларни кечиритишингдир. Мана шундай иш қилсанг, Аллоҳ сени жаннатга қўяди.

## ОНАГА ВА ОТАГА ЯХШИЛИК

Бухорий — Муслим қайд этадилар ва ибн Масъуддан ривоят қиладилар: Ибн Масъуд:

— Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг наздида қайси амал севимлироқ?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Вақтида ўқилган намоз! Ибн Масъуд:

— Яна қайси амал? Расулulloҳ (с.а.в.):

— Онага ва отага яхшилик! Ибн Масъуд:

— Кейин қайсиниси? Расулulloҳ (с.а.в.):

— Аллоҳ йўлида жиҳод!

Муслим ҳадисларида ва бошқа ҳадис китобларида қайд этилади:

— Фарзанд отанинг ҳаққини ҳеч қанақасига ўтай олмайди, фақат отаси кимгадир қул бўлиб қолганини кўрса ва сотиб олиб озод қилса, у ҳолда ўтаган бўлади.

Муслим қайд этади:

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурига бир одам келди ва дедикки:

— Эй Аллоҳнинг Расули, ҳижрат ва жиҳод учун сиздан рухсат олгани келдим. Аллоҳ йўлида савоб ишлар қилмоқчиман. Бу гапларни эшитган Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) сўрадилар:

— Онанг, отанг ҳаётмилар?

— Ҳа, иккиси ҳам ҳаёт. Расулulloҳ (с.а.в.):

— Аллоҳдан ажр олмоқчимисан? -Ҳа!

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Бор ота-онангнинг олдига, уларнинг кўнглини ол!

Тобароний қайд этади:

Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурига бир одам келди, дедикки:

— Мен Аллоҳ йўлида жиҳод қилмоқчиман, фақат бунга кучим етмаяпти!

Расул (с.а.в.) сўрадилар:

— Ота-онангдан ҳаёт бўлганлари борми?

— Ҳа, онам соғлар! Расул (с.а.в.):

— Бор, Аллоҳдан онангнинг кўнглигини кўтаришни талаб қил. Шундай қилсанг, сен ҳаж. умра ва жиҳод қилганчалик ажр оласан!

Яна Тобароний қайд этади: Бир киши дедикки:

— Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.). Аллоҳ йўлида жиҳод қилгим келади!

Расул (с.а.в.) сўрадилар: Онанг ҳаётми? -Ҳа!

Бор, унинг оёқларига йиқил. Жаннат ўша ердадир!

Ибн Можа (Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий — илк муснад (асослари кўрсатилган ҳадис китоби) ёзган муаллифлардан бир (ўлими ҳижрий 212 йил).) қайд этади:

Бир киши сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, ота-она фарзанд туфайли нималарга эришади?

Буюрдиларки:

— Улар сенинг жаннатинг ва жаҳаннамнингдир!

Тобароний қайд этади:



- Ота-оналарингизга яхшилик қилинги, фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилади. Иффатингизни асранги, хотинларингиз ҳам ифбатли бўлади!

Муслим қайд этади: Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларки:

— Бурни ерга тегсин, бурни ерга тегсин, бурни ерга тегсин!

Сўрадилар:

— Кимнинг бурни ерга тегсин, эй Аллоҳнинг Расули?

Жавоб бердиларки:

— Ота-онасининг ёки фақат биттасининг қарилигини кўрган бўла туриб, жаннатга киролмаганнинг бурни!

Тобароний қайд этади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) минбарга чиқди, «Омин, омин, омин!» - деди ва марҳамат қилдики:

— Яна Жаброил қошимга келди ва менга дедик: «Эй Муҳаммад, кимгаки ота-онасидан бирининг қарилигини кўриш насиб этсаю, унга яхшилик қилмай ўлиб қолса, у жаҳаннамга киради. Худо кўрсатмасин! Омин де!»

«Омин!» дедим.

Кейин Жаброил шундай деди: «Эй Муҳаммад, ким Рамазон ойига етишсаю, ўлса, лекин афв этилмаса, жаҳаннамга киради. Худо кўрсатмасин! Омин де!»

«Омин!» дедим.

Кейин деди: «Кимки, ёнида сенинг исминг зикр этилиб турганда, сенга саловот ва салом келтирмай ўлса, жаҳаннамга кетади. Худо кўрсатмасин! Омин де!»

«Омин!» дедим.

Бухорий — Муслим қайд этадилар:

Бир киши Пайғамбар (с.а.в.)дан сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, яхшилик қилишимга энг лойиқ одам ким?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Онанг!

— Кейин ким?

— Онанг!

— Кейин ким?

— Отанг?

Бухорий - Муслим қайд этадилар:

Ҳз. Абу Бакрнинг қизи Асмо ҳикоя қилади:

— Онам мени кўргани келарди. Лекин у Расулulloҳ (с.а.в.) нинг вақтида (Расулulloҳ (с.а.в.) тириклигида) бутпараст эди. Пайғамбар (с.а.в.)дан фатво олмоқчи бўлдим. Дедимки:

— Эй Аллоҳнинг Расули, онам мени кўргани келди, лекин исломга киришдан қочиб юрипти. Онам билан яхши муомаламни давом эттираверайми?

Буюрдиларки:

— Ҳа, онанг билан яқинлик риштасини узма!

Ибн Ҳоббон ва Ҳоким қайд этадилар:

—Аллоҳнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир. Аллоҳнинг синиқлиги (хафалиги) ота-онанинг синиқлигидадир.

Абу Довуд (Абу Довуд - тўла исми Абу Довуд Сулаймон ас-Сижистоиий бўлиб, ҳижрий 275 йилгача яшагандир. Абу Довуднинг «Сунан» асари «Кутуби ситта»нинг тўртинчисидир ва 4800 ҳадисни ўз ичига олгандир. «Жоми-ус-сунан» номли китобида 500.000 ҳадис бор. Ислом ҳуқуқчилари орасида кўн муҳим ўрни таъкидланади.) ва Ибн Можжа қайд этадилар: Бир киши сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам ўлгандан кейин уларга яхшилик қилишнинг бирор йўли борми?

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Ҳа, уларга бағишлаб дуо ўқимоқ ва истиғфор қилмоқ, ваъда қилиб бажара олмаган нарсалари бор бўлса, уни ўрнига қўймоқ, қариндошлари ва яқинларига силаи раҳим қилмоқ (яъни ўшаларни бориб кўрмоқ) ва уларнинг дўстларини иззат-икром қилмоқ! Муслим қайд этади:

— Бир кун Ҳз. Умарнинг ўғли Абдуллоҳ Макка йўлида бир аъробий билан учрашиб қолади. Абдуллоҳ унга салом беради ва уни ўзи миниб кетаётган уловига миндиради, ундан ташқари, бошидаги салласини ҳам унга беради. Карвонда бирга кетаётган Молик ибн Динор дейдики: (ҳикоянинг давоми Динор тилидан кетади): Биз Абдуллоҳга дедикки:

— Худо хайрингни бергур, улар аъробий, озгина нарса берсанг рози бўлишади.

Ҳз. Умарнинг ўғли эса бизга шундай деди:

— Бунинг отаси, менинг отам Умар ибн Ҳаттобнинг дўсти ва мен Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман, шундай дер эди:

— Яхшилиқнинг энг яхшиси, фарзанднинг ўз отаси дўстларига силаи раҳим қилишидир.

Ибн Ҳоббон қайд этади: Абу Бурда (Абу Бурда — тўла исми Абу Бурда Буррайид ибн Абдиллоҳ ибн Абу Бурда, саҳобалардан бири. Бир неча саҳиҳ ҳадислар тўплаган.) ҳикоя қилади:

— Мадинага кетаётган эдим. Йўлга чиқишим олдидан Абдуллоҳ ибн Умар келиб қолди. «Мен нега сенинг олдинга келганимни биласанми?» - деди. «Мен: «Йўқ» - дедим.

Дедикки:

— Мен Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман, ул зоти киром шундай деярдилар:

«Ким отасига силаи раҳим қилмоқчи бўлса, отаси ўлгандан кейин унинг дўстларини ва ёр-биродарларини зиёрат қилсин!»

Гап шундаки, менинг отам Ҳз. Умар билан сенинг отанг орасида биродарлик ва дўстлик бор эди. Шунинг учун зиёратга келдим.

Бухорий — Муслимда ва бошқа ҳадис китобларида қайд этилади:

— Биздан олдинги қавмлардан уч киши тижорат мақсади билан йўлга чиқадилар. Бир вақт йўлда ёмғирга тутиладилар ва бир ғорга кириб паналанадилар. Лекин тоғдан тушган катта бир харсанг тош ғорнинг оғзини тўсиб қўяди. Шу аҳволда улар ўзларига шундай далда бера бошлайдилар.

— Бу тошдан бизни фақат бир нарса қутқаради! Олдин қилган яхши амалларимиз ҳурмати бизни қутқаришини сўраб, Аллоҳга дуо ўқийлик!

Бу орада ичларидан бир киши шундай дуо ўқийди: — Эй Аллоҳим, менинг қари онам ва қари отам бор эди. Мен уларга ҳар оқшом сут ичирмагунимча ҳеч кимга қарамасдим. Бир кун баъзи бир эҳтиёжларимни бутлаш учун ташқарига чиқдим ва оқибат ота-онамнинг сут ичадиган пайтларига етиб боролмай қолдим. Улар ухлаб қолишганди. Сутни соғдим. Улардан олдин бошқалар ичишини ҳурматсизлик деб билдим. Сут бордоғини қўлга олиб, уларнинг уйғонишини кутдим. Бу кутиш шафақ қизаргунга қадар давом этди. Тонг отганда улар уйғондилар ва сутларини ичдилар. Аллоҳим, агар буни ёлғиз сенинг ризонг учун қилган бўлсам, бу фалокатдан бизни қутқар!

Бу дуо пайтида тош бир оз жилди. Лекин ҳали чиққулик эмас эди.

Иккинчи шахс, аммасининг қизи билан зино қилмоқчи бўлиб, Аллоҳ ризоси учун унга тегмаганини айтиб, Раббига дуо қилди ва тошнинг очилишини сўради. Тош яна бир оз жилди, лекин ҳамон чиққулик эмас эди.

Учинчи шахс шундай дуо айтди:

- Аллоҳим, менинг кунбай ишлайдиган бир ишчим бор эди. Ҳақининг бир қисмини мендан ололмай кетган эди. У кетиб қолгандан кейин мен унинг пулига бир қўй олгандим.

Бу қўй кўпайиб бир сурув бўлди. Йиллар ўтиб, қаролим ҳақини олгани келганида унинг пулига олинган қўй сурув ҳолига келганди. Мен у қўйларнинг ҳаммасини ўзига тақдим этдим. Агар буни сенинг ризонг учун қилган бўлсам, бизни бу тошдан қутқар!

Шундан сўнг тош тамоман сурилди ва улар ғордан қутулдилар.

## ЗАКОТ ВА ХАСИСЛИК

Аллоҳ буюради:

- Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг закотини беришга бахиллик (хасислик) қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзларини учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонлиқдир.

Бахиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунда бўйинларига ўралажак! (Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва) осмонлару ер мерос бўлиб, Аллоҳнинг ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. (Ол-и Имрон сураси, 180-оят.)

— Бас, сизлар унинг ўзига (Аллоҳга) тўғри бўлингиз (унга шерик қўшманг) ва ундан мағфират сўрангиз! Шерик қўшганларнинг ҳолига вой! Улар закот бермайдилар, охиратни инкор этувчилар ҳам ёлғиз шулардир! (фуссилат сураси, 6-7-оятлар.)

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу мавзуда айтган ҳадислари:

— Қиёмат куни молининг закотини бермаган бирон кимса четда қолмайди; закоти берилмаган мол кучли ва қудратли бир илон ҳолига келтирилади ва закот бермаган кишининг бўйнига ўралади!

— Эй умматим. Дунёда беш хусусият борки, шуларга мубтало бўлишингиздан ва шу хусусиятларга эга бўлишингиздан қўрқиб, Аллоҳга сиғинаман.

1. Ёмон хотинларнинг юзага чиқиши, фаҳш ва ахлоқсизликнинг бутун жамиятни қамраб олиши. Жамиятда бундай хусусият пайдо бўлса, бу жамиятнинг алломалари, салафлари ҳеч кўрмаган оғриқларга, юрак санчиқлари ва турли жабру жафоларга дучор бўладилар.

2. Ўлчовда-тортишда ҳийлагарлик, била туриб нуқсон қилишлар. Бу ҳолда очарчилик ва етишмовчилик юз беради. Давлат катталари халққа зулм қиладилар.

3. Молларининг закотини бермасликлари. Бу ҳол юз берса, кўкдан ёмғир ёғмайди. Шундай бўладики, ер юзида ҳайвонотдан чиққанини айтмаса, бир томчи ҳам нам кўрмайдилар.

4. Аллоҳнинг ва Расулининг кўрсатган гўзал ахлоқ тарзларига риоя қилмасликлари. Бу ҳол юз берса, Аллоҳ уларнинг устига ташқаридан душман ёғдиради. Қўл остидаги нарсаларининг баъзиларини бой берадилар.

5. Давлат катталарининг Ҳақ китоби асосида иш юритмасликлари. Бу ҳолда Аллоҳ уларга ички нотинчлик беради. Одамлар бир-бирлари билан келишолмайдилар, бир-бирларига ёмонлик қиладилар. Жамиятда ҳар тарафлама нотинчлик ортиб боради.

—Аллоҳ фақат ўлаётганда сахийлашган, лекин умр бўйи хасислик қилган кишидан ғазабланади.

—Мўмин одамда икки хусусият бўлмаслиги керак:

1. Хасислик.

2. Ёмон феъл.

— Аллоҳнинг онт ичиб билдиришича, хасис жаннатга кирмайди.

— Хасисликдан сақланинг! Чунки хасислик инсонларни закот бермасликка ундайди. Силаи раҳим қилмасликка ундайди. Жиноятга, бир-бирларининг қонини тўкишга ундайди. Оқибатда инсонлар закот бермайдилар. Силаи раҳим қилмайдилар, қон тўкадилар. Аллоҳ бадфеълликни яратди ва бадфеъл одамларни хасислик ва мол атрофида тавоф эттирди.

Ҳасан Басрийдан хасислик ҳақида сўрадилар ва у шу жавобни берди:

Хасислик — кишининг ёрдам сифатида бериши керак бўлган ўз нарсаларини эътиборсиз қолдириши, мол-мулкани қаттиқ ушлаб, бирон кимсага ҳеч нарса бермасликни шараф деб билишидир. Мол-дунёга берилиш, ҳою-ҳавас, камбағал бўлиб қолишдан қўрқиш ва бола-чақага ортиқча меҳр қўйиш (боламнинг ҳамма нарсаси бўлсин, камбағалликни кўрмасин деган тушунча) хасисликка бошловчи нарсалардир. Шунинг учун ҳадисда билдирилади:

— Болани қаттиқ севиш хасисликка етаклайди. Инсонларнинг баъзилари эса на молининг закотини беради, на ўзи ейди, на бола-чақасига едиради. Унинг бутун завқи пулларини томоша қилиш ва бу пулларни ўз қўлида тутишдан иборатдир. Ҳолбуки, у ўлишини ҳам билади!.. Шунинг учун шоирлар бу мавзуда шундай дейдилар:

Эй қариндош, билиб қўйки, инсонлар бор ҳайвондай, Назар солсанг: кўзи очик, эсли-хушли инсондай...

Мол-дунёси зарар кўрса ўйлаб ётар беадо, Аммо дини йўқ қилинса юраверар бепарво.

Хасислик бир хасталиқдир, инсонга ҳеч ярашмас, Иймони бут ақллилар хасисларга қарашмас.

Хасис одам бойман, дея чучварани санар хом. Қасам ичиб айтаманки, алданади у мудом.

У дунёни бир лаҳза ҳам ўйламайди касофат, Охиратга икки қўли қуруқ борар оқибат.

Дўстлар! Молдан наф кўрмаса бир ғариби нотавон, «Мол маним!» деб ўйламанг ҳеч, сизга қолмас ҳеч қачон. Ўтиб кетар ворисларга у мол охир-оқибат, Хасис учун охиратда ажралмас дўст - надомат.

Бишр дейдики:

Хасис билан учрашиб қолмоқ кишига ғамгинлик беради. Унга назар солган кишининг кўнгли чўқади. Қадим-қадимдан олижаноб араб қавмлари хасисликдан ва кўрқоқликдан ор қилардилар. Оч-яланғоч қоламан деб кўрқма асло, беравер! Ризқ азалдан бўлингандир, ўйнаб-кулиб юравер!

Хасисликдан фойда камдир бу вафосиз дунёда, Берган билан кам бўлмассан, бахтинг бўлур зиёда.

Кўрдим жуда кўп инсонни - жўмардларга дўст улар, Ҳеч кўрмадим, ўйла ахир, ким хасисга дўст бўлар?! Хасисликдан зарар кўрган бахилларни кўрдим кўп. Нафсим хасис бўлмасин, деб иззат-икром қилдим хўп.

Бошқа бировларга заҳмат етказиб, топган нарсасининг завқини ҳам, мазасини ҳам сеза олмаслик ва яхшилиқни кўролмаслик каби тубан хусусиятлар хасисларга хосдир. Шунинг учун шоир бу ҳақиқатни ифодалаган шеърида шундай дейди:

Молга фақат очкўзликла мол қўшади бот, Ворисига қолар молни қилар эҳтиёт.

Този итдай ов тутайди, ўзи оч мудом Хаёлида бошқа биров ейдиган таом.

Имом Аъзам (Имом Аъзам - Ҳанафий мазҳабининг имоми. Асл исми Абу Ҳанифа ибн Собитдир (ҳижрий 80-150). Аббосийлар даврида яшаган. Фикҳилмининг энг илғор вакили бўлиб, бу илмни бир ерга жамлаш, ривожлантириш, қиймат ва эътиборини орттиришда жуда катта хизматлар қилган. Унинг ғоялари умумбашарий ва тараққийпарвар бўлгани учун Ислом оламининг деярли 70 фоизи унинг мазҳабига асосланади. Шу жумладан, бизнинг Туркистон мусулмонлари ҳам Имом Аъзам мазҳабига таянадилар.) дейдики:

—Мен хасисни одил бўлиши мумкин деб айтолмайман. Чунки, хасислик хасисни бир ҳолатни кузатишга ва ипидан-игнасиғача тадқиқ этишга етаклайди. Ичида ҳар доим алданиш кўрқуви бўлади. Шунинг учун ҳақини ортиғи билан олади. Бу табиатга эга бўлган одам ўзидан кўнгли тўқ бўлишга лойиқ эмасдир.

Бир кун Яҳё Алайҳиссалом Иблисга дуч келиб қолди. Яҳё Алайҳиссалом:

— Қандай одамларни ҳаммадан кўпроқ севасан ва қандай одамлар ҳаммадан кўпроқ аччиғингни келтиради?

Иблис:

— Ҳаммадан ҳам яхши кўрганим хасис мўминлардир, энг кўп аччиғимни келтирувчилар сахий фосиқлардир.

Яҳё Алайҳиссалом:

— Нега бундай?

Иблис:

- Чунки мўминнинг хасислиги менга кифоядир. Ҳолбуки, жўмард фосиққа келсак, мен уни

Аллоҳ, жўмардлиги туфайли, афв этиб юборишидан қўрқаман.

Иблис шуларни айтиб яна йўлга тушаркан, ўз гапига шуларни илова қилди:

- Сен Яҳё бўлмасайдинг сенга хабар бермас эдим.

## **ҲОЮ-ҲАВАС ЁКИ ОРЗУ-ҲАВАСЛАРНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАСЛИГИ**

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки:

- Эй умматим, сиз учун қўрққанларимнинг энг қўрқинчлиси икки нарсадир:

1. Ҳою-ҳавас.

2. Ҳавойи нафсга берилмоқ.

Ҳою-ҳавас охиратни унуттиради. Ҳавойи нафсга берилиш эса кишини тўғри йўлдан адаштиради.

- Мен уч нарса кишини уч нарсага ҳеч шак-шубҳасиз мубтало қилажагига кафилман:

1. Мол-дунёга бутун борлиғи билан ташланмоқ Бу шундай бир қашшоқлик келтирадики, ортиқ ундан кейин бойлик бўлмайди. Яъни бутун борлиғини дунёга бағишлаган кимса қанчалик бойлик орттирган бўлмасин, ўзини бой бўлган кўрмайди (бахтсизлик изма-из юради).

2. Дунёда очкўз бўлмоқ. Бу одамга шундай бир машғуллик келтирадики (яъни одамни ишга шундай боғлаб ташлайди-ки). Унда ҳеч бир ибодат, ҳеч бир хайрли иш учун бўш вақт қолмайди. Чиндан ҳам дунёга тўймайдиган кимсанинг ибодат ва бошқа хайрли ишлар учун бўш вақти йўқдир.

3. Дунё молига хасислик. Бу шундай бир қайғу, шундай бир ташвиш олиб келадики, ортиқ ундан кейин севинч ва фароғат йўқ. Ҳам ўзига, ҳам ўзгага хасислик қилувчи кимса молига кўп мол қўшолмаётганидан сиқилиб юради.

Баъзи буюқларимизнинг бу мавзудаги сўзлари: Абу ад-Дардо:

- Эй инсонлар, уялмайсизми? Бино қурасизда, ичида ўтира қолмайсиз. Яна орзу-ҳаваслар билан машғул бўласиз, охирига етолмайсиз. Дунё молини тўплайсизда, қаноат қилиб ея-қолмайсиз. Сиздан олдинги қавмлар сиздан зиёдароқ дунёлик тўплагандилар ва сиздай ҳою-ҳаваслар билан овора бўлгандилар. Лекин, шундай кун келдики, дабдабали бинолари мозорликка айланди; орзу-ҳаваслари уларни алдади; тўплаган дунёликлари маҳв бўлди.

Ҳз. Али:

— (Ҳз. Умарга хитобан) Икки дўстинга (Ҳз. Пайғамбар (с.а.в.) ва Ҳз. Абу Бакр) қўшилишни истасанг, ямоқ қўйлак ва ямоқ пойабзал кий. Ҳою-ҳавасга берилма. Тўйиб овқатланма.

Ҳз. Одам ўғли Шитга қуйидаги беш нарсани насиҳат қилган ва у ҳам ўлмасдан бурун ўғилларига насиҳат қилишини буюрган эди:

1. Ўғилларингга айт: дунёга очкўзлик қилмасинлар, ундан ўзларини халос тутсинлар. Мен абадий жаннатда очкўзликка берилдим. Шу туфайли Аллоҳ мени жаннатдан чиқарди.

2. Ўғилларингга айт: хотинларнинг ҳавойи нафсига асир бўлмасинлар. Мен ўз хотинимнинг ҳаюйи нафсига асирлигим туфайли тақиқланган мевадан едим. Кейин афсус қилдим.

3. Ўғилларингга айт: қиладиган ишларининг оқибатини ўйласинлар. Агар мен қилаётган ишимнинг оқибатини ўйлаган бўлсайдим, бундай оғир айрилиққа дучор бўлмас эдим.

4. Ўғилларингга айт: қалблари бирон нарсадан ҳадиксираса, ундан узоқлашсинлар. Мен тақиқланган мевадан ея бошлаган пайтимда, юрагим бир ҳаприққан ва ҳадиксираган эди, лекин мен орқага қайтмадим ва узоқлашмадим, кейин надомат мени боғлагандан боғлайверди.

5. Ўғилларингга ўғит берки: кенгаш билан иш қилсинлар. Агар мен малаклар билан кенгашган бўлсайдим, бундай айрилиққа дучор бўлмас эдим.

Мужоҳид:

— Абдуллоҳ ибн Умар менга дедик: «Тонг вақтида шомгача, шом вақтида тонггача бора оламан, деб керилма. Ўлмасдан олдин ҳаётнинг қадрини бил, уни эзгу ишларга сарфла.

Ҳасталиқдан оддин соғликнинг қадрига ет. Чунки эртага ким бўлишинг номаълум».

Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобаларидан сўрадилар:

— Ҳаммангиз жаннатга киришни истайсизми? Саҳоба:

— Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули! Расул (с.а.в.):

— Чексиз орзу-ҳавасларни қўйинг, Аллоҳдан ҳаё қилинг! Саҳоба:

— Биз ҳаммамиз Аллоҳдан ҳаё қиламиз. Расул (с.а.в.):

— Шунчаки уялиш бу Аллоҳдан ҳаё қилиш эмас. Аллоҳдан ҳаё қилиш қабрни ва маҳв бўлажагимизни хотирда тутиш демак. Аллоҳдан ҳаё қилиш ичи-ташини ва қалбини ёмон ниятлардан ва ёмон фикрлардан асраш демақдир. Кимки, жони охиратда яхши ҳаёт қозонишини хоҳласа, бу дунёнинг дабдабасидан қочсин. Мана шу нуқтада кишининг Аллоҳдан ҳаё қилиши бошланади ва бу ҳаё уни Аллоҳ дўстлиги сари элтади.

— Бу умматимнинг биринчилари дунё завқи ва дабдабаларидан қўл тортиш билан шафоат ва нажот топадилар. Умматимнинг сўнгилари эса хасислик ва ҳою-ҳавас билан фалокатга учрайдилар.

«Уммул-мунзир» («Уммул-мунзир» - «умм» дегани «она» маъносини, «мунзир» эса, «нохуш хабар бериб қўрқитувчи» маъносини билдиради. Китоб муаллифини аниқлай олмадик.) деган китобда шундай ҳикоя қилинади:

— Бир оқшом Аллоҳ Расули (с.а.в.) бир жамоатга қўшилдилар ва уларга: «Эй инсонлар, Аллоҳдан уялмайсизми?» - дедилар. Жамоат: «Нега бундай деяпсиз, эй Расулulloҳ?» - деганда, Расули Акрам (с.а.в.) шуларни айтдилар:

— Емай-ичмай, мол тўплайсиз. Ўзингиз кўрмайдиган кунлар учун чексиз орзу-ҳавасларга бериласиз. Ўзингиз ичида истиқомат қилмайдиган бинолар қурасиз.

Абу Саид Ҳудрий (Абу Саид Ҳудрий - Ҳз. Муҳаммад с.а.в.нинг саҳобаларидан.) ҳикоя қилади: Усома ибн Зайд, ( Усома ибн Зайд — тўла исми Усома ибн Зайд ибн Хориса. Ҳадис ровийларидан. Вафоти мил. 673 йил.) бадалини бир ой кейин бериш шарти билан Зайд ибн Собитдан 100 тиллага бир қул сотиб олганди. Буни эшитган Расулulloҳ (с.а.в.) шундай дедилар:

— Бадалини бир ой кейин бермоқчи бўлиб қул сотиб олган Усомадан хавотир олмайсизми? Усома ҳою-ҳавасга берилган одам. Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, мен қобокларимнинг ҳар очилишида, яна бир ёпилмасдан бурун руҳим Аллоҳ томонидан олиниши мумкин, деб ҳисоблайман. Бир ёнимга ўгирилган чоғимда, жоним танимда экан, яна иккинчи ёнимга ўтирилолмаслигим мумкин, деб ўилайман. Оғзимга бир лўқма олганда, уни ютмасдан ўлишим мумкинлигига ҳам аминман!

Кейинроқ Аллоҳ Расули (с.а.в.) шуларни айтдилар:

Эй Одам ўғиллари, агар ақлингиз бўлса, нафсингизни ўлик сананг. Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, сизнинг бошингизга тушажаги ваъда қилинган нарсалар муқаррар юз беражакдир. Сиз ундан қочиб қутулолмайсиз!

Ибн Аббос ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) кичик ҳожатга кетди ва ҳожатдан кейин тош-кесак билан таяммум қила бошлади. Мен унга яқин жойда сув борлигини айтгандим, у менга шундай деди:

— Менга таъминот берилмади... Балки сувга етгунча жоним чиқар. Яна ҳикоя қилинишича, бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) қўлларига уч таёқ олдилар. Бирини олдиларига, иккинчисини ёнларига қўйдилар. Учинчи таёқни эса узоқ бир ерга отдилар. Сўнгра сўрадилар.

— Нима бу?

Саҳоба: «Тўғриси Аллоҳ ва Расули билади!» - деганда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) шуларни айтдилар:

— Манави олдимдаги инсон. Бу ёнимдаги ажал. Анави узоққа отганим эса орзу-ҳавасдир. Инсон, ўзидан кўп узоқларда бўлган орзу-ҳавасларга етишмоқчи бўлади ва узлуксиз ишлай бошлайди. Лекин, ажал унга яқинроқ жойда бўлгани учун, у орзу-ҳавасга етишмасдан бурун, ажал унинг ёқасидан олади.

## ҲАРОМДАН ҚОЧИШ

Аллоҳга итоат этмоқ - унинг фарз қилганларини тўқис (ҳарфма-ҳарф) адо этмоқ, ҳаром қилган нарсаларидан қочмоқ ва у чизиб берган чегарадан чиқмаслик деганидир.

Мужоҳид: «Дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин» (Қасас сураси, 77-оятнинг бир қисми.) маъносидаги оятни изоҳлаб, шундай деди:

— Бу ерда «Насиба» деганда кишининг Аллоҳга итоат этиши назарда тутилгандир.

Эй ўқувчи, билиб қўйки. Итоатнинг асоси ОЛЛОҲНИ БИЛИШ, УНДАН ҚЎРҚИШ ва ОЛЛОҲ УЧУН ЎЗ ҲАРАКАТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИБ БОРИШдан иборатдир. Киши бу уч асосдан маҳрум бўлса, иймон ҳақиқатини идрок этолмагани демақдир. Чунки Аллоҳни тўла билмоқ фақат уни таниш орқали бўлади. Унинг борлигига, ҳар нарсанинг яратувчиси эканлигига, ҳар нарсани билишига, ҳар нарсага кучи етишига ва ўткинчи мавжудотларнинг илми ҳеч қачон унинг илмини қамрай олмаслигига, ваҳмлар ақлдан ташқарида юз беришига ишониш Аллоҳнинг ҳар нарсадан хабардор эканлигига ва унинг ўхшаши йўқлигига инониш билан бўлади.

Бир аъробий Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн (Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн - шиа олимларидан (ўлими 381-991 й.)) га шундай дейди:

— Ибодат қилаётганингда Аллоҳни кўрдингми?

Муҳаммад ибн Ати:

— Мен ўзим кўрмаган зотга ибодат қилувчилардан эмасман.

Аъробий:

— Қандай кўрдинг?

Муҳаммад ибн Али:

— Уни биз тушунган маънода кўз билан кўрилмайди. Фақат иймон ҳақиқати орқали юрак билан кўрилади. У, бизнинг СЕЗГИЛАРИМИЗ ила идрок этилмайди. У инсонларга ўхшамайди. АЛОМАТЛАРИ ила билинади, ўзига хос ВАСФУ СИФАТЛАРИ бор. Тақдир ва ҳукмларида зулм қилмайди. Мана шу Аллоҳдир. Коинотда ундан бошқа ибодатга лойиқ бирон зот йўқ. Еру Осмоннинг эгасидир У.

Бу гапни эшитган аъробий дедик:

— Ҳа, Аллоҳ элчиликни кимга беришни жуда яхши билган зот экан.

Каъб ал-Ахборнинг шундай дегани ривоят қилинади:

— Агар Одам ўғиллари мендан заррача ортиқроқ Аллоҳнинг қудратини сал яқинроқдан билган бўлсалар эди, сув устида юрар ва шамол билан бирга учар эдилар. Аллоҳни идрок этишдан ожизлигига иқрор бўлган зотнинг бу иқрорини иймон ҳисоблаб, Раббимизни ёмонлик ва ярамасликлардан пок билайлик. Ахир, Аллоҳнинг неъматларига сазовор бўлган кишининг бу неъматлар шукрини адо қилишдан ожизлигига иқрор бўлиши ҳам Раббимиз томонидан «бандасининг шукронаси» сифатида қабул қилинаётир-ку!

Маҳмуд Вароқ (Маҳмуд Вароқ - ўрта аср араб шоирларидан.) шундай дейди:

Неъматига шукрим ҳам неъмат экан, унда, Бу неъматга ҳам мендан шукур вожиб кунда.

Неъматига шукр этсанг - Аллоҳ лутфи фузун,-Кунларинг ҳам, умринг ҳам бўлар экан узун.

Аллоҳдан севинч келса одам баҳра олур, Ғам кетидан муқаррар, савоб келиб қолур.

Севинчда ҳам, ғамда ҳам сирли неъмат бордир, Вале ақди қосирга уммон-қитъа тордир.

Киши, Аллоҳни таниган заҳоти ўзининг банда (қул) эканлигини тан олиши керак: Қалбга иймон ўрнашган заҳоти Аллоҳга ибодат ва итоат қилиш вожиб бўлади.

Иймон икки асосдан иборатдир:

1. Зоҳирий иймон.

2. Ботиний иймон.

Зоҳирий иймон инонганини тил билан айтишдан иборатдир. Ботиний иймон эса, юракдан инонмоқдир. Мўминлар Аллоҳга итоат ва унга яқинлик даражасига қараб бир-бирларидан

фарқланадилар. Иймон уларни бир бошпана остига олади. Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиш, таваккул этиш, амалларни ёлғиз Аллоҳ учун қилиш билан даража жиҳатидан юксалмоқ ва Раббининг марҳаматига ноил бўлмоқ борасида айри-айри даражаларга эга бўладилар.

ИХЛОС: киши адо этган ибодатлари ва бошқа хайрли ишлари учун Аллоҳдан мукофот кутмаслиги керак. Чунки кишининг ўзини ҳам, қилган ишини ҳам яратувчи Аллоҳдир. Агар киши савоб олиш ва азобдан қутулиш орзуси би-лан Аллоҳга итоат этса, бу том маънода ихлосли иймон эмас. Чунки, у ўз манфаати учун ишлайди, деганидир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинган бир ҳадис шундайдир:

- Орангизда биронтангиз фақат қўрққанидан иш қиладиган ёмон ит сингари бўлманг. Иш ҳақи олдиндан берилмаса ишламайдиган мардикор сингари ҳам бўлманг.

Аллоҳ айтадики:

- Одамлар орасида Аллоҳга динининг фақат бир тарафидан тутиб ибодат қиладиган кимсалар ҳам бор. Агар уларга яхшилик етса хўп-хўп, бордию бирон фитна-бахтсизлик етса, диндан юз ўгириб ҳам кетурлар. Ундоқ кимса бу дунёда ҳам, охиратда ҳам зиён кўрур. бу эса очиқ-аниқ зиёндр.(Ҳаж сураси, 11-оят.)

Аллоҳнинг бизга атаган кўп неъматлари ва марҳаматлари бор. Шунинг учун унга ибодат ва итоат этишимиз вожиб. Ундан ташқари, асосан, итоат этганларни мукофотлаш, адашганларни эса жазолаш учун Аллоҳ ибодат қилишни бизга амр этгандир.

ТАВАККУЛ: таваккул эҳтиёж онларида Аллоҳга ишонмоқ, зарурат пайтларида унга суянмоқ ва мусибат чоғларида кўнгилни кенг қилиб, матонат кўрсатмоқдир. Аллоҳга таваккул қилганлар, ҳар нарса Аллоҳнинг тақдири билан содир бўлишини биладилар. Сабаблар эса Аллоҳнинг ҳук-мидадир. Таваккул қилганлар аждодларига, авлодларига, молларига, мулкларига мағрур бўлмайдилар, уларга суянмайдилар, уларга ишониб кетмайдилар. Фақатгина Аллоҳнинг ҳидояти билан барча ишлари, барча мушкулларини Аллоҳга ҳавола қиладилар. Ким Аллоҳга таваккул қилса, Аллоҳнинг эҳтиёжини қопловчи бўлади.

РИЗО: тақдири илоҳий қай тарзда юз бермасин, нафсининг буни маъқуллаши, қисматга ризолик кўрсатишидир. Баъзи олимлар шундай дейди:

- Инсонларнинг Аллоҳга энг яқин бўлгани унинг тақсими илоҳийсига энг кўп рози бўлганидир.

Мана булар ҳам баъзи ҳикмат аҳлининг сўзларидандир:

- Қанчадан-қанча севинтирувчи нарсалар борки, улар мусибатдир, хасталиқдир. Ва қанчадан-қанча хасталиқлар ва қайғулар борки, улар хайрдир, шифодир.

Бир шоир шундай дейди:

Бордир сенга кўз кўрмаган ноз-неъматлар, Аммо булар ёғдирар кўп мусибатлар. Сабр қил, бор мусибатда ёруғлик ҳам, Ҳар ғам ичра бир севинч бор, севинчда ғам.

Бу мавзуда биз мусулмонларга Аллоҳнинг ушбу ояти етарлидир:

- Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз.( Бақара сураси, 216-оятдан.)

Эй азиз ўқувчи, билиб қўйки, одам кайфиятига қараб яшашни бир четга отмагунча чинакамига Аллоҳга итоат этган бўлмайди.

Бу мавзуда ҳикмат аҳлларининг баъзи сўзлари шундайдир:

- Қалб пардаси билан пардаланмаган ўғит энг таъсирли ўғитдир. Дунёга сиғиниш ва кайфиятга қараб яшаш бир пардага ўралиш демақдирки, бу нарса қалбга ҳақиқат севгиси киришига тўсқинлик қилади.

- Дунё бир соатлидир, сен бу вақт ичида Аллоҳга итоат қил!

Абулвалид Божий (Абулвалид Божий - ўрта аср араб шоирларидан.) шундай дейди:

Нечун юрмай ҳақ йўлдан, нечун хасис бўлай ман? Бир соатли умр бу - Раббим ҳаққин тўлайман!



Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.)га дерки:

— Мен ўлимдан қўрқаман ва нафратланаман! Аллоҳ Расули (с.а.в.) сўради

— Мол-мулқинг борми? Одам:

-Ҳа!

Аллоҳ Расули (с.а.в.):

— Йўқот молингни (ўлмасдан олдин яхши ишларга сарфла!) Чунки мол қаерда бўлса, одам ҳам ўша ерда бўлади.

Ҳз. Исо шундай дейди:

— Кишининг яхшилиги уч нарсада маълум бўлади:

1. Сухбатда. .

2. Қарашда.

3. Сукутда.

Кимки сўзлашганда илоҳий ахлоқ асосларидан ташқарида бўлса, ишлари беҳудадир. Кимки қарашлари ишга яроқсиз бўлса, нокерак ерларда ўралашиб юрса, хатолардан қутулолмайдди. Кимки сукут қилгани ҳолда, бу сукутини тафаккур йўлида ишлатмаса, эрмак бўлиши муқаррардир. Кайфий яшашни тарк этиш дунёвий фикрларни ва дунё кайф-сафоларини қалбдан ҳайдаш демақдир. Ҳалол бўлмаган нарсаларга назар ташлашдан сақланиш керак. Чунки, ҳалол бўлмаган нарсаларга қараш қалбни маънан ўлдирувчи бир ўқ, унга зулм этувчи султандир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай буюрадилар:

— Ҳалол бўлмаган нарсаларга қараш нақ Иблиснинг ўқиға нишон бўлиш демақдир. Ким Аллоҳдан қўрққанидан ҳалол бўлмаган нарсаларга қарашни тарк этса, Рабби унга шундай бир иймон берадики, бу иймоннинг тотини у қалбида ҳис этади.

Ҳикмат аҳлининг бу хусусдаги баъзи сўзлари:

— Ўнгда-сўлда дуч келганга назар ташлайверишнинг охирида қаттиқ афсусланишлар кўп бўлади.

— Ўнгу сўлга қарайвериш ғайриахлоқий ҳодисаларни юзага келтиради, инсонни разил қилади, жаҳаннамда узоқ муддат қолишига сабаб бўлади. Кўзларингга эга бўл. Агар уларни эркин қўйиб берсанг, ахир бир кун сени ёмонликка олиб боради. Ҳолбуки, уларга эга бўлсанг, барча бошқа аъзоларингга ҳам эга бўла оласан.

Афлотундан сўрайдилар:

- Қалб учун қай бири зарарлироқ: қулоқми (эшитилган нарсаларми), ёки кўзми (қарашларми)?

Афлотуннинг жавоби:

- Кўз ила қулоқ қалб учун бир қушнинг икки қаноти ўрнидадир. Қуш фақат қўш қанот билан уча олади, қўш қанот билан оёқда тура олади. Баъзан қанотлардан бирининг патлари юлинади, мувозанат бузилади. Шу туфайли зўрға оёққа туради (Қулоқ эшитган лузумсиз, ҳаром нарсалар ва кўз кўрган лузумсиз, ҳаром нарсалар қалбга бир хил даражада зарарлидир).

Бир одам бир қулга қараб кулар ва уни менсимасмиш. Буни кўрган комил бир киши у одамга шундай дебди:

- Эй ақлсиз одам, эй қалбсиз одам, эй кўзлари маънан хароб бўлган одам! Елкангдаги ёзувчи ва қилган ишларингни хатлабсақлаб қўювчи фаришталардан уялмайсанми, қилаётган ишларинг бари дафтарга тушяпти-ку?! Улар сенга қараб туриптилар, қилмишингга гувоҳ бўляптилар-ку?! Сен ҳозир бамисоли чуқур бир ботқоққа ботаётиб, атрофига тўпланган инсонларга аҳамият бермаётган кишидай, амалларингга шохидлик қилаётган фаришталарга парво қилмаяпсан.

Қози Эржоний (Қози Эржоний - ўрта аср турк-араб шоирларидан.) шундай дейди:

Эй кўзларим, бир боқиш-ла кўрдингиз-у наф, Қулатдингиз айб жарига қалбимни тўнаб.

Эй кўзларим, юрагимдан тортинг қўлингиз, Икковлашиб бир кишига ҳужум қилдингиз,

Ҳз. Алининг бир сўзи эса бундайдир:

- Кўзлар шайтоннинг тузоқларидир. Вужудга энг тоза ва энг шиддатли таъсир ўтказувчи аъзо кўздир. Ким Раббига итоат қилиб, аъзосини нафсининг эътиборидан қолдирса, ният қилган амалига етишади. Ким дунё завқларига тўйиш учун, аъзосини нафсининг эътиборида қолдирса, ниятидаги амалларини ўзи бекор қилган бўлади.

*Инсон нафси покланганда ибодат учун,  
Гуноҳ майли йўқотганда тамоман кучин,  
Аъзолари итоатни хуш кўрган палла,  
Аллоҳ унга бир неъматни этгай ҳавола.  
У ўлдирар аъзоларда ҳою-ҳавасни  
Ва аъзолар жаннат сари бошлар у касни.*

Ибн Муборак ( Ибн Муборак - Абдуллоҳ ибн ал-Муборак. Хуросонда ҳадис мавзусида асар ёзиш билан шуҳрат қозонган олимлардан. Ўлими ҳижрий) шундай дейди:

— Иймоннинг асоси Аллоҳ томонидан юборилган илоҳий ахлоқ асосларини пайғамбарлар тасдиқ этишидан иборатдир. Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигини тасдиқлаган инсон унга амал қилади. Бу амали уни Аллоҳнинг азобидан қутқаради. Ҳаромдан қочган киши тавба қилади, ёмон феълларини тарк этади ва гўзал ахлоқли бўлади. Ҳалолидан топган киши тақво соҳиби бўлади. Фарзларни чинакамига адо этган одам ҳақиқий мусулмон ҳисобланади. Тили тўфи бўлган одамнинг кўнгли равшан бўлади. Мазлумнинг ҳақини емаган одамда қасосдан қўрқиш бўлмайди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг гўзал ахлоқига тобе бўлганларнинг амаллари тоза бўлади. Амалларини ёлғиз Аллоҳ учун адо қилганларнинг амаллари мақбул бўлади.

Абу ад-Дардо Пайғамбар (с.а.в.)га дерки:

— Эй Аллоҳнинг Расули, менга ўғит беринг!

Расул (с.а.в.) шундай буюрдилар:

— Ҳалолидан топ. Гўзал амаллар қил. Бир кун учун бир куннинг ризқини сўра. Нафсингни ўлдир!

КИБР: иш қилишда кибрланишдан сақланиш керак. Чунки кибр (қилаётган ишидан, амалларидан кибрланиш, мағрур бўлиш) офатларнинг энг каттасидир, амалларни энг кўп фасодга (бузқўчилик, тартибсизликка) дучор қилувчи ёмон бир феълдир. Амаллари билан кибрланган кимса, бу амали билан Раббига миннат қилишга ҳақли бўлишни ис-таётган бўлади. Амалининг қабул бўлиши ёки рад этилиши. тўғрисида ўйламайди. Эгасини хорлик ва ноумидликка судраган не-не итоатсизликлар борки, ҳатто ўшалар ҳам азизликка ва кибрланишга даъвогар бўлган ибодатлардан хайрлироқдир.

РИЁ. «Агар золим-кофир кимсалар учун Ердаги бор нарса ва у билан бирга яна ўшанинг мислича нарса бўлса, албатта, улар Қиёмат КУНдаги азобнинг ёмонлигидан, ўша (қўлларидаги бор нарсаларини) тўлов қилиб бериб юборган бўлур эдилар. (Чунки у КУНда) Уларга Аллоҳ томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар — азоблар кўринди»(Зумар сураси, 47-оят.), мазмунидаги оятнинг тафсири ҳақида шундай дейилади:

— Баъзи инсонлар бир қанча амаллар қилдилар ва дунёда буларни. яхши амаллар деб биладилар. Ҳолбуки, булар охиратда бирор ёмон амал (гуноҳ) сифатида қаршиларига чиқади. Баъзи эски дин бутун мусулмонлар юқорида мазмуни келтирилган оятни ўқиган чоғларида шундай дейишарди:

— Иснод риёкорларга!

— Улар: Ким парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин (Каҳф сураси, 110-оятнинг бир қисми.), маолини келтириб, ундаги оятнинг «Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани шерик қилмасин» қисмини «Ибодатида риё қилмасин» тарзида шарҳлар эдилар.

Ибн Масъуддан ривоят қилинишича, энг сўнги нозил бўлган оят шу маолдаги оятдир:

— (Барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган КУНдан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган

амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди. (Бақара сураси, 281-оят.)

Мўминнинг ТАКВО соҳиби бўлган ё бўлмаганлиги уч нарсада маълум бўлади:

1. Эришган нарсалари хусусида ТАВАККУЛ қилса,
2. Эришган нарсалари борасида ҲУСН-И РИЗО кўрсатса
3. Иўқотган ва қўлдан чиқарган нарсалари хусусида ҲУСНИ САБР кўрсатса.

Ҳикматли бир сўз:

— Сабр қилган вафога эришар.

Баъзи шоирларнинг бу мавзудаги гўзал шеърлари:

*Сабр қилмоғинг лозим тушса бошингга бало,  
Фарёд чекма қаршингда пайдо бўлса-да юҳо.  
Агарки келса сенга дунёнинг бор неъматини,  
Демак, сабр қилгансан ва сенда бўлган тақво.  
Нафсинг билан тинимсиз мужодала этгансан,  
Энди тўсиқ йўқ, ҳамма йўл сенга раво.  
Сабр мурод эшигин очқувчи калитингдир,  
Собир бўлсанг, сен учун сабр содиқ итингдир.  
Сабрли бўл, агарда узайса ҳам кечалар,  
Сабр ҳатто ёмонга бахт келтирган нечалар.  
Топилмаган нарсалар сабр билан топилар,  
Жамики кемтикларинг сабр билан ёпилар.  
Иймоннинг энг мустаҳкам тутқичи эрур сабр,  
Шайтон васваса солса, ундан қутқарур сабр.  
Сабр таги зар-олтин, инсонни сақлар омон,  
Енгилтакликда эса инсонга кўпдир зиён.  
Тўғри, замон ғалвали! Бўлиши мумкин ҳар иш!  
Замоннинг фитналари бошингга солса ташвиш -  
Дарҳол сабр кўйлагин иккиланмай кийиб ол,  
Зеро, жаннат боғига сабр элтар безавол.*

Сабрнинг бир қанча тармоқлари бор:

1. Фарзларни тўқис ва ўз вақтида ҳамда давомли тарзда адо этишда сабр.
2. Нафила ибодатларини адо этишда сабр.
3. Ёру биродарларидан ҳамда қўшниларидан ўтказилган зулмларга сабру бардош.
4. Бало бўлиб келган хасталикларга сабру бардош.
5. Камбағаллашганда камбағалликка сабр.
6. Рухий ғалаёнларга, нафсинг ҳавойи орзуларига, шубҳали нарсаларга, вужуддаги барча аъзоларнинг ҳар бир бемаъни истакларига сабр, ҳоказо ва ҳоказолардир.

## ЎЛИМНИ ХОТИРЛАШ

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

— Завқ ва ўйин-кулги орзуларини совутиб қўювчи нарса (ўлим)ни кўп хотирланг!

Ҳадиснинг шарҳи бундай:

— Ўлимни кўп хотирлаб туриш — нафсингизнинг завқ ва ўйин-кулгига бўлган майли кесилсин. Шу тариқа Аллоҳга юзланиш.

Ҳз. Ойша Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўрайди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, шаҳидлар билан бирга йиғилишадиган бирон шахс борми?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Ҳа, ҳар вақт кеча-кундуз йигирма марта ўлимни хотирлаган кимса шаҳидлар билан бирга йиғилишади.

Ўлимни кўп хотирловчи киши шаҳидлар билан бирга йиғилишади. Чунки ўлимни кўп хотирлаган киши ўткинчи дунё ҳаётига мағрур бўлмайди, кимсанинг ҳақини емайди ва охират учун ҳозирлигини қилади. Ўлимдан ғофил бўлмоқ эса кишини дунё завқларига кўмилишга чорлайди.

— Ўлим ҳар мусулмон учун бир каффоратдир (қилинган гуноҳларни ювадиган бадалдир).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳадисларида ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри, қўлидан ҳам, тилидан ҳам кимсага зарар келмайдиган, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг пок ахлоқига эга бўлган ҳамда катта ва кўпдан-кўп кичик гуноҳлар билан кирланмаган, фақатгина кичик ва арзимас хатолари бўлган ҳақиқий мусулмонларни назарда тутганлар. Ўлим мана шу хил мусулмонларни гуноҳлардан тозалайди, катта гуноҳлар килмагани ва фарзларни ҳам адо этгани учун кичик ва арзимас гуноҳларига каффорат бўлади.

Ото Ҳуросоний ҳикоя қилади:

Бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) масжидга кетгандилар. У ерда бир гуруҳ жамоат гаплашиб-кулишиб ўтирарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу гуруҳга хитобан буюрдиларки:

— Улимни унутманг, ўлимни хотирланг. Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳнинг номига қасам ичиб айтаманки, агар менинг билганимни билсайдингиз, оз кулиб, кўп йиғлардингиз.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёнида бир одамдан гап очадилар ва мадҳу сано қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Дўстингиз ўлимни ёдга олармиди? - деб сўрайдилар.

Уни мадҳ этганлар: «Биз унинг ҳеч ўлимни ёдга олганини эшитмадик», - дейдилар.

Аллоҳ Расули(с.а.в.):

- У дўстингиз сиз мадҳ этган даражада эмас, - деб айтдилар.

Ибн Умар (Ибн Умар - Саҳобаи киром. Ўз асрида фатвода барча буюклардан бири эди. Ҳз. Умарнинг ўғли.) ҳикоя қилади:

Бир кун биз ўн киши, Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўргани боргандик. Орамиздаги ансорлардан бири дедикки:

- Эй Аллоҳнинг Расули, инсонларнинг энг фаросатлиси ва энг шарафлиси кимлар?

Жавоб бердиларки:

- Ўлимни энг кўп ёдга олувчилар, энг кўп ўлимга ҳозирланган кишилар!.. Мана, фаросатлилар, шарафлилар шулардир. Шулар дунёдан шараф билан ўтадилар ва охиратда ҳам шарафли ўринни қўлга киритадилар.

Ҳасан Басрий дерки:

— Ўлим дунё ҳаётини бир пул қилди. Шу туфайли фаросатли инсонларга ҳеч қувониш учун имкон қолдирмади.

Ибни аби Ҳойсама (Ибни аби Ҳойсама — муҳаддислардан. Ўлими ҳижрий 279 йил.) ҳам шундай дейди:

— Мўмин етишишни орзу қиладиган ўлимдан ҳам хайрлироқ йўқотиш йўқ. (Ўлим аслида бир йўқотишдан иборат, аммо мўмин унга етишишни орзу қилади, унинг учун бундай йўқотиш ҳар нарсадан хайрлироқдир).

Ҳикмат аҳлидан бири дўстларидан бирига шундай хат ёзган экан:

— «Эй биродар, «Кошки ўлсайдик» деб ёлвориб ҳам ўлолмайдиган қора кунларинг келмасдан бу дунёда ўлимдан эҳтиёт бўл!». («... Ўлимдан эҳтиёт бўл» - коинот низоми бузилиб, қиёмат бошланганда бир тўда инсонлар ўлимни, ўлишни, йўқ бўлишни хоҳлайдилар, аммо ўлолмайдилар. Бу ҳақда Аллоҳнинг шундай буйруғи бор: «Дарҳақиқат Биз сизларни яқин азобдан огоҳлантирдик. У КУНда киши ўзи қилиб ўтган нарсани кўрур. Кофир кимса: «Эҳ, кошки эди тупроққа айланиб кетсам», деб қолур (Набаъ сураси, 40-оят).»

Ибн Сирийн ( Ибн Сирийн - тўлиқ исми Муҳаммад ибн Сирийн. Ҳадис илмлари орасида энг кўп камол топган жарҳ ва таъдил (Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақида хотираларини айтган ровийларнинг ривоятлари тўғри-нотўғрилигини тадқиқ этувчи ҳадисчилик тармоғи)нинг илк

намояндаларидан биридир. Ўлими ҳ. 110 й.)нинг ёнида ўлимдан гап очилса, жисмонан ўлгандай бўлиб қоларди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳар кеча олимларни йиғар, биргаликда ўлимдан, қиёматдан ва охиратдан баҳслашардилар, сўнгра бамисоли олдиларида бир жаноза бордай йиғлардилар.

Иброҳим Тамимий (Иброҳим Тамимий - тўлиқ исми Иброҳим ибн Язид Тамимий. Бу олим ҳам ҳадисчиликнинг жарҳ ва таъдил тармоғи намояндаларидан. Ўлими ҳ. 92 й.) шундай дейди:

— Икки нарса мени дунё завқи ва ўйин-кулгисидан узди:

1. Ўлимни хотирламоқ.

2. Ҳисоб-китоб чоғида Аллоҳ ҳузурига чиқмоқ. Каъбнинг бир сўзи эса мана бундай:

— Ўлимни билганга дунё машаққат ва мусибатлари осон келади.

Хотинлардан бири Ҳз. Ойшанинг ҳузурига киради ва ўз юрагининг тошлигидан шикоят қилади. Ҳз. Ойша унга ўлимни кўп хотирлашни тавсия этади ва шундай қилган тақдирда юмшоққалбли бўла олишини айтади. Хотин шундай қилади, ҳақиқатан юрагида бир ҳалимлик (юмшоқлик) ва са-лимлик (соғломлик) пайдо бўлади. Сўнгра келиб, Ҳз. Ойшага ташаккур билдиради.

## ТАВАККУЛ - РИЗҚ

Аъробий сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, туяни боғлайми ёки эркин қўйиб, таваккул қилайми?

Расул (с.а.в.) буюрдилар:

— Боғлаб таваккул қил!

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

— Агар Аллоҳга ҳақиқатан таваккул қилсангиз борми, у эрта билан оч чиқиб, кечқурун тўқ қайтган қушларни ризқлантиргани каби, сизларни ҳам ризқлантиради.

Шақиқ Балхий ризқни таъминлаш учун ишламас, ризқ топишга баҳона изламасди. Бир пайт ҳаж сабаб бўлиб, Маккада Иброҳим ибн Адҳам (Иброҳим ибн Адҳам - ҳижрий 11 асрда етишиб чиққан буюк валиюллоҳдир. Отаси Балх подшоҳи эди. Аллоҳнинг розилиги йўлида шаҳзодаликни, салтанатни тарк этиб, фақирликни қабул этган ва бутун умрини тоат-ибодатда ўтказган. Унинг кароматлари тилларда дostonдир. Имом Аъзам (Ҳз. Абу Ҳанифа) билан суҳбат қурган. Жунайд Бағдодий у ҳақда: «Иброҳим илмлар калиди» дер эди.) билан учрашиб қолди. Иброҳим ибн Адҳам ундан ризқ топиш учун бундай ҳаракат қилмаслигинга сабаб нима, деб сўради. Шақиқ Балхий ҳикоя қилди:

- Качонлардир бир пайт чўл сари йўлга чиққандим. Чўл ўртасида қаноти синиқ бир қушни кўрдим. Ҳаракат қилмас, учолмас эди. Ўзим-ўзимга: «Кани, кўрайчи, бу қуш қаердан ва қандай озикланаркин!» - дедим ва бир оз нарироқда бекиниб, кута бошладим. Тўйқусдан оғзида чигирткаси билан бир қуш учиб келди ва чигирткани қаноти синиқ қушнинг оғзига солди. Шундан кейин мен ҳам ўз-ўзимга дедим:

—Бу соғлом қушга бу қаноти синиқ қушни таъминлатган Аллоҳ мени ҳам таъминлагай!

Кейин ишлашни ташладим, фақат ибодат билан банд бўла бошладим. Шунда Иброҳим ибн Адҳам деди:

— Нечун сен ногирон қушни таъминловчи соғлом қуш бўлмайсан? Ҳаракат қилувчи қуш бўлсанг янада фазилатли

ва янада шарафлироқ бўлардинг! Эшитмаганмисан, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай буюрганларку: Берган қўл олган қўлдан хайрлироқдир. Ҳамда доимо ҳар ишда ҳар нарсанинг энг юксак даражасига толиб бўлмоқ мўмин учун шон-шараф ҳисобланади. Чунки Аллоҳнинг солиҳ бандалари мартабага фақат шу тарзда юксаладилар.

Иброҳим ибн Адҳамнинг бу сўзларини эшитган Шақиқ Балхий янглиш йўлда юрганини

англаб этади, унинг қўлини ўпади ва: Сен менинг устозимсан! дейди.

## ТАВАККУЛ ВА АСБОБГА ТАВАССУЛ

(сабабларга таяниш, яъни ризқ топишга баҳона излаш) мавзуида жуда муҳим бир нуқта бор. У эса шундан иборат: Ризқ таъминоти учун ишланади ва асбобга тавассул этилади (ризқ топишга баҳона изланади). Лекин баҳоналар деганда «ҳар нарса» тушунилмайди. Ризққа баҳонаи сабаб бўлган нарсаларга асло эътибор берилмайди, уларга боғланилмайди ва уларнинг тепасида туриб олинмайди. Ризқни тақдир этган Аллоҳдир. Шундай бўлгач, кишининг кўз тиккан жойи, ризқ сўрайдиган илоҳи фақат Аллоҳ бўлмоғи керак. Буни оддий бир мисол билан тушунтириб берай. Масалан, бир тиланчини олайлик ва у ҳақда ўйлайлик. Қўлига бир хуржун олиб, ўтган кетганлардан бир нарсалар тўплаб юрипти, дейлик. Берилган нарсалар хуржунга солинган ва хуржун ризқ тўплашга бир баҳона бўлгани ҳолда тиланчи ҳеч хуржуни ичига қарамайди. Унинг бутун назар эътибори ўзига эҳсон бераётган инсонларда бўлади. Ҳадисда шундай буюрилади: Ким инсонлар орасида энг бойи бўлишни истаса, ўз қўлидагидан кўра Аллоҳнинг наздидагига кўпроқ ишонсин ва унга эътимод этсин!

Ҳузайфат ул-Мароший Иброҳим ибн Адҳам хизматида бўлган киши эди. Бир кун ундан Иброҳим ибн Адҳамдан кўрган энг ажойиб воқеани сўзлаб беришини илтимос қилдилар. Ҳузайфа ҳикоя қилди: Бир марта Макка йўлида кунларча қолиб кетдик. Ёйишга ҳеч вақо тополмасдик. Кейин Куфага кетдик, хароб бир масжидга қўндик: Иброҳим ибн Адҳам менга қараб: «Эй Ҳузайфа, оч кўринасан!» - деди. Мен эса: «Улуғ устозимга шундай кўринаётгандир!» - дедим. у: «Менга бир қалам билан қоғоз келтир!», - деди. Мен қалам ва қоғоз келтирдим.

«Бисмиллаҳ»дан кейин Ҳазрат: «Ҳар ҳолу корда мақсуд этганим сенсан, ҳар маънода ишорат этганим ҳам сенсан!» - жумлаларини ёзди. Шундан сўнг шу сатрларни илова қилди:

*Мен ҳамд этган, мен шукр этган, мен зикр этган Ёр,  
Мен очману, мен харобман, аммо менда ор,  
У олтига, мен қоплайман нақ ярмисини,  
Эй Аллоҳим, сен ҳам қопла қоқ ярмисини.*

Буларни ёзгандан сўнг, қоғозни менга узатди ва:

— Бор, қалбингни Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга боғлама ва

рўпарангдан чиққан биринчи одамга қоғозни бер! деди. Мен чиқдим, кўчада каминага биринчи учраган одам хачир минган бир киши эди. Қоғозни унга узатдим. Олди, ўқидию, йиғлай бошлади. Сўнгра: «Буни ёзган одам қаерда?» деб сўради. Мен: «Фалон масжидда!» дедим. Менга ичида 600 динор пули бўлган бир ҳамён узатди. У кетгач, бошқа бир одамни кўрдим ва ундан хачир минган киши кимлигини сўрадим. Менга жавобан: «Бир насроний киши!» деди. Кейин масжидга келдим, юз берган ҳодисани Иброҳим ибн Адҳамга сўзлаб бердим. «У ггулга тегинма, бир оздан кейин бу ерга келади эгаси!» деди. Ҳақиқатан бир соатдан кейин, ўша насроний келди, Иброҳим ибн Адҳамнинг қўлини ўпди ва мусулмон бўлди.

## ДУНЁ ҲАЁТИ

Илоҳий китоб бўлмиш Қуръоннинг асосларига ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқига нолайиқ тарзда ҳаёт кечиришни қораловчи оятлар жуда кўп. Қуръоннинг жуда кўп оятлари шу хусусда тўхталади, одамларни кайфиятга қараб яшашдан узоқлашишга ундайди ва илоҳий ахлоқ асосларига мувофиқ ҳаёт кечиришга даъват этади. Пайғамбарларнинг ғояси ҳам шудир. Улар фақат инсонларни илоҳий ахлоқ билан яшашга чақириш учун Аллоҳ томонидан юборилгандирлар.

Биз ўқувчиларимизда заррача ҳам шубҳа қолдирмаслик мақсадида Қуръондан бу мавзудаги

айрим оятлардан парчалар келтирамиз:

Билингларики, бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақганиш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос. У худди бир ёмғирга ўхшарки, у сабабли унган ўт-ўлан кофирларни ҳайратга солур. Сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолур. Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) қаттиқ азоб ва (иймон эътиқод билан ўтганлар учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти эса фақат алдағувчи матодир (Ҳадид сураси, 20-оят.)

Мол-мулк, бола-чақа дунё ҳаётининг зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса абадий қолғувчи яхши амаллар савоблироқ ва орзулироқ (орзу қилишга арзирлироқ)дир ( Каҳф сураси, 46-оят.)

Кофир бўлган кимсаларнинг қилган амаллари саҳродаги саробга ўхшайди. Ташна бўлган одам уни сув деб ўйлар, токи, қачон унинг олдига келгач, ҳеч нарса эмаслигини кўрур ва Аллоҳни қилган амалининг олдига топур. Бас, у Зот унинг ҳисоб-китобини комил қилур. Аллоҳ жуда тез ҳисоб китоб қилғувчидир (Нур сураси, 39-оят.)

Кўриниб турибдики, оятлар ғоят равшан ва аниқ. Энди биз фақат бу мавзудаги ҳадислар билан бир қаторда баъзи буюқларимизнинг сўзларини қайд этамиз.

— Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) йўл устида ўлган ва ахлат уюмига ташланган бир қўйни кўрдилар. Ёндаги шерикларига: «Нима деб ўйлайсиз, шу қўйнинг эгаси учун' бирон қиймати борми?» - дедилар. Улар: «Қиймати йўқки, ташлаб юборган!» - дейишди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки: «Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, илоҳий ахлоқ асосларига номувофиқ ўтказилган дунё ҳаётининг эгаси ҳам Аллоҳ учун қийматга эга эмас. Агар Куръон асосларига риоя қилмай ўтказилган дунё ҳаётининг Аллоҳ учун хира пашшанинг қанотичалик қиймати бўлсайди, иймонсизларга бир ютум ҳам сув бермасди».

— Куръоннинг ва Пайғамбар (с.а.в.)нинг ахлоқ асосларига мослашмай ўтказилган дунё ҳаёти мўмин учун зиндон, кофир учун эса жаннат.

— Дунё ва дунёда Аллоҳ ризоси учун қилинмаган ҳар нарса лаънатга лойиқдир.

Абу Мусо Ашъорий (Абу Мусо Ашъорий - ҳадиснинг ёзилишини хуш кўрмаган бир қатор саҳобийлардан ҳам ривоятлар бор Шундай саҳобийлардан бири Абу Мусо ал-Ашъорийдир. Ашъорий каби саҳобийлар одамлар ҳадис ёзиш билан шуғулланишса, Куръони каримдан узоқлашиб қолишлари мумкин деб кўрқар, шунинт учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) ҳақидаги кўпдан-кўп билимларини айтмасдилар. Шунга қарамай, Абу Мусо Ашъорийдан тахминан ўн саҳифалик ҳадис ёзиб олишга муваффақ бўлганлар. Вафоти ҳижрий 50 йил.) ҳикоя қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

— Ким дунёсини севса, охиратига зарар беради. Ким охиратини севса, дунёсига зарар беради. Абадий бўлган нарсага ўткинчи бўлган нарса етолмайди. Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

— Ҳар бир хато илоҳий ахлоқ асосларига тўғри келмайдиган ҳарорат (ҳаяжон)лардан туғилади.

Зайд ибн Арқом (Зайд ибн Арқом — Бани Мусталик жангидан кейин Мадинада муҳожирлар (Пайғамбар (с.а.в.) билан Мадинага келган маккаликлар) ва туб аҳоли (мадиналиклар), яъни ансорлар ўртасида чиққан ихтилоф чоғида Расулulloҳ (с.а.в.)га садоқатини кўрсатган саҳоба.)ҳикоя қилади:

— Бир сафар Абу Бакр билан бирга эдик. У сув истади. Абу Бакрга сув ўрнида асал шарбати келтиришди. Ичмоқчи бўлиб оғзига олганда, йиғлади. Ёнидагиларни ҳам йиғлатди. Улар бир оздан сўнг тинишди, аммо Абу Бакр тинмади, йиғлашда давом этаверди. Сўнгра ичмоқчи бўлиб, яна оғзига олди ва яна йиғлади. Ёнидагалар унинг бу ҳолини тушуна олмай: «Эй Расулulloҳ (с.а.в.)нинг халифаси, сени йиғлатган нарса нима?» - деб сўрадилар. Абу Бакр изоҳ берди:

«Мен Расулulloҳ (с.а.в.) билан бирга эдим. У ўзидан бир нарсани даф этмоқда, узоқлаштирмоқда эди. Ҳолбуки, ёнида менга ҳеч нарса кўринмас эди. «Эй Аллоҳнинг Расули, дедим, - ўзингиздан узоқлаштирмоқчи бўлаётган нарсангиз нима? (нимани ҳайдаяпсиз?)» Дедими: «Бу дунё ҳаёти менга тамсил ҳолида кўрсатилди. Мен унга: «Мендан узоқлаш!» дедим. Узоқлашди, сўнгра қайтиб келиб: «Сен мендан қочяпсан, лекин сендан кейингилар мендай қочмагай» - деди.

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) бошқа бир ҳадисларида шундай дедилар:

Ғаройибдан ғаройиб кимсаларнинг ҳоли шундай бўладики, охират ҳаётини тасдиқ этадиларда, дунё ҳаётини Аллоҳ қўйган ахлоқ асосларига мослашиб ўтказмайдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) супуринди ёнидан ўтаётган эдилар. Бирдан супуринди тепасида тўхтадилар ва: «Дунё ҳаётига келинг!» - деб овоз бердилар. Сўнгра супуриндидан чириган бўз парчаси ҳамда чириган суяк олиб: «Мана, дунё ҳаёти, бу дунёга оид зийнатлар шу латтадай чирияжагига, бу эса сиз ҳар куни кўрадиган гўзал инсонлар вужуди шу чириган суяк ҳолига келажагига ишоратдир!» - деб айтдилар.

Дунё ҳаёти ширин бир ҳолвадир. Аллоҳ сизни ер юзида ўзи ўрнига халифа қилди, қандай яшаб, қандай амал қилишингизга қарайди.

Исо Алайҳиссалом шундай дейди:

— Дунёга сиғинманг, у сизни қул қилиб олмасин! Гўзал ахлоқли бўлиш ва гўзал амаллар қилиш йўли билан Аллоҳ ёнида бир хазина тайёрланг. Бу дунё учун хазина тўплаганларнинг хазинаси офатга мубтало бўлишидан қўрқуликрокдир. Ҳолбуки, Аллоҳ ёнида хазина тайёрлаганларнинг хазинаси туфайли офатга мубтало бўлишдан қўрқиш йўк. Яна Ҳз. Исо ҳаворийларига хитобан дейдики:

— Эй ҳаворийларим, сизлар учун мен дунёни кабоб айладим. Уни мендан сўнг такроран тирилтирманг. Дунёда кайфиятга қараб яшаш Аллоҳдан норозиликка сабаб бўлади. Яна охират севгиси ва қайғуси фақат дунёда кайфиятга қараб яшашни тарк этиш орқали ҳосил бўлади. Эй ҳаворийларим, бу дунёдаги ҳаёт кўпригидан Аллоҳ қўйган ахлоқ асосларига мослашган ҳолда ўтингиз. Илоҳий қонунлардан узоқлашманг, кайфиятга қараб ҳаёт кечирманг. Билингизки, ҳар хатонинг ибтидоси Аллоҳнинг йўриғига мослашмасликдадир. Кўпинча бир соатлик ҳавойи яшаш ҳавойи яшаётган кишини орзу-ҳаваслар сари сургайди. Дунё сиз учун ёзиб қўйилди, сиз эса унинг устига ўтирдигиз. У ерда золим давлат кишилари ва хотинлар сизлар билан олишмасинлар. Канда қилмай рўза тутинг ва тўқис ибодат қилинг, шу йўл билан хотинлар билан қилинадиган гуноҳдан сақланасиз. Дунё шундай бир нарсаки, сиз уни излайсиз, у ҳам сизни излайди. Охиратга талабгор бўлган кимсани дунё қувиб юридики, дунёда ризқи тамом бўлсин. Дунёга талабгор бўлган кимсани охират излаб юридики, ўлим келиб, тезроқ ёқасидан олсин.

Мусо ибн Йасор (Мусо ибн Йасар - саҳобалардан.) ривоят қилади:

- Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдиларки:

Молнинг кўплиги сизни алдайди. Одамзот: «Молим, молим!» - дейди. Сизнинг еб тугатганингиздан, кийиб эскитганингиздан ва ёхуд садақа қилиб мангуликка эришганингиздан бошқа молингиз борми? (Одамзотни боқий қиладиган, яъни умрбод «молим» деса бўладиган нарсаси: берган садақалари, қилган эзгу амаллари ва ҳоказолардир).

Дунё уйи йўқнинг уйдир, моли йўқнинг молидир. Дунёда фақат ақлсизлар масъулиятни унутган ҳолда мол-бойлик тўплайдилар. Дунёда фақат ичи қора жоҳилларгина мусулмон биродарига душманлик қилади! Дунёда фақат ҳақ-ҳуқуқ қайғусидан беҳабарларгина мусулмон биродарига ҲАСАД қиладилар. Фақат дунё учун шуурсиз кишиларгина очкўзларча ўлиб-тирилиб ётадилар.

— Кимнинг саҳарлаб турган заҳоти энг катта қайғуси дунё ва дунёлик бўлса, унинг Аллоҳ наздида ҳеч бир қиймати йўқдир. Ундан ташқари Аллоҳ унинг қалбига тўрт нарсани ташлайди:

Қалбига ҚАЙҒУЛИ БИР ФИКР ташлайдики, ундан абадиян қутула олмайди.



Бир МАШҒУЛЛИК ташлайдики, хайрли ишлар қилай деса, ҳеч ундан қутулишга вақт тополмайди.

Ичига бир КАМБАҒАЛЛИК ТУЙҒУСИ ташлайдики, қанча топиб тутмасин, барибир қаноатланмайди.

СҮНГСИЗ ОРЗУ-ҲАВАС берадики, ҳеч охирига етолмайди.

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) менга дедиларки:

— Эй Абу Ҳурайра, дунёни ипидан игнасиғача сенга кўрсатайми? Мен: «Ҳа, кўрсатинг, эй Расулulloҳ!» - дедим. Қўлимдан тутдиларда, Мадинанинг дараларидан бирига етаклаб бордилар. У ерда: инсоннинг бош суюклари, ичак-чавоқлари, латтага айланган бўз парчалари ва чириган суюклар уюлиб ётган бир ахлат тепа бор эди. Аллоҳ Расули (с.а.в.): «Эй Абу Ҳурайра, - дедилар, бу бош суюклар ҳам сизлар каби тирик эдилар, орзу-ҳаваслари ҳам сизларникига ўхшарди. Бугун эса улар терисиз бир суюк, холос. Кейинроқ булар ҳам чириб, тупроққолига келадилар. Анави ичак-чавоқлар қандай топсалар топиб (ҳаром-ҳариш), меъдаларни тўлатиб еган-ичгандилар. Анов эски латта, бўз парчалари улар кийган либослар эди. Энди уларни бу ерда шамоллар ўйнаётир. Бу суюклар эса, улар фойдаланган ҳайвонларнинг суюкларидир. Ким бу дунё дардида йиғламоқчи бўлса, йиғлайверсин!» Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бу сўзларидан кейин йиғимизнинг кети узилмади, борган сари кучаяверди.

Довуд ибн Ҳилол (Довуд ибн Ҳилол - ўрта аср тафсирчиларидан.). дейдики:

Иброҳим Алайҳиссаломнинг саҳифаларида(Саҳифалар (Сухуф) — Китоб инзол бўлмаган пайғамбарларга келган Аллоҳ амрлари.). шундай ёзилган эди:

— Эй Дунё, сен мен (Аллоҳ) ўртага қўйган ахлоқий асосларимга мослашганлар каби ҳақирсан, аммо мен улар учун сени зийнатладим, фақат уларнинг қалбига сенга сиғинмаслик асосларини солдим. Улар сенинг устингда кайфиятга берилиб яшамайдилар, мен ўртага қўйган ахлоқ асосларига тобе бўладилар. Эй илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилмайдиган ДУНЁ ҲАЁТИ! Мен сендан ҳам ҳақирроқ бирон нарса яратмадим. Сен ҳар қандай ҳолда ҳам кичиксан. Оддийсан. Йўқ бўлишга маҳкумсан, сени яратган куним ҳеч кимсанинг сенга абадий эга бўлмаслигига ҳукм чиқардим.

Сен туфайли бахиллик ва хасислик билан нақадар хуш кайфиятда яшамасинлар, барибир... О, нақадар бахтли бўлғайлар қалблари тўғри бўлган кимсалар!.. Ана ўшаларгадир менинг барча муждаларим!.. Менинг ёнимга келган чоғларида катта мукофотларимга сазовор бўлажаклар. Қабрларидан турган вақтларида уларнинг олдлари ёруғ бўлажак. Уларни раҳматимга етишгунларича фаришталар зиёрат қилажаклар!

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрдилар:

— Қиёмат куни бир талай инсонлар келадилар, тоғ каби орзу-ҳаваслари бор. Жаҳаннамга отилишлари амр қилинади. Саҳоба сўради:

— Улар намоз ўқишармиди? Расул жавоб бердилар:

— Ҳа, намоз ўқишар, рўза тутишар ва кечалари йиғлашарди. Лекин дунёвий манфаат масаласи кўндаланг бўлган заҳоти сакраб ўринларидан туриб кетар ва Аллоҳни унутардилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир хутбасида шуларни айтган эдилар:

— Мўмин одам икки кўрқув, икки ажал орасидадир. Булардан бири мозий - ўтмишдир. Бунда Аллоҳўзи ҳақда қандай ҳукмлар берганини билмайди. Бири яна ўша мангуликдир. Лекин яна у Аллоҳ нима ҳукм қилажагини ҳам билмайди. Инсон ўз нафси билан ўзи учун озик (охират учун) ҳозирласин. Дунёда охирати учун, умр бўйи ўлими учун, ёшлигида кексалиги учун ҳозирлик кўрсин! Чунки дунё сиз учун яратилди. Сиз эса дунёда охиратга ҳозирлик қиласиз.

Борлиғим қудрати қўлида бўлган Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, ўлимдан кейин ҳаёт машаққати йўқ. Дунёдан кейин ёлғиз жаннат ва жаҳаннам ҳаёти бор.

Ривоят қилинишича, Жаброил алайҳиссалом Ҳз. Нухдан сўрайди:

— Эй пайғамбарларнинг энг узун умр кўргани! Дунё ҳаёти ҳақида қандай хулосага келдинг? Нуҳ алайҳиссалом шу жавобни беради:

— Икки эшикли уйга ўхшайди!.. Биридан кирдим, бошқасидан чиқдим.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай буюрдилар:

— Дунё ҳаётига эътиборли бўлинг. Зеро, у Ҳорут ва Морут (Ҳорут ва Морут — Бобил халқига азобдан сақланиш учун сеҳр ўргатган икки сеҳргар, моҳир сеҳрбоз фаришта (малак)лар.) дан ҳам сеҳргарроқдир.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинади: Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) асҳоблари билан кўришганда шуларни айтдилар:

— Сизларнинг ҳар бирингиз Аллоҳ қалбингиздан басиратсизлик-идроксизликни йўқотиб, басиратли-идрокли қилишини истайсиз, шундай эмасми? Шундай бўлгач, хабарингиз бўлсин, дунёда ким Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларига қай даражада мувофиқлашмаган бўлса, узун ва беҳуда орзу-ҳавасларга қанчалик кўмилса, Аллоҳунинг қалбидаги басиратни шу даражада йўқ қилади. Ким дунёда Аллоҳнинг амрларига риоя қилса, узун ва беҳуда орзу-ҳавасларни тарк этса, Аллоҳ унга ҳеч иккиланмай илм ва ҳидоят беради. Хабарингиз бўлсин, сизлардан кейин бир талай инсонлар келажак, жабру жафо ва одам ўлдириш йўли билан мол-мулк соҳиби бўлажаклар, хасислик билан бойлик орттиражаклар ва бу бойликлари билан мақтанажаклар. Севги-муҳаббат фақат ҳавойи нафсга берилиши тарзида бўлажак. Сизлардан қай бирингиз у замонларга етиб борса, қонуний равишда ишлаб топганига қаноат қилиб, рози бўлсин. Ғайриқонуний йўллар билан бой бўлиш қўлидан келса ҳам, бу йўлга кирмасин. Камбағаллигига сабр этсин. Ҳавойи нафсининг кўрсатган йўлларида юриб, бошқаларнинг севги-муҳаббатига сазовор бўлиш қўлидан келса ҳам, бу йўлга кириб кетмасин. Азизу мўтабар бўлиш қўлидан келса ҳам хору, хокисорликка чидаб, сабр қилсин. Лекин ўзини бундай тутиши билан ёлғиз Аллоҳнинг ризосини талаб этсин, ўзини шундай тутса, Аллоҳ унга эллик сиддиқ (чин сўзли инсон) нинг савобини беради.

Ҳз. Исо дейдики:

- Уят, дунёга топинувчиларга! Энди қандай ўладилар, дунёни ва дунёдагиларни қандай ташлаб кетадилар?! Дунё ҳаёти уларни алдайди, шармандаи-шармисор қилади. Улар эса дунёга ишониб, унга суяниб, керилиб юрадилар. Уят - дунё ҳаётига мағрур бўлганларга! Дунё уларни севмаганлари билан учраштиради, севганларидан айиради. Ваъда қилинган нарсаларни кўрсатади. Жон-жаҳди билан дунёлик кетида эргашиб юрган ва барча амаллари хатолар билан тўла бўлган кимсаларга уят! Эртага Аллоҳнинг ҳузурда бу гуноҳлари тўфайли қандай шарманда бўлувлар!

Аллоҳ бир вақт ваҳий йўли билан Ҳз. Мусога шундай хитоб қилди:

— Эй Мусо! Золимларга хос дунё ҳаётининг сенга нима кераги бор?! Золимларга ўхшаб яшаш сенга ярашмайди.

Аклингни ишлатиб, бундай яшашдан қоч! Золимлик билан ўтказилган бу дунё ҳаёти нақадар тубан! Гўзал амаллар билан ўтказилган дунё ҳаёти эса нақадар гўзал! Мен (Аллоҳ), мазлумнинг ҳақини золимдан олиб бериш учун, уни (золимни) қадам-бақадам кузатаман.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)' Абу Убайда ибн Жарроҳни тижорат мақсади билан сафарга жўнатган, у ҳам бир талай мол билан сафардан қайтган, ансорлар унинг келганини эшитган эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) билан бирга намоз ўқиётган ансорлар намоздан кейин Пайғамбар (с.а.в.)нинг атрофига йиғилдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларнинг кайфиятини кўриб, кулимсирадилар ва: «Афтидан, Абу Убайда бир нимарсалар олиб келганини эшитгансизлар, чоғи!» - дедилар. Улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» - дея жавоб беришганда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу гапларни айтдилар:

— Севининг ва сизларни севинчга фарқ этувчи аъмолларни ҳаёл қилинг. Онт ичиб айтаманки, мен сизларнинг фақирона ҳаёт кечирингиздан кўрқмайман, чунки сизлардан аввалги баъзи қавмлар дунёда мўл-кўллик, маъмурлик ичида ҳаёт кечиргандилар, шу тўфайли

қутуриб, бир-бирлари билан курашандилар ва шу сабабли маҳв бўлгандилар, сизларнинг ҳам айна тарзда мўл-кўллик ичида ҳаёт кечира туриб, бир-бирингизга ҳужум қилишингиздан ва охири маҳву паришон бўлишингиздан қўрқаман...

Абу Саид Худрий эса мана бу ҳадисни ривоят қилади: -- Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

— Эй умматим, сизлар учуи энг кўп қўрққан нарсам Аллоҳ ердан чиқарган баракатлардир. Сўрашди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, баракатлар нима?

— Дунё зийнатларидир (инсонлар, умуман, мўл-кўллик ичида яшаган пайтларида ҳавойи нафсларига кўпроқ бериладилар. Уларда Аллоҳ кўрсатган йўлдан чиқувчилар кўпроқ бўлади. Шунинг учун мўл-кўлликда яшаш бир жиҳатдан қўрқинчли ҳолдир).

Яиа Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

— Қалбларингизни дунёвий фикрлар билан банд қилманг.

Аммор ибн Саид (Аммор ибн Саид - ўрта аср ислом тафсирчиларидан.). ҳикоя қилади:

— Исо алайҳиссалом ёнида ҳаворийлари билан бир қишлоққа борган эди Қишлоқ аҳолисини кўчаларда ва соҳилларда ўлик ҳолда топди. Ҳаворийларига дедик:

— Эй ҳаворийлар, булар Аллоҳнинг ғазабига учраганлар, шунинг учун ўликлари шу ҳолда ётибди. Агар шундай бир сабаб билан ўлган бўлмасалар эди, дафн этилардилар. Шунда ҳаворийлар Ҳз. Исодан буларнинг қиссасини билмоқчи бўлдилар. Ҳз. Исо эса Аллоҳдан бу воқеанинг тафсилотини маълум қилишни сўради. Аллоҳ ваҳий йўли билан унга билдирдики:

— Тун кирганда уларга нидо қил, сенга жавоб берадилар! Тун кирди. Ҳз. Исо: «Эй қишлоқ аҳли!» - дея уларга нидо этди. Бир овоз: «Лаббай, эй Исо!» - деб жавоб қилди. Ҳз. Исо: «Бу ҳолга тушишингизга нима сабаб бўлди, ҳикоя бермаётирлар!» Овоз: «Чунки улар дағал ва қаттиққўл малакларнинг қўлига тушишган. Олов тизгинлар билан тизгинланганлар!» - деди. Ҳз. Исо сўнги марта овоздан ўзининг қандай жавоб бераётганини сўради. Овознинг жавоби шу бўлди:

— Мен уларнинг ичида эдим, лекин уларнинг ёмон феъл ва ҳаракатларига қўшилмасдим. Уларга азоб инзол бўлди, мен муаллақ осилиб ётибман. Азобдан четда қоламанми йўқми, билмайман.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бир туяси бор эди. Юришда ҳеч қайси туя унинг олдига тушолмасди. Бир кун бир аъробий туяси билан келди. Бу туя Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг туясини орқада қолдирди. Шунда Расулulloҳ билдирдилар:

— Аллоҳ ўзи юксалтирган нарсасини сўнгида мутлақо пасайтириб ҳам қўяди.

Ҳз. Исо дейдики:

— Денгиз тўлқини устига ким уй қура олади? Мана, дунё ҳаёти шудир. Уни абадий қароргоҳ қиламан деб ўйламанг.

Яна Ҳз. Исодан сўрайдилар:

— Бизга шундай бир нарса ўргатгинки, у туфайли Аллоҳ бизни севсин.

Исо алайҳиссалом шундай жавоб беради:

— Дунё ҳаётида ҳавойи нафсга берилманг. Мана шунда Аллоҳ сизни севади.

Абу ад-Дардо ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки:

— Агар менинг билганимни билсайдингиз, оз кулар, кўп йиғлар эдингиз. Ҳавойи нафс орзуларига берилиб яшалган бу дунё ҳаёти сизга тубан кўринарди. Аллоҳ йўлида ҳаёт кечиришни устун қўйган бўлардингиз. Абу ад-Дардо Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан бу ҳадисни нақл этгандан сўнг ўзи шундай хитоб қилди: Менинг билганимни билсайдингиз, тоғларга чиқиб, Аллоҳга ёлворар ва ўз ҳолингизга йиғлардингиз. Бутун борлигинга билан йиғган, ишонган молларингизни ташлаб кетар, улар ҳеч нарса эмаслигини қабул қилардингиз. Лекин, узун орзу-ҳавас сизларнинг қалбингиздан охират тушунчасини сидириб ташлаган. Дунё ҳаёти

бирдан бир орзуингиз бўлиб қолган. Шу туфайли тўғрилиқдан юз ўгиргансиз. Баъзиларингиз қилган иши оқибатида фалокатни ўиламаганлиги учун ҳавойи истакларини тарк этолмаган ҳайвонлардан ҳам тубанроқсиз. Сизларга нима бўлган ўзи, бир-бирингизни севмайсиз, бир-бирингизни тўғри йўлга солмайсиз? Аҳвол шундайки, сўзда бир-бирингизнинг диний биродарисиз. Аммо ботинкй ёмонлик сизларни бир-бирингиздан айиртан, бир-бирингизни йиқитасиз. Агар тўғри йўлда бўлсайдингиз, бир-бирингизни севардингиз. Сизларга нима бўлган ўзи, дунёвий ишларда бир-бирингизга йўл кўрсатасизу, охират масаласида худди шу ишни қилмайсизлар? Ҳеч бирингиз дунёвий масалаларда севган ва ёрдам берган кишингизга охиратга оид хусусларда сира насиҳат қилмайсиз; бу ҳол сизларнинг қалбингиздаги иймоннинг сустлиги туфайли юз берди. Агар дунё ҳаётини билганингиздай охират ҳаётини ҳам яқиндан билсайдингиз, унга инонсайдингиз, у дунё учун ҳам бирор иш қилар, Аллоҳ ўртага қўйган иймонун ахлоқ асосларига мослашар эдингиз. Чунки охират ҳаёти сиз учун абадийдир. Йўқ. «Дунё ҳаётига бўлган севгимиз ажойиброқ!» - деёлмайсиз, чунки дунё ҳаётида ҳам баъзан келажакда қўлга киритишингиз мумкин бўлган нарса учун қўлингиздаги бор йўқ нарсаларингизни фидо қиласиз (Масалан, бир йил кейин эришингиз мумкин бўлган ҳосил учун ҳозир қўлингизда тайёр турган уруғни сочасиз). Кутган нарсангиз бўлмай қолиш эҳтимолини била туриб ҳам заҳмату машаққатларга кўмилиб, нақд нарсангизни қўлдан чиқарасиз. Комил иймон соҳибларига хос аломатлардан маҳрум қандай ёмон инсонларсиз. Ёки, айтинг, Аллоҳнинг Расули Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.) тақдим этган ҳақиқатлардан шубҳангиз бсрми? Агар ундай бўлса, бу шубҳаларингизни баён этинг, мен эса сизларга ҳақиқатни далиллари билан кўрсатай, қалбларингизни қаноатлантирувчи нур билан ёритай. Аллоҳга онт ичиб айтаманки, сизлар ақли ноқис кишилардан эмассизки, маъзур кўрсам. Чунки дунёвий ишларингизда тўғри ва фойдали нарсаларни фарқлай оласизлар, корингизга ярайдиган нарсаларни қўлга киритишни яхши биласизлар, уларга эга бўласизлар. Сизларга нима бўлган ўзи, бир оз дунёликни қўлга киритсангиз, севиниб сакрайсиз, лекин озгина бир дунёликни йўқотсангиз қайғурасиз?! Шундай қайғурасизки, бу нарса юзингиздан ўқилиб туради, тилинган уялмай шундан гап очаверади ва шу арзимас йўқотишни мусибатдай таърифлайсиз ва билмайсизки, бу хусусда гуноҳга ботасиз. Кўпларингиз дин асосларининг аксарини тарк этгансиз. Шундай бўла туриб, юзларингизда заррача ўзгариш, қайғу қилинган?» - деб сўради. Овоз: «Кечқурун соф-саломат ётган эдик, эрталаб ўзимизни жаҳаннамда кўрдик!» - деди Ҳз. Исо:

«Бунга нима сабаб бўлди?» - деганда, овоз: «Дунёга ўчлигимиз ва Атлоҳ йўлидан чиққанларга итоат этганимиз бунга сабаб бўлди» - жавобини берди. Ҳз. Исо: «Дунёни шу қадар севардингиз?» - деб сўради яна. Овоз: «Ҳа, бола онасини севгандай севардик! Ноз-неъматларга кўмилганда севинардик, маҳрумиятга учраган пайтимизда қайғуриб, йиғлардик», - деб жавоб берди. Ҳз. Исо бу сафар: «Хўп, деди, дўстларингизнинг холи қандай? Улар нега жавоб аломатлари йўқ. Ҳолбуки, заррача бир дунёликни йўқотсангиз, юзларингизда қайғу аломатлари кўриниб қолади. Мен ҳозирча, сизлардан Аллоҳ юз ўгирган, деб ўйламайман. Баъзингиз баъзингиз билан севиниб суҳбатлашасиз. Ҳар бирингиз бошқа бирингизни қабул қилганда уни хафа қилмасликка тиришасиз, аммо буни фақатгина, у ҳам мени қабул қилганда хуш муомалада бўлсин, деб шундай қиласиз. Калбларингизда эса бир-бирингизга нисбатан гинаю адоват ва душманлик бўлади. Бу-тун ҳаётингиз ҳою ҳавасдан иборат. Амални унутиш борасида бир-бирингизни ортда қолдириб кетгансиз. Истайман-ки, Аллоҳ сизнинг бу ҳолларингиздан мени қутқарсин, тинчлик-хотиржамлик берсин ва мени Аллоҳнинг Расули (с.а.в.)га етиштирсин. Агар у ҳаёт бўлсайди, сизларнинг бу хатти-ҳаракатларингизга чидай олмасди. Сизларда зако бўлса, мана, сизга ҳақиқатларни эшиттирдим. Аллоҳнинг наздидаги нарсаларни изласангиз, осонлик билан топасиз. Мен ўз нафсим учун ва сизлар учун ёлғиз Аллоҳдан ёрдам талаб қиламан.

Ҳз. Исо шундай дейди:

— Эй ҳаворийлар, дунё неъматларини кўр1анда диний асосларни тарк этманг. Гап шундаки, кўпинча, дунёга сиғинганлар дунёвий саодатга эришганда диний асосларни тарк этиб кетадилар.

Аллоҳнинг Расули, севиқли Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар:

— Эй умматим, мендан кейин шундай бир дунё ҳаёти келадики, олов ўтинни егандай, бу ҳаёт ҳам сизнинг иймонингизни ейди. Аллоҳ Ҳз. Мусога ваҳий йўли билан шундай буюрди:

— Эй Мусо, охиратингни унуттирадиган тарзда дунё севгисига майл этма. Агар ҳузуримга дунё севгиси билан келадиган бўлсанг, бу энг катта гуноҳинг бўлади.

\*\*\*

Бир куни Мусо алайҳиссалом бир жойдан ўтаётган эди. У ерда дуо ўқиб йиғлаётган бир одамни кўрди. Ҳз. Мусо кетаётган жойига кетаверди, орқага қайтганида, у одамни ҳамон дуо ўқиб йиғлаётган ҳолда кўрди. Шунда ўз-ўзича: «Ё Рабб, банданг сендан кўрқиб йиғлаётир!» - деди. Ҳз. Мусонинг ичидан шундай ўй ўтиши билан Аллоҳ ваҳий билан унга шуларни билдирди:

— Эй Мусо, бу қулим дуо ўқиб йиғлаётганида оққан кўз ёшлари билан мияси суюлиб оқиб кетса ҳам ва қўлларини дуо учун кўтариб, ҳолдан тойгунча тутиб турса ҳам уни афв этмайман, чунки у мени эмас, дунёни севади. Менга эмас, дунёга, дунё молига ишонади. Ҳз. Али дейдики:

— Кимдаки олти хил табиат жамланган бўлса, у жаннатга тушади, жаҳаннамдан омон қолади.

1. ОЛЛОҲНИ ТАНИБ, УНГА ИТОАТ ЭТСА.

2. ШАЙТОННИ ТАНИБ, УНГА ЭРГАШМАСА.

3. ҲАҚНИ ТАНИБ, УНГА ТАСЛИМ БЎЛСА.

4. БОТИЛНИ ТАНИБ, УНДАН ҚОЧСА.

5. ДУНЁНИНГ ҲАВОЙИ ҲАЁТИНИ ТАНИБ, УНИ ТАРК ЭТСА.

6. ОХИРАТ ҲАЁТИНИ ТАНИБ, УНГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРСА, ЯЪНИ ОХИРАТ УЧУН ҲАМ ИШЛАСА. Буюқларимизнинг бу мавзудаги бошқа сўзлари: Ҳасан Басрий:

— Дунё ҳаёти ўзларига омонат эканлигини биладиган ва бу омонатни ўзига қолдириб топшириб кетадиган, сўнгра бу дунёдан беайб бегуноҳ кўчиб кетадиган кишиларни Аллоҳ раҳмат қилсин.

— Бирон киши сен билан дин масаласида мужодалага киришса ва динингга бирон зарар келтирмоқчи бўлса, сен ҳам у билан мужодала эт. Лекин дунёвий масалада мужодалага киришса ва сенинг дунёлигингга зарар келтирмоқчи бўлса, уни ўз ҳолига қолдир.

Луқмон алайҳиссалом:

— (Ўғлига ўғит беради) Эй ўғлим, дунё ҳаёти бениҳоя чуқур бир денгиздир. У ерда кўп кишилар чўқди. Бу ҳаёт денгизида кеманг тақво бўлсин. Кемангнинг ашёлари Аллоҳга иймон бўлсин. Елкани Аллоҳга таваккул бўлсин. Шундай

бўлса, умид қиламанки, бу ҳаёт денгизида чўқмасдан омон қоласан. Йўқса, сен учун бошқа қутулиш йўлини кўрмайман.

Фузайл ибн Иъёз:

Шу оятлар узра ўйларим ҳеч битмади:

— Албатта, Биз (бандаларимиздан) қайсилари эзгуроқ амалларни қилишларини синамоқ учун Ер юзидаги бор

нарсани унга зийнат-безак қилиб қўйдик. Ҳеч шак-шубҳасиз, унинг устидагини сип-силлиқ, қуп-қуруқ қилиб қўйгувчи ҳам Биздирмиз ( Каҳф сураси, 7-8-оятлар.).

Баъзи ҳикмат аҳллари:

— Дунёда ҳеч бир нарса йўқки, сендан илгари унинг эгаси бўлмаган бўлсин. Яна ҳеч бир нарса йўқки, Сендан кейин эгаси бўлмасин. Шундай бўлгач, бу қадар қисқа ҳаётни деб ҳавойи нафсинг учун ўзингни ҳалок этма. Аллоҳнинг йўлидан айрилма. Охират учун ҳозирлан. Дунё

молининг сармоёси ҳавоий нафсдир. Топгани эса жаҳаннам оташидир.

Бир роҳибдан сўрадилар:

— Дунё ҳаёти ҳақида қандай хулосага келдингиз? Жавоб берди:

— Вужудларни эскитади, орзуларни янгнилади, ажални яқинлаштиради ва узун орзу-ҳавасларга кўмади.

Яна бир аҳли ҳикматдан:

— Дунё бор, лекин мен унда эмасман, дунё ҳаётида ҳавоий нафсга берилмайман. Бундан кейин ҳам дунё бўлади, лекин мен дунё ҳаётига яна алданмайман. Аллоҳ кўрсатган ахлоқ асосларидан асло четга чиқмайман. Дунёнинг ёмон ҳаётига аралашмайман.

Суфён Саврий:

— Бу дунёнинг неъматлари бамисоли илоҳий ғазабга учрагандай нопок кишиларга насиб бўлади.

Абу Сулаймон Дороний (Абу Сулаймон Дороний - ўз даврининг машҳур шайхларидан. Уни «Қалблариинг райҳони» дердилар. Риёзат, қаноат, очликка катта аҳамият берарди. Сурия минтақасидаги зуҳд ҳаракатининг етакчиларидан. Вафоти 215/830 й. Фақат шуни унутмаслик керакки, тарихда иккита Абу Сулаймон Дороний ўтган. Биз айтаётган Абу Сулаймон Доронийнинг тўлиқ исми: Абу Сулаймон Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Отиййадир. Иккинчисининг тўлиқ исми эса: Абу Сулаймон Абдуррахмон ибн Сулаймон ибн Абу Жавмий ал-Анасий ад-Дамашқийдир.)

— Ким дунёликни қаттиқ истасаю, унга бу берилса, берилганига ҳеч қачон қаноат қилмайди, яна истайди. Ким охиратликни қаттиқ истасаю, унга бу берилса, у ҳам бунга қаноат қилмайди, яна истайди. На дунёлик орзуларининг, на охиратлик орзуларининг сўнги бордир.

Бир одам Абу Ҳозим (Абу Ҳозим - тобеинларнинг улуғидир; ихлос, тақводорлик, ғайрат бобида ном таратган шайхлардандир; шайхлариинг пешвоси, ҳамманинг кўнглига йўл топа олувчи, мушқу.шарни ечишга моҳир сиймолардан бўлган. Саҳобалардан Анас ибн Молик, Абу Ҳурайра билан ҳамсуҳбат бўлган.) га дерки:

- Дунё севгисидан сенга шикоят қиламан. Дунё менинг уйим бўлмагани ҳолда уни қаттиқ севаман. Абу Ҳозим шу жавобни беради:

- Аллоҳ ўртага қўйган машруъ (қонуний) йўл билан топганларингга қаноат қил. Ҳалол бўлмаган бирон нарсани ўзингга мол деб билма. Ҳалол молингни ва ҳалол топганингни ўз ўрнида сарфла. Шунда дунё севгиси сенга зарар бермайди.

Яҳё ибн Муоз:

- Дунё шайтоннинг дўконидир, ундан бирон нарса ўғир-ламаки, шайтон уни олишта келиб, сенинг додингни бермасин.

Фузайл ибн Иъёз:

— Агар дунё ҳаёти йўқ бўладиган олтин, охират ҳаёти эса, боқий қоладиган бир балчиқ бўлсайди, муҳаққақки, бизга ёқадиган (яъни бизга маъқул бўладиган) одам боқий қоладиган балчиқни йўқ бўладиган олтиндан устун қўяр эди. Лекин, афсуски, биз йўқ бўладиган балчиқни (дунё ҳаётини) боқий қоладиган олтиндан (охират ҳаётидан) устун қўямиз.

Абу Ҳозим:

— Масъулиятсиз яшаб ўтказиладиган дунё ҳаётидан сақланинг. Зеро, менга маълум бўлишича, дунёда кайфиятга қараб яшаган кимса қиёмат куни бўлганда тикка турғазилади ва унга шундай хитоб қилинади:

— Бу Аллоҳ тубан деб ҳисоблаган ҳаётни устун деб билди. Унга таъзим этди.

Ибн Масъуд:

— Бу дунёда моли омонат, ўзи меҳмон бўлмаган бирон кимса йўқ. Меҳмон деган доимо келади ва кетади, омонат эса эгасига берилиши керак. Бир куни Робиа-и Аъдвиййани айрим дўстлари зиёрат қилгани келдилар. Дунёдан ва дунё ҳаётидан гап очиб, уни ёмонлайдилар.

Лекин Робиа уларга шундай дейди:

— Бас! Дунё ва дунё ҳаётидан баҳслашиб, уни ёмонламанг. Агар қалбингизда дунё севгиси бўлмасайди, уни ёдга олмасдингиз. Зеро ким бир нарсани севса, ўшани кўп зикр этади.

Иброҳим ибн Адҳамдан: «Аҳволинг қалай?» - деб сўрайдилар. У шу жавобни беради:

*Динимиздан узиб олиб, дунёмизни ямадик,  
Ҳа, динни ҳам, дунёни ҳам бой бермоққа ярадик..  
Ким воз кечса ҳой-ҳавасдан, дунёсига очса жанг,  
Аллоҳ йўлин танлаб олса, ўшал зотни шарафланг.*

Бу мавзуда айтилган бошқа шеърлар:

*Мол-дунёга ўч одамнинг умри узун бўлгани,  
Неъматларга фарқ ўлароқ севинчларга тўлгани  
Бу шундай бир ҳолки, яъни: қаср қуради инсон,  
Лекин унга кирган чоғи қаср бўлади вайрон.  
Дунёда ҳар бир муродинг камол топишин ўйла  
Вале бир кун бор бисотинг завол топишин ўйла.  
Дунё ҳаёти, гар билсанг, фақатгина соядир,  
Соя ташлар, кейин бирдан ғойиб бўлар қайгадир.*

Луқмон алайҳиссалом:

- (Ўғлига ўғит беради). Эй ўғлим, гўзал ахлоқли бўлиб, дунёни охиратинг билан айирбош қил. Шундай қилсанг, ҳам дунёда, ҳам охиратда бир нарсали бўласан. Ёмон ахлоқли бўлиб охиратингни бу дунёнинг билан алмашма. Бундай қилсанг ҳар икки ҳаётингда ҳам зиён кўрасан.

Мутарриф ибн Шиххир (Мутарриф ибн Шиххир - ўрта аср ислом тафсирчиларидан.)

— Ҳукмдорларнинг ва қиролларнинг дабдабали яшашларига қарама, уларнинг қандай тезлик билан бу оламдан кўчиб кетаётганларига ва ҳаётларининг хотимаси ёмонлигига қара.

Ибн Аббос:

— Аллоҳ дунё ҳаётини уч турда яратди:

1. МЎМИНнинг ҳаёти.
2. МУНОФИҚнинг ҳаёти.
3. КОФИРнинг ҳаёти.

Мўмин дунё ҳаётини Аллоҳ кўрсатган гўзал феъл-атворлар билан нақшлаб ўтказади. Охирати учун ҳам ҳозирлик қилади.

Мунофиқ олифталик билан, ороланиб, дабдабали ва эркин ҳаёт кечиради.

Кофирнинг иши бутун борлиғини дунё неъматларидан завқ олиб қолишга сарфлашдан иборатдир.

Абу Умома Боҳилий (Абу Умома Боҳилий - Муҳаммад (с.а.в.) замонида саҳоба оиласида туғилган болалардан. Кейин тафсирчи бўлиб етишган.)

- Пайғамбаримиз Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.)га пайғамбарлик вазифаси берилган чоғда Иблиснинг ёрдамчилари ҳовлиқиб келиб:

— Бир пайғамбар жўнатилибди ва бир уммат пайдо бўлибди, деб хабар беришибди. Иблис сўрабди:

— Ўша уммат нафснинг ҳавойи истакларига берилиб яшашни севарканми? Ёрдамчилари:

— Ҳа, севаркан, деб жавоб беришибди. Иблис дебдики:

— Нафснинг ҳавойи истакларига берилиб яшашни севсалар, ҳеч боқиси йўқ. Бутга топинишлари мутлақо шарт эмас. Мен уларни уч усул билан йўлдан оздираман:

1. Ҳақсиз ва ғайриқонуний фойда топтириш орқали.
2. Топган тутганларини лойиқ бўлмаган нарсаларга харж қилдириш орқали.
3. Лойиқ бўлган нарсаларга сарфлашдан юз ўгириш орқали. Мана, бутун ёмонликларнинг манбаи шулардир.

Бир одам Ҳз. Алидан дунё ҳаётини тавсифлаб беришини илтимос қилади. Ҳз. Ааи шундай жавоб беради:

— Мен сенга дунё ҳаётини қандай тушунтирсам экан... Дунё ҳаётида соғлом одам хастадир. Завқу сафо сурган одам охири пушаймон бўлғусидир. Фақир одам ҳазиндир. Бой одам балога гирифтордир. Молининг ҳалоллиниги ҳисоби, ҳаромининг азоби бор, шубҳали фойдалардан озор топилғусидир.

Молик ибн Дийнор:

— Ҳавойи нафсга берилиб яшашдан сақланинг!

Абу Сулаймон Дороний:

— Қалбда пок туйғулар ва охират қўрқуви бўлган бир пайтда нафсининг ҳавойи орзуларига берилган бир ҳаёт келадида, унинг тинчлигини бузиб, ўзига бир жой очмоқчи бўлади.

Сайёр ибн Ҳоким (Сайёр ибн Ҳокам - ўрта аср ислом тафсирчиларидан.) — Кишининг юрагида дунё ҳаёли ва охират ҳаёли юзма юз келади. Қай бири ғолиб чиқса, иккинчиси унга тобе бўлади.

Молик ибн Дийнор:

— Дунё ҳаётида қўлга киритолмаган нарсаларинг учун қанчалик ачинсанг, охират тушунчаси қалбингдан шунчалик ўчирилади.

Ҳз. Али:

— Дунё ҳаёти билан охират ҳаёти бир эркакнинг айна вақтда никоҳида бўлган икки хотинига ўхшайди. Бири мамнун бўлса, иккинчиси куяверади.

Ҳасан Басрий:

— Мен шундай инсонларни кўрдимки, улар учун дунё ҳаёти шу сизлар кезиб юрган тупроқдан ҳам тубан. Дунё ортдими ё йўқ бўлдими, унга кулиб боққими, бунга кулиб боққими, ҳеч аҳамият бермайдилар.

Фузайл ибн Иъёз:

— Агар дунё ҳалол бўлса ҳам ва охиратда ҳисоб сўралмаса ҳам бордию, менга берилсайди, сиз нажосатдан қандай жиркансангиз, мен ҳам дунёдан шундай жирканардим.

Луқмон Алайҳиссалом:

— (Ўғлига ўғит беради) Эй ўғлим, сен дунёга келган кунингдан бери Аллоҳ кўрсатган ҳаёт йўлидан юрдинг, ҳеч қандай масъулият билмайдиган дунё ҳаётига аҳамият бермадинг. Сен ўзинг яшаб турган бу дунё ҳаётининг кура энди яқинлашиб келаётган охират ҳаётинингга яқинроқсан.

Саид ибн Масъуд ( Саид ибн Масъуд - ўрта аср тафсирчиларидан.)

- Масъулиятсиз дунё ҳаётига ҳирси кундан-кунга ортиб бораётган, лекин нисбатан олганда, охират қайғуси кундан кунга камайиб бораётган бирор кимсани кўрсанг, яхши билки, у алданган одамдир. Ва у бамисоли, ўзи фарқига бормай, юзини ўйнаб ўтирган кишига ўхшайди.

Амр ибн Ос ( Амр ибнОс - ислом фотиҳларидан (милодий 629-663 й.).) (Минбарда айтгани):

- Мен Расулulloҳ (с.а.в.) замонидаги инсонларнинг гўзал ахлоқли бўлиш учун ҳаракат қилганлари даражасида ҳеч бир кишининг гўзал хулқли бўлишга ҳаракат қилаётганини кўрмадим. Онт ичиб айтаманки, Расулulloҳнинг қўлига уч нарса тушса, қўлидан чиқаётганида бу мутлоқ учдан ортиқ бўларди.

Ҳасан Басрий:

— Эй инсонлар, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ (ваъдадир). Бас, ҳаргиз сизларни дунё ҳаёти алдаб қўймасин. Ва ҳаргиз сизларни Аллоҳ (барча гуноҳларни кечиб юбораве-ради, деб) алдагучи (Шайтон) алдаб қўймасин (Фогир сураси, 5-ояг.)! — маолидаги оятни ўқигандан кейин шундай деди:

— Буни, яъни «Сизларни дунё ҳаёти алдаб қўймасин!» жумласини ким айтаётир? Дунёни яратган айтаётир. Дунё ҳаётини уни яратгандан ҳам яхшироқ биладиган бирон зот бўлиши мумкинми? Ҳушёр бўлинг, эй инсонлар, дунё ҳаётининг алдамчилигидан ҳушёр бўлинг! Дунё



ҳаётининг алдоқчилик ҳунарлари кўп. Бир одам бир ҳунарга ўрганса, бу ҳунар уни яна бошқа бир ҳунарга ўргатади. Ҳалол топган фойдаси юзасидан ҳисоб беражагини ва ҳаром топган фойдаси юзасидан азоб кўришини билган инсон боласи қандай бир ва лакисалангки, шу дунё ҳаётига ўзини бағишлайди. Охират қайғусини ҳеч эсга олай демайди. Эртага Аллоҳ ҳузурда ҳисобга тортилишини ҳеч ўйламайди. Амалларини ёлғиз Аллоҳ ризоси учун қилмайди. Дин асосларига зарар келаётганини кўрса ҳам, ҳеч охиратлик бўлмайди, фақат дунёлик манфаатига зарар теккандагина йиғлаб сиқгай бошлайди!..

Фузайл ибн Иъёз:

— Дунё ҳаётининг масъулиятсиз, ифлос ва ғайриахлоқий йўриғига кириш осон, лекин чиқиш қийин.

Бир кун Муовиянинг( Муовия - милодий 603-682 йилларда яшаган саҳобалардан бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.н.)нинг қайниси ва ваҳий котиби эди. Шомда 20 йилдаи зиёд валий бўлди, сўнгра хилофатини эълон этиб, 20 йил халифалик қилли. Ўзи Амавий бўлгани учун у асос солган ислом данлати Амавийлар давлати деб ном олгандир.) ҳузурда - Аллоҳ ундан рози бўлсин икки юз ёшли бир одам келди. Муовия ундан сўради:

—Дунё ҳаёти назарингда қандай кўринди? Келган одамнинг жавоби:

— Балоли йиллар, фаровон йиллар!.. Кун ўтади, тун ўтади, туққан туғади, ўлган ўлади. Туққан туғмасайди, мавжудот тугарди; ўлган ўлмасайди, ер юзи ундагиларга тор бўлиб қоларди. Муовия:

— Тила, мендан нима тиласанг!

Одам:

— Ўтган умримни орқага қайтар ва ёки яқинлашиб келаётган ажалимни даф эт!

Муовия:

Менинг бунга қудратим етмайди. Одам:

Ундай бўлса менинг сендан гилагим йўқ!

Довуд Тои: ( Довуд Тои - (ўлими 165/780 й.) Багдодда яшаган, Имом Аъзамнинг илмий мажлисларига қатнаган, кейинроқ зуҳд йўлидаи кетган, барча китобларини Фирот дарёсига улоқтирган. Ниҳоятда чуқур ва нозик фикрли олим эди.) — Эй Одамзот, амалиннга эришганда севиндинг, лекин, билиб қўйки, ажалинг яқинлашди, умринг битаётир. Келажак учун олдиндан йиғганларингнинг фойдасини бошқалар кўради.

Бишр Ҳофий:

- Ким Аллоҳдан дунёлик истаса, у ҳисоб-китоб куни Аллоҳнинг ҳузурда кўпроқ туришни хоҳлайди деганидир (Бойлигини керакли жойга ишлатмаса, узундан узоқ ҳисоб беришга мажбур бўлади).

Абу Ҳозим:

- Дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилувчи бир нарса келмаса.

Ҳасан Басрий:

- Одамзот уч нарсага афсусланиб, бу дунёдан кўчади:

1. Тўплаган моли ва бойлиги билан гўймайди.

2. Орзуларига эришолмайди.

3. Охират ҳаёти учун ҳозирлигини қилолмайли.

Бир кишидан сўрадилар:

— Дунё муродига эришиб, ўлжаларга эгалик қилолдингми?

Жавоб шундай бўлди:

— Фақат дунёга топинишдан ўзини тия олган кимсагина муродига эришиб, ўлжаларга эгалик қила олади.

Абу Сулаймон Дороний:

— Фақат қалбида охират тушунчаси бўлган кимса ёмонликлардан узоқ тура олади.

Молик ибн Динор:

— Биз инсонлар худди яхшиликка ундамаслик ва ёмонликдан қайтармаслик тўғрисида бир-биримиз билан келишиб олганга ўхшаймиз. Бу кетигада бошимизга қандай азоблар тушажагини кошки билсайдим!

Абу Ҳозим:

- Арзимаган бир дунёлик нарса кишини буюк ухровий масаладан қолдириб юборади.

Ҳасан Басрий:

— Дунё ҳаётини паст кўрингиз! Аллоҳга онт ичиб айтаманки, масъулият туйғусидан узоқ ва кайфиятга берилиб яшалган дунё ҳаётидан ҳам тубанроқ бирон нимарса йўқ. Аллоҳ бандаси учун бирон яхшиликни ният қилганда, унга бир дунёлик беради, у тугаганда яна беради. Агар бандасининг назарида бу дунёлик ҳақир кўринса, унга аҳамият бермаса, Ачлоҳ янада мўлроқ беради.

Бир одам доим шундай дуо ўқиркан:

— Эй осмони фалакни ўз низомида тутган Аллоҳ, масъулиятсиз дунё ҳаётидан мени қутқар!..

Муҳаммад ибн Мунқадир Муҳаммад ибн Мунқадир - ўрта аср ислом фақиҳларидан. ) Одамлар бўладики, йилларча рўза тутади, тунлари эрталабгача намоз ўқийди, молини Аллоҳ йўлида харжлайди, Аллоҳ йўлида жиҳод қилади ва ҳаром харишдан тийилиб юради. Шундай бўлса ҳам, қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурига келтирилганда унга шундай деб хитоб қилинади:

— Бу, Аллоҳ кичик қилган нарсани кўзида (назарида) катталаштирди, Аллоҳ катта қилган нарсани эса кичик кўрди.

Қиёмат куни бундай хитобни эшитганда бу кишининг ҳоли нима бўлади? Ҳолбуки, баъзилар, гуноҳ қилган бўлсалар ҳам, бундай дағдағали хитобга маъруз қолмайдилар.

Абу Ҳозим:

- Аллоҳ йўлида кетмоқчи бўлсанг ҳеч бир ёрдамчи тополмайсан, лекин исён йўлига кирмоқчи бўлсанг, нимагаки қўл урма, остидан мутлақо сенга ёрдамчи бир ёмоннинг чиқиб турганини кўрасан.

Абдуллоҳ ибн Муборак:

- Масъулиятсиз, кайфу сафо ичра яшаш иштиёқи ва гуноҳлар қалбни бутунлай ўраб олади, яхшилик ва ҳақиқат туйғулари қалбга қандай қилиб кирсин!

Ваҳоб ибн Мунаббих:

- Кимда-ким қўлга киритган бир дунёлиги сабаб бўлиб қаттиқ севинса, хато қилган бўлади. Кимда-ким нафсининг ҳавойи орзуларини оёқ остига олса, ўзини орқаворотдан таъқиб этиб келаётган шайтонни қувган бўлади. Кимнингки илми ҳавойи нафсини енгиб олса, у кимса шак-шубҳасиз, музаффар бўлажакдир.

Бишрга дерларки:

Фалончи ўлди! Дер:

— Дунё йиғди, охиратга кетди, ўзини ҳалок қилди. Дерлар:

— У шундай шундай яхшилик қиларди. Дер: У айтганларингиз унга фойда бермайди. Чунки у дунёга сиғинарди.

Ҳикмат аҳлидан бири:

- Дунё — хароб бир давр, ундан ҳам хароброғи у ердаҳавойи нафсига берилиб умр ўтказган кимсанинг қалбидир.

Жаннат — обод қилинган уй, ундан ҳам маъмурроғи ҳавойи нафсига берилмай, Аллоҳ кўрсатган ахлоқ асослари доирасида яшовчи кимсанинг юрагидир.

Жунайд Бағдодий:

— Имом Шофеий (Имом Шофеъий - ҳижрий 150-204 йилларда яшаган бу имо.м аслида Абдуллоҳ ибн Муҳаммаддир, учинчи аждоди Шофеъий ҳаётлигида Раеулллоҳ с.а.в.ни кўргани учун ўша исм билан ёдга олинади, насаби Абдуманноф ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бирлашади. Ёшлигида фақирона ҳаёт кечирди. Жуда илғор муҳаддис ва Қуръон

тафсирчисидир. Ҳадис усули ва фикҳга доир асарлари бор. Шофеъий мазҳабининг асосчисидир. Тибб, назм ва адабиётда ҳам сезиларли из қолдиргандир. ) дунёда доим ҳақни сўйлаган зот эди. Бир кун бир диндош биродарига берган ўғитида мана буларни айтганди:

— Эй биродарим, дунё ҳаёти сирғанчиқ бир ерга ўхшайди. Ҳеч кимнинг оёғи собит туролмайди. Дунё қанчалик обод қилинмасин, сўнги — хароб бўлмоқдир. Унда яшовчиларнинг энг сўнги зиёратгоҳлари қабрди. Сўнги севганларидан айрилмоқдир. Дунё ҳашаматининг сўнги — фақирликдир. Мол-дунё тўпламоқ қийин. Эй биродарим Аллоҳдан қўрқ, унинг ҳалолдан берган ризқига рози бўл! Файриқонуний фойда йўлларини излама. Етиша олмаган, етишишинг гумон бўлган кунларинг учун олдиндан узун орзу-ҳавасларга кўмилма. Чунки сенинг умринг вақгинчалик соядайди, йиқилишга юз тутган Девордайди. Гўзал амалларни кўпайтир, узун орзу-ҳавасларни озайтир.

Исмоил ибн Иёш: (Исмоил ибн Иёш - ўрта аср ҳадисчи ва тафсирчиларидан.)

- Таниқли дўстларимиз ҳавойи нафсга мослашиб яшалган дунё ҳаётини «тўнғиз ҳаёти» деб атардилар ва шундай ҳаёт кечирувчи кишиларга: «Биздан нарироқ тур, эй тўнғиз» дердилар. Агар бундан ҳам хунуқроқ бир калима топсайдилар, шубҳасизки, уларга ўша сўзни лақаб қилиб тақардилар.

Яҳё ибн Маоз:

- Ақллилар уч тоифадирлар:

1. Ажал хуруж қилмасдан бурун Аллоҳ йўлига кирганлар.
2. Қабрга кирмасдан унга ҳозирлик кўрганлар.
3. Раббининг ҳузурига бормасдан олдин уни хушнуд этганлар.

Ҳавойи нафсга берилиб ўтказилган дунё ҳаёти шу қадар машъумдирки, уни афв этишни тилаш ҳам кишини Аллоҳ йўлидан чиқаради. Шундай бўлгач, феълан шундай ҳаёт ичида яшаганларнинг ҳоли не кечади?

Биндор: (Биндор - ўрта асар ислом фақиҳи ва муфассирларидан.)

- Агар дунёга сиғинувчиларнинг ТУҒРИЛИК ва ТАҚВОдан гап очганларини кўрсанг, билиб қўйки, улар бу ҳолда шайтон масхараларидирлар.

- Ким дунёга сиғинса, дунёнинг олови, яъни ҳирс уни ёндиради, оқибатда у маънан қул ҳолига келади. Ким, охират ҳаётини ўйласа ва Аллоҳ кўрсатган ахлоқ асосларига риоя қилса, у бамисоли ўз-ўзидан соф кумуш парчаси олиб фойдалангандай бўлади. Ким Аллоҳга юз тутса, ТАВҲИД олови шундай қиздирадики, қиёматда у беқиёс бир гавҳар ҳолига келади.

Ҳз. Али:

- Дунё ҳаёти олти нарсадан иборатдир:

1. Ёйилувчи нарсалар.
2. Ичилувчи нарсалар.
3. Кийилувчи нарсалар.
4. Минилувчи нарсалар.
5. Никоҳланувчилар.
6. Ҳидланувчи нарсалар.

Ёйилувчи нарсаларининг энг қийматлиси БОЛ, у эса арининг чиқиндисидир.

Ичилувчи нарсаларнинг энг қийматлиси СУВ, уни ичишда яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам (ҳаромлар ҳам, ҳалоллар ҳам) баробардир.

Кийилувчи нарсаларнинг энг қийматлиси ИПАК, у эса қуртнинг чиқитидир.

Минилувчи нарсаларнинг энг тузуги ОТ, унинг устида эса, жанг чоғи инсонлар ўлдирилади.

Никоҳланувчиларнинг энг шарафлиси ХОТИН, у ҳам ясан тусанлари сабабли бир қатор ёмон феълларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Ҳидланувчи нарсаларнинг энг қийматлиси МУШҚдир, унинг асли эса ҚОНдан иборатдир.

Бир киши:

— Эй инсонлар, тадбирли бўлинг! Аллоҳдан қўрқинг. Узун орзу-ҳаваслар ва ўлимни унутиш

сизларни алдаб қўямасин. Дунё ҳаётининг ифлос томонларига чўмманг. Бу дунё ҳаётининг ифлос қисми зулмдир, алдоқдир. У ялтироқ кўринишлари билан сизни алдаб қўяди. Узун орзу-ҳаваслар сиз учун бир тузоқдир. Сизга безанган келиндай кўринади. Кўплар унга мафтун бўлади, кўнгиллар уни кўрганда титрайди, нафслар унга талпинади. Лекин у неча-неча ошиқларни қатл этган, ундан қаноат топувчиларни, қанчадан-қанча ишқи бозларни расвои радди бало қилган. Унга ҳақиқат кўзи билан боқинг, эй инсонлар! Ҳавойи нафснинг орзуларига берилиб яшашнинг заҳмату машаққатлари кўп, Аллоҳ бундай яшашни қатъиян қоралаган. Бу дунёда ҳар янги нарса мутлақо эскиргай; қўлга киритилган мол-мулк яна қўлдан чиқиши муқаррардир; азиз ва қадрли бойликлар бир кун келиб қийматини йўқотади. Кўп озаяди, севги ўлади, эзгулик ҳалок бўлади. Уйғонинг, эй инсонлар, ғафлатдан уйғонинг! Аллоҳ хайрингизни берсин, огоҳ бўлинг, ўлмасдан олдин кўзингизни очинг, ўлим куни келганда одамлар шундай деяжаклар:

— Фалон киши оғир касал. Тузалишдан умиди йўқ эмиш. Ажабо, бунга шифо бўладиган бирон дори ва ё уни оёққа турғиза оладиган бирон табиб йўқмикин?

Табибларни чақиражаклар, улар сенга муолажа қилажаклар ва: «Бу муолажа уни шифолай олмайди!» - деяжаклар. Сўнгра шивир-шивирлар яна давом этажак:

— Фалон киши васиятини ёздирибди! Ундан кейин айтадиган гаплари шу:

— Тилдан қолди, келган-кетган дўстларини танимаётир! Бу асно сен тинмай инграб, ажал терларини тўкажаксан.

Энди бу дунёдан кўчиб кетаётганингни англаяжаксан. Кўзларинг шифтга тикилажак, тилинг тутилажак, илгари гумон қилган нарсаларинг тўғрилиги юзага чиқажак. Яқинларинг сенинг ёнингда йиғлаяжаклар. Сенга тепангда турган одамларни кўрсатажаклар:

- Бу кўриб турганинг ўғлинг фалончи, бу уканг писмадончи...

Лекин сен гапиролмайсан: тилинг тутилган, оғзинг ҳеч очилмайди. Сўнгра Аллоҳнинг ҳукми келади, руҳинг баданингдан айрилади, кўкларга юксалиб кетади. Кейин дўстларинг ва яқинларинг келишади, кафанингни тайёрлайдилар, қабринг тепасида кафанингдан тутиб, даст кўтарадилар ва лаҳадга қўядилар. Кейин зиёратчиларнинг кети узилади, сени кўролмайдиганлар ўлимингга севинадилар ва бир «ух!» тортадилар. Ворисларинг мол-мулкнингни бўлишиб олишга киришадилар, сен омонат сифатида амалларинг билан юзма-юз қолажаксан.

Ҳасан Басрий Амавий Халифаларидан Умар ибн Абдулазизга (Амавий халифаларидан Умар ибн Абдулазиз - Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон (682-720) — тақводорлиги билан шуҳрат қозонган.)ёзган мактубида шундай дейди: - (Саломдан сўнгра) дунё ўткинчи ўлароқ қоладиган бир ўйдир, у абадий истиқомат жойи эмас. Одам алайҳиссалом жаннатдан дунёга жазо маъносида ирғитилганди. Дунё ҳаётига диққатли бўл, эй мўминларнинг халифаси! Дунёдан охиратга кетишда ола кетиладиган энг яхши озиқа Ҳавойи нафсга берилиб ўтказиладиган ҳаётдан сақланмоқдир. Дунёда энг аъло бойлик инсоннинг ожизлигини эътироф қилиш ва қабул этиш, Аллоҳнинг қудратига таслим бўлишдир. Бу ҳаёт ҳар бир лаҳзасида кимларнидир ҳалок қилади, маҳв этади. Дунё дунё учун ишлаганни хору зор қилади, дунёлик йиғувчини фақир айлайди. Бу алдоқчи ҳаёт киши билмасдан еб ё ичиб қўйган заҳарга ўхшайди. Заҳари борлигини билмаган киши уни иштаҳа билан ейди ва билмайдик, унда ўз ўлими яширинган. Алдоқчи ва оҳанраболи дунёнинг ҳою-ҳаваслари ҳам шундайдир, кишини адаштиради, охири фалокат содир бўлади. Эй мўминларнинг халифаси, бу дунё ҳаётида сен жароҳатли инсон ва буни кимдир биров эмас, ўзи тузатувчи киши каби бўл! Маълумки, бундай киши хасталиги ортиб кетмаслиги учун парҳез қилади, иштаҳаси тортган нарсаларни ейишдан сақланади. Шунингдек, хасталиги узайиб кетишидан қўрққани туфайли ичаётган дориларининг аччиғига ва бездиришига чидайди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ, хийлагар ва алдоқчи бу дунё ҳаётдан ҳазир бўл, эй мўминларнинг халифаси! У инсонни узун орзу-ҳаваслар билан алдайди. Келинга ўхшаб безаниб кўринади, кўзлар унга иштиёқ билан термилади, нафслар унга талпинади. Ҳар

кас бу дунё ҳаётини ўз никоҳидаги хотиндай қабул қилади. Лекин у кўп ўтмай эрларни ўзгартириб юборади. шундан кейинги эр аввалгисидан ибрат олиб ёмонликларни тарк этади ва на Аллоҳ дунё ҳаётининг алдамчилигини билдирганда, ундан ўғит олади. Бу дунё ҳаётига ошиқ бўлган киши муроди ҳосил бўлганда ўзини музаффар ҳисоблайди, охират ҳаётини унутади, ўткинчи ҳаётга мағрурланиб, алданади. Бутун фикри ёди дунё билан банд бўлади. Кейин шундай бир пайт келадики, оёғи тояди, пушаймонлиги катталашади, ҳасрати кўпаяди, ўлим сархушлиги, алами ва қўлидан кетган нарсаларнинг ғамгин-ҳасрати уни сиқади. Нима истаётганини ўзи ҳам билмайди. Дунёга рағбат қилган одам хафалик ва машаққатлардан асло қутулолмайди. Бу ҳаёт билан оч одамдай видолашади, чунки охират сафарига чиққанда у ерга ҳозирликсиз кетаётганини кўради. Сақлан бу дунёнинг алдоқчи ҳаётдан, эй мўминларнинг халифаси! Ёлғончи дунё ҳаётида яшаётган ҳолда унга энг кўп чап берувчилардан бўл. Зеро, аксар ҳолларда ким бир неъматга эришса, у неъмат уни оқибат ёмонликка бошлайди. Дунёда зарарли нарсалар ҳам, фойдали нарсалар ҳам охири ёвузлик қилади. Мўллик кенглик кишининг бошини балога тикади. Зотан ҳар нарса (охири) йўқ бўлади, севинчларда яширин бир ҳазинлик бор. Чунки қўлдан кетган неъматлар қайта қўлга кирмайди, шу нуқтаи назардан қўлдалигида севинчга сабаб бўлган нарсалар қўлдан кетганда юракни орзиктирадиган ҳазинлик беради. Келажак кишига нималар олиб келишини билиб бўлмайди!.. Дунё ҳаётидаги орзулар ёлғондан иборатдир, орзу-ҳаваслар беҳуда ва ботилдир. Улар сафо саналади, аслида эса бахтсизликдир, тирикчилик фақат ранжу аламдир. Агар одамзод ақлини ишлатиб атрофга назар солса, таҳликалар қаршисида турганини кўради. Инсон дунё ҳаётининг неъматлари туфайли таҳликада, балолари туфайли қўрқувдадир. Аллоҳ ҳавойи нафсга берилиб яшалган ҳаётнинг ёмонлигини хабар қилмаган бўлса ҳам, бу дунё уйқучиларни уйқудан, ғофилларни ғофлатдан уйғотишга кифоя қиларди. Ҳолбуки, Аллоҳ ҳавойи нафсининг орзуларига берилиб яшашнинг ёмонлиги тўғрисида хабар берган ва бундай яшашни тақиқлагандир. Бундай ҳаётнинг Аллоҳ наздида тирноқча ҳам қиймати йўқ, дунё яратилибдики, Раббимиз бундай ҳаётга қиё боққан ҳам эмас. Дунё қулф-калитлари ва хазиналари билан бирга бенуқсон ҳолда Пайғамбаримиз Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.) га ҳадя этилди, лекин у бу неъматларни қабул қилишдан ўзини олиб қочди. Аллоҳнинг амрларига қаршилиқ қилмаслик, унинг севмаганини севмаслик, тубан қилганларини юксалтмаслик Пайғамбаримиз (с.а.в.) учун шон-шараф иши эди. Аллоҳ имтиҳон учун солиҳ бандаларини баъзи неъматлардан маҳрум этди, иймонсизларнинг и .да кўпроқ йўлдан озишлари учун уларга мўл неъматлар берди. Бунга алданган мағрурлар ўзларини шарафли инсонлар деб билдилар, шунинг учун ҳам Аллоҳ уларга шундай неъматлар берган, деб ҳисобладилар. Бундай кишилар билмасларки, оламда яратилган зотларнинг энг хайрлиси Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.) оч қолган пайтларида қоринларига тош боғлаб юрган эдилар ва бу ҳам Аллоҳнинг тақдири билан бўлганди. Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Раббимиздан бизга ривоят қилишича, Аллоҳ Ҳз. Мусога шундай буюрган:

— Эй Мусо, ўз ўрнида ишлатилмаган бойликни кўрганингда: «Бу - жазоси тез келадиган гуноҳ!» - де. Аллоҳнинг тақдирига рози бўлган ва исён йўлларида кирмаган фақирликни кўрганингда: «Марҳабо, эй Аллоҳ дўстларининг шиори!» - де.

Эй мўминларнинг халифаси, хоҳласанг, сен бу борада Марям ўғли Исога эргаш. У шундай дерди:

— Дориворим очликдир, шиорим Аллоҳдан қўрқувдир, либосим гўзал ахлоқдир, уловим оёқларимдир, ейдиган таомим ва мевам ер юзи ўстириб етказиб берган нарсалардир, оқшом ётаман ҳеч нарсам йўқ, тонгда тураман ҳеч нарсам йўқ, ер юзида ҳеч кимса мендан бойроқ эмас.

Ваҳоб ибн Мунаббих:

Аллоҳ Ҳз. Мусо билан унинг укаси Ҳорунни Фиръавннинг олдида юборган пайтда ваҳий йўли билан шуларни тайинлаган эди:

- Фиръавннинг ҳашаматли либослари сизларни хайратга солмасин. У эришган дунёликларга

кўнглингиз суст кетмасин. Чунки насиеси (пешанаси)даги — менинг қудрат қўлимдадир. Менинг изним бўлмаса гаплашолмайди, кўзини очиб юмолмайди (киприк қоқолмайди), нафас ололмайди. У сураётган тантанали ҳаёт сизни таҳликага солмасин. У ҳаёт вақтинчалик, кўз-кўз қилиш учун ёйиб қўйилган кўрғазмадан иборат, ўткинчи вақтихушлиқдан иборат. Агар мен хоҳласам сизни шундай бир зебу-зийнатларга кўмиб ташлардимки, Фиръавн кўрғанда, бундай қилишдан ожизлигини англари. Лекин мен сизни бундай нарсалардан узоқлаштираман, сизни имтиҳон қиламан. Шафқатли чўпон қўйларини захарли ўтлар ўсган жойларда ўтлатишдан эҳтиёт қилгани каби, мен ҳам дўст бандаларимни алдоқчи дунё ҳаёти неъматларидан эҳтиёт қиламан, уларни бундай алдамчи неъматлардан маҳрум этаман. Буларнинг бари нафсининг ҳавойи орзуларига берилиб яшаш менга тубан кўрингани учундир. Менинг оилали бандаларим камолда энг юқори чўққига кўтарилиш учун мендан кўрқадилар, одоблидирлар, тақво соҳибидирлар. Тақво қалбларида унади, тақволи бўлганлари ҳаракатларидан билинади. Тақво уларнинг кийимлари, устларида кўриниб турган либосдир.

Уларнинг қалблари тақводан иборатдир, шу билан шуурландилар, шу билан саодатга эришадилар. Шунга эришмоқ уларнинг бирдан-бир амалларидир. Тақво улар учун буюк шарафдир, у билан ифтихор қиладилар, таниладилар. Шундай сифатли бандаларимга дуч келган пайтларингизда улар билан ҳалим-юмшоқ муомалада бўлинг. Қалбингиздан ҳам, тилингиздан ҳам улар учун камтарин сўзлар излаб топинг. Уларга нисбатан дабдабали бўлманг. Билингизки, ким менинг юқоридаги хислатларга эга бўлган авлиё бандаларимга қаттиқ муомала қилса, у кимса менга қарши чиққан Ҳз. Али бир гал ўқиган бир хутбасида шуларни айтган эди - Эй инсонлар, билиб қўйингки, сиз муқаррар ўласиз ва ўлгандан кейин, албатта, тирилтирилиб амалларингиз билан юзма-юз келтириласиз ва ҳисобини берасиз. Агар эзгу амалларингиз кўпроқ бўлса, мукофотланасиз, ёмон амалларингиз кўпроқ бўлса жазоланасиз. Ўткинчи дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин, чунки дунё ҳаёти ҳар хил балолар билан нақшланган, охири фоний, ғаддордир. Дунёда мавжуд бўлган ҳар нарса ҳам фонийдир. Дунё ҳаёти дунёда яшовчилар орасига кўрқув солади, бир ҳолда давом этмайди, ёмонликлардан қутула олмайсиз. Ер юзида яшовчиларга дақиқа сайин балолар ёғдира олади. Дунё ер юзида яшовчиларни гоҳ севинчга ғарқ этади, гоҳ балоларга кўмади. Қисқаси, турфа ҳоллар!.. Замон тўхтовсиз ўтаверади, завқу сафога чўмиб, кайфиятга берилиб яшаш чиркин бир нарсадир. Севинчли ва нашъали онлар узоқдавом этмайди. Дунё кишилари нишонга ўхшаган бир нарса, дунё ҳаёти уларни ўлдиради ва олиб кетади. Ҳар жонли зотнинг ўлиши муқаррардир, ҳар жонли зот ўлим шарбатини тотажақдир. Эй Аллоҳнинг бандалари, бу дунёда сиздан олдин ҳам инсонлар бор эди. Улар сиздан узунроқ умр кўрар, сиздан кучлироқ, сиздан дуркунроқ эдилар, Масканларини сизникидан муҳташамроқ қилгандилар, буюк иншоотлар барпо этгандилар. Лекин бу узоқ умрдан фойда чиқмади, шундай кун келдики, улардан ном нишон қолмади, овозлари маҳв бўлиб кетди. Вужудлари чириди, йўқ бўлди. Қурган бинолари хароб бўлди. Баланд-баланд, ҳашаматли ва бақувват кўринган кўшқу қасрлар қабрга айланди. Кўшқлардаги юмшоқ ёстиқлар ўрнига энди қабрда қаттиқ тошларни ёстиқ қилиб ётибдилар. Кўшқлардан қабрга, юмшоқ ёстиқлардан қаттиқ тошларга ўтдилар!.. Уларнинг масканлари (қабрлар) узоқда эмас, лекин энди бу масканларнинг аҳолиси ғарибу бенаводирлар. Ёнларидаги дунё қуриш билан машғул бўлганларга яқин келолмайдилар. Энди қаср қуришда уларга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Уйлари яқин бўлишига қарамай, яқинларини ва қўшниларини зиёрат қилишга келмайдилар. Қандай келсинларки, уларнинг ҳам бағирлари эриди, вужудларини тошу тупроқлар еди. Илгариги бақувват инсонлар кейин ўзларини ўлик ҳолда топдилар, авваллари покиза, терга ботиб юрган вужудлар энди чириб, парча-парча бўлди. Дўстларини ва яқинларини маъюс ҳолда қолдирдилар, ер остига шимилдилар, кўчдилар, кетдилар, ортиқ улар учун қайтиш йўқ. Оҳ, қанчалар узоқлашдилар! Олдларида уларни тирилтириб, тикка турғизадиган кунгача тўсиқ (олис масофа) бор». Эй инсонлар, улар охир оқибатда нимага дучор бўлган эсалар, сиз ҳам, ҳеч шубҳасиз, ўшанга юзма-юз

бўлажаксиз. Қабрга ёлғиз ҳолда кирасиз, амалларингизга омонат бўлиб қоласиз. Қабр сизни ҳам ичига олади. «Қабрлар ичидан кавлаб чиқарилганингизда, кўкракларингизда бор нарсалар ҳам бир тўп бўлиб, ўртага чиқишган пайтда», ҳақиқатларни яланғоч ҳолда кўрган ва Аллоҳ ҳузурида тикка турғизилган чоғингизда ҳолингиз пима кечади! Ана ўша вақгда қилган гуноҳларингиз туфайли, қалбларингиз кўрқувдан сапчийди. Пардалар кўтарилади, айбларингиз, сирларингиз очилади. «Бу ерда ҳар нафс қилган яхши ишлариичнг мукофотинг, ёмон ишларининг жазосини олажак...» Ак.оҳ билдирадики:

— Осмонлардаги ва Ердаги бор нарсалар ёлғиз Аллоҳникидир. У зотнинг Ўзи ёмонлик гуноҳ қилиб ўтган кимсаларни қилган амалларн билан жазолагай ва чиройли амал қилган зотларни гўзал (савоб жаннат) билан мукофотлагай! (Ван-Нажм сураси, 31-оят.)

- (Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлгай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб битиб қўйибди», дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозир у нозир ҳолда топулар.

Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас (Каҳф сураси, 49-оят.) Аллоҳ сизу бизни Қуръон китобига биноан амал қилувчилардан ва дўстларининг йўлида кетувчилардан айласин.

Фазлу карами билан сизу бизни жаннатига қўйсин. Ҳамду санога лойиқ зот фақат Аллоҳдир, ҳар қандай шону шараф ёлғиз унга оиддир.

Ҳикмат аҳлидан бири:

— Кунлар ўқ, инсонлар эса нишондир. Эй инсон, замон ҳар кун сени ўқлари билан ўқлаётир ва бутун вужудингни ҳар бир ҳужайрасигача илма-тешиқ қилиб, кечаю-кундуз илгакли игнаси билан тўрлаётир. Кундузлар ҳам, кечалар ҳам бир зумдай ўтиб кетади. Бу аҳволда сенинг вужудинг қандай қилиб соғ-саломат сақланиб қолсин? Агар кунларнинг сенга етказаетган нуқсонликлари кўз ўнгингда кўргазма қилиб ёйиб қўйилган бўлсайди, ҳеч шубҳасиз, келиб кетган у кунлардан ўтаканг ёрилар, сўнг зир югуриб кетардинг, тез келиб-кетган соатларинг нималарга сарфланганини кўриб жирканардинг. Лекин Аллоҳнинг тадбири тадбирларнинг аълосидир. Дунё ташвишларидан узоқбўлганда ҳаёт тотли кўринади, албатта, лекин аслида сен завқ деб ўйлаган нарсалар кимёгарнинг ханталдан (горчицадан) олган аччиғидан ҳам аччиқдир. Ҳавойи нафсга берилиб яшалган дунё ҳаётининг иснодлари шу қадар кўпдирки, буни тушунтирмоқчи бўлганлар гапира-гапира чарчайдилар. Аллоҳим, Ўзинг бизни тўғри йўлга сол!

Бир аҳли ҳикматдан дунё ҳаётини тавсифлашни сўрашганда, шу жавобни берган эди:

— Дунё ҳаёти сен ичида бўлган ОНдан иборатдир. Чунки, ўтган ўтмиш бўлиб қолади, ортиқ ҳеч нарсалик бўлолмайсан. Келажакнинг эса қандай бўлишини билмайсан. Вақт шундай нарсаки, тун кундузнинг ўлиmidан хабар беради.

Туннинг бошланиши куннинг завол топганини билдирувчи бир ишоратдир. Тинимсиз келибкетган ҳодисалар инсонларни ўзгартиради, эскитади, қаритади. Вақтнинг вазифаси жамоаларни сочиб ташламоқ, сараламоқ ва неъматларни йўқотмоқдан иборатдир. Орзу-ҳаваслар чексиз, умр қисқа, ҳар нимарса эса ёлғиз Аллоҳга қайтади.

Амавий халифаларидан Умар ибн Абдулазиз бир хитобиди шуларни айтганди:

- Эй сизлар, бу дунёда абадий яшамоқ учун яратилмадингиз. Эй Аллоҳнинг бандалари, сиз шундай бир дунёдасизки, у ерда сиз учун еганларингизда ҳам, ичганларингизда ҳам қувончу ҳаловат йўқ. Бир томондан қўлга киритган неъматларингиз туфайли севинсангиз, иккинчи томондан қўлдан чиқарган нарсаларингиз учун маъюсланасиз. Қаерга кетаётганингизни, қаерда абадий қолишингизни билингда, ўша ҳаёт учун ҳаракат қилинг.

Қўйидаги гапларни бир хутбасида Ҳз. Али айтган эди: — Эй инсонлар, қанчадан-қанча кишилар борки, бир неча кунлик умрлари қолганини билмайдилар, лекин улар ҳамон очкўзлик билан дунёлик пайида бўладилар. Дунёда кўрган зарарларингиз туфайли йиғлаб сиқгаманг, чункп улар келаверади, кетзваради қўлга киритган неъматларингиз туфайли жуда хурсанд

бўлиб ҳам кетманг, чунки вақги-соати келгач у неъматлар йўқолади. Мен очкўзлик билан дунёлик пайида ҳовлиқиб юрган кимсаларни кўрсам ҳайратланаман, чунки ўлим унинг кетида юриодику, нега у бунчалик ғофил, дейман. Ҳолбуки, ўлим ундан ғофил эмас.

Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Али:

— Аллоҳнинг наздида ҳавоии нафсга берилиб яшалган ҳаётнинг ҳеч қандай қиймати йўқдир. У ўз дўстларининг бундай ҳаёт суришларига асло рози бўлмайди. Бундай яшаш Аллоҳнинг назарида бениҳоя тубан ва бениҳоя хорликдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай яшашдан астойдил қочганлар, саҳобаларни ҳам бундан эҳтиёт бўлишга даъват этганлар.

Шундай қилиб, дунё ҳаётининг бундай қийматсиз эканлигини англаган илгариги олим, ориф, фозил ва адиб кишилар тежамли ҳаёт кечирдилар, эҳтиёжлари даражаси билан қаноатланиб, борликдарининг аксариятини Аллоҳ йўлида сарф этдилар. Устларини бекитадиган даражада кийиндилар, очликларини қондирадиган даражада овқатланиш билан кифояландилар. Дунёга фоний кўзи билан, охиратга боқий кўзи билан қарадилар. Бу дунёларидан кўпроқ охиратларини ясатдилар, охиратларини обод қилдилар. Охиратни қалб кўзи билан ҳам, юздаги кўзлари билан ҳам кўражакларини англаб етдилар. Келажакда қалблари билан ҳам охиратга кўчажакларини билганлари учун ҳозирдан қалбан у ерга кўчдилар. Бу дунёда қисқа бир вақт заҳмат чекдилар, лекин охиратда улар абадиян неъматларга мазҳар бўлажаклар буларнинг бари Аллоҳи Каримнинг тавфиқи биландир. Аллоҳнинг севганини севдилар, севмаганини севмадилар.

## ҚАНОАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Азиз биродарим, билиб қўйки, қонуний йўлда зўр бериб ишлагани ҳолида яна фақирона яшаётган кимса қаноатли бўлиши, тамагир бўлмаслиги, кўзи бошқаларнинг мол-мулкида бўлмаслиги ва ғайриқонуний фойда топиш йўлларида бош уриб кетмаслиги ҳам керак. Одам бундай сифатларга фақат ейишда, кийишда ва маскан борасида қаноатли бўлиши, дабдаба кетидан қувмаслик ва ортиқча ҳою-ҳаваслардан қочиш орқали эга бўлиши мумкин. Агар киши кўпроқ бойликка эга бўлгиси келса ёки орзу-ҳавасларга берилса, қаноатли бўлолмайди ва шубҳасиз, очкўзлик ва ҳирс номли ёмон атворлар билан пок номига доғ туширади. Ҳирс ва очкўзлик кишини ёмон ахлоқ сари, ғайримашруъ ва ҳаром фойда йўлларида бошлайди. Зотан, одамзоднинг табиати ҳирс, очкўзлик ва қаноатсизликка мойилдир.

Абу Воҳид Лайсий ҳикоя қилади:

— Расулulloҳга бир нимарса ваҳий қилинган вақтда биз унинг ҳузурига борардик, бизга Ул Зот (с.а.в.) янги ваҳий бўлганларни ўргатарди. Бир кун яна бордик, Аллоҳ Расули марҳамат қилдилар:

Аллоҳ айтдики:

— Биз бандаларга мол-мулк бердик намоз ўқиб, рўза тутиш учун!.. Агар одамзоднинг БИР ЖАР ОЛТИНИ бўлса, ёнида иккинчиси бўлишини истайди. Агар икки жар бўлса, уларнинг ёнида учинчиси бўлишини истайди... Одамзоднинг кўзини фақат тупроқ тўйдира олади. Аллоҳ ёмон феълларидан юз ўгирганларнинг тавбасини қабул этади.

Икки ҳарис асло тўймайди.

1. Илмга ҳирс қўйганлар.

2. Мол-мулк, бойликка ҳирс қўйганлар.

— Одамзод қарийди, лекин унда икки нарса ёшариб боради:

1. Орзу-ҳаваслар.

2. Мол-бойлик иштиёқи. Одамзоднинг табиатида фалокатга судровчи ҳирс ва мол иштиёқи бўлгани учун Аллоҳ ва Расули (с.а.в.) қаноатни ва қаноатли бўлганларни мадҳ этди. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Ислонликка мушарраф бўлган, унинг ахлоқ асосларига эргашган, ҳалол топганига қаноат



қилган ва ҚАНОАТЛИ бўлган кимсалар нақадар бахтиёрдирлар!

- Қиёмат куни бўлганда бой, камбағал - ҳеч бир кимса йўқки: «Кошки дунёда фақатгина эҳтиёжга яраша берилганига эга бўлсайдим», - дея зорланмаган бўлсин.

— Бойлик дегани мол-мулкнинг кўплиги дегани эмас, бойлик дегани кўнгилнинг бойлиги деганидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ортиқча ҳирсдан ва ортиқча фойда пайида югуришдан қайтариб, шундай буюрдилар:

— Эй инсонлар, ризқ талабида ҳарис бўлманг, Зеро, бирон кимса йўқки, унинг насибаси айириб қўйилмаган бўлсин, Бандаси дунёдан насибасини олмасдан бурун ўлмайди. Дунё алдоқчидир.

Ҳз. Мусо Раббидан сўради:

- Қайси бандаларинг энг бой ҳисобланади? Рабби айтди:

- Энг кўп қаноатли бўлганлар!..

Мусо сўради:

— Қайси бандаларинг энг кўп адолатли ҳисобланади?

Рабби буюрди:

- Ўзига энг кўп инсофли бўлганлар!..

Ибн Масъуд ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

- Қудсий Рух (Жаброил) менинг руҳимга маълум қилишича, киши дунёда насибаси бўлган ризқини тугатмасдан бурун ўлмайди. Аллоҳдан қўрқинг ва ризқ пайида ҳирсга берилиб юрманг.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) менга дедиларки:

— Эй Абу Ҳурайра, қаттиқ очиққан пайтингда сен учун ҳалолдан бўлган бир лочира ила бир бордоқ сув кифоя қилади!.. Машруъ бўлмаган дунёлик топишда фалокат бордир.

Яна Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) менга дедиларки:

— ТАҚВО соҳиби бўл, инсонлар орасида энг кўп ибрат қилган сен бўласан. ҚАНОАТЛИ бўл, инсонлар орасида энг кўп шуқур қилгани сен бўласан. Ўзингга истаган, ўзинг севган ҳар нарсани бошқаларга ҳам иста, МЎМИН бўласан.

Абу Айюб Ансорий ривоят қилган бир ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) очкўзликни ман этадилар: Абу Айюб ҳикоя қилади:

— Бир аъробий келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, - деди, - менга лўнда бир ваъз қил!» Расул буюрдилар: «Намозингни хушў билан ва бажонидил адо эт, эрта-бириси кун сени узр тилашга мажбур қиладиган сўзлардан тийил, инсонларнинг қўлларидаги молларига кўз тикма (очкўзлик қилма).

Авф ибн Молик ривоят қилади:

—Биз Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурида тўққизми, саккизми ва ё етти нафарми киши эдик. Расули акрам (с.а.в.): «Аллоҳнинг Расулига байъат (қасамёд) қиласизми?» - дедилар. Биз: «Сизга байъат қилмаганмидик, эй Аллоҳнинг Расули?» - дедик. Расул (с.а.в.) яна: «Аллоҳнинг Расулига байъат қиласизми?» - дедилар. Шунда биз ҳам қўлларимизни узатдик ва байъат қилдик. Орамиздагилардан бири: «Биз сизга байъат қилгандик, бу байъат нечун?» - деб сўради. Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) дедиларки:

—Фақат Аллоҳга ибодат қилишингиз, унга ҳеч бир нарсани ва ҳеч кимни шерик қилмаслигингиз, намозни беш вақт ўқишингиз, Аллоҳнинг китоби - Қуръонни тинглашингиз ва унинг асосларига итоат қилишингиз учун! Инсонлардан бир нарса истамаслигингиз учун! (Ўша куни у ерда бўлганлардан баъзилари Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бу сўзидан кейин ҳатто қўлларидан қамчи ерга тушиб кетса ҳам, уни олиб беришни бировдан илтимос қилмайдиган бўлишганди).

Ҳз. Умар дейдики:

- Очкўзлик — камбағаллик, қаноат — бойликдир. Кимнингки кўзи одамларнинг мол-мулкида бўлмаса, уларга муҳтож бўлмагай.

Бир ҳикмат аҳлидан сўрадилар:

- Бойлик нима?

Жавоб берди:

- Ҳарис бўлмаслик ва эҳтиёж миқдорига рози бўлмоқликдир.

Мавзу билан алоқадор баъзи сатрлар:

*Завқу сафо ўтар-кетар,*

*Буюкка ҳам завол етар.*

*Қаноат қил - бўларсан шод,*

*Нафсни тийсанг - руҳинг озод.*

*Олтин, ёқут ҳамда инжу –*

*Не-не ўлим сабаби шу.*

Муҳаммад ибн Восеъ (ўрта аср зуҳд оқими вакилларида.) қотган нонни сувга ботириб ер ва шундай деб қўярди:

— Бундай ҳалол фойда билан қаноатланган кимса ҳеч кимга муҳтож бўлмайди.

Суфён Саврий эса шундай дейди:

- Дунёда энг яхши нарса сиз мубтало бўлмаган нарсадир. Сиз мубтало бўлган нарсаларнинг энг яхшиси қўлдан бой берган нарсаларингиздир (Бировга бир нарса бериш ва ёрдамлашиш мубталолиги).

Ибн Масъуд ҳикоя қилади:

— Эй одамзод, сенга кифоя қиладиган нарсанинг миқдори озгина бўлсада, ғашликка ва гуноҳкорликка сабаб бўладиган кўп нарсадан яхшироқдир.

Бир ривоятда Аллоҳнинг шундай дегани ҳужжатлаб қўйилган:

— Эй одамзод, агар дунё тамомила сеники бўлганда ҳам, ундан фақатгина ейишинг мумкин бўлгани сеникидир.

Бир ҳикмат аҳлидан сўрадилар:

— Ақлли кимса учун энг қувонарли нарса нима, ҳазинликни энг кўп бартараф қила оладиган нарсачи? (Ғамгинликдан энг кўп нима қутқаради?)

Жавоб берди:

— Ақлли киши учун энг қувонарли нарса ўлмасдан олдин қилган гўзал амалларидир. Ғамгинликдан энг кўп қутқарадиган нарса эса Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлмоқликдир.

Ҳикмат аҳлидан яна бири шуларни айтади:

— Инсонларнинг энг ғамгини ҲАСАДЧИЛАР, энг қобили ҚАНОАТЛИЛАР, энг кўп озор кўрувчилари ҲАРИСЛАР ва ОЧКЎЗЛАР, тирикчиликдан қийналмайдиганлари ҲАВОЙИ НАФСНИН ЧЕКЛАГАНЛАР ва ДУНЁГА ТОПИНМАГАНЛАР, энг кўп афсусланувчилари ГУНОҲҚОР ОЛИМЛАРдир.

Бу мавзу билан алоқадор мисралар:

*Насиба тақсимлаб берувчи — Аллоҳ,*

*Аллоҳга суюнган топгуси фараҳ.*

*Кимки соф номига юқтирмаса гард,*

*Таъна қила олмас унга ҳеч номард.*

*Агар қаноатли бўлсанг ҳар қачон,*

*Бера олмас сенга ҳеч нарса зиён.*

Ҳз. Умар айтади:

— Сизларга Аллоҳнинг молидан ўзимга нималарни ҳалол деб билишимни айтайми? Ёзлик ва қишлик икки кийимбошимни, ҳаж ва умрага боришим учун бир устлик кўйлагимни; қурайшлик оддий бир одамнинг ейдиган таомидан фарқсиз таомимни (ва бу таомим

уларниқидан кўп ҳам эмас, оз ҳам). Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, булар ҳам мен учун қанчалик ҳаром ё ҳалоллигини билмайман.

Бир аъробий акасини ҳарислиги учун озорлаб шундай дейди:

—Эй ака, сен ҳам покланасан, ҳам кирланасан (ўзингга ўзинг бало орттирасан), Йўқотмаган нарсанг сени поклайди. Сен эса кифоят миқдори қўлингга бўла туриб, яна уни орттирасан. Йўқотган нарсанг сенга билдирилган. Сен ўзинг ичида сузиб юрган нарсалардан узоқлаштирилгансан (яъни барибир улар ўзингга насиб қилмайди). Эй ака, сен худди ҳарис кишининг маҳрумиятини, қаноатли кишининг ризқлантирилишини (ризқи баланд бўлишини) кўрмаган одамга ўхшайсан.

*Кўряпман; бойидинг, ҳирсинг ортди, лек*

*Гўё бу дунёда ўлмайдигандек.*

*Бойликнинг чеки бор, «бер» деб қистама!*

*«Шунчаси бас, - дею, ортиқ истама».*

Шобий (тобеин аслзодалардан, Амир-аш-Шобий ҳадисда нисбат бериш ҳақида биринчи бўлиб тадқиқот олиб борган олимлардан. Асли Ҳамадонликдир. Ўлими ҳижрий 103 йил (ёки 100 йил) 70 ёшларида вафот этган.) шундай бир тамсилий ҳикоя сўйлаган эди: Кунлардан бир кун бир киши тўрғай овлайди. Қуш тилга кириб, овчига: «Мендан нима истайсан?» - деб сўрайди. Овчи: «Сени сўйиб, гўштингни ейман!» — дейди. Қуш эса дейди-ки: «Менинг гўштим мазали эмас ҳамда тўйдирадиган даражада эмас. Сенга уч нарса ўргатай, булар сен учун мени ейишдан кўра яхшироқ ва фойдалироқдир. Лекин биринчисини қўлингдалигимда айтаман, иккинчисини қўлингдан чиқиб дарахтга қўнганда, учинчисини эса, учиб шу рўпарангдаги тепага чиққанда айтаман. Овчи шартни қабул қилади: «Яхши, қани айтчи, биринчиси нима?» - деб сўрайди. Қуш: «Қўлингдан кетган ҳеч бир нарсага афсусланма!» -дейди. Овчи қушни қўйиб юборади. Қуш учиб бориб дарахтга қўнганда: «Иккинчиси нима?» - деб сўрайди. Қуш: «Бўлмайдиган нарсани бўлади деб хаёл қилма!» - дейди. Сўнгра узоқдаги тепага учиб боради ва ўша ердан шундай садо беради:

— Эй зўравон! Агар мени сўйганингда қорнимдан ҳар бири тўрт мисқол келадиган иккита инжу чиқарди!

Овчи бу гапни эшитганда лабларини чимиради ва афсусланади. Қушга: «Учинчисини айтмадинг-ку?! — деганда, шу жавобни олади:

— Сен олдин айтган икки гапимни унутдинг, қандай қилиб учинчисини айтмай?.. Мен сенга: «Қўлингдан кетган ҳеч бир нарсага афсусланма!» - дегандим, афсусландинг. «Бўлмайдиган нарсани бўлади деб хаёл қилма!» дегандим, хаёл қилдинг. Мен гўштим, қоним ва патларим билан бирга тўрт мисқол қелмайман. Қорнимда тўрт мисқоллик икки инжу бўлаги қаердан бўлсин?

Қуш шуларни айтгандан кейин учиб, кўздан ғойиб бўлиб кетади.

Бу одамзоднинг ифтордаги очкўзлигига ўхшаш бир мисолдир ва у ҳақиқатни баён этади, у ҳам бўлса ушбудир:

— Очкўзлик одамзодни деярли кўр қилиб қўяди. Оддий ҳақиқатни ҳам англай олмайди ва бўлмайдиган нарсаларни бўлади, деб хаёл қилади. Ибн Саммоқ:

-Орзу-ҳавас - қалбада бир ипдир, бир учи оёғингга боғланган. Қалбингдан орзу-ҳавасни чиқаргин, оёғингдаги боғ ечилсин.

Абу Муҳаммад Язидий (Ҳорун ар-Рашид давридаги тарихчилардан):

-Бир кун Ҳорун ар-Рашиднинг (Аббосий халифаларидан энг машҳури, 149/766 йилда туғилган ва 193/809 йилда вафот этган. 20 ёшида тахтга ўтирган, 29 йил ҳукмронлик қилган) ҳузурига боргандим. Қўлида устига заррин ёзувлар ёзилган бир варақ бор эди. Ва у бунга боққанча ўтирарди. Мени кўрганда кулимсиди. Мен: «Эй Аллоҳ умр бергур мўминлар амири, бу нима, фойдали нарсами?» - дедим. «Ҳа, - деди у, - манави икки байтни Амавийлардан бирининг косасида ўқиб қолдим, кўнглимга ўтиришди. Мен ҳам уларга бир байт қўшдим»:

*Муродинга етмасингдан ёпилса у ён эшик,  
Кечгил ундан, албат сенга очилур бу ён эшик.  
Зеро сенга кифоядир бир қоринни тўлдирмоқ,  
Ва қалбингда феълларингдан ёмонини ўлдирмоқ.  
Виқорингни йўқотма ҳеч, нафс-ҳавони айла кул,  
Келгусида азоблардан халос бўлгайсан буткул.*

Абдуллоҳ ибн Салам (саҳобалардан, Каъб ибн Ахбор замонида (6-изоҳга қаранг) яшаган), Каъб Ахбордан сўрайди:

-Олимлар илм ўрганиб, қалбга жойлаганларидан кейин уларнинг қалбидан илмни сидириб ташлайдиган нарса борми?

Каъб жавоб беради:

— Бор. Булар: очкўзлик, ҳирс ва дунё ташвишлари.

Бир киши Фузайл ибн Иъёздан: «Каъбнинг бу сўзини

Қандай тушуниш мумкин?» - деб сўрайди. Фузайл шундай жавоб беради:

—Одам бир нарсага очкўзлик қилганда, уни қўлга киритишга тутинади, дини ёддан кўтарилади. Нафси унга ё бунга ҳарис бўлади, ҳавасини келтирган ҳар нарсани олгиси келаверади. Шу тариқа бир қатор кишиларга иши тушади. Улар ҳам, бунинг эҳтиёжини қондиргандан кейин, энди унинг бурнига ҳалқа ўтказиб оладилар ва хоҳлаган ишларини қилдирадилар, хоҳлаган ерларига олиб борадилар, ўзлари учун итдай ишлатадилар. У ҳам уларга илиқ муомалада бўлишга мажбур бўлади. Дунёлик манфаат юзасидан дўстлашган бу кишилар билан учрашганда таъзим қилади, хасталансалар кўргани боради, зиёфатларига қатнашади. Буларнинг барини Аллоҳ ризоси учун эмас, ёлғиз дунёвий манфаат учун қилади. Бу аҳволда уларга иши тушмаганда, ўзи учун яхшироқ бўлмасмиди?

## АЛЛОҲДАН БОШҚАСИГА ДЎСТ БЎЛИШ ВА МАҲШАР

Аллоҳ буюради:

— **Зулм йўлини тутган кимсаларга БЕРИЛИБ КЕТМАНГЛАР. Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас. Ҳуд сураси, 113-оят.**

Баъзи тафсирчилар дерларки:

- Лисон олимлари, оятдаги «БЕРИЛИБ КЕТМАНГЛАР»нинг мутлақ эканлиги тўғрисида ҳамфикрдирлар. Яъни, «Озми-кўпми зулм қилганларга яқинлик қилманг!» маъносини билдиради, дейдилар.

Абдураҳмон ибн Зайд (ўрта аср ислом фақиҳи ва тафсирчиси), оятдаги «БЕРИЛИБ КЕТМАНГЛАР»нинг «МАДДОҲЛИК, ҲАМДУ САНО УҚИШ ВА ХУШОМАДГУЙЛИК» маъноларида келишини қайд этади. Хушомадгўй киши ҳақсизлик қилаётган ва зулм ўтказаётган одамнинг юзига унинг ҳақсизликлари ва зулмлари тўғрисида очиқ гапиролмайди.

Оятнинг зоҳирий маъноси бутпарастларга ва мусулмон бўла туриб ёмонлик қилувчи ва золим бўлганларга эргашишдан сақланишни билдиради.

Нисобўрий (Нишопурий) (ўрта аср ислом фақиҳи ва тафсирчиси) ўз тафсирида шундай дейди: - Олимларимиз «Зулм аралашган идора усулига рози бўлиш ёхуд золимларнинг ижрочилик фаолиятини яхши кўрсатиш, уни бошқалар олдида мадҳ этиш, ичига зулм қўшилган ҳар қандай феъл-атворни маъқуллаш — золимларга эргашиш»дир, деб айтадилар ва бундай қилиш Аллоҳ томонидан тақиқланган, деб қўшимча қиладилар. Лекин келаётган зарарнинг олдини олиш ва ё тезлик билан бирор фойда келтириш юзасидан улар билан бирга иш битириш «берилиб кетиш», «эргашиш»га кирмайди, дейдилар. Мен (Нисобўрий) дейманки: «Бу идораи маслаҳат ва кенглик жиҳатидандир. Ҳолбуки, тақвонинг талаби ҳар қандай тарзда бўлса-да, «золимларга эргашмаслик ва яқинлик кўрсатмасликдир», Бандасига Аллоҳнинг ўзи

кифоя қилмайди-мики, яна у «идораи маслаҳат» қабилида золимлар билан биргаликда кўринса!»

Мен (Фаззолий) дейманки:

- Нисобўрий тўғри айтган, золимларга эргашишнинг ҳар турли йўлини беркитиш яхшироқдир.

Табиатида бир оз золимлик бўлган кимсага озгина майл қўйиш кишини жаҳаннамга олиб боради, хўш, ундай бўлса, зулм ва ёвлик гирдобида сузувчиларга ортиқча майл қўйиб, улар билан бирга бўлишга нафси ҳакалак отиб турган, хизматларини қилган, золимларнинг энг ярамаси билан улфатчилик этган, улар билан бирга кайфу сафо сурган, уларнинг ўткинчи салтанатларига ва қўл остидаги неъматларига - неъматларки, ўткинчи бўлгани учун ҳақиқатда бир буғдой донасидан ҳам қиймати паст, бир хира пашша қанотидан ҳам вазни енгил - суқланиб боққан кимсанинг холи қандай бўларкин?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

-Кишининг табиати дўстининг табиатига ўхшаши керак. Сизлар ҳар бирингиз кимлар билан ва қандай табиатли инсонлар ила дўст эканингизга диққат қилинг.

Дерларки:

-Солиҳ ва яхши ўртоқ ўзидан мушки анбар таратаётганга ўхшайди. Сенга бермаса ҳам ҳидидан фойдаланасан. Ёмон дўст эса ўзидан аччиқ тутун таратаётган қўруққа (олов ёниши учун дам берувчи, пуфловчи) ўхшайди, ундан чиқаётган ҳарорат сенга жуда ёқмаганда ҳам, ҳар қалай тутуни билан беҳузур қилади.

Аллоҳ буюрадики:

**-Аллоҳдан ўзга «дўстлар»га суюнган кимсаларнинг аҳволи ўзига ин қуриб олган ўргимчакнинг аҳволига ўхшайди. Уйларнинг энг нимжони, шубҳасизки, ўргимчак уясидир. Кошки улар тушунсалар.** *Анкабут сураси, 41-оят.*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки:

- Кимки бой одамга бойлиги учун таъзим қилса, динининг учдан бири қўлдан кетади.  
- Фосиқ (фисқ ишлар билан шуғулланувчи) кимса мадҳ этилган чоғда Аллоҳ шундай аччиқланадики, АРШ титрай бошлайди.

Аллоҳ марҳамат қилади:

**-У кун барча инсонларни имомлари билан биргаликда чорлаймиз. Кимгаки номаи аъмоли ўнг қўлидан берилса, ана ўша кишилар, ўзларига қилчалик ҳам зулм қилинмаган ҳолда, номаи аъмолларини ўқийдилар.** *Ал-Исро сураси. 71-оят.*

Бу ердаги «кун» сўзи маҳшар кунини билдиради. «Имом» дейилганда ким назарда тутилганлиги борасида муфассирларнинг фикрлари хилма-хилдир. Ибн Аббос ва бошқа баъзиларнинг фикрича, имом дейилганда ҳар кишининг амаллари ёзилган махсус китоб (дафтар) назарда тутилган. Бунга кўра маъно шундай бўлади:

— Ҳар инсон ўз амаллари ёзилган китоб (дафтар)ла чорланади.

Мана бу оятлар шу фикрни тасдиқлайди.

**Бас, энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, бас, у: «Мана, менинг китобимни ўқинглар», - дейди.** *Ал-Ҳааққа сураси, 19-оят.*

**Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, бас, у: «Кошкийди, менга китобим берилмаса эди», дейди.** *Ал-Ҳааққа сураси, 25-оят.*

Ибн Зайд, оятдаги имом сўзи инзол бўлган илоҳий китобларни билдиради, дейди. Вақти келганда Инжилга иймон этганлар: «Эй аҳли Инжил!» деб; Қуръонга иймон этганлар: «Эй аҳли Қуръон!» - деб чақириладилар.

Мужоҳид ва Қатоданинг фикрларига қараганда, имом деганда ҳар умматнинг пайғамбари тушунилади. Қайси инсонлар қайси пайғамбарга тобе бўлган эса, ўша билан бирга чақириладилар. «Иброҳимга тобе бўлганларни келтиринг, Мусога тобе бўлганларни келтиринг. Муҳаммад (с.а.в.)га тобе бўлганларни келтиринг!..» каби.

Али ибн Абу Толиб имом дейилганда ҳар кас яшаган асрнинг етакчилари тушунилади, дейди. Ҳар даврнинг одами, ўзи яшаган даврда кимнинг амрига ва яшаш тарзига эргашган бўлса, ўша билан бирга чақирилади.

Ибн Умар (Саҳобайи Киром. Уз асрида фатвода буюклардан бири эди. Хз. Умарнинг угли) ривоят қилган саҳиҳ бир ҳадисда шундай дейилади:

- Қиёмат куни Аллоҳ барча инсонларни тўплаган чоғи ҳар ҳукмдор учун бир байрам қилинади ва шундай дейилади: «Бу фалончининг ўғли фалон ҳукмдордир!»

Термизий ва бошқаларнинг ҳадис китобларида Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган шундай ҳадис келтирилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.): «Қиёмат куни инсон табақаларининг ҳар бирини имомлари билан бирга чақирамиз!» - маолидаги оятнинг тафсири ҳақида билдирдиларки: Инсонларнинг ҳар бири чақирилади, китоби (дафтари) ўнг қўлдан берилади. Уларнинг бўйи олтмиш аршинга чўзилган бўлади.

Юзи оппоқ бўлади. Бошига инжудан порлоқ бир тож кийдирилади. Сўнгра биродарларининг ёнига боради. Уни узоқдан кўрадилар. «Аллоҳим, буни бизга юбор ва бизга бир марҳамат қил!» - дейдилар. У уларнинг ёнига боради. «Ҳар бирингизга шундай бир мужда!» - дейди. Иймонсизларга келсак, уларнинг юзи қораяди. Қариндошлари уни кўрганда: «Бунинг гуноҳидан Аллоҳга сиғинамиз. Аллоҳим, сен буни бизга рўпара қилма!» - дейдилар. Лекин у келади. Қариндошлари: «Аллоҳим, уни хор қил!» - дейдилар. У эса дерки: «Аллоҳ сизни бу ҳолга солмасин. Сизнинг ҳар бирингиз охир-оқибатда шундай ҳолни кўрасиз!» Аллоҳ буюради:

— **Қачон Ер ўзининг энг даҳшатли зилзиласи билан ларзага тушганида ва Ер (ўз бағридаги хазиною дафиналардан ва инсон жасадларидан иборат) «юк»ларини (юзага) чиқариб ташлаганида; ва ҳаётлик пайтида қайта тирилишни инкор қилгувчи бўлган (инсон) қайта тирилганидан даҳшатга тушиб: «(Ерга) нима бўлди ўзи?» деб қолганида; ана ўша КУНда Ер Парвардигорингиз унга ваҳий қилиб, сўзлашга буюргани сабабли, ўз хабарларини сўзлар! Ўша КУНда одамлар, уларга (қилиб ўтган амаллари)нинг жазо ёки мукофотлари кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқолчалик яхшилик қилса (қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқолчалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур! *Залзала сураси.***

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

— Расулulloҳ: «У кун (ер) барча хабарларини англатажак». — маолидаги оятни ўқиди ва «Биласизми, Ернинг ХАБАРЛАРИ нима?» - дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули энг тўғриси биллади!» - дедик. Дедиларки: «Ернинг ХАБАРЛАРИ ҳар банданинг ва ҳар умматнинг ер юзида қилган амалларига Ернинг гувоҳлик беришидир!»

Яна Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) буюрдиларки:

—Ердан эҳтиёт бўлинг. У сизнинг онангиздир. Ҳар ким Ернинг устида савоб ёки гуноҳ бир иш қилса, у, албатта, буни хабар қилади.

## ОХИРИ ЗАМОН ЁХУД ИНСОНЛАРНИНГ ҚАБРДАН ТУРИШИ

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

— Қандай қилиб завқу сафо сураин! Сурчи (Исрофил) сурни оғзига олган, бошини эгган, кулоқ тутган (кулоғини келадиган амрга берган), қачон амр келса дарҳол чалиш учун кутиб турган бўлса. ..

Исрофил сурнай шаклли сурни оғзига олган. Сурнинг оғзи Ер билан осмоннинг кенгдигидай келади. Исрофил АРШ тарафга кўз тикканча кутаётир. Қачон амр келса, БИРИНЧИ ПУФЛАШНИ бошлайди. Бу биринчи пуфлашида Ер ва Осмонда қанча жонли бор бўлса, кўрққанидан ҳаммаси ўлади. Ёлғиз Аллоҳ ўлдиришни мўлжалламаган жонлилар қолади. Булар Жаброил,

Микоил, Исрофил ва ўлим фариштаси Азроилдир. Сўнгра Аллоҳ ўлим фариштасига навбати билан Жаброил, Микоил ва Исрофилнинг руҳларини олишни буюради. Ундан кейин ўлим малагининг ўзига амр келади, у ҳам ўлади. Бундан, яъни БИРИНЧИ ПУФЛАШдан сўнг ИККИНЧИ ПУФЛАШгача барча жонзодлар қирқ йил шу бўйи қолади. Сўнгра Адлоҳ Исрофилни тирилтириб, иккинчи бор сур пуфлаб бошлашни амр этади. Қуйидаги оят бизга шу икки пуфлашнинг ҳақлигини кўрсатувчи далилдир:

— **Сур чалиндию, Осмонлар ва Ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни барча ўликлар қайта тирилди ва қабрларидан) туриб (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар.** *Зумар сураси, 68-оят.*

Жонлилар оёққа туриб, тирилишни кўрадилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар:

- Мен пайғамбар бўлиб юборилган пайтимда сурчи Исрофил келди. Сурга оғзини қўйди. Бир оёғини олдинга, бир оёғини орқага ташлади!.. ПУФЛАШга қачон амр келса, пуфлайман, деб кутаётган эди!.. Эй умматим, ПУФЛАШдан ҳазир бўлинг! Ана энди бутун яратиктарнинг у кунги ҳолини ўйла. ПУФЛАШ тугар-тугамас даҳшат босиб тўсатданладилар. Такроран тириларканлар, бу кўрқув туфайли мискинликка ва зиллатга тушадилар. Ўзларига масъуд ёки мушкулли ҳукм берилишини кутадилар. Сен ҳам уларнинг орасида бўласан, улардай паришон. улардай эсанкираган аҳволда қолиб эҳтимолки, дунёда завқу сафо сурган, еб-ичган бойлардан бири бўлиб, бош эгиб турарсан. У кун ер юзининг золим ҳукмдорлари инсонларнинг энг хори. энгтубани ва энг ҳақири бўладилар, оёқ оспша қолган бир дона уруғдай топталиб ётадилар. Бў онда ваҳший ҳайвонлар тоғу чўллардан бирин-кетин туриб ксла бошлайдилар; бошлари эгик, инсонларга аралашиб, гуноҳ қилган бўлмасалар ҳам хору ҳақир бўлиб маҳшар ерига келадилар; оний ўлимлар ва ПУФЛАШдан юзага келган кўрқув уларни эсанкиратади ва халойиқдан кўркмайдилар, қочмайдилар. Мана бу оят шу ҳақиқатга ишора қилади:

— **Ваҳший ҳайвонлар ҳам (бир жойга) тўпланиб қолганида...** *Таквир сураси. 5-оят.*

Сўнгра шайтонлар ва қайсарлигу кибр туфайли иймон этмаганлар кўринади. Кўрқувдан Аллоҳнинг шу оятини тасдиқлаб, эс-ҳушларини йиғишга уринадилар:

-**Бас (эй Мухаммад), Парвардигорингизга қасамки, албатта, Биз уларни (йўлдан оздирган) шайтонлари билан бирга тўплармиз, сўнгра барчаларини жаҳаннам атрофида тиз чўккан ҳолларида ҳозир қилурмиз.** *Марям сураси, 68-оят.*

У ерда қандай аҳволда қолишингни ва қалбинг не кўйларга тушишини ўйла, эй инсон! Бутун жонзотлар тирилтирилгандан сўнг оёқ яланг, қип-яланғоч ва суннатсиз ҳолда маҳшар ерига қандай жўнатилишларини кўз олдинга келтир. Маҳшар ери эса оппоқ ва теп-текисдир, бирон-бир ўйдим-чуқур жойи йўқ. На бир инсон паналанса бўладиган бирон устун, на бир кўздан йироқ бўлишга ярайдиган бирон чуқурлик!.. Инсонлар у ерга тўда-тўда жўнатиладилар. Турли тоифадаги жонзотларни ҳар тарафдан тўплаб, у ерга келтирадиган Аллоҳга тасбиҳ этайлик. Биринчи пуфлашнинг кетидан иккинчи пуфлаш келади. У кун бу кўзлар, бу қалблар даҳшатга тушажаклар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

— Қиёмат куни инсонлар оппоқ, теп-текис ва кафтдек бир ерда ҳашр (тўпланмоқ) этиладилар.

У ер бу кунги ер юзи сингари бўлмайди. Аллоҳ айтадики:

— **Албатта, Аллоҳ ғолибдир ва (У) Ер бошқа ерга, Осмонлар бошқа осмонларга айланиб қоладиган ҳамда (барча одамлар) ёлғиз ва қудратли Атлоҳга рўбарў бўладиган КУНда (қиёматда) интиқом олгувчидир.** *(Иброҳим сураси, 48-оят)*

Ибн Аббос дейдики:

— Ер юзида қўшишлар ва олишлар қилинади. Тоғлар, тошлар ва даралар йўқ этилиб, бир сахтиён тери ҳолига келтирилади. Кумушдай оппоқ, устига қон тўкилмаган, гуноҳга ботмаган бўлади. Осмонларнинг қуёши, ойи ва юлдузлари йўқ бўлади.

Эй танбал инсон, у куннинг қўрқувларини ва шиддатини кўз олдинга келтир! Жонзотлар бу саҳтиён узра йиғилган чоғда кўкдаги юлдузлар тўкилажак-сочилажак, кўёш ва ой маҳв бўлажак. Ёруғлик берувчи нур манбалари (Кўёш, Ой) йўқ бўлгани учун Ерни мутлақ зулмат қоплаб олади, инсонлар юқорида айтилганидек, тўпланган ҳолда турарканлар, кўк жисмлари уларнинг бошлари узра айланажак, шу қадар катта ва қаттиқ бўлишларига қарамай, парча-парча бўладилар. Фаришталар эса энг четда-ғўшаларда туражаклар. Бу қадар катта ва қаттиқ кўк жисмларининг парчаланишидан юзага келаётган суронлар нақадар қўрқинчли бўлажак. Сўнфа кўк жисмлари тамоман чўкиб битажаклар, эриган ва сариқ аралаш кумуш парчаси сингари оқажаклар, қизил саҳтиён тери ҳолига келажаклар. Тоғлар осмонда учиб юрган мезондай бўлажаклар. Инсонлар сочилган ва ўзини ўтга ураётган парвоналардай беқарор югурадилар. Оёқ яланг, қип-яланғоч ва яёв бир ҳолда! Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтади:

— Инсонлар оёқяланг, қип-яланғоч ва суннатсиз ҳолда ҳашр қилинадилар. Терга ботадилар, бутун вужудларидан оқиб чиқаётган терларининг суви қулоқларининг солинчакларига қадар кўтарилади.

Бу ҳадисни ривоят қилган Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжалари Савда ҳикоя қилади:

— Мен Расулulloҳ (с.а.в.)дан: "Аврат жойлари нима бўлади, бир-биримизга қарайверамизми?" - дея сўрадим. Ул Зоти киром шу жавобни бердилар:

— Ҳазинлик инсонларни шу қадар эзадики, бирон кимса бошқа кимсага қарай олмайди. Ҳамма ўз дардига қоврилиб ётади.

Демак, у шундай даҳшатли кунки, аврат ерлари очиқ бўлади, лекин бирон кимса ўзга кимсага қарай олмайди, унда қараш учун заррача майл ҳам бўлмайди. Қандай майл бўлсинки, у кун кимдир илон сингари қорнида судралиб юради, кимдир юзини ерга ишқалабгина силжий олади. Бошқаларга назар ташлашга мадори ҳам бўлмайди.

Абу Ҳурайра ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларки:

— Қиёмат куни инсонлар уч тоифа ҳолида ҳашр этиладилар:

1. Уловлилар.

2. Яёвлар.

3. Юзида юрувчилар. Бир киши сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, юзда қандай қилиб юриш мумкин?

Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердиларки:

- Одамларни оёқда юргизиб қўйган зот, юзда юргизишга ҳам қодирдир.

Одамзоднинг табиатида ўзи ўрганмаган, кўникмаган нарраларни инкор этиш хусусияти бор. Чунончи, илоннинг оёқсиз, қорни билан сургалиб чақмоқдай ғизиллаб кетишини кўрмаган бўлса, инсоннинг оёқсиз юришини ҳам тасаввур этолмайди, инкор қилади. Оёқ узра юрганларни кўрмаган бир инсон бўлсайди, балки у буни ҳам инкор этган бўлармиди... Кўзингни оч, қиёмат кунини таърифлайдиган ғаройиб ҳодисалар бу дунёда юз берувчи ҳодисаларга ўхшамаса, уларни инкор этиб ўтирма! Чунки бу дунёда ҳам юз берадиган бир қатор ҳодисалар тўғрисида мушоҳада юритмаган бўлсанг, у дунёда рўй берадиган шунга ўхшаш ҳодисаларни баён этсалар, қатъиян ишонмаслигинг мумкин. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб, қалбингда қиёмат кундаги ҳолингни шакллантириб бор. Сен қип-яланғоч, хор, хўр ва ҳақир, эсанкираган бир аҳволда оёқда турасан ва ўзинг ҳақингда чиқарилажак ҳукми кутасан. Охир-оқибатда сени хушбахт ё бадбахт қилиш тўғрисида қарор қилинади. У ондаги бу ҳол фавқулодий бир ҳолдир. Буни шундай деб бил. Сўнгра жонзодларнинг у ондаги оломонини ўйла. Етти қават осмон, етти қават ер аҳли, малаклар, жинлар, инсонлар, шайтонлар, ваҳший ҳайвонлар, қушлар ва ҳоказолар у ерда йиғилдилар. Қўёш бешафқат ҳароратини уларга қадайдди, уларнинг тепасига икки ёй қадар яқинлашади... Маҳшар бўлаётган жойда коинотнинг мутлақ соҳиби Аллоҳ Аршининг соясидан бошқа ҳеч қандай соя бўлмайди. Бу сояда фақат Аллоҳга яқин бўлганлар, Аллоҳнинг ахлоқи билан ахлоқланганлар паналана оладилар. Қўёшнинг ҳарорати борлиқни эритадиган даражада бўлади. Бутун одамзод иссиқликдан қаттиқ изтироб



чекади. Кейин жонзодлар бир-бирларини туртиб-сурта бошлайдилар. Оломон ичида бир-бирларини итариб юборишлар, бир-бирларини топташлар юз беради. Бу ғала-ғовур аро инсон яна Аллоҳ ҳузурига чақириларкан, уят туйғусидан юзага келган таҳлика ҳам дард устига чипқон бўлади. Қуёшнинг ҳарорати, нафаслар туфайли кўтарилаётган ҳовур ва қалблардаги номус оловидан ҳосил бўлган жонсаралик бирлашади. Бадандаги ҳар тукнинг тагидан тер оққандан оқиб чиқаверади ва маҳшаргоҳнинг ул тоза тупроғи устига оқади. Бу оққан терлардан сув жилғалари ҳосил бўлади, ҳар кимнинг Аллоҳ ёнидаги ҳолати қай даражада бўлса, сув шу даражага қараб, баланд кўтарилади: баъзиларининг тиззаларигача, баъзиларининг белигача, баъзиларининг қулоқ солинчагигача чиқади. Баъзилар эса чўкиб кетар даражада тер суви остида қоладилар. Ибн Умар ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳнинг ҳукми асосида инсонлар қабрларидан туришган кунда, уларнинг баъзилари қулоқларининг ярмигача терга кўмиладилар.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларки:

— Қиёмат куни инсонлар терлайдилар, терлари ҳатто етмиш қулоч ернинг остигача шимилади, сўнг тер ер узра кўтарила-кўтарила, оғизларни бекитади, қулоқларгача етади.

Уқба ибн Омир (Расули акрам с.а.в.нинг саҳобаларидан. Ҳижрий 2 йил, милодий 624 йилда юз берган Бадр жангининг ғозийларидан бири) ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтадиларки: -Қиёмат куни Қуёш Ерга яқинлашади, инсонлар терлайди. Баъзиларнинг тери тўпиқларига қадар кўтарилади, баъзилариники болдирининг ярмисигача, баъзилариники тиззаларигача, баъзилариники сонигача, баъзилариники қўлтиғининг тагигача, баъзилариники оғзигача (Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай деганда қўли билан имо қилиб оғзини бекитгандай бўлардилар) ёки бошигача (Аллоҳ Расули (с.а.в.) бу гал қўллари билан бошларига урардилар)...

Ҳайла, эй танбал инсон, аҳли маҳшарнинг терлашию азобларини! У куни инсонларнинг баъзилари Аллоҳга тинимсиз:

— Ё Раббим, мени бу изтироблардан ва бу кутишлардан қутқар, оловга тушсам ҳам майли!.. - деб нидо қилиб ёлворадилар.

Бу уқубатларнинг барчаси ҳали ҳисоб кўрилмасдан ва азобга дучор қилинмасдан олдин рўй беради. Сен ҳам бир жонзотсан, терларинг қаерингача кўтарилишини билмайсан.

Шуни яхши билиб қўйки, Аллоҳ йўлида ҳаж қилмоқ, жиҳод этмоқ, рўза тутмоқ, намоз ўқимоқ, бир мусулмон биродарининг эҳтиёжини қопламоқ учун чарчамоқ, яхшиликка унда шу, ёмонликдан қайтариш учун заҳмату машаққатга аралашмоқ тарзида тер тўкмаган бўлсанг, тўкмаган бу терингни қиёмат кунининг уятга ботирувчи ва қўрқитувчи маҳшар майдонида тўкасан. У ерда ғамгин онларинг узаяди. Агар одамзод жаҳолатдан, ғурурдан (кибрдан) қутулган бўлсайди, дунёда Аллоҳ йўлида бўлиш қиёмат куни тер тўкиб қийналишлар ва кутишлардан енгилроқ эканлигини ва вақг нуқтаи назаридан қисқароқ эканлигини кўрар эди. Эвоҳ, у кун шундай бир кундирки, берган азобу уқубати ҳам катта, муддати ҳам бениҳоя узундир.

## ЖОНЗОТЛАРАРО ҲУКМ

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

- Расулуллоҳ (с.а.в.) сўрадилар:

- МУФЛИС деб кимни айтамыз, биласизларми? Биз жавоб бердик:

— Эй Аллоҳнинг Расули, бизнингча, муфлис деб пули ва ашёлари қолмаган кишиларга айтилади.

Расули акрам (с.а.в.) тушунтирдилар:

— Умматимнинг муфлиси шундай бир кимсаки, у қиёмат кунига намоз ўқиган, рўза тутган ва закот берган ҳолда келади; аммо бировни сўккан, бировнинг ҳақини еган, яна кимнингдир қонини тўккан, кимнидир урган бўлади. Бундай кимсанинг савобларидан талай қисми тортиб олинади, агар ҳақсизлик қилган кишилардан олган қарзи тўланмасдан савоблари тугаб қолса, бу сафар уларнинг гуноҳлари олиниб, бу кишининг зиммасига юкланади, кейин эса жаҳаннамга отилади.

Эй биродарим, мана шундай кунда бошингга тушиши мумкин бўлган мусибатни ўйла, чунки, деярли ҳеч бир ибодатнинг риё деган офатдан ва шайтон аралаштирган ҳийлалардан омон қолиши мумкин эмас. Тасодифан, ибодатларингнинг бир қанчаси риёсиз ва чин ихлосли бўлган эса-да, уларга ҳам душманларинг қиёмат куни кўз тикажаклар ва қўлингдан олажаклар. Кунларингни рўза билан, тунларингни намоз билан ўтказган бўлсанг ҳам, эҳтимол шундай ҳисобга чақирилган пайтингда ўзинг ўз савобларингга кўлка ташлаши мумкин бўлган даражада кимнидир ғийбат қилганингни билажаксан. Мусулмон биродарингни ғийбат қилганингни билажаксан. Мусулмон биродарингни ғийбат қилганинг бутун савобларингни йўқ қилса, у ҳолда бошқа гуноҳларинг, ҳаром ва шубҳали нарсаларни еганларинг, қусурли ибодатларинг нима бўлади? Шохсиз қўй учун шох-ли қўйданки ҳақ талаб қилинган кунда (қиёмат куни) қилган зулмларингдан қутулишни қандай умид қила оласан?

Абу Зар Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилади: - Аллоҳ Расули сузишаётган икки қўйни кўрганларида: "Эй Абу Зар,- дедилар, - нега урушаётганларини биласанми?" Мен: "Йўқ!" — дедим. Айтдиларки: "Аллоҳ билади ва қиёмат куни ораларида ҳукм чиқаради!"

Абу Ҳурайра **"Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг умматларимиз каби) жамоалардир!"** (*Анъом сураси, 38 - оят*) - маолидаги оятнинг тафсири ҳақида шундай дейди:

- Қиёмат куни барча жониворлар - ҳайвонлар, қушлар, ҳар нарса... тирилтирилади ва улар маъшар жойида тўпланади. Шохли қўйдан шохсиз қўйнинг ҳақи олинандиган даражада Аллоҳнинг адолати юз кўрсатади. Сўнгра ҳайвонларга: "Тупроқ бўлингиз" — амри берилади. Бу амр кофирларнинг: "Кошки мен ҳам тупроқ бўлсайдим!" — деган чоғи юз беради.

Ҳолинг не бўлади, эй танбал инсон, у кунда?! Амал дафтаринг савобсиз бўлиб қолиши мумкин. Ҳолбуки, узундан-узоқ заҳматлар чекиб, савобга муяссар этадиган амаллар қилган эдинг. Дафтарингни бўм-бўш кўрганда:

— Қани менинг гўзал амалларим? - деб қоласан-ку!

Сенга:

- Душманларингнинг дафтарига кўчирилди, - деб жавоб берилганда, нима дейсан?!

Сўнгра дунёда сабр қилиб ва чекланишларга чидаб, гуноҳ қилмаган бўлсанг-да, амал дафтарингни гуноҳлар билан тўла ҳолда кўриб:

— Эй Раббим, бу гуноҳлар... мен бундай гуноҳларга асло яқин ҳам йўламаганман, - дейсан.

Сенга шундай жавоб берилади:

— Булар — сен ғийбат қилган, сен қийнаган, сўккан, сен қасддан ёмонлик қилган, олиш-беришда, қўшничиликда, дўстликда, суҳбатда, мунозарада, дарс бериш асносида ва ҳоказо ҳолларда сен зулм қилган кишиларнинг гуноҳларидир!

Ибн Масъуд ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

- Шайтон мусулмон ўлкаларида одамларни бутга сиғинтиришдан умидини узган, аммо бундан тубанроқ ва таҳқирловчи гуноҳлар қилаётганлигингиздан мамнун бўлади. Бу гуноҳлар турли зулмлардир. Қўлингиздан келганча зулм қилишдан сақланинг. Зеро, одамзод қиёмат куни тоғдай ибодат ва савоблар билан келади ва булар мени қутқаради деб ўйлайди. Орадан кўп ўтмай, бир одам келади-да, уни кўрсатиб: "Ё раббим, бу киши менга зулм қилган!" - дейди. Шунда унинг савобларини бунга олиб бериш тўғрисида амр қилинади. Бундай шикоятларнинг кети узилмаслиги мумкин. Бир пайт қараса, у кишининг номаи аъмолида қўлга олса арзигулик

бирон нарса қолмабди. Бундай кишининг ҳоли чўлда йўлга чиққан баъзи кимсаларнинг мана бу ҳолига ўхшайди: сафарга чиққанлар бир ерга қўнадилар, ёқишга ҳеч нарса йўқ, карвондагилар ҳар тарафга тарқаладилар ва унча-мунча ёққулик ўтин топиб келадилар. Сўнгра пиширмақчи бўлган нарсаларини ҳозирлашга киришадилар. Бир оздан сўнг ўт ёққани келсалар, тўплаган ўтинларидан асар ҳам қолмаган бўлади. Мана, савоблар ҳам шундайдир.

**-(Эй Муҳаммад), ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлгувчидирсиз, улар ҳам ўлгувчидирлар. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат кунинда Парвардигорингиз ҳузурида талашиб- тортишурсизлар! (Зумар сураси, 30-31-оятлар) —** маолидаги оят нозил бўлганда, Зубайр Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, дунёда бир-биримизнинг орамизда бўлган, лекин ўз шахсимизга тааллуқли гуноҳлар зиммамизда такрор орттириладими?

Расули ақрам (с.а.в.) жавоб бердилар:

-Ҳа, ҳар ҳақ эгасига ҳаққи қайтарилгунча зиммангизда гуноҳлар такроран ортиб боради.

Бу ҳадисни эслатган Зубайр дейдики:

— Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, вазият жуда мураккаб! Бир одимлик хатодан ҳам кўз юмилмайдиган, бир шапалоқлик, бир сўзлик ҳақдан ҳам воз кечилмайдиган ва золимдан мазлумнинг ҳақи албатта олинадиган у куннинг сиқувлари чақана эмаслигини ёдда тут.

Анас ибн Молик дейдики:

- Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман, ул зоти киром шундай дер эдилар:

- Аллоҳ бандаларни яланғоч, чанг босган ва ёнларида ҳеч нарса бўлмаган ҳолда бир-ерга йиғади. Сўнгра уларга шундай овоз билан хитоб этадики, узоқдагилар ҳам эшитади, яқиндагилар ҳам!.. "Мен мутлақ ҳокимман, жаннатга тушаётган бирор кимсада жаҳаннамга тушаётган бошқа кимсанинг ҳақи бўлса, мен унинг ҳақини ундан олмасдан бурун у жаннатга киролмайди. Жаҳаннамлик кимсада жаннатлик кимсанинг ҳақи бўлса, мен унинг ҳақини ундан олмасдан бурун у жаҳаннамга киролмайди. Гарчи у ҳақ бир шапалоққина бўлса ҳам!" Биз дедикки:

-Ҳақ қандай олинади, ахир биз Аллоҳ ҳузурига яланғоч ва чанг-ғубор босган ҳолда келган бўлсак?!

Айтдилар:

-Ҳақ олиш-бериш савоблар ва гуноҳларни бир-бирига ўтказиш орқали бўлади.

Эй Аллоҳнинг бандалари, Раббингиздан қўрқинг! Бошқа бандаларнинг молларига қўл чўзиб, иффати, ор-номусига тегиб, қалбларини балога дучор қилиб, одамлар билан муомалада уларга ёмонлик кўрсатиб, зулм этманг, чунки Аллоҳ ила бандаси орасида бўлган нуқсонлар борасида дарҳол афв этиш бор, аммо банда билан банда орасида бўлган ҳақлар масаласида бундай эмас. Бирон кимса бошқаларнинг ҳақига тажовуз қилган бўлса-ю, кейин бунга тавба қилган бўлса, аммо ҳақ эгаси билан розилашиш қийинлашса, ҳақ ундириладиган кун учун кўп савоб ишлар қилиб қўйсин. Аллоҳ билан ўзи орасида қоладиган, ихлос билан адо этилган савоблар қилган бўлсин ва бу савобларга Аллоҳдан бошқа кимса гувоҳ бўлмасин. Бу савоблар уни Аллоҳга яқинлаштиради ва ҳақи ўтган кишиларнинг ҳақини ўташда Аллоҳнинг лутфиға муваффақ бўлади, деб умид қилинади.

Яна Анас ибн Молик Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилган бир ҳадис шундайдир:

— Бир жойда Расулulloҳ (с.а.в.) ўтиргандилар, ул зотнинг кулимсираганини кўрдик. Шундай жилмайдиларки, икки олдги тишлари кўринди. Умар: "Нега куляпсиз, эй Аллоҳнинг Расули?" — деди. Расул (с.а.в.) айтдиларки: "Умматимдан икки одам Аллоҳнинг ҳузурида ҳисоблашдилар.

Бири: "Эй Раббим, - деди, - биродаримдан ҳақимни олиб бер!" Аллоҳ унисига: "Биродарингнинг ҳақини бер!" - деб буюрди. У дедикки: "Эй Раббим, савобларимдан бирон нарса қолмади". Бу сафар Аллоҳ ҳақ сўраганга: "Савобларидан бирон нарса қолмабди, нима қиласан?" — деди. У дедикки: "Эй Раббим, гуноҳларимдан олсин!.." (Бу сўзларни айтаётганда

Аллоҳ Расули (с.а.в.)нинг кўзлари ёш ила тўлди). Сўнгра билдирдиларки: "Бу ҳодиса улўғ бир кунда содир бўладиган нарсадир. У кун инсонлар ўзларининг гуноҳларини бошқаларга ўтказишга муҳтожлик ҳис қиладилар" (Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундан сўнг ҳодисанинг бундан кейинги саҳифасини ҳикоя қилишда давом этдилар): Аллоҳ ҳақини талаб қилганга: "Бошингни кўтар, жаннат боғларига қара!" - деди. У бошини кўтарди ва дедик: "Эй Раббим, баланд-баланд кумуш бинолар ва инжулар билан порлатилган олтин кўшклар кўрдим. Булар қайси пайғамбар, қайеи тўғрисўз, қайси шаҳидга аталган?" Аллоҳ буюрди: "Бадалини (бир нарса эвазига тўланадиган нарчасини) менга берганларга аталган!.." У: "Уларнинг бадали кимда бор?" — деб сўради. Аллоҳ буюрди: "Сенда ҳам бор!" У сўради: "Нима у?" Аллоҳ буюрди: "Сен ҳақ сўраётган бу биродарингни афв этишингдир!" У деди: "Эй Раббим, уни афв этдим!" Аллоҳ буюрди: "Биродарингнингқўлидан тут, уни жаннатга кўй!" (Аллоҳ Расули бу аснода марҳамат қилдиларки): "Аллоҳдан кўрқинг, бир-бирингизнинг орангизни тузатинг, чунки (кўриб турибсиз), Аллоҳ мўминлар орасини тузатади".

Бу ҳадисдан кўриб турибмизки, Аллоҳнинг бундай илтифотига фақат унинг ахлоқи билан ахлоқланиш орқали муяссар бўлинади. Аллоҳнинг бу ахлоқи икки мўминнинг орасини тузатиш йўлидадир. Ана энди йўла, эй биродарим, агар амал дафтарингга бошқаларга зулм қилиш гуноҳини ёздирмаган бўлсанг ва ёки юқорида ҳикоя қилинганидай Аллоҳнинг лутфига муваффақ бўлиб, афв этилсанг ва шу тариқа абадий саодатга эришсанг, севинчинг нақадар катта ва сўнгсиз бўлур! Ундай саодат сари бориш сенга насиб этса, ортиқ бундан кейин ҳеч бадбахтликнинг юзини кўрмайжаксан. Шундай бир неъматга қовушасанки, йўқлик ва йўқотиш кўрқуви у неъматнинг ёнига ҳам йўлай олмайди. Ушанда қалбинг севинч ва фараҳдан энтикиб туради. Юзинг оппоқ бўлади, нурланади, худди ўн тўрт кунлик ойдай яшнайсан!.. Тасаввур қил, у онда бугун жонзотлар орасида бошинг тик, ўзинг гуноҳсиз ва муаттар ҳидлар таратиб бир-бир қадам босгайсан!.. Мамнунлигинг аломати пешонангдан ярқираб кўриниб туради. Бутун жонзотлар сенга ва сенинг ҳолингга назар ташлаб, яхши ахлоқингга ва гўзаллигингга ҳавас қиладилар. Олдингда, орқангда ва ёнларингда фаришталар юради ва гувоҳлар ҳузурида: "Бу фалончининг ўғли фалончи, Аллоҳ ундан рози, у Аллоҳни рози қилди. Шундай саодатга эришдики, ортиқ бундан кейин бадбахтлик кўрмайди!" — дейдилар. Эй ўқувчи, ўзинг йўла, бу айтилган шараф ва олий мақом дунёда риёкорлик, лаганбардорлик ва сунъий хатти-ҳаракатлар билан арзимаган бир даврда инсонларнинг кўнглида уйғотган севингдан буюкроқ эмасми? Агар ҳақиқатан юқорида айтилган шараф ва олий мақомнинг бу дунёдаги чин шараф ва олий мақомдан яхши эканлигини - қиёслаб бўлмас даражада фарқли эканлигини — тушуна олсанг, фақат ихлосли бўлиш ва амалларни фақат Аллоҳ учун адо этиш йўли билан ўша юксак шараф ва олий мақомни эгаллашга интил. Ва шуни ҳеч қачон унутмаки, бу шараф ва олий мақомга эга бўлиш фақат ва фақат ихлос билан, амалларни ёлғиз Аллоҳ учун қилиш орқали юзага чиқади. Агар юқорида айтилган катта шараф ва олий мақомни икки чақага ҳам олмасанг. яъни амал дафтарингда сен аҳамиятга лойиқ кўрмаган, лекин Аллоҳ наздида катта гуноҳ ҳисобланган қилғиликлар кўп бўлса — худо асрасин! - у ҳолда вой ҳолингга охиратда!.. Аллоҳ сенга шундай хитоб қилади:

- Эй бандаи нодон! Ўзинг ўзингга тилаб олдинг: лаънат сенга! Қабул этмайман ибодатларингни!

Сен бу овозни эшитиб улгурмасингдан юзинг қораяди. Сўнг — Аллоҳ сенга дарғазаб бўлгани учун — фаришталар ғазабланади, улар ҳам нафратларини изҳор қилиб:

— Сенга бизнинг ва бутун махлуқотнинг лаънати бўлсин, - дейди.

Бу аснода Забонийлар (жазо фаришталари) сенга нисбатан қўпол муомала қила бошлайдилар ва ғазабларини сочадилар. Чунки Аллоҳ сенга дарғазаб. Шиддат ва беандишалик билан тўтри сенинг олдинга келиб, башарангдан чангаллаганча бутун махлуқларнинг кўз ўнгида судраб кетадилар. Улар ҳам юзиқоралигингни ва расво-радибалолигингни томоша қиладилар. Сен эса: "Афсус! Ўлим!" — деб нолалар чекасан.

Забонийлар дерларки:

— Бугун бир марта ўламан деб ўйлама! Бир неча марта ўласан!

Шу пайт бошқа фаришталар шундай деб нидо қиладилар:

— Кўриб қўйинглар: бу — фалончининг ўғли писмадончи. Аллоҳ масхарабозликларини ва разилликларини ўртага ташлади. Ёмон амаллари туфайли уни лаънатлади. Шундай бир бахтиқароликка тушдики, ортиқ бундан кейин саодатнинг юзини кўрмайди.

Буларнинг бари кўп марта айрим шахсларнинг севгиси ва ҳурматини қозониш ёки уларнинг ёнида паст бўлмаслик андишаси билан қилган бир гуноҳинг сабабли бўлади. Ҳолбуки, бу амални қилганингни одамлар кўрмаган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин сенинг ниятинг ва фикру хаёлинг баъзи инсонларни мамнун этиш ёки уларнинг ёнида эътибор қозониш бўлгани учун бу амалинг катта гуноҳ ҳолига келган бўлади. Сен шу қадар жоҳилмисанки, шу ўткинчи дунёда бир неча кишининг назарида пастроқ бўлишдан кўрқасан ва эртанги у Буюк Кунда паст-расво бўлишдан, Аллоҳнингғазабини келтиришдан, аччиқ азобдан ва Забонийларнинг қўлида жаҳаннамни айланиб чиқишдан кўрқмайсан! Мана, сенинг ҳолинг шулардан иборат, лекин сенинг таҳликадан хабаринг йўқ.

### МОЛ-МУЛКНИНГ БЕВАФОЛИГИ

Аллоҳ буюради:

— **Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!** (Мунофиқун сураси, 9-оят)

— **Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна-Имтиҳондир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир.** (Тағобун сураси, 15-оят)

Ким мол-мулкни ва бола-чақасини Аллоҳнинг ҳузуридагидан устун қўйса, унинг қаттиқ алданаётгани шак-шубҳасиздир.

— **Ким (фақат) шу дунё ҳаётини ва унинг зеб-зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини(нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар.** (Худ сураси, 15-оят)

— **Дарҳақиқат, (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта, туғёнга тушар - ҳаддидан ошар.** (Алақ сураси, 6-7-оятлар)

— **(Эй инсонлар), сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча (яъни ўлиб, қабрга киргунларингизча) сизларни (мол-дунё) тўплаб кўпайтириш (Аллоҳга тоат-ибодат қилишдан) алаҳситди.** (Такосур сураси, 1-оят)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилади:

- Сув уруғни ундиргани каби мол, шуҳрат севгиси ҳам қалбда нифоқ ундиради.

— Молга, шуҳратга ва мансабга берилган кишининг динига етказган зарари қўй наслига қирон келтирган икки бўрининг етказган зараридан ошиб тушади.

— Мол-мулк тўплаганлар ҳалок бўлди. Фақат йиғганини Аллоҳнинг бандалари фойдалнадиган жойларга сарфлаганлар омон қолдилар. Улар эса озчиликдир.

Аллоҳ Расули (с.а.в.)дан сўрадилар:

- Умматингизнинг энг гуноҳкорлари кимлар?

Жавоб бердиларки:

- (Мол-мулкни жамият фойдаланадиган яхшилик йўлларига сарф этмаган) Бойлар!

— Сиздан кейин бир тўп инсонлар келади, таомларнинг энг нафисини ейишади, уловларнинг энг яхшисини минишади, хотинларнинг энг гўзалига никоҳланишади, либосларнинг энг гўзалини кийишади, муштдеккина меъдалари бўлади, лекин ҳеч тўйишмайди. Нафслари ҳақкалак отган

бўлади, қаноат нималигини билишмайди. Шу тор дунёга ташланадилар, тунлари алламаҳалгача ишлаб, яна саҳардан иш бошлайдилар. Аллоҳни қўйиб, дунёга сиғинадилар. Аллоҳга эмас, дунёга (нафсларининг ҳавойи орзуларига) итоат этадилар. Ҳавойи нафсларига бериладилар. Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммаддан у кунларга етиб борган кимсаларга тавсия шулдирки, ундай (бойлар) билан учрашиб қолсалар салом бермасинлар, хасталанганда богжб кўрмасинлар, ўлганда жанозасига қўшилмасинлар, катталарини ҳурмат қилмасинлар. Ким (уларга салом берса, хасталарини зиёрат қилса, жанозасига қўшилса ва катталарини ҳурмат қилса) исломиятни йиқитишда уларга ёрдам берган бўлади.

— Дунёни дунё аҳлига қолдириш. Ким керагидан ортиқ дунёлик тўпласа (буни инсонлар фойдаланиши йўлида сарфламаса) у ўзи билмаган ҳолда ўзига фалокат сотиб олган бўлади.

- Одамзоднинг дўсти учтадир. Биринчиси, кишининг жони тандан чиққунча у билан биргадир. Иккинчисининг дўстлиги қабргача боради. Учинчисиники маҳшаргачадир. Руҳи тандан чиққунча дўстлик қилган - молидир. Қабргача дўстликни давом эттиргани — оила аъзоларидир. Маҳшаргача дўст бўлгани эса, у қилган гўзал амаллардир.

Ҳаворийлар ҳазрат Исодан сўрадилар:

- Сенинг ниманг борки, сув узра юра оласан, биз эса юролмаимиз?

Ҳз. Исо:

- Сиз ўз наздингизда пулни қандай баҳолайсиз? Ҳаворийлар:

- Яхши баҳолаймиз! Ҳз. Исо:

- Менинг назаримда пул билан лой бир қийматдадир.

Салмон Форсий (Муҳаммад пайгамбар с.а.в.нинг эронлик саҳобалари. Вафоти 35/655 й) Абу ад-Дардога шуларни ёзади:

- Эй биродар, бу дунёда шукрини қилишга улгурмайдиган даражада мол-мулк орттиришдан саклан, чунки мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман, Пайғамбаримиз айтар-диларки:

- Дунёда Аллоҳга итоат этган одам, қиёмат куни олдида ўз моли билан сирот кўпригига келади. Энди ўтмоқчи бўлган-да унга қараб моли шундай овоз беради: "Қани, ўт! Сен дунёда Аллоҳнинг менинг зиммамдаги ҳақини ўтадинг, шукрини адо этдинг!" Сўнгра дунёда Аллоҳга итоат этмаган бошқа бир киши келади Ҳовучида моли бор. Шу мол билан сиротдан ўтмоқчи бўлганда моли унга шундай овоз беради: "Сенинг ҳолингга вой! Аллоҳнинг менинг зиммамдаги ҳақини адо этмадинг, шукур қилмадинг!" Бу сўзларни айтиб улгурар-улгурмас, аҳволи оғирлашади. Бу киши ўтмишига афсусланади ва ўлимини тилайди.

Бу киши ўлиши билан фаришталар: "Олдиндн бир хайрли иш қилиб, охиратга атамади ҳам!"- дерлар. Ундан кейин қолган инсонлар эса: "Бу кишидан бизга ҳеч Нима қолмаган эди!" — дейдилар.

- Амлок орттиришга берилманг, дунёга берилиб кетасиз!

Абу ад-Дардо ўзига ёмонлик қилган одамга шундай баддуо ўқирди:

- Аллоҳим, ким менга ёмонлик қилган бўлса, унга соғлиқ бер, умрини узун қил, молини кўпайтир! "

Кўриб қўй, эй биродар, узун умр ва тани соғлиқ билан бирга мол-мулкнинг кўплигини қандай бало деб ҳисобламоқда. Чунки халқнинг фойдаланиши учун Аллоҳ йўлида сарф этилмаган ортиқча мол-мулк кишини қутуртиради.

Ҳз. Умар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжаи покизалари Зайнабга егулик ҳадя жўнатганди. Ҳз. Зайнаб: "Нима бу?" — деб сўради. "Ҳз. Умар сизга юборди!" — дедилар. Ҳазрат Зайнаб: "Аллоҳ Ҳазрат Умарни мағфират айласин!" — деди. Сўнгра ўзига тегишли парда орқасига ўтди-да егуликни кесиби, бурда-бурда қилди, оила аъзолари ва етимларга тақсимлаб, шундай деди:

— Аллоҳим, бу йилдан кейин менга Умардан бирон ҳадя келмасин!

Шундан кейин Ҳз. Зайнаб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг руҳи билан қовушган завжаларининг биринчиси (яъни Ҳз. Муҳаммад ҳожамиздан кейин биринчи бўлиб вафот этган завжалари бўлди).

Ҳасан Басрий дейдики:

— Аллоҳга онт ичиб айтаманки, пул азиз қилган ҳар инсонни Аллоҳ хор айлагай.

Яна тамсилий ўлароқ дейдики:

— Пулни илк марта Шайтон чиқарди. Сўнгра уни пешонасига қўйди, ўпди ва шундай деди:

— Ким сени севса, у шубҳасиз, менинг қулимдир.

Сумайт ибн Ожлон (ўрта аср ислом тафсирчиларидан)нинг фикрича:

— Пул — мунофиқларнинг тизгини, улар оташдан қочмоқчи бўлганларида, пул тизгин бўлиб туради.

Яҳё ибн Маоз эса шундай дейди:

— Пул чаёнди, агар ҳалолдан топмасанг ва ўрнида ишлатмасанг, яқинлаша кўрма. Чунки чақса, захари сени ўлдиради.

Ҳалифа Умар ибн Абдулазиз хаста эди, ўлим тўшагида ётарди. Муслим ибн Абдумалик (амавий саркардаларидан, вафоти м. 740 й) зиёратига келганди. Ҳалифага дедики:

— Эй мўминларнинг халифаси... Шундай бир нарса қилдингки, сендан илгари ҳеч кимса бундай қилмаганди. Болаларингни ҳеч вақосиз тап-тақир қолдирдинг. На пул, на бойлик! (Халифанинг ўн уч боласи бор эди).

Бу сўзларни эшитганда халифа: "Бошимни кўтаринг!" — деди. Уни турғазиб ўтирғиздилар. Шунда удеди:

— Болаларимга бойлик-пул қолдирмаганимни сўйлайсан, мен уларнинг ҳақини улардан тортиб олганим йўқ. Бошқаларга тегишли ҳақни эса уларга бермадим. Болаларим икки йўлдан бирини танлайдилар: ё Аллоҳга итоат этиб яшайдилар, бу ҳолда Аллоҳ уларга кифоядир, чунки Аллоҳ солиҳ бандаларининг ҳомийсидир, ё Аллоҳга ишонмайдилар, бу ҳолда уларнинг қандай аҳволга тушишларининг менга алоқаси йўқ.

Муҳаммад ибн Каъб (Ҳз. Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин ул муҳтарам зотнинг саҳобаларидан Убай ибн Каъб барпо этган Мадина мактабида тарбия олган ва келгусида тафсир соҳасида катта шуҳрат қозонган муфассирлардан. Вафоти ҳ. 118 й)жуда бой эди. Бир куни унга: "Мол-мулкингни болаларингга бўлиб бериб кет!" — дедилар. У шу жавобни берди:

- Йўқ, молимни Раббимнинг ёнида ўзим учун қолдираман. Болаларимга Раббимнинг хазинасидан ажратиб ҳозирлаб қўйилган.

Бир одам Абу Абдга шундай дейди:

- Гуноҳ билан кетма: ўғлингга яхшилик қолдир.

Бу сўзни эшитган Абу Абд (тахм. II-III асрларда яшаган тақводор бойлардан)дарҳол жўнаб кетади, бойлигининг катта қисмини садақа сифатида тарқатади. Яҳё ибн Маоз дейдики:

-Киши учун ўлим онида (моли туфайли) шундай икки мусибат борки, ҳеч кимса бундай мусибатни эшитган ҳам эмас.

Сўрайдилар:

- Нима экан улар?

Жавоб беради:

-Қўлидан ҳаммаси олинади, айна вақтда, ҳаммаси юзасидан ҳисоб беради (Яъни: ўлганда бутун мол-мулки қўлидан чиқади, айна вақтда қаердан, қандай йўл билан топгани, нимага сарф қилгани тўғрисида ҳар бир моли юзасидан ҳисоб беради).

## АМАЛЛАР, ТАРОЗИ, АЗОБ

Эй биродарим, амалларинг тарозида тортиладиган ва амал дафтарларинг ўнгга ва сўлга пирпираб учадиган кунни хаёлингдан қочирма, гофил бўлма. Инсонлар қиёмат куни савол-жавобдан сўнг уч фирқага бўлинадилар:

1. ҲЕЧ САВОБИ БЎЛМАГАНЛАР. Жаҳаннамдан қора бир БЎЙИН чўзилиб чиқади. Қуш донлагандай уларни титади, тўплайди, устма-уст қилади ва оловга отади. Олов уларни

эскитади, чиритади. Бу аснода уларга бадбахт бўлганликлари, энди асло бахт юзини кўрмаяжаклари ҳақида нидолар эшитилиб туради.

2. ҲЕЧ ГУНОҲИ БЎЛМАГАНЛАР. Бир нидочи булар нидо қилиб, дейдики:

- Ҳар кору ҳодда Аллоҳга шукр қилганлар оёққа турсин! Улар оёққа турадилар ва севинч-қувонч ичида Жаннат сари йўлга тушадилар.

Сўнгра бу хитоб тунларини Аллоҳга бахшида этганлар, яъни кечаларини ибодат билан ўтказганларга қаратилади.

Ундан кейин савдо-сотикда ҳийла қилмаганларга ва Аллоҳ йўлидан чиқмаганларга чақириқ келади.

Бу иккинчи фирқа инсонларига саодатга қовушганликлари, энди бундан буён бадбахтлик юзини кўрмаяжакларига оид нидолар эшитилади.

3. ГОҲ ЯҲШИ АМАЛЛАР ҚИЛИБ, ГОҲ ГУНОҲ ҚИЛГАНЛАР. Бундайлар кўпчиликни ташкил этадилар. Савобларинингми, гуноҳларинингми кўплигини билмайдилар. Аллоҳ кимнинг савоби ёки гуноҳи кўплигини билади, лекин бандалари ҳам билсин учун амаллари уларнинг кўзлари ўнгида солиштирилади, токи афв этган тақдирда бу Ўзининг лутфи эканлигини, жазолаган тақдирда, бу ҳам Унинг адолати мақбул эканлигини кўрсатсин. Амал дафтарлари ичларида савоблар ва гуноҳлар ёзилган ҳолда, ўннга-сўлга сочилиб учади. Мезон (тарози) қурилади. Кўзлар амал дафтарларига тикилади: дафтарлар ўнг қўлдан бериладими ё чап қўлданми, ажабо?.. Сўнгра кўзлар тарозининг шайинига йўналади: гуноҳларининг палласи босармикин ё савобларининг палласими?.. Бу лаҳзалар шу қадар таҳликали бўладики, у онда бутун жонзотлар донг қотиб қоладилар. Ривоят қилинадик:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) бошларини Ҳз. Ойшанинг тиззасига қўйганча уйқуга кетгандилар. Шу онда Ойша онамиз охират манзараларини кўз олдиларига келтириб, йиғладилар. Кўз ёшлари Аллоҳ Расулининг ёноқларига томди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйғондилар ва:

— Нега йиғлаяпсан, эй Ойша? — дедилар.

Ҳз. Ойша шу жавобни берди:

— Охират аҳволини хотирладим. У ерда оила аъзоларингизни ҳеч эсга оласизми?

Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, қиёмат куни ҳар киши уч жойда фақат ўзини ўйлайди:

1. Тарозилар ўрнатилиб, амаллар тортилаётган пайт. Бу онда одамзод савоблари энгил келадими ёки оғир келадими, деб унга қарайди.

2. Амал дафтари берилаётган пайт. Бу сафар амал дафтарини ўнгданми ё чапданми олишига қарайди.

3. Сиротдан ўтаётганда.

Анас ибн Молик ҳикоя қилади:

— Қиёмат куни киши келтирилади, тарози паллалари унинг олдига ўрнатилади, бошига эса бир соқчи фаришта қўйилади. Агар савоблари оғир келса, фаришта ҳаммага эшитиладиган овоз билан хитоб қилади:

— Фалончининг ўғли фалончига бахт ёр бўлди, бундан буён ҳаргиз бадбахтликни кўрмагай!

Агар савоблари энгил, гуноҳлари оғир келса, ўша фаришта яна ҳамма эшитадиган баланд овоз билан хитоб қилади:

— Фалончининг ўғли фалончи бадбахт, бундан буён ҳаргиз бахт юзини кўрмагай.

Шунда, савоблари энгил келгани аниқланган заҳоти Забонийлар (азоб берувчи фаришталар) тўғри у кишига қараб келадилар. Қўлларида темир ТЎҚМОҚЛАР. Устларида ҚАТРОНИЙ либослар бўлади. Жаҳаннамлик бўлганларни ёқасидан олиб, жаҳаннамга судраб кетадилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) қиёмат куни ҳақида шундай дедилар:

— У кун шундай бир кундирки, Аллоҳ Одам алайҳиссаломга шундай деб хитоб қилади:



—Эй Одам, бор, жаҳаннамликларни турғаз! Одам сўрайди:

—Қанча улар? Аллоҳ буюради:

—Ҳар минг кишидан тўққиз юз тўқсон тўққизи!

Бу сўзларни эшитган саҳобаларнинг руҳлари тушиб кетади ва мум тишлаб қолишади. Аллоҳ Расули (с.а.в.) саҳо-баларнинг бу ҳолини кўрганда, шундай буюрадилар:

— Маъюстортмай, амалларингизни қилаверинглар. Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, сизлар билан бирга икки махлуқ бор, шу икки махлуқ Одам зотиданми, Иблис зотиданми бўлган ўликлардан бирига қўшилишган ва улардан кўп бола тарқалган.

Саҳобалар сўрашади:

— Кимлар улар, эй Аллоҳнинг Расули?

Жавоб бердилар:

— Яъжуж ва Маъжуж! Сизлар маъюс тортмай, амалларингизни қилаверинглар. Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, қиёмат куни сизлар инсонлар аро туя танасининг бир ёнидаги бир дона ход даражасида озчиликни ташкил қиласизлар.

Эй заволга қараб бораётган, бу дунё машғулотлари билан мағрур бўлган нафсидан ғофил киши! Кўчиб кетажанинг бу дунё фикрларини каллангдан чиқариб от. Фикрингни абадий қолишга боражанинг ер учун харжла. Зеро, сенга хабар берилдики, ҳар кимнинг борадиган жойи оловдир, шу боис буюрилди:

— **Сизларнинг ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) учратиласиз (Бу Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир. Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида жаҳаннамда қолдирурмиз. (Марям сураси, 71-72-оятлар)**

Бу ердаги биринчи оятга кўра, оловга тушиш эҳтимолинг кучли. Иккинчи оятга кўра, ундан қутулишинг гумон, қалбинг билан бу тушажанинг оловнинг даҳшатини тасаввур эт. Ундан қутулпшга ҳозирлик кўрасан. ҳозирдан махлуқотнинг ўша ондаги ҳоли тўғрисида ўйлайсан, демак, умид йўқ эмас. Улар қиёмат кунининг мусибатлари тўғрисида олдиндан ўйламаганлари учун шундай қийинчиликка тушадилар. Улар бир муддат қаттиқ қайғуриб, қўрқув ичида турадилар, ўзлари ҳақида сўнги ва ҳақиқий хабарни кутадилар, шафоат аҳлининг шафоатидан умид қиладилар. Айбдорларни юракни ёриб юборадиган қоронғилик қоплайди, ора-сира олов ёлқинлари уларнинг устига шарпа ташлаб қўяди, ёнаётган олов шарпасини эшитиб турадилар. Оловнинг ғазаби ва ҳовуридан ваҳимага тушиб, бақириб-чақирадилар. Чунки улар босиб келаётган фалокатни аниқ ҳис қиладилар. Бутун умматлар тиз чўкадилар. Яхшилар ҳам ишнинг оқибати ёмон бўлиб чиқишидан кўрқадилар. Бу аснода забонийлардан бир даллол чиқиб, шундай дея бақиради:

—Қани у, дунёда орзу-ҳаваслар билан ўралашиб, ёмон амаллар билан умрини чиритган фалон ўғли фалон!

Қўлларида темир тўқмоқлари бўлган забонийлар дарҳол чақирилган киши томонга қараб юрадилар. Беомон дағдағалар билан уни ёқасидан олиб, шиддатли азоб сари сургайдилар. Жаҳаннамнинг чуқурига бошини эгадилар ва шундай деб ғўлдирайдилар:

— **Мана бу азобни тотиб кўргин! Сен гўё, ўзингча, «қудратли ва улўғ» эдинг! (Духон сураси, 49-оят)**

Сўнгра забонийлар уни олиб кетиб, атрофлари тор, йўллари қоронғи ва таҳликали бир уйга жойлайдилар. У ерда осий банда талай вақтгача қолади. Яна у ерда олов ёндирилади, унинг қайнаётган сув ичишдан бошқа иложи бўлмайди. Бу турдаги инсонларнинг жойи ЖОҲИМ (жаҳаннамда бир табақа) бўлади. Забонийлар уларни хор қиладилар. Жаҳаннам уларни тўплайди. У ерда бутун умидлари ўлимдир. Ҳолбуки уларга у ердан қутулиш чораси йўқ. Оёқлари со-чларига боғланади, қора гуноҳлари туфайли юзлари қораяди. Жаҳаннам қирғоғидан, бурчак-бурчаклардан нидо қиладилар, нола қилиб ёлворадилар.

— Эй Малак, бизга азоб ҳақ бўлди. Эй Малак, бизга азоб оғир келди. Эй Малак, териларимиз куйди. Эй Малак, бизни бу ердан чиқар, биз эндиҳаргиз гуноҳ қилмагаймиз.

Забоний уларга жавобан дерки:

— Ҳайҳот, нажот йўллари узокларда қолди. Сизга бу хўрлик уйдан чиқиш йўқ. Уша ерда жимгина ўтиринг. Гаплашманг. Агар у ердан чиқарилсангиз, сиз учун тақиқланган ишларни яна қила бошлайсиз!

Бу сўзларни эшитиб, осий бандаларнинг умидлари узилади. Дунёда Аллоҳга қарши қилган гуноҳлари учун таассуф қиладилар, лекин надоматлари уларни қутқара олмайди, афсуслари аччиқ азобларини енгиллатолмайди. Юз тубан бўлиб ётадилар, устларию остларини, ўнглирию сўлларини оловлар ўрайди. Алангага кўмиладилар. Еганлари олов, либослари олов, ётоқлари олов. Оташ ёлқинлари, қатрон кўйлақлар, тўқмоқ зарбалари ва оғир занжирлар орасида қоладилар. Жаҳаннамнинг торлигидан типирчилаб тепинадилар, қуйи табақадагилар эзиладилар, бузиладилар; товонлар остида изтироб чекадилар, оташ уларни қозонда қайнатгандай қайнатади. «Оҳ-воҳ»лаб баланд овоз билан нола қиладилар. Ўлишни, йўқ бўлишни истайдилар. Ҳар не замон ўлишни истаганларида бошларидан қайноқ сув қуйилади. Бу қайноқ сув ила ичак-чавоқлари ва терилари эритилади. У ерда улар учун темир тўқмоқлар бор. Шу тўқмоқлар билан манглайлари тўқмоқланади, оғизларидан қонли йиринг оқади. Ташналиқдан жигарлари қуриydi. Кўз олмалари ёноқларига оқиб тушади. Ёноқларининг этлари, сочлари, ҳатто терилари тўкилади. Терилари ҳар не замон тўкилгани-да бошқа тери ўсиб чиқади. Суяклари этдан шилиниб чиқади. Рухлар фақатгина қилтомир ва кўктомирларга жойланади ва оташнинг ҳовурида қайнатишади. Шунда улар ўлмоқни истайдилар, аммо ўлолмайдилар.

Қалай! Сен уларга бир қур кўз ташлаб қўй. Юзлари устларидан қуйилган қайноқ сувда куйиб, қоп-қорайиб кетган, кўзлари кўр, тиллари гаплашолмайдиган ҳолга келтирилган, беллари ва суяклари синган, бурунлари кесилган, терилари чириган, қўллари бўйинларига боғланган, юзлари билан оёқлари бир орага келтирилган., юзлари устида юриб, оловга кетадилар, кўз олмаларига темир ўқлар билан туртилади, оташнинг ёлқини аъзоларини доғ-дўғ қилиб юборади? Жаҳаннам илонлари ва чаёнлари вужудларига ёпишиб олади!

Булар аҳли жаҳаннамнинг аҳволидан баъзиларидир. Энди уларнинг қўрқинч ҳоллари тафсилотига боқ ва жаҳаннам даралари ҳақида ўйда. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтиб берганлар:

- Жаҳаннамда етмиш минг дара бор, ҳар даранинг етмиш минг тармоғи бўлади. Ҳар тармоқда етмиш минг катта илон ва чаён бор Кофир ва мунофиқлар бу ерларга тушишдан қутулолмайди.

Ҳз. Али — Аллоҳ унинг юзига каромат бахш этсин - ҳикоя қилади:

- Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

- Ҳазинлик дарасидан асра, деб Аллоҳга сиғининг! Одамлар ундан сўрашди:

- Эй Аллоҳнинг Расули, нима у ҳазинлик дараси? Расули ақрам жавоб бердилар:

- Жаҳаннамдаги бир дара. Жаҳаннамнинг ўзи кунда етмиш марта шу дара балосидан асра, деб Аллоҳга сиғинади. Аллоҳ уни риёкор олимлар учун ҳозирлагай.

Жаҳаннамнинг кенглиги, даралари ва тармоқларини айтдик. Шуни ҳам айтиб қўяйликки, жаҳаннам даралари жаҳаннам водийлари деб ҳам айтилади Дунё водийлари ва дунё ҳаваслари қанча бўлса, жаҳаннам водийлари ҳам шунчадир. Эшикларининг сони эса банданинг гуноҳ қилувчи аъзолари сонига тенг, яъни еттитадир ва улар бир-бирининг устидадир. Энг усткиси (энг енгил азоб бериладиган жой) — ЖАҲАННАМ, унинг остида — САҚОР, унинг остида -ЛАЗЗО, унинг остида — ХУТОМА, унинг остида — САИР, унинг остида ЖОҲИМ ва энг осткиси - ҲОВИЯДИР.

Энди ҲОВИЯнинг чуқурлигига боқ. Дунёда ҳавойи орзуларнинг чегараси бўлмагандай, ҳовия чуқурлигининг ҳам чегараси йўқ. Шунингдек, бу дунёда бир муҳтожликдан энди қутулган пайтингизда орқасидан ундан ҳам каттароқ бир муҳтожлик албатта чиқиб турса, жаҳаннамдаги

ҳовиянинг ҳам бир чуқури битмасдан ундан ҳам чуқурроқ навбатдагиси чиқаверади.

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

- Биз Аллоҳ Расули (с.а.в.) билан бирга эдик. Алланарса харсиллаб тушганини эшитдик. Расулulloҳ (с.а.в.): «Бу ниманинговози, биласизларми?» - деб сўрадилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади!» - дедик.

Расули Акрам (с а.в.) айтдиларки:

— Бу бир тош. Жаҳаннамга отилганди. Етмиш йилдан бери тушаётган эди. Фақат ҳозир тубига етди.

Сен жаҳаннам чуқурларининг бир-биридан фарқланишига қара. Нега шундай? Чунки, даража ва фазилатлилик жиҳатидан охират энг буюк макондир. Инсонлариинг дунёга чўмилишлари қанчалик фарқли бўлса, - бировлар дунёга, қанча юпса шунча чўмган бўлади, бировлар эҳтиёжи даражаси билан қаноат қилган бўлади - айна тарзда, оташнииг уларни ейиши ҳам шунчалик фарқлидир. Чунки Аллоҳ заррача ҳам зулм қилишни хоҳламайди. Гуноҳкорлар жаҳаннам оловида ёнарканлар, олов у қадар диққатни оширмай-ди. Аксинча, ҳар кимни исён даражасида ва гуноҳлари нисбатида юрагини зиқ қилади. Лекин шуниси борки, бу азоб бениҳоя шиддатли бўлади ва энг енгил азоб кўраётганини ҳам, бу диққатбозликдан қутулиш учун, агар дунё бутун хазиналари билан бирга берилган бўлса, ҳаммасини фидя (қутулиш пораси) қилиб берган бўларди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки: — Қиёмат куни энг енгил азоб кўрадиганга оловдан икки шиппак кийгизилади. Бу шиппакларнинг ҳароратидан мияси қайнайди.

Азобнинг энг енгилига қара! Азобнинг енгиллиги шу бўлса, энг оғири қандай бўларкин - ўзин! энди бир чамалаб кўр. Хар не замон жаҳаннам азобининг даражасини билмоқчи бўлсанг, бармоғингни оловга теккиз ва буни жаҳаннам олови билан таққосла. Сўнгра, унутмаки, таққосинг хатоли. Чунки дунё олови билан жаҳаннам олови бир хил эмас. Лекин, дунёда одамни жуда хит қилиб юборадиган нарса оловда куйиб қолиш бўлгани учун, буни жаҳаннам азобига қиёсланади. Ҳайҳотки, жаҳаннам аҳли бу дунёдаги оловни у ерда топсайдилар, ўзларини куйдираётган оловдан қочиб, итоат билан унга кирардилар. Мана шунинг учун ҳам баъзи хабарларда шундай дейилади:

— Бу дунё олови — дунё аҳли унга чидасин учун – етмиш раҳмат суви билан ювилгандир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) жаҳаннам оловини очиқчасига тавсифлаб айтдиларки:

- Жаҳаннам оташи Раббимизга шикоят қилиб дедик: «Эй Раббим, бир қисмим иккинчи қисмимни емоқда!» Аллоҳ унга икки марта нафас олишга руҳсат берди. Бир - қишда, бир - ёзда. Ёз чилласида сиз кўрган шиддатли иссиқ унинг ҳароратидандир. Қиш чилласида сиз кўрган шиддатли аёз унинг совуғидандир.

Анас ибн Молик дейдики:

- Қиёмат куни дунё неъматлари билан энг кўп неъматланган бир кофир келтирилиб: «Буни бир марта оловга киргизиб чиқаринг!» - дейилади. Уни оловга ташлайдилар ва сўрайдилар:

- Ҳеч неъмат кўрдингми? У дейдики:

- Йўқ!

Кейин дунёда энг кўп диққатга сазовор бўлган иймонли олим келтирилиб: «Буни бир марта жаннатга киргазиб чиқаринг!» - дейилади. Уни жаннатга киргизадилар ва сўрайдилар:

- Ҳеч диққат бўлдингизми? У дейдики:

- Йўқ!

Абу Ҳурайра айтади:

-Агар бир масжидда юз минг ёки бундан ҳам ортиқроқ киши тўпланган бўлса-ю, сўнгра жаҳаннам аҳлидан бир киши уларнинг орасига кириб бир марта нафас олса, ҳаммалари ўлган бўлардилар.

Баъзи олимлар: **«Уларнинг юзларини ўт куйдириб, тишлари очилиб қолади!»** (Мўминлар сураси, 104-оят) маолидаги оят ҳақида дейдиларки:

- Олов уларга шундай уриладики, суяклар устида эт қолмайди, эти сидирилиб тушиб, тўпиқларига йиғилиб қолади.

Сўнгра, бутун вужудларини қоплаган қонли йиринг ҳидига қара.

Абу Саид Ҳудрий ривоят қилади: Расулуллоҳ (с.а.в.) билдирдилар:

- Агар жаҳаннам аҳли вужудидан оққан қонли йирингнинг бир кўваси дунёга сепилган бўлсайди, бутун дунё аҳлини саситиб юборган бўларди.

Мана шу нарсани эса улар ичадилар «Сув!» - деб имдод тилаган чоғларида қонли-йирингли сув билан сийланадилар. «У буни ўзини зўрлаб ичишга уринади, лекин ҳеч томоғидан ўтказа олмайди, ҳар тарафидан унинг ёнига ўлим келади, холбуки ўлолмайди ҳам. Қаршисидан эса ятда оғирроқ бир азоб келиб кутиб туради». «Улар сувсизликдан фарёд кўтариб, мадад сўрашганда қайнаган ва қалин қаймоққа ўхшаган, ҳовури юзларга уриладиган бир суюқлик билан имдодга келадилар. У нима бўлса ҳам шу балони ичадилар. Бу қайноқ суюқлик бир ифлос қуйқумдан иборат бўлади».

Кейин, мана бу ейдиган нарсаларига қара: ейдиганлари ЗАҚҚУМ.

Аллоҳ огоҳлантиради:

—**Сўнгра албатта сизлар, эй (қайта тирилишни) ёлғон дегувчи гумроҳлар, шакшубҳасиз (жаҳаннамнинг ўртасида ўсадиган) ЗАҚҚУМ дарахтидан егувчи, ундан қоринларин-гизни тўлдиргувчидирсизлар. Сўнг унинг устига қайноқ сувдан ичгувчи, (ичганда ҳам). Ташна-тўймас туялар каби ичгувчидирсизлар!** *(Воқеа сураси, 51-55-оятлар)*

—**Дарҳақиқат, у (Заққум) дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир. Унинг бутуқларидаги мевалари хунуқликда худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. Бас, улар (яъни дўзахилар) албатта ундан еб, қоринларини тўлдирувчидирлар. Сўнгра албатта улар учун унинг (ЗАҚҚУМ меваларининг) устига қайноқ сувдан аралаштирилур (яъни уларга мажбуран қайнаётган сув ичирилур). Сўнгра, уларнинг қайтадиган жойлари яна албатта дўзахда бўлур.** *(Вас-саффот сураси, 64-68-оятлар)*

—**(Улар) қизиган дўзахга кирур, қайнаб турган булоқдан суғорилур.** *(Ғошия сураси, 4-5-оятлар)*

—**Зеро, Бизнинг даргоҳимизда кишанлар ва олов-дўзах бордир. Ва (томоққа) тиқилгувчи (йиринг ва қон каби) «таом» ҳамда аламли азоб бордир.** *(Муззамил сураси, 12-13-оятлар)*

Ибн Аббос ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

— Агар ЗАҚҚУМдан бир томчиси дунё денгизларига тушса, дунё аҳлининг барча неъматларини бузади. Шундай бўлгач, бирон кимсанинг ейдигани шу бўлса, унинг ҳоли нима бўлади?

Анас ибн Молик ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Аллоҳ сизни нимага ташвиқ этган бўлса, ўшанга рағбат этинг. Азобу жаҳаннам каби иарсалардан қўрқитган экан, улардан қўрқинг ва сақтанинг, чунки сиз яшаётган дунёда жаннатнинг бир парчаси бўлсайди, уни сизлар учун ясатиб қўярди. Яна, сиз яшаётган дунёда дўзах оловидан бир парча бўлсайди, уни қамаб қўяр эди.

Абу ад-Дардо ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

- Жаҳаннам аҳлига шундай бир очлик бериладики, бу очликнинг алами чекаётган азобинингаламига тенг бўлади. Бир нарса егилари келса, «дорийъ» (хайвонлар ҳам емайдиган заҳарли тикан) келтирилади. Уни еган билан ня қорин тўяди, на очлик барҳам топади. Яна бир нарса егилари келса, одамни хафа қиладиган овқат берилади. Ва шу асно дунёда шароб ичиб

хафалиқдан қутулганларини хотирлаб, шароб ичкилари келади. Уларга эса темир қадаҳда қайнар сув узатилади. Оғзига олиб келганда юзларини куйдиради. Қайнар сув қорнига ютилганда, у ерда нимаики бор бўлса ҳаммасини алғов-далғов қилиб, ёриб-узиб ташлайди. Бу орада дунёда майхўрлик қилган бу кимсалар:

- Жаҳаннам соқчиларини чақиринг, - деб бақирадилар.

Соқчилар келганда уларга шундай дейдилар:

- Раббингизга дуо айтинг, бир кун бўлса ҳам, бизнинг азобимизни енгиллатсин!

Соқчилар дейдилар:

- Нима, Пайғамбарингиз очиқ мўъжизалар келтирмаганмиди?

Улар дерлар:

- Ҳа, келтирганди. Соқчилар дерлар:

- У ҳолда ўзингиз ёлворинг.

Ҳолбуки, кофирларнинг дуоси ҳавога кетишдан бошқа нарсага ярамайди,

Улар дерлар:

- Жаҳаннам соқчиларининг бошлиғини чақиринг!

Чақирадилар...

- Жаҳаннам соқчиларининг бошлиғи, Раббингга айт, бизга берадиган ҳукмини берсин!

Соқчилар бошлиғи жавоб қайтаради:

- Сизлар кутишга маҳкум кишиларсиз.

(Оташ дейдики: - Менга маълум бўлишича, уларнинг соқчилар бошлиғини чақиринишлари билан соқчи бошининг уларга жавоб бериши орасида минг йил бордир).

Уларга шундай дейилади:

— Раббингизга дуо айтинг, Раббингиздан яхшироғи йўқ. Дуо айтиб, шундай дейдилар:

— Эй Раббимиз, бизда бадбахтлигимиз ғалаба қилганди. Биз тўғри йўлдан озганлар жамоаси эдик! Эй Раббимиз, бизни бу ердан чиқар. Агар яна куфрга айланишсак, ортиқ ҳеч шубҳасизки, биз золимлармиз.

Аллоҳ уларга шундай жавоб беради:

— Йиқилиб кетинг (жаҳаннам) ичкарасига. Менга бир нарса сўйламанг!

Мана, шу сўзни эшитганлари он ҳар нарсадан умидларини узадилар. Яна йиғлайдилар. «Афсус, воҳ, эсиз!» - дейдилар.

Абу Умома Боҳилий ривоят қилади:

-Аллоҳ Расули (с.а.в.): «**...унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўладию, (томоғидан) ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келадию, у ўлолмайди. Унинг ортида (бундан-да) оғир азоб бордир!**» (Иброҳим сураси, 16-17-оятлар) - маолидаги оят ҳақида айтади:

— Ичиш учун ўз ихтиёри билан йирингли сувга яқинлашади, лекин ҳазари келиб, жирканади. Унга яқинлаштирилган пайтда юзини доғ босади, бошининг териси сидирилиб тугади. Уни ичганда ичаклари узилиб-узилиб кетади.

Аллоҳ айтади:

— **Булар (тақво эгалари) дўзахда мангу қоладиган ва қайноқ сув билан сўғорилиб, у (сув) ичакларини бўлак-бўлак қилиб ташлаган (кофир) кимсалар каби бўлурми?!** (Муҳаммад сураси, 15-оят)

— **Агар улар (ташналик шиддатига чидамай) сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларни куйдирувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у.** (Каҳф сураси, 29-оят)

Очиққанда ва сувсаганда улар ейдиган ва ичадиган нарсалар мана шулардир.

Ана энди жаҳаннам илонлари ва чаёнларига, уларнинг заҳарли шиддатига, катталикларига ва кўринишларининг Даҳшатига боқ Бу илонлар ва чаёнлар жаҳаннам аҳлининг бошидан ёғдирилади, уларнинг устига гижгизланади. Ва улар дўзахиларни чақишдан ва тишлашдан ҳеч

қайтмайдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

— Кимки, Аллоҳ унга мол берса-ю, бунинг закотини бермаса, қиёмат куни бу мол нақ кўзининг устида икки ўрқачи бўлган кучли бир илон шаклига киритилади. Бу илон мол эгасининг бўйнига ўралади, сўнгра бошига сирғалиб чиқиб шундай дейди: «Мен сенинг молингман, мен сенинг йиғган хазинангман!».

Сўнгра Аллоҳ Расули (с.а.в.) шу оятни ўқидилар:

**- Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг (закотини) беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нимарсалари қиёмат кунида бўйинларига ўралажак! Осмонлару Ер мерос бўлиб, Аллоҳнинг ўзига қолур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.** *(Ол-и Имрон сураси, 180-оят)*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна бу мавзуда шундай деганлар: — Жаҳаннамда шундай илонлар борки, йўғонлиги туянинг бўйнидай келади. Чақади, захрининг шиддати қирқ йил давом этади. Яна жаҳаннамда шундай чаёнлар борки, эгарланган хачирдай келади. Шундай бир ниш уриб чақадиларки, аччиғи қирқ йилга етади.

Қиёмат куни бу илонлар ва чаёнлар, дунёдалигида хасис ва бадфеъл бўлганларнинг, инсонларга жабр-жафо қилганларнинг устларидан ёғдирилади. Ким дунё ҳаётида бундай ёмон феъллардан ўзини холи тутиб яшаса, охиратда бу илонлар ва чаёнлардан холи бўлади. Унинг моли унга илон ва чаён шаклида кўрсатилмайди.

Сўнгра, булардан ташқари, яна жаҳаннам аҳлининг вужудлари катталаштирилишини мушоҳада қил. Зеро, Аллоҳ жаҳаннам аҳлининг вужудларини, ҳам бўйига, ҳам энига катталаштиради. Токи, шу тариқа, чекадиган азоблари ҳам зиёдалашган бўлсин. Оташнинг ёндирилишини, чаён ва илонларнинг чақишини, кетма-кет, бутун аъзолари билан бир пайтнинг ўзида ҳис этсинлар.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

- Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

- Жаҳаннамда кофирнинг тиши Уҳуд тоғидай бўлади. Терисининг қалинлиги ҳам уч одимдан кам бўлмайди.

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

- Жаҳаннамда кофирнинг пастки лаби қўксига осилиб тушиб туради, устки лаби олдинга қараб чўччайган, юзи қора бўлади.

- Қиёмат куни жаҳаннамда кофирнинг тили оғзидан чиқиб чўзилиб ётади, ҳар ким уни босиб ўтади, жуссаларининг катталигига қарамай, оташ уни қайта-қайта ёндиради, ҳар ёқилишининг охирида терилари ва этлари янгиланади.

Ҳасан Басрий: **«Терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тортиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз!»** *(Нисо сураси, 56-оят)*— маолидаги оят ҳақида шундай дейди:

- Оташ уларни кунига етмиш минг марта ейди. Ҳар не замон еса, орқасидан уларга: «Аввалги ҳолингизга қайтинг!» - дея хитоб этилади. Улар дарҳол аввалги ҳолатларига қайтадилар.

Энди, яна жаҳаннам аҳлининг йиғи-сиғи, инграшлари ва оҳ-воҳ қилишларини тасаввур эт. Бу ҳол уларда илк бора Жаҳаннамга отилган пайтларида юз беради.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирадилар:

- Қиёмат куни жаҳаннам етмиш минг тизгинда ва ҳар тизгинни етмиш минг малак тутган ҳолда келтирилади.

Анас ривоят қилади:

- Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдилар:

-Қиёмат куни жаҳаннам аҳлига шундай бир йиғи бериладики, кўз ёшлари тугагунча йиғлайдилар, ундан сўнг кўз ёши ўрнига қон йиғлайдилар. Қон юзларида ёрилган бир жойга, чуқурликка ўхшаб кўринади. Шундай бир жойки, у ерда бир кема қолдирилса, сузадиган даражада бўлади. Уларга йиғлаб-сиқтамоқ, оҳ-воҳ қилмоқучун рухсат берилган муддат ичида йиғлаб-сиқтайдилар. Бунда улар учун бир енгил тортиш бор. Лекин бир оздан сўнг йиғлаб-сиқташ ҳам манъ этилади.

Муҳаммад ибн Каъб айтади:

-Жаҳаннам аҳли беш марта Атлоҳни чақиради. Аллоҳ уларнинг тўрт чақириғига жавоб беради. Гал бешинчига келганда ва ундан кейин ортиқ абадиян гаплашолмайдилар.

Улар дерлар:

— **Парвардигоро, Сен бизларни икки бор ўлдирдинг ва икки бор тирилтирдигин, Бас, бизлар гуноҳларимизни эътироф этдик, энди (бу дўзах азобидан) чиқишнинг бирон йўли борми?** (*Фофир сураси, 11-оят*)

Аллоҳ уларга жавобан буюради:

— **Бунга сабаб, қачон (сизларни) ёлғиз Аллоҳгагина (ибодат қилишга) даъват қилинганида кофир бўлиб — бўйсунмай, агар у зотга ширк келтирилса (яъни турли бут-санамларга сиғинишга чорлаганда) иймон келтиришларингиздир. Бас, барча ҳукм юксак ва улуғ Аллоҳникидир.** (*Фофир сураси, 12-оят*)

Улар дерлар:

— **Парвардигоро, кўрдик ва эшитдик, бас, бизларни (ҳаётга) қайтаргин, бизлар яхши амал қилайлик. Энди бизлар (қиёмат ҳақ эканлигига) шак-шубҳасиз ишонгувчилармиз.** (*Сажда сураси, 12-оят*)

Аллоҳ жавоб беради:

-**Илгари (ҳаёт пайтларингизда) ҳеч қачон заволга юз тутмаслигингиз ҳақида қасам ичмаган эдингизларми?** (*Иброҳим сураси, 44-оят*)

Улар дерлар:

- **Парвардигоро, бизларни чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқа яхши (амалларни) қилурмиз.** (*Фотир сураси, 37-оят*)

Аллоҳ жавоб берур.

- **Ахир биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик? Сизларга огохлантирувчи (Пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди азобларингизни тортаверинглар! Энди золим кимсалар учун бирон ёрдамчи бўлмас.** (*Мўминлар сураси, 106-107-оятлар*)

Улар дерлар:

- Парвардигоро, бадбахтлигимиз бизлардан ғолиб келиб, адашган қавм бўлиб қолган эканмиз. Парвардигоро, бизларни чиқаргин. Бас, агар яна (куфрга) қайтсак, у ҳолда шак-шубҳасиз (ўз жонимизга) жабр қилгувчидирмиз.

Аллоҳ жавоб беради:

- **(Жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз. Мана шу жавобдан сўнг энди абадиян гапиролмайдилар.** (*Мўминлар сураси, 108-оят*)

Бу — азоблар ичра азобнинг энг оғиридир.

Молик ибн Анас ҳикоя қилади:

— Зайд ибн Аслам (саҳоба, Бадр жанги ғозийларидан): «**Энди дод-вой қиламизми, сабр-қаноат қиламизми, биз учун баробардир - ҳеч қандай нажот йўқдир**» (*Иброҳим сураси, 21-оят*) — маолидаги оят ҳақида шундай деди:

— Юз йил сабр қиладилар, кутадилар; сўнгра юз йил йиғлаб-сиқтайдилар. Сўнгра яна юз йил сабр қиладилар ва охири дерларки:

— Энди дод-вой қиламизми, сабр-қаноат қиламизми -барибир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдиларки:

— Қиёмат куни бўлганда ўлимни олиб келишади. Худди семирган қўчқорга ўхшайди. Жаннат билан жаҳаннам ўртасида сўйилади ва шундай дейилади: «Эй жаннат аҳли, сиз мангусиз, ўлим нималигини билмаяжаксиз. Эй жаҳаннам аҳли, сиз ҳам мангусиз ва ўлим нималигини билмаяжаксиз!»

Ҳасан Басрий шундай дейди:

— Жаҳаннамда бир йил қолиб азоб чеккандан кейин бир киши чиқади; кошки мен ўша киши бўлсайдим.

Ҳасан Басрийни бир гўшада ўтириб йиғлаётган ҳолда кўрдилар ва ундан сўрадилар:

— Нечун йиғлаяпсан? Жавоб берди:

— Жаҳаннамга отилганимда ҳам ўз ҳолимга қўйилмаслигимдан кўрқяпман.

Шу ергача ёзганларимиз жаҳаннам азобининг қисқача турларидир. Бу азобнинг берган аламлари, маъюсликлари, миннат ва машаққатлари, ҳасратлари чексиз-чегарасиздир. Улар учун энг ёмони шунчалар омонсиз азоб тортаётганлари етмагандай, тагин жаннат неъматларидан бутунлай маҳрумдирлар. Улар ўша неъматларни соғинадилар. Аллоҳнинг жамолини кўролмаслик, унинг ризосига етишолмаслик уларни ёмон қийнайди. Ва ичларида барча бу неъматларни дунёда аҳамиятсиз нарсалар эвазига сотганликлари ҳақида ўйлайдилар: улар жаннат неъматларидан, Аллоҳнинг жамолини кўришдан ва бошқа нарсалардан дунёнинг беш кунлик қисқа ҳаётида шаҳвоний орзуларига берилганликлари туфайли маҳрум бўлдилар. Чиндан ҳам, кўринишда қисқа бир муддат учун завқландилар, еб-ичдилар. Лекин бу завқлар нуқсонсиз эмасди, тўла завқланиш эмасди. Аксинча, нотинчлик ва хафалик ҳамда ҳазинликлар билан аралашган эди. Қиёмат куни маҳшар жойида дерларки:

— Воҳ, афсус! Воҳ, эсиз! Қандай қилиб Раббимизга қарши исён этдик ва ўз-ўзимизга зомин бўлдик! Ўша бир неча кунлик қисқа ҳаётимизда нечун сабрли бўлмадик ва Аллоҳ тақиқлаган ишлардан тийилмадик? Агар сабр қилиб Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол билмасайдик, ножўя ишлар қилмасайдик, у кунлар ўтиб кетарди ва ҳозир биз унинг хушнудлигини кўрган, неъматларига етишган бўлар эдик, оламларнинг Раббига қўшни бўлардик!

Эсиз, эсиз бу кимсаларга: йўқотганларини йўқотдилар, кўрадиганини кўрадиган бўлдилар! Дунё неъматларию завқларидан қўлларида бирон нарса қолмади!

Агар бу кимсалар жаннат неъматларини мушоҳада этмасалар, кўрмасалар, ҳасрат ва пушаймонликлари бу қадар катта бўлмас эди. Лекин жаннат неъматлари уларга бутун дабдабаси билан кўрсатилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирадилар:

— Қиёмат куни бир тўда инсонлар жаҳаннамдан чиқарилиб, жаннатга бошлаб келинади. Жаннатга яқинлашишлари биланоқ унинг ажойиб ҳидлари димоғларига келади, жаннат кўшқларига ва Аллоҳнинг жаннат аҳли учун ҳозирлаган бошқа неъматларига назарлари тушади. Худди шу аснода қулоқларига шундай садо эшитилади:

— Уларни у ердан узоқлаштиринг. У ерда уларнинг насибаси йўқ!

Шунда уларнинг аввалги ва кейинги ҳасратларига яна бир ҳасрат қўшилиб, у ердан узоқлашадилар ва дерларки:

— Эй Раббимиз, нима бўларди, бизга бу воқеаларни ва дўстларингга ҳозирланган бошқа неъматларни кўрсатмай, жаҳаннамимизда тинч қўйсанг... Кўрмасак, куймасдик!..

Аллоҳ уларга жавобан буюради:

— Буни Мен истадим. Сиз ўзбошимчалик қилиб, Мендан бўйин товлардингиз, инсонлар билан учрашганда кибрланиб, риёкорлик қилардингиз. Ичингиз билан ташингиз бир бўлмасди. Инсонлардан кўрқар, аммо Мендан кўрқмас эдингиз. Инсонларга таъзим қилардингиз, лекин Менга таъзим қилмасдингиз. Инсонлардан кўрққандингиздан бир нарсани тарк этардингиз, аммо Менинг розилигим учун тарк этмасдингиз. Бугун сизларни савобдан маҳрум қилиш билан бирга сизларга аччиқ азобнинг мазасини кўрсатаман.

Аҳмад ибн Ҳарб (ўрта аср ислом тафсирчиларидан) дейдики:



- Биз, инсонлардан баъзи бирлари сояни қуёшдан устун қўямиз, жаннатдан жаҳаннамни устун қўямиз.

Ҳз. Исо эса шундай дейди:

— Қанчадан-қанча соғлом вужуд, қанчадан-қанча гўзал чехра ва яна қанчадан-қанча латиф сўзловчи тиллар борки, эртага жаҳаннам табақалари орасида азоб тортажак.

Довуд алайҳиссалом Аллоҳга шундай нидо қилади:

— Эй Раббим, мен Сенинг қуёшининг иссиғига чидамайману, Жаҳаннамнинг ҳароратига қандай чидаман? Мен Сенинг раҳматинг садосини кутишга сабр қилолмайману, азобинг садосини кутишга қандоқ сабр қилай?! Қара бу қўрқинчли ҳолларга, эй мискин!

Билиб қўйки, Аллоҳ жаҳаннамни бутун даҳшатлари ила бирга яратди. У ерга кирадиганларни ҳам яратди. У ерга кирадиганлар ортмайди ҳам, камаймайди ҳам. Бу ҳукм қилинган, тугал бир нарсадир. Аллоҳ буюради:

**-(Эй Муҳаммад), сиз уларни барча иш битирилиб (яъни жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилиниб), улар ҳасрат-надомат қилиб қоладиган КУНдан - Қиёматдан қўрқитинг (Бугун). Улар ғафлатдадирлар (шу сабабли), улар иймон келтирмайдилар. (Марям сураси, 39-оят)**

Менинг қаноатимча, бу оят билан қиёмат куни ҳақидаги ҳукм ҳатто азалий ҳукм эканлигига ишора қилинган. Лекин олдиндан ҳукм қилинган нарса - қиёмат куни билдирилмоқда.

Одамни эсанкиратадиган нарса шудирки, сен куласан, ўйнайсан ва дунёнинг аҳамиятсиз завқу сафолари билан овора бўлиб вақтинги ўтказасанда, ўтмишда сен ҳақингда қандай ҳукм чиқарилганини билмай, ўйлайсан, хаёлга толасан.

Агар: «Қанийди, борадиган йўлимни, охир-оқибатда нима қилишимни ва азалда мен ҳаққимда чиқарилган ҳукмни билолсайдим!» - десанг, сенинг учун баъзи мезонлар бордир. Уларни назарга олиб, тушадиган аҳволингни билиб олишинг мумкин:

-Аҳволингга ва амалларингга қарайсан. Чунки ҳар ким пешонасига битилганини қилади. Агар сенга хайрли йўлда бўлиш насиб этса омадинг келгани! Жаҳаннам оташидан узоқсан. Йўқ, агар ҳар не замон яхши бир ишга ташаббус кўрсатганинга қаршингдан муқаррар бир тўсиқ чиқса ва у яхши ишни қилишингга йўл бермаса ва яна сен гуноҳ қилишни хоҳламаганинг ҳолда, сени гуноҳ қилишга етакловчи, бунга мажбур қилувчи сабаблар юз берса, билки, сенинг устингда ҳукм чиқарилган, чунки бу аҳвол натижа қандай бўлажанини кўрсатиб туради, худди ёмғир ўт-ўланг мўл бўлишини, тутун олов ёнаётганини кўрсатиб турганидай. Аллоҳ буюради:

**— Яхшилар ҳеч шубҳасиз, НЕЪМАТЛАР жаннатида. Ёмонлар ҳеч шубҳасиз, ОЛОВЛАР дўзахидадирлар. (Инфитор сураси, 13-14-оятлар)**

Ўзингни бу икки оят билан тарози палласида торта бил. Дунё ва охират ҳаётида ўз ўрнингни билган кишилардан бўл. Ҳар нарсанинг энг тўғриси тағин Аллоҳ биледи.

## ОЛЛОҲГА ИТОАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Азиз биродарим, билки, Аллоҳга итоат ҳар турли яхши-ликларни йиғади. Аллоҳ бизга юборган китоби Қуръоннинг бир қатор оятларида итоатга ташвиқ этган, пайғамбарларни ҳам, инсонлар нафсининг ғайрихлоқий ҳаракатларидан узоқлашсин, деган мақсад билан юборгандир. Тақводорлар учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ҳеч бир кимсанинг етти ухлаб тушига кирмаган неъматлар тайёрлаб қўйилганлиги маълум қилинган. Инсонлар ана шу неъматлар билан завқланишлари керак, чунки улар бекорга ва мақсадсиз яратилмаганлар. Аксинча, Аллоҳнинг «Ёмонлик қилганларни қилмишига яраша жазолаши, гўзал ҳаракат қилганларни эса, гўзалроқ нимарсалар билан мукофотлаши» учун яратилгандирлар. Аллоҳ инсонларнинг ибодатига муҳтож эмас. Ин-сонларнинг исён қилиши, яъни итоат қилмаслиги Аллоҳга зарар бермайди, унинг камолини нуқсонли қилолмайди. «Раббига яқин бўлганлар, фақат уни кеча-кундуз тасбиҳ этиб чарчамаганларгина кибрлансалар бўлади». «Ким яхши амал

ва ҳаракатда бўлса ўзига фойда, ким ёмонлик қилса ўзига зарардир. Раббинг, бандаларига заррача ҳам зулмкор эмас!» «Аллоҳ холисдир, ҳеч бир нарсага муҳтож эмас. Сизлар эса ожизсизлар, муҳтожсизлар!»

Нақадар ғаройибки, биз, инсонлар, масалан, бир қул сотиб оламиз. Бу қулнинг ҳар турли хизматларда ҳеч камчиликка йўл қўймаслигини, арзон-гаров бадал берганимиз эвазига бизга ҳеч шак-шубҳасиз итоат этишини истаймиз. Қул арзимаган бир хатога йўл қўйса аччиқланамиз, уни озорлаймиз. Баъ;ан оч қўямнз, қувиб юборамиз ёки сотамиз. Шундай экин, нега биз ўзимиз оламларнинг Рабби, демак бизнинг ҳам Раббимиз бўлган Аллоҳга итоат этмаймиз? Итоат этсак камайиб қоламизми?! Емғир томчиларидай беадад хатоларимиз, қусурларимиз бўлгани ҳолда у биздан неъматларини дариғ тутмайди, мададлари билан бизни ёрлақайди-ку! Агар неъматларини дариғ тутса, бизга мадад бермаса, биз йўқ бўлиб кетамиз-ку! Бор-йўғи шуки, у биз бир гуноҳ қилсак, шу гуноҳимиз вазидан бизга қаттиқ жазо беришга қодир. Лекин, эҳтимолки, бизни жазоламас, ёмон феъл-атворини тарк этар, деб бизга муҳлат берар. Балки, тавба қилсак қабул этиб, гуноҳларимизни афв этар, айбларимизни ёпиб юборар.

Ақлли одам кимга итоат этиш кераклигини билади, унга юзланади ва бутун борлиғи билан унга таслим бўлади. Ҳар не замон бир камчиликка йўл қўйса, тавба қилади, тазарру қилади. Аллоҳнинг раҳматидан умид узмайди, неъматларига шукр қилиш йўли билан уни ўзига дўст этади ва бутун туриш-турмушини шу тарзда давом эттиради. Шундай бўлган тақдирда, Аллоҳ уни ўзининг севимли қуллари дафтарида қайд этади, деб умид қилиш мумкин. Шу ҳолдалигида ўлим келса, бу қувонарли ҳолдир: У Рабби билан, Рабби ҳам у билан қовушиш иштиёқида бўладилар.

Абу ад-Дардо Каъб Ахборга — икковидан ҳам Аллоҳ рози бўлсин - дейдики:

- Менга Тавротнинг гўзал оятларидан айтиб бер! Каъб айтади:

-Аллоҳ буюрадики: «Солиҳ бандаларнинг менга қовушиш иштиёқи ортди. Мен ҳам улар билан қовушишга кўп иштиёқлиман!» Тавротдаги бу оятнинг ёнида шундай сўзлар ҳам ёзилган: «Ким мени изласа, топади, ким мендан бошқасини изласа, мени тополмайди!»

Абу ад-Дардо Каъбдан буларни эшитганда, унга деди:

-Шоҳид бўл! Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) дан эшитганман, буни у ҳам айтарди.

Бир пайт Аллоҳ Довуд алайҳиссаломга ваҳий йўли билан шуларни билдирди:

—Эи Довуд, инсонларга билдирки, мен мени севганларнинг дўстиман, мен билан ўтиришганларнинг сафдошиман, мени зикр этиш тарзи билан менга севгисини билдирганларни мен ҳам севаман. Мен ўртага қўйган ахлоқ асосларига эга бўлганларнинг эгасиман. Мени устун қўйганни устун қўяман, менга итоат этганга итоат этаман. Бир банданинг ҳақиқатан қалбдан мени севганини билсам, унинг амалларини қабул қиламан, уни шундай севаманки, ҳузуримдаги биронта бандам унинг севгисини ортда қолдиролмайди. Ким мени чинакамига изласа топади, ким мендан бошқасини изласа мени йўқотади. Эй инсонлар ичингиздаги исён ҳолини тарк этинг, дунё ҳаётига мағрур бўлманг; менинг қарамимга, менинг суҳбатимга, менинг мажлисимга келинг. Мен билан алоқа қилинг, мен ҳам сиз билан алоқа қиламан, сизни севишга шошиламан. Мен аҳбобларимнинг сийнатини (табиатини) дўстим ИБРОҲИМнинг, сирдошим МУСОнинг ва пок бандам МУҲАММАДнинг тийнатидан яратдим. Менга мушток бўлганларнинг қалбини ўз нуримдан яратдим ва уларни жалолим ила неъматлантирдим.

Салафлардан баъзиларининг баён қилишича, Аллоҳ жуда содиқ бандаларидан бирига шуларни илҳом тарзида инъом этади:

— Менинг бандаларим ичида шундайлари борки, улар мени севадилар, мен ҳам уларни севаман, Улар менга муштоқдирлар, мен ҳам уларга муштоқман. Мени зикр этадилар, мен ҳам уларни зикр этаман. Назарлари менда, менинг ҳам назарим уларда. Агар ул«рнинг йўлида бардавом бўлсанг, сени севаман. Уларнинг йўлидан айрилсанг, сендан аччиқланаман.

Шунда у содиқ банда сўради:

— Эй Раббим, у бандаларингнинг нишонлари нима?

Аллоҳ буюрди:

— Шафқатли чўпон қўйларини қуёшнинг тиғидан асрагани, эҳтиёт қилгани каби, улар ҳам ўзларини кундузнинг гуноҳидан асрайдилар. Қуш оқшом вақти қанчалик инига етишига иштиёқли бўлса, улар ҳам қуёш ботишига шунчалик иштиёқлидирлар. Кечанинг қоронғиликлари уларни бағрига олганда, ибодат учун жойнамозлар ёзилганда ва ҳар ошиқ севгилиси билан холи қолган пайтда мен учун девонда (бу ерда: девон — Аллоҳнинг идораси — ибодатгоҳ маъносида) турадилар, юзларини менга қаратадилар. Менинг каломим билан менга ёлворадилар. Уларга ато этган инъомим важдан камтарона бош эгиб турадилар. Нола қиладилар, йиғлайдилар, оху зор билан қиёмда турадилар, ўтирадилар, руку қиладилар, сажда этадилар. Мен учун машаққат чекканлари, менга севгилари туфайли оху зор қиляётганлари эътиборимдан четда қолмайди. Уларга даставвал берадиган нарсам учтадир:

1. Қалбларига нуримдан бир нур бераман. Мен улардан қандай хабардор бўлсам, улар ҳам бу нур туфайли мендан хабардор бўладилар.

2. Ер, осмон ва буларда бор нарсаларнинг ҳаммаси уларнинг савоб дафтарларида бўлса, ҳали оз деб биламан.

3. Уларга таважжух этаман.

Биласанми? Мен (Аллоҳ) бир бандамга таважжух этган вақтимда унга нималар беришни ўйлаб қўйганимни ҳеч кимса билмайди.

Аллоҳ ваҳий йўли билан Ҳз. Довудга билдирди:

— Эй Довуд, жаннатни неча марта суриштирдинг, лекин менга бўлган иштиёқ нималигини ҳеч сўрамадинг!

Довуд алайҳиссалом сўради:

— Эй Раббим, кимларни сенга муштоқ дейиш мумкин?

Аллоҳ айтди:

— Мен менга муштоқ бўлганларни ҳар турли ғам-андуҳлардан узоқ тутдим. Ёмон феъл-атворлардан сақланишлари учун уларни огоҳлантириб қўйдим. Қалбларида ўзимга бир йўл очдим, у ердан менга қарайдилар. Мен уларнинг қалбларини олиб, юксак-юксак самога қадар кўтараман. Сўнгра зотдор малакларимни чақираман:

— Мен сизларни бу ерга менга сажда қилишингиз учун эмас, менга ошиқбандаларимнинг қалбларини сизларга кўрсатиш учун чақирдим. Мен сизларга нисбатан ошиқ қулларим билан кўпроқфахрланаман. Қуёш ер юзидагаларга қандай ёғду ёғдирса, менга муштоқ бандаларимнинг қалблари ҳам менинг кўкдаги малакларимга шундай ёғду ёғдиради.

Эй Довуд, мен менга муштоқ қулларимнинг қалбларини ўзимни ўзим хурсанд қилиш учун яратдим, уларни ўз нурим билан неъматлантирдим. Уларни ўз нафсим учун яратилганлардан деб биламан. Баданларини ер юзида назарго-ҳим этиб бичдим. Қалбларида менга қарай олишлари учун йўл очдим. Менга бўлган иштиёқлари кундан-кунга ортиб боради.

Довуд, гап шу ерга келганда, дедик:

— Эй Раббим, сени севган бу қулларингни менга кўрсат.

Аллоҳ буюрди:

— Эй Довуд, Лубнон тоғларига бор. У ерда **ўн тўрт киши** бор. Баъзи бирлари ёш, баъзи бирлари қари, баъзилари эса ўрта яшар! Борганда, уларга мендан салом айт. Раббингиз сизларга салом айтди, де. «Мендан бирон тилагингиз борми? Сизлар менинг дўстларим, ёрларим ва мақсадга етган бандаларимсиз. Сизнинг севинчингиз-менинг севинчим. Сизларнинг муҳаббатингизга ошиқаман!» - деяпти, де.

Довуд алайҳиссалом Лубнон тоғларига келди. Ўша бандаларни бир булоқ бошида Аллоҳнинг улуғворлиги ҳақида фикрлашаётган ҳолда топди. Улар Довудни кўрганда, ундан қочмоқчи бўлиб оёққа турдилар. Довуд уларга дедик:

— Мен Аллоҳнинг элчисиман. Сизларга Аллоҳнинг хабарини билдиришга келдим!

Бу гапни эшитиб, улар Довуд алайҳиссаломнинг ёнига келдилар. Унга кулоқ бердилар. Кўзларини ерга тикдилар ва тинглай бошладилар. Довуд мақсадини англатди:

- Мени Аллоҳ сизларга элчи қилиб юборди. Раббингиз салом айтди ва дедики: «Мендан тилайдиган тилагингиз борми? Мени чақирмоқчи эмасмисиз? Мен товушингизни ва сўзларингизни эшитаман. Сизлар менинг аҳбобларим, дўстларим ва комил бандаларимсиз. Севинчингиз билан севинаман, муҳаббатингизга ошиқаман. Шафқатли ва марҳаматли она ўз фарзандига қандай қараса, мен ҳам сизларга ҳар маҳал шундай қарайман».

Довуд буларни айтганда уларнинг кўзларидан ёноқларига ёшлар оқди. **Энг катталари** сўз очиб, дедики:

— Сенингпоклигинг-бенуқсонлингни улуғлаймиз, Раббим, сени танзиҳ этамиз! Биз сенинг бандаларингиз ва бандаларингнинг ўғилларимиз. Умримизнинг ўтган кунларида қалбимизни сени зикр этишдан чалғитадиган нарсалар бўлди, шу важдан бизни афв эт!

Сўнгра навбати билан ҳаммаси гапирди.

**Иккинчиси:**

— Сенинг поклигинг-бенуқсонлигингни улуғлаймиз. Раббим, сени танзиҳ этамиз! Биз бандаларингиз ва бандаларингнинг ўғилларимиз. Ўз оранг билан бизнинг орамизга ҳусни назар этиш (яхши назар билан боқиш) тарзида бизга марҳамат қил!

**Учинчиси:**

— Сени танзиҳ этамиз, Раббим, сени танзиҳ этамиз! Биз сенинг қулларингиз ва қулларингнинг ўғилларимиз. Сенга дуо айтишга журъат қила олармидик? Ҳолбуки, сен биласан, бизнинг ишларимизда бирон эҳтиёж йўқ. Сен бизнинг қалбимизда сендан файз олиш лавозиматини давом эттир ва шунинг билан бизга бўлган неъматингни тамомла.

**Тўртинчиси:**

— Бизлар сенинг розилигингни излашда қусурлимиз. Сенинг розилигингни излаш борасида бизга лутфинг билан ёрдам эт.

**Бешинчиси:**

— Бизни манийдан яратдинг. Беқиёс қудратинг ҳақида фикрлай олиш неъматини бизга ато этдинг. Сенинг улуғворлигинг билан машғул, жалолингни тафаккур қилаётган бирон кимса сўзлашга қандай журъат этсин? Сен биздан нурингга яқинлашишни талаб этдинг.

**Олтинчиси:**

— Шонингнинг буюклиги, дўстларингга яқинлигинг ва сени севганларга лутфингнинг кўплигидан тилларимиз сени дуо қилишдан чарчади.

**Еттинчиси:**

— Сен сени зикр этиш учун қалбларимизни бизга ҳадя этдинг. Ёлғиз сенинг-ла машғул бўлишимиз учун бошқа машғулотлардан қутқардинг. Сенга шукр эта олган бўлсақда, шукримиз қусурли бўлди, қусуримизни афв эт.

**Саккизинчиси:**

— Сен биз нимага муҳтожлигимизни биласан, биз фақатгина сенинг жамолингни кўришга муштоқмиз.

**Тўққизинчиси:**

— Қул хожасининг ёнида қандай журъат қила олсин, Сен бизга, лутфингни хоҳлашимизни амр этдинг. Бизга бир нур ҳадя эт, унинг билан зулумотдан қутулайлик.

**Ўнинчиси:**

— Бизга таважжуҳ қилишингни истаймиз.

**Ўн биринчиси:**

— Бизга ато қилган ҳадяларинг ва мўл лутфларинг ҳеч тамом бўлмаслигини истаймиз.

**Ўн иккинчиси:**

— Бандаларинг ичида ҳеч бир нарсага зорлигимиз йўқ. Бизга жамолингни томоша қилиш неъматини бер.

### **Ўн учинчиси:**

— Мен кўзларимни дунёни ва дунё аҳлини кўрмайдиган кўр қилишингни, қалбимни эса фақат сенинг билан машғул бўладиган ҳолга келтиришингни тилайман.

### **Ўн тўртинчиси:**

— Биладан, сен, дўстларингни севасан. Бизга қалбимизнинг ёлғиз сен билан машғул бўлиб қолиш неъматини бер. Қалбларимиз сендан бошқа ҳеч бир нарса билан машғул бўлмасин.

Шу тариқа ҳаммаси бир-бир гапириб бўлганидан кейин Аллоҳдан Довуд алайҳиссаломга шундай ваҳий келди:

- Эй Довуд, уларга айт: «Сўзларингизни эшитдим. Истакларингизни ижобат этдим, севган ва орзу қилган нарсаларингизга қовушажаксиз. Бир-бирингиздан айрилиш. Ҳар ким ўзига бир кулба, бир ертўла топсин. Мен сиз билан орамдаги пардани олиб ташлайман. Ҳар бирингиз менинг нурумга ва жамолимга боқажаксиз!»

Довуд алайҳиссалом сўради:

-Эй Раббим, булар қайси амаллари орқасида сенинг бу илтифотингга ноил бўлдилар?

Аллоҳ марҳамат қилди:

- Ҳусни зан (яъни бир ҳодисанинг яхшилиги ҳақида яхши фикрда бўлиб, яхши бўлажаги ҳақида ўйлаш) ва дунёда ғайриахлоқий яшашни тарк этишлари, мен билан юзма-юз қолишлари, менга муножот қилишлари ва қалбларига мендан бошқасининг севгисини киритмасликлари орқасида.

Менинг жамолимни томоша қилиш шундай бир шарафдирки, бунга фақат мени зикр этишдан бошқа ҳеч бир нарса билан машғул бўлмаганлар ва қалбларини мен учун бошқа нарсалардан бўшатиб қўйганлар, мени ҳамма нарсдан устун қўйганлар ноил бўла оладилар. Ана шундай қилинганда, мен шундай сифатларга эга бўлган кишига атфи назар (мойил кўз билан қараш) қиламан, унинг билан орамдаги пардани олиб ташлайман. Сўнг шундай бўладики, биров бир нарсани ўз кўзи билан кўргандай, у ҳам мени кўради. Ҳар он унга карамимни кўрсатаман. Уни нурумга ўхшатаман. Шафқатли она боласининг касали билан касаллангандай, мен ҳам шу бандамнинг касали билан касалланаман. Чанқаганда чанқоғини қондираман, мени зикр этишнинг мазасини тоттираман. Мана, эй Довуд, шу айтганларимни берганимда, у дунёни ва дунё аҳлини кўрмайдиган кўр бўлади. Мен унга ўзим кўрсатган ахлоқ асосларидан бошқача яшашни севдирмайман. Мени зикр этишдан ҳеч зерикмайди. Сал олдинроқ бўлса-да, менга етишишни истайди. Мен эса унинг ўлимидан хурсанд бўлмайман. Чунки у бандаларим ичида менинг назаргоҳимдир. У мендан бошқасини кўрмайди, мен ҳам ундан бошқасини кўрмайман. Эй Довуд, кўрсанг, менинг бу турдаги бандамнинг нафси ўлган, вужуди нозиклашган бўлади, менинг зикримни эшитаётган вақтида қалби хитрайди. Мен малакларим ва осмон аҳли олдида унинг билан фахрланаман. Унинг эса борган сари мендан кўркуви ортиб боради, вақт ўтган сайин кўпроқ ибодат қилади. Иззатим ва жалолим учун, эй Довуд, уни Жаннатнинг Фирдавс боғига ўтказаман, жамолимни томоша қилиш бахтини бераман.

Яна Ҳз. Довудга Аллоҳнинг ваҳий йўли билан билдирганларидан:

— Эй Довуд, менинг муҳаббатимга таважжух этиб келаётган бандаларимга айтки: «Мен махлуқотим билан орангизга парда тортган, сиз билан орамдаги пардани эса олиб ташлаган вақтимда сизга ҳеч бир нарса зарар беролмайди. Сиз бемалол менга қалб кўзи билан назар ташлай оласиз. Сизга динимни кашф этган вақтимда сиз эришолмаган дунёликлар зарар бермайди. Менинг мамнуниятимга ёпишиб олсангиз, махлуқотдан зарар келмайди.

Яна шунга ўхшаш хабарлардан:

—(Аллоҳ, ваҳий йўли билан Довуд алайҳиссаломга айтади): Менга севгинг бор деб ўйлайсанми? Агар ҳақиқатан мени севсанг, қалбингдан дунё севгисини чиқариб от. Чунки, менга бўлган севги билан дунёга бўлган севги бир қалбда ёнма-ён туролмайди. Эй Довуд, менинг севгили бандаларим билан холис дўст бўл. Дунё аҳли билан зоҳиран муомала қил.

Динингнинг асосини ҳаётга татбиқ эт, тақлидчи бўлма. Менинг дўстларим билан сенинг орангда ўхшаш бир ҳол юзага келса, бунга ёпишиб ол. Шубҳали бир вазият ўртада чиқиб қолса, энг тўғри деб билганингни қил. Мен сени ҳақ қилиб чиқариш чораларини ишга соламан; сенинг етакчинг, сенинг далилинг бўламан. Сен сўрамасингдан бурун сенга керагини бераман. Машаққатларга дучор бўлганингда сенга ёрдам қиламан. Мен, борлигим ҳаққи қасамки, қилган ама-лида менинг розилигимни мурод этмаган бандамга бадал бермайман. Ва у менинг мададимга муҳтож бўлмай қолмайди. Агар сен ана шу тушунтирилган сифатларга эга бўлсанг, сендан хорликни ва тангликни олиб ташлаб, қалбингга бойлик бераман. Борлигим ҳаққи қасамки, банда менинг йўлимда бўлса нафсидан хавотирда бўлади. Барча ашёларни менга ҳавола эт. Амалларингни бир-бирига зид ҳолга келтирма, сўнгра заҳмат чекасан, машаққат тортасан, сен билан яқин кишилар сендан фойдаланолмай қоладилар. Мени билишга бир чегара тополмайсан, унинг ҳеч поёни йўқ. Қачонки мен-дан бир нарса олмоқчи бўлсанг, кўпроқ иста, дарҳол бераман. Мен ортиғи билан берадиган нарсаларнинг чеки йўқ, сен ҳам чеклолмайсан. Исроил ўғилларига билдирки, мен билан ҳеч бир бандам орасида ҳеч қандай насаб риштаси йўқ. Уларни менга қайтаргилки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган неъматларни уларга мубоҳ қилайин. Мени икки кўзингнинг орасига қўй. Менга қалб кўзинг билан қара. Ақллари кирланган кишиларнинг ақлларига парда тутиб қўйганимда ва уларни савобимдан маҳрум қилганимда, сен уларга ақл кўзи билан боқма. Мен, қасамки, Иззатим ва Жалолим ҳаққи, тадқиқ қилиш учун Менпнг йўлимга кирганларга савоб эшикларини очмайман. Тавозеъли бўл. Ҳақ ошиқлари қаршисида гердайма. Агар мени севганлар ҳақ ошиқларининг менинг назаримдаги мартабаларини билсайдилар, ҳақ ошмклари учун ўз устиларидан юришларига тупроқ бўлардилар. Эй Довуд, менинг сўзларимга ёпишиб ол. Ҳавойи нафсни тарк эт. Бандаларимга раҳматимдан умид уздирма. Мен билан орангга парда тушишига сабабчи бўлма. Пардалар йўл тўсса, менга етишолмайсан. Рўза тутиш орқали шаҳвоний ҳавасларни тарк этишга замин ҳозирла!

## ШУКР

Билки, Аллоҳ Бизга юборган китоби - Қуръонда: «**Аллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсадан) улуғроқдир**» (*Анкабут сураси, 45-оят*), - деб буюрган ва айна чоғда зикрга шукрни яқинлаштириб, буюрганки:

— **Бас, Мени эслангиз (зикр этингиз), Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз.** (*Бақара сураси, 152-оят*)

Аллоҳ айтди:

— **Шукр қилиб, иймонли бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни нега азобласин? Аллоҳ шукрнинг бадалини бергувчи ва (буни) билдиргувчи зот-ку!** (*Нисо сураси, 147-оят*)

— **Ва шукр қилгувчиларни муносиб мукофотлаймиз.** (*Ол-и Имрон сураси, 145-оят*)

Аллоҳ лаънат тамғаси босилган Иблисдан хабар бериб деди:

— **У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг Тўғри Йўлинг устида уларни (Одам болаларини) (йўлдан оздириш учун) кутиб ўтирурман»** (*Аъроф сураси, 16-оят*)

Бу ердаги «тўғри йўл» калимаси «шукр йўли» маъносини билдиради, дейишади. Лаънатланган Иблис одамларни қандай йўлдан уришини билдириб, дейдики:

— **Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздирурман) ва уларнинг кўпларини шукр қилаётган ҳолларида топмайсан»** (*Аъроф сураси, 17-оят*)

Яна Аллоҳ айтди:

— **Бандаларим орасида шукр қилгувчи оздир.** (*Сабъ сураси, 13-оят*)

Аллоҳ, ҳеч шак-шубҳасиз, шукр билан ризқларни орттиражагини баён этди:

— Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангиз, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта, азобим ҳам жуда қаттиқдир. (Иброҳим сураси, 7-оят)

Беш нарсани эса шартли тарзда зикр этди:

1. Бойликни:

— Аллоҳ хоҳласа, ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилажак. (Тавба сураси, 28-оят)

2. Илтижога ижобатни:

— У (Аллоҳ) агар хоҳласа, сизлар дуо-илтижо қилган нарсани (бало-мусибатни) аритур. Аллоҳга шерик деб биладиган бутларингизни эса унутиб юборурсизлар. (Анъом сураси, 41-оят)

3. Ризқни:

— Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур. (Нур сураси, 38-оят)

4. Афвни:

— Албатта Аллоҳ ўзига шерик қилинишини афв этмас. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун афв этар. (Нисо сураси, 48-оят)

5. Тавбани қабул этишни:

— Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур. (Тавба сураси, 15-оят)

Шукр илоҳий ахлоқдан биридир.

Аллоҳ марҳамат қилади:

— Аллоҳ шукрнинг бадалини берувчидир ва ҳалимдир (яъни озгина яхши амал учун кўп мукофот ато этгувчидир. (Тағобун сураси, 17-оят)

— Ва бизларга ваъдасини рост қилган ва бизларни бу (жаннат) ерига ворис қилган ҳамда жаннатдан ўзимиз хоҳлаган тарафда жой-ўрин олишимизга (муваффақ қилган) Аллоҳга ҳамду сано бўлсин! — дерлар. (Зумар сураси, 74-оят)

— Охирги дуолари эса «Бутун оламлар парвардигори — Аллоҳга ҳамду сано (шукр) бўлсин!» — демақдир. (Юнус сураси, 10-оят)

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг бу мавзудаги ҳадислари ва бошқа хабарлар:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

— Шукр қилиб тановул қилгувчи — сабр қилиб рўза тутгувчи янглиғдир.

Ото ҳикоя қилади:

— Бир куни Ҳз. Ойшадан: «Расулulloҳ(с.а.в.)нинг ҳаётида сизнинг гувоҳлигингизда рўй берган, кишини лол қолдирувчи бирор воқеани бизга айтиб беринг!» - деб сўрадим.

Ҳз. Ойша йиғлади ва дедик: «Унинг қайси ҳоли кишини лол қолдирмасди дейсиз! Бир кеча келди, Мен билан бирга ётоқхонага кирди. Таним танига тегди. Сўнгра дедик: «Эй, Абу Бакрнинг қизи, мен ёлғиз бўлишим керак! Раббимга ибодат қиламан!» Мен дедимки: «Сизнинг енингизда бўлишни севаман, лекин сизнинг хоҳишингизни адо этиш мен учун ҳамма нарсадан устун». Шундан сўнг у кишига рухсат бердим. Туриб сув идишни олгани чиқиб кетдилар, таҳорат олдилар. Сувни кўп тўкиб исроф этмадилар. Сўнгра намозга турдилар, йиғладилар, шундай йиғладиларки, кўз ёшлари кўксиларига шашқатор бўлиб оқди. Сўнгра рукуга кетдилар, яна йиғладилар. Сўнгра сажда қилдилар, яна йиғладилар. Кейин саждадан бош кўтардилар. Бу йиғилар тонгга қадар давом этди. Бомдод намози вақтида Билол келди. Азон айтди. Мен шу вақт дедимки: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни йиғлатган сабаб нима?». Дедиларки: «Аллоҳ менинг қилган ва қилажак гуноҳтаримни афв этди! Шукр қилувчи бир банда бўлмайинми, ахир? Мен не учун шукр қилмайин энди?!»

Ҳолбуки, Аллоҳ айтади:

— Осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун далил-аломатлар борлига шубҳасиздир. Улар турганда

**ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар (унга шукр қиладилар) ҳамда осмонлар ва Ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, буларни беҳуда яратганинг йўқ! Сен поку бенуқсонсан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил!»** (Ол-и Имрон сураси, 190-191-оятлар)

Бу хабар йиғига чек қўйиш кераклигининг далолатидир. Шунинг учун ҳам ривоят қилинган бошқа бир хабар бу сирга ишора қилади:

— Ровийларнинг айтишича, пайғамбарлардан бири кичик бир тош кўради. Бу кичик тошдан мўл микдорда сув оқиб чиқаётган эди. Пайғамбар бундан ҳайратланади. Аллоҳ тошни гапиртиради:

Дейдики:

— Мен Аллоҳнинг **«одамлар ва тошлар ўтин бўладиган, кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан кўрқинг»** (Бақара сураси, 24-оят) маолидаги оятини эшитгандан бери Аллоҳдан кўрқиб йиғлайман!

Пайғамбар бу тошни дўзахдан қутқариш учун Аллоҳга ёлворади. Аллоҳ ҳам уни дўзахдан халос қилганини билдиради.

Лекин бир муддатдан кейин яна шу ердан ўтган пайғамбар ўша тош яна йиғлаётганини кўради ва:

— Энди нега йиғлаяпсан? - деб сўрайди.

Тош жавоб беради:

— Олдингиси кўрқув кўз ёшлари эди, бу эса севинч ва шукр кўз ёшларидир.

Инсоннинг қалби тош сингаридир, ҳатто баъзан тошдан ҳам қаттиқва маъюсдир. Бу маъюсликни фақат кўрқув, шукр ва севинч кўз ёшлари кеткиза олади.

Пайғамбаримиздан ривоят қилинади:

— Қиёмат куни: «Ҳар кору ҳолда Аллоҳга шукр қилганлар оёққа турсин!» - деган буйруққилади, шунда бир гуруҳ инсонлар ўринларидан турадилар, Улар учун бир байроқ кўтарилади ва улар жаннатга қараб кетадилар.

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтадилар:

Ҳамд (шукр) Аллоҳнинг киядиган чакмонидир (яъни чакмон инсонга қанчалик ёқимли бўлса ҳамд ҳам Аллоҳга шунча ёқимлидир). Аллоҳ Айюб алайҳиссаломга (Қуръони каримда номи келтирилган пайғамбарлардан бири. Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли бўлган Айснинг авлодидан эди. Жуда кўп мол-мулки бор эди. Аллоҳ ҳар бандасини, шу жумладан, пайғамбарини ҳам синагандай, уни ҳам имтиҳон қидди. Бутун мол-мулки қўлидан кетди. Шунда ҳам у шукр қилди. Хаста бўлди, яна шукр қилди, сабр этаверди. Бадани яраларга тўлиб кетди, яна сабр қидди. Яралари қуртлади, ёнига одам келмас бўлди, фақатгина хотини садоқат билан хизматини қилаверди. У ҳамон сабр қилар, ибодатида давом этарди. Ривоятларга кўра, Аллоҳ сабрни 10 га бўлиб, 9 қисмини Айюбга, фақат бир қисмини ер юзидаги барча инсонларга берган эди. Ва Аллоҳунга соғлиқ, кетидан бир неча фарзанд ато қилди. Шундан кейин у ўзига аталган юртда ўз қавмига яна йигирма йил пайғамбарлик қилди) ваҳий йўли билан билдирди:

—Мен комил бандаларимдан комиллиги эвазига фақат шукр олишга рози бўлдим.

Яна Аллоҳ сабрлиларнинг ҳолини баён этган бир ваҳийда марҳамат қилди:

— Уларнинг жойи жаннатда доруссалом (жаннатдаги бир боғдир). У ерга кирган вақтларида шукрни илҳом қилажакман. Бу энг яхши сўздир. Шукр қилган пайтларида уларни маъмур этаман. Менга назар солишлари билан янада маъмур этаман.

Мол-мулк ва бойликлар ҳақидаги оятлар инзол бўлганда, Умар Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан сўради:

- Қандай турдаги нарсани мол қилай?

Расул буюрдилар:

-Сизлардан ҳар бирингиз Аллоҳни зикр этувчи тилни ва унга шукр қилувчи қалбни мол қилингиз!



Кўриниб турибдики, Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳнинг неъматларига шукр қилувчи қалбни молдан устун қўйишни амр этганлар.

Ибн Масъуд шундай дейди:

- Шукр иймоннинг ярмисидир. Билки, шукр:

1) қалб билан;

2) тил билан;

3) аъзолар билан изҳор этилади.

Қалб билан шукр қилиш - бу, қалб билан яхши нарсаларни ният қилмоқ ва барча жонзотлар учун қалбда яхши фикрларни жб этмоқ демақдир.

Тил билан шукр қилиш — бу, шукрини далилловчи сўз ва жумлалар билан Аллоҳга ҳамд этмоқдир.

Аъзолар билан шукр қилиш - бу, Аллоҳнинг неъматларини ибодат, итоат ва хайр йўлларида ишлатмоқ, уларни Аллоҳга исён йўлида ишлатишдан тийилмоқдир. Масалан, гап-сўз бўлиб тургай ҳар турли гуноҳ ва айб нарсаларга қарашдан кўзларни олиб қочмоқ ва юммоқ - бу, кўзнинг шукридир. Мана шу «аъзо ила Аллоҳнинг неъматларига шукр» жумласидандир. Тил билан Аллоҳнинг ёзмишларига розилигини ифодаламоқ тилнинг шукридир. Зотан, тилга шу вазифа юкланган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кишидан сўрадилар:

—Тонггача тунинг қандай ўтди? У киши жавоб берди:

—Яхши. Расул (с.а.в.) саволни такрорладилар: у киши ҳам айни жавобни берди. Савол учинчи марта такрорланганда, у киши:

— Яхши! Алҳамдулиллоҳ, ўзига минг қатла шукр! - деди.

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Мана, сендан тилаган жавобим шу эди, - деб айтдилар.

Кекса мусулмонлар бир-бирларига диний саволлар бериб, сўзга оид мунозара қилардилар. Мақсадлари шу баҳонада Аллоҳга шукр қилиш эди. Риё ва кўз-кўз эмас. Чунки савол сўраган ҳам, жавоб берган ҳам сабрли бўлар, қаршисидаги кишини мутеона тинглар эди. Баъзида савол берган кимса ё шукр қилар, ё шикоят этар ва ё мум тишлаб қолар эди.

Шукр — итоатдир, ибодатдир. Шикоят эса гуноҳдир, дин аҳлига кўра хунук бир нарсадир. Султонларнинг султони Аллоҳнинг наздида қандай айб саналмасин, ҳаммаси Унинг Қудрат қўлида. Ҳар ким ва ҳар нарса унинг бандасидир. Жонзотлар асос эътибори ила ожиздир. Агар киши балоларга ва тақдири илоҳийга сабр этмаса, шикоят қилиб, қўли етмайдиган нарсаларга осилаверса, ўзига-ўзи жабр қилади, асли-да, унга бу шикоятини гувоҳсиз, Аллоҳнинг ўзига айтиш муносибдир. Чунки балоларни даф этиш фақат Аллоҳнинг қўлидан келади. Бандасининг ўз ҳолини Аллоҳга тўкиб солиши олижанобликдир. Аллоҳдан бошқасига шикоят қилиш эса тубанликдир. Банданинг бандага зорланиши хорликдир, хунукдир.

Аллоҳ буюради:

**—Сизлар Аллоҳни қўйиб фақат бутларга ибодат қилмоқчисизлар ва (уларни «худолар» деб) ёлғон тўқимоқдасизлар. Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсалар сизларга ризқу рўз беришга қодир эмаслар. Бас, сизлар ризқу рўзни Аллоҳ даргоҳидан истанглар ва Унгагина ибодат қилинглари, Унгагина шукр қилинглари (зотан), сизлар Унгагина қайтарилурсизлар. (Анкабут сураси, 17-оят)**

**— Шубҳасиз, Аллоҳдан ўзга, сизлар илтижо қилаётган нарсалар худди (сизнинг) ўзларингиз каби бандалардир. Бас, агар ростгўй бўлсангиз, сизлар уларни чақиринглари, улар сизларга жавоб қилсинлар-чи? (Аъроф сураси, 194-оят)**

Лисон (тил) билан шукр қилиш ҳам шукр жумласидандир.

Ўз вақтида бир гуруҳ ёшлар халифа Умар ибн Абдулазизни зиёрат қилгани борадилар. Халифага борганларида ичла-ридан бири оёққа туриб сўзламоқчи бўлади, шунда халифа:

— Катталар гапирсин, катталар! — дейди.

Ўрнидан турган йигит эса:

— Эй мўминларнинг халифаси, — дейди, — агар гап ёш масаласида бўлсайди, муслмонларнинг ичида сиздан кексароғи ҳам бор (ўша халифа бўлиши керак эди). Шунда халифа, ёш йигитга: «Гапир!» — дейди.

Йигит шу гапларни айтади:

- Биз сизнинг ҳузурингизга иштиёқимиз ё кўрққанимиздан келмадик!.. Фазлингиз бизга иштиёқингизни етказди. Адолатингиз эса биздан кўрқувни олиб ташлади. Биз фақатгина сизга ташаккур айтгани келдик. Лйсон билан ташаккур айтиб қайтамыз.

## КИБР-ҲАВОНИНГ ЁМОНЛИГИ

Аллоҳ, бизга юборган китоби - Қуръонда кибр-ҳавони ва ҳар қандай мутакаббир кишини қоралайди ва айблади:

— **Энди Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, тўғри - Ҳақ Йўлни кўрсалар ҳам уни (ўзлари учун) йўл қилиб олмайдиган, агар залолат — нотўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб оладиган кимсаларни ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб кўюрман). Бунга сабаб улар Бизнинг оятларимизни ёлғон деганлари ва у оятлардан ғофил бўлиб олганларидир.** (*Аъроф сураси, 146-оят*)

— **Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирон ҳужжат - далилсиз талашиб-тортишадиган кимсалар Аллоҳ наздида ҳам, иймон келтирган зотлар наздида ҳам катта нафратга дучор бўладилар. Аллоҳ ҳар бир мутакаббир ва зўравоннинг қалбини мана шундай муҳрлаб кўюр.** (*Ғофир сураси, 35-оят*)

— **(Сўнгра пайғамбарлар Аллоҳдан) мадад тиладилар ва барча жабркор-саркаш кимсалар бахтсизликка дучор бўлдилар.** (*Иброҳим сураси, 15-оят*)

— **У зот (Аллоҳ) мутакаббир кимсаларни севмас.** (*Наҳл сураси, 23-оят*)

— **Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсалар: «Бизларга фаришталар туширилса эди ёки Парвардигоримизни кўрсак эди» дедилар. Қасамки, улар ўзларига бино кўйдилар ва жуда катта кетдилар.** (*Фурқон сураси, 21-оят*)

— **Албатта, менга ибодат этишдан КИБР-ҲАВО қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга кирурлар.** (*Ғофир сураси, 60-оят*)

Қуръонда КИБР-ҲАВО қораланган оятлар жуда кўл. Ҳадисларда ҳам шу ҳолни кўрамыз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

— Қалбида хантал (горчица) донасининг бир дирҳам оғирлиги қадар кибр-ҳавоси бўлган кимса жаннатга кирмайди. Қалбида хантал донасининг бир дирҳами қадар иймони бўлган кимса эса жаҳаннамга кирмайди.

Абу Ҳурайра ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

- Аллоҳ буюради: «**БУЮКЛИК** менинг чакмонимдир, **УЛУҒВОРЛИК** эса кўйлагимдир. Кимда-ким булардан бири хусусида мен билан талашса, уни жаҳаннамга отаман, ҳеч ҳам эътибор бермайман».

Абу Салама ибн Абдурраҳмон (бани Ҳошим қабиласидан. Муҳаммад пайғамбаримиз с.а.в. хонадонларининг яқин кишиларидан. Вафоти м. 750 й.) ҳикоя қилади:

- Абдуллоҳ ибн Амр (саҳоба. Бадр жанги ғозийларидан) билан Абдуллоҳ ибн Умар Сафо тоғида учрашиб қолишди, лекин ибн Амр саломлашмасдан ўтиб кетди. Ибн Умар турган ерида қотганча туриб қолди ва йиғлай бошлади. Ундан: «Нега йиғлаяпсан, эй Абдурраҳмоннинг отаси?» - деб сўрадилар. Ибн Умар дедики:

- Расулulloҳ(с.а.в.)нинг: «Кимнинг қалбида хантал донасининг бир дирҳами қадар кибр-ҳаво бўлса, Аллоҳ уни хору зор этиб, жаҳаннамда кабоб қилади!» - деганни эшитдим, деганди-ку?

Яна Аллоҳ Расули дедилар:

-Нафсининг амри йўлида кетган ҳар бир кимса мутакаббирлар дафтарига ёзилади ва уларга етказилган азоб буларга ҳам етказилади.

- Уч тоифа киши жаннатга киролмайди:

1.Хасис.

2.Такаббур-золим.

3.Бадфеъл.

-Жаннат ила жаҳаннам баҳслашиб қолишди. Жаҳаннам дедик: «Мен ТАКАББУРЛАРни ва МУСТАБИД-ЗОЛИМЛАРни устун кўраман!» Жаннат эса дедик: «мен эса КАМТАРЛАРНИ, ФАҚИРУ БЕНАВОЛАРНИ ва ОЖИЗЛАРни устун кўраман!» Аллоҳ жаннатга овоз берди: «Сен менинг раҳматимсан! Бандаларимдан истаганимни сен билан РАҲМАТИМГА фарқ этаман!» Жаҳаннамга эса дедик: «Сен менинг азобимсан! Истаганимни сен билан азоблайман. Сизларга тушганлар сизларники бўлажак!»

-Қандай бир ёмон киши эканки у зўравонлик қилди, қутурди, энг буюк қудрат соҳиби (Аллоҳ)ни унутди. Қандай бир бўлмағур киши эканки, у мустабидлик қилди, золимлик қилди, кибрланди, энг буюкни ва энг улўғни (Аллоҳни) унутди. Қандай бир нокас эканки, у умрини ғафлатда ўтказди, хато қилди, қабрни ва бошига гушажак балоларни унутди. Қандай бир ярамас киши эканки, у ҳаддидан ошди, аввалини ва охиратини унутди.

Пайғамбаримиз(с.а.в.)га бир кишининг устидан шикоят қилдилар:

— Эй Аллоҳнинг Расули, фалон киши шу қадар КИБР-ҲАВОЛИКИ!

Расул дедилар:

— Бу КИБР-ҲАВОДАН кейин ўлим йўқ эканми?

Абдуллоҳ ибн Амр ҳикоя қилади: Расулуллоҳ (с.а.в.) билдирдиларки:

— Нуҳ алайҳиссалом ўлими олдидан икки ўғлини чақириб, шундай деди: «Икковингизга икки нарсани буюраман, икки нарсани тақиқлайман:

1. Аллоҳга шерик танишни ва кибр-ҳавога берилишни манъ этаман.

2. Ла илаҳа иллаллоҳ (коинотда ибодат қилинадиган ёлғиз Аллоҳдир), Субҳаналлоҳ ва биҳамдиҳи (Аллоҳни нуқсоний сифатлардан танзиҳ этаман, унга ҳамд айтаман) жумлалари ифодалаган ҳақиқатларни тасдиқлашингизни буюраман, чунки осмонлар, Ер ва уларда неки бор бўлса – ҳаммасини тарозининг бир палласига, «Ла илаҳа иллаллоҳ» жумласини (бу жумла ифодалаган ҳақиқатни) бошқа палласига қўйилса, ҳеч шак-шубҳасизки, «ла илаҳа иллаллоҳ» оғир

келади. Агар осмонлар ва Ер теп-текис, ягона бир майдон бўлса-ю, «ла илаҳа иллаллоҳ» унинг устига қўйилса, ҳеч шак-шубҳасиз, уни чўктириб юборади. «Субҳаналлоҳ ва биҳамдиҳи» эса барча бандаларнинг дуосидир. Бутун бандалар шу дуо билан ризқланади.

Ҳз. Исо шундай дейди:

— Аллоҳ қай кимсага ўз китобини ўргатса ва у кимса то ўлгунча ЗЎРЛИК-ЗЎРАВОНЛИК қилмаган бўлса, ундан бахтиёрроқ киши бўлмайди.

Жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар:

—Жаҳаннам аҳли: золимлар, такаббурлар ва мол-мулк йиғиб ҳам атрофдагиларга фойдаси тегмаган хасислардир. Жаннат аҳли эса: камтарин-камсуқумлар ва мол-мулкни жамиятнинг хайри учун сарфлаганлардир.

—Қиёмат куни бизнинг энг севимли кишиларимиз ва бизга энг яқин бўлганларингиз энг яхши ахлоқли бўлганларингиздир. Бизнинг энг севмаган киптиларимиз ва бизга узоқ бўлганларингиз сафсатабоз, бемаъни, вайсақиларингиз ва ТАКАББУРЛАРИНГИЗДИР.

-ТАКАББУРЛАР қиёмат куни уруғ доналаридай бир жойга йиғилдилар. Одамлар уларни одамсифат уруғлар деб ўйлаб, беҳос топтаб ўтадилар. Энг кичик нарса ҳам уларнинг устига чиқади. Сўнгра жаҳаннамда БУЛАС деган бир зиндонга ташланадилар. Олов уларни ўша ерда чирмайди. Улар чанқоқларини қонли йиринг билан босадилар.

Муҳаммад ибн Восеъ ҳикоя қилади:

— Биллол ибн Аби Бурданикига борганимда: «Эй Биллол, - дедим, — сенинг отанг ўз отасининг Расулulloҳ(с.а.в.)дан бир гап эшитганини айтганди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтган эканларки:

«Жаҳаннамда ҲАПҲАП деган бир ДАРА бор. Аллоҳ ТАКАББУР-ЗОЛИМЛАРНИ ўша дарага жойлайди». Эҳтиёт бўл, эй Биллол, у ернинг одамларидан бири бўлиб қолма.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

- Жаҳаннамда бир бино бор. ТАКАББУРЛАР билан тўлдирилиб, усти бекитиб ташланади.
- Аллоҳим, КИБРУ ҲАВО ва КАТТАЛИКНИНГ ҳидидан ҳам асра!
- Кимнингки руҳи жасадидан айрилган вақтда унда уч нарса бўлмаса, у жаннатга киради:

1. Кибру ҳаво.

2. Қарз.

3. Ҳиёнат.

Баъзи буюкларнинг сўзлари:

Абу Бакр:

— Ҳеч бир мусулмон ўзидан бошқа мусулмонни ҳақир ва кичик деб билмасин, чунки кичик кўринган мусулмон Аллоҳнинг назарида каттадир.

Ваҳоб:

- Аллоҳ АДН ЖАННАТИНИ (жаннатнинг энг мақбул ерини) яратди, унга қараб: «Сен жамики ТАКАББУРЛАРга харомсан!» - деди.

Аҳнаф ибн Қайс (тўлиқ исми Абу Баҳр Заҳҳок ибн Қайс. Тобеинлардан. Вафоти м. 675 й) Мусъаб ибн Зубайр (тўлиқ исми Мусъаб ибн Зубайр ибн Аввомдир. Зубайр ибн Аввом (шаҳид бўлган йили ҳ. 34) 12 ёшида исломга кирган, ислом йўлига биринчи бўлиб қилич яланғочлаган саҳобалардан бўлиб, Мусъаб унинг ўғлидир) билан бирга унинг хонадонидан турарди. Бир кун Аҳнаф келди, Мусъаб оёқларини узатганча ўтирарди. Аҳнаф келганда оёғини йиғмади. Аҳнаф ўтирди, лекин безовталанади, ўзини эркин ҳис қилолмасди. Мусъаб буни унинг юзидан ўқиди ва шундай деди:

— Кибрланган, ўзини катта олган одам ўзининг қанчалик ғариблигини билмайди, ҳолбуки у икки марта сийдик йўлидан чиққан, холос.

Ҳасан Басрий:

— Одамзот нақадар ғариб!.. Кунига бир марта ёки икки марта ахлатини аритади (оқизади), кейин эса осмонларнинг соҳиби Аллоҳга қарши чиқади.

Муҳаммад ибн Ҳусайн:

— Инсоннинг қалбига кирган КИБР қанча бўлса, ақли ҳам шунча камчиликка эга бўлади.

Сулаймон Ҳаввосдан (ўрта аср ислом муфассирларидан) сўрадилар:

— Одамда ёмон хислатнинг қай бири бўлган вақтда у қилган яхшилиқдан фойда чиқмайди?

Жавоб берди:

— КИБР!

Нўъмон ибн Башир (саҳоба, амир. Тўлиқ исмлари Нўъмон ибн Башир ибн Саълаба ибн Саъд ал-Ансорий ал-Ҳазражий. Оналари — Абдуллоҳ ибн Рувоҳанинг синглиси бўлмиш Амра бинти Рувоҳа. Кўплаб ҳадислар ривоят қилганлар. Ўлими 64/682 й) минбардан шундай деган эди:

— Шайтоннинг бир талай тузоқлари бор. Аллоҳнинг неъматлари билан ГЕРДАЙМОҚ, Аллоҳнинг берганлари билан МАҚТАНМОҚ, Аллоҳнинг бандаларига КИБР-ҲАВО қилмоқ, Аллоҳнинг ахлоқ асосларидан чиқиб, ҳавойи нафсга берилмоқ шундай тузоқлар жумласидандир. Дунё ва охирада Аллоҳдан лутф-карам айлаб афв этишини, омонлик ва офият беришини тилаймиз.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтадилар:

- Аллоҳ, КИБР туфайли либосини доғ қилган кимсага назар қилмайди (ёки: КИБР туфайли либосига доғ туширган кимсани назарига илмайди).

- Бир вақт бир одам катак кўйлак кийиб соллана-соллана борарди, кўйлагидан ғурурланган

эди. Аллоҳ уни ерга тикди. Энди у то қиёматгача ўша ерда типирчилаб ётади.

- Ким КИБРЛАНИБ либосини узун қилса, Аллоҳқиёмат куни унга қарамайди.

Зайд ибн Аслам ҳикоя қилади:

- Ибн Умарниқига боргандим. Абдуллоҳ ибн Воҳид ҳам унинг ҳузурда экан, эғнида янги бир либос бор эди. Ибн Умар шундай деганини эшитдим:

- Эй ўғил, либосингни ечиб, тахлаб ол. Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман, шундай дер эдилар: «Либос кийиб, шундан КИБРЛАНГАН кимсага Аллоҳ назар ташламайди».

Бир кун Атлоҳ Расули (с.а.в.) кафтига туфладилар. Тупугининг устига бармоғини қўйиб дедиларки: «Аллоҳ айтади:

-Эй Одамзод, мени ожиз деб ўйлаяпсанми? Ҳолбуки, мен сени мана шуни каби нарса (маний)дан яратдим. Сени қиёмга келтирдим. Бенуқсон қилдим. Мана, либосларинг ичида юра оласан. Ердан сенга шундай овоз келажак: «Мол-мулк тўпладинг, ҳаммасини чангалладинг, бошқа хилқатлар ҳам фойдалансин учун харжламадинг. Жон бўғзинга келганда: «Садақа қиламан!» - дединг. Садақа қиладиган пайтинг қачон келади?»

- Умматим соллана-соллана, КИБРЛАНИБ юрадиган бўлиб қолди, форслар ва румлар уларга хизмат қила бошлади, аммо ҳали Аллоҳ кимни кимнинг бошига бало қилиши маълум эмас.

- Ким ўзида буюклик кўрса ва юрганда КИБРЛАНСА, Аллоҳга етишган вақтида Уни ғазабланган ҳолда топади:

Абу Бакр Ҳуддали (ҳижрий II асрда яшаган тобеинлардан) ҳикоя қилади:

—Бир вақт Ҳасан Басрий билан ўтиргандик. Ибн Адҳам ёнимиздан ўтиб қодди. Жомеънинг султонларга оид қисмига кириш ниятида эди. Устида денгиз қўйи жунидан (терисидан) бир либос бор эди, гердайганча соллана-соллана борарди. Ҳасан Басрий уни кўрганда:

—Ўҳ, ўҳ!.. Кибрни қаранг, бурун нақосмонда! Қовоқлар солиқ, солланиб юришлар бўлакча, ўнгу сўлга виқор билан боқишлар!.. - деди. Сўнгра қўшимча қилди:

—Эй аҳмоқ, сен елкаларингдаги Аллоҳга шукр қилмай, Уни эсга олмай, Унинг қонунларига амал қилмай топган ва шукри адо этилмаган неъматларинг ила керилмоқдасан. Аллоҳ ато этган аъзоларингнинг ҳар бири Унинг бир неъматидир. Аллоҳга онт ичиб айтаманки, ҳар қандай инсоннинг табиий ҳолда, қимтиниб, ўзини бир оз ноқулай ҳис қилиб юриши бундай гердайиб юришидан хайрлироқдир.

Ибн Адҳам бу сўзларни эшитди. Орқасига қайтиб келди, Ҳасан Басрийдан узр сўрамоқчи бўлди. Лекин бу шундай деди:

—Мендан узр сўрама, Аллоҳга тавба қил. Аллоҳ нима деб буюрганини эшитмаганмисан:

—**Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) ҳаргиз Ерни ёролмайсан, бўй-бастда тоғларга етолмайсан. Буларнинг бари Парвардигорингиз наздида макруҳ бўлган гуноҳлардир.** (Ал-Исро сураси, 37-38-оятлар)

Бир йигит Ҳасан Басрийнинг ёнидан ўтиб кетаётган эди. Устида яхши газмолдан тикилган либос бор эди. Ҳасан Басрий уни чақириб, шундай деди:

—Эй одамзод, ёшлигинга мағрурсан, кўринишларинг ва хатти-ҳаракатларинг ўзинга ёқади. Гўё аллақачон қабрга кириб ётиб чиққандай ва гўё амалларинг қай аҳволда эканлигини билгандай юрибсан. Уят сенга! Эсиз сенга! Қалбингни шифолаб ол. Уни гўзал туйғулар билан нақшла, зеро Аллоҳнинг бандаларидан кутгани қалбларини ислоҳ қилишларидир.

Муҳаммад ибн Восеъ ўғлининг кибр-ҳаволи бўлиб қолганини пайқади, уни чақириб, деди:

- Сен ким бўлганингни биласанми? Онанга келсак, уни юз дирҳамга сотиб олганман (маҳр). Отанга келсак, Аллоҳ мусулмонлар орасида унинг кабиларни асло кўпайтирмасин! (Сен ниманга гердаясан?)

Ибн Умар бир кишининг либоси туфайли кибрланаётганини кўрди ва дедики:

- Ер юзида ҳам шайтоннинг туғишганлари кўп! Шайтон КИБРГА берилиб, Одамни менсимагани учун Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум этилганди)...

Ибн Умар бу сўзни икки ёки уч марта такрорлади.

Мутарриф ибн Абдуллоҳ (ҳижрий I асрда яшаган саҳобалардан) Муҳаллабни (ҳижрий 1 асрда яшаган саҳобалардан) кўрди. Янги ва гўзал хирқа кийиб, гердайганча кетаётган эди. Мутарриф унга қараб деди:

- Эй Аллоҳнинг бандаси, бу қанақа юриш? Бундай юришдан Аллоҳ ҳам, унинг Расули (с.а.в.) ҳам ғазабланадику?!

Муҳаллаб:

- Мени танимаяпсанми? — деганда, Мугарриф шу жавобни берди:

- Ҳа, танийман. Энг олдин ифлос бир маний эдинг, кейин янада ифлосроқ ахлат йиғиндиси бўлдинг! Энди бу иккисининг орасида ахлат ташувчи бир ҳаммолсан, бошқа нарса эмассан!

Муҳаллаб бу сўзлардан кейин индамай ўтиб кетди, лекин бундан сўнг юрганда гердаймайдиган бўлди, кибру ҳавони тарк этди.

Бу мавзудаги баъзи гўзал мисралар:

*Бичимидан кибрланган кимсаларга ҳайронман:*

*Билмасмилар бўлганларин маний деган айрондан?*

*Бугун улар кўркамдирлар, гўзалдирлар албатта.*

*Эрта яна мурда бўлиб ётмасмилар лаҳадда?!*

*Бир дўстим бор амалга ўч, керилади қишу ёз,*

*Гуноҳлари олам-олам, савоблари жуда оз.*

*Ута қайсар, парвонадай ўзин ҳар ён уради,*

*Кимни кўрса, салом бермай, гердайганча туради.*

*«Тенгим йўқ!» деб гердайдиганди, унга дедимки:*

*«Ошна, Кўтарилган жойларингда одоб сақла озгана!»*

*Эй, такаббур, гердаймагил, буюклик хос Аллоҳга!*

*Биз лойданмиз, унутмагил, кўпда ботма гуноҳга!*

## ТАФАККУР (ФИКРЛАШ)

Аллоҳ бизга юборган китоби — Қуръонда қайта-қайта тафаккурдан баҳс этади ва фикрлаш керак, деб буюради. Мана, Аллоҳнинг буйруқлари:

- **Осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун ибратли далиллар борлиги шубҳасиздир.** (*Ол-и Имрон сураси, 190-оят*)

- **У (Аллоҳ) фикрлаб, ибрат олмоқчи бўлган ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирининг) ўрнини босувчи қилиб қўйган зотдир.** (*Фурқон сураси, 62-оят*)

Ото дейдики:

- Оятдаги «Кеча ва кундузни бир-бирининг ўрнини босувчи қилиб»дан мурод - ёруғлик ва қоронғиликнинг кетма-кет келиши, кунлардаги ва тунлардаги узайиш ва қисқаришлардир.

Бир шоирнинг гўзал сатрларидан намуналар:

*Эй, оқшомдан ҳузур ичра ухлаган инсон,*

*Ҳодисалар саваётир тонглари, уйғон!*

*Тунлар боши соз бўлди деб, қувонма дарров,*

*Не-не тунлар охирида келтирар олов!*

*Бу кечалар инсонларнинг меҳмонларидир,*

*Унда битар ва бошланар саноқсиз умр.*

*Қисқа бўлса ҳамки, узун НОЛОН КЕЧАЛАР,*

*Узун бўлса ҳамки, қисқа ШОДОН КЕЧАЛАР.*

Аллоҳ мутафаккирларни мақтаб, марҳамат қилдики:

— **Улар (мутафаккирлар) турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни**

**эслайдилар ҳамда осмонлар ва Ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил!» (Ол-и Имрон сураси, 191-оят)**

Ибн Аббос - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ҳикоя қилади:

Бир тўда инсонлар Аллоҳ ҳақида фикрлаб ўтиришарди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки: «Аллоҳнинг яратганлари тўғрисида фикрланг, Аллоҳ ҳақида фикрламанг. Чунки сизлар Унинг буюклигини чинакамига баҳолай олмайсизлар».

Бир куни Аллоҳ Расули (с.а.в.) бир жамоага учрадилар. Улар ўйга чўмган эдилар. Расул (с.а.в.) сўрадилар:

- Нега гаплашмай ўтирибсиз? Дедилар:

- Аллоҳнинг яратганларини ўйлайликми? Расул (с.а.в.) буюрдилар:

-Шундай бўлсин! Аллоҳнинг яратганлари ҳақида фикрланг, лекин Аллоҳ ҳақида фикрламанг. Мана шу ғарб тарафингизда бир оқ кенглик бор, ундан таралувчи нур оқиш, безаги ҳам ана шу нуридир. Бу кенглик Қуёшгача қирқ кунлик масофадир. У ерда Аллоҳга заррача ҳам исёнлари бўлмаган бандалар яшайдилар.

Дедилар:

- Шайтон қаерда? Уларни безовта қилмайдими? Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

- Шайтон яратилдими, яратилмадими, - билмайдилар.

Ото ҳикоя қилади:

- Бир кун Убайд иккимиз Ҳз. Ойшани зиёрат қилдик. Биз билан суҳбатлашди. Лекин унинг билан бизнинг орамизда бир парда бор эди. Ойша дедики: «Эй Убайд, мени зиёрат қилишингга нима тўсқинлик қилади?» Убайд Аллоҳ Расули(с.а.в.)нинг: «Зиёратларинг танаффусли бўлсин, севгинг (соғинчинг) ортиб борсин!» деган сўзлари тўсқинлик қилади!» - деб жавоб берди. Сўнгра Убайд дедики: «Эй Ойша, Аллоҳ Расули(с.а.в.)нинг ҳаётида содир бўлган, ўзинг кўрган, одамни ҳайратга соладиган бирор ҳодисани хабар қил!» Ҳз. Ойша йиғлади ва дедики:

- Уларнинг ҳар бир ҳаракати фавқулодда ва ҳайратланарли эди. Менга аталган тунда бир маҳал ёнимга келдилар. Танини танимга теккиздилар. Сўнгра: «Менга рухсат бер, Раббимга ибодат қилай!» - дедилар . Мен рухсат бердим. Турдилар, обдастани олдилар. Таҳорат қиддилар. Кейин намозга турдилар. Юм-юм йиғлар эдилар. Соқоллари (кўз ёшдан) ҳўл бўлди. Сўнгра саждага кетдилар, кўз ёшларидан жойнамоз ҳўл бўлди. Намоздан кейин ёнбошлаб ётдилар. Шу асно муаззин Билол бомдод азонини айтиб келди. «Эй Аллоҳнинг Расули, - деди у, - Сизни нима йиғлатди, ахир, Аллоҳ сизнинг қилган ва қиладиган гуноҳларингизни афв этган-ку?!»

— Устингга Аллоҳнинг марҳамати ёғилсин, эй Билол! Мени йиғлашдан нима ҳам қайтара оларди? Аллоҳ бу кеча менга шундай сўзларни инзол этди ва буюрдики:

-Осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун ибратли далиллар борлиги шубҳасиздир.

Сўнгра Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

-Бу оятни ўқиб, у ифода қилаётган маъно устида ўйламайдиган кимсаларга ачинаман.

Муҳаммад ибн Восеъ ҳикоя қилади:

— Басралик бир киши Абу Зар ўлгандан кейин Умму Зарга уйланганди. Ундан Абу Зар қандай ибодат қиларди, деб сўради. Умму Зар шу жавобни берди:

-Бутун кун бўйи ўйнинг бир бурчагида ТАФАККУР қиларди.

Ҳасан Басрий дерки:

— Бир соатлик ТАФАККУР бир кеча давомида қилинган ибодатдан хайрлироқдир.

Фузайл эса шундай дейди:

-ФИКРЛАМОК бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади.

Иброҳим ибн Адҳамга: «Сен узун ўйларга толасан», - дедилар. У шу жавобни берди:

— Ҳайламоқ (ТАФАККУР) ақлнинг илигидир!

Суфён ибн Убайна (машҳур ҳадисчи. Туғилиши ҳ. 107, ўлими 198 й) бу борада кўпинча шу байтни айтарди:

*«Одамзодда бўлса қачонки ФИКР,  
Ҳар нарсадан ибрат айлагай зикр».*

Товус (тўлиқ исми Товус ибн Кайсон. Тобеин, фақиҳ) ҳикоя қилади:

Бир кун ҳаворийлар Ҳз. Исога дедиларки:

— Бугун ер юзида Сизнинг бир монандингиз борми?

Ҳз. Исо шу жавобни берди:

— Ҳа, кимнингки мантиқи ЗИКР, сукути ФИКР, қараши ИБРАТ бўлса, ана ўша менинг монандимдир.

Ҳасан Басрий шундай дейди:

— Кимнингки сўзи ҳикматсиз бўлса, у сўз ботилдир. Кимнингки сукути тафаккурсиз бўлса, у сукутда хатолик бор. Кимнингки қараши ибрат олиш учун бўлмаса, у бир хурсандчиликдир.

— **Энди Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, Тўғри-Ҳақ Йўлни кўрсалар уни (ўзлари учун) йўл қилиб олмайдиган, агар залолат — нотўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб оладиган кимсаларни ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман. Бунга сабаб улар Бизнинг оятларимизни ёлғон деганлари ва у оятлардан ғофил бўлиб олганларидир.** (*Аъроф сураси, 146-оят*)

Ҳасан Басрий «Оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман» жумласини шундай тафсир қилади:

— Менинг яратганларим тўғрисида ўйлаганда қалбларини англаб етмайдиган қилиб қўяман (Менинг яратганларим ҳақида ўйлаб тагига етишни қалбларига тақиқлаб қўяман).

Абу Саид Ҳудрий ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

— Кўзларингизнинг ибодатдан насибасини берингиз!

Сўрадилар:

— Эй Аллоҳнинг Расули, кўзларнинг ибодатдан насибаси нима? Дедилар:

— Қуръонга боқмоқ (ўқимоқ), у ҳақда фикрламоқ ва таъсир кучидан ўғит олмоқ, ибрат олмоқдир.

Луқмон узун муддат ёлғиз ўтирар, одамларга аралашмас эди. Қўшниси унга учради ва:

— Эй Луқмон, сен ёлғиз ўтиришни чўзиб юборяпсан, агар одамлар билан ўтирсанг, сенинг билан дўст бўлувчи киши топилиб қоларди, - деди. Луқмон шундай жавоб берган эди:

— Узун муддат ёлғиз қолиш — фикрга комиллик беради, комил фикр эса жаннатга бошлаб борувчи йўлкўрсаткичдир.

Баъзи буюқларимизнинг сўзлари: Ваҳоб ибн Мунаббих:

— Кишининг тафаккури узайса — билади, билса — амал қилади.

Умар ибн Абдулазиз:

— Аллоҳнинг неъматлари борасида ўйламоқ ибодатнинг энг фазилатлиларидандир.

Абдуллоҳ ибн Муборак Саҳл ибн Алини (ҳижрий II асрда яшаган зоҳидлардан) қаттиқ ўйга чўмган ҳолда кўриб: «Қаергача етдинг?» - деб сўрайди. Саҳл шу жавобни беради:

— Сиротгача.

Бишр:

— Агар инсонлар Аллоҳнинг улуғлиги ҳақида фикрлаган бўлсайдилар, Унга исён қилмасдилар.

Ибн Аббос:

— Тафаккур билан ва бажонидил ўқилган икки ракъат намоз бутун тун бўйи истар-истамас ўқилган намоздан хайрлироқдир.

Бир вақтлар Абу Шурайҳ (ҳижрий II асрда яшаган зоҳидлардан) йўлда кетар экан, ўтирди.



Чакмонига ўранди, йиғлай бошлади. Ундан:

— Нега йиғлайсан? — деб сўрадилар.

Дедики:

— Умрим тугаётганига, амалим озлигига, ажалим яқинлашиб келаётганига йиғлаяпман.

Ҳотам Асом:

— Ибрат илмни орттиради, зикр Аллоҳ севгисини орттиради, тафаккур Аллоҳ олдидаги қўрқувни орттиради.

Ибн Аббос:

— Яхши мавзудаги ТАФАККУР ўша яхшиликни қилишга ундайди. Ёмонликдан афсус-надомат қилмоқ ўшандай ёмонликдан қочишга ундайди.

Баъзи муқаддас китобларда қайд этилади:

— (Аллоҳ буюради): Мен ҳар бир ҳикмат соҳибининг ҳам сўзини қабул қилавермайман. У кимсанинг ичидаги ўйларига ва ғайрат-шижоатига қарайман. Агар нияти ва ғайрат-шижоати менинг учун бўлса, сукутини тафаккур, гапирмаса ҳам, сўзини шукр ўрнида қабул қиламан.

Ҳасан Басрий:

— Оқиллар зикрдан тафаккурга, тафаккурдан зикрга ўтадилар. Қалбларининг гапиришини талаб қиладилар. Ва ниҳоят, қалблари ҳикматли сўзларни айта бошлайди.

Исҳоқ ибн Ҳолаф (ҳижрий Ш-1У асрларда яшаган ҳадис олими) ҳикоя қилади: Довуд Тоий Ойдин бир кечада бир том устида бўлади ва Осмонларнинг ва Ернинг сирлари тўғрисида ўйлайди, бу орада Самога қарайди ва юм-юм йиғлай бошлайди. Бир маҳалда қўшнисининг уйига тушади. Уй эгаси уни ўғри деб ўйлайди. Ўрнидан туриб, қўлига қиличини олади-да, унинг устига қараб юради. Лекин унинг Довуд Тоий эканлигини кўрганда орқасига қайтади, қиличини жойига ташлаб келади, кейин Довуд Тоийдан сўрайди:

— Сени томдан бу ерга ким отди?

Унинг берган жавоби шу бўлди:

- Билмадим, бунинг фарқига борганим йўқ!

Жунайд Бағдодий:

— Мажлисларнинг энг шарафлиси ва энг олийси тавҳид соҳасида ўйланиб (тафаккур этиб) ўтирмак, маърифат шамоли билан елпинмоқ, муҳаббат косасида дўстлик дарёсидан ичмоқ ва Аллоҳга ҳусни зан (яхши хаёл билан) назар айламоқдир. Эй мажлисларнинг энг улуғи, эй шарбатларнинг энг ширини! Сиз насиб қилган кишилар нақадар бахтиёрдирлар!

Имом Шофеъий: —Сукут сақлаган ҳолда гаплашмоққа, тафаккур билан масала ҳал қилмоққа ёрдам талаб қилингиз.

— Ҳодисаларга соғлом назар билан қараш ғурурдан қутулишдир. Қудратли фикр хатодан ва надоматдан холидир. Кузатиш ва фикрлаш фаросатни очиб юборади. Ҳикмат аҳли билан гаплашмоқ нафсга сабот беради, кўрувчанликни кучайтиради. Бир қарорга келишдан олдин ўйла, ҳужумга ўтишдан олдин тадбир ол, ҳар нарсанинг аввалида бир кенгаш эт.

- Фазилатлар тўрттадир:

1. ҲИКМАТ Бу, тафаккур ила етилади.

2. ИФФАТ. Бу, шаҳвоний майлларни босиб олиш билан етилади.

3. КУЧ. Бу, ғазаб туфайли мавжуд бўлади.

4. АДОЛАТ. Бу нафсоний кучларнинг мувозанати туфайли мавжуд бўлади.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Пайғамбаримиз — ул зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин — банданинг дунё билан видолашув чоғидаги ҳолати ҳақида шундай билдирдилар:

— Банда аламини ва сархушлигини енгиллаштирмаққа ҳаракат қилади. Бу онда мушакларидан баъзиси бошқасига: «Хайр! Омон бўл! Мендан айрилдинг. Мен ҳам қиёмат кунигача сендан айрилдим!» - дейди.

Ҳар бандаи мўминнинг бошида уч ҳасрати бўлади:

1. Руҳнинг бадандан айрилиш чоғидаги ҳасрат.
2. Ўлим фариштаси, яъни Азроил шарпаси кўринганда шу туфайли қалбда туғилган ҳасрат.
3. Маййит, ўлим фариштасининг гуноҳкор киши руҳини олган чоғидаги сувратини кўрганда ўз гуноҳларини эслаб, бошидан кечирган ҳасратлари.

Абу Ҳурайра Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан ривоят қилади:

— Довуд алайҳиссалом рашкчи эди. Уйдан чиққанда эшикларни қулфларди. Бир кун яна эшикларни қулфлади ва чиқиб кетди. Лекин бир оздан кейин хотини уйда бир эркак борлигини кўрди ва: «Бу одам қай гўрдан пайдо бўлди? Довуд келиб қолса иш ёмон бўлади», - деди. Бир оздан сўнг Довуд алайҳиссалом келди. У одамни кўрди ва: «Сен кимсан?» - деб сўради. У шахс: «Мен шундай бир кимсаманки, маликлардан кўрқмайман ва маликлар ўзларини мендан парда билан яширолмайдилар» - деди. Шунда Ҳз. Довуд: «Қасамки, ундай бўлса, сен ўлим фариштасан!» - деди ва жойига бориб, кийим-бошларига ўранди.

Исо алайҳиссалом бир жойдан ўтаётганда бир бош суягини кўрди. Уни оёғи билан туртиб:

—Аллоҳнинг изни билан гапир! — деди.

Бош суяги, Аллоҳ тил ато этиб, гапирди ва шуларни айтди:

— Эй Исо, мен шу замоннинг шундай-шундай ҳукмдори эдим. Бир вақт бошимда тожим, атрофимда посбонларим, яқинимда хизматчиларим билан мулкимнинг саройида ўтирган эдим. Бирдан ўлим фариштаси келди. Ҳар аъзойим мендан айрилиб, унинг ёнида тўхтади. Сўнгра жоним чиқиб унга кетди. Кошки барча аскарлар, хизматчилар ва тахтим мендан узоқ бўлсайди. Кошки уларнинг менга бўлган яқинлиги ўлим фариштасига ваҳшат сололсайди. Бу шундай бир мусбатдирки, гуноҳкорлар бари бир унга дучор бўладилар. Итоаткор бўлганларга эса бу ибрат дарси бўлади, холос. Пайғамбарлар фақатгина ўлим ондаги ҳасрат ва сархушликни англатдилар. Вале, ўлим фариштасини мушоҳада этган кимсанинг у онда ҳис қиладиган кўрқувини англатмадилар. Агар киши уни бу сувратда тушида кўрса ҳам бундан кейинги умри ғам-андуҳ билан тўла бўлар эди. Ўлаётган одам кўрса ҳоли не бўлади?

Аллоҳга итоат қилганларга келсак, улар ўлим фариштасини гўзал сувратда кўрадилар.

Икрима ибн Аббос (Ибн Аббоснинг (106-изоҳга қаранг) озода қилган қули. Саройда тарбия олган ва олим бўлиб етишган. Ўлими ҳ. 107 й) ҳикоя қилади:

— Иброҳим алайҳиссалом рашкчи инсон эди. Бир уйи бор эди. Ўша ерда ибодат қиларди. Ташқари чиққан чоғида албатта уни маҳкам беркитиб кетарди. Бир кун уйига қайтганида у ерда бир одам борлигини кўрди. Сўради:

—Сени менинг уйимга ким киритди? Номаълум шахс:

—Эгаси киритди! — деди.

Иброҳим алайҳиссалом: «Эгаси менман!» - дейиши билан, бегона зот:

— Бу уйнинг сендан ва мендан ҳам зиёдароқ эгаси бўлган киритди! — жавобини берди.

Ҳз. Иброҳим унинг фаришта эканлигини англади ва сўради: «Сен фаришталарнинг қай бирисан?»

Бегона зот: «Мен ўлим фариштасиман!» - деди. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради:

— Мўминларнинг жонини олаётган чоғингдаги сувратинг ва шаклингни менга кўрсата

оласанми?

Бу истакка жавобан ўлим фариштаси: «Ҳа, фақат нарёққа ўгирилиб тур!» - деди.

Ҳз. Иброҳим юзини терс ўгирди. Бир оздан кейин қайтиб қараганда ғоят ўктам бир йигитни кўрди. Иброҳим алайҳиссалом унинг вужуди, либослари бениҳоя гўзаллиги ва ундан хушбўй хидлар келаётганлигини айтди ва:

— Эй ўлим фариштаси, мўмин инсон ўлими чоғида ҳеч бир нарсага юзма-юз келмаса, фақатгина шу сувратингни кўрса, унинг учун шунинг ўзи етарлидир! — деди.

Ўлим онида ҚИ4 эн мубтало бўладиган ҳасратлардан бири эса, гуноҳларни ва савобларни ёзиб борган икки фариштанинг мушоҳадасидир.

Баён этилади:

- Бирон ўлик йўқки, ўлаётган пайтида амалларини ёзиб борган икки фаришта унга кўрсатилмаса. Агар ул кимса Аллоҳга итоат этганлардан бўлса, ёзувчи фаришталар шундай дейди:

- Аллоҳ сенга кўпдан-кўп хайрлар берсин. Бизни қанчадан-қанча илм-ирфон, тўғрилиқ ва яхшилик мажлисларида иштирок этказдинг. Бизга кўпдан-кўп солиҳ амаллар ҳозирладинг!

Агар ўлган киши Аллоҳни танимаган осий бандалардан бўлса, фаришталар унга дерларки:

-Аллоҳ сенга хайрлар бермасин. Бизни кўп ёмон мажлисларда қатнаштирдинг. Нуқул ёмон амаллар ёздирдинг. Қулоқларимизга нуқул ёмон сўзлар эшиттирдинг. Сен тўғрингда тузукроқ бир гувоҳлигимиз йўқ!

Аллоҳ Расули — Унга Аллоҳнинг саломи бўлсин — шундай буюрдилар:

- Сизнинг ҳеч қайсингиз борадиган жойингиз қаерлигини билмасдан, жаннат ё жаҳаннамдаги жойингизни кўрмасдан бу дунёдан кетмайсиз.

## ҚАБР ВА ҚАБРДАГИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Расулulloҳ - Унга Аллоҳнинг саломи бўлсин — буюрдилар:

- Улик қабрга қўйилганда қабр унга шундай дейди: «Эй Одамзод, эсиз сенга! Нега мағрурлик қилиб, мени ўйламадинг? Мен фитна уйи, зулмат уйи, ёлғизлик уйи ва маъюслик уйи эканлигимни билмасмидинг? Нега мендан ғофил бўлдинг? Ҳаётлик чоғинг йўлинг мен томонга тушганда оёқларинг тезроқ кета қолиш пайида бўларди».

Агар ул зот солиҳлардан ва яхши кишилардан бўлса, ўлик айтишга ҳақли бўлган сўзларни ёр-биродарларидан бири қабрга хитоб қилиб дейди:

«Билмайсанми? У одамларни яхшиликка ундар, ёмонликдан қайтарарди!»

Шунда қабр бундай дейди:

«Ундай бўлса, мен унга бир яшиллик бўламан (яъни юмшоқ майса бўламан) ва ўликнинг жасади нурга ўралади, сўнг Аллоҳга юксалади.

Убайд ибн Умайр Лайсий (ҳ. П-Ш асрларда яшаган тобеин киборларидан) айтади:

- Ҳеч бир ўлик зоти йўқки, кўмилганда лаҳад унга шундай деб хитоб қилмасин:

- Мен зулмат ва ёлғизлик уйиман. Агар тириклигингда Аллоҳга итоат билан яшаган бўлсанг, бугун сенинг устингда бир раҳмат бўламан. Йўқ, агар Аллоҳни танимай осийлик билан кун кечирган бўлсанг, бугун сенга бир жазо бўламан. Мен шундай макондирманки, Аллоҳга итоаткор бўлган зот менга кирса, мендан севинч билан чиқади; Аллоҳга осий ўлароқ менга кирган одам мендан зиёнга учраган ҳолда чиқади.

Муҳаммад ибн Солиҳ (Ҳ. [II асрда яшаган ҳадисчилардан) айтади:

— Киши қабрга қўйилиб, бир оз азобга дучор бўлган вақтда қабристондаги бошқа ўлик қўшнилари унга шундай садо берадилар:

- Эй биздай қўшнилардан ва қардошларидан орқада, дунёда қолган киши! Биздан ибрат олмадингми? Биз, олдин кетганлар, сенда ҳеч бир фикр-хаёл уйғотмадикми? Ҳою-ҳавасларимиз биздан айрилиб қолиб кетганини кўрмадингми? Сенинг ҳали вақинг бор эди. Биз,

биродарларинг қилиб улгурмаган солиҳ амалларни сен ҳам қилмадингми?

Ундан ташқари, у кишига мустаҳкам ва дабдабали уйлари нидо этиб дерларки:

— Эй дунёнинг кўринишига алданган одам! Сендан олдин ҳам дунё ҳаётига мағрурланган, аммо сендан олдин қора тупроққа кириб ғойиб бўлган яқинларингдан ибрат олмадингми? Уларку дунё ҳаётига алдандилар. Сўнгра ажал келди, уларни қабрларга олиб кетди. Сен эса бу аҳволни ўз кўзинг билан кўрган эдинг. Уларни кифтингда кўтариб қабрга олиб борган эдинг!

Язид Раққоший (ҳ. П-Ш асрларда яшаган шайхлардан, Қуръон суралари ва Пайғамбаримиз с.а.в.нинг ҳадисларини тафсир қиларди) айтади:

- Ўлик қабрлар қўйилган пайтда амаллари бу ҳолдан кўрқиб, титрай бошлайдилар, Шунда Аллоҳ амалларни гапиртиради. Дерларки:

— Эй чуқурда ёлғиз қолган инсон! Дўстларинг ва оила аъзоларинг сендан айрилишди. Бугун бизнинг ёнимизда бошқа бирон дўстинг йўқ!

Каъб айтади:

— Солиҳ киши ўлиб, қабрга қўйилган вақтда унинг намоз, рўза, ҳаж, жиҳод, садақа каби амаллари ундан айрилганларидан кўрқиб титрай бошлайдилар. Азоб фаришталари у кишининг оёқ томонидан келадилар. Шу асно НАМОЗ тилга кириб дейдики:

-Ундан узоклашинг! Сизнинг у билан қиладиган ишингиз йўқ! У, мана шу оёқларида Аллоҳ учун тик турди. Мени адо этди!

Азоб фаришталари бу сафар ўликнинг бош томонидан келадилар. РЎЗА тилга кириб, дейдики:

-Сизнинг у билан қиладиган ишингиз йўқ! У дунёда Аллоҳ учун оч юрди, сувсиз юрди (яъни рўза тутди).

Фаришталар бу сафар ён томондан келадилар. Лекин тилган кирган ҲАЖ дерки:

-У жонини ўртага қўйди, танини захмат-машаққатдан аямади. Шу туфайли сабр-тоқат нималигини билди, ҳаж қилди, сизнинг у билан қиладиган олди-бердингиз йўқ!

Охири азоб фаришталари марҳум қўлининг учи томондан келадилар. Бу сафар эса САДАҚА тилга киради ва дейдики:

-Яқинлашманг менинг эгамга. У бу кўриб турганингиз икки қўл билан Аллоҳ ризоси учун қанча-қанча садақалар берган, қанча-қанча эзгу ишлар қилган, шунинг учун Аллоҳнинг ҳузурига чиқишга муносиб. Сизнинг у билан қиладиган олди-бердингиз йўқ!

Шунда у кимсага шундай бир нидо келади:

-Хушхабар! Сен ҳаётдалигингда қандай гўзал, қандай яхши бўлган экансан! Ҳозир ҳам ўликлар ичида энг гўзал ўликсан!

Шундан кейин раҳмат фаришталари келади. Унинг учун жаннатдан бир тўшак, бир чойшаб келтирадилар. Қабр кўз қамрай олмайдиган даражада кенгайтирилади. Яна жаннатдан келтирилган бир қандил билан қабр ёп-ёруғ қилинади. У қиёмат куни Аллоҳ қабрдан турғизгунча шундай ёритиб туради.

Убайдуллоҳ ибн Убайд (13 жилдлик «Ислом энциклопедияси»да ҳам, 16 жилдлик «Буюк ислом тарихи» китобларида ҳам, «Ҳадис тарихи» китобида ва бошқа муҳим манбаларда ҳам Убайиуллоҳ ибн Убайд исмини учратмадик, аммо Убайд ибн аби Убайд ва Убайдуллоҳ ибн Умайр исмлари бор. Бу иккаласи ҳам саҳобалардандир. Балки Фаззолий китобининг котиблари саҳва йўл қўйгандир) ҳикоя қилади:

-Ўлик қабрга қўйилганда, ўтиради. Устида кезиб юрганларнинг оёқ товушларини эшитади. Лекин қабрдан бошқа ҳеч бир зот унинг билан гаплашмайди.

Қабр дейдики:

-Эй Одамзод, эсиз сенга. Мендан, менинг торлигимдан, менинг бадбўйлигимдан, мендан келадиган ташвишлардан кўрқмадингми, уларнинголдини олмадингми? Менга нима тайёрладинг?

Барро ибн Озиб (саҳоба, ислом лашкарбошларидан. Пайғамбаримизга оид бир қанча ҳадислар ривоят қилган. Уҳуд жангидан бошлаб 15 урушда қатнашган. Вафоги ҳ. 72, й., Куфа) ҳикоя қилади:

— Аллоҳнинг Расули - Аллоҳнинг унга саломи бўлсин — Я билан бирга ансорлардан бирининг жанозасига боргандик. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бошини эгиб, у кишининг қабри олдида ўтирдилар. Кейин уч марта: «Аллоҳим, қабр азоби-дан ўзинг паноҳингда асра!» — дедилар. Кейинроқ шуларни сўйладилар:

— Мўминнинг умри тугаб, охират йўлчилигини бошлаётган пайтида Аллоҳ, унинг олдида юзлари қуёшдай порлоқ, муаттар ҳидлар таратиб турган бир гуруҳ фаришталарни юборади. Булар ёнида кафан келадилар-да, ўлаётган кимсанинг олдида ўтирадилар. Жони чиққанда, Осмонларда:

Ерда ва Осмонлару Ер орасида бўлган барча фаришталар унга салом берадилар. Осмон эшиклари очилади. Осмонларда қанчаки эшик бўлса, уларнинг ҳар бири у мўминнинг жони ўзидан ўтишини истайди! Унинг жони осмонларга кўтарилганда фаришталар томонидан шундай садолар эшитилади:

— Ё Рабб, сенинг фалон банданг келаётир!

Аллоҳ эса буюради:

— Олиб келинг уни. Мен унинг учун тайёрлаган шарафларни кўрсатинг. Мен унга ваъда берганман:

**«Биз сизларни (тупроқдан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз».** (Тоҳа сураси, 55-оят)

Дафн этувчилар ўликни қабрга қўйиб, орқаларига қайтиб кетишаркан, у уларнинг оёқ товушларини эшитиб ётади. Шу асно унга шундай дейилади:

— Ҳой киши! Раббинг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким?

У жавоб беради:

- Раббим Аллоҳ! Диним Ислом! Пайғамбарим Муҳаммад алайҳиссаломдир.

Шу тариқа икки терговчи фаришта уни оғир сўроққа тутди. Бу ўликнинг қаршисига қўйилган сўнги қийинчилик, сўнги ташвишдир. Бу сўроқларга юқоридаги жавобларни берганда бир нидочи (жарчи) унга шундай нидо қилади: — Тўғри айтдинг!

Мана шу Аллоҳнинг мазкур оятининг маъноси ҳисобланади:

**«Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устувор Сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур, Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишни қилур».** (Иброҳим сураси, 27-оят)

Шундан кейин унинг қошига гўзал юзли, муаттар ҳидли ва кўркам либосли бир зот келиб, шундай дейди:

— Сени Раббингнинг раҳмати билан ва ҳеч тугамайдиган қилиб неъматланган жаннатлари билан табриклайман.

— Аллоҳ сенга ҳам кўпдан-кўп хайрлар ато қилсин! Сен ким бўласан!

Ул гўзал юзли зот дерки:

— Мен сенинг солиҳ амалларингман! Аллоҳга қасамки, сен Аллоҳга итоат бобида бардавом ва ғайратли эдинг. Гуноҳ йўлларга кетмас эдинг. Аллоҳ сенга мукофотлар берсин!

Кейинроқ бир нидочи нидо этади:

— Унга жаннат тўшакларидан бир тўшак ёзинг, Қабридан жаннатга бир эшик очинг!..

Жаннат тўшакларидан бир тўшак тўшалади, қабридан жаннатга бир эшик очилади. Шунда ўлик бир дуо ўқийди:

— Аллоҳим, қиёматинг воқеасини тезлаштирки, бир лаҳза бўлса ҳам олдинроқ болачақаларим билан қовушай!

Кофирга келсак:

Дунёдаги ҳаёти поёнига етиб, охират йўлчилигига чиқаётган пайтида унинг олдида семиз,

қўрс табиатли, қўлларида қатрондан қилинган либослар ва кўйлақлар бўлган фаришталар келади. Унга ёт бўлиб кўринадилар. Жони чиққан вақтда Еру Осмонлар орасида ва осмонларда қанча фаришта бўлса, ҳаммаси унга лаънат ўқийди. Бутун осмон эшиклари ёпилади. Зеро бу руҳнинг киришидан ҳамма эшиклар жирканади! Руҳи осмонга кўтарилганда эълон қилиниб айтиладики:

— Ё Рабб! Сенинг фалон банданг келаётир. Уни на Еру, на Осмонлар қабул қилгиси келади!..

Шунда Аллоҳ буюради:

— Элтиб ташланг уни қабрига. Кандай гуноҳлар тайёрлаб келганини ўзига кўрсатинг. Мен унга ваъда бергандим:

«Биз сизларни (тупроқдан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз».

Бу орада, дафн этувчилар уни қабрга қўйиб, орқаларига қайтиб кетишаркан, у (маййит) уларнинг оёқ товушларини эшитиб ётади. Шу асно унга шундай дейилади:

— Ҳой сен! Менга қара! Раббинг ким? Пайғамбаринг ким? Дининг нима?

У «билмайман» дейди. Унга дейиладики:

— Ҳа, билмайсанми?

Сўнгра хунук юзли, бадбўй, беўхшов либосли бир зот келади. Дейдики:

— Сенга Аллоҳнинг ғазабини, аламнок ва бардавом азобини ҳадея этаман!

Ўлик дағдаға қилади:

— Аллоҳ балони берсин! Кимсан сен?

Хунук нусха жавоб беради:

— Мен сенинг ёмон амалларингман! Аллоҳга қасамки, сен Аллоҳни танимамай осийликка ошиққан эдинг. Лекин Унга итоат йўлида истар-истамас қадам босар, имирсилар эдинг. Аллоҳ балойингни берсин!

Ўлик дерки:

— Аллоҳ сенинг ҳам балоингни берсин!

Шундан кейин, кар, соқов, кўр ва ёнида темир тўқмоғи бўлган бир зот пайдо бўлиб, уни ёқасидан олиб, судраб кетади. Тўқмоғи эса шу қадар оғирки, бутун инсонлару жинлар тўпланиб уни кўтармоқчи бўлсалар кўтаролмайдилар; унинг билан бир тоғ урилса, тоғ чилпарчин, ер билан битта бўлади. Мана шу тўқмоқ билан унинг бошига урилади. У, бу уришларнинг охирида тупроқ бўлади. Сўнгра унга руҳ яна гавда беради. Яна бир уриладики, ер юзидаги инсонлару жинлардан бошқа барча жониворлар ҳам бу зарбани эшитадилар.

Шундан кейинроқ бир нидочи садо бериб айтадики:

- Унинг учун оловдан икки ётоқ ҳозирланг. Қабридан жаҳаннамга бир эшик очинг!

Унинг учун оловдан ётоқлар ёзилади ва қабридан жаҳаннамга эшик очилади.

Мухаммад ибн Али (Ҳз. Ҳусайннинг (105-изоҳга қаранг) невараси Алининг ўғли бўлиб, тахаллуси Абу Жаъфардир. Таниқли ҳадис олимларидан. Вафоти 114/732 й) айтади:

— Ўлган бирон кимса йўқки, ўлгандан кейин яхши ва ёмон амаллари ўзига кўрсатилмаса.

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Мўмин одамнинг ўлими яқинлашган бир муддатда унинг олдида бир хил фаришталар келади, қўлларида бир ипак парчаси, парча ичидан мушк ва райҳон ҳидлари таралиб туради. Бу фаришталар мўминнинг руҳини хамирдан қил суғургандай осонлик билан танасидан айирадилар. Бу аснода унга дейиладики:

— Эй ёмон феъл-атворлардан покланиб, яхши феъл-атворлар билан безанган руҳ! Бор, сен Раббингдан, Раббинг ҳам сендан хушнуд ҳолда, Раббингнинг раҳматига ва лутфу карамига шошил!

Жони чиққанда дарҳол унга мушку райҳонлар сочилиб, ипак матога ўралади. Иллийин

(жаннатнинг энг юксак табақаси) деган мақомга кўтарилади.

Кофирга келсак: у ўлишга яқинлашган аснода ичига кўр солинган дағал бир газлама билан фаришталар келади. Руҳини танидан шиддат билан тортиб, юлиб оладилар. Ва унга шундай дейилади:

— Эй ифлос руҳ! Ма, Раббингнинг ғазабини устингга ўраб олда, Аллоҳнинг азобига шошил!

Ҳозиргина тандан чиққан руҳ шу чўғ парчалари устига ташланади. Газлама ичидаги бу чўғ парчалари қайнаётган нарсаларнинг биқирлашига ўхшаш биқирлайди. Осий шу газламага ўралади ва шу аҳволда Сижжийн (жаҳаннамдаги бир жарликнинг оти) деган жойга келтирилади.

Каъб ўғли Муҳаммад: **«Токи қачон улардан бирига ўлим келганда: «Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар, шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам» (Мўминлар сураси, 99-оят ва 100-оятнинг бошланиш қисми) деб қолур»** мазмунидаги оятларни ўқиб ўтирарди, бир пайт дедики:

— Кишининг руҳидан: «Нима истайсан? Нимага ҳавасинг кетган? Мол-мулк тўплашгами, боғ-роғ яратишгами, бинолар қуришгами — нима учун дунёга қайтишни истайсан?! — деб сўралади.

У эса дерки:

— Балки зое қилган умрим эвазига яхши амал ва ҳаракатларда бўларман.

Шунда Аллоҳ буюради:

— **Йўқ! Аслида бу (ҳар бир жон бераётган кофир) айтадиган сўздир.** (Мўминлар сураси, 100-оятнинг иккинчи жумласи)

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

- Мўмин қабрида ям-яшил боғ ичида бўлади. Қабри етмиш қадам кенгайтирилади. Ичи Ойнинг ўн тўртинчи кечаси каби ёруғ қилинади. Биласизми, **«Ким менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта, унинг учун танг—бахтсиз ҳаёт бўлур»** (Тоҳа сураси, 124-оят) ояти кимни назарда тутиб нозил бўлган?

Саҳобалар:

— Буни фақат Аллоҳ ва унинг Расули билади!..

Пайғамбар (с.а.в.):

— Бу оят кофирнинг қабрида кўрадиган азобига оиддир. У кофирни тўқсон тўққиз тиннин безовта қилади. Тиннин нима, биласизларми?

Саҳобалар:

— Йўқ!

Пайғамбар (с.а.в.):

— У - ҳар бири етти бошли тўқсон тўққиз илондир. Қабрларидан турғазиладиган пайтгача кофирларни чақадилар, заҳарлайдилар ва шиширадилар.

Бу санокнинг тўқсон тўққиз бўлишига ва ҳар бир илоннинг етти боши бўлишига ҳайратланмаслик керак. Чунки бу илонлар ва чаёнларнинг саноғи кибр, риё, ҳасад, гина, душманлик... сингари ёмон феъл-атворларнинг саноғича келади. Ёмон феъл-атворларнинг асл бўлганлари билан бир қаторда яна кейин пайдо бўлган ва шохлаганлари ҳам бор. Бу шохлаган феъл-атворлар яна такроран ўзаро майда шохчаларга бўлиниб кетадилар. Хоҳ кибр, риё, ҳасад, кин-адоват... каби асосий ёмон феъл-атворлар бўлсин, хоҳбулардан туғилган бошқа ёмон феъллар бўлсин — барча-барчаси бир хил тарзда яхшилиқни ўлдирувчи, шахснинг ва жамиятнинг руҳини, ундаги инсонлик туйғуларини маҳв этувчи хасталиқлардир. Мана шу ёмон ва ғайриинсоний феъл-атворлар айнан илонлар ва чаёнлар ҳолига келадилар. Бу илон ва чаёнларнинг энг кучлилари ҳаётни тиннин каби заҳарлайдилар. Яъни етти бошли илон заҳарлаганда вужудга қандай аччиқ азоб берса, бу ёмон феъл-атворлардан бири бир кимсада бўлса, у шу феъл-атвори билан бошқаларнинг руҳига ва инсоний туйғуларига шундай зиён

беради. Бу илон ва чаёнларнинг энг заифи эса кишини чаён чаққанчалик безовта қилади. Яъни кишини бир чаён чаққанда вужудида қанчалик бузилишни юзага чиқарса, кичкинагина бир ёмон феъл-атвор ҳам инсон руҳида, инсоний феъл ва туйғуларда шунчалик бузилишни юзага чиқаради. Энг катта илонлар ва чаёнлар билан энг кичик илонлар ва чаёнлар орасидаги бошқа илон ва чаёнлар эса чаққан вақтларида ҳар қандай илон чаққанда берадиган оғриқ ва азобни, ўша аччиқнинг ўзини берадилар.

Узоқни ва теранни кўрувчи кишилар - басират соҳиблари - ўз кўрувчанликлари билан бу асосий ёмон феъллар ва булардан тарқаган бошқа кичик ёмон феъллар тўғрисида мушоҳада қиладилар. Бу ёмон феълларнинг тўла саногини фақат нубувват нурига эга бўлганлар, яъни пайғамбарлар биладилар, Бу тур ҳадисларнинг тушунарли бўлган зоҳирий маънолари, ҳеч шак-шубҳасиз, саҳиҳдир. Бундан ташқари бу ҳадисларнинг маънавий ва яширин сирлари ҳам бор. Лекин бу сирлар фақат басират соҳибларига аён ва равшандир. Бу тур ҳадисларнинг сирлари ва ҳақиқатига етиб бормаган, унинг тагига етолмаган кишиларнинг бу ҳадисларнинг зоҳирларини инкор этишлари тўғри эмасдир. Иймон даражаларининг энг кичиги-тасдиқ этмоқ ва таслим бўлмоқдир.

## ИЛМАЛ-ЯҚИН, АЙНАЛ-ЯҚИН

Аллоҳ буюрди:

**-Калла лав таъламуна илмал-яқин. Яъни: «Йўқ!! (Бу йўлдин қайтинглар! Бахт мол-дунё, мансабда эмас) Агар сизлар (буни) илмал-яқин (илмий асосда яқиндан, яъни ҳақиқатга биноан) билганларингизда эди... (Такосур сураси, 5-оят)**

Бу оятни шундай тафсирлайдилар:

— Агар қиёмат ахволини яқиндан билсайдингиз, ўзингиздаги мол, бола-чақа ва мўлчилик билан гердаймаган бўлардингиз; сизга фойдали бўлган нарсаларни қилар ва фойдали бўлмаган нарсаларни тарк этар эдингиз.

Оятни бундай изоҳлаш ҳам мумкин:

-Агар мол-мулк ва дунёда етишиш мумкин бўлган нарсалар билан ғурурланиш қиёмат куни ҳеч қандай фойда бермаслигини Пайғамбарлар каби яқиндан билсайдингиз, мол ва дунёингиз билан ғурурланмас эдингиз!

—**Латароввуннал жаҳийм. Яъни: Албатта жаҳаннамни кўрасизлар. (Такосур сураси, 6-оят)**

Рабб онт ичмоқда ва: «Қиёмат куни сиз жаҳаннамни ва жаҳаннамнинг шиддатини мутлақо айнан кўражасиз!» деб буюрмоқда.

**-Сумма латароввуннаҳаа айнал-яқин. Яъни: Қасамки, уни айнал-яқин (сизнинг ишонч кўзингиз билан, яқиндан) ҳам кўрмай қолмайсизлар. (Такосур сураси, 7-оят)**

Оятнинг тафсири қуйидагичадир:

-Сиз жаҳаннамни шак-шубҳасиз оддий кўзда ҳам кўрасиз.

Савол: Илмал-яқин билан айнал-яқин орасидаги фарқ нима?

Жавоб: Бу саволга бир неча тарзда жавоб қайтариш мумкин:

1. Илмал-яқин, пайғамбарликлари сабабли, пайғамбарга оиддир. Айнал-яқин эса фаришталарга оиддир. Чунки улар Жаннатни, Жаҳаннамни, Лавҳи Маҳфузни, Қаламни, Аршни ва Курсини айнан кўрадилар ва мушоҳада этадилар (кузатадилар).

2. Илмал-яқин, тириклар учун, айнал-яқин эса ўликлар учундир. Чунки тириклар инсонларнинг ўлганини ва ўликларнинг ҳам қабрларда эканликларини биладилар. Лекин қабрда нима аҳволда эканликларини билмайдилар. Ҳолбуки, ўликлар қабрларни айнан биладилар ва мушоҳада этадилар: ё жаннат боғларидан бир боғ, ё жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурдир.

3. Илмал-яқин қиёматни билмоқдир. Айнал-яқин эса қиёматни ва қиёматнинг даҳшатини



айнан кўрмоқ ва мушоҳада этмоқдир.

4. Илмал-яқин жаннат ва жаҳаннамни билмақдир. Айнал-яқин эса буларни айнан кўрмак ва мушоҳада этмақдир.

- **Сўнгра ана ўша КУНДА, албатта, (ҳаёти дунёда сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар (яъни жазога тортиласизлар).** (Тақосур сураси, 8-оят)

Тафсири:

- Қиёмат куни дунё неъматларидан — вужуд соғлиги туфайли олинган завқлардан, эшитилганлардан, кўрилганлардан, кўрилган фойдалар қаерга сарфланганидан, ейилган ва ичилган лаззатли нарсалардан мутлақо сўроқ қилинасиз. Ажабо, у неъматларнинг соҳибига шукрини адо қилдингизми ва неъмат соҳибини танидингизми, йўқса нонкўрлик қилдингизми? Нима қилдингиз?

Ибн Абу Хотам (тўлиқ исми Абдурраҳмон ибн Абу Хотам, тафсир олими. Туғилиши ҳ. 240, вафоти 327 й) Аслам ўғли Зайддан, у эса отасидан нақл қилиб айтади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) «Тақосур» сурасини ўқиди ва шундай изоҳлади:

— **Сизни маъмурликдан кибрланиш чалғитди** (Аллоҳга итоат этишингизда халақит берди).

— **Обдан қабрларни зиёрат қилдингиз** (Бу, то чалғиш ҳолига келгунча давом этди).

— **Ўзингизни тийинг. Келгусида билажаксиз** (Қабрга кирган чоғингизда).

— **Яна тийилинг. Келгусида билажаксиз** (Қабрларингиздан чиқиб маҳшар жойига борганингизда).

— **Тийилинг.** Агар ИЛМАЛ-ЯҚИН билсайдингиз (агар амалларингиз билан Раббингиз ҳузурига чақирилган бўлсайдингиз)!

— **Қасамки, сиз у ловуллаган оловни мутлақо кўражаксиз** (Чунки сирот (кўприк) жаҳаннам устига қурилади).

— **Ва яна қасамки, у кун албатта ва албатта неъматлар юзасидан сўроққа чақириласиз** (Еганларингиз, ичганларингиз, масканларингиз юзасидан ва муътадил ахлоқдан, уйқу лаззати юзасидан).

Ҳз. Али — Аллоҳ ундан рози бўлсин - шундай дейди: —Неъматдан мурод соғлиқдир. Яна ривоятга кўра Ҳз. Али дейдики:

— Бир кимса буғдой нон еса, Фуротнинг чучук сувини ичса ва шу билан бўлди деб уйида ўтирса, билинги, булар ул кишининг сўроққа тутилишига сабаб бўладиган нарсалардир.

Ақримадан нақл қилинади:

— **«У кун албатта ва албатта неъматлар юзасидан сўроққа чақириласиз!»** - мазмунидаги оят нозил бўлган вақтда саҳоба дедикки:

— Эй Аллоҳнинг Расули! Биз қайси неъматга кўмилдикки, ундан сўроққа чақирилсак! Бизнинг меъдаларимизга фақатгина арпа нондан бошқаси тушаётгани йўқ-ку!.. Шунда Аллоҳ ваҳий йўли билан Пайғамбарига (с.а.в.) билдирди:

— Уларга сўйла: «Нолин (ёғоч сандал) киймайсизми, чучук сув ичмайсизми? Булар ҳам неъмат турлари, ахир».

Абу Ҳурайра ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

— Қиёмат куни ҳар инсонга қаратилган илк савол «дунёда у қўлга киритган неъмат»га оид бўлажакдир.

Унга дейилажакки:

— Сенга тани соғлиқ бермадикми? Сени совуқ сув билан қондирмадикми?

Муслим ва бошқаларнинг ҳадис китобларида Абу Ҳурайрадан нақд келтирадилар. Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) уйдан ташқарига чиққанди. Абу Бакр ва Умарга дуч келди. Сўради:

— Бу соатда уйингиздан чиқишингизга нима сабаб бўлди:

Дедилар:

— Очлик, эй Аллоҳнинг Расули!..

Расул (с.а.в.) айтди:

— Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, мени ташқарига чиқарган ҳам сизни чиқарган нарсадир (ОЧЛИК). Келинг!

Улар Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга юрдилар. Ансорлардан бирининг уйига келдилар. Лекин уйнинг эркаги уйда йўқэди. Хонадон соҳибаси уларни кўрганда: «Марҳаболар!» - деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Фалончи қаерда?» - дея уй эгасини сўрадилар. Хотин: «Бизга ичимлик сув келтиргани ташқари чиқди!» - деди. Худди шу онда уй эгаси келди. Расулуллоҳга ва икки сафдошига қараб «Алҳамдулиллоҳ! Бугун қандай шарафли меҳмонларим бор!» - деди. Бориб бир бутокдан хурмо териб келди. «Олинглар бундан!» деди. Пичоқни олди. Расулуллоҳ сув истадилар. Уй эгаси қўй сўйди. Қўй этидан ва хурмодан едилар. Қоринлари тўйиб, кетиб боришаркан, Аллоҳ Расули (с.а.в.) Абу Бакр ва Умарга - Аллоҳ улардан рози бўлсин — шундай дедилар:

— Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳ номига қасамки, қиёмат куни бу неъматдан сўроққа чақириламиз!

## ОЛЛОҲНИ ЗИКР ЭТИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ буюради:

— **Бас, мени эслангиз. Мен ҳам сизларни эслайман.** (*Бақара сураси, 152-оят*)

Собит Банноний (ҳижрий П-Ш асрларда яшаган валийлардан)— унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин — деддики:

— Мен Раббимнинг қай вақтда мени эсга олишини биламан!

Ёнидагилар унинг бу сўзидан сесканиб кетишди ва:

— Қаердан биласан буни? — дея сўрадилар. Банноний деддики:

— Мен уни эсладимми, у мени эслайди!

Аллоҳ буюради:

— **Эй мўминлар, Аллоҳни кўп ЗИКР қилинглар!** (*Аҳзоб сураси, 41-оят*)

— **Арафотдан тушганингиздан кейин Машъар-ул-ҳаромда Аллоҳни ЗИКР қилинг!** **У зот сизларни ҳақ йўлга ҳидоят қилгани янглиғ сизлар ҳам у зотни ЭСЛАНГ - зикр қилинг!** (*Бақара сураси, 198-оят*)

— **Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Аллоҳни аждодларингизни эслагандек, ҳатто унданда қаттиқроқ ЭСЛАНГ.** (*Бақара сураси, 200-оят*)

— **Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар.** (*Ол-Имрон сураси, 191-оят*)

— **Намозни адо қилиб бўлганингиздан кейин ҳам тур-ган, ўтирган ва ёнбошлаган пайтларингизда доим Аллоҳни ЁД ЭТИНГИЗ.** (*Нисо сураси, 103-оят*)

Ибн Аббос бу оятни тафсирлаб дейдики:

— Кундузи ҳам, тунда ҳам, қора ерда — сувда ҳам, сафарда ҳам, уйда ҳам, фақирлик-бойликда ҳам, касаллик-соғликда ҳам хоҳ очикчасига, хоҳ ичингизда Аллоҳни ЁД ЭТИНГ! — деганидир бу.

Аллоҳ мунофиқларни ёмонлаб, билдирадики:

— **(Мунофиқлар) Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар.** (*Нисо сураси, 142-оят*).

Яна Аллоҳ буюрди:

— **Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, кўрқиб, дилдан эртаю кеч ЁД ҚИЛИНГ ва ғофил кимсалардан бўлманг!** (*Аъроф сураси, 205-оят*)

— **Аниқки, Аллоҳни ЗИКР қилмоқ (барча нарсадан) улугроқдир.** (*Анкабут сураси, 45-*

оят)

Ибн Аббос бу оятни икки шаклда тафсирлайди:

1 - Аллоҳнинг сизни ЭСЛАШИ, сизнингУни эслашингиздан улуғроқдир.

2 — Аллоҳни ЭСЛАШ (ЗИКР) бошқа ҳар турли ибодатдан улуғдир.

Пайғамбаримиз - Унга Аллоҳнинг саломи бўлсин — буюрдиларки:

— Ғофиллар орасида Аллоҳни ЭСЛАЙДИГАН КИМСАнинг ҳоли қуриган ўтлар орасида ямшил бир дарахтнинг ҳолига ўхшайди.

- Ғофиллар орасида ОЛЛОҲНИ ЭСЛАЙДИГАН КИШИнинг ҳоли уруш майдонидан қочган аскарлар қўшилмасининг майдондан қочмай жанг қилишда давом этаётган аскарлари ҳолига ўхшайди.

Қудсий (муқаддас) ҳадис:

- (Аллоҳ буюради): мени ЁДГА ОЛГАН ва лаблари менинг номим билан ҳаракат қилган дақиқаларда мен бандам билан биргаман.

- Одамзот ўзини Аллоҳнинг азобидан қутқаришда ЗИКРдан устунроқ бир амал топмади.

Бир саҳоба сўради:

- Аллоҳ йўлида жиҳоддан ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?

Расул (с.а.в.) айтди:

- Ҳа, Аллоҳ йўлида жиҳоддан ҳам!.. Қилични суғурасан, бор-йўғи сингунча урушасан; сўнгра яна суғурасан, яна сингунча урушасан; сўнгра яна суғурасан, яна сингунча урушасан. Шу жиҳатдан у бундан устундир.

- Ким жаннат боғларининг неъматларига сазовор бўлишни истаса, Аллоҳни кўп ЗИКР этсин.

Бир куни Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан: «Қайси амал фазилатлироқ?» деб сўрашди. Дедиларки:

- Тилингда Аллоҳни ЗИКР этиб ўлишинг.

- Эрта билан тилингда Аллоҳни ЗИКР этиб турганинг, кечкурун тилингда Аллоҳни ЗИКР этиб ётганинг... Агар шундай қилсанг, кеча-кундузинг савобда ўтади, гуноҳ қилмайсан.

- Кеча-кундуз Аллоҳни ЭСЛАМОҚ жиҳод қилиб Аллоҳ йўлида қилич ўйнатганингдан ва молингни садақа қилиб улашганингдан фазилатлироқдир.

Қудсий ҳадис:

- (Аллоҳ буюрадики): Бандам мени ўз кўнглида ЭСГА ОЛСА, мен ҳам уни ўз кўнглимда ЭСГА ОЛАМАН. Жамоат ичида эсга олса, мен ҳам уни унинг жамоатидан хайрлироқ бир жамоат ичида ЭСГА ОЛАМАН. У менга бир ҚАРИЧ яқинлашса, мен унга бир ҚАДАМ яқинлашаман. У менга бир ҚАДАМ яқинлашса, мен унга бир ҚУЛОЧ яқинлашаман. Менинг йўлимга кирса, мен унинг тилакларини тез ижобат этаман.

- Аллоҳ ҳеч бир соя бўлмайдиган ва фақат ўз Аршининг сояси бўладиган қиёмат кунида етти тоифа кишиларни ўз Аршининг соясида соялантиради. Булардан бир тоифаси танҳоликда Аллоҳни ЗИКР этганлар ва Аллоҳдан қўрққани сабабли кўз ёш тўкканлардир.

Абу ад-Дардо нақл этади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

-Эй умматим ва асҳобим! Сизларга амалларингизнинг энг яхшисини, Аллоҳ наздида амалларингизнинг энг тозасини, даражаларингизнинг (мартабаларингизнинг) энг юксагини, олтин ва кумуш садақа беришдан ҳам душманларингиз билан юзма-юз бўлиб, сиз уларнинг БЎЙНИНИ, улар сизнинг бўйингизни уришларидан (жиҳоддан) ҳам хайрлироқ бўлганини айтиб берайми?

Бир саҳоба сўради:

- Нима у, эй Аллоҳнинг Расули? Расул (с.а.в.) жавоб берди:

- Узлуксиз Аллоҳни ЗИКР этмоқдир.

Қудсий ҳадис:

-(Аллоҳ буюради): Ким менинг ЗИКРИМ билан машғул бўлса ва бу машғуллиги туфайли мендан бирон нарса сўрашга вақт тополмаса, мен унга буни истаганларга берганимдан

фазилатлироғини бераман.

Фузайл ибн Иёз айтади:

-Бизга етиб келган хабарларга қараганда Аллоҳ шундай буюради: «Эй бандам, эрталаб бир он, пешинда бир он мени ЗИКР ЭТ. Буларнинг орасидаги вақтларда мен сенга кифоя қиларли бўламан!»

Бир олим айтади:

Аллоҳ буюрадики: «Қайси банданинг қалби мени зикр этишда ҳар нарсадан ғолиб келаётганидан хабар топсам, унинг ишини мен идора қиламан. Унинг мажлисида қатнашиб, унинг дўсти бўламан.

Ҳасан Басрий айтади:

- ЗИКР икки хил бўлади:

1 — Танҳоликда, Аллоҳ билан банданинг ўз ораларида воқеъ бўлган ЗИКР.

2 — Биринчи зикрдан ҳам гўзалроқ, мукофоти ундан каттароқ ва фазилатлироқ бўлган ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсага яқинлашган (ҳаром бўлгани учун, хоҳламай ташлаб кетган) ондаги ЗИКР.

Ривоят қилинадики:

- Ҳар нафс ўлаётганда дунёдан ёрилар даражада чанқоқ ҳолда айрилади; лекин Аллоҳни ЗИКР этган нафс бундан мустаснодир.

Муоз ибн Жабал айтади:

- Жаннат аҳли дунёда Аллоҳни зикрсиз ўтказган бир соатига ҳам шу қадар ачинадиларки, бошқа бирон нарсага шунчалик афсусланишларини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Пайғамбаримиз - унга Аллоҳнинг саломи ёғилсин — буюрдилар:

- Бир мажлисда ўтириб Аллоҳни ЗИКР этаётган бирон жамоат йўқки, уларни фаришталар зиёрат қилмасин, Аллоҳ ёнидагиларга улардан баҳс этмасин ва уларга раҳмат ёғдирмасин!..

- Тўпланиб, ёлғиз Аллоҳ ризоси учун ЗИКР қилаётган бирон жамоат йўқки, уларга Осмондан бир НИДОЧИ тушиб: «Туринг, Аллоҳнинг афвига етишдингиз! Ёмон амалларингиз яхши амалларга айлантирилди!» - дея нидо этмасин!..

- Бирон жамоат йўқки, бир мажлисда ўтириб Аллоҳни ЗИКР этган ҳолда, менинг гўзал ахлоқимга эргашмасалар ва менга Аллоҳнинг салоту саломини йўлламасалар, қиёмат куни афсус қилиб қолмасинлар.

Довуд алайҳиссалом дейдики:

- Илоҳим! Мени ЗОКИРЛАР мажлисини ташлаб, ҶОФИЛЛАР мажлисига кетган ҳолда кўрсанг оёқларимни синдир. Чунки зокирлар бир неъматдир. Сенинг менга улар билан бирга бўлишни насиб этганинг менга инъом берганингдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай биддирдилар: — Мўминнинг битта хайрли мажлиси сон-саноксиз ёмоннинг мажлисини қоплайди.

Абу Ҳурайра - Аллоҳ ундан рози бўлсин - айтади:

— Осмондаги юлдузлар бизга кечаси қандай чақнаб кўринса, осмон аҳлига ер юзидаги ичида ЗИКР қилинаётган уйлар ҳам шундай кўринади:

Яна ҳикоя қилинишича, бир кун Абу Ҳурайра бозорга боради ва:

— Сизларни бу ерда кўрмоқдаман. Ҳолбуки, масжидда Расулulloҳ(с.а.в.)нинг мероси тақсим қилинмоқда! — дейди бозорчиларга.

Шунда халқ бозордаги ишини ташлаб, зудлик билан масжидга югуради, лекин у ерда ҳеч нарса бўлмаганини кўриб, Абу Ҳурайрага:

— Биз масжидда тақсим этилган меросни кўрмадик, - дейдилар.

Абу Ҳурайра:

—Нима кўрдингиз? — деб сўрайди одамлардан. Улар:

—Аллоҳни ЗИКР этаётган бир жамоатни кўрдик, - дейдилар.

Шунда Абу Ҳурайра:

— Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг мероси мана шудир! — деб жавоб беради...

Омаш (ҳадисчилардан. Тўлиқ исми Сулаймон ибн Михрондир. Ҳижрий 61-148 йилларда яшаган) Абу Солиҳдан (тобеинлардан, ҳ. 1-11 асрларда яшаган), Абу Солиҳ эса Абу Ҳурайра ва Абу Саид Худрийдан ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳнинг ер юзида кезиб юрувчи фаришталари бор. Аллоҳни ЗИКР этаётган бир жамоатни кўрдиларми, бир-бирларини чақирадилар. Тўпланадилар. Уларни зиёрат қиладилар. Сўнгра Осмонга парвоз этадилар. Аллоҳ улардан сўрайди:

— Бандаларим нима қилаётганларида уларни ташлаб келдингиз?

Улар жавоб берадилар:

— Сенга ҳамд айтиб, сени тасбиҳ ва танзиҳ қилаётганларида қолдириб келдик.

Аллоҳ сўрайди:

—Мени кўрибдиларми? Фаришталар жавоб беради:

—Иўқ! Аллоҳ сўрайди:

—Кўрсалар нима бўларди! Фаришталар жавоб беради:

- Сени кўрсайдилар, янада қаттиқроқ ҳамд айтар, тасбиҳ ва танзиҳ қилардилар. Аллоҳ сўрайди:

— Менга қай масалада сиғинаётган эдилар?

Улар жавоб беради:

—Оташдан (жаҳаннам оловидан асра!) деб. Аллоҳ сўрайди:

—Уни (жаҳаннамни) кўрибдиларми? Фаришталар жавоб беради:

—Иўқ! Аллоҳ сўрайди:

—Кўрсалар нима бўларди? Фаришталар жавоб беради:

— Ёмон феъл-атвордан янада кўпроқ сақланишган бўлардилар!

Аллоҳ сўрайди:

—Нимани иташаётган экан Улар жавоб беради:

—Жаннатни! Аллоҳ сўрайди:

—Уни кўришибдими? Фаришталар жавоб беради:

—Иўқ! Аллоҳ сўрайди:

—Кўрсалар нима бўларди? Улар жавоб беради:

— Кўрсалар, кўпроқ гўзал феъл-атворли бўлар ва кўпроқ яхши амаллар қилган бўлардилар.

Аллоҳ буюради:

— Сизлар гувоҳ бўлинг, мен уларни афв этдим.

Фаришталар дерларки:

— Уларнинг ичида биттаси бор эди. Бир ҳожатини чиқариш учун келганди. Мақсади улар билан бирга зикр қилиш эмасди!

Аллоҳ буюради:

— Улар бир ердаги бир жамоадирлар. Ичларидан бир шахсни айириб афвдан четда қолдирилмайди.

Пайғамбаримиз - унга Аллоҳнинг саломи бўлсин — дедилар:

— Менинг ва мендан олдин ўтган пайғамбарларнинг айтган энг фазилатли сўзлари: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, Аллоҳ бирдир, шериги йўқдир!» жумлаларидир.

— Кимки ҳар кун юз марта: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, у бирдир, шериги йўқдир, мулк униқидир, ҳамду сано фақат унга оиддир!» - деса ўн нафар қулни озод этганчалик савоб олади. Ундан ташқари амал дафтарига юз савоб ёзилади, юз гуноҳи афв этилади ва у кун кечгача шайтоннинг ёмон йўлга бошлашидан ҳимоя қилинади. Унинг ёнига фақат ўзидан ҳам фазилатлироқ амал қилаётган кишигина кела олади.

—Кимда-ким яхшилаб таҳорат олиб, сўнгра бошини кўкка кўтарганча: «Шаҳодат қиламанки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, у тоқдир, шериги йўқдир: Шаҳодат қиламанки, Муҳаммад Алайҳиссалом унинг бандаси ва Расули (Элчиси)дир!» деб айтса, унинг учун жаннат

эшиклари тилаганидай шаклда очилади!

## НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Аллоҳ буюради:

— **Бас, қачон хотиржам бўлгач, намозни тўқис адо этингиз. Албатта, НАМОЗ мўминларга тайинланган вақтларда ФАРЗ қилинди.** *(Нисо сураси)*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрди:

— Беш вақт намоз, ҳа, Аллоҳ шу беш вақт намозни бандаларига ФАРЗ қилди. Ким бу беш вақт намозни арзимаган нарса деб ҳисобламай, бенуқсон, кулмасдан, чинакамига адо этса Аллоҳда унинг жаннатга киришига оид АҲД бор. Вале, беш вақт намозни ўқимаган кимсалар учун Аллоҳда аҳд йўқ. Хоҳласа уларни малаклари орқали жазолатади, хоҳласа жаннатга қўйдиради.

— Беш вақт намоз эшигингиз тагидан оқиб турган чучук ва мўл сувли дарёга ўхшайди. Нима деб ўйлайсиз, кунига беш маҳал шу дарёда чўмилиб турувчи кишининг вужудида кирга ўхшаган бирон нарса бўлиши мумкинми?

Саҳоба:

— Йўқ, бирон нарса бўлмайди!

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Мана шу сув вужуддаги кирни кетгазгани каби намозлар ҳам гуноҳларни (ёмон феълларни) кетказди.

— Катта гуноҳлардан қочилса, намозлар бу вақт ичида бошқа гуноҳларни ювиб туради.

Аллоҳ марҳамат қилади:

— **Яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур.** *(Ҳуд сураси, 114-оятнинг иккинчи жумласидан)*

«Гуноҳларни кетказди» дегани «Уларни ювиб ташлайди» деганидир. Яъни инсон аввалги гуноҳини қилмагандай бўлиб қолади.

Бухорий, Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида ибн Масъуддан ривоят келтирилади.

— Бир одам никоҳида бўлмаган бир хотинни ўпганди. Пайғамбаримизга келди. Масалани айтиб берди. Буни айтиш билан гўё қилган гуноҳининг каффоратини (қилган гуноҳини ювиш учун эвазига нима қайтариши мумкинлигини) сўради. Шу маҳалда: **«Кундузнинг ҳар икки тарафида, кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо қилинг! Албатта, яхши амаллар ёмонлик — гуноҳларни кетказур. Бу қулоқ тутгувчилар учун эслатмадир,»** *(Ҳуд сурасидан, 114-оят)* - мазмунидаги оят нозил бўлди. Шунда у одам: «Менинг саволимга жавоб шу оятми, эй Аллоҳнинг Расули?» - Деб сўради. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «бу оят, шунга амал қилувчи умматларим учундир», - деб буюрдилар.

Имом Аҳмад (Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, тўрт ҳақ мазҳабдан бири - ҳанбалия асрсчиси. Бир миллион ҳадисни ёд биларди. Унинг «Муснад»ида 30 минг ҳадис бор. Яшаган йиллари ҳ. 164-241), Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида Абу Умомадан (тўлиқ исми Абу Умома Бохилий (224-изоҳга қаранг)) ривоят қилинади:

- Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурига келди. Бир-икки марта: «-Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг қонунини менга татбиқ этиб кўрсатинг!»- деди. Пайғамбаримиз индамай у ердан узоқлашдилар. Кейин намоз ўқилди. Намоздан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Қани анави одам?» деб сўрадилар. У: «Манаман, бу ердан!» - деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Бундан сал олдинроқ яхшилаб таҳорат олиб биз билан бирга намоз ўқидингми?» деб сўрадилар. Одам: «Ҳа!» деб жавоб берди. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Сен шу онда онадан янги туғилгандай гуноҳсизсан. Аллоҳ шу онда Расулига ваҳий келди: «Кундузнинг ҳар икки тарафида, кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо қилинг! Албатта, яхши амаллар ёмонлик — гуноҳларни

кетказур. Бу, қулоқ тутгувчилар учун эслатмадир».

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг бу мавзудаги бошқа ҳадислари:

—Биз билан мунофиқларнинг орасида яққол кўриниб турган фарқлар бор: хуфтон ва бомдод ибодат вақглари. Уларнинг бу иккисига кучлари етмайди.

—Кимки намоз ўқимаган ҳолда Аллоҳ ҳузурига кетса (яъни ўлса), Аллоҳ унинг бошқа яхши амалларининг ҳеч бирига катта аҳамият бермайди.

— Намоз диннинг устунидир. Ким намозни тарк этса, динни йиқитган бўлади.

Аллоҳ Расули (с.а.в.)дан сўралди:

—Амалларнинг қайсиниси кўпроқ фазилатга эга? Жавоб бердиларки:

—Вақтида ўқилган намоз!

— Кимки яхшилаб таҳорат олиб беш вақт намозини вақтида ўқиса, қиёмат куни у намоз унинг учун бир нур ва қўлида бир ҳужжат бўлади.

Кимки намоз ўқимаса ёки намоз ўқишни ташлаб юборса, қиёмат куни Фиръавн ва Ҳомон билан бирга сўроқ қилинади.

— Жаннатнинг калити намоздир.

— Аллоҳнинг бандаларига фарз қилган нарсалари ичида энг кўп яхши кўргани — тавҳиддан кейин намоздир. Агар намоздан ҳам кўпроқ яхши кўрган бирон ибодати бўлсайди, турган гапки, фаришталар Аллоҳга ўша ибодатни қилишарди. Ҳолбуки фаришталардан бири доимо рукуда, иккинчиси доимо саждада, учинчиси доимо қиёмда (яъни тик оёқда) ва қуудда (тиз устида ўтирган ҳолда)дир.

— Ким қасддан намозни тарк этса, куфрга кетади.

Бу ҳадиснинг маъноси шу:

—Ким қасддан намозни тарк этса, иймон устуни йиқилгани ва ишдан чиққани туфайли иймондан чиқишга яқинлашиб қолади. Ахир, шаҳарга яқинлашган кимса тўғрисида ҳеч ким «шаҳарга борди» ё «шаҳарга кирди» демайдику!

—Ким қасддан намозни тарк этса, Муҳаммаднинг — Унга салом бўлсин - ҳимоясидан узокдир.

Абу Ҳурайра дерки:

— Ким яхшилаб таҳорат олиб, намоз ўқиш ниятида жомеъга қараб йўл олса, у намозни ният қилган вақтидан бошлаб намрзда ҳисобланади. Унга ҳар икки одимдан бири муқобилида савоб ёзилади, иккинчи одими муқобилида гуноҳи ювилади. Ҳар бирингиз шуни яхши билингки, азонни эшитгандан кейин намозга кечикишингиз тўғри бўлмайди. Дарҳол намозга қараб йўл олмоқ лозим. Чунки уйи жомедан энг узокда бўлганлар энг кўп савоб олувчилардир.

Абу Ҳурайрадан: «Нега?» - деб сўраганларида, «Одимлар кўп бўлгани учун», - дея жавоб берганди.

-Сир тутилган саждадан фазилатлироқ нарса йўқ. Чунки бу банданинг Аллоҳга яқинлашишига сабаб бўлади.

— Аллоҳ учун сажда қилган ҳеч бир мусулмон йўқки, Аллоҳ уни бир даража юксалтириб, гуноҳларидан бирини кечирмаган бўлсин.

Бир киши Пайғамбаримиз(с.а.в.)га: «Аллоҳга дуо қилинг. Мени Сизнинг шафоатингизга ноил бўлганлардан ва жаннатда сиз билан бирга турувчилардан айласин!» деди. Пайғамбаримиз:

-Менга саждаларнинг кўплиги билан ёрдам бер! — деб буюрдилар.

Ва дейдиларки:

-Бандасининг Аллоҳга энг яқин бўлган чоғи, бу унинг сажда қилаётган чоғидир.

Аллоҳнинг «**Сажда қилиб, яқин бўлинг!**» (*Алақ сураси, 19-оят*) оятининг маъноси мана шудир.

Яна Аллоҳ марҳамат қилди:

**-Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир.** (*Фатҳ*

сураси, 29-оят)

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

- Одамзот сажда оятини ўқиб саждага берилган чоғида шайтон узоқлашади ва: «Афсус!.. Сажда қилиш буюрилдию, бу одам шу заҳоти саждага берилди; унинг учун жаннат бор. Мен бўлсам сажда қилиш буюрилганда, амрга қарши чиқдим, мен учун жаҳаннам бор!..» - дейди.

Ривоятга кўра Умар ибн Абдулазиз қуруқ ерда сажда қиларди.

Юсуф ибн Асбот (х. I асрда яшаган шайхлардан. Унинг саҳоба Ҳузайфага ёзган мактуби маълум) шундай деганди:

- Ёшлар! Хаста бўлишдан ва қариб чол бўлишдан олдин Аллоҳнинг қаршисидаги вазифаларингизни адо этинг. Менинг эндиликда руку ва саждаларини бенуқсон адо этувчилардан бошқа ҳасадим йўқ. Энди мен қарилик ва хасталик туфайли буларни тўқис адо этолмайдиган ҳолдаман.

Бошқа баъзи буюқларнинг сўзлари: Саид ибн Жубайр(тобеинлардан. Яшаган йиллари х. 46-95):

— Дунёда саждадан бўлак ҳеч нарсага кўнглим суст кетмайди.

Уқба ибн Муслим (х. I асрда яшаган ровийлардан):

— Аллоҳнинг наздида бандасида бўлган хислатларнинг энг сеvimлиси бандасининг «Аллоҳга етишишни севиш» хислатидир. Бандасининг Аллоҳга энг яқин бўлган чоғи сажда қилаётган чоғидир.

Абу Ҳурайра:

—Банданинг Аллоҳга энг яқин бўлган чоғи сажда қилаётган чоғидир. Сажда пайтида кўп дуо ўқинг.

## НАМОЗ ЎҚИМАГАННИНГ ЖАЗОСИ

Аллоҳ жаҳаннам аҳлидан хабар бериб айтдики:

— **(Улар дўзах аҳлига): «Сизларни нима Сақорга киритди?» (деганларида), улар айтурлар: «Бизлар намоз ўқигувчилардан бўлмадик, мискин-бечорага таом берувчи ҳам бўлмадик. Бизлар (ботил-беҳуда сўзларга) шўнғигувчи кимсалар билан бирга шўнғир эдик (яъни Қуръон ва пайғамбар хусусида тўхмат-ёлғонлар тўқир эдик).**

*(Муддассир сураси, 42-45 оятлар)*

Имом Аҳмад қайд этади:

— Мўмин билан иймонсиз орасида «намозни тарк этиш» бор.

Муслим қайд этади:

— Мўминлик билан куфр ёки ширк орасида «намозни тарк этиш» бор.

Абу Довуд ва Насоий (тўлароқ айтилиши Ҳофиз Абу Насоий, «Сунан» («Мужтабо» ҳам дейилади) номли ҳадис китобининг муаллифи, «Кутуби ситта»нинг олтинчиси. Вафоти х. 303 й) қайд этадилар:

— Бандаси билан кофирлик орасида фақатгина «намозни тарк этиш» бор.

Термизий ва бошқа ҳадисчилар ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдиларки:

— Мен билан уларни бир битимга келтирадиган нарса намоздир. Ким намозни тарк этса, кофирлик сари юз бурган бўлади.

Ислоннинг уч дастури бор, Диннинг тамойили шулар устига қурилган. Ким шу асослардан ташқари чиқса, бу билан у кофирликка қараб кетган бўлади:

1 - Қонни (одам ўлдиришни) ҳалол ҳисобласа;

2 - Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик (шаҳодат) бермаса;

3 - Фарз бўлган намозни ва рўзани инкор этса.

Тобароний ва бошқа муҳаддислар қайд этадилар ва Убода ибн Собитдан (саҳоба ҳадисчилардан. Кўп ривоятларга аниқлик киритгани нақл қилинади) — Аллоҳ ундан рози



бўлсин — ривоят қиладилар:

— Пайғамбар дўстим (с.а.в.) менга етти нарсани ўғитлади:

1- Кесилсангиз, ёқилсангиз, осилсангиз ҳам Аллоҳга ҳеч бир нарсани шерик қилиб кўшманг.

2- Қасддан намозни тарк этманг. Ким қасддан намозни тарк этса, «Ислом уммати»дан чиқади.

3- Маъсиятга (гуноҳ ишларга) яқин йўламанг. Маъсият Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлади.

4- Майхўрлик қилманг. Зеро ичкилик ҳар ёмонликнинг бошидир.

5- Ота-онангизга қарши борманг. Ҳатто оилангиздан, мол-мулкингиздан воз кечишни буюрсалар ҳам...

6- Жанг майдонидан қочманг, бутун ўрду қирилиб, ёлғиз бошингиз билан қолсангиз ҳам...

7- Оила аъзоларингизни иззат-икром қилинг. Еганларингиздан едиринг. Уларга қўл кўтарманг. Уларни Аллоҳдан қўрқитинг.

Тобароний қайд этади:

— Омонатга риоят қилмаганнинг иймони йўқдир. Нопок кишининг намози қабул бўлмайди.

Намози йўқнинг дини йўқ. Динда намознинг ўрни вужудда бошнинг ўрни кабидир.

Баззор, бошқа муҳаддислар ва олимлар қайд этадилар ва ибн Аббосдан - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қиладилар:

Ибн Аббос дейдики:

— Кўз оғриғи бўлиб қолдим. Менга: «Сени даволаймиз. Бир неча кун намозни тарк этасан!» дейишди. Мен: «Йўқ!» дедим. Чунки Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки:

— Ким намозни тарк этса, Аллоҳ ҳузурига борганда, Уни ғазабланган ҳолда кўради.

Абу Нуъайм (тўлиқ исми Абу Нуъайм Исфаконий, Ҳадис олимларидан. «Ал-Мавзуот ал-Кубро» асарининг муаллифи. Яшаган йиллари ҳ. 336-430) дерки:

— Ким қасддан намозни тарк этса, Аллоҳ унинг номини жаҳаннамликлар қаторида жаҳаннамнинг эшигига ёзиб қўйган бўлади.

Тобароний ва Байҳақий қайд этадилар:

— Ким намозни тарк этса, оила аъзоларига ва молига етишмовчилик келтиради.

Имом Аҳмад қайд этади:

- Аллоҳ Исломиятда тўрт нарсани фарз қилди. Ким бу хўртдан учтасини адо этса, унга ҳеч бир фойда тегмайди. Ҳатто ҳаммасини адо этса ҳам, унга фойдаси тегиши даргумон. Булар: намоз, закот, рамазон рўзаси ва ҳаж.

Аллоҳ буюрдики:

- **Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосар)лар албатта ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқурлар.** (Марям сураси, 59-60-оятлар)

Магар иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларгина (азобга дучор қилинмаслар). Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирон зулм қилинмас.

Ибн Масъуд дейдики:

- Оятдаги «зое қиладиган» калимаси фақатгина «тарк қиладиган» маъносида эмас. Айни замонда «кечиктириш, намозни вақтида ўқимаслик» маъносида ҳам келади...

Илғор тобеинлардан Саид ибн Мусаййаб дейдики:

— Оятдаги «зое қиладиган» калимасининг тафсири шундайдир:

Пешин намозини вақтида ўқимай аср пайтигача орқага суриш; Аср намозини вақтида ўқимай шом намози вақтигача орқага суриш; Шом намозини хуфтонгача, хуфтонни бомдод намози вақтигача суриш! Ким намозларини узлуксиз равишда шундай орқага суришларда давом этса ва бу хатосини тузатмасдан бурун ўлиб қолса, Аллоҳ уни «ғоййа» билан жазолайди. Ғоййа — жаҳаннамнинг бешинчи табақасидаги жуда қўрқинчли чуқурнинг оти. Ичига тушган кишининг ундан қутулиб чиқиши осон эмас.

Яна Аллоҳ буюрди:

— **Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўямасин (чалғитмасин)! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!** *(Мунофиқун сураси, 9-оят)*

Бир гуруҳ муфассирлар дерларки:

— Оятдаги «Аллоҳнинг зикри»дан кузатилган мақсад беш вақт намоздир. Ким намоз вақтида молининг сотилиши, Қилаётган иши ёки бола-чақаси билан ўралашса, у зиён кўрувчилардан бири бўлиб қолади. Шунинг учун пайғамбаримиз — унга Аллоҳнинг саломи бўлсин - билдирдиларки:

- Қиёмат куни бандаси биринчи бўлиб намозга оид амали юзасидан сўроқ қилинади. Агар намози тўла-тўқис ва қусурсиз чиқса зиёндан қутулади. Йўқ. Намози чалакам-чатти ва қусурли чиқса зиёнга учрайди.

Аллоҳ буюрди:

- **Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлмай.** *(Моъувн сураси, 4-5-оят)*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу оятнинг тафсири борасида айтдилар.

- Улар намоз вақтини орқага сурганлардир.

Имом Аҳмад Тобароний ва ибн Ҳиббоннинг қайд этишларича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кун намоздан сўз юритиб айтдики:

- Ким намозни тўғри-дуруст ва тўла-тўқис адо этса, қиёмат кунида бу намоз унинг учун бир нур, ҳужжат ва бир нажот бўлади. Ким намоз ўқимаса, унинг нури бўлмайди, унинг ҳужжати бўлмайди ва унга нажот ҳам бўлмайди, Қиёмат куни Қорун (пайғамбар Мусо алайҳиссалом даврида яшаган ва мол- дунёси билан мағрурланиб кетиб ҳаддидан ошган. Ҳақ таолонинг закот беришга оид амрини тингламагандан кейин Ҳз. Мусо дуоси билан ер ютган бойлардан), Фиръавн (Мисрда Ҳз. Мусо даврида Аллоҳга исён этиб, илоҳлик даъвосида бўлган, Мусо пайғамбарга ишонмаган ҳукмдор), Ҳомон (Фиръавннинг вазири) ва Абу ибн Холаф (исломга қарши курашган жоҳиллардан) билан бирга бўладилар.

Баъзи олимлар дерларки:

Намозини адо этмаган кишилар юқорида номлари саналган кишилар билан бирга ҳашр қилинадилар. Чунки:

1. Моли билан машғул бўлган одам намозини адо этмаса, Қорунга (Мусо алайҳиссалом даврида яшаган ва мол-дунёси билан мағрур бўлиб, ҳаддидан ошган, Ҳақ таолонинг закот амрига қулоқ солмаган ва Мусо алайҳиссаломнинг дуосидан кейин моли билан бирга ҳалокатга учраган бойлардан бирига) ўхшайди ва у билан бирга ҳашр қилинади (тирилтирилади).

2. Мулки билан машғул бўлиб намозини адо этмаса, Фиръавн (Мусо алайҳиссалом даврида Аллоҳга исён қилиб, илоҳликни даъво қилган, Мусо пайғамбарга ишонмаган Мисрлик шоҳ)га ўхшайди ва у билан бирга ҳашр қилинади.

3. Амали-мансаби билан машғул бўлиб намозини адо этмаса, Ҳомон (Фиръавннинг вазири)га ўхшайди ва у билан бирга ҳашр қилинади.

4. Тижорати билан машғул бўлиб намозини адо этмаса, Макка кофирларининг бой тижоратчиси Абу ибн Холафга ўхшайди ва у билан бирга ҳашр қилинади.

Саъд ибн Абу Ваққосдан (саҳоба фақиҳлардан) ривоят қилинади:

— Пайғамбар алайҳиссаломдан: «Намозларини «унутиб» қўядиган «намозхонлар» ояти тўғрисида сўрадим. Билдирдиларки:

— Улар намоз вақтларини сурадиган кимсалардир.

Ҳоким қайд этади:

— Ким узрсиз ҳолда икки айри-айри вақтнинг намозини бир орада адо этса, катта гуноҳларнинг эшикларидан бир эшикка келган бўлади.

Бухорий, Муслим ва бошқаларнинг ҳадис китобларида қайд этилишича:

— Асрни қазо қилиб қўйган одамнинг оила аъзолари ва мол-дунёсига зарар етгандай бўлади. Муслим ва Насоий қайд этадилар:

— Бу аср намози сизлардан олдингиларга ҳам фарз қилинганди, лекин улар аср намозини адо қилишни ўрнига қўёлмадилар. Бугун сизлардан кимингиз уни ҳеч тарк этмай, тўла-тўқис (чинакамига) адо этса, унга икки ажр-мукофот бордир.

Имом Аҳмад, Бухорий ва Насоий қайд этадилар:

- Ким аср намозини тарк этса, амали зое кетади.

Тобароний ва Имом Аҳмад қайд этадилар:

-Ким аср намозини қуёш ғурубигача (ботиш бошланишигача) кечиктирса, гўё оила аъзоларини ва молини йўқотгандай зарар кўрган бўлади.

Бухорий қайд этади ва Самура ибн Жундабдан (саҳоба, ровийлардан. Ўлими ҳ. 60 й) нақл қилади:

— Пайғамбаримиз — Унга Аллоҳнинг саломи бўлсин! —тез-тез суҳбатдошларидан: «Туш кўрганлар борми орангизда?» - дея сўрар ва Аллоҳнинг англантилишини тилаган қиссасини бизга тушунтирар эди. Бир кун яна бомдод намозидан кейин: «Туш кўрганлар борми?» деди. Биз: «Йўқ!» — дедик. У Зот (с.а.в.) дедик:

— Бу кеча мен туш кўрдим, тушимда икки киши келди. Мени қўлимдан олиб: «Юр!» - дейишди. Улар билан юриб кетдим. Йўлда икки одамга дуч келдик. Бири ёнбошлаб ётарди. Иккинчиси оёқда турар ва қўлига каттакон тош кўтариб олган эди. Бу тошни у чирпирак қилиб айлантириб, ётганнинг бошига уриб ёрар, кейин яна тошни айлантира бошлар эди. ёрилган бош то аввалги ҳолига келгунча, тош чир-чир айланаверар, кейин яна бошга келиб урилиб, уни қайтадан ёрарди. Бу иш шу тариқа давом этар эди. Мен мени олиб келганларга:

— Субҳаналлоҳ, бу нима? — дедим. Улар менга:

— Юр, кетдик! — дейишди. Юриб кетдик. Бир ерда икки одамга дуч келдик. Бири ўтирибди, иккинчиси тик турибди, турганнинг қўлида темир чангаги бор эди. У чангакни ўтирганнинг оғзига тиқиб, бўйнидан чиқарар, сўнг оғиз-бурнини тилка-пора қилиб, чангакни суғуриб оларди. Сўнгра у чангагини ўтирганнинг гоҳ қулоғига, гоҳ қўзига тиқарди. Бу аснода оғиз-бурун эски ҳолига келар ва тик турган киши темир чангагини яна ўтирган кишининг оғзига тиқиб суғуришда давом этар эди. Мен мени олиб келганларга:

— Субҳаналлоҳ, бу нима?! — дедим. Улар менга:

- Юр, юр, кетдик! — дейишди. Бир жойга етганда, биз оғзи тор, туби кенг, тандирсиймон чуқурлик устидан чиқдик. Унинг ичида олов ёнарди. У алангаланганда, чуқурда ўтинга ўхшаб ёнаётган бир тўда одам чуқурнинг оғзигача учиб чиқар, олов пасайганда, яна чуқур тагига тушиб кетар эди. Булар яланғоч эркак ва хотинлар эди. Мен кузатувчиларимдан:

—Булар кимлар? - деб сўрадим. Улар менга:

— Юр, юр, кетдик!.. — дейишди. Юриб кетдик. Бир қон дарёси бўйига бориб қолдик. Дарёда бир одам турибди, қирғоғида бошқа бир одам: унинг атрофига бир тўп тош йиғилган... Дарёдаги одам қирғоққа чиқаман деса, қирғоқдагиси унинг оғзига тош билан уриб, дарёга қайтариб тушириб юборарди. У яна чиқаман деса, тагин уриб тушириб юборарди. Ва шу тариқа азоблаш давом этарди. Мен мени олиб келганларга:

— Бу нима? — дедим. Улар менга:

-Юр, юр, кетдик.. - дейишди. Юриб кетдик. Биз бу гал ям-яшил бир боғ олдидан чиқиб қолдик. Боғдаги катта бир дарахт тагида бир чол ва бир тўда болалар ўтиришар эди. Ундан ташқари бир ўзи ўт ёқиб ўтирган яна бир киши ҳам бор эди. Мен:

— Бу нима? Ким булар? — дедим. Улар менга:

—Юр, юр, кетдик!.. — дейишди. Юриб кетдик. Янада азамат бир дарахт олдидан чиқдик. Бу қадар маҳобатли, бу қадар гўзал дарахтни умримда кўрмагандим. Менга:

—Дарахтга чиқ! — дейишди. Бирга дарахтга чиқдик. У ерда, олтин ва кумуш ғишлардан қурилган бир уй бор эди. Эшигини тақиллатдик. Эшик очилди, кирдик. Бизни бир тўда кишилар

кутиб олишди. Баданларининг ярми мен кўрган гўзал нарсаларнинг энг гўзали сингари эди, қолган ярми мен кўрган хунук нарсаларнинг энг хунуги сингари эди. Мени олиб келганлар уларга дедиларки:

— Боринглар. Анов дарёга сакранглар!

Мундоқ қарасам, қаршимда суви тиниқ бир дарё оқмоқда. Одамлар югуриб кетдилар ва дарёга сакраб тушиб, чўмилдилар, сўнгра яна бизнинг ёнимизга қайтиб келдилар. Энди уларнинг ярим хунукликлари қолмаган, бутунлай гўзал ва комил қиёфага қайтгандилар. Мени олиб келганлар менга дедиларки:

— Бу — АДН ЖАННАТИДИР. Бу эса Сизнинг мақомингиздир.

Бошимни кўтариб осмонга қарадим. Юқорида оппоқ булутга ўхшаш бир кўшк кўринди. Мени келтирганлар:

— Мана шу сизнинг мақомингиз! - дейишди. Мен:

— Аллоҳ сизларга баракот берсин, мени ўз ҳолимга қолдиринг. У ерга кириб кўрай! — дедим.

Дедилар:

— Энди бўлмайди. Кейин кирасиз! Мен дедим:

— Мен шомдан буён кўп ғаройиб нарсалар кўрдим. Нима эди у кўрганларим?

Улар:

— Айтиб берамиз! — дейишди. Кейин ҳаммасини шарҳлаб беришди:

1. Бошига тош урилаётган биринчи кўрган одамнингиз Қуръон ўқиган бўлса ҳам унга амал қилмаган ва фарз бўлган намоздан ғофил қолган бир киши эди.

2. Оғзига темир чангак тикилаётган одам ғирт ёлғончи бўлиб, уйдан чиққан заҳоти ёлғон сўзлайдиган ва бу ёлғонни тўрт тарафга ёйиб юборадиган киши эди.

3. Тандирсимон чуқурда кўрганингиз яланғоч эркалар ва хотинлар зиногар бузуқлар эди.

4. Дарахтга яқин жойда олов ёқиб ўтирган ёт киши: «Жаҳаннам» соқчиларининг бошлиғи эди.

5. Азим дарахт тагида ўтирган чол Иброҳим алайҳиссалом эди. Ёнидаги болалар эса, одамларнинг норасида ёшда вафот этган болалари эди.

(Шу ерга келганда баъзи муслмонлар сўрашди):

—Эй Аллоҳнинг Расули! Бутпарастларнинг болаларими? Расулуллоҳ (с.а.в.):

—Ҳа, бутпарастларнинг болалари! — деди.

6. Қон дарёсидаги одам - фоиз билан халқнинг қонини сўриб ётган киши эди (яъни судхўр).

7. Баданларининг бир қисми бағоят гўзал, қолган қисми бағоят хунук бўлганлар эса, баъзан яхши амал, баъзан ёмон амал қилган юшсалардир. Аллоҳ уларга ёмон амаллари учун жазо бердиришдан воз кечди.

Бу ҳадиснинг давоми сифатида Баззорда шу парча келтирилган:

- Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир тўда кишиларга дуч келди. Уларнинг бошларини ҳам тошлар билан уриб парчалаётган эдилар, Пайғамбаримиз (с.а.в.) савол берганларида шундай жавоб олганлар:

- Улар кадга ақллари билан намозни оғир деб топган кишилар эди!

Ибн Можа қайд этади!

- (Аллоҳ буюрди): Сенинг умматингга (Эй Мухаммад) беш вақт намэзни фарз қилдим ва ваъда этдимки, ким бу беш вақт намозни ўз вақтида тўла-тўқис адо этса. уни жаннатга қўяман. Ким бу беш вақт намозни ўз вақтида адо этмаса, унга ҳеч бир ваъдам, ҳеч бир таъминотим йўқ.

Имом Аҳмад ва Ҳаким қайд этадилар:

-Ким зиммасида намознинг ҳақ ва вожиблигини билса ҳамда уни қусурсиз ҳолда адо этса, жаннатга киради.

Термизий, Насоий ва ибн Можа қайд этадилар:

- Қиёмат куни кишининг сўроққа тутиладиган илк амали намоздир. Агар намозга оид

ҳисоботи тўла-тўқис ва қусурсиз бўлса, нажот топади. Йўқ, агар намозга оид ҳисоботи чала-чулпа ва қусурли чиқса, зиёнга учрайди (зиён кўради). Фарз намозлари чала ва қусурли чиққан тақдирда Аллоҳ буюради:

— Текшириб кўринглар-чи, бандамнинг нафила ибодатлари борми? Бор бўлса, бу камчиликларнинг ўрнини қопланглар!

Намоз масаласи шу тариқа ҳал этилгандан кейин айна усулда бошқа амалларига ўтилади.

Насоий қайд этади:

— Қиёмат куни инсонлар даставвал намоз масаласида сўроқ қилинади. Ундан кейинги биринчи ҳукм эса садақалар, муҳтожларга берилган инъомлар хусусида бўлади.

Имом Аҳмад, Абу Довуд, Насоий, ибн Можа ва Ҳаким қайд этадилар:

— Қиёмат куни киши энг олдин амаллардан намоз масаласида ҳисоб беради. Агар намози тўла-тўқис бўлса, бу тўла-тўқис деб ёзиб қўйилади. Агар намози тўла-тўқис адо этилмаган бўлса, Аллоҳ фаришталарига дерки:

— Қаранглар! Бандамнинг нафила ибодатлари ичида намозни қопласа бўладиганлари борми? Бор бўлса, ўшалар билан тўлатинглар.

Кейин закотга ўтадилар. Ана ундан кейин навбати билан барча амалларини шундай муомала билан кўриб чиқадилар.

Таёлисий (тўлиқ исми Абу Довуд ат-Таёлисий, «Муснад» ёзгани маълум. Вафоти - ҳ. 204 й) ва Тобароний қайд этадилар: Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар:

— Жаброил Аллоҳтомонидан менинг олдимга келди. Дедики:

— Эй Муҳаммад, Аллоҳ буюрдики: «Умматингга беш вақт намозни фарз қилдим...»

Байҳақий қайд этади:

— Намознинг мезони бор. Чинакамига адо этган киши чинакамига ажр-мукофотини олади.

Дайлабий («Муснад ул-Фирдавс» номли ҳадис китобини ёзгани маълум, аммо кўп ҳадисларининг санадлари заиф) дерки:

— Намоз шайтоннинг юзини қора қилади, садақа белини синдиради. Аллоҳ учун севишмак ва Аллоҳ учун илмга берилмак шайтоннинг ўқини зое кетказди. Мана шуларни қилсангиз, у сиздан" — қуёш чиққан жойидан узоқлашгани каби узоқлашади.

Термизий, ибн Ҳаббон ва Ҳаким қайд этадилар:

— Аллоҳдан кўрқинг. Беш вақт намозни адо этинг. Рамазон рўзасини тутинг. Молингизнинг закотини беринг. Амирларингизга итоат этинг (Шундай қилсангиз). Раббингизнинг жаннатига кирасиз.

Бухорий, Муслим, Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Насоий қайд этадилар:

— Менимча, амалларнинг энг гўзали вақтида ўқилган намоз, кейин она-отага яхшилик, сўнг Аллоҳ йўлида жиҳоддир.

Байҳақий қайд этади ва Ҳз. Умардан ривоят қилади:

— Пайғамбаримизга (с.а.в.) бир одам келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, исломиятда Аллоҳнинг наздида қайси амал севимлироқ?» - деди.

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Вақтида ўқилган намоз!.. Ким намозни тарк этса, унинг дини йўқ. Намоз диннинг устунидир.

Мана шунинг учун ҳам Ҳз. Умарга суиқасд қилинганда, у ўзига:

— Намоз! Эй мўминларнинг халифаси, намоз! - деб хитоб қилди ва:

— Нақадар гўзал нарса намоз! Намозни адо қилмаганнинг исломиятда насиби йўқ! — деб намоз ўқий бошлади. Ва ярасидан қон оқаётганига қарамай, намозини охирига етказди.

Заҳабий (тўлиқ исми Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Таниқли ҳадис тафсирчиларидан. Вафоти - ҳ. 748 й. Фаззолий 450-505 йилларда яшаган, бу пайтда Заҳабий ҳали тугилмаган ҳам эди. Фаззолий ўз китобида Заҳабийдан парча келтира олмас эди. Юқоридаги иқтибос кейинги котиблар томонидан «Мукошафат-ул Қулуб»га қўшилган бўлиши

керак) ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

—Киши намозини вақтида биринчи бўлиб бошлаганда, у намоз Осмони фалакка чиқади. Унинг бир нури бўлади. Бу намоз Аршгача юксалади ва у ерда қиёматгача эгаси учун истиғфор қилади ва дейди:

—Сен мени ўз вақтида адо этиб қандай муҳофаза қилган бўлсанг, Аллоҳ ҳам сени шундай муҳофаза этсин!

Агар киши намозни кечиктириб ўқиса, у намоз ҳам кўкка чиқади. Лекин унда бир қоронғилик бўлади. Самонинг сўнгига борар-бормас эски ва чувринди либосдан бутунлай яроқсиз ҳолга келади. Шуниси билан эгасининг юзига урилади.

Абу Довуд қайд этган бир ҳадисга кўра, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳ уч кишининг ибодатини қабул этмас», деб буюрдилар ва: «Вақти ўтгандан кейин ўқилган намоз»ни шулар орасида зикр этдилар.

Яна ривоят қилинган бир ҳадисда шундай буюрилган:

Ким беш вақт намозни тўла-тўқис ва қусурсиз ўқиса, Аллоҳ унга беш хил инъом ато этади:

1. Аллоҳ ундан тирикчилик ташвишини олиб ташлайди.
2. Қабр азобини олибташлайди.
3. Амал дафтарини ўнг тарафдан бердиртиради.
4. Сирот кўпригидан кўрқмай, жадаллаб ўтадиган қилади.
5. Савол-жавобсиз жаннатга ўта олади.

Кимки намозни менсимаса ва адо этмаса, уни ўн беш нарса билан жазолантиради. Булардан бештаси дунёда, учтаси ўлим чоғида, учи қабрда, учи қабрдан тураётганда амалга оширилади.

Дунёда кўрадиган жазолари:

1. Умрининг баракаси бўлмайди.
2. Юзидан нуронийлик сиймоси олиб ташланади.
3. Аллоҳ қилган амалларининг ажрини бермайди.
4. Ўқиган дуоси қабул бўлмайди.
5. Солиҳларнинг дуосидай дуо унга насиб бўлмайди. Ўлим онда оладиган жазолари:

1. Хор бўлиб ўлади.
2. Очўлади.
3. Ташналиқда ўлади. Бутун дунё денгизларининг суви ичирилса ҳам чанқоғи қонмайди.

Қабрда кўринадиган мусибатлари:

1. К,абр унга торлик қилади. Қовурға суяклари сиқилади.
2. Қабрида олов ёқилади ва оловнинг чўғлари тошга айланади.
3. Қабрида ШУЖО деган вишиллаган шиддатли бир илон унга хуруж қилади. Бу илоннинг кўзлари оловдан, тирноқлари темирдандир. Ҳар тирноғининг узунлиги бир кунлик масофадай келади. Ўлик билан гаплашади. Дейдики:

-Мен ҚУДРАТЛИ ШУЖОман (Овози кўрқинчли, қалдироққа ўхшайди). Яна дейдики:

— Раббим менга сен ўқимаган бомдод намозининг жазоси сифатида то қуёш чиққунча сени уришим кераклигини буюрди. Сен ўқимаган пешин намозининг жазоси сифатида сени пешиндан аср вақтигача, сен ўқимаган аср намозининг жазоси сифатида асрдан шомгача, сен ўқимаган шом намозининг жазоси сифатида шомдан хуфтонгача, сен ўқимаган хуфтон намозининг жазоси сифатида хуфтондан тонггача уришим кераклигини буюрди.

Илон ҳар гал урганида уни етмиш ернинг ичига киритиб юборади. Бу азоб қиёматгача шундай давом этади.

Қабрдан турғизилаётганда у дучор бўладиган азоб-уқубатлар:

1. Сўроқ қаттиқ бўлади.
2. Аллоҳни қаҳрли ҳолда кўради.
3. Жаҳаннамга киради. Бошқа бир ривоятга кўра, намозни менсимай, уни адо этмаган киши

қиёмат маҳшарига манглайида уч сатр ёзув билан келади.

Биринчи сатрда шундай ёзилган бўлади:

—Эй, Аллоҳнинг ҳаққини зое этган! Иккинчи сатрда шундай ёзув бўлади:

—Эй, Аллоҳнинг ғазабига учраган! Учинчи сатрда эса шундай бўлади:

— Сен дунёда Аллоҳнинг ҳаққини қандай зое этган бўлсанг, бугун унинг раҳматидан шундай маҳрумсан!

Ҳадисда зикр этилган санок ўн бешга етмади, ўн тўртда қолди. Эҳтимол, ҳадисни ривоят қилган киши бирини унутгандир.

Ибн Аббосдан нақл этилади:

— Қиёмат куні бўлганда бир одам келтирилади. Аллоҳнинг ҳузурида турғизилади. Аллоҳ уни жаҳаннамга олишларини амр этади. У киши сўрайди:

— Нечун, ё Рабб? Аллоҳ айтади:

— Намозни орқага ташлаганинг учун!

Бир ривоятга кўра, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кун ҳамсуҳбатларига шундай деди:

— Ё Аллоҳим, бизларни қароқчи - маҳрум сифатида чақирма! — деб дуо ўқинглар.

Сўнгра Расулulloҳ (с.а.в.):

— Биласизларми, қароқчи — маҳрум ким? — деб сўради. Саҳобалар:

— Ким у, эй Аллоҳнинг Расули? — дедилар. Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб берди:

— Намозни тарк этган одам!

## ЖАҲАННАМ ВА ЖАҲАННАМ АЗОБИ

Аллоҳ билдирди:

— **Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозадан уларнинг бир тўдаси кирур.** (Ҳижр сураси, 44-оят) Ибн Журайх (Маккада ҳадис ишларини тартибли йўлга қўйган, айниқса, ҳадисдаги сўзларга аниқлик киритишда катта хизмати бўлган ва ўзи ҳам ҳадислар ривоят қилган одамлардан. Ибн Журайх китоб ҳам ёзган. Вафоти ҳ. 150 й) дейди:

— Жаҳаннамнинг етти қавати бор. Булар: Жаҳаннам, Лаззо, Хутома, Сайир, Сақар, Жоҳим ва Ҳовиядир.

Оятнинг тафсири шундай:

— Аллоҳ шайтонга ва ҳавойи нафсига эргашганларни етти гуруҳга ажратади. Ҳар бир гуруҳни жаҳаннамнинг бир қаватига жойлайди. Инсонларни бундай гуруҳ-гуруҳларга бўлишининг сабаби шу:

— Куфр ва гуноҳлар даражаларига кўра хилма-хилдир. Куфр ва гуноҳлар мана шундай турли даражаларга бўлингани каби кофирлар ва гуноҳкорларнинг жаҳаннамдаги даражалари ҳам турличадир.

Инсоннинг кўз, қулоқ, тил, меъда, жинсий аъзо, қўл ва оёқдан иборат етти аъзоси бўлганидай, жаҳаннамнинг етти дарвозаси борлиги тўғрисида ҳам фикрлар айтилган. Чунки бутун гуноҳлар шу етти аъзо томонидан юзага келтирилади.

Ҳз. Али — Аллоҳ ундан рози бўлсин - шундай дейди:

— Жаҳаннамнинг қаватлари еттита ва устма-уст. Олдин биринчиси тўлдирилади, кейин иккинчиси, сўнгра учинчиси...

Бухорий, ундан ташқари, Термизий ҳам, ҳадиснинг тарихини қайд этган ҳолда ибн Умардан ривоят қиладилар: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

— Жаҳаннамнинг етти эшиги бор. Булардан бири — умматимга қилич урганлар учундир.

Тобароний «Авсат»да қайд этади:

— Бир кун Жаброил алайҳиссалом аввалроқ ташриф буюриб, замон ва макондан ташқарида Пайғамбаримиз(с.а.в.)га дуч келди. Пайғамбаримиз(с.а.в.) оёққа турдилар ва:

— Эй Жаброил! — дедилар: — Менга нима бўлаётир, сени рангинг ўзгарган ҳолда

кўрмоқдаман!

Жаброил жавоб берди:

— Аллоҳ жаҳаннам кўруқларига (пуфлагичларига) буйруқ бермаганида келмасдим.

Расул (с.а.в.) деди:

— Эй Жаброил, менга жаҳаннам нималигини тушунтир!

Жаброил тушунтирди:

- Аллоҳ олов ёқилишини буюрди. Минг йил ёқилиб жаҳаннам бўлди. Яъни шундайки, олов оппоқ ҳолга келди. Сўнгра яна буюрди, яна минг йил ёқилди, олов қип-қизил бўлди. Сўнгра тагин буюрди, минг йил яна ёқидди, қоп-қора бўлди. У энди тим қоронғилиқдир. Энди ёлқинлардан нур таралмайди, айна чоғда оловлари ҳам асло ўчмайди. Сени пайғамбар қилиб юборганга қасамки, жаҳаннамдан бир игна тешигичалик туйнук очилсайди, бутун ер юзидагилар муқаррар ўларди. Сени ҳақ-пайғамбар қилиб юборганга қасамки, агар жаҳаннам соқчиларидан бир нафари дунёдагиларга кўринсайди, бутун ер юзидагилар унинг бадбашара қиёфати ва сассиқ ҳиди туфайли ўлардилар. Сени ҳақ-пайғамбар қилиб юборганга қасамки, агар жаҳаннам аҳлининг кишанларидан бир дона ҳалқаси - булар қандайлиги Аллоҳнинг китоби Қуръонда тавсифланган - дунё тоғлари устига қўйилса, уларни ер остига чўктириб юборарди. Тоғлар унинг оғирлигини асло кўтара олмасди. Гап шу ерга келганда Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедиларки: —"Етар, эй Жаброил! Яна гапирсанг юрагим ёрилиб ўламан!

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаброил алайҳиссаломга қарадилар. У йиғлар эди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Сен ҳам йиғлайсанми, эй Жаброил! Ҳолбуки, сен Аллоҳнинг маконидасан, ўша ерда истиқомат қиласан!..

Жаброил алайҳиссалом жавоб берди:

— Менинг нима борки, йиғламай!.. Мен кўпроқ йиғлашга лойиқман; Аллоҳнинг наздида шу ҳозирги ҳолимдагидан бошқача бўлиши ҳам мумкин. Охир-оқибатда Иблиснинг куни менинг ҳам бошимга тушмасмикин, деган хавотир таъқиб этади; ахир, у фаришталар тоифасидан эди-ку. Ҳорут ва Морут мубтало бўлган мусибатга мен ҳам мубтало бўлмайман, деб айтолмайман. Билмайман, келажакда бошимга нималар тушади...

Бу аснода, энди Расул алайҳиссалом йиғладилар. Жаброил ҳам йиғлади. Бу йиғлашлари ҳадеганда ҳеч тинадиганга ўшамасди.

Бу орада бир овоз эшитилди:

— Эй Жаброил! Эй Муҳаммад! Аллоҳ сизларни гуноҳ қилишдан сақлайдиган бўлди!..

Шу овоз эшитилганда Жаброил алайҳиссалом ғойиб бўлиб кетди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам замон ва маконга қайтдилар. Бир гуруҳ ансорларга дуч келдилар. Улар кулиб ўйнашаётган эди.

Пайғамбар алайҳиссалом:

—Куляпсизларми? Ҳолбуки орқангизда жаҳаннам бор! - дедилар. Сўнг илова қилдилар:

—Агар менинг билганимни билсайдингиз, оз кулиб, кўп йиғлар эдингиз. Еган-ичганларингиз ичингизга тушмас эди. Тоғларга чиқиб Аллоҳга ёлворардингиз.

Бу аснода яна бир овоз эшитилди:

— Эй Муҳаммад, бандаларимни умидсизлантирма! Мен сени хушxabарчи қилиб жўнатдим.

Мушкуллантирувчи қилиб жўнатмадим!

Шунда Пайғамбаримиз — алайҳиссалом - буюрдиларки:

— Тўғрилиқка ўралинг, ифрот ва тафритдан (ҳаддан ошиш ва сустликдан) сақланинг.

Имом Аҳмад қайд этади:

Расул алайҳиссалом Жаброилга дедик:

— Менга нима бўляпти, Микоилни ҳеч кулаётган ҳолда кўрмайман?

Жаброил жавоб берди:

— У жаҳаннам яратилгандан бери бирон марта ҳам кулмади!



Муслим қайд этади: Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

— Қиёмат куни жаҳаннам етмиш минг тизгинда келтирилади. Ҳар тизгинни етмиш минг фаришта ушлаб тортади.

Абу Довуд, Насоий ва Термизий қайд этадилар:

— Аллоҳ жаннат ва жаҳаннамни яратган вақтда Жаброил алайҳиссаломни жаннатга юборди ва:

— Жаннатни ва жаннат аҳли учун тайёрлаганларимни кўр! - деди.

Жаброил келди, жаннатни ва жаннат аҳли учун тайёрланган нарсаларни кўрди ва орқасига қайтиб бориб:

— Иззатинг ҳаққи айтаманки, уни эшитган ҳар қандай кимсанинг у ерга киргиси келади! - деди.

Аллоҳ жаннатга амр берди. Жаннат кўнгилни айнитувчи нарсалар билан ўралди. Сўнгра Аллоҳ Жаброил алайҳиссаломга:

- Яна бор. Жаннат аҳли учун тайёрлаганларимни кўр! — деди.

Жаброил кетди. Кўрсаки, жаннат кўнгилни айнитувчи нарсалар билан безатилган. Қайтиб келди ва:

- Иззатинг ҳаққи айтаманки, у ерга ҳеч бир кимса кирмаса керак, деган андишадаман! — деди.

Сўнгра Аллоҳ Жаброилга буюрди:

- Жаҳаннамга бор. Уки ва жаҳаннам аҳли учун тайёрлаганларимни кўриб кел!

Жаброил алайҳиссалом кетди. Жаҳаннамни кўрди. Қарасаки, жаҳаннамда тўлқин-тўлқин оловлар ёнаётир. Қайтиб келди ва:

-Иззатинг ҳаққи айтаманки, уни эшитгач ҳеч бир кимса у ерга кирмайди! — деди.

Аллоҳ жаҳаннамга амр берди. У шахвоний манзаралар билан безатилди, сўнгра Аллоҳ Жаброилга:

- Яна бор! — деди. Жаброил борди. Кўрди. Қайтди ва:

-Иззатинг ҳаққи айтаманки, у ерга киргиси келмаган бирон кимса қолмас-ов, деб кўрқдим! — деди.

Байҳақий қайд этади ва ибн Аббосдан ривоят қилади:

- Ибн Аббос, **«Дарвоқе, у (жаҳаннам ҳар томонга ҳар бири) қасрдек, худди сариқ туяларга ўхшаган учқунларни отиб турур!»** (Мурсалот сураси, 32-оят) маолидаги оятни тафсирлаб дейдики:

- Мен ёғоч каби демайман (Бу учқунлар). «Қалъалар ва шаҳарлар» каби дейман.

Имом Аҳмад, ибн Можа, ибн Ҳиббон ва Ҳаким қайд этадилар:

-Вайл жаҳаннамдаги бир чуқур дарадир. Кофир у ернинг тубига тушгунча қирқ йил ўтади.

Термизий қайд этади:

-Вайл икки тоғ орасидаги бир дарадир. Кофир бу дарада унинг тубигача етмиш йилда тушиб боради.

Ибн Можа ва Термизий қайд этадилар (матн ибн Можадан):

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

-Аллоҳга, **ҲАЗИНЛИК ҚУДУҒИДАН** асра, деб сиғининглар!

Саҳоба сўради:

- Эй Аллоҳнинг Расули, ҳазинлик қудуғи нима?

Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

-Жаҳаннамда бир ДАРАДир. Жаҳаннамнинг ўзи кунда тўрт юз марта шу қудукдан кўрққанидан Аллоҳга сиғинади!..

Сўрадилар:

- Эй Аллоҳнинг Расули, у ерга кимлар киради?

Айтдиларки:

- Амаллари билан ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК қилган қори-ю қурролар учун тайёрланган жойдир. Аллоҳнинг энг қаттиқ ғазабини келтирган кишилар - бу, золим давлат бошлиқларини зиёрат қилиб борган ҚОРИлардир.

Тобароний қайд этади:

- Жаҳаннамда бир дара бор. Жаҳаннам ҳар кун бу дара қўрқувидан тўрт юз марта Аллоҳга илтижо қилади. Бу дара Муҳаммад умматининг МУНОФИҚлари учун тайёрлангандир.

Бухорий ёзилган ё айтилган йили номаълум бўлган бир ҳужжатни келтириб, қайд этади:

- Жаҳаннамда етмиш минг дара бордир. Ҳар даранинг етмиш минг тармоғи бордир. Ҳар тармоқда етмиш минг уй бордир. Ҳар уйнинг етмиш минг хонаси бордир. Ҳар хонада етмиш минг қудуқбордир. Ҳар қудуқда етмиш минг баҳайбат илон бордир. Ҳар илоннинг оғиз бўшлиғида етмиш минг чаён бордир. Ҳеч бир кофир, ҳеч бир мунофиқ бу ерларга тушмай қолмайди.

Ҳз. Умар — Аллоҳ ундан рози бўлсин - шундай дер эди:

- Жаҳаннамни кўп ёдга олинглар. Чунки чиндан ҳам унинг ҳарорати шиддатли, туби чуқурдир. Тўқмоқлари эса темирдандир.

Баззор, Абу Йўло, ибн Ҳиббон (тўлиқ исми Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад ат-Тамимий ал-Бустийдир. «Ас-Сиқот» номли уч жилдлик китобнинг, шунингдек, «Маърифатул-Мажруҳин минал-Муҳаддисин» номли асарнинг муаллифи. Вафоти ҳ. 354 й) ва Байҳақий қайд этадилар:

- Агар бир тош жаҳаннамга (жаҳаннамдаги дарага) отилса, тубига бориб тушгунча етмиш минг йил ўтади.

Муслим қайд этади ва Абу Ҳурайрадан ривоят қилади:

- Биз Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга эдик. Оғир бир нарсанинг ерга тушганда чиқарадиган овозига ўхшаш бир овоз эшитдик. Аллоҳ Расули (с.а.в.): «Биласизларми, бу ниманинг овози?» - деб сўрадилар. Биз; «Аллоҳ ва Расули билади!» - дедик. Айтдиларки:

— Бу, бир тошдир. Аллоҳ уни жаҳаннамга юборганди. Етмиш минг йилдан бери тушаётган эди. Фақат ҳозир тубига бориб етди.

Тобароний қайд этади ва Абу Саид Худрийдан ривоят қилади:

— Расул алайҳиссалом бир овоз эшитди. Бу овоз уни қўрқитди. Шу аснода Жаброил келди. Аллоҳ Расули: «Бу ниманинг овози, эй Жаброил?» - деб сўради.

Жаброил алайҳиссалом дедики:

— Бу еттиш минг йилдан бери жаҳаннамнинг тубига тушиб бораётган бир тошнинг овози. Фақат ҳозиргина жаҳаннамнинг тубига бориб тушди. Аллоҳ унинг овозини сенга эшиттирди.

Тобароний, ибн Ҳиббон ва Ҳаким қайд этадилар:

— Жаҳаннамда йўғонлиги туянинг бўйнидай келадиган илонлар бор. Биттаси чақса, оғриғи етмиш йил зирқиратиб туради. Яна жаҳаннамда хачирдай-хачирдай чаёнлар бор. Биттаси чақса, оғриғи қирқ йил давом этади.

Термизий, ибн Ҳиббон ва Ҳаким қайд этадилар:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Улар сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларни куйдиргувчи сув берилур» - маолидаги оят тўғрисида буюрдиларки:

— (Ичириладитан бу сув) зайтун ёғининг қуйқуми кабидир. Оғзингга яқинлаштирган вақтингда юзларинг эриб, унинг ичига осилиб тушади.

Термизий қайд этади:

— Уларнинг бошларига куйдирадиган қайноқ сув тўкилади. Азоби бутун вужуднинг ҳужайраларигача ёйилади. Терилари оёқларига қадар шилиниб тушади. Сўнг яна эски ҳолига қайтарилади. Бу қайноқ сув Аллоҳнинг шу оятида ҳам зикр этилгандир:

— **(Тақво эгалари) дўзахда мангу қоладиган ва (у жойда) қайноқ сув билан сўғорилиб, у (сув) ичакларини бўлак- бўлак қилиб ташлаган (кофир) кимсалар каби бўлурми? (Муҳаммад сураси, 15-оят)**

Имом Аҳмад, Термизий ва Ҳаким қайд этадилар. Термизий бу келтирилаётган ҳадисни

«Ночор ҳадис» деб баҳолайди, Ҳаким эса Муслим келтирган шарт-шароитга асосланиб «Саҳиҳ ҳадис» дейди.

- Пайтамбаримиз (с.а.в.): **«Унинг (яъни ҳар бир кофир бўлган кимсанинг) олдида жаҳаннам бордир. (Жаҳаннамда) унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди»** (*Иброҳим сураси, 16-17-оятлар*), мазмунидаги оят ҳақида айтдиларки:

- Ичиш учун унга оғзини яқинлаштиради, лекин жирканади. Яқинлашганда юзи куйиб кетади. Бошининг териси оқиб тушади. Ичганда, то орқасидан чиқиб кетгунча ичаклари бўлак-бўлак бўлиб кетади.

Аллоҳ буюради: **«(Тақво эгалари) дўзахда мангу қоладиган ва (у жойда) қайноқ сув билан суғорилиб, у (сув) ичакларини бўлак-бўлак қилиб ташлаган (кофир) кимсалар каби бўлурми?» «Агар улар (ташналик шиддатига чидамай) сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларни куйдиргувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у».** (*Каҳф сураси, 29-оят*)

Имом Аҳмад ва Ҳаким қайд этадилар ва Ҳаким бу ҳадиснинг саҳиҳ эканлиги тўғрисида тўхталган:

- Агар жаҳаннам йирингидан бир кўваси дунёга тўкилса, бутун дунёни саситиб юборган бўларди. Бу ерда «йиринг» деганда, **«Мана бу қайноқ сув йирингдир! Бас, улар ўшани тотиб кўрсинлар»** (*Сод сураси, 29-оят*) ва **«фақат қайноқ сув ва йирингни (тотурлар)»** (*Набаъ сураси, 25 оят*) оятларидаги «йиринг» назарда тутилган.

Термизий қайд этади:

- Пайғамбаримиз (с.а.в.): **«Эй мўминлар! Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!»** (*Ол-и Имрон сураси, 102-оят*) мазмунидаги оятни ўқиди ва дедикки:

- Агар заққумдан бир парча ер юзига тушса, дунёдагиларнинг барча ейдиган нарсаларини бузади ва ифлос қилади. Хўш, ейдиган бирдан-бир нарсаси заққум бўлса, ул кимсанинг ҳоли нима кечади?

Имом Аҳмад, Тобароний ва Термизий қайд этадилар: —Кофирнинг тили бир-икки фарсах чўзилади; инсонларни уни топтаб ўтадилар.

Байҳақий ва бошқалар қайд этадилар:

- Жаҳаннам аҳли жаҳаннамда улканлаштирилади. Чунончи, улардан бирининг қулоқ солинчоғи билан бўйни-орасидаги масофа етти юз йиллик масофагача етади. Терисининг қалинлиги етмиш қадамча келади. Олдинги тишининг биттаси Уҳуд тоғидай келади.

## ГУНОҲДАН ҚЎРҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

Одамни гуноҳдан тийилтирувчи энг муҳим омил, бу -қўрқув, шубҳасизки, Аллоҳдан қўрқидир; Аллоҳнинг интиқомидан ва қудратидан ваҳимага келиш; беражак азобидан, ғазабидан ва аёвсизлигидан сақланмоқдир. «Аллоҳнинг амрига қаршилик қилувчилар ўзларига бир бало орттиришдан, бошларига аччиқ кулфат тушишидан қўрқсинлар!»

Пайғамбар алайҳиссалом ўлим тўшагида ётган бир ёш йигитни кўргани кирган эди. Ундан: «Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?» - деб сўради. Йигит: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳдан паноҳ сўраяпман ва айни чоғда қилган гуноҳларимдан қўрқяпман!» - деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Бир банданинг бундай андишали қалбида икки нарса бирга бўлмайди, шубҳасиз, Аллоҳунгатилаганини беради, қўрққани учун эса, кўнглини ишонч билан тўлатади!» деб буюрди.

Вирд(ўрта аср ислом тафсирчиларидан)таъкидлайди:

Ҳз. Исо - Унга ва пайғамбаримизга ва бошқа пайғамбарларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! — дер эдики:

— Жаннатни севиш ва жаҳаннамдан қўрқиш мусибатларга сабр ва чидам имконини яратади; кишини дунёнинг шахвоний истаклари ва гуноҳларидан узоқлаштиради.

Ҳасан Басрий ҳам шундай дейди:

- Бу дунёга шундай инсонлар келиб кетдики, улардан баъзилари шағал тошларидай бутун-бутун олтинларини садақа қилиб юборган бўлсалар ҳам, нафсидаги гуноҳлар кўплиги туфайли, ҳали қутула олмаган бўлсам керак, деб қўрқардилар.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар:

**«Ўзингизнинг яқин қариндошларингизни огоҳлантиринг!»** (*Шуаро сураси, 214-оят*) мазмунидаги оят нозил бўлган пайтларда Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай буюргандилар:

— Эй Қурайшлилар! Нафсларингизни Аллоҳнинг азобидан қутқаринглар! Мен охиратда сизлар учун Аллоҳ таолодан энгиллик сўраб беролмайман! Эй Абду Маноф (Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оталари - Абдуллоҳ, Абдуллоҳнинг отаси - Абдулмутталиб, унинг отаси - Ҳошим, унинг отаси - Абду Манофдир. Бу хитоботярида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз қариндошларимга мурожаат қилиб, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам мен қариндош-уруғчилик қилолмайман, бошқалар ҳам қилмасин, ҳар ким гуноҳлардан, бировнинг ҳақини ейишдан, зулмдан, зиюдан, ўғрилик, қаллоблик ва бошқа ғайриқонуний ишлардан тийилиб юрсин, демоқчи бўладилар) ўғиллари! Мен сизларга энгиллик сўраб беролмайман! Эй пайғамбарнинг бўласи Аббос ибн Абдулмутталиб! Сенга ҳам Аллоҳдан энгиллик сўраб беролмайман! Эй Расулulloҳнинг аммаси Сафиййа! Сизга ҳам энгиллик сўраб беролмайман! Эй Муҳаммаднинг қизи Фотима! Молимдан истаганингча сўра, аммо Аллоҳдан сенга энгиллик сўраб беролмайман!

Ҳз.Ойша **«Раббининг ҳузурига қайтгувчи эканликларидан юраклари қўрқиб турган ҳолда садақаларини берадиган кишилар»** (*Мўминлар сураси, 60-оят*) мазмунидаги оятни ўқиб мурожаат қилди:

— Эй Аллоҳнинг Расули! Булар зиногар, ўтри ва майхўр бўлгани учун Аллоҳдан қўрқувчи кишиларми?

Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб берди:

— Йўқ, эй Абу Бакрнинг қизи! Булар намоз ўқиган, рўза тутган, садақа берган, айни чоғда қилган бу ибодатлари қабул қилинмай қолишидан қўрқадиган кишилардир.

Ҳасан Басрийдан сўрадилар:

— Эй Абу Саид, баъзи кишилар Аллоҳнинг раҳматидан шундай ажойиб баҳс юритадиларки, бундай давраларда бўлганимизда қалбларимиз парвоз қилади. Бундай ҳолларда ўзимизни қандай тутсак тўғри бўлади? Ҳасан Басрий шундай жавоб берди:

— Аллоҳга қасамки, сизлар учун Аллоҳдан қўрқиш тўғрисида баҳс юритиб қалбларингизга ишонч берувчи кишилар билан суҳбатда бўлишингиз тинмай Аллоҳнинг раҳматидан баҳс юритиб, қалбларингизни парвоз қилдирувчиларнинг суҳбатида бўлишингиздан хайрлироқдир.

Ҳз. Алининг невараси Зайналобидин — Аллоҳ улардан рози бўлсин — таҳорат қилишни бошлаганда ва таҳорати битганда қалт-қалт титрай бошларди, ундан бунинг сабабини сўрашганда, шундай жавоб берарди:

— Воҳ сизга! Билмайсизми: мен кимнинг олдида қиёмга тураман, кимга муножот қилмоқчиман?

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай дейди:

— Аллоҳни ўйлаб қўрқув босганда иштаҳам бўғилади, ҳеч нарса егим ҳам, ичгим ҳам келмайди.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар:

- Пайғамбаримиз - алайҳиссалом, ёлғизликда Аллоҳнинг азобини хотирлаб, қилган гуноҳлари юзасидан кўз ёш тўккан кишилар қиёмат қуни, яъни бирон жойда соя бўлмайдиган кунда, Аллоҳнинг Аршдан туширадиган соясида туришга мушарраф бўладиган етти хил киши ичида бўлажакларини дараклаганлар.

Ибн Аббос ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

- Жаҳаннам оташи тегмайдиган икки түр кўз бор:

1. Кечалари Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўз.
2. Аллоҳ йўлида душманга пойлоқчилик қилган (хушёр) кўз.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Қиёмат қуни йиғламаган кўз қолмайди. Фақат:

1. Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга юмилган кўз.
2. Аллоҳ йўлида уйғоқ турган кўз.
3. Аллоҳдан қўрққани сабабли пашшанинг бошидай ёш тўккан кўз йиғламайди!

Термизий қайд этади ва Абу Ҳурайрадан - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Аллоҳ қўрқувидан йиғлаган кимса она сийнасидан чиққан сут қайта сийнага кирмагунча жаҳаннамга кирмайди!.. Аллоҳ йўлида жанг қилаётганда кўтарилган чанг-тўзон ҳеч вақт дўзахнинг тутуни билан бир орага келмайди (яъни Аллоҳ йўлида жанг қилган жамоа жаҳаннамга тушмайди).

Абдуллоҳ ибн Умар ва ибн Ос шундай дер эдилар:

— Аллоҳдан қўрқиб тўккан бир томчи кўз ёшим минг динор садақа берганимдан хайрлироқдир.

Авн ибн Абдуллоҳ (тўла исми Авн ибн Абдуллоҳ ибн Утба, тобеинлардан) эса шундай дерди:

— Эшитишимча, кишининг Аллоҳ қўрқувидан оқизган кўз ёшлари вужудининг қай ерига теккан бўлса, Аллоҳ ўша ерларини жаҳаннам учун ҳаром қилади.

Киндий (тўла исми Абу Умар Муҳаммад ибн Юсуф ал-Киндий, тафсир олимларидан. Миср тарихи, валийлар тарихи, қозилар тарихига оид китоблар ҳам ёзгани маълум. Туғилиши - 283/897; ўлими — 350/961 й Бундан олдин ҳам Киндий тахаллусли бир сиймо яшаб ўтган. Куняси Абу Умайя эди. «Қози Шурайх» ҳам яейиларди. Ҳз. Умар уни Куфа қозилигига тайин этганди. Кир мунча вақт Басра қозиси ҳам бўлганди. Унинг ҳам тафсирлари, фикралари (парча асарлари) маълум Вафоти - ҳ. 78 й. Фаззолий келтирган иқтибос (кўчирма) қай бирларига мансублигини аниқлашга муваффақ бўлмадик) айтади:

— Аллоҳдан қўрқиб йиғлаш натижасида тўкилган бир томчи кўз ёш дарё-дарё жаҳаннам отабини сўндиради.

Тобеинлардан бири - Ибн Саммоқ нафсини қийнаб, тундай дерди:

-Тўрт кишига бошлиқ бўлган мусулмонларнинг гапларини айтасан, аммо ўзинг мунофиқларнинг ишини қиласан. Тағин жаннатга киришни ҳам хоҳлайсан. Ҳайҳот, ҳайҳот!.. Жаннатда сенга ўхшамаган кишилар бор. Уларнинг амаллари эса бизнинг амалларимиздан бутунлай бошқача!..

Суфён Саврий ҳикоя қилади:

- Жаъфар Содиқ (мугасаввиф Абу Мухлими Имом Жаъфар Содиқ -шиаларнинг 12 имомидан олтинчисидир «Тақводан ҳам кучлироқ озиқ, сукутдан ҳам азизроқ борлиқ, жаҳолатдан ҳам зарарлироқ ёв, ёлғондан ҳам ёмонроқ ўлдирувчи касаллик йўқ» ҳикмати ул зотга оиддир. Улими 148/765 й) никига боргандим. Унга:

-Эй Аллоҳ Расулининг невараси, менга бир ўғит бер! -дедим.

Деди:

-Эй Суфён, ёлғончида одамгарчилик йўқ, ҳасадчида тинчлик йўқ, заифнинг дўсти йўқ, ёмон феълли одам улуғ инсон бўлолмайди.

Дедим:

- Тўймадим, яна айт, эй Аллоҳ Расулининг невараси!

Деди:

-Эй Суфён, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан қўлингни торт - ОБИД бўлурсан. Аллоҳнинг ёзмишига рози бўл — МУСЛИМ бўлурсан. Кимлар билан суҳбатлашишни истасанг, ўшалар

билан суҳбатлаш — МЎМИН бўлурсан. ФОЖИР билан ҳамсуҳбат бўлма, фисқ-фужурдан сенга ҳам юқиб қолади (Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар!) Иш юритганда, Аллоҳдан қўрқувчилар билан кенгаш.

Дедим:

- Эй Аллоҳ Расулининг невараси, яна айт!

Деди:

- Ким қабиласиз, уруғ-аймоқсиз иззат ва шараф эгаси бўлишни, куч йиғмай туриб, ҳайбатли бўлишни, зўр бўлишни истаса, олдин Аллоҳга исён этиш залолатидан чиқсин, итоат йўлига кирсин.

Дедим:

- Эй Аллоҳ Расулининг невараси, яна айт! Деди:

- Бобом менга уч нарсани ўғитлаган эди. Дегандики:

1. Эй ўғлим, ёмон ахлоқлилар билан дўстлик қилган одам омон қололмайди.

2. Ёмон йўлга кирган одам бир кун сўроқ бериши турган гап.

3. Тилини тиёлмаган пушаймон бўлур. Ибн Муборак ҳикоя қилади: Ваҳоб ибн Вирддан сўрадим:

— Аллоҳга исён қилган одам ибодатдан завқлана оладими?

Деди:

— Йўқ! Аллоҳга исён қилмоқчи бўлган одам ибодатдан завқ ололмайди.

Ибн Жавзий (ҳадис олимларидан. «Ал-Мавзуотал-Кубро» асарининг муаллифи. Туғшши ҳ. 507; ўлими ҳ. 597 йил) дейдики:

— Аллоҳ қўрқуви ҳавойи ва шаҳвоний истакларни маҳв этувчи бир оловдир. Демак, Аллоҳдан қўрқишнинг фазилати ҳавойи хатти-ҳаракатларни ёқиб йўқ қилишида, гуноҳлардан сақлашида ва итоатли бўлишга ташвиқ этишида кўринади. Аллоҳдан қўрқиш шундай бир фазилатки, у туфайли кишида иффат, тақво; нафс ва ёмон феъл-атворлар билан олишув каби хислатлар, Аллоҳга яқинлашишга восита бўладиган фозил амаллар қилиш имкони ҳосил бўлади. Оят ва ҳадисларда бу хусуслар шундай англатилгандир:

— **Унда (лавҳаларда): «Парвардигоридан ҚЎРҚАДИГАН кишилар учун ҳидоят ва раҳмат бўлур», деб битилган эди.** (*Аъроф сураси, 154-оят*)

— **Аллоҳ улардан рози бўлди, улар (Аллоҳдан) рози бўлдилар.** Бу (мукофот) **Парвардигоридан ҚЎРҚҚАН кишилар учундир.** (*Баййина сураси, 8-оят*)

— **Парвардигори ҳузурида туришидан ҚЎРҚҚАНЛАР учун икки жаннат бордир.** (*Раҳмон сураси, 46-оят*)

— **Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан ҚЎРҚМАНГИЗ, мендан ҚЎРҚИНГИЗ.** (*Ол-и Имрон сураси, 175-оят*)

— **Аллоҳдан ҚЎРҚАДИГАН киши панд-насиҳат олажак.** (*Аъло сураси, 10-оят.*)

— **Бандалар ичида фақат олим-билимдонларгина Аллоҳдан (керагидай) ҚЎРҚАДИЛАР.** (*Фотир сураси, 28-оят*)

Илмнинг фазилати ҳақида шаҳодат берувчи барча оят ва ҳадислар, Аллоҳдан қўрқишнинг фазилати ҳақида ҳам шаҳодат берадилар. Чунки Аллоҳдан қўрқиш илмнинг мевасидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедиларки:

— Бандасининг Аллоҳ қўрқувидан жисми ҳурпайиб кетган пайтларда, қуриган дарахтлардан хазон тўкилгандай йўл қўйган хатолари тўкила бошлайди.

— (Аллоҳ буюрдики): Иззатим ҳаққи учун айтаманки, мен бандамда ИККИ ҚЎРҚУВНИ жамламайман, ИККИ ЎЗИГА ИШОНЧНИ ҳам жамламайман. Дунёда мендан қўрқмаса, мендан кўра ўзига кўпроқ ишонса, охиратда уни қўрқитаман. Дунёда мендан қўрқса, охиратга унга ўзига ишонч бераман (Охиратда унинг учун қўрқув бўлмайди).

Абу Сулаймон Дороний шундай дейди:

- Аллоҳдан қўрқмаган ҳар қандай қалб охири хароб бўлғусидир.

Аллоҳ буюрдики:

- **Фақат зиён кўргувчи қавмгина Аллоҳнинг «макри»дан хотиржам бўлур.**  
(*Аъроф сураси 33-оятдан*)

## ТАВБАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Тавба (гуноҳлардан қайтиш)нинг фазилати ҳақида бир қанча оятлар бор:

— **Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар.** (*Нур сураси, 31-оят*)

— **Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва бу азоблар қўйнида хорланган ҳолида мангу қолур. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилиқ-савобларга айлантириб қўюр. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир. Ким тавба қилиб яхши (амаллар) қилса, бас, албатта, у Аллоҳнинг ризо-мағфиратига қайтган бўлур.** (*Фурқон сураси, 68-71-оятлар*)

Тавбанинг фазилати мавзуида ҳадислар ҳам жуда кўпдир: Муслим қайд этади:

-Аллоҳ бир кеча-кундуз гуноҳ қилган кишининг тавба қилишини кутади. Кейин яна қуёш ботгунча кун бўйи кеча гуноҳ қилганнинг тавба қилишини кутади.

Термизий қайд этади ва келтирган ҳадиси саҳиҳлигини айтади:

— Ғарб тарафда қирқ йиллик ёки етмиш йиллик масофа кенглигида бир эшик бор. Аллоҳ бу эшикни Осмонларни ва Ерни яратган пайтида очиб қўйган. Қуёш у ердан чиққунча уни ҳеч ёпмайди.

Яна Муслим қайд этади ва келтирган ҳадиси саҳиҳлигини айтади:

— Аллоҳ ғарбда тавба учун кенлиги етмиш йиллик масофа даражасида бўлган бир эшик яратди. Қуёш ўшал эшик тарафдан чиқмагунча уни бекитмайди.

Бу ҳадисга мавзу бўлган масала Аллоҳнинг шу оятида зикр этилгандир:

— **Парвардигорининг айрим оятлари келадиган кунда эса, илгари иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилиқ касб қилмаган бирон жонга (энди келтирган) иймони фойда бермас.** (*Анъом сураси, 158-оят*)

Тобароний қайд этади:

-Жаннатнинг саккиз эшиги бор. Еттиси ёпиқ. Бир донаси тавба учун очикдир. Қуёш шу ердан чиққунча очик қолади.

Ибн Можа қайд этади:

-Хато қилсангиз-у бу хатоингиз осмонгача чиқса, кейин тавба қилиб ортиқ бундай қилмасангиз, Аллоҳ тавбангизни қабул қилади.

Ҳаким қайд этади ва келтирган ҳадиси саҳиҳлигини айтади:

— Агар кишининг умри узайиб Аллоҳ унга пушаймонлик ато этса, бу унинг саодати жумласидандир.

Термизий, ибн Можа ва Ҳаким қайд этадилар: - Ҳар инсон хато қилади. Хато қилганларнинг энг яхшиси тавба қилганлардир.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар:

- Бир бандаи мўмин гуноҳ иш қилиб қўйса ва: «Эй Раббим, мен бир гуноҳ қилиб қўйдим. Гуноҳимни афв эт!» -деса, Аллоҳ ҳам: «Бандам ўзининг гуноҳларини афв эта оладиган ва гуноҳкорнинг жазосини бериши мумкин бўлган бир Рабби борлигини идрок этди», - дейди ва уни афв этади. Орадан Аллоҳ тилаганича вақт ўтади. Сўнгра бандаси яна бир гуноҳ қилиб қўяди ва: «Эй, Раббим, мен гуноҳ қилиб қўйдим. Гуноҳимни афв эт! - дейди. Аллоҳ ҳам:

«Бандам ўзининг гуноҳларини афв эта оладиган ва гуноҳкорнинг жазосини бериши мумкин бўлган бир Рабби борлигини идрок этди», - дейди ва уни афв этади. Орадан Аллоҳ тилаганича вақт ўтади. Сўнгра бандаси яна бир марта гуноҳ қилиб қўяди ва: «Эй Раббим, мен бир гуноҳ қилиб қўйдим. Гуноҳимни афв эт! — дейди. Аллоҳ ҳам: «Бандам ўзининг гуноҳларини афв эта оладиган ва гуноҳкорни жазолай оладиган бир Раб-би борлигини идрок этди. Бандамни афв этдим. Бандам ҳар не вақт хато иш қилиб қўйса, мен уни афв эта оладиган даражада қудратга эгаман!» - дейди.

Имом Аҳмад, Термизий, Насоий, ибн Можа, ибн Ҳиббон, Ҳаким ва Байҳақий қайд этадилар:

-Мўмин киши гуноҳ қилиб қўйган вақтда қалбида қора бир доғ пайдо бўлади. Агар тавба-истиғфор қилиб, бу гуноҳни бошқа такрорламаслик йўлига кирса, қора доғ ювилиб, йўқ бўлиб кетади. Агар тавба қилмаса, яна гуноҳ қилса, қора доғ йириклашади, кўпаяди, ҳатто, бу ҳол қалби бутунлай қора доғ билан қоплангунча давом этади. Аллоҳнинг китобида зикр этилган: **«Йўқ, аксинча, уларнинг қалбларини ўзлари касб қилиб олган гуноҳлари қоплаб олгандир!»** (*Мутаффифун сураси, 14-оят*) оятида келтирилган «қоплаб олиш» ибораси мазкур доғни англатади.

Термизий қайд этади:

-Аллоҳ бандасининг тавбасини то унинг жони ҳалқумига келмагунча қабул қилади.

Тобароний ва Байҳақий қайд этадилар ва Муоз (Яҳё ибн Муоз (34-изоҳга қаранг) дан ривоят қиладилар: Муоз айтади:

-Расулulloҳ, - унга Аллоҳнинг саломи бўлсин - қўлимдан тутиб, мен билан бир-икки чақирим йўл юрди. Йўлда дедики:

-Эй Муоз, сенга берадиган ўғитим шулки, тақволи бўл, Аллоҳдан қўрқ, тўғри сўзли бўл, аҳдинга вафо қил, омонатни тегишли жойига топшир, хиёнат қилма, етимга марҳаматли бўл, қўшнилик ҳаққига риоя эт, ғазабингни ют, мулойим сўзли бўл, ҳар кимга омонлик тила, давлат бошлиғининг эҳтиёжларига яра, Қуръон асосларини ўрган, охиратни сев, савол-жавоб кунидан қўрқиб яша, ҳою-ҳавасга берилма, яхши амаллар йўлдошинг бўлсин. Мен сенга мусулмонни сўкишни ёки ёлғончини тасдиқлашни, тўғриликни инкор этишни ва ёхуд одил давлат одамларига қарши чиқишни ва ер юзида тартибсизлик чиқаришни манъ этаман. Эй Муоз! Ҳар бир дарахтни ё тошни кўрганингда Аллоҳни ёдга ол! Ҳар бир қилган гуноҳинг учун бир тавба қил! Яширин гуноҳингга яширинча, очик гуноҳингга очикча тавба қил!

Исфаҳоний (Абу Нуъайм Исфаҳоний, Исбахоний деб ҳам ёзилади (392-изоҳга қаранг)) қайд этади:

— Киши гуноҳларига тавба қилиб, бошқа бундай қилмасликка аҳд қилган чоғида Аллоҳ унинг гуноҳларини ҲАФАЗА ФАРИШТАЛАРИГА (гуноҳларни ёзувчи фаришталарга) унуттиради. Яна Аллоҳ бу гуноҳларни у кишининг аъзоларига ва ер юзидаги бошқа гуноҳларга ҳам унуттирадики, бул банда қиёмат кунини Аллоҳга етишаётган чоғида унинг гуноҳларига шохидлик берувчи биронта ҳам гуноҳ топилмайди.

Яна Исфаҳоний қайд этади:

— Камчиликларидан АФСУСЛАНУВЧИ киши, Аллоҳдан РАҲМАТ кутсин. Ўзига МАФРУР БЎЛУВЧИ киши эса Аллоҳдан ҲАЗАБ кутсин. Эй Аллоҳнинг бандалари, билиб қўйингки, кимнинг амали қандай бўлса, унга шундай амал билан жавоб қайтарилади, у бу дунёдан яхши ва ёмон ҳар турли амалларининг жавобини кўрмагунча кетмайди. У бу дунёда ўз амалларига яраша муомала кўради. Кеча билан кундуз бир улов мисолидир. Эй инсонлар, бу уловлар устида охират йўлчилигини чиройли қилиб адо этинг. Чексиз орзу-ҳаваслардан сақланг. Зеро, ўлим қутилмаганда бир ондаёқ келиши мумкин. Ҳеч бирингиз Аллоҳ берган муҳлатга алданиб, ўлимни унуга кўрманг. Чунки оташ сизга оёқ кийимингиз боғичидан ҳам яқинроқлиги шакшубҳасиздир.

Шундан сўнг Аллоҳ Расули (с.а.в.) мана бу оятни ўқидилар:

— **Бас, ким (дунёлик пайтида) зарра мисоличалик яхшилик қилган бўлса**



**(Қиёмат пайтида) ўшани кўрур. Ким зарра мисоличалик ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўрур!** (*Залзала сураси, 7-8-оятлар*)

Тобароний қайд этади:

— Гуноҳидан тавба қилиб, уни такрорламаслик йўлига кирган одам, гуноҳсиз кимса кабидир.

Айни шуҳадисни Байҳақий ҳам бошқа йўсинда қайд этади ва ундан ташқари, шу қисмни ҳам илова қилади:

— Тавба-истиғфор қилгани ҳолда шундай гуноҳ қилишда яна давом этган кимса Рабби билан ҳазиллашган кимса кабидир.

Ибн Ҳиббон ва Ҳаким қайд этадилар: - НАДОМАТ-тавбадир.

Шубҳасизки, бу надомат қилинган амалнинг гуноҳлигини, хунуклигини ҳис қилишдан ва бунинг азобидан кўрқишдан юзага келган бўлса мақбулдир. Гуноҳ иш қилганда ва шу туфайли мол-дунё зое бўлишидан кўрқилгани учун ва ё шунга ўхшаш сабаб туфайли ҳис қилинган надомат мақбул эмасдир.

Ҳаким қайд этади:

- Аллоҳ бандасининг бир гуноҳи туфайли надомат ҳис қилаётганини кўрганда, ул бандаси ўз гуноҳи юзасидан тавба-истиғфор қилишни битирмасданоқ уни афв этади.

Муслим қайд этади:

- Жухайна қабиласидан бир хотин Расулulloҳ, - унга Аллоҳнинг саломи бўлсин - ҳузурига келди. Ғайриқонуний муносабатдан ҳомиладор эди. Дедик:

- Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), мен гуноҳ қилдим. Аллоҳнинг жазосини татбиқ қилинг!

Аллоҳ Расули - Унга салом бўлсин! — хотиннинг ҳомийсини чақирди ва:

- Унга яхши қара, иззат-икром қил. Боласини туғиб олгандан кейин менга олиб кел! — деди.

Хотиннинг ҳомийси шундай қилди. Боласини туғиб олгандан кейин хотинни олиб келди, Аллоҳ Расули (с.а.в.)га топширди. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг амри билан хотиннинг кўйлаклари сиқиб устига боғланди. Сўнгра яна Аллоҳ Расули (с.а.в.)нинг амри билан ражм қилинди. Кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг намозини ўқидилар.

Ҳз. Умар дедик:

- Эй Аллоҳнинг Расули, унинг намозини ўқияпсанми? Ҳолбуки, у зино қилганди!..

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу жавобни бердилар:

- Шундай тавба қилдик, тавбаси, агар Мадина аҳлидан етмиш киши орасида тақсимланса, ҳаммасига етиб ортарди. Сен ўз оёғи билан шоша-пиша келиб, Аллоҳнинг ҳукми татбиқ этилишини талаб қилган бундан фазилатлироқ бошқа бирон хотинни кўрганмисан?

Термизий, Ибн Ҳаббон ва Ҳаким қайд этадилар ва Ибн Умардан ривоят келтирадилар:

Ибн Умар дейдики:

Аллоҳ Расули(с.а.в.)дан бир хабарни кўп карра эшитган эдим. Дер эдик:

— Эски қавмлардан бир одам бор эди. Ҳеч гуноҳ қилишдан тоймас эди. Бир кун унинг ёнига бир хотин келди. У одам келган бу хотин билан алоқада бўлиш учун унга олтмиш динар пул берди. Энди унга яқинлик қилишни бошлаётганда хотин титраб йиғлай бошлади. Одам: «Нега йиғлайсан, мендан жирканяпсанми?» - деб сўради. Хотин: «Йўқ, мен бугунгача ҳеч қилмаган ёмон бир амални қияпман. Мени бунга моддий қийинчилик мажбур қияпти!» - деди. Шунда у одам: «Демак, сен бундан олдин ҳеч бундай иш қилмагансан, энди қилаётирсан, шундайми? Бор, кетавер, ундай бўлса. Берган олтин пулларим сеники!» деди ва қўшимча қилди:

— Йўқ! Қасамёд этаманки, мен энди абадиян, то ўлгунимча Аллоҳга қарши исён қилмайман!..

У одам шу кеча ўлди. Эрталаб унинг эшигига шундай лавҳа ёзилганди:

— Аллоҳ уни афв этди!..

Ибн Масъуддан ривоят келтирилади:

— Икки қишлоқ бор эди. Бирининг халқи солиҳ кишилар, бошқасининг халқи эса бузуқ кишилар эди. Халқи бузуқ кишилардан ташкил топган қишлоқдан бир одам чиқди. Мақсади — Холқи соф кишилар бўлган қишлоққа кетиш эди. Фақат йўдда ажали етиб, кўнгли тилаган қишлоққа етишолмай ўлди. Фаришта билан шайтон унинг бошида баҳслашиб кетишди.

Шайтон дер эдики:

— Қасамки, бу киши асло менга исён этмади!..

Фаришта эса шундай дерди:

— У тавба қилиш ва ортиқ такрорламаслик учун гуноҳлардан қайтиш йўлига чиққан эди!..

Аллоҳ буюрдики:

- Қайси қишлоққа яқинроқ эканлигига қаранг!. Қарадилар. Халқи солиҳ кишилардан иборат қишлоққа яқинроқ экан. Шу тариқа Аллоҳ уни афв этди.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар:

- Сиздан олдинги қавмлардан бир одам бор эди. У тўқсон тўққиз жонга зомин бўлган эди. Минтақанинг энг олим одамани суриштирди. Уни бир роҳибнинг оддига юбордилар. У ўзининг тўқсон тўққиз одамни ўлдирганини, тавба қилса тавбаси қабул бўлиш-бўлмаслигини сўради. Роҳиб: «Йўқ, сенинг тавбанг қабул бўлмайди!» - деди. У одам роҳибни ҳам ўлдирди. Сўнгра яна минтақанинг энг донишманд ода-мини суриштирди. Уни бир олимга юбордилар. Одам олимнинг ҳузурига кириб борди. Юз кишини ўлдирганлигини, энди ўзи учун тавба эшигининг очиқ-очиқмаслигини сўради. Олим: «Ҳа, очиқ!» деди. «Фалон ерга бор. У ерда Аллоҳга ибодат қилгувчи инсонлар бор. Сен ҳам улар билан бирга Аллоҳга оид вазифаларингни адо эт. Аввалги жойингга қайтма. Зеро, у ер ёмон бир жойдир».

Одам у ерни топиб борсин учун, йўлга солиб юборилди, лекин ярим йўлга келганда ўлим унинг ёқасидан олди. Унинг ўлиги тепасида раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари баҳслашиб қолдилар. Раҳмат фаришталари шундай дейишарди:

—У тавба қилиб, қалби билан Аллоҳга юз тутган эди!.. Азоб фаришталари эса бундай дейишарди:

—У умрида асло яхшилик қилмади!..

Уларга — ораларида ҳакамлик қилиш учун - бир фаришта келди.

Ораларига кириб дедикки:

— Икки ер - ўз юрти билан кетаётган юрти — орасини ўлчангиз. Қай томонга яқин бўлса, у ўша томонга оиддир.

Икки ер орасини ўлчадилар. Кетаётган жойига яқинроқ эканлигини кўрдилар. Шу тариқа уни раҳмат фаришталарига қолдириш кераклиги маълум бўлди.

## ЗУЛМНИНГ ЁМОНЛИГИ

Аллоҳ билдирди:

— **Золим кимсалар яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар.** (*Шуаро сураси, 227-оятнинг сўнги жумласи*)

Пайғамбаримиз - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрди:

— Зулм қиёмат куни ҚОРОНФИЛИКЛАРДИР.

— Ким зулм билан бир қарич тупроқни тортиб олса, Аллоҳ қиёмат куни етмиш арса (бир арса — бир иморатлик жой) ерни унинг бўйнига ўтказди.

Баъзи китобларда ёзилишича, Аллоҳ айтди:

— Мендан бошқа ёрдамчиси бўлмаган кимсага зулм қилган киши аёвсиз ғазабимга гирифтор бўлғусидир.

Шоир нақадар яхши айтган:

*Кучлиман, деб зулм қилма ҳеч қачон,*

*Зулм оқибати фақат — пушаймон.*

*Сен ухларсан, мазлум сенга тилар дор,  
Мазлум бедор экан, Аллоҳ ҳам бедор.  
Золим зулм қилса кезиб юртма-юрт,  
Ёмонлиғи ортса худми ё беҳуд,  
Сен ҳавола қил вақтга, у топгай жазо,  
Ҳеч кутмаган ерида юз бергай бало.*

Салафлардан баъзилари дерки:

— Заифларга зулм этма! Кучлилар ичида энг гунохлиси бўлурсан.

Абу Ҳурайра - Аллоҳ ундан рози бўлсин - шундай дейди:

— Золимнинг зулмидан эзилган ва қўрқув босган тувалоқ инида ётган жойида жон берар.

Тавротда шундай ёзилгандир:

— Қиёмат куни Сирот кўпригининг ортидан бир нидочи нидо бериб дерки:

— Эй, барбар (ёввойи, варвар) золимлар! Эй, талончи-лар! Аллоҳ — аzza ва жалла (қудрати ва буюклиги ҳаққи) - қасам этдики, бугун бу кўприқдан ҳеч бир золимнинг зул-ми ўтолмайди...

Жобир — Аллоҳ ундан рози бўлсин! - ҳикоя қилади:

— Ҳабашистонга борган муҳожирлар қайтган чоғларида Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи унинг устига ёғсин! — дедики:

— Ҳабашистонда энг кўп диққатингизни оширган ҳодисани менга айтиб беролмайсизми?

Қутайба (тўлиқ исми Қугайба ибн Саид. Ҳз. Пайғамбар с.а.в.нинг асҳоби киромларидан) ҳикоя қилди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, биз бир кун бир ерда ўтирган эдик. Ёши ўтиброқ қолган хотин ёнимиздан ўтиб кетди. Бошида сув тўла катта бир кўзаси бор эди. Кетаётиб бир ёш йигит билан юзма-юз келди. Йигит бир қўлини унинг кифтига қўйди-да, уни итариб юборди. Хотин чўккалаб қолди. Кўзаси синди. Бир зумда ўрнидан турди. Йигитга қараб шундай деди:

— Кўрасан ҳали, эй золим. Аллоҳ курси (Арш)ни қуриб, барча инсонларни йиғган, қўлларинг ва оёқларинг гапирадиган ва эгасининг қилган ишлари ҳақида гувоҳлик берадиган замон келади! Кўрасан, эртага (қиёмат куни) сенинг ва менинг ҳолимиз қандай бўлишини!..

Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедиларки:

— Кучлилардан заифларнинг ҳаққини олиб бермайдиган миллатни Аллоҳ ҳеч қачон азиз қилмагай!..

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) бошқа бир ҳадисларида шундай билдирдилар:

Беш кишига Аллоҳ — аzza ва жалла - ғазаб қилади. Хоҳласа бу ғазабини дунёда кўрсатади. Хоҳласа охирада уларни жаҳаннамга отади. Булар:

1. Қўл остидагилардан ўз ҳаққини олгани ҳолда ўзи уларга нисбатан одил бўлмаган ва ё қўл остидагилар зулмга дучор бўлганда зулмни улардан дафъ этмаган давлат бошлиғи.

2. Халқ ўзига итоат этгани ҳолда, кучлилар ва заифлар орасида одил муомала қила олмаган беҳуда ва лузумсиз гаплар билан вақт ўтказиб юрган давлат катталари.

3. Оила аъзоларига (хотини, болаларига) Аллоҳга итоат этишларини амр этмаган ва уларга диний бурчларини ўргатмаган оила бошлиғи.

4. Маош бериш тўғрисида битишиб одам ишлатган ва ишчининг ҳаққи бўлмиш маошини ўтамаган кишилар.

5. Маҳрини бермай, хотинига зулм қилган эркак.

Абдуллоҳ ибн Салом (Ҳз. Муҳаммад с.а.в.нинг саҳобаларидан, илоҳий ишоратга муяссар бўлган ва жаннат билан муждаланган зот эди)- Аллоҳ ундан рози бўлсин!.. дейдики:

— Аллоҳ махлуқотни яратди. Яратилар оёққа турган чоғларида бошларини кўтариб, Аллоҳга юзландилар ва:

— Эй. Раббимиз, Сен кимлар билан биргасан? - деб сўрадилар.

Аллоҳ буюрди:

— Ҳаққи тўлангунга қадар мазлумлар билан биргаман.

Ваҳоб ибн Мунаббих ҳикоя қилади:

— Золимлар ичра бир золим ўзига кўшк қурдирди. Кўшк гўзал қилиб безатилган эди. Шу орада ёши ўтиброқ қолган бир хотин келди ва кўшк яқинида золимнинг зулмидан қутулиш ниятида бир намозгоҳ кулба қурди. Бир кун кўшк эгаси бўлмиш золим отига минди. Кўшкнинг атрофида айлана бошлади. Ёши ўтиб қолган хотиннинг кулбасини кўриб:

— Кимники бу? — деб сўради.

— Камбағал бир хотинники, шу ерга кириб-чиқиб юради, - дейишди.

Золим уни бузиб ташлашларини буюрди ва кулба бузиб ташланди. Бир оздан кейин хотин келди. Кулбасининг йиқитилганини кўриб:

— Ким бузди бунни? — деб сўради.

— Кўшк соҳиби кўриб буздирди!.. — дедилар. Хотин бунни эшитганда бошини кўкка кўтарди ва:

— Эй Раббим, масканимни бузишганда мен йўқ эдим, аммо сен қаерда эдинг? - деди.

Бу оҳни эшитган Аллоҳ Жаброил алайҳиссаломга у кўшкни ичида ётганлар устига йиқитишни амр этди. Жаброил эса буйруқни ўрнига қўйиб адо этди.

Бармак ўғиллари қамоққа олинган пайтда (Бармак ўғиллари аслан балхлик олижаноб турк оиласи эди. Аббосий ислом салтанатининг қурилишида бу оиланинг қапа хизмати бўлган эди. Уша пайтларда дарҳол мусулмонликни қабул қилган барча гурклар каби булар ҳам Ислом Давлатининг ҳарбий, иқтисодий-сиёсий, илмий-техникавий соҳалари юксалиши учун бор кучлари билан ишлаган эдилар. Халифа Ҳорун ар-Рашид олдинига бу оила аъзоларига давлат идорасидан муносиб вазифаларни берган, ўзига ўқитувчилик қилган Бармак ўғли Холиднинг ўғлига (Яҳёга) вазирлик, кейин Яҳёнинг ўғилларига ҳам бошқа катта лавозимларни топширган. Лекин кейинчалик - ҳозиргача аниқланмаган айрим сабабларга кўра - бу оила аъзоларидан аччиқланиб, баъзиларини қатл эттирган, баъзиларини зиндонга ташлаттирган, бойликларини мусооара қилдирган) бир ўғил отасига шундай деди:

— Эй отажоним, шунча олижанобликдан кейин кишанга урилдик, қамоққа тушдик!.. Бу қанақаси?

Отаси шу жавобни берди:

— Эй ўғлим, бир мазлумнинг охи кечалари юриб чиқади. Менимча, биз бундан ғофил қолганмиз. Ҳолбуки, Аллоҳ ундан ғофил қолмади.

Абу Умома - Аллоҳ ундан рози бўлсин!.. — дейдики:

— Қиёмат куни золим Сирот кўпригига келганида мазлум у билан юзлашади. Мазлум золимга ўтказган зулмларини эслатади. Мазлумлар золимларнинг қўлларидаги яхши амалларини олмагунча улардан қутула олмайдилар. Агар золимларнинг яхши амаллари йўқ бўлса, мазлумларнинг гуноҳлари золимларга юкланади. Ана шундан кейин уларни жаҳаннамнинг энг пастки табақасига ирғитадилар.

Абдуллоҳ ибн Анис (Пайғамбаримиз с.а.в.ининг саҳобаларидан)- Аллоҳ ундан рози бўлсин!.. - ҳикоя қилади:

— Пайғамбаримизнинг - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — гапларини кўп эшитганман. Дердиларки:

— Қиёмат куни инсонлар ялангоёқ, яланғоч, суннатсиз ва бўм-бўш (нима қилишни билмаган) ҳолда тирилтириладилар. Бир нидочи узоқдагилар ҳам, яқиндагилар ҳам бирдай эшитадиган янгроқ овозда нидо қилади. Дейдики:

— Мен ҳокими мутлақман! Бирон зотга бир чертки билан ҳам зулм этган киши на жаннатга дарҳол жаннатилар қаторига, на жаҳаннамга дарҳол жаҳаннам аҳли қаторига киради!.. Жаннатлик ўзига ўтказилган зулмнинг бадалини жаҳаннамликдан; жаҳаннамлик ҳам ўзига ўтказилган зулмнинг бадалини жаннатликдан олади; Раббингиз ҳеч бир кимсага зулм қилмайди. Биз дедикки:

— Бу ҳақ олиш-беришлар қандай амалга оширилади, эй Расулulloҳ? Биз ялангоёқ, қип-

яланғоч, суннатсиз ва ёнимизда ҳеч нарса бўлмаган ҳолда тирилтирилган бўлсак?!..

Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Ҳисоблашиш савоблар ва гуноҳларни бир-бирига ўтказиш орқали амалга оширилади. Раббингиз ҳеч кимсага зулм қилмайди!..

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай буюргандилар:

— Кимда-ким зулм қилиб бировни калтак билан урса, қиёмат куни бунинг қасоси олинади!

Эскиларнинг ҳикоя қилишича:

—Бир ҳукмдор бўлган эди. Боласини улғайтириш ва тарбиялаш учун бир лоло (эркак тарбиячи) олганди. Бола фазилат ва адабда камолга етганда Лоло уни бир куни тутиб олиб, сабабсиз-айбсиз урди, яхшигина жонини ачитди. Бола шу туфайли лолосига кек сақлади. Отаси ўлиб, ўзи тахтга ўтирганда лолони чақирди ва:

—Фалон пайтда, фалон жойда сабабсиздан сабабсиз мени уриб жонимни ачитганинга сабаб нима эди? — деди.

Лоло шу жавобни берди:

— Эй ҳукмдор! Сенинг фазилат ва адабда камолга етганингни кўрганда, отангнинг ўлимидан кейин тахтга ўтиришга тайёр бўлганингни кўрдим. Сенга таёғимнинг тотини (мазасини) ва зулмнинг аламини тоттириб қўймоқчи бўлдим. Токи, тахтга ўтирганинга ҳеч кимга зулм этмагайсан!

Бу жавобни эшитган ҳукмдор лолосига: «Аллоҳ сенга хайрлар берсин!» - деди. Унга совға-саломлар берди, эҳсонлар килди ва уйига кузатиб қўйди.

## ЕТИМГА ЗУЛМ ЎТКАЗИШДАН САҚЛАНИШ

Аллоҳ жалла жалалуҳу айтди:

— **Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шакшубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва, албатта, дўзахга киражаклар.** (Нисо сураси, 10-оят)

Қатода дейдики:

— Оят Готофан қабиласидаги бир одам ҳақида нозил бўлган. Бу одам акасининг етим қолган кичик боласига отач лик қилган ва унинг тегишини еб қўйган эди. Оятда «зулч йўли билан емоқ» таъкидланганига кўра, фикҳ китобларида айтилган шартлар доирасидан ташқарида ҳомий етимнинг молини ейиши мумкин.

Бу орада Аллоҳ шундай буюрди:

— **(Етимни оталиққа олган киши) агар бой бўлса (етимнинг молидан), парҳез қилсин. Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни қилган хизматига яраша) олиб есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Аллоҳнинг ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир.** (Нисо сураси, 6-оят)

Оятдан англашинишича, ҳомий етимнинг молидан фақат муҳтож қолганда, эҳтиёжга яраша, ёки қарз олиш йўли билан ва ёхуд қилган хизматининг бадали тарзида жуда муз-тар қолган чоғи ейиши мумкин. Агар имкони бўлса, келгусида егани миқдорини узади. Имкони бўлмаса, егани ҳалолдир. Аллоҳ юқоридаги оятдан олдин келган оятда етимларнинг ҳаққига жуда қаттиқ риоя қилиш кераклигини танбеҳ қилиб айтиб қўйган:

- **Кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб кетганлари тақдирда улардан хавотир олганлари каби (ўзгаларнинг етимлари ҳақидан ҳам) қўрқсинлар. Бас, Аллоҳдан қўрқиб, (ўлим олдидаги кишига) ҳақ сўзни айтсинлар!** (Нисо сураси, 9-оят)

Аллоҳ бир ваҳйида Довуд алайҳиссаломга шуларни тайинлаганди.

— Эй Довуд, етимга нисбатан меҳрибон ота сингари бўл! Бева қолган камбағал хотинларга нисбатан марҳаматли эр сингари бўл! Билиб қўйки, сен нима эксанг, шуни оласан, яъни сен

бошқаларга қандай муомала қилсанг, сенга ҳам шундай муомала қилинади. Чунки сен ҳам, ҳеч шак-шубҳасиз, ўласан. Болаларинг етим, хотининг бева қолади!..

Ҳақсиз бўла туриб, етимларнинг молларини ейиш ва уларга зулм ўтказишнинг оқибатлари ҳақида оятларга мувофиқ ҳолда таъкидланган бир қатор ҳадислар ҳам бор. Етимларга зулм ўтказганларни оғир жазолар кутаётгани ҳақида оятлар қандай огоҳлантирган бўлса ҳадислар ҳам шундай огоҳлантирган. Уларнинг ҳаммаси, инсонларга етимларнинг молини ейиш ва уларга зулм ўтказишдан сақланишни буюради.

Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида қайд этилган:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Эй Абу Зарр, сен менга заиф кўринасан. Мен ўз нафсимдан нима истасам, сенга ҳам шуни тилайман. Онанг билан отангга қарши борма. Етимнинг молини ишлатишда сахий бўлма.

Бухорий, Муслим ва бошқалар ҳам қайд этадилар:

— Ҳалок қиладиган етти нарсадан қочинг!

Саҳоба:

- Недир улар, эй Аллоҳнинг Расули?

Расулulloҳ саллalloҳу аҳайҳи ва саллам:

1. Аллоҳга шерик танимоқ.
2. Ноҳақ бўла туриб, тирик жонни ўлдирмоқ.
3. Сехрбозлик қилмоқ.
4. Фоиз (процент) олмоқ.
5. Етимнинг молини емоқ.
6. Аллоҳ йўлида олиб борилаётган жиҳодда жанг майдонидан қочмоқ.
7. Она билан отага қарши бормоқ.

Ҳаким қайд этади:

Аллоҳ тўрт тоифа кишини жаннатга киритмайди, уларга жаннат неъматларини татитмайди:

1. Сархуш қилувчи ичкилик ичганларни.
2. Фоиз олганларни.
3. Етимнинг молини еганларни.
4. Она билан отага қаршй борганларни.

Ибн Ҳиббон саҳиҳида қайд этади:

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи бошларидан ёғилсин — Амр ибн Ҳазм (тўлиқ исми Амр ибн Ҳазм ал-Ансорий. Пайғамбаримиз (с.а.в.) томонидан Йаманга ислом асосларини ўргатиш учуи юборилган саҳобалардан) билан Йаманга йўллаган бир мактубларида шундай деб ёзган эдилар:

- Қиёмат куни Аллоҳнинг наздида катта гуноҳларнинг энг каттаси қуйидагилардир:

1. Аллоҳга шерик танимоқ.
2. Ноҳақ бўла туриб, мўмин одамнинг жонига тажовуз қилмоқ!
3. Аллоҳ учун олиб борилаётган жиҳодда жанг майдонидан қочмоқ.
4. Онага ва отага қарши бормоқ.
5. Иффатли хотинга тухмат қилмоқ.
6. Сехрбозлик қилмоқ.
7. Фоиз олмоқ.
8. Етимнинг молини емоқ.

Абу Йўло қайд этади:

— Қиёмат куни бир қисм инсонлар қабрларидан турганларида оғизларидан олов сочадилар.

Саҳоба:

— Кимлар улар, эй Аллоҳнинг Расули?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— **Етимларнинг молларини зулм йўли билан еган кимсалар, ҳеч шак-шубҳасиз,**

## **қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албагга дўзахга киражаклар. (Нисо сураси, 10-оят)**

Муслим қайд этган «Меърож» ҳадисидан бир парча:

— Бир пайт бир тўда инсонлар билан юзма-юз келиб қолдим. Уларнинг бошларига бошқа кишилар ўтириб олган эди. Бу — бошларга ўтирган кишилар - уларнинг соқолларини юлардилар, шунда қўлларида олов тошлар кўтарган бошқа бир қисм кишилар келиб, бу олов тошларни соқоллари юлинган кишиларнинг оғизларига тиқиб орқа тарафидан чиқара бошладилар. Жаброилдан: «Ким булар?» - деб сўрадим.

Дедики:

— Етимларнинг молларини зулм йўли билан еганлар. Улар қоринларига фақат олов егандирлар.

## **КИБРНИНГ ЁМОНЛИГИ**

Кибр машъум феъл-атвор бўлгани ва ёмон оқибатга олиб келиши муқаррар бўлгани учун бу ерда такрор эсга олиб, шарҳлашга қарор қилдик. (Биринчи қисмдаги «Кибрнинг ёмонлиги» сарлавҳали бобга қаранг) Кибр Иблис томонидан қилинган биринчи гуноҳдир. Шу феъли учун Аллоҳуни лаънатлаган ва Осмонлар ва Ернинг кенглигидай келадиган Жаннатдан ҳайдаб, жаҳаннам азобига отгандир.

Муқаддас ҳадисда Аллоҳ ж.ж. шундай буюради: - БУЮКЛИК - УЛУҒЛИК менинг кўйлагим, БИҚОР эса чакмонимдир. Кимда-ким булардан бири хусусида мен билан талашадиган бўлса, уни ҳалок қиламан. Ҳеч қўймайман.

Яна бир хабарга кўра:

— КИБРЛИЛАР уруғ доналари каби инсон шаклида тирилтириладилар. Улар ҳартарафдан ЗИЛЛАТ (хорлик, шармандалиқ) ичида қоладилар. Уларга жаҳаннам аҳлининг қусуқлари ичирилади.

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин - билдирди:

— Қиёмат куни Аллоҳуч тоифа билан гаплашмайди, уларга асло назар ташламайди. Улар учун аламли азоб бор:

1. Зино қилган оқсоқол.
2. Золим давлат бошлиғи.
3. КИБРЛИ КИШИ.

Бир одам овқатни чап қўли билан еяётган эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга:

— Ўнг қўлинг билан е! — деб буюрди. У одам:

— Ўнг қўлим билан еёлмайман! — деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Еёлмайсан!.. — деди ва илова қилди: - Бу киши кибри туфайли ўнг қўли билан таом емайди.

Бу ҳодисадан кейин у одамнинг қўли фалаж бўлди, кейин қўлини бутунлай кўтаролмай қолди.

Собиб Ибн Қайс (ансорларнинг имом хатиби ва ҳозражийларнинг байроқдори бўлган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг асҳобларилан. Ямома деган қасабада (Тоиф яқинида) бўлган жангла ҳижратнинг 12-йили ҳалок бўлган) Пайғамбаримиз(с.а.в.) дан сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, мен чиройли ва ёқимтой одамларни яхши кўрадиган кишиларданман. Бу КИБРданми, нима деб буюрасиз?

Аллоҳ Расули жавоб берди:

— Йўқ. КИБР ҳақни инкор этишдан ва инсонларни ҳақир кўришдан бўлади. КИБРЛИ одам бошқа инсонларни ўзидан паст кўради. Ҳолбуки, улар ҳам унинг каби инсондир. Ҳатто, балки, Аллоҳнинг наздида, ундан ҳам яхшироқдирлар.

Ваҳоб ибн Мунаббих ҳикоя қилади:

—Мусо алайҳиссалом Фиръавнга: «Иймонга кел! Мол-мулкинг ва салтанатинг ўзингники», - деганида, Фиръавн: «Бўлмаса мен бориб Ҳомон билан кенгашиб келай». — деди. Борганда Ҳомон дедики:

—Сен ўзингга ҳамма топинадиган бир Рабб бўлганинг ҳолда энди иймон келтирсанг, бошқа бировга ибодат қилувчи қул бўласан!

Бу кенгашдан кейин Фиръавн Аллоҳга ибодат қилишдан ва Мусога тобеъ бўлишдан бўйин товлади, Аллоҳ ҳам уни денгизга чўктирди.

Аллоҳнинг Қурайш кофирларидан берган хабарига кўра, улар дедиларки:

— **Бу Куръон икки шаҳарнинг биридан (бўлган) бир улуғ одамга нозил қилиниши керакмасмиди?** *(Зухруф сураси, 31-оят)*

Қатода дерки:

—«Икки шаҳарнинг улуғлари» деганда Валид ибн Муғира (қурайш қабиласи раисларидан. Ҳижратдан олдин Ҳз. Муҳаммад с.а.в. бир қатор мукаррам зотлар қатори бу киши билан ҳам учрашган ва исломга даъват қилгандилар) билан Абу Масъуд Сақафий (Қурайш бойларидан. Пайғамбаримиз бу кишини ҳам исломга даъват қилгандилар) назарда тутилган. Мақом ва рутбаларига кўра пайғамбаримиздан юсакроқ ва бойроқ эдилар. Улар (кофирлар):

—Бир етим бола!.. Аллоҳ уни бизга пайғамбар сифатида қандай жўнатади?!.. — дер эдилар.

Аллоҳ эса уларнинг бу фикрларига жавобан шундай деди:

— **Парвардигорингизнинг раҳмати бўлмиш пайғамбарликни ўшалар тақсимлайдиларми?! Дунё ҳаётида уларнинг маишатларини ҳам ўрталарида Биз тақсимлаганмиз. Баъзилари бошқаларини қўл остига олиб ишлатишлари учун айримларини айримларидан баланд мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати – пайғамбарлик эса улар тўплаган нарсаларидан яхшироқдир.** *(Зухруф сураси, 32-оят)*

Сўнгра Аллоҳ КИБРЛИларга жаҳаннамга тушганларида қандай ҳайратда қолишлари тўғрисида ҳам хабар берди. Чунки улар жаҳаннамда дунё ҳаётида ҳақир кўриб масхара қилган кишиларини топмай, шундай деяжаклар:

— **Нега бизлар ёмонлардан деб ҳисоблаб ўтган кишиларни кўрмаймиз?** *(Сод сураси, 62-оят)*

Ваҳоб - Аллоҳ ундан рози бўлсин - дейдики:

—ИЛМ кўкдан ёғган чучук ва соф ёмғирга ўхшайди. Дарахтлар илдизлари ва томирлари орқали уни эмади. Аммо мазаси қандай бўлса ҳам, уни ўзига мослаб ўзгартириб олади. Мевасининг мазаси аччиқ бўлганининг аччиқлиги ортади, ширин бўлганининг-ширинлиги!.. ИЛМ ҳам мана шундайдир. Инсонлар уни ғайрат ва ҳимматларига яраша ўрганиб ёд оладилар. Лекин охир-оқибатда КИБРЛИ кишида КИБР ортади, АДАБЛИ киши янада АДАБЛИРОҚ бўлади. Бунинг сабаби шудир:

—КИБРга мойил ва унга кўнгли суст кетган кимса жоҳилдир. У озгина илм ўргандими, бас, КИБРЛАНАДИГАН нарсасини топди, деяверинг. Кибри ортади. Киши жоҳил бўлсаю, Аллоҳдан кўрқса — илми ортади. Айни чоғда бу илми орқасидан кўп далилларни қўлга киритади. Аллоҳдан кўрқиш орқали киши шафқатли ва адабли бўлишда камол топади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ибн Аббос ривоят қилган бир ҳадисда, шундай буюрганлар:

— Бир талай инсонлар Куръон ўқийдилар, лекин бу ўқишлари уларнинг бўғизларидан нарига ўтмайди. Кейин яна: «Биз Куръон ўқидик. Ким биздан кўпроқ Куръон ўқийди, ким биздан яхшироқ билади?» - дейдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу сўзларни айтганларидан кейин асҳобларига ўгирилиб:

— Бундайлар сизнинг орангиздан чиққан, эй умматим! Булар, мана шулар жаҳаннам ўтинларидир!.. — деб билдирдилар.

Ҳз. Умар — Аллоҳ ундан рози бўлсин - дейдики:

— Эй олимлар, кибрили бўлманглар. Чунки ҳеч бир вақт илмингиз жаҳлингизга бас



келолмайди.

Яна шундай ҳикоя қиладилар:

— Эски қавмлардан бирида бир одам бор эди. Бу одам қавмнинг энг ёмон кишиси эди. Яна бошқа бир одам ҳам бор эди. У эса қавмнинг энг кўп ибодат қиладиган, энг яхши кишиси эди. Бир куни қавмнинг энг ёмон одами қавмнинг энг яхши одамига дуч келди. Ичида дедики:

— Бу қавмимизнинг энг яхши кишиси... Мен эса энг ёмониман. Агар унинг ёнида ўтирсам, Аллоҳ менга марҳамат қилиши мумкин ва мен ёмон инсон бўлишдан қутуламан. Ва келди. Унинг ёнига ўтирди. Буниси эса шундай деб ўйлади.

— Мен қавмнинг энг кўп ибодат қиладиган, энг яхши кишисиман. Бу эса қавмнинг энг ёмон кишиси. Нега менинг ёнимда ўтириши керак?!..

Ва унинг ёнида ўтиришдан орланди. «Тур, менинг ёнимдан кет!» - деди.

Ачлоҳ замон пайғамбарига ваҳий ила билдирди ва буюрди:

— Ул икки кишининг олдига бор ва айт. Мен ёмон одамни афв этдим. Яхши одамнинг ўтмишда қилган барча ибодат ва эзгу амалларини бекор қилдим!..

Бу ҳодисадан кўринадики, Аллоҳ ж.ж. бандаларининг қалбларига назар солади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурида бир одамнинг яхшилигидан баҳс юритаётган эдилар. Бир куни бу одам мажлисга келди, сўзлади. Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, сизга айтган одамимиз мана шу киши эди», - дедилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга шундай бир назар ташладилар, сўнгра: «Мен унинг юзида шайтоний бир аломат кўраётирман», - дедилар. У одам даврага келиб салом берди. Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг олдида тўхтади. Аллоҳ Расули (с.а.в.) унга:

— Аллоҳ учун бир нарса сўрайман. Нафсинг сенга инсонларнинг энг яхшиси эканлигингни айтадими? — дедилар.

У одам:

— Ҳа, Аллоҳнинг Расули! — деб жавоб берди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) пайғамбарлик нури билан шу шахснинг қалбидаги шайтоний такаббурликни — ўзига бино қўйиш, ўзини ҳаммадан билимдон ҳисоблаш касалига мубтало бўлганлигини — юзида кўрган эдилар.

Аллоҳ Расули(с.а.в.)нинг дўсти Ҳарс ибн Зубайдий дейдики:

- ҚОРИЮ ҚУРРОнинг кулгили ҳоли мени кўп ўйлатади. Сен уни севинч-қувонч, очиқ юз билан кутиб оласан, у сени қовоғи солиқ, димоғ-финоқ билан кутиб олади. Илми билан сендан устунлик даъвосида бўлади. Илоҳо, жамиятда бундайлар кўпаймасин!

Абу Зар ривоят қилади:

— Расулulloҳ(с.а.в.)нинг ёнида бир одам билан баҳслашиб, унга: «Ҳой, қора хотиннинг ўғли!» - деб юборгандим. Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

- Зулм қилдинг, эй Абу Зар, зулм қилдинг! Бировнинг ҳақини единг. Оқ хотиннинг боласида қора хотиннинг боласидан ҳеч қандай устунлик йўқ.

Расулulloҳ(с.а.в.)нинг бу сўзидан йўл қўйган хатойимни тушуниб олдим. У одамнинг оёғига йиқилиб: «Ўрнингдан тур, юзимни топта!» - дедим.

Ҳз. Али — Аллоҳ унинг юзини кароматли қилсин — дейдики:

- Кимда-ким жаҳаннамга тушадиган бирон кишини кўрмоқчи бўлса, таъзим қилиб тик турган бир қанча инсонлар қаршисида ўтирган кишини кўз олдига келтирсин.

Анас ибн Молик шундай дейди:

— Расулulloҳ(с.а.в.)нинг саҳобалари ичида энг севимли киши Расулulloҳнинг ўзи эди. Шундай бўлса ҳам улар Расулulloҳни кўрган чоғларида оёққа туришмас эди. Чунки Аллоҳ Расули (с.а.в.) бундай ҳаракатни карих (хунук, бемаза, нохуш) деб биларди. Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) баъзи вақтлар саҳобалар билан бирга юрганида, уларга, илтимос, мандан олдинроқда юринглар, дерди. Ўзи оддий бир инсон сингари уларнинг орасида юрарди. Бошқаларга ўргатиш учун шундай қилармиди ва ё шайтоннинг кибру ҳавога етаклаши эҳтимол бўлган васвасаларини даф қилмоқчи бўлармиди, ҳар қалай, доим шундай қиларди. Яна бир марта шундай сабаблар туфайли (яъни улар орасида ўзи фарқланмаслиги учун) намоз пайтида

эгнидаги янги либосини ечиб, ўрнига эскисини кийган эди.

## **ТАВОЗУ (КАМТАРЛИК, ОДОБ) ВА ҚАНОАТНИНГ ФАЗИЛАТИ**

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин билдирдиларки:

- Ким бирон одамни афв этса, Аллоҳуни бошлиқ қилади, ким Аллоҳ учун тавозу кўрсатса, Аллоҳ унинг даражасини юксалтиради.

- Ҳеч бир киши йўқдирки, унинг билан икки фаришта бирга бўлмаса ва у фаришталар қўлида у кишини тортиб турадиган тизгинли сувлуқ бўлмаса... Агар у киши кибрланса, фаришталар сувлуқни тортадилар ва кейин: «Аллоҳим, бунни пасайтир!» - дейдилар. Агар тавозу кўрсатса: «Аллоҳим, бунни юксалтир!» - дейдилар.

— Нотавон бўлмасдан бурун тавозу кўрсатганлар, гуноҳкор бўлмасдан бурун ҳалолдан топиб муҳтожларга ёрдам берганлар, йўқсулларга ва ҳоли забунларга кўмаклашганлар нақадар бахтлидирлар!.. Нақадар бахтлидирлар фикҳ ва ҳикмат аҳли билан ёронлик қилганлар!..

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — бир жамоа билан саҳобаларидан бирининг уйида бўлган ва ҳаммалари бирга овқатланиб ўгиришган эди. Эшикка бир тиланчи келди. Унда кишини жиркантирувчи бир фалажлик бор эди. Уйга киришига рухсат берилди. Кирганда Аллоҳ Расули уни тиззасига ўтқазди. Сўнгра таомга имо қилиб: «Е!» - деди. Шу даврада ўтирган қурайшликлардан бири у фалаж одамдан жирканиб, юз ўгирди. Бу ҳаммани ноқулай аҳволга солди. Кейинчалик бу одамнинг ўзи фалаж бўлди ва ўзи паст назар билан қараган киши каби то ўлгунча фалажлигича қолди. Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

— Раббим ҚУЛ-РАСУЛ (оддий банда ва элчи) бўласанми ёки ХУКМДОР-НАБИ (ҳукмдор ва пайғамбар)ми, деб сўраб, менга икковидан бирини танлаш ихтиёрини берди. Мен қай бирини устун кўришни билолмай довдираб қолдим. Фаришталар орасида пок дўстим Жаброил бор эди. Бошимни кўтариб унга қарадим. Менга: «Раббининг қаршисида камтарин бўл!» - деди. Мен ҳам ҚУЛ-РАСУЛ бўлишни қабул этдим.

Аллоҳ ваҳий орқали Ҳз. Мусога буюрдики:

— Мен улуғворлигим қаршисида тавозу кўрсатиб, яратган бандаларимга нисбатан кибрланмаган ва юрагида мендан қўрқадиган кимсанинг намозини қабул қиламан.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилди:

— Тақво — карам. Тавозу — шараф. Соғлом ва қатъий ишонч - қалб бойлиги.

Исо алайҳиссалом дейдики:

— Нақадар бахтлидирлар дунёда намоз ўқиганлар, чунки улар қиёмат куни ЮКСАК МАҚОМ эгаси бўладилар. Нақадар бахтлидирлар дунёда инсонлар орасида ИСЛОҲЧИЛИК қилганлар, чунки улар қиёмат куни ФИРДАВС-ЖАННАТНИНГ ворислари бўладилар. Нақадар бахтлидирлар дунёда қалбларини ёмон феъл-атворлардан поклаганлар, чунки улар охиратда Аллоҳнинг жамолига назар ташлайдилар. Баъзилар дейдиларки:

—Бизга келган хабарларга кўра, Расул алайҳиссалом шундай деб буюрганлар:

—Аллоҳ бандасини ҳидоятга етказганда, кўринишини гўзаллаштириб, унинг мақсуди бўлмаган даражага юксалтирганда ва шунинг билан бирга унга тавозу ҳам берган пайтда, билинги, бу ҳол Аллоҳнинг лутфидир.

Яна Пайғамбаримиз с.а.в. буюради:

— Тўрт нарса борки, Аллоҳ уларни фақат севган бандаларига беради:

1. Ўринсиз ва ёмон сўз гапирмаслик. Бу биринчи ибодатдир.

2. Аллоҳга таваккул.

3. ТАВОЗУ

4. Ёмонликлардан қўлини тортиш.

Бир вақт Пайғамбаримиз (с.а.в.) тамадди қилаётган эдилар. Терисида аллақандай касаллик туфайли шишлар пайдо бўлган ва яралари кесилган бир қора одам кириб келди. Ҳеч кимсанинг

ёнига ўтирмай, Расулulloҳ(с.а.в.)нинг ёнида тикка-тик тураверди, Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни ёнларига ўтказдилар ва:

— Одамларнинг оила мушқулини енгиллаштирувчи, лекин кибрни даф этишга ёрдамлашувчи бир нарсани қўлларида олиб юришларини яхши кўраман, - дедилар.

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларига дедиларки:

— Менга нима бўлди, билмайман, сизларда ибодатнинг ширинлигини кўрмаяпман...

Саҳоба сўради:

—Ибодатнинг ширинлиги нима, эй Аллоҳнинг Расули? Расул (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

—ТАВОЗУ!..

Яна Пайғамбаримиз шундай буюрдилар:

— Умматимнинг мутавозеларини кўрган пайтингизда сиз ҳам уларга тавозу кўрсатинг. КИБРЛИЛАРНИ кўрганингизда сиз ҳам уларга кибрланинг. Мана шу нарса уларни (КИБРЛИЛАРНИ) хор қилади ва забун этади.

Бу мавзуда шеърый йўлда айтилган гўзал фикрлардан бири мана шудир:

*Мутавозе бўлки — юлдуз бўлурсан,*

*Юлдуз самоларда - юксақда.*

*Аммо пастга боқсанг — яна кўрурсан:*

*Акси сув юзида титракда.*

*Тутун каби бўлма фазога кетган,*

*Тутун ўз маконин фазо деб билар.*

*Аммо фаҳми борлар фаҳмлаб етган:*

*Тутун пастда, жарда ерга қорилар.*

ҚАНОАТЛИ бўлишнинг фазилатига келсак: Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Мўминнинг олижаноблиги кўнгил тўқдигида ва Аллоҳдан бошқа ҳеч кимсанинг миннатига қолмаслигидадир. ҚАНОАТЛИ бўлишда - ҳурлик ва ўзига-ўзи беклик бор. Шунинг учун ҳам эл оғзида шундай гаплар юради:

- Кимнинг миннати олмасанг, унга тенг бўлурсан. Истаган кишингга муҳтож бўл — унинг асири бўлурсан. Хоҳлаган кишингга эҳсон эт — амири бўлурсан. Кифоят миқдори оз нарса, лекин у сени йўлдан оздирувчи кўп нарсадан яхшироқдир.

Баъзилар шундай дейдилар:

- ҚАНОАТДАЙ фазилатли бойликни, ТАЪМАДАЙ эзгич қашшоқликни кўрмадик.

— Қаноат менга олижаноблик либоси бўлиб кўринади. Қаноатдан ҳам азизроқ бойлик борми? Қаноатни ўзингизга темир бошли мол қилиб олинг. Ундан кейин эса ТАҚВОНИ сармоя қилинг. Шундай қилсангиз икки тарафдан даромад орттирган бўласиз:

1. Аллоҳдан бошқа кимсанинг миннати бўйингизда бўлмайди.

2. Бир онлик сабр туфайли жаннатларда неъматланасиз.

— Нафсингни кифоят миқдорига кўниктир. Акс ҳолда, у ўзига керагидан ортиқроғини истайди. Сен бутун яшаган ва яшайдиган умринг давомида фақатгина ўзингга тегишли замон ичида яшайсан.

Ризқ сендан қочган пайтларда қийинчиликка чида. Қўлингда борига қаноат қил. «Улсам ҳам, тирилсам ҳам, қўлга киритаман» - деб машаққатга ботма. Агар насиб бўлса, қўлга киради.

Хасисларнинг хасислиги сени сувсатса, тўйиш ва чанқоқни қондириш жиҳатидан сенга ҚАНОАТЛИ бўлиш кифоядир. Шундай бир инсон бўлгинки, оёғинг ерда, ғайрат ва шижоатинг юлдузларда бўлсин.

— Эй осонлик билан топиладиган ризққа бор вужуди билан талабгор бўлган киши! Ҳайҳотки, сен ботилга (беҳуда ишга) ошиқсан. Кап-катта илон катта кучи билан чўллардаги чиринди билан қорин тўйғазади. Қора пашша эса арзимас кучи билан бол ейди.

Пайғамбаримиз с.а.в. рўзғорда етишмовчилик ортиб кетган пайтларда оила аъзоларига шундай дердилар:

- Туринглар, намоз ўқинглар!

Кейин яна шундай деб қўшимча қилардилар:

- Менга шундай буюрилди.

Ундан сўнг шу оятни ўқирдилар:

**-Аҳли умматингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг! Биз сиздан ризқ сўрамаймиз (билъакс), Ўзимиз сизга ризқ берурмиз. Чиройли оқибат-жаннат аҳли тақвоникидир. (Тоҳа сураси, 132-оят)**

-Тубанликдан қоч, бойликнинг кўплиги ва шиддатли ҳирс сени алдаб қўймасин. Аллоҳнинг берганига қаноат қил ва унинг тақсимотига рози бўл. Чунки қаноат шундай бир бойликдирки, ҳеч қачон тугамайди. Худо хайрингни берсин, ахир озгина бўлса ҳам бир фикрлагин, ортиқча еган нарсанг фойдасиз эканлигини кўрасан.

-Қўлга кирита олган ризқингга қаноат қил. Раббимиз чумолини ҳам унутадиганлардан эмас. Агар сенга мўл-кўл ризқ келса, шукур қилиб кутиб ол. Ризқ сендан қочса, хотиржам бўл, ташвишланма.

Ҳикмат аҳллари дерларки:

-Олижаноблик - башанг кийиниш билан бўлмайди. Чунки аслида башанг кийим билан неъматланиш ва чиройли пардоз-андоз билан нақшланиш кишини кўп банд қилади. Ҳаттоки, дунёга майл туфайли диний ҳукмларни адо этолмайди. Оҳангжамали кийим-кечаклар кўпинча кишини кибр ва ғурур кўчасига етаклайди.

## ДУНЁГА МАҒРУР БЎЛМОҚ

Дунёнинг аҳволи шундайки, ундага ҳамма нарсалар ёмонликка ва севинчга сабаб бўладиган ходисаларга сарфланади. Бутун дунё аҳлига бундай ҳаётда яшаш осон эмас. Дунё ҳаёти - Аллоҳнинг ҳикмати тақозосига мувофиқ — ғоят мураккабдир. Шунинг учун Аллоҳ ўз Қуръонида буюради: — **Агар Раббингиз хоҳлаганида, барча одамларни бир динга эргашувчи ягона миллат қилган бўлур эди. Лекин у Зот бундай бўлишини истамасди. Шунинг учун одамлар мудом ихтилоф қилурлар, фақат Раббингиз раҳм қилган кишиларгина ҳақ йўлда иттифоқ бўлиб яшарлар. (Ҳуд сураси, 118-119-оятлар)**

Агар бир кимсанинг дунёвий аҳволи яхши бўлса, яъни куни осонлик билан ўтса, Аллоҳ дунёни унга хизмат қилдирса, у кимса буни шукр билан қарши олиши ва гўзал амаллар ила Аллоҳга юзланиши ва дунёга мағрур бўлмаслиги вожибдир. Гўзал амаллар билан машғул бўлиш дегани, бу — ёмон кураш майдонларидан тийилиш деганидир. Бу хусусда рағбатланиш учун Аллоҳнинг шу ояти кифоя қилади:

— **Эй инсонлар, албатта Аллоҳнинг (қайта тирилтириш ва бу дунёда қилиб ўтилган яхши-ёмон амалларнинг мукофоту жазосини бериш тўғрисидаги) ваъдаси ҳақ (ваъдадир). Бас, ҳаргиз сизларни дунё ҳаёти алдаб қўймасин! Ва ҳаргиз сизларни Аллоҳ (барча гуноҳларни кечиб юбораверади), деб алдагувчи (шайтон) алдаб қўймасин. (Фотир сураси, 5-оят)**

**Лекин сизлар (мунофиқлик билан) ўзларингизни фитнага дучор қилдинглар ва (бизларга бало-офатлар етишига) кўз тутдинглар ҳамда (Исломнинг ҳақ дин эканлиги тўғрисида) шубҳаландинглар... Сизларни хомхаёллар алдади... Сизларни Аллоҳ ҳақида (у Зотнинг карами кенг, ҳеч қачон Ўзи яратган бандаларини азобга гирифтор қилмайди, деб) алдагувчи (шайтон) алдаб қўйди. Кейин Аллоҳнинг амри келди. (Ҳадид сураси, 14-оят)**

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдиларки:

— Ақлли кишиларнинг уйқулари ва ифторлари нақадар гўзалдир. Иккиюзлилар ва аҳмоқларнинг рўзалари ва ибодат йўлидаги ғайрат-шижоатларини ҳеч ким икки чақага ҳам олмайди. Ихлосли ва тақводор кишининг энг кичкина ибодати ҳам иккиюзлиларнинг ва

ибодатига мағрур бўлганларнинг бир дунё ибодатларидан фазилатлироқдир.

— Нафсини кичрайтира олган ва ўлимдан кейинги ҳаёт учун, яъни у дунё учун амаллар қилган кимсаларгина ҳақиқий оқил кишилардир. Ҳавойи нафсига эргашигани ҳолда Аллоҳдан умид қилган ва беҳуда тилаклар тилаган кимсалар эса, аҳмоқ одамлардир.

Бу мавзудаги шеърлардан айрим парчалар:

*Кимни дунё айш-ишратга гарқ айласа,  
Шу боис у бу дунёни мадҳ айласа,  
Арзимаган нарса учун худди шундай,  
Ҳеч шубҳасиз, бу дунёни қоралагай.  
Кимнингки устидан кулмаса фалак.  
Муроди ушалмай қийналар юрак.  
Ким агар яшаса жуда бахтиёр  
Ахийри гам уни айлар тору мор.*

\*\*\*

*Бизларга бутунлай қолса бу дунё,  
Ва дунё ризқлари бўлса бир дунё.  
Ҳур инсон, қасамки, кечгайдир ундан —  
Ризқ учун ҳеч қачон кечмас эркиндан.  
Ҳурларга қарамлик ярашмас асло:  
Ризқ дегани - завол кўргузчи МАТО.*

\*\*\*

*Уфф, бездим дунёдан, бездим кунлардан  
Бунёд бўлган улар ғам-ҳузунлардан.  
Булардан бир четда қолар на бир шоҳ,  
На оддий фуқаро, на қул, на драллоҳ.  
Доғман дунёсига: ёвдир беомон,  
Инсон эса унга ошиқдир ҳамон.*

\*\*\*

*Кунларини сўра, Кисродан сўра,  
Кунларини сўра, Қайсардан сўра  
Қайда қолди сарой, ором боғлари  
Мадад беролдими ўлим чоғлари  
На ҳалим-салими қолди дунёда,  
На ёвуз-золими қолди дунёда...*

Яна бу мавзуда дунё донишмандларининг баъзи фикрлари:

— Аъробийлардан бири чодирли бир қабилага меҳмон бўлади. Уни иззат-икром қилиб, едирадилар, ичирадилар ва чодирда ётқизадилар. Аъробий теран бир уйқуга толади. Қабила эса, саҳарлаб йўлга чиқиши керак эди, кетаркан, Меҳмон ётган чодирни ҳам сўкиб, йиғиштириб кетади. Қуёшнинг иссиғи куйдириб уйғонган аъробий шундай дейди:

— Дунё ҳаёти қурган чодирингнинг соясига ўхшайди! Бир кун келиб, шубҳасиз, сенинг соянг ҳам зоил бўлиши турган гап.

— Дунё ҳаёти бир ердан олди-сотди қилиб йўлга чиққан ва йўлда туш чоғи дам олган кимсанинг дам олиши каби бир нарсадир.

Ибн Масъуд дерки:

— Илмда Аллоҳ қўрқинчи кифоядир. Жаҳолатда Аллоҳнинг мулкида Унга қарши ғурурланмоқ кифоядир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедиларки:

— Ким дунёни севса ва унинг билан сурурланса, қалбидаги охират қўрқуви кетади.

Баъзилар дерки:

— Кишилар амалга оширолмаган ишлари туфайли қайғурсалар, бунинг учун ҳисоб берадилар. Амалга оширган ишлари туфайли севинсалар, бунинг учун ҳам ҳисоб берадилар.

Қадимги ҳақиқий мусулмонлар ўзларига ҳалол бўлган нарсалардан ҳам, сизлар ҳаром нарсалардан тийилганингиздан кўпроқ тийилардилар. Сизнингча, зарарсиз деб қабул қилинган кўп нарсалар, уларнингча, ҳалок қилувчи ёмонликлар қаторида саналарди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз, Қидом ўғли Мисъор(қадимги араб шоири)га тегишли бўлган мана бу байтларни тез-тез такрорлаб турарди:

*Туну кун ухлайсан, босганча ғафлат,  
Эй мағрур, билмайсан: ғафлат — фалокат.*

*Бўм-бўш амалларга севинма — алдар,  
Мағрурлар тушдан ҳам мағрурланарлар.*

*Нафрат уиғотмасми сенда бу ҳаёт.*

*Бундай ҳаёт учун бор-ку ҳайвонот?!*

## **ДУНЁНИНГ ЁМОНЛИГИ ВА УНДАЙ ТИЙИЛИШ**

Абу Умома Бохилийдан ривоят қилинади:

- Хотиб ўғли Солаба, Пайғамбаримиз(с.а.в.)га: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга кўп мол ва бойлик бериши учун Аллоҳга дуо қил!» - деди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдики:

- Эй Солаба, шукрини қилса бўладиган озроқ давлат масъулият юки босиб қўядиган катта давлатдан яхшироқку!..

Солаба такрорлади:

-Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қил: менга кўп мол ва бойлик берсин!..

Аллоҳ Расули (с.а.в.) жавоб берди:

-Эй Солаба, мenden ўрнак олсанг арзийдиган нарса топмадингми? Аллоҳнинг пайғамбаридай гўзал ахлоқли бўлишга рози эмасмисан? Борлигим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, агар мен, тоғларнинг олтин-кумуш бўлиб кетимдан юришларини тиласайдим, ҳеч шубҳасиз, шундай бўларди. Солаба деди:

-Сени ҳақ пайғамбар қилиб жўнатганга қасам ичиб айтаманки, агар менга кўп мол бериши учун Аллоҳга дуо қилсанг, ҳақ соҳибига ҳаққини бераман. Ҳақиқатан ҳам бераман, чиндан ҳам бераман!..

Расул (с.а.в.) илтижо қилди:

- Аллоҳим, Солабага кўп мол бер!..

Солаба бир қўй олди. Қўй урчиб, кўпая бошлади. Шундай кўпайди, шундай кўпайдики, шаҳардаги жойи торлик қила бошлади. Шунда шаҳар яқинидаги бир водийга чекилди. Ва энди жамоат билан намозга ҳам келолмай қодди. Фақатгина пешин ва аср намозларига аранг етиб келарди, бошқа вақтлар келишни тарк этди. Қўйлар кўпайишда давом этар, борган сари иши ортиб борарди. Бу орада Солаба пешин ва аср намозларини ҳам тарк этди. Фақатгина жума намозига келадиган бўлди. Лекин бора-бора унга ҳам келмай қўйди. Келолмас эди. Жума кунлари шаҳарга бориб келганларни кутиб олар, шаҳарда бўлаётган ҳодисаларни улардан сўраб билиб оларди. Кунлардан бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) уни суриштирди:

- Хотиб ўғли Солаба нима қилаётир, у қаерда?

— Қўйлари кўпайиб кетди. Шаҳар торлик қилиб, шаҳардан ташқарига чиқиб кетган! - дейишди ва воқеани бутун тафсилоти билан сўйлаб беришди.

Аллоҳ Расули (с.а.в.):

- Воҳ Солабага, воҳ Солабага, воҳ Солабага!.. - деб қолдилар.

Шу аснода Аллоҳ қуйидаги оятни йўллади:

— **(Эй Муҳаммад), сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб тозалайдиган садақа сифатида олинг ва уларнинг ҳақларига дуо қилинг. Албатта, сизнинг дуонгиз улар учун ором-осойишталик бўлур. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир.** (Тавба сураси, 103-оят)

Аллоҳ закотнинг фарзлигини билдирувчи оятларни инзол қилишни ирода қилди. Оятлар инзол бўлганда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жуҳайна қабиласи билан Сулайм ўғиллари қабиласидан биттадан одам танлади. Закот маъмури (закотчи) эканликларини биддирувчи бир варақ ҳужжат ёзди-риб, қўлларига берди. Юрт оралаб бой мусулмонлардан закотлар тўплашларини буюрди. Ва:

- Хотиб ўғли Солаба ва Сулайм ўғилларидан фалон-фалон кишиларга учраб закотларини олинг! — деди.

Маъмурлар йўлга чиқишди. Солабанинг олдига боришди. Аллоҳ Расулининг закот ҳақидаги низомини ўқиб, Солабадан молининг закотини беришини талаб қилишди. Солаба уларга шу жавобни берди:

— Бу - жизъа (мусулмон бўлмаганлардан олинадиган солиқ), бу — жизъадан бошқа нарса эмас. Бу — жизъанинг бир кўриниши. Боринг, кетинглар. Бошқа ишларингизни қилинглар. Масалани аниқлаб, такрор келинглар!..

Закотчилар чиқиб кетишди. Сулайм ўғлининг ҳузурига боришди. Сулайм ўғли уларни кўриши билан ўрнидан туриб пешвоз келди. Туяларнингэнг яхшиларидан айирди. Молимни закот ўрнида кўринглар, деб маъмурларни очиқ юз билан қарши олди. Маъмурлар закот учун молининг энг яхшилари танланганини кўриб: «Бундай қилиш сенга вожиб эмас. Биз буни олмаймиз!» - ейишди. (Закот қилиб молининг на энг яхшиси ва на энг ёмони, фақатгина ўрта ҳоли олинадиди).

Сулайм ўғли: «Олинг. Мен буларни меҳр билан, жони-танним билан бераётирман. Молимнинг закоти шулар ва сиз-лар олиб кетишингиз учун атайлаб ажратиб олдим!» - деб олиб кетишларини илтимос қилди. Маъмурлар молларни олиб кетаркан, йўлакай такроран Солабага учрадилар. За-котини сўрадилар. Солаба уларга: «Қани қўлингиздаги ҳужжатингиз? Менга кўрсатинглар!» - деди. Кўрсатдилар. Қараб турди-турди-да: «Бу, бу бир нави жизъа! Кетаверинглар. Мен яна бир карра ўйлаб олай!» - деди. Маъмурлар жўнаб кетишди. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг ёнига келишди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) уларни кўрганда, ҳали улар билан савол-жавоб қилмасдан туриб: «Вой, эссизгина Солаба! Ўзига-ўзи жабр қилибди!» - деб буюрди, Сулайм ўғлини эса дуо қилди.

Маъмурлар Солаба ва Сулайм ўғли ўзларига қандай муомала қилганини сўзлаб беришди! Шу аснода Аллоҳ Солаба тўғрисида шу оятларни инзол қилди:

— **Уларнинг орасида: «Қасамки, агар (Аллоҳ) бизга ўз фазлу карамидан (мол-давлат) ато қилса, албатта, биз камбағалларга садақалар қилурмиз ва солиҳ бандалардан бўлурмиз», — деб Аллоҳга аҳд-паймон берадиган кимсалар ҳам бордир.**

— **Энди қачонки (Аллоҳ) уларга ўз фазлу карамидан (мол-давлат) ато қилганда, унга бахиллик қилурлар ва юз ўгирган ҳолда кетурлар.**

— **Бас, (садақотлар берурмиз), деб Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва (иймон келтирганмиз) деб ёлғон гапирувчи бўлганлари сабабли (Аллоҳ) уларга то Унинг ўзига рўпара бўладиган Кунгача дилларида нифоқ бўлишини оқибат қилиб кўйди.** (Тавба сураси, 75-77-оятлар)

Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг ёнида Солабанинг улфатларидан бири бор эди. Солаба борасида Аллоҳ инзол қилган оятни эшитди. Даврадан чиқиб кетиб, Солабанинг ёнига борди ва:

— Ҳолинг паришон, эй Солаба! Аллоҳ сенинг тўғрингда шундай-шундай оятларни инзол қилди! — деди.

Солаба сакрабтуриб кетди. Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг ёнига борди. Ва закотининг қабул қилинишини истади. Лекин Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

— Аллоҳ менга сенинг закотингни қабул қилишни тақиқлади.

Солаба бошига тупроқлар сочарди. Пайғамбаримиз унга шундай деб билдирди:

— Бу — сенинг амалингдир. Мен сенга айтган эдим. Лекин менга итоат қилмадинг.

Пайғамбаримиз (с.а.в.), унинг закотини сира қабул қилмагандан кейин ўрнидан турди, уйига кетди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг вафотидан сўнг, халифа Ҳз. Абу Бакрга - Аллоҳ ундан рози бўлсин — келди. Закотининг қабул қилинишини сўради. Лекин халифа уни рад этди. Кейинроқ Умар - Аллоҳ ундан рози бўлсин — халифа бўлганда, унга келди. У ҳам қабул қилмади. Раҳматли Ҳз. Усмоннинг — Аллоҳ ундан рози бўлсин - халифалигидан кейин армон билан ўлиб кетди.

Бир одам Исо алайҳиссалом билан дўстлашди ва унга: «Сен билан бирга бўлсам... суҳбатлашсак...» - деди. Ҳз. Исо қабул қилди. Биргаликда йўлга чўқдилар. Бир дарё бўйига келдилар, тамадди қилишга ўтирдилар. Ёнларида ейишга учта юпқа нон (лочира) бор эди. Иккитасини едилар, учинчиси қолди. Исо алайҳиссалом сув ичишга дарё лабига кетди. Сув ичиб келди. Лекин қолган бир дона лочира ғойиб бўлганини кўрди. Одамдан: «Лочирани ким олди?» деб сўради. Одам «Билмайман?» деди. Турдилар. Биргаликда йўлга тушдилар. Бир оз юргандан сўнг Ҳз. Исо, ёнида икки боласи бўлган бир кийикни кўрди. Болаларидан бирини чақирди. Кийик бола келди. Исо алайҳиссалом уни сўйди. Ўзи ва ёнидаги одам ейишди. Сўнгра Ҳз. Исо ўзлари еган кийик боласининг қолдиқларига қараб: «Аллоҳнинг изни билан тирил, ўрнингдан тур!» - деди. Кийик бола тирилиб, ўрнидан турди ва ирғишлаб жўнаб қолди. Исо одамга дедикки:

— Сенга шу мўъжизани кўрсатган зотнинг ҳаққи учун сўрайман: лочирани ким олди?

Одам:

— Билмайман! — деди.

Йўдда давом этдилар. Бир дарёга бордилар. Ҳз. Исо одамнинг қўлидан ушлаб олди, сув устидан юриб нариги қирғоққа ўтиб кетдилар. Дарёдан ўтганда Исо алайҳиссалом сўради:

-Сенга шу мўъжизани кўрсатган зот ҳаққи сўрайман, айт лочирани ким еди?

Одам:

- Билмайман!.. - деди.

Йўлда давом этдилар. Бир қумлоқ ерга келдилар. Ўтирдилар. Исо алайҳиссалом қумларни тўплаб бир тепа ҳолига келтирди. Сўнгра: «Аллоҳнинг изни билан олтин бўл!» - деди. Қум тепа шу ондаёқ олтин бўлди. Ҳз. Исо буни учга тақсим этди ва:

-Бири меники, бири сеники. Учинчи ҳисса эса лочирани еганники! - деди.

Шундай дейиши билан у одам қичқириб юборди:

- Лочирани мен егандим!..

Ҳз. Исо: «Ҳаммаси сеники бўлсин!» деди ва ундан ажралиб, қолдирди-кетди. У одам олтинларнинг бошида ўтирганда, бир оздан сўнг икки киши келди. Улар олтинларни кўрдилар. Уни ўлдириб, бойликка эгалик қилмоқчи бўлди-лар. У дедикки:

-Олтинлар учовимизники. Ўртада бўлишиб олайлик. Лекин аввал учаламиздан биримиз шаҳарга кетиб, егулик келтирсин. Яхшилаб қорнимизни тўйғазиб олайлик. Ундан кейин олтинларни бўлишиб олиб, тарқалишимиз! Шартни қабул қилдилар ва бу уч кишидан бири шаҳарга егулик келтиргани кетди. Лекин йўлда шундай шайтоний хаёлга борди:

-Нега бу олтинларни учга бўлиш керак? Шаҳардан оладиган егулигимнинг уларга тегишли қисмига заҳар қўшаман. Улар уни еганда ўлишади. Шу тариқа мен бир ўзим олтинларга эга бўламан!

Ва шундай қилди. Уларга тегишли егуликка заҳар қўшиб келтирди. Лекин у шаҳарга



кетганида қолган иккиси шундай ўйга келишганди:

-Олтинларни нега учга бўлиш керак? Иккига бўлсак, кўпроқдан тегади. У шаҳардан келганда бир баҳона билан уни ўлдирайлик. Келтирган егулигини маза қилиб ейлик. Сўнгра олтинларни ўз орамизда бўлишиб оламиз!..

Ва шундай бўлди. Шаҳарга кетган шерик қайтганда бир баҳона билан уни ўлдирдилар. Кейин эса заҳарли егуликни едилар ва бироздан кейин олтинларнинг ёнида типирчилай-типирчилай, жон бердилар. Олтин уюми ўртада ва унинг ёнида уч ўлик...

Бир оздан сўнг Ҳз. Исо ҳаворийлари билан биргаликда бу манзара устига келдилар. Ҳз. Исо шундай деди:

— Мана шу — дунё дегани. Ундан тийилинг!..

Яна бир ибратли ҳикоят:

— Зулқарнайн бир саёҳатида бир қавмга дуч келди. Қараса, бу ердаги халқнинг қўлида ейдиган бирон нарса йўқ. Инсонлар эрта билан турадилар, қазиган қабрлари ёнига борадилар. Ўларга қарайдилар, супурадилар, тозалайдилар ва қоринлари очганда ҳайвонларга ўхшаб ўт ейдилар. Зулқарнайн, бу қавмнинг ҳукмдорига бир одам жўнатди. Одам бориб, Зулқарнайннинг даъватини ҳукмдорга билдирди. Лекин ҳукмдор: «Менинг унга муҳтожлигим йўқ. Агар унинг бирон нарсага муҳтожлиги бўлса, менинг ёнимга келсин!» -деди. Одам қайтиб келади. Аҳволни тушунтиради. Зулқарнайн: «Тўғри айтибди!» - дейди ва ҳукмдорнинг олдига кетади. Борганда:

— Менга боришингиз учун хабар йўлладим, бормадингиз. Мана, ўзим келдим! — дейди.

Ҳукмдор: «Агар сенга эҳтиёжим бўлсайди, борардим!» -дея жавоб беради.

Сўнгра ўрталарида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади: Зулқарнайн:

— Сизни шундай бир ҳолда ва шундай тарзда кўраётирманки, бу ҳолни ҳеч бир қавмда кўрмадим!..

Ҳукмдор:

— Қандай ҳол экан бизнинг ҳолимиз?

Зулқарнайн:

— На молингиз бор, на мулкингиз!.. Кумуш ва олтин топсангиз бўлмайдимиз, ундан фойдаланардингиз?!..

Ҳукмдор:

— Биз олтин ва кумушдан нафратланамиз. Кимда олтин ва кумуш бўлса, нафсини қийинчиликка ташлайди.

Зулқарнайн:

— Бу қабрлар нима бўлади? Қазиб қўйибсизлар. Эрта билан тургандан бошлаб уларга қарайсизлар, тозалайсизлар ва ёнида намоз ҳам ўқийсизлар!..

Ҳукмдор:

— Биз буни дунёда чексиз орзу-ҳавасларга кўмилиб кетмайлик ва ёмонлик қилмайлик, деб адо этамиз.

Зулқарнайн:

— Қараб турсам, гиёҳдан ва сабзавотдан бошқа ейдиган нарсаларингиз йўқ. Жонли ҳайвон боқсангиз бўлмайдимиз, лоақал сутидан фойдалансангиз, миниб фойдаланардингиз!..

Ҳукмдор:

— Биз қоринларимизни ҳайвонот мазори қилишдан нафратланамиз. Ўт ва сабзавот биз учун кифоя. Озгина егулик одамзодга етарли бўлади!..

Сўнгра ҳукмдор қўлини Зулқарнайннинг елкасига қўйиб, унга бир калла суюгини узатади. Ҳукмдор:

—Биласанми, ким бу? Зулқарнайн:

—Иўқ!.. Ким экан? Ҳукмдор:

— Ер юзига ҳукмрон бўлган бир ҳукмдор эди. Аллоҳ унга қувват, қудрат ва салтанат берганди. Лекин у фуқаросига ва жонзотларга зулм ўтказиб жондан безор қилди. Аллоҳ ўлим

билан уни вужудидан айирди. Энди ердаги оддий бир тош нима бўлса, бу ҳам шу. Аллоҳунинг амалларини қайд қилиб қўйган. Қиёмат куни ҳисобини сўраб, жазосини беради!..

Ҳукмдор шундан кейин бошқа бир чириган калла суюгини узатди ва яна сўради:

—Эй Зулқарнайн, биласанми, ким бу? Зулқарнайн:

—Йўқ! Ким экан! Ҳукмдор:

— Бу ҳам ҳозирги айтганимдан кейин ҳукм сурган ҳукмдор. Ўзидан олдинги ҳукмдорнинг ўз фуқаросига ва жонзотларга зулм ўтказганини кўрган. У бундай зулмдан жирканган. Аллоҳга нисбатан мутавозе бўлган. Ўлкасида адолат билан иш олиб борган. Кимсага зулм қилмаган. Кейин эса шу кўриб турганиндай ҳолга келган. Аллоҳ охирада мукофотламоқ учун унинг амалларини ҳам ёздириб қўйган!..

Ҳукмдор шундай кейин Зулқарнайннинг калласига ишора қилиб:

— Бу калла ҳам шу икки калладан бири сингари бўлади. Диққат қил, эй Зулқарнайн, нима ишлар қилаётганинга!.. - дейди.

Шунда Зулқарнайн, ҳукмдорга:

— Мен билан доимий ҳамсуҳбат бўлишни истамайсанми? Иккаламиз ака-ука тутинамиз, сени вазир қилиб оламан, Аллоҳ менга неники раво кўрса, сен билан теппа-тенг бўлишиб, баҳам кўрамиз! — дейди.

Ҳукмдор: «Менинг ва сенинг бир ерда бўлишимиз яхши эмас!» - дея жавоб беради.

Зулқарнайн бу ҳодисадан ҳайратга тушиб ва ўзи ҳам ўгит олиб, у билан видолашади.

-Эй дунё ва дунё неъматларидан завқланган ва кўзларини дунё завқу сафосидан ҳеч узмаган киши! Сен нафсингни ўзинг идрок этолмайдиган нарсалар билан машғул қилиб қўйдинг. Эртага Аллоҳнинг ҳузурига борганинда нима деб жавоб берасан?..

— Уйғон! Ҳар бир инсон устида ҳар доим дунёнинг мусибатлари бор. Дунёнинг иқболи очилса ҳам, ёпилса ҳам —шу!.. Агар бахтингочилганини кўрсанг, доимо шукур қилиб кутиб ол. Бахтинг ҳамроҳинг бўлмаса матонат кўрсат, чида!..

## САДАҚАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдиларки:

— Кимки ҳалол касб қилиб, Аллоҳ ризоси учун бир дона хурмочалик садақа берса, - Аллоҳ ҳалол касбдан топилган бойликдан қилинган садақанигина қабул этишини билдирган, - Аллоҳ уни албатта қабул этади. Сўнгра, сизлар бир отни қандоқ боқиб кўпайтирсангиз, Ҳақ таоло ҳам берган садақангизни тоғ баробаринда шундоқ кўпайтириб қайтаради.

Бошқа бир ривоятда эса «Сизлар отни қандоқ боқиб кўпайтирсангиз» жумласи ўрнида «Сизлар бир луқма садақа қилсангиз, уни Уҳуд тоғидай қилиб қайтаради». — дейилган.

Қуръонда бу ҳадисларни тасдиқловчи шундай оятлар бор:

—**Улар (гуноҳкорлар) Аллоҳнинг ўзи бандалари томонидан бўлган тавбани қабул этишини, садақаларни ҳам (ўз даргоҳида) қабул қилишини ва ҳақиқий тавбаларни қабул этувчи ва меҳрибон зот Аллоҳнинг ўзи эканини билмадиларми?** *(Тавба сураси, 104-оят)*

—**Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади.** *(Бақара сураси, 276-оят)*

- Садақа (закот) молни камайтирмайди. Ким бирон одамни афв этса, Аллоҳ уни бошлиқ қилади. Ким Аллоҳ учун тавозу кўрсатса, Аллоҳ унинг даражасини баланд қилади. Сув оловни ўчиргани каби, садақа (закот) ҳам хатоларни ўчиради. Қиёмат кунида инсонлараро ҳукмлар охирига етгунча ҳар ким ўз садақасининг соясида бўлади.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) бир замон билдирдиларки:

—Бир тилла садақа юз тилла садақадан ўтади?.. Бир киши сўради:

—Бу қандай бўлди, эй Аллоҳнинг Расули? Расул (с.а.в.) айтдилар:

—Бир одамнинг кўп давлати бўлади. Бир четидан минг тилла олиб, уни садақага беради. Бошқа бир одамнинг икки тилласи бўлади, шундан биттасини садақага беради.

—Сендан бир нарса тилагани қуруқ қайтарма. Тирноқ қадар бўлса ҳам, бирон нарса бер!..

—Аллоҳ Аршининг соясидан бўлак ҳеч қандай соя бўлмайдиган кунда Аллоҳ етти тоифа кишига ўз соясидан жой беради. Улардан бир тоифаси бирон нарса садақа қилиб, буни ҳеч кимга билдирмаган; яъни ўнг қўлининг берганини чап қўли билмаган кишилардан иборат.

—Яхшиликлар ёмонликларни ўнглаб юборади. Яширинча берилган садақалар Аллоҳнинг ғазабини сўндиради. Қон-қариндошлараро раҳм-оқибат ва меҳрибонлик умрни узайтиради. Ҳар бир яхшилик — садақадир. Бу дунёдаги яхшилик аҳллари охиратда ҳам яхшилик аҳллари бўлиб қоладилар. Бу дунёдаги ёмонлик аҳллари охиратда ҳам ёмонлик аҳллари бўлиб қоладилар. Жаннатга биринчи бўлиб кирувчилар яхшилик аҳлларидан бўлган кишилардир.

Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан сўрадилар:

— Садақа нима, эй Аллоҳнинг Расули?

Расул (с.а.в.) жавоб берди:

— Қаватламадир. Аллоҳнинг наздида ошиғи билан қайтарилиши керак бўлган нарсадир.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) бу гапдан кейин мазкур оятни ўқиди:

— **Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтаради!** *(Бақара сураси, 245-оят)*

Яна Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан сўрадилар:

— Эй Аллоҳнинг Расули, қайси садақада фазилат кўпроқ?

Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки:

— Камбағалга яширинча берилган садақада, шунингдек, камбағаллашиб қолишдан қўрқиб, ишлаб топганидан берган садақада фазилат кўпроқдир”.

Сўнгра Аллоҳ Расули (с.а.в.) шу оятни ўқидилар:

—**Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади! Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.** *(Бақара сураси, 271-оят)*

—Қайси бир мусулмон бошқа бир мусулмонни кийинтирса, Аллоҳуни жаннат яхшиликлари билан кийинтиради. Қайси бир мусулмон оч қолган бир мусулмонни едирса, Аллоҳ унга жаннат меваларидан едиради. Ким чанқаган бир мусулмонни қондирса, Аллоҳ уни асалдай тоза сут билан қондиради.

Аллоҳ Расули(с.а.в.)дан сўрадилар:

— Қайси садақанинг фазилати улўроқ?

Жавоб бердиларки:

— Ичида сенга яширинча адоват (душманлик) сақлаётган яқин танишларга берилган садақа!..

Расулulloҳ(с.а.в.)га яна шундай савол бердилар:

— Мусулмоннинг қайси ҳаракатлари яхшироқ?

Дедиларки:

—Йўқсулларни едиришинг, таниган-танимаган ҳар кишига Аллоҳдан омонлик тилашингдир.

—Аллоҳга нисбатан бандалик вазифаларингизни адо этингиз. Йўқсулларни едирингиз. Ҳар кимга Аллоҳдан омонлик тиланг. Жаннатга кирасиз!..

—Йўқсул мусулмонларни тўйдириш Аллоҳнинг раҳматини жалб этувчи сабаблардандир.

—Ким бир мусулмон биродарини қорни тўйгунча едирса, чанқоғи қонгунча ичирса, Аллоҳ уни жаҳаннамдан етти хандақ нарига узоқлаштиради ва ҳар бир хандақнинг орасида беш юз йиллик масофа бўлади. Қиёмат куни бўлганда Аллоҳ айтдики:

— Эй, Одам ўғли, мен хасталандим, кўргани келмадинг ҳам!..

Бандаси сўрайди:

— Сени қандай кўргани борай? Сен бутун оламнинг эгасисан?!

Аллоҳ айтади:

— Кўрмадингми: фалон бандам хасталанди. Кўргани бормадинг. Кўргани борсанг, мен унинг ёнида бўлишимни билмасмидинг!..

Яна Аллоҳ айтади:

— Эй Одам ўғли, сенга қанчадан-қанча неъматлар бердим. Сени едирдим. Сен менга ҳеч нарса едирмадинг...

Бандаси сўрайди:

— Сени қандай едирай, эй Раббим? Сен оламларнинг Раббисан. Емак-ичмақдан муназзаҳсан (поксан, холисан)!

Аллоҳ айтади:

— Билмайсанми, фалон бандам сени едирди, сен унга едирмадинг. Агар бир йўқсулни тўйдирган бўлсайдинг, унинг ёнида мени топар эдинг...

Аллоҳ яна айтади:

— Эй Одам ўғли, мен сенга сув бердим. Сен менга ҳеч сув бермадинг!..

Бандаси сўрайди:

— Сен одамларнинг Раббисан, Сенга қандай сув бераман?!

Аллоҳ айтади:

— Фалон бандам чанқоғингни қондирдик. Сен йўқсулнинг чанқоғини босмадинг. Агар йўқсулни қондирсайдинг, ҳозир уни менинг ёнимдан осонгина топардинг!..

## МУСУЛМОН БИРОДАРИНГ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРМОҚ

Аллоҳ ж.ж. буюради:

— **Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!** (*Моида сураси, 2-оят*)

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдилар:

— Кимда-ким мусулмон биродарига ёрдам бериш, унга бирон фойда келтириш учун йўлга чиқса, унга Аллоҳ йўлида жиҳод қилганлар савоби тегади.

— Аллоҳнинг инсонлар эҳтиёжини таъминлаш учун яратган шундай бандалари борки, уларни ҳеч қачон жаҳаннам азоби билан жазоламасликка қасамёд қилгандир. Қиёмат куни бўлганда улар учун нурдан минбарлар қурилади. Бошқа инсонларнинг бошлари ҳисоб беришдан чиқмаётган бир вақтда улар бу нур минбарларда Аллоҳ билан суҳбатлашиб ўтиришади.

— Кимда-ким бир мусулмон дўстининг эҳтиёжини таъминлашга ҳаракат қилса - уни эҳтиёждан чиқарган ё чиқаролмаганлигидан қатъи назар — Аллоҳ аввалги ё келгусида қилиши мумкин бўлган гуноҳларини афв этади. Бундан ташқари, унга икки бағот (мукофот ёрлиғи) беради. Бири уни жаҳаннам оташидан, бошқаси нифоқдан ҳимоя қилади.

— Кимки бир мусулмон дўстининг қайғусини аритса, мен қиёмат куни амаллари тортилаётган чоғда унинг тарозиси ёнида тураман. Агар савоблари оғир келса, нур устига нур!.. Гуноҳлари оғир келса, унга шафоат қиламан.

Анасдан - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

— Кимки бир мусулмон биродарининг эҳтиёжини таъминлаш дардида юрса, Аллоҳ унинг ҳар одимига етмиш савоб ёзиб, етмиш гуноҳини йўқ қилади. Агар ўз қўли билан шахсан эҳтиёжини таъмин этса, онасидан туғилган кундагидай гуноҳларидан тозаланади. Агар шу аснода ўзига ўлим келса, ҳисоб бермасдан жаннатга киради.

Ибн Аббосдан — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қилинади:

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

— Кимки бир мусулмон қардоши билан унинг эҳтиёжини таъминлаш мақсадида юрса ва унга насиҳат қилса, Аллоҳ у билан жаҳаннам орасига етти хандақ қўяди ва бу хандақлараро масофа Ер билан Осмон орасидаги масофага тенг келади.

Ибн Умардан ривоят қилинади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) бидцирдиларки:

— Аллоҳнинг қавмларга аталган бир талай неъматлари бор. Қавмлар бир-бирларининг эҳтиёжларини таъмин этган ва бир-бирларининг дардларини аритган ва аритаётган вақтларида бу неъматларни уларга беришда давом этади. Бир-бирларини севмай, бир-бирларини чалиб йиқитишга ўта бошлаган вақтларида уларга бераётган неъматларини тўхтатиб, бошқа аҳил қавмларга беради.

Абу Ҳурайрадан — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қилинади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) сўрадилар:

— Биласизларми, арслон ўкирган пайтда нима дейди? Дедилар:

— Аллоҳ ва Расули энг тўғриси биледи!.. Айтдилар:

— Аллоҳим, яхшилик қилаётганларнинг бошига мени бало қилма, - дейди.

Ҳз. Алидан - Аллоҳундан рози бўлсин - нақл қилинади:

— Орангизда кимда-ким ҳожатталаб бўлса, пайшанба куни саҳардан тилаги бажо бўлишини тилай бошласин. Уйдан чиқаркан «Оли Имрон» сурасининг сўнгги оятини, «Оят ал-Курсий»ни, «Қадр» ва «Фотиҳа» сураларини ўқисин. Чунки, ҳақиқатан ҳам дунё ва охираат ҳожатлари шулардадир.

Абдуллоҳ ибн Ҳасан (Пайғамбаримиз с.а.в.га эвара, Ҳз. Али ва Ҳз. Фотимага неварга бўлган бир зотки, Ҳз. Ҳасаннинг ўғлидир. Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳукмронлик қилган ҳ. 99-101 йилларда ҳали омонликда эди) — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади:

— Бир ҳожат юзасидан халифа Умар ибн Абдулазиз ҳузурига боргандим. Менга дедик:

— Бир эҳтиёжинг бўлган вақтда менга бир одам юбор ёки бир хат ёз. Чунки сени остонамда кўрсам, Аллоҳдан хижолат бўламан.

Ҳз. Али — Аллоҳундан рози бўлсин - дейдики:

— Ким бир қалбга бир севинч берса, Аллоҳ бу севинчдан бир лутф яратади. Вақти келиб бу инсоннинг бошига бир мусибат тушса, мана шу лутф бир сув каби ул кимсанинг қалбига оқиб киради ва у ердан қайғуни ҳайдаб чиқаради.

— Кимнингки ҳожати чиқмаса, сабабини ўзи қачондир бировнинг ҳожатини чиқармаганидан қидиргани тўғрироқ бўлади.

— Ҳожат учун ҳадеб мусулмон дўстининг ёнига чопа-верма. Зеро, бузоқ онасини эмишда ҳаддидан ошса, сигир уни сузади.

Шоирнинг мана бу сўзлари қандай гўзал:

*Жонкуярлик одатингни ҳеч кимсадан аяма,*

*Кунлар ўтиб кетди энди бўлди энди, бас, дема.*

*Имкон қадар яхшилик қил, яхшиликнинг йўли кенг,*

*Биров учун бўлгин ёқа, биров учун, майли, енг.*

*Аллоҳнинг ҳам сенга фазли бўлар, юргил унутмай.*

*Аллоҳ фазли инсонларга сени муҳтож этмагай.*

*Кучинг етса ҳожат чиқар, диндошингга мадор бўл,*

*Дардини ол, гамдан қутқар, ғам йўлига девор бўл.*

*Кенглик-зўрлик пайтларингла яхшилик қил, эй шунқор!*

*Сенинг ҳам бир кунинг келар бир ҳожатга интизор.*

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедиларки:

*Муждалар бўлсин қўлидан эзгулик келган кишига!..*

*Лаънатлар бўлсин қўлидан ёвузлик келган кишига!..*

## ТАҲОРАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Пайғамбаримиз - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдиларки:

— Ким яхшилаб таҳорат олса, икки рақъат намоз ўқиб, бу аснода қалби дунёвий ҳеч бир нарса билан машғул бўлмаса, онадан янги туғилгандай гуноҳларидан фориғ бўлади.

— Сизларга Аплоҳ нималар қилсангиз гуноҳларингизни афв этишини ва мартабангизни кўсгалтиришини билдирайми? Жирканч ишлардан сўнг чиройли бир таҳорат олиш, оёқларнинг жомега қараб одимлаши ва намоздан кейин намозни кутиш (яъни навбатдаги намозни қачон ўқийман, деб ўйлаб юриш). Мана, нажот шудир (Расулulloҳ (с.а.в.) бу сўнги жумлани уч марта такрорладилар).

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) ювилиши лозим бўлган аъзоларини бир марта ювиб таҳорат олди ва: «Бу таҳоратдир. Аллоҳ намозни фақат шу билан қабул қилади!» - деб буюрди. Кейин ўша аъзоларини иккинчи марта ювиб таҳорат олди ва: «Ким аъзоларини икки марта ювиб, таҳорат олса, Аллоҳ унга ажрини икки карра беради!» - деди. Ундан сўнг аъзоларини учинчи марта ювиб таҳорат олди ва: «Бу — менинг, мендан олдинги пайғамбарларнинг ва Аллоҳнинг дўсти Иброҳим алайҳиссаломнинг таҳоратидир!» - деди.

— Кимки таҳорат олаётганда Аллоҳни зикр этса, Аллоҳ унинг бутун вужудини поклайди. Кимки Аллоҳни зикр этмаса, унинг фақатгина сув теккан аъзоларини поклайди.

— Ким таҳорат устига таҳорат олса, Аллоҳ бунинг учун унга ўн савоб ёзади.

— Таҳорат устига таҳорат — нур устига нурдир.

Бу ҳадисларнинг бари таҳоратни янгилашга ташвиқдан иборат.

— Мусулмон таҳорат олиб, оғзига сув берган чоғида бутун гуноҳлари оғзидан тўкилади. Бурнига сув берган чоғида бурнидан гуноҳлар тўкилади. Юзини ювган чоғида юзидан гуноҳлар тўкилади. Бу гуноҳлар қабоқларининг ёнидан сизиб чиқади. Қўлларини ювган чоғида гуноҳлар тўкилади, бу гуноҳлар тирноқларининг тагидан чиқади. Бошига масҳ тортган чоғида бошидан гуноҳлар тўкилади, бу гуноҳлар қулоқ тагларидан чиқади. Оёқларини ювган чоғида оёқларидаги гуноҳлар тўкилади, бу гуноҳлар оёқ тирноқлари тагидан чиқади. Шундан кейин жомега кетиши ва намози фойдалироқ бўлади.

— Ким яхшилаб таҳорат олиб, сўнгра боши билан кўкка юзланганча: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик (шаҳодат) бераман, Аллоҳ тоқдир, шериги йўқдир. Ва яна гувоҳлик бериб айтаманки, Муҳаммад унинг бандаси ва Элчисидир (Расулидир)», деса, унга жаннатнинг саккиз эшиги очилади. Истаганидан кираверади.

Ҳз. Умар — Аллоҳ ундан рози бўлсин - дейдики:

— Тоза ва пок таҳорат сендан шайтонни узоқлаштиради.

Мужоҳид эса шундай дейди:

— Кимнинг таҳорат олиб, Аллоҳни зикр этиб ва тавба-истиғфор қилиб ётишга кучи етса, шундай қилсин. Чунки руҳ қаердан олиб кетилса, ўша ерда тирилтирилади.

Ҳикоя қиладиларки:

— Ҳз. Умар — Аллоҳундан рози бўлсин — Каъбанинг устини ёптириш учун Пайғамбар(с.а.в.)нинг саҳобасидан бирини Мисрга жўнатган эди. Бу саҳоба йўлчилик асносида бир раввин (яхудий руҳонийси)нинг яқинида бир жойга қўнган эди. Ҳз. Умарнинг элчиси (яъни саҳоба), унинг яқинида қўнганидан қўнгида мамнуният ҳис қилди. Зеро раввинни кўриб илмининг даражасини англабетгиси келди. Раввиннинг уйига борди. Эшигини тақиллатди. Лекин анча вақтгача унга эшик очилмади. Узун муддатдан сўнг эшикни очдилар, ичкари кирди. Биринчи гапи узоқ муддат куттиришганидан шикоят қилиш бўлди. Раввин унга дедики:

- Сен бизникига келиш учун бу тарафга қараб бурилган чоғингда биз сени ҳукмдор ҳайбатида кўрдик. Сенга бир муддат эшикни очмадик. Шунинг учунки, Аллоҳ Ҳз. Мусога шундай деб буюрганди:

- Бир ҳукмдордан қўрққан чоғингда таҳорат ол. Оила аъзоларингга ҳам таҳорат олишни

буюр!..

Хуллас, таҳорат олган одам қўрқаётган кишисига нисбатан Аллоҳ қафолати остида бўлади. Биз сенга бир муддат эшикни очмадик. Бу аснода мен ва бутун уйдагилар таҳорат олдик. Намоз ўқидик. Сендан қўрққанимиздан Аллоҳнинг қафолати остига кирдик. Кейин сенга эшикни очдик!..

## НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

Намоз, ибодатларнинг энг фазилатлиси бўлганидан — Аллоҳнинг китобига эргашиб (Аллоҳнинг китоби - Қуръонда бир неча сурада намоз ҳақида оятлар бор. Фаззолий шунга риоя қилаётганини таъкидлаб, китобхондан мавзуга яна қайтгани учун узрини қабул қилишни сўрамоқда)— унга кўмаклашиш мақсади билан бу ерда такроран бу баҳсни тилга оддик. (Бу мавзу илгари қандай ҳал қилинганини эслаб олиш учун, биринчи қисмдаги «Намозни тавозу ва хушу билан адо этиш» сарлавҳали бобга бир кўз югуртириб олинг) Аммо бу гал биринчи китобда айтилмаган жиҳатлар зикр этилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

- Кишига ўзи томонидан айтилган азондан сўнг икки ракъат намоз ўқишдан ҳам яхшироқ нарса берилмади.

Муҳаммад ибн Сирин шундай дейди:

-Агар икки ракъат намоз билан жаннатдан бирини танлаш ихтиёри менда бўлсайди, мен шак-шубҳасиз икки ракъат намозни жаннатдан устун қўярдим. Чунки икки ракъат намозда Аллоҳнинг ризоси бор. Жаннатда эса менинг хушнудлигим бордир.

Нақл қиладиларки:

- Аллоҳ етти қават осмонни яратган чоғида уларни фаришталар билан тўлдирди. Улар ҳеч орқага сурмай Аллоҳга ибодат қиладилар, намоз ўқийдилар. Аллоҳ ҳар бир осмон аҳли учун бир ибодат турини тайинлади!.. Бир осмон аҳли сур пуфлангунга қадар қиёмда туради. Бир осмон аҳли рукуда, бир осмон аҳли саждада, бир осмон аҳли Аллоҳнинг маҳобати ва қудратидан титрайди, катта-катта фаришталар ва Арш аҳли Аршнинг атрофини тавоф қилиб, Раббиларини мадҳ ва тасбиҳ қилади ва Ер аҳли учун истиғфорда бўлади. Аллоҳ мўминларга каромат тарзида бу асосларнинг ҳаммасини намозда жамлагандир ва мўминлар осмон аҳлининг ибодатидан ўзлари учун қувонч-лаzzат оладилар. Ундан ташқари Аллоҳ мўминларга Қуръонни ҳам берган, уни намозда ўқийдилар. Атлоҳ ўз бандаларидан, берган неъматлари учун шукур қилишни талаб этади. Намозни бутун шартлари ва рукулари билан тўла-тўқис адо этишлари уларнинг шукридир. Аллоҳ ж.ж. буюрди:

- **(Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир.** *(Бақара сураси, 2-3-оят)*

- **Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг.** *(Ал-Исро сураси, 78-оят)*

- ... **намозни тўқис адо қилинг.** *(Нисо сураси. 162-оят)*

-**Лекин уларнинг орасидан илмда мустаҳкам бўлган зотлар ҳамда сизга нозил қилинган нарсага ва сиздан илгари нозил қилинган нимарсаларга иймон келтирадиган мўминлар, хусусан, намозни тўқис адо этувчилар, закотни берувчилар, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирувчилар — ана ўшаларга улуг мукофот ато этажакмиз.** *(Моъувн сураси, 4-5-оятлар)*

Қуръонда қаердаки намоз зикр қилинган бўлса, ўша ерда шак-шубҳасиз унинг «адо этилиши» ҳам зикр қилинганини кўрасиз. Мунофиқлардан сўз очилганда Аллоҳ айтдики:

-**Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга**

**ҳалокат бўлмай.** (*Аъроф сураси, 31-оят*)

Аллоҳ мунофиқларни фақат «намозхон» дейди, мўминларни эса, «намозларини тўқис адо этувчилар», «намозларида бўйин эгувчи кишилар» дейди. Бунга сабаб-намоз ўқувчилар — кўпчилик, аммо намози қабул бўлувчилар озчилик бўлганидир. Фафлат аҳллари халқ орасида иккиюзламачилик қилиб ўзларига эътибор қаратиш учун ибодат қиладилар; яхши амаллари ҳам шу мақсадда бўлади. Адо этилган ибодат ёки яхши иш Аллоҳга аталгандагина қабул бўлишини, шунда ҳам қабул бўлиш-бўлмалиги гумонлигини билмайдилар, бу ҳақда ўйламайдилар ҳам.

Ривоят қилинган бир ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай билдиради:

— Орангизда баъзи бирларингиз намоз ўқийсиз-у, аммо бу намозларнинг фақатгина учдан бири, ёки тўртдан бири ва ё бешдан бири ёхуд олтидан бири... ҳатто балки ўндан бири амал дафтарига ёзилади.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки:

— Ким, қалбан Аллоҳга юзланиб икки ракъат намоз ўқиса, онадан янги туғилгандай гуноҳларидан фориғ бўлади.

Киши томонидан ўқилган намознинг қиймати унинг Аллоҳга юзланиши даражасига боғлиқ бўлади. Агар у намоз ўқиётганда бор вужуди билан тамоман Аллоҳга юзланмаса, кўнгли васвасалар билан машғул бўлса, ушбу мисолдаги одамнинг ҳолига тушади: бу одам гуноҳ қилиб қўйган ва узр сўрашга ҳукмдорнинг остонасига бош уриб борган эди. Эшикда тўхтади. Ҳукмдор уни қаршилаб олгани чиқди. Лекин у бу онда гоҳ ўнгига, гоҳ сўлига аланглаб, у ён-бу ён бориб-келар эди. Ҳукмдорга керагича ҳурмат бажо этмади. Ҳукмдор ҳам унинг узрини беъэтибор қолдирди. Ҳожатини чиқармади. Фақатгина, унинг саломига яраша алик олиб, ўзига кўрсатган ҳурмати даражасида муомала қилди.

Мана, намоз ҳам шундайдир. Киши намоз ўқиётиб, бемаъни ўйлар билан банд бўлса, такаллуфсизлик қилса, намози қабул бўлмайди.

Намоз ҳукмдор ўтказаетган тўй-ҳашамга ўхшайди. Ҳукмдор тўйга келувчи меҳмонлар учун ранго-ранг ва турли-туман таомлар ва ичимликлар ҳозирлайди. Ҳар тусдаги турли таом ва ичимликнинг ўзгача бир тотти, ўзгача бир лаззати ва ўзгача бир фойдали томони бор. Бу неъматларни ҳозирлаган ҳукмдор табалларини (ўзига тобеъ кишиларни) у ерга таклиф қилади.

Мана, намоз ҳам шундайдир. Аллоҳ бандаларини таклиф қилади. Улар учун намозда хилма-хил хатти-ҳаракатлар, турли-туман зикрлар ҳозирлайди. Бандаларнинг бу хилма-хил хатти-ҳаракатлари ва турли-туман зикрлар билан ибодат қилишлари Аллоҳнинг уларни шу ибодат билан завқлантириши учундир. Масалан, ибодат чоғидаги хатти-ҳаракатлар юқоридаги дастурхон мисолида, таомлар ўрнидадир. Зикрлар эса ичимликлар сингаридир. Дейдиларки:

— Намозда ўн икки минг хислат бор. Лекин бу ўн икки минг хислат, кейинчалик ўн икки хислатда жам бўлгандир.

Ким намоз ўқишни ният қилса, намози мукамал ва тўқис бўлиши учун бу ўн икки хислатга эришишни бўйнига олиши керак. Булардан олтитаси намозни бошламасдан олдиндир. Бошқа олтитаси эса намоз жараёнидадир. Бу ўн икки хислатдан:

Биринчиси: Билимдир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.):

- Билиб қилинган оз амал билмай қилинган кўп амалдан яхшироқдир! — деб буюрганлар.

Иккинчиси: Таҳоратдир. Чунки пайғамбаримиз:

- Намоз фақат таҳорат биландир! — деб буюрганлар.

Учинчиси: тоза либосдир. Чунки Аллоҳ буюради:

**«Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз. «Зийнатланингиз» дегани «тоза либосда бўлингиз»** (*Нисо сураси, 103-оят*) деганидир.

Тўртинчиси: Намозни вақтида адо этишдир. Чунки Аллоҳ буюради:

- **Намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди.** (*Бақара сураси, 144-оят*)

Бешинчиси: Қиблага юзланмоқдир. Чунки Аллоҳ буюради:



**-Намозда юзингизни Масжид-ал-Ҳаром (Маккадаги Каъба) томонга буринг!**  
(Бақара сураси, 238-оят)

Олтинчиси: Ниятдир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдиради:

-Амалларнинг қиймати ниятларга боғлиқдир, ҳар кишининг нияти нима бўлса, ўша амалга ошади.

Еттинчиси: Такбирдир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюради:

-Намозда такбир айтилгач, ҳар нарса ҳаром бўлади, саломдан сўнг бу ҳол йўқбўлади. (Яъни намоз пайтида дунё ишларини унутмоқ керак).

Саккизинчи: Қиёмдир. Чунки Аллоҳ буюради:

**-Аллоҳга бўйсунган ҳолда туринг (Ҳушу билан қиёмда туринг)! (Муззаммил сураси, 20-оят)**

Тўққизинчиси: «Фотиҳа» сурасини ўқимоқдир. Чунки Аллоҳ буюради:

**- Энди Қуръондан муяссар бўлган микдорда ўқийверинглар. (Бақара сураси, 43-оят)**

Ўнинчиси: Руқудир. Чунки Аллоҳ буюради:

**-Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг. (Ҳаж сураси, 77-оят)**

Ун биринчиси: Саждадир. Чунки Аллоҳ буюради:

**-Эй мўминлар, руку қилингиз, сажда қилингиз ва Парвардигорингизга ибодатда бўлиб, яхшилик қилингиз. (Зумар сураси, 14-оят)**

Ўн иккинчиси: Намозда қууд (ўтирмақ)дир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюради:

- Киши охирги саждадан бошини кўтаргандан кейин, то «Аттаҳиёт»ни ўқиб бўлгунча ўтирган вақти давомида намози тамом бўлади.

Намозда шу ўн икки нарса мавжуд бўлса - булар узил-кесил яқун топиши учун — кишида яна ихлосга эҳтиёжи бўлади. Чунки Аллоҳ буюради:

— **Айтинг: «Мен ёлғиз Аллоҳга, у зот учун динимни холис қилган ҳолда ибодат қилурман!».** (Анъом сураси, 160-оят)

(Яъни: Эй мўминлар, Аллоҳнинг динида ихлосли ва самимий кишилар бўлиб ибодат қилинг!)

БИЛИМ: Намозда билиш керак бўлган уч нарса бор:

1. Фарз нима, суннат нима — билиш керак.

2. Таҳоратда фарз ва суннат бўлган нарсаларни билиш керак. Чунки булар намознинг яхлитлигини таъминловчи нарсалардир.

3. Шайтоннинг намоздаги васвасаларини ва ҳийлаларини билиш керак. Шунда улар билан жаҳд ила курашиш мумкин бўлади.

ТАҲОРАТ: Уч нарса таҳоратнинг тўла бўлишини таъминлайди:

1. Қалбни яширин адоват, ёмон ниятдан ва ҳасаддан тозаламоқ.

2. Вужудни гуноҳлардан тозаламоқ.

3. Сувни исроф қилмай, чиройли таҳорат олиб, аъзоларни ювмоқ.

ТОЗА ЛИБОС: Либоснинг намозга мувофиқлиги уч нарсада билинади:

1. Либос ҳалол меҳнат билан, ҳалол йўл билан топилган бўлиши керак.

2. Ифлос нарсалар юқмаган бўлиши керак.

3. Либоснинг ташқи кўриниши суннатга уйғун: яъни камтарона бўлиши керак; кибрланиш, кўз-кўз қилиш ва мақтаниш учун кийилмаган бўлмоғи лозим.

ВАҚТ: Уч нарсада комил бўлади:

1. Инсоннинг кўзи ва зеҳни вақтни билдирувчи нарсаларда (Қуёш, ой, юлдузлар, соат ва ҳоказоларда) бўлиши керак.

2. Қулоқ азонда бўлмоғи керак.

3. Қалб вақтни ҳис қилиб туриши керак.

ҚИБЛАГА ЮЗЛАНМОҚ: Бунинг ҳам тўқислиги уч йўсинда бўлади:

1. Юз билан қиблага йўналмоқ.
2. Қалб билан Аллоҳга юзланмоқ.
3. Қалб сукутда ва итоатда (хушуда) бўлмоғи лозим.

НИЯТ: Уч нарса орқали комил бўлади:

1. Қайси намозни ўқиётганини билиш.
2. Аллоҳнинг ҳузурида турганлигини, Унинг ўзини кўраётганини билиш ва Унинг ҳузурида қўрқув билан туриш.

3. Аллоҳнинг қалбдаги ҳар бир ҳодисадан хабардорлигини билиш ва қалбни дунёвий машғулотлардан тозалашдир.

ТАКБИР: Такбирнинг тўқислигини ҳам уч нарса таъминлайди:

1. Азму жазм ила такбир олмоқ.
2. Такбир олганда бошмалдоқни қулоқ солинчагига теккизиб, қолган бармоқларни қулоқ ортида тикка тутмоқ

3. Қалбни ҳозирлаб, таъзим ила такбир олмоқ.

ҚИЁМ: Қиём ҳам уч нарса билан тўқис бўлади:

1. Кўзни сажда қилинадиган жойда тутмоқ.
2. Қалбни Аллоҳга боғламоқ.
3. Ўнгу сўлга тебранмаслик.

ҚИРОАТ (Қуръондан ўқиш): Уч нарсдан иборатдир:

1. Куйга солмай, ўз усулига риоя қилиб, янглишсиз «Фотиҳа» сурасини ўқимоқ.
2. Фикрга берилиб ва маъносини тушуниб ўқимоқ.
3. Ўқиётгани билан омил бўлмоқ.

РУКУ: Бунинг ҳам тўқислигини уч нарса таъминлайди:

1. Рукуга эгилганда гавда сиртини текис тутмоқ, букри тутмаслик.
2. Руку чоғи қўлларни тиззаларга қўймоқ ва бармоқлар орасини очиқ тутмоқ.
3. Рукуни бутунлай сукунат ичида адо этмоқ. тасбиҳотни таъзим ва виқор билан айтмоқдир.

САЖДА: Уч нарса орқали комил қилинади:

1. Сажда қилаётганда қўлларни қулоқлар даражада тутмоқ.
2. Сажда чоғида қўлнинг бармоқлари билан тирсак орасидаги қисмини ерга қўймаслик.
3. Тўла сукунат ичида сажда қилмоқ, тасбиҳотни таъзим ва виқор ила айтмоқдир.

ҚУУД (ўтирмақ): Бунинг ҳам шарти учтадир:

1. Сўл оёқнинг товон қисмини ётқизиб, устига ўтирмақ, ўнг оёқнинг товонини тик тутиб ўтирмақ.

2. Таъзим билан «Аттаҳиёт»ни ўқимоқ, ўзи учун ва бошқа мўминлар учун дуо қилмоқ.

3. «Аттаҳиёт» ва дуоларни ўқигандан кейин салом бермоқ.

САЛОМ БЕРИШ эса, қалбдан сидқ билан ният қилиш орқали тўла камолга етказилади. Намозни битириб салом берган киши билиши керакки, бу салом ўнгу сўлида ўтирган жамоат ва муҳофиз фаришталар учундир. Ундан ташқари, салом берганда кўзларни елкадан нариги ёқларга қаратмаслик ҳам керакдир.

НАМОЗДАГИ ИХЛОСга келсак, бу ҳам уч нарсада кўринади:

1. Ўқилган намоз билан фақатгина Аллоҳнинг ризосини талаб этиш, инсонларнинг хушнудлигини ўйламасликда.

2. Ўқилган намознинг Аллоҳ ризосига уйғун келишини Аллоҳдан кутишда.

3. Қабулга муваффақ бўладиган тарзда ҳеч фурсат ўтказмай давомли ўқишдадир. Токи киши бу намози билан қиёматга очиқ юзли бўлиб бора билсин. Чунки Аллоҳ «**Ким яхши бир амал билан келса!**» (Қуръоннинг ўзбекча таржимасида бу парча «Ким бирон чиройли амал қилса» деб олиниб, шу нозик фарқ назардан қочирилган)— дейди. «Ким яхши бир амал қилса» демайди.

## ҚИЁМАТНИНГ ҚЎРҚИНЧЛАРИ

Ҳз. Ойша - Аллоҳ уйдан рози бўлсин - ҳикоя қилади: Аллоҳ Расули(с.а.в.)дан сўрадим:

— Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни севган севгилисини хотирлайдими?

Жавоб берди:

— Уч жойда хотирламайди:

1. Амаллари тортилаётган, савоблари енгил келадими ё оғир келадими, деб билишга уринаётган чоғда.

2. Амал дафтарлари берилаётганда, яъни дафтарлар ўнгандан бериладими ё сўлиданми, деб билмоқчи бўлаётган чоғда.

3. Жаҳаннамдан бир бўйин чўзилиб чиқиб, инсонларнинг устига ётаётган чоғда.

Бу бўйин шундай дейди:

— Менга уч тоифа одамларни босиб ётиш вазифаси юкланган:

1. Аллоҳга эш-ўртоқ қўшганларни;

2. Қайсар золимларни;

3. Қиёмат кунига ишонмаганларни.

Бу бўйин шундайларнинг устида ётади. Ва уларни бирма-бир ёқасидан олиб жаҳаннамнинг энг тифиз жойларига улоқтиради.

Жаҳаннам устида қилдан ингичка қиличдан ўткир бир кўприк (Сирот кўприги) бор. Устига темир тиконлар ва темир михлар урилган. Аллоҳ ризосига етишган бандалар шу кўприқдан чақмоқдай, шамолдай ўтадилар.

Абу Ҳурайрадан - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади:

Аллоҳ Расули - Аллоҳнинг саломи устига ёғилсин — буюрдилар:

-Аллоҳ Осмонларни ва Ерни яратгандан кейин Сурни яратди ва уни Исрофилга берди. Исрофил сурни оғзига олганча, кўзларини Аршга тиккан ҳолда, қачон буйруқ бўлишини кутаётир!..

Мен сўрадим:

- Эй Адлоҳнинг Расули, Сур нимаси? Расул (с.а.в.) билдирдилар:

- Нурдан бир мугуз (бурғу)дир. Мен сўрадим:

-Эй Аллоҳнинг Расули, унинг кўриниши, сифатлари қандай?

Расул (с.а.в.) дедилар:

-Доира шаклида, кенг оғзи бор. Мени Ҳақ-Пайғамбар қилиб жўнатганнинг номига қасам ичиб айтаманки. Унинг оғзининг кенглиги Осмонлар ва Ер қадардир. Унга уч пуф пуфланади. Биринчи пуф бутун махлуқртни қўрқитиш учундир. Иккинчи пуф жонлиларни ўлдириш учундир. Учинчи пуф жонлиларни такрор тирилтириши учундир. Учинчи пуфдан кейин рухлар ари каби ғужғон ўйнаб ўртага чиқадилар. Ер билан Осмон орасини тўлдирадилар. Ҳар рух бурундан (нафас йўлидан) жасадга киради.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) кейинроқ билдирдиларки:

- Мен ер илк бор ёрилганда чиқадиган инсонман!.. Бошқа бир ривоят бундайдир:

-Аллоҳ аввал Жаброил, Микоил ва Исрофилни тирилтиради. Улар Буроқ (самовий от) ва Жаннат либосларини олиб, АллоҳРасули(с.а.в.)нинг қабрига келадилар. Ер ёрилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаброилга қарайди ва: «Эй Жаброил, бугун нима кун?» - дейди. Жаброил: «Бугун — қиёмат куни!» -жавобини беради. Расулulloҳ (с.а.в.) сўрайди:

— Эй Жаброил, Аллоҳ умматимга нима қилди?

Жаброил жавоб беради:

— Кейин хабар бераман, сен ердан чиққан илк инсонсан.

Абу Ҳурайра ривоят қилади: Пайғамбар алайҳиссалом буюрдиларки:

— Аллоҳ қиёмат куни инсонлар ва жинларга буюради: «Эй, инсонлар ва жинлар! Мен

сизларга ўз вақтида насихат қилганман. Амал дафтарингиздаги ёзувлар сиз ўзларингиз қилган ишлардир. Кимнинг иши яхшилик билан тугаса, Аллоҳга ҳамд этсин. Кимнинг иши ёмонлик билан тугаса ўзидан кўрсин, бошқадан айб қидирмасин». Муоз Яҳё ибн Розий (ҳижрий I асрда яшаган имом-хатиб, мударрис ва муфассирлардан) дан ҳикоя қилади: Яҳё бир кун дарс кетаётганда: **«Биз тақводор зотларни Раҳмон даргоҳига унинг меҳмонлари сифатида тўплайдиган ва жинойтчи-кофирларни жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган кунни (эсланг)!»** (Марям сураси, 85-86-оятлар) маолидаги оятларни ўқигандан кейин дедики:

— Эй инсонлар, кўзингизни очинг, кўзингизни очинг... Эртага бир ерда ҳашр бўлинасиз (тўпланасиз). Атрофдан бўлинма-бўлинма ҳолида келасизлар. Аллоҳнинг ҳузурда такрор-такрор тикка турғизилиб, қилган амалларингиз юзасидан ҳарфма-ҳарф сўроқ қилинасиз. Аллоҳнинг комил бандалари Раббларининг қошига минги минган ҳолда келтирилади. Осийлар эса яёв ва ташна ҳолда жаҳаннамга олиб борилади ва у ерга бўлим-бўлим бўлиб кирадилар. Эй биродарларим, қаршингизда сиз билган кунларга нисбатан, узунлиги эллик минг йил бўладиган кун бор. У кун оламларнинг Рабби Аллоҳнинг ҳукми билан инсонлар қабрларидан турадиган кун. У кун чайқалиш куни. У кун яқинлашаётган кун. У кун ҳасрат куни. У кун надомат куни. У кун муноқаша (жанжал, тортишув) куни. У кун ҳисоб бериш куни. У кун сўроқ куни. У кун бақирӣқ ва фарёдлар куни. У кун содир бўлажаги шак-шубҳасиз кун. У кун қалбларни даҳшати би-лан савалайдиган кун. У кун тирилиш куни. У кун ҳар бир одам дунёда қилган ишларини кўрадиган куни. У кун алданиш кунидир. У кун баъзи юзлар оппоқ, баъзи юзлар қоп-қора бўладиган кун. У кун на мол-дунё, на-да бола-чақа фойда бера оладиган, фақатгина САЛИМ ҚАЛБ фойда берадиган кун. У кун золимларнинг узр-маъзурлари қабул этилмайдиган, уларга фақат лаънат айтиладиган, оқибатлари ёмон бўладиган кун!..

Муқотил ибн Сулаймон (дастлабки ислом муфассирларидан. «Умдатул-Қорий» асарининг муаллифи) шундай дейди:

-Қиёмат куни махлуқот гаплашмасдан, юз йил оёқда тик туради. Юз йил донг қотганча қоронғилиқда қолади. Юз йил Раббларнинг ҳузурда муҳокама қилинади, бу орада бир-бирлари билан туртиниб-суртинишади. Қиёмат кунининг узунлиги биз билган йиллар билан ҳисобланганда эллик минг йилдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирадиларки:

— Бандаси тўрт нарсадан сўроққа тутилмагунча қутулмайди:

1. Умрини қаерда тугатганидан;
2. Вужудини қаерда адои тамом қилганидан;
3. Илмига амал қилган-қилмаганлигидан;
4. Молини қаердан топиб, қаерга сарфлаганидан.

Ибн Масъуддан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

-Ҳар бир пайғамбарнинг - биронта пайғамбар ҳам бундан мустасно эмас — мутлақо қабул қилинадиган бир дуоси бор ва ҳамма пайғамбар мутлақо қабул қилинадиган бу дуосини дунёда адо этгандир. Мен мутлақо қабул бўладиган дуойимни қиёмат куни умматим учун шафоат қилишга сақладим.

Аллоҳим, Уни қиёмат куни мақомингда, ўз ёнингда бизга шафоатчи қил!..

## ЖАҲАННАМ –ТАРОЗИ

Бу мавзу илгарироқ бир қадар тадқиқ қилинган бўлса ҳам, уни мухтасар қилиб тугаллаш умидида такроран тилга олишга эҳтиёж сездик, маъзур кўргайсиз (Биринчи қисмдаги «Дунё сўнгининг келиши ва инсонларнингқабрдан туриши» сарлавҳали бобга қаранг). Насихатларнинг такрори ғофил ва фосид (бузук) қалбларга фойда беради, деган хаёлдамиз. Аллоҳ китоби Қуръоннинг талай оятлари-да жаҳаннам даҳшати ва қиёматдаги ҳоллар баён

этилган. Бу бизга шуни кўрсатадики, жаҳаннамнинг даҳшати ва қиёматнинг аҳволидан бошқа ҳамма кўрқинчли воқеалар майда, аҳамиятсиз ва осон нарсалардир. Охират эса яхшироқдир, айна замонда абадийдир.

**ЖАҲАННАМНИНГ ҲОЛИ:** Аллоҳ лутфу карами билан бизни жаҳаннамдан ва унинг азобидан асрасин. Жаҳаннам ҳақида ҳужжат ҳисобланган бир ҳадис шундайдир:

— Жаҳаннам зимистон ва қоп-қоронғилиқдир. Ҳеч нури ва шуъласи йўқ. Етти эшиги бор. Ҳар эшигининг устида етмиш минг тоғ, ҳар тоғнинг етмиш минг олов тепаси бор. Ҳар тепанинг етмиш минг оловли минтақаси, ҳар минтақада етмиш минг олов дара, ҳар дарада олтмиш минг гуруллаб турган кўшк, ҳар кўшқда етмиш минг доира, ҳар доирада етмиш минг илон ва етмиш минг чаён бор, ҳар чаённинг етмиш минг қуйруғи, ҳар қуйруғининг етмиш минг бўғими мавжуд. Ҳар бўғимда етмиш минг катта тоғора тўла заҳар бор. Қиёмат куни бўлганда жаҳаннамнинг пардалари очилади. Инсонларни ва жинларни ўнгу сўлидан, олди-орқасидан ва устларидан жаҳаннамнинг олов деворлари ўраб олгай. Улар буларни кўрганда тиззалари қалтирайди (тиз чўкиб қоладилар) ва ҳар бири «Аллоҳим, қутқар!» деб фиғон қилади!..

Муслим қайд этган бир ҳадис шундайдир:

- Қиёмат куни жаҳаннам етмиш минг нўхта билан келтирилади. Ҳар бир нўхтани тортиб турадиган етмиш минг малак бордир.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.), **«У (дўзах) устида қаттиқ дил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур»** (*Таҳрим сураси, 6-оят*) маолидаги оятда кўрсатилган жаҳаннам соқчилари ҳақида дейдиларки:

—Ҳар фариштанинг икки елка ораси бир йиллик масофадир. Ҳар бирининг шундай кучи борки, агар қўлидаги тўқмоқ билан бир тоққа зарб туширса, тоғ кукунга айланиб кетади. -Ҳар бир уришида етмиш минг кишини жаҳаннам чуқурига туширади.

—**У (жаҳаннамнинг) устида ўн тўққиз (фаришта кўриқчилик — эғалик қилур)** (*Муддассир сураси, 30-оят*) — маолидаги оятда айtilган «Ўн тўққиз фаришта» бошқа фаришталарнинг раисларидир. Аслида ҳам жаҳаннам фаришталарининг саногини Аллоҳдан бошқа кимса билмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ айтади:

—**Парвардигорингизнинг кўшинларини ёлғиз Унинг Ўзигина билур.** (*Муддассир сураси, 31-оят*)

Ибн Аббосдан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — жаҳаннамнинг кенглигини сўраганларида, шу жавобни берди:

— Худо ҳаққи, жаҳаннамнинг кенглиги қандайлигини билмайман. Фақат бизга келган хабарларга кўра, забонийлар (жаҳаннам кўриқчилари)дан'бирининг қулоқ солинчаги билан бўйни орасидаги масофа етмиш йилликдир. У ерда қон ва йиринг дарёлари оқади.

Муслим қайд этади:

-Жаҳаннамнинг олов деворларидан бир деворнинг қалинлиги қирқ йиллик масофадир.

Яна Муслим қайд этади:

-Бу дунёдаги оловингиз жаҳаннам олови иссиқлигининг етмишдан биридир.

Дедиларки:

- Эҳ, жаҳаннам оловидай бўлсайди! Расул (с.а.в.) билдирдилар:

- Жаҳаннамнинг устига ҳар бирининг ҳарорати ер оловининг ҳароратича келадиган олтмиш тўққиз парча кўмилгандир.

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

- Агар жаҳаннам аҳлидан бири жаҳаннамдан бир қўлини дунёга узатса, дунё унинг ҳароратидан ёнарди. Агар жаҳаннам кўриқчиларидан бири дунёга чиқарилса-ю, дунёликлар уни кўришса, шу онда ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг унинг устида кўринган ғазабидан ўлардилар.

- Бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) асҳоби билан бирга ўтирганди. Қаттиқбир жисмнинг ерга

тушганига ўхшаш бир овоз эшитилди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) сўрадиларки:

- Бу нималигини биласизларми? Бир саҳоба деди:

- Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади! Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларки:

-Бу бир тош. Жаҳаннамга отилганди. Етмиш йилдан бери тушаётган эди. Фақат ҳозир тубига етиб борди. Бу овоз унинг жаҳаннам чуқурига тушганида чиққан овоздир.

Ҳз. Умар шундай дерди:

-Жаҳаннамни кўп ёдга олинг. Чунки унинг ҳарорати шиддатли, туби теран, тўқмоқлари эса темирдандир.

Ибн Аббос ҳам шундай дерди:

-Қуш дон ахтариб ахлат титгандай, жаҳаннам ҳам жаҳаннамликларни титади.

Ибн Аббосдан: **«(Дўзах) уларни узоқ жойдан кўрган вақтидаёқ унинг ҳайқириқ ва бўкиригини эшитурлар!»** (Фурқон сураси, 12-оят) маолидаги оят тўғрисида сўрашганида, жумладан, «Жаҳаннамнинг кўзлари борми?» дейишганда, Ибн Аббос шу жавобни берган эди:

-Ҳа! Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг мана бу сўзини эшитмаганмисиз: «Ким қасддан мен тўғримда ёлгон сўз тарқатса, жаҳаннамнинг икки кўзи орасида жойини ҳозирласин!..» Ўшанда Расулуллоҳ(с.а.в.)дан сўрашди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, жаҳаннамнинг кўзи борми? Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларки:

— Аллоҳнинг шу оятини эшитмадингизми? «(Дўзах) уларни узоқ жойдан КЎРГАН вақтидаёқ унинг ҳайқириқ ва бўкиригини эшитурлар».

Мана бу ҳадис эса мазкур жавобни яна бир қарра тасдиқлайди.

—Жаҳаннамдан бир долға чиқади, унинг кўрадиган кўзлари ва гапирадиган тили бор. Долға дейдики:

—Менга бугун Аллоҳга эш-ўртоқ таниганларни тутиш буюрилди.

У уларни кўради ва қуш ем тўплагандай тўплайди. МЕЗОН (ТАРОЗИ): ҳадисда шундай билдирилади:

—Савоблар ва яхши амалларнинг палласи нурдан, гуноҳлар ва ёмон амалларнинг палласи эса зулматдандир.

—Жаннат Аршнинг ўнг томонига қўйилади, дўзах эса сўл томонига!.. Жаннат яхши амалларнинг бадали, дўзах эса ёмон амалларнинг бадалидир.

Ибн Аббос — Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай дейди:

—Яхши ва ёмон амаллар — икки палласи ва бир кўрсаткичи бўлган бир тарозида тортилади.

—Атлоҳ бандаларининг амалларини торттирмоқчи бўлган чоғида уларни модда ва жисм ҳолига келтиради. Кейин уларни торттиради.

## КИБР-ҲАВО

Эй дўстим, Аллоҳ сени ва мени иршод этсин! Дунёвий ва ухровий хайрларга етишайлик. Билки, кибр-ҳаво фазилатларни йўқ қилади, разолатларни етаклаб келади. Кибр-ҳаво, кишининг насиҳат тинглашига ва одоб ўрганишга монелик қилади, бу — сенинг разиллашининг учун кифоядир, шунинг учун дерларки:

— Илм ҳаё билан кибр орасида йўқ бўлиб кетади. Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдилар:

— Қалбида заррача кибр бўлган киши жаннатга кирмайди.

— Ким либоси туфайли кибрланса, Аллоҳ унга назар солмайди.

Ҳикмат аҳли дерки:

— Кибр ила мулк доим бўлмас.

Аллоҳ ўз китобида кибрни фасод билан ёнма-ён зикр этиб, буюрди:

— Биз охират диёрини Ер юзида кибр ва фасод орзусига тушмайдиган кишиларга берамиз.

**(Бу оят Қуръони каримнинг ўзбекча таржимасида «Биз ўша охират диёрини ер юзида зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз» деб олинган).** (Қасас сураси, 83-оят)

— Энди Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят — мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, Тўғри—Ҳақ Йўлни кўрсалар уни (ўзлари учун) йўл қилиб олмайдиган, агар залолат-нотўғри йўлни кўрсалар, уни ийб қилиб оладиган кимсаларни ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб қўюрман). Бунга сабаб улар Бизнинг оятларимизни ёлғон деганлари ва у оятлардан ғофил бўлиб олганларидир». (Аъроф сураси, 146-оят)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдиларки: Уч нарса ўлдириш хусусиятига эга:

1. Хасислик.
2. Ҳавойи нафсга берилувчанлик.
3. Кишининг ўз нафси билан гердаиши.

Амр ўғли Абдуллоҳ ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

— Нух алайҳиссалом ўлими олдидан икки ўғлини чақириб дедики:

— Сизга икки нарсани амр этиб, икки нарсани тақиқлайман.

1. Кибрланишни ва Аллоҳга эш-ўртоқ танишни тақиқлайман.
2. Ла илаҳа иллаллоҳ - Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ - жумласини айтишингизни ва буни қалбан тасдиқлашингизни амр этаман. Чунки бутун Осмонлар, Ер ва уларда мавжуд бўлганлар тарозининг бир палласига қўйилса, бу жумла эса бошқа палласига қўйилса, ҳеч шак-шубҳасиз, бу жумла бўлган палла оғир келади. Агар Осмонлар ва Ер бирга бўлса ҳам, «Ла илаҳа иллаллоҳ» уларнинг устига қўйилса, шак-шубҳасиз, уларни синдиради.

Яна сизга «Субҳаналлоҳ ва биҳамдиҳи» дейишни амр этаман. Чунки бу ҳар нарсанинг намозидир ва ҳар нарса унинг билан ризқланади.

Исо алайҳиссалом дерки:

- Аллоҳ китобини ўрганиб, бу дунёда ҚУТУРМАЙ яшаб ўтганлар (яъни гердаймай, бошқаларга зулм ўтказмай яшаган ва ўлганлар) нақадар бахтиёр кимсалардир!

Аблуллоҳ ибн Салом »- Аллоҳ ундан рози бўлсин - ўтин орқалаб олиб, растадан ўтиб кетаётган эди. Ундан — бунга эҳтиёжи бўлмагани ҳолда, нечун ўтин орқалаб юрганини сўрашганида, шу жавобни берган эди:

' - Ўзимдан КИБРни йўқотмоқчиман (кўтариб отмоқчи-ман)!..

Қуртубий тафсирида, «**Яна яширган зеб-зийнатлари билинсин учун оёқларини (ерга) урмасинлар!**» (Нур сураси, 31-оят) мазмунидаги оят узра тўхталиб дейиладики:

—Хотинларнинг эркаклар диққатини тортиш учун солланиб юришлари, эркакларнинг ҳам кибр ва ҳаво ила оёқларини тақ-туқ ерга уриб юришлари ҳаромдир.

## ЕТИМГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ВА ЗУЛМДАН ТИЙИЛИШ

Бухорий қайд этади:

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдилар:

- Мен ва етимни кафилликка олган кимса, манави иқкиси каби (кўрсаткич ва ўрта бармоқларини кўтариб кўрсатдилар) жаннатда ёнма-ён бўламиз.

Баззор қайд этади:

- Қариндошми, қариндош эмасми - қатъи назар, ким етимга кафил бўлса, у ва мен мана шулар каби (икки бармоғини бир-бирига боғлаб кўрсатди) жаннатда бўламиз. Ким уч етим қизга кафил бўлса, улар учун хизмат қилса, у жаннатдадир. Унга рўза тутган, намоз ўқиган, Аллоҳ йўлида жиҳод қилганларнинг ажр-мукофоти бордир.

Ибн Можа қайд этади:

— Ким уч етимни бола қилиб боқиб олса, у, кечалари намозли, кундузлари рўзали ва

қиличи яланғоч ҳолда Аллоҳ йўлида жиҳод қилган кимса кабидир. Мен у билан жаннатда ака-ука тутинаман. Бамисоли булар (кўрсаткич бармоғи билан ўрта бармоғини бир-бирига қовуштириб кўрсатди) ака-ука бўлганидай!..

Термизий қайд этади:

— Ким бир мусулмон етимни едириб-ичиришга олса, Аллоҳ уни албатта жаннатга қўяди. Лекин уларга нисбатан бир гуноҳ иш қилса, бу айби кечирилмайди.

- Ибн Можа қайд этади:

— Мусулмон уйларнинг энг хайрлиси шундай уйдирки, у ерда етим бўлади ва бу етимга иззат-икромда бўлинади. Мусулмон уйларининг энг ёмони шундай уйдирки, у ерда етим бўлади-ю, аммо унга кўпол муомала қилинади.

Абу Йўъло қайд этади:

— Жаннатнинг эшигини биринчи бўлиб мен очаман. Хабарингиз бўлсин, ўша пайтда мен тўғри менга қараб келаётган бир хотинни кўраман, «Сенга нима бўлди? Сен кимсан?» деб сўрайман. У дерки:

— Мен етимларимга нима бўлдийкин, деб титраб турган хотинман!..

Тобароний қайд этади:

— Мени ҳақ-пайғамбар қилиб жўнатганнинг номига қасам ичиб айтаманки, Аллоҳ қиёмат куни етимга марҳамат қилиб, мулойим сўзлаганни, ожиз ва заифларга марҳаматли бўлганни ва Аллоҳнинг берган неъматини билан қўшнисига гердаймаганни азобламайди.

Имом Аҳмад ва бошқалар қайд этадилар:

— Ким Аллоҳ учун бир етимнинг бошини силаса (бу ерда етимга қараш, унинг эҳтиёжларини қондириш ва уни севинтиришга ишора қилинган), қўлидаги ҳар бир тук учун унга бир савоб бўлади.

Бухорий — Муслим қайд этадилар ва Абу Ҳурайрадан — Аллоҳ улардан рози бўлсин — ривоят қиладилар:

— Бевалар ва йўқсуллар учун хизмат қилганлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилганларга тенгдирлар.

Ибн Можа қайд этади:

- Бева ва йўқсул учун ишлаганлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилган ва тунда намоз ўқиб, кундуз рўза тутган киши сингаридир. Салафлардан бири ҳикоя қилади:

- Мен бир майхўр-майпараст эдим. Гуноҳ қилишдан қўрқмасдим. Бир кун бир етимни кўрдим. Уни ўз боламдай, ҳатто ундан ҳам ортиқроқ сийладим, иззат-икром қилдим. Шу кеча ётганда тушимда жаҳаннам забонийларини кўрдим. Мени жаҳд билан ёқамдан олиб, жаҳаннамга судрай бошлашди. Шу пайт у етим бола пайдо бўлди. Мени олиб кетаётганларга эътироз билдирди. Забонийларга: «Тўхта! Мен Раббимга мурожаат этай», деди. Улар тўхтадилар. Бир оздан кейин бир овоз эшитилди. Шундай дер эди:

- Ўз ҳолига қўй уни! У бир етимга эҳсон қилган, уни севинтирганди!..

Бир оздан сўнг уйғондим. Ва шундан кейин гуноҳ ишлар қилишни тўхтатдим. Етимларга кўп яхшилик қила бошладим.

Бир неча қизи бўлган бир хотин бор эди. Эри ўлган бу хотин болалари билан ўзи ёлғиз қолган ва кўп йўқсул аҳволга тушган эди. У ўзининг қашшоқлигидан орланиб қизлари билан ўзга бир диёрга кўчиб кетди. Булар борган жойларида намоз ўқилмайдиган бир масжидга қўндилар. Хотин болаларини у ерда қолдириб, егулик топиб келиш мақсадида ташқарига чиқиб кетди.

Қасабанинг олди бойларидан бирининг уйига борди. Эшикни тақиллатди. Уй эгаси мусулмон эди. Хотин унга ҳолини баён этди. Лекин уй соҳиби: «Ҳақиқатан камбағаллигангни билдирувчи бир қоғоз (маълумотнома) олиб кел!» - деди. Хотин: «Мен бу ерликлар учун бегонаман!» - деди ва озорланиб узоқлашди. Сўнгра бошқа бир эшикни тақиллатиб кўрди. Бу уйнинг эгаси мажусий эди. Унга ҳолини баён этди. Мажусий уни эшитгандан кейин хотинини



чақириб, тиланиб келган аёлнинг етим қизларини олиб келиш учун масжидга юборди. Хотини уларни олиб келди. Эр-хотин уларни яхшилаб тўйғазишди.

Шу кеча, тул хотинни эшигидан қайтарган мусулмон киши туш кўрди. Тушида гўё қиёмат-қойим экан, боши узра «Ливоул-ҳамд» кўтарилган ҳолда Пайғамбаримиз (с.а.в.) чурган эмишлар. («ливо» - «байроқ» демакдир, - «ливоул-ҳамд» - «шараф байроғи» деган маънони билдиради ва у Пайғамбаримиз (с.а.в.) байроғндир. Унга инонганлар қиёматдан кейин шу байроқ остида тўнланадилар) Яқинларида эса катта бир кўшкбор эмиш. мусулмон киши сўради:

—Эй Аллоҳнинг Расули, бу кўшк кимга тегишли? Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

—Бир мусулмонга тегишли. Киши дедики:

— Мен мусулмонман. Аллоҳнинг бирлигига шаҳодат қиламан.

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Ҳақиқатан мусулмонлигангаи биддирувчи қогоз олиб кел. Киши ҳайратланди. Пайғамбаримиз унга кундузги воқеани эслатдилар.

Киши кўрқиб ва маъюс тортиб, уйқудан уйғонди. Чунки хотиндан «камбағаллиги ҳақида маълумотнома» сўрагани рост, қоғози йўқлиги учун уни қуруқ қайтарган эди. Тура солиб югурди. Хотин ва унинг болалари масжиддан кетганларини ва бир мажусийнингуйида эканликларини суриштириб билди. Бориб эшикни тақиллатди ва меҳмонларни ўзига топширишни илтимос қилди. Лекин мажусий рад этди ва: «Улар менга раҳмат ва баракот келтирди!» - деди. Киши пул таклиф қилиб, меҳмонларни ўзига топширишни ўтиниб сўради, мажусий эса кулимсираб, унга шу гапларни айтди:

— Сен мендан олмоқчи бўлган нарсага мен ҳам лойиқман. Сен тушингда кўрган у кўшкни Аллоҳ менга ҳозирлатиб қўйди. Мусулмон бўлганинг учун мендан устунлик даъво қиляпсанми? Аллоҳга қасамки, биз бутун оила аъзоларимиз билан бир хил туш кўрдик ва уйимиздаги шу бева хотин ва етимлар туфайли ҳақ дин бўлган мусулмонликни танладик. Мусулмон бўлдик. Хобимда Аллоҳ Расули мендан сўради:

—Бева хотин ва етимлар ёнингдами? Мен жавоб бердим:

—Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!.. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

—Манов кўшк сен ва оила аъзоларингники.

Бу гапларни эшитган мусулмон киши маъюсланиб, афсус-надомат ичида мажусийнинг уйидан узоқлашди.

## ҲАРОМ ЕЙИШ

Аллоҳ ж.ж.буюрди:

— **Эй мўминлар, бир-бирингизнинг молларингизни ҳаром йўллار билан еманг (*«Чўлпон» нашриёти нашрида бу оят: «Эй, мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар билан емангиз» - деб олинган*). Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотик орқали мол-дунё касб қилингиз. (Нисо сураси, 29-оят)**

Оятдаги «ҳаром емоқ» иборасининг маъноси жуда кенг: фоиз ундириш, қимор, ўғрилиқ, хиёнат, ёлғон гувоҳлик, ёлғон онт ичиб олди-берди қилиш, ҳаддан ортиқ юқори баҳо билан мол сотиш... йўллари билан топилган мол ва давлат маънолари биринчи ўринда келади.

Аллоҳнинг бу буйруғи умуман ҳақсиз ўлароқ олинган ҳар нарсани қамраб олади. Хоҳи зулм билан олинган бўлсин (қуч ишлатиб хоинона ундириш ва босқинчилик-ўғирлик йўллари билан олиш); хоҳи завқ ва ўйин йўли билан олинсин (қимор ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўлганидай); хоҳ ҳийла ва найранг йўллари билан олинсин (товламачилик ва алдамчилик, тарозидан уриш каби); ўз моли ва бойлигини ҳаром ерларда, ҳаром ишларга (ичкиликбозлик, қимор, фоҳишабозлик) харжласин - ҳаммаси ҳаром ейишга киради.

Оятнинг «ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотик орқали» деган қисми эса, қонуний ва икки тарафнинг (олувчи-сотувчи) розилиги билан топилган молу давлат ботил ва ҳаром

бойликлардан саналмаслигини кўрсатади.

Бу мавзуда ҳужжат бўла олувчи ҳадислар жуда кўп. Биз, жумладан, бир қанчасини қайд этиш билан кифояланамиз.

Муслим ва бошқа муҳаддислар. қайд этадилар ва Абу Ҳурайрадан - Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қиладилар:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

— Аллоҳ покдир, фақат пок (ҳалол) нарсани қабул этади. Аллоҳ Расулуллоҳга амр этган нарсани мўминларга ҳам буюрган.

— **Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан энглар ва яхши амаллар қилинглари! Албатта, Мен қилаётган амалларингизни билгувчидирман.** (Мўминлар сураси, 51-оят)

-**Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан энглар ва агар Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар, У зотга шукр қилингиз!** (Бақара сураси, 172-оят)

Кейинча Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларки:

-Бир одам узоқвақт сафарда бўлади. Усти-боши бетартиб ва чанг-тўзонга ботган эди. Бир пайт қўлларини кўтариб: «Эй Раббим!» - дея Аллоҳга ёлборади. Ҳолбуки, егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром эди. Ўзи ҳаром луқма билан улғайганди. Бунинг дуоси қандай қабул қилинсин энди?

Тобароний қайд этади:

- Ризқнинг ҳалоллини излаш ҳар мусулмонга вожибдир. Яна Тобароний ва Байҳақий қайд этадилар:

-Ҳалол ризқ излаш фарз ибодатлардан кейин келадиган фарз.

Термизий ва Ҳаким қайд этадилар:

-Ким ҳалолдан еса, суннат аҳли йўлига амал қилса ва инсонларга ундан гуноҳ юқмаса, жаннатга киради.

Имом Аҳмад ва бошқалар қайд этадилар:

- Тўрт нарса сенда бўлса бахтиёрсан:

1. Омонатни эҳтиёт қилган бўлсанг.
2. Сўзингга ёлғон қўшмаган бўлсанг.
3. Гўзал ахлоқли бўлсанг.
4. Еганингни ҳалол йўл билан топган бўлсанг!..

Тобароний қайд этади:

-Ҳалолдан топган, ичи тоза, ташқи томони ҳам мўъжизавий бўлган ҳамда инсонларга зиёни тегмаган кишиларга хушxabар етажак!.. Илмига амал қилган, молидан йўқсулларга едирган ва тили билан бемаъни сўзларга вақт сарфламаган кишиларга хушxabар етажак!..

Яна Тобароний қайд этади: Саҳобадан бирига хитобан:

-Эй, Саъд, ҳалолдан топиб е; дуоси мақбул бўлганлардан бўласан. Муҳаммаднинг — Аллоҳнинг саломни устига ёғилсин — борлиғи қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасам билан айтаманки, бандаси қорнига бир луқма ҳаромни ютган чоғидан бошлаб қирқ кун дуоси қабул бўлмайди. Кай кишининг вужуди ҳаром луқмадан бунёд бўлган бўлса, у вужуд жаҳаннам оташида ёнмоққа лойиқдир.

Баззор айтилган-айтилмаганлиги исботланмаган бир ҳадисни қайд этади:

— Омонатга риоят қилмаганнинг дини йўқдир. ҲАРОМ ДАРОМАДДАН кўйлак олиб кийган кимсанинг — бу кўйлак эғнида бўлган муддат ичида — намози қабул бўлмайди. Аллоҳ эғнида ҳаром даромаддан топилган кўйлакли кишинингҳар қандай яхши амалини ва ё намозини қабул қилишдан юксакроқдир.

Имом Аҳмад қайд этади ва Ҳз. Умарнинг ўғлидан ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедиларки:

— Ким ўн динорга бир либос сотиб олса, лекин бу ўн динорнинг бир динори ҳаром пул

бўлса, бу либос эғнида бўлган муддат давомида Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди.

Байҳақий қайд этади:

- Ким ўғирланган молни - ўғирланганини билган ҳолда сотиб олса, ўғрининг айбу гуноҳига иштирок этган бўлади.

Имом Аҳмад қайд этади:

— Сиздан бирингининг арқон олиб, тоққа чиқиб, ўтин кесиб, орқалаб келтириши ва шу билан тирикчилик қилиши унинг учун Аллоҳ ҳаром қилган луқмани оғзига олишидан яхшироқ.

Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳаким қайд этадилар:

— Ким ҳаром даромад билан давлат орттирса, сўнгра бунни садақа қилиб берса, бунда унинг учун савоб йўқ. Гуноҳи ўз устида қолаверади.

Имом Аҳмад ва бошқалар қайд этадилар:

- Аллоҳ сизларнинг ўртангизда ризқларингизни тақсим этгани каби ахлоқингизни ҳам тақсим этган. Аллоҳ севган бандаларига ҳам, севмаганларига ҳам дунёлик беради. Динни эса ёлғиз севганларига беради. Аллоҳ кимга дин берган бўлса, уни севганидир. Борлиғим қудрат қўлида бўлганга қасамёд қилиб айтаманки, киши қалби ва тили салим (соғлом) бўлмагунча, ҳақиқий мусулмон саналмайди; қўшниси унинг душманлик қилмаслигига амин бўлмагунча мўмин саналмайди!..

Бир саҳоба сўради:

- Душманлик қилиши нимада кўринади? Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

- Қўшнисига қилган ҳийла ва зулмда!..

- Ҳеч бир кишининг ҳаром даромаддан қилган садақаси қабул бўлмагай!.. Ҳеч бир банданинг ҳаром даромаддан йўқсулга эҳсон қилиши унинг учун муборак бўлмагай!.. Ҳеч бир банданинг ҳаром даромад тўплаб, меросга қолдириши уни жаҳаннамдан олиб қололмагай, аксинча, жаҳаннамлик бўлишини орттиргайдир!.. Аллоҳ гуноҳни гуноҳ билан ювмайди. Лекин гуноҳни яхши амал эвазига кечиради. Ҳаром ҳаромни ҳаромликдан чиқаролмас!..

Термизий қайд этади:

- Пайғамбаримиздан — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — умуман инсонларнинг жаҳаннамга тушишларига сабаб бўладиган нарса нималиги сўралди. Жавоб берилдики:

- Оғиз ва жинсий аъзо (ҳаром луқма ва ғайри машруъ алоқалар).

Аксар ҳолларда инсонларнинг жаннатга киришларига сабаб бўладиган нарса нималиги сўралганда эса, шу жавобни бердилар:

- Тақво ва гўзал ахлоқ!..

Термизий қайд этади:

- Қиёмат куни киши тўрт нарсадан сўроқ қилинмагунча ҳеч қутулмайди:

1. Умрини қаерда тугатганидан;

2. Ёшлигини қайси майллар билан тамом қилганидан;

3. Молини қаердан ва қай йўллар билан топганидан;

4. Илмига амал қилган-қилмаганидан.

Байҳақий қайд этади:

- Дунё нафс майл қўйган бир яшилликдир. Ким унда ҳалолдан даромад орттирса ва йўқсулга едирса, Аллоҳунга савобини беради ва жаннатига киритади. Ким ҳаром даромад орттирса ва сарф этса, Аллоҳ уни жаҳаннамига туширади. Аллоҳнинг ва Расулининг молини талаган қанчадан-қанча кишилар борки, қиёмат куни улар учун олов таппа-тайёрдир. Аллоҳ айтади:

**- Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топгусидир. У зот кимни йўлдан оздирса, бас, улар учун Ундан ўзга дўст-мададкорларни топа олмасиз, уларни қиёмат кунида юзтубан ҳолларида, кўр, соқов, кар қилиб тирилтирурмиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир. Ҳар қачон (жаҳаннам ўти) сусайса, БИЗ УЛАРГА ОЛОВНИ ЛОВУЛЛАТИБ ЮБОРУРМИЗ.** (Ал-Исро сураси, 97-оят)

Ибн Ҳиббон қайд этади:

-Ҳаром луқмадан туғилган эт парчаси ва қон жаннатга кирмайди. Унга оташ лойиқроқдир.

Термизий қайд этади:

-Ҳаром луқмадан юзага келган ҳеч бир эт парчаси йўқки, жаҳаннам оташига лойиқ топилмаса!..

## ФОИЗ

Фоиз (Қарзга берилган пул учун олинган, шаръан ҳаром бўлган даромад, фойда (Процент.) Ҳийла билан бирон нарса ундириш ҳам фоиздир)ни тақиқлаган (процент олишни, яъни судхўрликни ман этган) оятлар жуда кўп (мисол учун: «Бақара» сурасининг 275, 276, 278-оятларига қаранг). Ҳадисларга келсак:

Бухорий ва Абу Довуд қайд этадилар:

- Аллоҳ Расули, вужудига нақш чиздирган (*татуировка килдирган*) ва нақш чизганларни. ФОИЗ ОЛГАННИ ва ФОИЗ БЕРГАННИ лаънатлади. Ит сотиб ва зино қилиб пул топишни тақиқлади, суврат солганларни лаънатлади. Имом Аҳмад, Абу Йўло, Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон қайд этадилар ва Ибн Масъуддан ривоят қиладилар:

— ФОИЗНИ олган ҳам, берган ҳам, фоиз олиш-беришида гувоҳлик ва ё котиблик қилган ҳам — агар фоизлиги ни билган бўлса; гўзал кўриниш учун вужудига нақш қилдирган ва ё ўзи нақш қилган ҳам; закот беришдан қочган ҳам; аъробий мисол ҳижратдан кейин диндан қайтган ҳам — буларнинг ҳаммаси Муҳаммад алайҳиссалом тилида лаънатланар эди.

Ҳаким қайд этади:

— Тўрт тоифа борки, уларни жаннатга қўймаслик Аллоҳ наздида ҳақ бўлгандир:

1. Сархуш этувчи ичимлик ичганлар;
2. Фоиз еганлар (судхўрлик қилганлар);
3. Ҳаққи бўлмагани ҳолда етим молини еганлар;
4. Ота-онасига қарши борганлар.

Яна Ҳаким қайд этади:

- Фоизнинг етмиш уч даражаси бордир. Энг енгили одам ўз онасини никоҳлаганга ўхшаш бир гапдир. Баззор қайд этади:

- ФОИЗнинг етмиш учга етадиган бўлими бор. Ширк ҳам шундай.

Тобароний қайд этади ва Абдуллоҳ ибн Саломдан — Аллоҳ улардан рози бўлсин — ривоят қилади:

- Кишининг ФОИЗ сифатида олган бир чақаси Аллоҳнинг наздида ўттиз уч марта зино қилганидан ҳам ёмонроқдир.

Имом Аҳмад ва Тобароний қайд этадилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) билдирдиларки:

- Била туриб бир чақа фоиз еган кимса ўттиз олти марта зино қилган хотиндан ҳам ёмонроқдир.

Байҳақий қайд этади:

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир хутбасида фоиз масаласидан ва фоизнинг ёмонлигидан сўз очиб, шундай деди:

- Аллоҳнинг наздида кишининг бир чақа бўлса-да, ФОИЗ олиши, ўттиз олти марта зино қилган гуноҳидан ҳам ёмонроқдир. Фоизнинг энг ёмон томони шундаки, мусулмон бир кишининг номуси ва ҳурматига тажовуз қилади.

Тобароний қайд этади:

-Кимки ҳақиқатни пардалаш мақсадида бир золимга ёрдам берса, у Аллоҳнинг ва Расулининг ҳимоясидан йироқда бўлади. Ким бир чақа ФОИЗ еса, у ўттиз уч карра зино қилган хотин сингаридир. Кимки ҳаром томоқ билан семирган бўлса, унинг эти жаҳаннам ўтига лойиқроқдир.

Яна Тобароний қайд этади:

-ФОИЗНИНГ етмиш икки эшиги бор. Гуноҳлиги жиҳатидан энг енгили ҳам кишининг ўз онаси билан алоқа қилгани кабидир. Ҳолбуки, чинакам фоизнинг энг оғири кишининг ўз мусулмон биродарининг иффати ва номусига тегишидир.

Ибн Можа ва Байҳақий қайд этадилар ва Абу Ҳурайрадан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қиладилар:

— ФОИЗ - гуноҳлик нуқтаи назардан — етмиш турлидир.Энг енгили кишининг ўз онасини никоҳлашидир.Ҳаким қайд этади ва Ибн Аббосдан ривоят қилади:

—Аллоҳ Расули (с.а.в.) ҳали дарахт шоҳида турган ва катта бўлмаган меванинг сотиб олинишини тақиқлади.

—Бир мамлакатда ЗИНО ва ФОИЗ олдинга чиқдим, демак, у мамлакат аҳли ўзига Аллоҳнинг азобини ҳалол қилган бўлади.

Имом Аҳмад қайд этади:

— Қайси жамиятда ФОИЗ олиш-бериши кенг тарқалса, у миллат етишмовчиликка мубтало бўлади. Қайси жамиятда порахўрлик кенг тарқалса, у жамиятда қўрқув ва ҳузурсизлик ҳукм суради.

Имом Аҳмад, Ибн Можа ва Исбихоний қайд этадилар: Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Меърож кечаси еттинчи қават самонинг энг охирига борганимизда тепамга қарадим. Юқорида шиддатли чакмоқлар, яшинлар ва момақалдироқлар авжга минганди. Бу орада бир тўда одамларни кўрдим. Қоринлари уйлардай баҳайбат эди ва бу қоринларда ташқаридагилар ҳам кўрса бўладиган илонлар бор эди. Дедим:

—Эй Жаброил, ким булар? Деди:

—Булар ФОИЗ еган судхўрлар!..

Исбихоний қайд этади ва Абу Саид Ҳудрийдан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки:

— Меърож кечаси кўкка чиққан чоғимда осмоннинг биринчи қаватига қарадим ва бир тўда инсонларни кўрдим.Қоринлари бир томони босиб қолган катта уйларга ўхшарди. Улар Фиръавн хонадони ташланган жойга устма-уст қалаштириб отилгандилар. Ҳар оқшомдан тонггача оташ устида турғизилар эдилар.

— Аллоҳим, қиёматингни абадиян бўддирма, - деб ёлворардилар.

Мен дедим:

— Эй Жаброил, ким булар?

Дедики:

— Булар, сенинг умматингнинг ФОИЗ еган судхўрларидир. Улар қабрларидан жин ургандай бир ҳолда турадилар!..

Тобароний қайд этади:

-Эҳтиёт бўлинг, кечирилмайдиган гуноҳлардан эҳтиёт бўлинг.

Булар:

1. Хиёнат қилмоқ ва ўғирламоқ.

2. ФОИЗ емокдир.

Ким бировнинг ҳақиға хиёнат қилган ё ўғирлаган бўлса, қиёмат куни — у ўғирлаган нарсаси билан келади.

Ким ФОИЗ еган бўлса, қиёмат куни телбаларча, жин ургандай бир аҳволда келади.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) кейинроқ шу оятни ўқиди:

**-Судхўр бўлган кимсалар турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» - деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. (Бақара сураси, 275-оят)**

Ибн Можа ва Ҳаким қайд этадилар:

-Кўп ФОИЗ еган ва судхўрлик қилгандан кейин охир оқибатда давлати озаймаган ҳеч бир кимса йўқ.

Имом Аҳмад ва Байҳақий қайд этадилар:

—Бу умматдан бир талай инсонлар ейдилар-ичадилар, чаладилар-ўйнайдилар, ётадилар!.. Эрталаб маймун ва тўнғиз суратида турадилар. Шак-шубҳасиз, уларнинг устига ердан ва Осмондан мусибат ёғажакдир. Ва эрталаб турилганда инсонлар улар ҳақида шундай деяжаклар:

- Бу кеча фалон-фалон кишиларни ер ютибди, бу кеча фалон-фалон кишиларнинг уйлари ерга кўмилиб кетибди!.. Лут алайҳиссалом кавмидан баъзи кабилалар сархуш килувчи ичимликлар ичгани, ФОИЗ ЕГАНЛАРИ, қон-қариндошлик ришталарини узганлари туфайли, уларнинг устига тош ёғгани каби, буларнинг бошига ҳам кўқдан бало тоши юборилибди.

### БАНДАЛИК ҲАҚҚИ (БУРЧИ)

Сенинг ҳар бир мусулмонга кафиллик вазифаларинг, яъни унинг сенинг зиммангда ҳақлари бор; улардан баъзи-лари қуйидагилардир:

1. Юзма-юз келган пайтингда салом беришинг, Аллоҳдан унга соғлик тилашинг.
2. Даъват қилса рози бўлишинг. (*Яъни чақирса боришинг*).
3. Аксирганда Аллоҳдан унга раҳмат тилашинг.
4. Касал бўлганда кўргани боришинг.
5. Сендан оддин вафот этса, жанозасида ҳозир бўлишинг.
6. Сендан маслаҳат сўраганда тўғри йўл кўрсатишинг.
7. Йиғин аро у йўқ бўлса, у ҳақда ғийбат қидирмаслигинг.

8. Ўзинг эришишни истаган нарсанга уҳам эришишини ишташинг; сенга қилинган бирон муомалани нохуш қарши олсанг, унга ҳам бундай муомала қилинганида уни ҳам нохуш қарши олишинг керак. Анас - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки: - Тўрт нарсаси мусулмонларнинг сенинг зиммангдаги ҳақлари жумласидандир:

1. Яхшилик қилганларга ёрдам беришинг.
2. Гуноҳкорлари учун истиғфор қилишинг.
3. Шариат аҳкомларидан юз ўгирганларни бу йўлдан қайтаришинг.
4. Ёмон йўл (гуноҳ ишлар)дан қайтганларни севишинг керак.

Ибн Аббос «**мўминлар ўз ораларида раҳм-шафқатлидирлар**» (*Фатҳ сураси, 29-оят*) мазмунидаги оятнинг тафсири ҳақида дейдики:

— Мўминларнинг солиҳ (гўзал ахлоқли) бўлгани солиҳ бўлмаганини даъват қилади. Солиҳ бўлмаган (гўзал ахлоқли бўлмаган) ҳам солиҳ бўлгани даъват қилади. Солиҳ бўлмаган солиҳ бўлганга қараб дерки:

— Аллоҳим, унга берган хайрли ва гўзал хислатларингни муборак қил. Уни бу гўзал ахлоқда собит айла. Бу гўзал ах лоқдан бизга ҳам насиб эт!..

Солиҳ бўлган ҳам солиқ бўлмаган ҳақида дерки:

— Аллоҳим, унга тўғри йўлни кўрсат. Уни гуноҳлардан қайтар ва афв эт!..

**ҲАР БАНДАИ МЎМИННИНГ ҲАҚДАРИДАН БИРИ ЎЗИ ИСТАГАН ВА СЕВГАН НАРСАНИ БОШҚАЛАР УЧУН ҲАМ ИСТАШИ ВА СЕВИШИДИР.**

Нўъмон ибн Башир айтади:

Расулulloҳ(с.а.в.)дан эшитганман. Шундай дер эди: — Мўминлар бир-бирларини севишда ва бир-бирларига марҳамат кўрсатишда бир тан-бир жонга ўхшайдилар. Таннинг бир аъзоси хасталанган пайтда бошқа аъзолар уни даволашга ҳаракат қилади.

Абу Мусо ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедиларки:

— Мўмин мўмин учун бир бинодаги, бири бошқасини тутиб турган тош кабидир.

**ЯНА БАНДАИ МЎМИННИНГ ҲАҚДАРИДАН БИРИ - АМАЛДА ҲАМ, СЎЗДА ҲАМ ҲЕЧ БИР**

### МУСУЛМОНГА АЗОБ БЕРМАСЛИҚДИР.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилди:

— Муслмон шундай кимсадирки, бошқа муслмонлар унинг қўлидан ва тилидан зиён кўрмайдилар.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) сўради:

—Биласизми, муслмон ким? Саҳоба:

—Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади. Расулulloҳ (с.а.в.):

— Муслмон деб, бошқа муслмонлар унинг қўлидан ва тилидан зиён кўрмайдиган кишиларга айтилади.

Саҳоба:

— Мўмин-чи?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Мўмин шундай кимсаки, бошқа мўминлар унга ҳаётларини ҳам, молларини ҳам ишонадилар.

Саҳоба:

— Муҳожир-чи, муҳожир ким?

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Ёмонликдан воз кечган ва ёмонликдан қочгани муҳожир деймиз.

Бу орада яна бир одам сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, ислом нима?

Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Қалбининг Аллоҳга топширилиши, муслмонларнинг сенинг тилингдан ва қўлингдан зиён кўрмаслиги — исломдир.

Мужоҳид дейдики:

— Жаҳаннам аҳлига обдон қашинтирадиган бир қичима касали ёпишади. Улар жонжаҳдлари билан вужудларини қашийдилар. Бу қашидан суюқлари очилиб қолади. Бу орада бирисидан сўралади:

— Жуда қийнаб юбордимми?

У жавоб беради:

-Ҳа!

Унга шундай дейилади:

- Бу сенинг дунёда муслмонларга берган азобининг жавоби.

Абу Ҳурайра — Аллоҳ ундай рози бўлсин — дедики:

-Эй Аллоҳнинг Расули (с.а.в.), менга фойдалансам бўладиган бир нарса ўргат!

Расул (с.а.в.) буюрди:

-Муслмонлар ўтадиган жойлардан уларга қийинчилик туғдирадиган нарсаларни йўқот!

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

- Ким йўлдан муслмонга азоб берадиган бир нарсани даф қилса, Аллоҳ унга савоб ёзади.

Аллоҳ ўзи бир кишига савоб ёзса, бу савоб туфайли у кишига жаннат вожиб бўлади.

- Бир муслмоннинг бошқа бир муслмонни — уни безовта қиладиган тарзда — кўз билан имо қилиб кўрсатиши ҳалол бўлмайди.

- Бир муслмоннинг бошқа бир муслмонни қўрқити-ши ҳалол эмас.

-Аллоҳ мўминларга азоб берадиган бандасидан жирканади.

**ҲАР МУСУЛМОНГА НИСБАТАН КАМТАРИН БЎЛИШ ВА КИБРЛАНМАСЛИК ҲАМ БИР МУСУЛМОННИНГ БОШҚА МУСУЛМОН ОЛДИДАГИ ҲАҚЛАРИ (БУРЧЛА-РИ, ҚАРЗЛАРИ) ЖУМЛАСИДАНДИР. ЧУНКИ ҲАҚИ-ҚАТДА ОЛЛОҲ ҲАР ҚАНДАЙ КИБРЛИ МУСТАБИДНИ СЕВМАЙДИ.**

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

- Аллоҳ менга КАМТАРИН БЎЛИНГИЗ, биров бировга гердаймасин, агар кимда-ким бошқа

кимса олдида гердайса, буниси унинг гердайишига чидасин, сабр қилсин, деб буюрди.

Аллоҳ, ўз Расулига хитобан буюрдики:

— **(Эй Муҳаммад). Марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг.** (*Аъроф сураси, 199-оят*)

Ибн Абу Авфо (тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Абу Авфо — ё сўнги саҳобалардан, ё тобеинлардан. Вафоти ҳ. 88 й.) дерки:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) ҳар мусулмон қаршисида камтарин эди. Ҳеч бурун кўтарганини кўрмаганмиз. Йўқсуллар билан бирга бўлишдан ор қилмасди. Уларнинг эҳтиёжларини таъмин этаверарди.

**БИР ҚИСМ ИНСОНЛАРНИНГ БОШҚА БИР ҚИСМ ИНСОНЛАР ҲАҚИДА ТАРҚАТАЁТГАН МИШ-МИШЛАРИНИ ТИНГЛАМАСЛИК ВА БИРИДАН ЭШИТГАНИНИ БОШҚАСИГА ЕТКАЗМАСЛИК ҲАМ БИР МУСУЛМОННИНГ БОШҚА МУСУЛМОН ОЛДИДАГИ ҲАҚЛАРИ (БУРЧЛАРИ) ЖУМЛАСИДАНДИР.**

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар: - ФИТНАЧИ (ГАЛАМИС) жаннатга киролмайди.

Халил ибн Аҳмад (ҳ. II асрда яшаган имомлардан. Ҳаммод ибн Салама (вафоти 167 йил)га замондошдир) дерки:

— Бировни сенинг ёнингда ёмонлаган одам сени ҳам бировнинг ёнида ёмонлайди. Бошқа биров ҳақида сенга гап келтирган одам сен ҳақингда ҳам кимгадир гап етказди.

**МУСУЛМОН БИРОДАРИДАН УЧ КУНДАН ОРТИҚ АРАЗ ҲОЛИДА ТУРМАСЛИК ҲАМ БИР МУСУЛМОННИНГ БОШҚА МУСУЛМОН ОЛДИДАГИ ҲАҚЛАРИ (БУРЧЛАРИ) ЖУМЛАСИДАНДИР.**

Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилинади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдиларки:

— Бир мусулмоннинг бошқа бир мусулмон биродаридан уч кундан ортиқ гаплашмай кетиши, у билан уч кундан ортиқ араз бўлиши жоиз эмас. Ва яна бир-бирлари билан учрашиб қолганда, бири юзини у тарафга, иккинчиси юзини бу тарафга ўгирганча ўтиб кетиши ҳам жоиз эмас. Улардан қай бири яхшироқ бўлса, иккинчисига биринчи бўлиб салом беради ва сўз бошлайди.

Ривоят қилинишига қараганда, Аллоҳ ваҳий йўли билан Ҳз. Юсуфга шундай деб буюрди:

— Ака-укаларингни кечирганинг учун дунёда ва охиратда сенинг мартабангни ва шонингни улуғроқ қилдим.

Ҳз. Ойша — Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай дейди:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.), ўз нафси учун ҳеч қачон ҳеч кимдан қасос олмади. Фақат Ачлоҳнинг бир амри топталганидагина Аллоҳ учун қасос олди.

Ибн Аббос - Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай дейди:

— Бировнинг камчилигини кечирган ҳеч бир кимса йўқки, Ачлоҳунинг мартабасини юксалтирмаган бўлсин...

Аллоҳнинг Расули — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — дедиларки:

— Закот берган билан мол камаймайди. Аллоҳ бир кимсани афв этса, унинг мартабасини орттиришдан бошқа нарса қилмайди. Аллоҳ учун тавозу кўрсатган бирон киши йўқки, Аллоҳунинг даражасини юксалтирмаган бўлсин!

## **ҲАВОЙИ НАФСГА БЕРИЛИШНИНГ ЁМОНЛИГИ ВА НАФСНИНГ ОРЗУЛАРИДАН ВОЗ КЕЧИШ**

Аллоҳ ж.ж. буюрди:

— **(Эй Муҳаммад). Ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Аллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!** (*Жосия сураси, 23-оят*)

Ибн Аббос дерки:



- Оятда мавзуга баҳс бўлаётган кимса, бу - Аллоҳдан ҳеч бир ҳидоят ва ҳукм олмай, ўз нафсини дин қилиб олган иймонсиз кишидир. Оятнинг тафсири мана бундай:

- У ҳавойи нафсига жуда итоаткор, ҳавойи нафси уни нимага даъват этса, ўшанга эргашади. Аллоҳнинг китоби Қуръон бўйича иш қилмайди. Бамисоли у, шу туришда ҳавойи нафсига ибодат қилаётгандай бир гапдир.

Яна Аллоҳ буюрди:

— **Уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг.** (*Шўро сураси, 15-оят*)

— **Бас, (сен) нафс хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур! Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб КУНни (яъни Қиёматни) унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир.** (*Сод сураси, 26-оят*)

Мана шунинг учун ҳам Аллоҳ Расули (с.а.в.) Аллоҳга сиғиниб, дуо қилдики:

-Аллоҳим, ҳавойи нафсга берилишдан ва очкўзликдан сақла!

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Уч нарса ҳалокатли, ёмон хислатдир.

1. ҲАВОЙИ НАФСГА БЕРИЛИШ;

2. Очкўзлик;

3. Кишининг ўзини-ўзи ёктириши. ҲАВОЙИ НАФС ҳалокатли, ёмон хислатдир. Чунки барча саркашликлар ҳавойи нафсга эргашиб оқибатида юзага келади. Ҳавойи нафс кишини жаҳаннамнинг оташига судрайди. Аллоҳж.ж. бундан асрасин, омин!

Ирфонли баъзи кишилар дерларки:

— Бир масалада икки хил фикр ўртага чиқса-ю, қай бири тўғрилигини аниқ билолмасанг, эътибор бер: ҳавойи нафсинг қай бирига кўпроқ майл этса, сен унинг тескарисини қил.

Бу мавзуда Имом Шофеъий шундай дейди:

— Агар икки фикр ўртасига тушиб қолсанг-у, қай бири тўғри, қай бири янглиш эканини аниқ билолмасанг, ҳавойи нафсинг майл этган томонга қаршилиқ қил. Зеро, ҳавойи нафс инсонларни доимо қораланадиган қилғиликлар сари етаклайди.

Ибн Аббос дерки:

— Икки фикр орасида иккиланиб қолган пайтингда, сен ўзингга ёқимлироқ кўринганидан воз кеч, ёқмай турганига кўпроқ ёпиш!

Бу сўзни шундай изоҳлаш мумкин:

— Енгилроқ нарсалар (ишлар) нафс учун осон туюлади, заҳматсиз бўлади. Шу тўғрисида нафс уларни кўпроқхоҳлагандай кўринади. Жиддий нарсалар эса нафсга қийин кўринади, заҳматли бўлади. Шу тўғрисида нафс уларни бажаришда танбаллик қилади.

Ҳз. Умар — Аллоҳундан рози бўлсин - дерки:

— Шу нафс деган балонинг овозини ўчиринг, тизгинлаб олинг. Чунки нафслар, ҳеч шубҳасиз, сизларни гуноҳ қилиш га судровчи жосусдир. Албатта, бу оғир ва аччиқ ҳақиқат. Ботил (ҳавойи, беҳуда) нарсалар эса енгил ва ширин. Гуноҳ қилмаслик, гуноҳ қилиб кейин тавба-тазарруъ билан уни ўчиртириш учун уриниб юргандан яхшироқ ва қулайроқдир. Кўпинча, бир боқиш — киши қалбига шаҳват уруғини сочади. Бир онлик завқ эса узоқ давом этадиган ғам-ғуссаларга сабаб бўлади.

Луқмон ўз ўғлига сўйлайди:

— Эй ўғлим, сени илк бор нафсингдан эҳтиёт қилдим. Чунки ҳар нафсинг бир ҳавоси, бир нафсоний истаги бор. Агар нафсга нафсоний истагини берсанг, у йўлдан озади ва яна бошқа нарсаларни истайди. Чақмоқтошда олов учқуни яширин бўлганидай, нафс (қалб)да ҳам нафсоний орзулари яшириниб ётади. Бир-бирига урилса, чақмоқчақади ва ярқирайди, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, яширинча қолаверади. Нафс ва нафсоний орзулар борасида айтилган баъзи

сўзлар:

—Сен ҳавойи нафсга қарши бормасанг, у сени тутиб, ҳаром ишга олиб боради.

—Ҳавойи нафсга қарши бормасанг, у сени шундай нар-саларга етаклайдики, кейин ҳар биридан алоҳида-алоҳида сўроққа тортиласан.

- Билиб қўйки, сен ҳавойи нафсга берилган даврингда, ҳақиқатга етишолмайсан ва тўғри йўлни кўролмайсан.

- Агар барча гўзал феъл – атворларга эга бўлишни ва Оллоҳдан умид қилганинг – раҳматига сазовор бўлишни истасанг, гуноҳлар уяси бўлмиш ҳавойи нафсингга қарши чиқ. Ҳавойи нафс энг қўрқинч душман, энг тубан бир борлиқдир. Бутун фитналарнинг энг каттаси ундадир. Агар ақлинг бор бўлса, ҳавойи нафсингга қаршилиқ қил, унинг орзусига хилоф бўлган нарсаларга итоат эт.

- Ҳавойи нафсга берилиш билан ақл қандили хиралашади, ҳавойи нафсга қарши бориш билан ақл қандили ёруғлашади.

- Баъзан замон жоҳилларни юксакка кўтаради. Баъзан ҳавойи нафс ақлли кишини маҳв этади. Баъзан инсонлар бир жўмардни жўмардлиги туфайли мадҳ этадилар, ҳолбуки у ҳавойи нафсига берилгани учун хатолар ичида юради. Баъзан киши қилган эҳсони туфайли аҳволи оғирлашади, ҳолбуки у тўғри йўлдадир.

Оллоҳ Расули буюрдилар:

- Оллоҳ ақлни яратди ва унга: “Менга қара!” – дея хитоб этди. Ақл қаради. Сўнгра Оллоҳ унга: “Орқага ўгирил!” – деди. Ақл ўгирилди. Оллоҳ буюрдики:

- Иззатим ва жалолим ҳаққи, мен сени энг севимли бандамнинг бошига жойлайман. Сўнгра Оллоҳ аҳмоқликни яратди: “Менга қара!” – деди. Қаради. “Ўгирил!” – деди. Аҳмоқлик ўгирилди. Оллоҳ шундай деб буюрди:

- Иззатим ва жалолим ҳаққи, мен сени энг кўп энг кўп ғазабимни келтирган бандамнинг бошига жойлайман.

Шу сўзни айтганнинг амали Оллоҳ учун бўлсин:

- Ҳар масалада ақл билан ҳаракат қилганнинг фикри албатта, тўғри билан топишади. Қачонки ҳавойи нафсга эргашса, нафс уни ёмон оқибатларга ва азобларга етаклайди.

- Муродингга етиб қувонгинг келса, нафсоний орзуларнинг сўзига кирадиган нафсга ёрдам берма! У истаган нафсоний орзуларга қаршилиқ қил. Нафсоний орзуларнинг асири бўлган кишилар билан бирга бўлишдан ҳам сақлан. Нафсдан ва нафс сени чорлаётган нарсалардан воз кеч. Зеро, у ҳар кимга доимо ёмонликни буюради. Нафсга берилмасликда ва ичакларни тилка-пора қилувчи, териларни қуритиб ёндирувчи жаҳаннам оловидан қутулишда сенга мувафақиятлар тилайман.

Ҳавойи нафс айбли бир эшакдир, сени фитналарнинг қоронғу бурчакларига элтади. Ҳавойи нафс чидаш қийин бўлган бир яратикдир, сени бадбахт жойларга жалб этади. Нафсоний орзулар сени айбли эшакларга миндирмасин, бадбахт ва бадният жойларга ўтқазмасин.

Дунё - уйқудаги ҳолдир, охират — уйғоқлик ҳоли. Бу иккисининг орасида ўлим бор. Биз ёлғончи тушлар ичидамиз. Ким ҳаётга ҳавойи нафс кўзи билан боқса, вужуди оловларда ётажак. Ким чексиз орзу-ҳавасларга чўмса, мўлжалига етишолмас. Орзу-ҳавасларга чўмган кишининг борадиган марраси иўқдир.

Ҳикмат аҳлидан бир киши бир одамга ўгит бериб, шундай дейди:

— Сенга ҳавойи нафсинг билан олишишни амр этаман. Чунки ҳавойи нафс ёмонликларнинг калити, яхшиликларнинг ёвидир. Барча ҳавойи орзуларинг сенга душмандир. Ҳавойи орзулар сенга гуноҳ бўлган нарсаларни савоб суратида кўрсатади. Сен ҳавойи нафсинг етаклаганда унга эргашиб қилган ёмон амалларинг билан яхши амалларингни бир-биридан ажратишинг учун фақат лоқайдликка ёт бир дунёқарашга, ёлғоннинг қораси тегмаган бир тўғрилиқка, эрмак ва ўйинқароқликдан четда турувчи ҳаётга, шикоятсиз, ноласиз сабрга, азму қарори қатъий ниятга эга бўлишинг керак. Аллоҳим, ақлларимизни ҳавойи нафсларимиз устидан голиб қил. Бизни зарарга йўлиқтирма. Разил қилма. Бизни бесамар дунёвий ишлар билан ўралашган

бандалардан этма. Расулинг Муҳаммад алаиҳиссалом ҳурмати, бизни Сени унутмаганлардан ва Сенинг неъматингга шукур қилганлардан айла. Бизни неъматлантирган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Аллоҳ Расули — устларига Атолоҳнинг саломи ёғилсин — билдирдилар:

—Дилингизнинг энг яхши томони ифбатдир (нафсоний орзулардан сақланмоқдир).

—Амалларнинг энг каттаси ифбатдир (нафснинг ҳавойи орзулардан сақланиши).

—ИФФАТ соҳиби бўл (нафсингнинг ҳавойи орзуларидан воз кеч), инсонларнинг Аллоҳга энг итоатлиси бўласан.

—Қаноатли бўл, инсонларнинг Аллоҳ неъматига энг кўп шукр қилувчиси бўласан.

—Кимки танҳо пайтларида Аллоҳга исён этишдан ўзини тия олувчи бир ИФФАТга эга бўлмаса (яъни танҳо пайтларида ҳавойи орзуларига бўйин эгмасликнинг уддасидан чиқолмаса), Аллоҳ унинг илмига аҳамият бермайди.

Иброҳим ибн Адҳам шундай дейди: - ЗУҲД (дунёга рағбат этмаслик, нафсоний завқ ва орзудан ўзини тортиб, ибодатга берилмоқ)- ИФФАТ уч даражадир:

1. Фарз бўлган: бу ҳаромлардан сақланишдир.

2. Соғлиқни сақловчи: бу - ҳаром бўлиши эҳтимол бўлган ] нарсалардан сақланмоқдир.

3. Фозил бўлмоқ: бу - ҳалол бўлган нарсаларда мўътадил . ҳаракат қилмоқдир.

Иброҳим ибн Адҳамнинг бу изоҳи гўзал изоҳдир.

Ибн Муборак эса бундай дейди:

— Зухд -иффат, зухдни яширмақдир. Агар зухд соҳиби (зоҳид) инсонлардан қочса, уни изла. Агар инсонлар зухд соҳиби атрофида ўралашиб юрган бўлсалар, ундан қоч.

Айтган одам мана бу гапни ҳам чиройли қилиб айтган:

- ИФФАТнинг ёнида доим пул бўлади. Агар унга эга бўлган чоғингда ифбат соҳиби бўлиб қола олсанг (яъни топиш-тутишинг зўр бўлган пайтда нафсоний орзуларингни писанд қилмасанг, ҳавойи нафсларга берилмасанг), билки, сенинг бу ТАҚВО ва ИФФАТИНГ ҳақиқий мусулмоннинг ТАҚВО ва ИФФАТидир.

Ҳақиқатан ҳам, йўқлик ва имконсизликда нафсинг ҳавойи орзуларга берилмаслиги ИФФАТ ҳисобланмайди. Ҳақиқий ИФФАТ киши ҳар турли имкон ва бойликларга эга бўлгани ҳолда нафсининг ҳавойи орзуларига қарши боролгандагина бўлади.

Ҳикмат аҳлидан баъзилари дейдики:

— Бизга нима бўлганки, дунёда нафсоний орзуларни тарк этмаймиз? Ҳолбуки, дунё хаётининг умри қисқа; хайри хайрсизлик; нашъаси ғам-ғусса ва тинчлиги таҳликадир. Кулса қайғуга ботиради, юз ўгирса тупроққа қоради.

Яна дейдиларки:

— Уят, ўткинчи дунёга толиб бўлганга! Гўё дунёнинг тарзи ҳеч ўзгармай мангу турадигандай... Ҳолбуки, унинг сафоси—қайғу, севинчи—зарар, ҳузур—тахлика, нури—зулмат, ёшлиги—қарилик, роҳати—хасталик, завқи—надомат ва борлиги—йўқликдир. Дунёга толиб бўлган Эрам боғларига эга бўлганда ҳам, қайғудан холи бўлолмайди. Ўз кўнглингни дунёдан ўгир, унинг завқларига кўмилма! Зеро, нафсоний орзуларга берилиб, завқларга чўмсанг, билки, бунинг азоби бордир. Улиш ва қариш бўлмайдиган абадий ҳаёт учун ишла.

Яҳё ибн Муознинг ҳикматли сўзларидан:

—Эътибор нуқтаи назаридан кўзинг дунёда бўлсин. Вале ичингдаги самимий истагинг нафсоний орзулардан воз кечмоқ бўлсин. Дунёда меҳнатинг бечораликни даф этиш учун бўлсин. Охират учун ишлаганда эса тезкор бўл!

## **ЖАННАТ ВА ЖАННАТ АҲЛИНИНГ ДАРАЖАЛАРИ**

Бу дунё олами оташдай куйдирувчи ғам-қайғулар билан тўла эканлигини билдинг. Энди билки, бунга муқобил бошқа олам ҳам бор. У оламнинг неъматлари ва ато этадиган севинчлари тўғрисида фикр қил. Шубҳасиз, бу икки оламнинг биридан узоқ бўлган киши бошқасида

бўлади. Жаҳаннам даҳшатларини узоқ-узоқ ўйлайвер, қалбингни ҚЎРҚУВ эгалласин. Жаннат аҳлига ваъда этилган абадий неъматларни ҳам узоқ-узоқ ўйлагинки, токи кўнгилдан УМИД жой олсин. Нафсингни қўрқув қамчиси билан савалаб ва умид тизгини билан шошилтириб, СИРОТИ МУСТАҚИМГА олиб бор. Мана шу йўл билаи буюк салтанатдан жой топа-сан, аччиқ азоблардан омон қоласан. Жаннат аҳлини ўйла! Ахир, сенинг юзингда ҳам жаннат боғининг гўзаллиги бор. Уларга муҳрли, холис (дахлсиз) бир сувдан ичирилади. Ичида яшил юксак тўшаклари бўлган, оқ инжу чодирларда, ёқут минбарларда, сувлари асалдай дарёларнинг қирғоғидаги тахтларда ўтирадилар. Атрофлари филмонлар билан ўралган, шахло кўзли гўзал ҳурлар билан безатилган. Улар худди қандайдир ёқутгами, маржонгами ўхшайдилар. Бу ҳурларга шу кунгача на бир инсон, на бир жин тегинган. Жаннат боғларида кезадилар. Уларнинг қайси бири бўлмасин, бу боғларда юрганда сал ўзини баланд тутса, кибранса, етмиш минг филмоннинг ипақдай майин таънали боқишлари унга қада-лади. Ҳурларнинг бошларида инжу ва маржонлар билан нақшланган тожлар бўлади. Уларнинг ҳар бири муаттар бир гунчадир. Улар учун қариш ҳам йўқ, кучдан қолиш ҳам. Жаннат боғларининг ўрталарида ёқутдан қилинган кўшкларда кўз қорачиғидай асраладилар. Тирноқ ҳам тегмаган бўлади уларга. Лочин кўздидирлар (яъни жасурдирлар). Мангу покликка мазҳар этилган филмонлар, қуримас булоқдан сув тўлдирилган кўзалар, кўвачалар билан бордоқлар, қадахлар кўтарганча хизмат қилиб, уларнинг атрофида айланадилар. Булоқнинг суви шаффоф, ичганларга лаззат бахш этади. Жаннат аҳли дунёда адо этган яхши амалларига мукофот сифатида асралган инжу намуналари каби хизматчилар ва филмонларга эга бўладилар. Жаннатликлар беҳавф-беҳатар бир хил мартабада жаннат боғларида булоғу дарё бўйларида, Ҳақ мажлисида ва қудрат соҳиби, мулки бениҳоя олий бўлган Аллоҳнинг ёнидадирлар. У ерда иззат-икромидан ҳадсиз бўлган Аллоҳнинг жамолига боқадилар. Ўзларининг юзла ридида ҳам жаннатнинг гўзалликлари порлайди. На торлик кўрадилар, на хорлик. Кўрганлари фақат иззат-икром, чўмганлари ҳурмат-эҳтиром бўлади. Қадам сайин Раббиларининг армуғонлари ҳайратга солади. Жонлари неки тусаса, айтмаслариданоқ муҳайё бўлади. Қўрқув кўрмайдилар, ҳазинлик кўрмайдилар. Ўртада ўлим андишаси ҳам йўқ. Жаннат таомларидан тотиб, дарёларидан сут. бол, таъми ва ранги ўзгармайдиган сув... ичадилар. Жаннатнинг ери кумушдан, тошлари маржондан, тупроғи мушқдан ва ўсимликлари заъфарон (шафран)дир. Булутдан ёмғир ёғади, бу ёмғирнинг сувига чечак суви аралашган. Инжу, ёқут ва маржон билан нақшланган кумуш кўзалар кўтариб келадилар. Бирида Салсабил (жаннат булоғининг номи)дан олинган тиниқ сув, иккинчисиди бошқа бир булоқнинг суви, кўзалар эса шу қадар шаффоф моддаданки, ичидаги сув кўриниб туради. Фақат шундай сув идиш ишлаб чиқариш учун бир хизматчи тайинланганки, юзининг порлоқлиги кўёш сингаридир. Ундан ташқари, кўёшда бўлмаган ҳаловат ва гўзаллик унда бор. Ана энди ўзингиз ўйланг, шундай сифатларга эга бўлган бир оламга иймон келтириб, у оламнинг ўлимсизлигини, у ердагиларнинг армонсизлигини, уларнинг ҳаёти шу тарзда ғамсиз-ташвишсиз абадияи давом этишини била туриб, бу ўткинчи дунё оламида нечун Аллоҳга қарши исён этсин?! Бундай бир кемтик ҳаётга нечук осилсин?! Аллоҳ ҳаққи учун, юқорида бир талай сифатларини тавсифлаганимиз у олам-да ҳеч бир нарса бўлмаса-ю, фақатгина танисоглик, хотиржамлик, мангу тириклик бўлса ва очлик, ташналик ва бошқа эҳтиёжлар қўрқуви бўлмаса, шунинг ўзи ҳам бу ўткинчи дунёда Аллоҳнинг амрларини тўла адо этмоқ учун етарлидир. Ҳолбуки, бу ерда қанчадан-қанча афзалликлар саналмади. Жаннат аҳлининг ҳеч нарсадан ғам-ташвиши йўқлиги, турли-туман қувончларга кўмилиши, жони истаган нарсага ноил бўлиши, ҳар ким ўзини султондай, ҳукмрондай ҳис қилиши, ҳар кун Арш этагида бўла олишлари, Аллоҳнинг жамолини томоша қилишлари, бу билан жаннат неъматларида бўлмайдиган завқларнинг энг каттасига муяссар бўлишлари, жаннат неъматларининг давомлилиги, бир кунмас-бир кун булардан маҳрум бўлиш хавфи йўқлиги, яъни юракларда ҳеч қандай хавотир ва қўрқувнинг бўлмаслиги бир ёққа қўйилди.

Абу Ҳурайра — Аллоҳундан рози бўлсин - ривоят қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

— Жаннат аҳлига бир овоз нидо қилади ва дейдики: «Эй, жаннат аҳли! Соғлик-саломатлик сизлар учундир, абадиян хасталик кўрмаяжаксиз! Яшамоқ сизлар учундир, абадийсизлар, ўлмаяжаксиз! Ёшлик сизлар учундир, абадиян ёш қолажаксиз, ҳеч қачон қаримайсиз! Завқланмоқ сизлар учундир, абадиян ташвиш чекмаяжаксиз!»

Аллоҳнинг мана бу каломи шу хусусни ифода этади:

— **Уларга (жаннат аҳлига): «Қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир», - деб нидо қилинур.** (Аъроф сураси, 43-оят)

Ҳар қачон сен жаннатда ҳаёт қандайлигини билмоқчи бўлсанг, Қуръонни ўқи. Аллоҳнинг изоҳлашидан ортиқроқ изоҳни бошқа ҳеч қаердан тополмайсан. «Парвардигори ҳузурда туришидан кўрққан киши учун икки жаннат бордир» оятдан эътиборан «Раҳмон» сурасини охиригача ўқи. «Воқеа» сурасини ва жаннатнинг гўзалликларидан баҳс юритувчи бошқа сураларни ўқи. (Ўқувчига қулайлик яратиш учун иловада шу оятларни келтиришни лозим топдик)(Қуйида келтирилаётган оятларда Аллоҳнинг жаннат ҳақидаги хабарлари инсонларга, берилаётган савол эса жинларга қаратилгандир).

«Раббининг мақомидан кўрққанлар учун икки жаннат бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? У зотлар навниҳолларнинг эгасидирлар. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Икки оқар булоқ бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Ҳар мевадан икки нави бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? (Раббига ҳисоб беришдан кўрққанлар) шойи астарли кўрпачаларда ястанадилар. Ҳар икки жаннат мевалари срга яқин, териш осондир. У ҳолда Раббизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? У ерда кўзлари тийиқли, инсу жин тегмаган (қиз)лар бор. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Бамисли ёқут ва маржонлирлар. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Қуйнроқда яна икки жаннат бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Тўқ яшилдир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Тинмай пишқириб турган икки булоғи бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Турли мевалари, хурمولари, анорлари бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Хушхулқ, чиройли қизлари бордир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Чодирларда асралган хурлар бор. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Уларга на бир инсон, на бир жин тегингандир. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? (Жаннатга тушганлар) Яшил ёстиқтарга, ҳайратланарли гўзал гиламларга ястанадилар. У ҳолда Раббингизнинг қайси неъматини ёлғон дея оласиз? Буюклик ва карам соҳиби бўлган Раббингизнинг исми баракотлидир». (Раҳмон сураси, 46-78-оятлар).

(Биз яна муҳтарам ўқувчиларимизга Қуръони Каримнинг Воқеа сурасидан 15-38-оятларни, Ва-т Тур сурасидан 18-25-оятларни, Духон сурасидан 51-56-оятларни, Иисон сурасидан 12-22-оятларни ҳам кўздан кечиришни маслаҳат берамиз)

Биз юқорида жаннатнинг гўзалликларини қисқача тавсифладик. Янада кенгроқ, тафсилоти билан жаннатнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, марҳамат... Мана, аввал жаннатдагиларнинг қанчалигини тасаввур қил. Аллоҳ Расули (с.а.в.) «Парвардигори ҳузурда туришидан кўрққан кишилар учун икки жаннат бор» маолидаги оят устида тўхталиб дедиларки:

— Икки жаннатнинг кўзалари ва ҳар нарсаси кумушдандир. Икки жаннатнинг кўзалари ва ҳар нарсаси олтиндандир. Жаннат аҳли АДН ЖАННАТИда Раббларининг жамолини томоша қилаётган чоғларида Аллоҳ билан ораларида фақатгина бир КИБРИЁ ПАРДАСИ бўлади.

Яна сен жаннатнинг эшикларига эътибор бер. Жаннатнинг эшиклари кўп. Булар дунёда Аллоҳга бўлган итоатлар нисбатидандир. Айни чоғда жаҳаннамнинг эшиклари ҳам кўп ва улар қилинган гуноҳларнинг ҳисобига қараб очилади.

Абу Ҳурайра ҳикоя қилади:

Алоҳ Расули (с.а. в.) буюрдиларки:

— Ким молидан Аллоҳ йўлида иккитасини инфоқ-эхсон этган бўлса, у барча жаннат эшикларидан таклиф этилади. Жаннатнинг саккиз эшиги бор. Ким намозини тўқис адо этганлардан бўлса, намоз эшигидан чақирилади. Ким рўза тутганлардан бўлса, рўза эшигидан чақирилади. Ким садақа берганлардан бўлса, садақа эшигидан чақирилади. Ким жиҳод қилганлардан бўлса, жиҳод эшигидан чақирилади.

Абу Бакр — Аллоҳ ундан рози бўлсин — дейдики:

— Аллоҳ учун кишининг эшиклардан чақирилишига зарурат йўқ. Бир киши уларнинг ҳар бирдан бирдан чақириладими?

Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердиларки:

— Ҳа, киши уларнинг ҳар бирдан бирдан чақирилиши мумкин. Сизнинг ҳам шундай кишилардан бўлишингизни тилайман.

Осим ибн Самура (саҳоба. Тўртинчи халифа Ҳз. Алининг тарбиясини олган тафсирчи олимлардан) Ҳз. Алидан — Аллоҳ унинг юзини мукаррам қилсин - ҳикоя қилади:

Ҳз. Али жаҳаннамдан сўз очиб, унинг даҳшатларини айтиб берди. Сўнгра жаннатдан ва жаннат аҳлидан сўз бошлаб дедики:

— Раббиларидан кўрққанлар (Тақво соҳиблари) бўлинма-бўлинма ҳолида жаннатга юборилишлари ва жаннат эшикларидан бирига яқинлашишлари билан у ерда танасидан икки сув пишқириб оқаётган бир дарахтга дуч келадилар. Ўзларига берилган амрга биноан аввал бирига яқинлашиб сувидан ичадилар. Шунда ичларидаги ҳар турли оғриқ, санчиқ азоб, ғам-қайғу... ҳаммасидан фориг бўладилар. Кейин иккинчи сувга борадилар ва ювинадилар. Бу сафар уларга жаннат гўзалликлари ато этилади. Бундан кейин энди сочлари ўзгармайди, кирланиб тўз босмайди. Бамисоли ёғ билан мойлангандай бўлади. Энди эшикка етиб келиб, кираётган чоғларида жаннат соқчилари уларни кутиб олади ва дейдики:

— Ассалому алайкум! Оҳ, қандай гўзалсиз, бу ерда абадий қолажасиз!..

Сўнгра уларни гилмонлар кутиб оладн. Дунёдалик чоғларида ташқаридан келганда севиқли болалари қандай қувонч билан атрофини ўраб олишган бўлса, худди ўшандай тарзда булар ҳам жаннатга кирган кишиларнинг атрофини ўрашади. Уларга совға-саломлар тутишади. «Аллоҳ сизга шундай-шундай неъматлар ҳозирлади», - дейдилар. Шундан кейин бир гуруҳ гилмонлар кетадилар, бу жаннати эркакларга тегишли ҳурларга хабар берадилар. «Дунёда фалон от билан чақирилган киши келди» дейдилар. Ҳур сўрайди:

— Сен уни кўрдингми? Гилмон жавоб беради:

— Ҳа, кўрдим. Шундоқ олдимда тургани.

Шунда ҳур севиқиб кетади. У жаннати турган эшикка келади. Аини шу онда жаннати киши ҳам уйининг яқинига келган бўлади. Бино қурилишига боқади. Юмалоқ инжу доналари устида қизил, яшил ва сариқ ранглардан ташкил топган бир саройни кўради. Сўнг бош кўтариб, уйнинг ши-пига қарайди. Кўзлари қамашади. Агар шунда Аллоҳ куч бермасайди, ким билади кўзи кўр бўлиб қолармиди... Сўнг кўзини олади. Қарасаки, бошқа томонда баланд тахтлар, олдиларида кўзалар қўйилган. Хонтахталар ёнида қават-қават ёстиқлар, оёқостида шокиладор гиламлар. Шунда жаннати киши бинонинг деворига суянади ва:

— Ҳамд бўлсин Аллоҳга, бизни тўғри йўлга сазовор этди. Агар Аллоҳнинг ҳидояти бўлмасайди, биз тўғри йўлни тополмас эдик! — дейди.

Шундан кейин бир нидочи нидо айлаб, дейдики:

— Шу ерда яшайсиз. Сизга абадиян ўлим бўлмайди! Жойлашаверинг, абадиян сизни ҳеч ким безовта қилмайди. Соғсиз, ҳеч қачон касал бўлмайсиз!

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломни устларига ёғилсин билдирдиларки:

— Қиёмат куни жаннат эшигига келаман. Эшик очилишини сўрайман.

— Кимсан сен? — деб сўрайди қоровул фаришта. Мен жавоб бераман:

—Муҳаммад (алайҳиссалом)ман! Коровул фаришта дейди:

— Менга сендан олдин ҳеч бир кимсага жаннат эшигини очмаслик буюрилганди.

Энди яна жаннат пиллапоялари ва жаннат даражаларининг хилма-хиллигини мулоҳаза қил. Зеро, ҳақиқатан ҳам охират даража ва фазилат жиҳатидан ҳам беназирдир. Инсонлар дунёдаги ҳаётларида зоҳирий ибодатларда ва ахлоқ гўзаллигида қандай фарқли бўлган эсалар, айна тарзда бу амаллар ва ахлоқ гўзалликлари бадалига оладиган мукофотлари ва жазолари ҳам фарқли бўлади. Эй инсон, агар охиратда даражаларнинг энг юқорисига талабгор бўлсанг, бу дунёда шундай ҳаракат қилгинки, ҳеч бир кимса ибодатда ва ахлоқ гўзаллигида сенга етолмасин. Аллоҳ сенга шундай буюрган:

— **Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Аллоҳ ва унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги Осмон ва Ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилингиз! Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато қилур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибидир.** (*Ҳадид сураси, 21-оят*)

— **Улар (жаннатда) муҳрланган майдан суғорилурларки, у (май)нинг муҳри мушк бўлур. Бас, баҳслашгувчи кишилар (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) баҳслашсинлар.** (*Мутаффифун сураси, 25-26-оятлар*)

Шуниси қизиқки, масалан, тенгдошларингдан ёки қўшниларингдан бири пулдор бўлиб кетса ва ё уйини яхши қилиб олиб, сендан устун бўлса, бу сенга оғирлик қилади. Юрагинг сиқилиб, ҳасад оловида ёнасан. Ҳолбуки, сен учун энг гўзал ҳол Аллоҳга итоат қилиш ва гўзал ахлоқли бўлиш — шу йўл билан жаннатга тушишга эришишдир. Сендан гўзалроқ ахлоқли бўлиб, у ерда сендан ўтиб кетадиганлар бўлиши мумкин. Бу дунёдаги ҳамма гўзал нарсаларни йиғганда ҳам, у дунёдаги неъматларга ва даражаларга тенг келолмайди-ку, ахир!

Абу Саид Ҳудрий ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

— Жаннат аҳли орасида шундай юксак тахт эгалари борки, улар фазилатлари алоҳида фарқланиб тургани туфайли сизларга шарқдан ғарбдаги юлдузлардай узоқ юксакларда бўлиб кўринадилар.

Дедиларки:

— Эй Аллоҳнинг Расули, булар пайғамбарларнинг даражасими? У даражаларга бошқа инсонлар кўтарила олмайдими?

Расул (с.а.в.) жавоб берди:

- Ҳа. Борлиғим қудрат қўлида бўлганнинг номига қасамд, Аллоҳга иймон келтириб, Расулларини тасқиқ этганлар ҳам кўтарилади! Шубҳасиз. юксак даража эгалари — сиз осмон уфқларининг бир томонида туғилган юлдузни кўриб турганингиз каби — тахтларидан уларни кўриб туражаклар. Ва яна шубҳасизки. Абу Бакр ва Умар уларнинг ичида бўладилар, улар шундай неъматни қозонгандирлар. Жобир ҳикоя қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) бизга дедиларки:

- Сизларга жаннатнинг юксак тахтларидан хабар берайми?

- Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули, - дедим мен.

Дедиларки:

- Жаннатда тамоман жавоҳиротдан қурилган баландтахтлар бор. Ичкаридан ташқариси, ташқаридан ичкарисини кўринади. Бу тахтлар ичида ҳеч кўз кўрмаган, қулоқэшитмаган, ҳеч бир инсоннинг хаёлига ҳам келмаган неъматлар, лаззатлар ва севинчлар бўлади.

- Эй Аллоҳ Расули, ким учун бу тахтлар? — деб сўрадим мен?

Билдирдилар:

- Ҳаммага омонлик тилаб, омонликдан баҳс юритган, едириб-ичирган, рўза тутган, кечалари ҳамма ухлаётганида ибодат қилганларга!

Биз дедик:

- Эй Аллоҳнинг Расули, буларга одамнинг тоқати етадими?

Марҳамат қилдилар:

- Умматимнинг тоқати етади. Тушунтириб берай: ким мусулмон дўсти билан учрашганда унга салом берса, унга омонлик тилаган бўлади. Ким оиласини ҳалол топгани билан боқса, ҳалол едириб-ичирган бўлади. Ким Рамазон рўзасини тутса ва ундан ташқари ҳар ойдан уч кунини рўза тутиб ўтказса, рўза ибодатини адо этган бўлади. Ким хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан бирга ўқиса, бошқалар — яҳудийлар, насронийлар, бутпарастлар — ухлаб ётганда Аллоҳга ибодат билан машғул бўлган бўлади.

Пайғамбаримизга: **«У, сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга ва абадий жаннатлардаги покиза маскан-ларга киритур»** (Саф сураси, 12-оят) маолидаги оятдан савол бердилар. Шундай жавоб қайтардилар:

- Инжу қўшқлар. Ҳар қўшқда қизил ёқутдан етмиш доира бор. Ҳар доирада яшил зумраддан етмиш хона. Ҳар хонада бир тахт, ҳар бир тахтда ҳар рангдан етмиш тўшак ва ҳар тўшакда оҳу кўзли бир ҳур бор. Ундан ташқари, ҳар хонада етмиш дастурхон, ҳар бирида етмиш хил таом. Ҳар хонада етмиш хизматчи. Мўмин ҳар тонг ўзига ҳар турли қувват олади.

### САБР - РИЗО – ҚАНОАТ

Ризонинг фазилатига далолат қилган оятлар:

- **Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар.** (Баййина сураси, 8-оят)

- **Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир.** (Раҳмон сураси, 60-оят)  
Яхшиликнинг сўнги ҳудуди эса, Аллоҳнинг бандасидан рози бўлишидир. Аллоҳнинг бандасидан рози бўлиши банданинг Аллоҳдан рози бўлганининг савобидир, мукофотидир.

- **Аллоҳ мўмин, мўминаларга остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатлар ва жаннат боғларидаги покиза масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улугроқдир.** (Тавба сураси, 72-оят)

Аллоҳ розиликни АДН ЖАННАТИ (жаннатнинг энг яхши жойи)дан ҳам устун қўйди. Шунинг учун ҳам ЎЗ ЗИКРИНИ намоздан юқориқроқ қўйди.

- **(Эй, Муҳаммад), сиз ўзингизга ваҳий қилинган Китоб - Қуръонни ўқинг ва намозни тўқис адо қилинг! Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур. Аниқки, ОЛЛОҲНИ ЗИКР ҚИЛМОҚ УЛУҒРОҚДИР. Аллоҳ-қилаётган ишларингизни билиб турур.** (Анкабут сураси, 45-оят)

Ибодатлик нуқтаи назаридан намозда зикр этилувчини мушоҳада қилиш намоздан устунроқ бўлганидай, жаннатнинг эгаси бўлган Аллоҳнинг розилиги ҳам дилга ором бериши жиҳатидан жаннатдан юқориқроқдир. Ҳатто жаннатдаги кишиларнинг энг сўнги ва охири орзулари ҳам ўзла-ридан Аллоҳнинг хушнуд ва рози бўлиши бўлади. Ҳадисда ҳам шундай айтилган:

— Аллоҳ мўминларга тажалли этиб кўринганда шундай дейди:

- Мендан тилангиз! Улар дерлар

— Биздан хушнуд бўлишингни тилаймиз!

Уларнинг Аллоҳнинг жамолини кўргандан кейин яна хушнудлигини тилашлари — Аллоҳнинг розилиги сўнги орзулари эканлигини кўрсатади.

Банданинг Аллоҳдан рози бўлиши масаласини қуйроқда зикр этамиз. Аллоҳнинг бандасидан рози бўлиши эса фарқлидир. Аллоҳнинг бандасини севиши мавзуида айтганларимизга яқиндир. Умуман олганда, инсонларнинг идроки бу жиҳатни қамрашдан ожиздир. Кучли ақл соҳибларигина буни англай оладилар.

Бу борада қисқача шундай дея оламиз:

- Аллоҳнинг жамолини кўришдан ҳам устун турадиган даража йўқ. Юқоридаги ҳадисда айтилганидай, Аллоҳнинг «Мендан тилангиз» деган буйруғига жавобан, жаннат аҳлининг



«Хушнудлигингни тилаймиз» - дейишлари шунинг учундир.

- Аллоҳнинг хушнудлиги - унинг жамолини узлуксиз кўришга сабабдир. Бамисоли улар Аллоҳнинг жамолини томоша қилиш билан мақсадлари ва сўнгги тилаклари амалга ошганини кўрган бўладилар. Лекин уларга «тилангиз!» дейилганда «хушнудлигингни тилаймиз!» жавобини бериш билан «жамолингни томоша қилнш неъматининг давомини истаймиз» деган бўладилар. Чунки биладиларки, Аллоҳнинг улардан хушнуд бўлиши парданинг узлуксиз очик қолишининг сабабидир.

Аллоҳ марҳамат қиладики:

- **Улар учун у жойда хоҳлаган нарсалари бордир. Ва яна бизнинг даргоҳимизда ҚЎШИМЧА (ИЗЗАТ-ИКРОМ)ЛАР ҳам бордир.** (Қоф сураси, 35-оят)

Баъзи муфассирлар шундай дейди:

- Жаннат аҳлига Рабблари томонидан ҚЎШИМЧА уч ҳадя келади:

БИРИНЧИСИ: Аллоҳдан шундай бир ҳадядирки, жаннат аҳли назарида унинг тенги ё ўхшаши йўқдир. Мана бу оят шунга далолат беради:

- **Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас.** (Сажда сураси, 17-оят)

ИККИНЧИСИ: Раббларидан уларга саломдир. Бу, бир лутф сифатида биринчи ҳадя билан бирга берилади. Мана шу оят фикримизнинг далилидир:

- **(Уларга) Меҳрибон Парвардигор томонидан САЛОМ айтилур.** (Ёсин сураси, 58-оят)

УЧИНЧИСИ: Аллоҳ буюрадики:

- Мен сизлардан РОЗИман.

Бу биринчи ва иккинчи ҳадялардан ҳам муҳимроқдир. Мана бу оят шунга далиллик қилади:

— **Аллоҳнинг РОЗИЛИГИ эса ҳамма нарсадан улуғроқдир.** (Бақара сураси, 157-оят)

Оятнинг тафсири шундай:

— Аллоҳнинг розилиги жаннатдаги неъматларнинг ҳаммасидан устундир. Бу эса банда ризолигининг самарасидир.

РИЗОнинг (хушнудликнинг) фазилатини кўрсатувчи ҳадислар:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) асҳобидан бир жамиятга савол берди:

— Сизлар кимсизлар? Улар жавоб беришди:

— Мўминлармиз. Расул (с.а.в.) сўради:

— Иймонингизнинг аломати нимада кўринади? Асҳоб жавоб берди:

— Балоларга сабр, неъматларга шукр қиламиз, бошимизга ҳар неки тушмасин, РИЗО кўрсатамиз!

Расул (с.а.в.) марҳамат қилди:

— Сизлар чиндан ҳам мўминларсиз ва Каъба соҳибларисиз!

Яна ҳужжат бўла оладиган бир хабар шундайдир:

— Нақадар бахтиёрдир ислом ҳидоятига муяссар бўлиб, тақдирга рози бўлганлар!

Бошқа ҳадислар:

— Ким Аллоҳнинг ҳалолдан берган оз ризқига рози бўлса, Аллоҳ ҳам унинг оз амалидан рози бўлади.

— Аллоҳ бир бандасини севдими, уни балога олиб бориб уради. Агар сабр қилса, уни бошқалардан ортиқ кўяди. Рози бўлса, уни сийланган бандаларидан қилади.

— Қиёмат куни бўлганда Аллоҳ бандаларининг бир қисми учун қанотлар яратади. Қабрларидан жаннатларга учадилар. У ерда хоҳлаганларича хурсандчилик қиладилар, неъматлардан баҳраманд бўладилар. Фаришталар уларга дерки:

— Ҳисоб бердингизми? Улар:

— Биз ҳисоб нималигини билмадик. Фаришталар:

—Сиротдан ўтдингизми? Улар:

—Биз сирот деган нарсани кўрмадик. Фаришталар:

—Жаҳаннамни кўрдингизми?

Улар:

Биз ҳеч нарса кўрмадик.

фаришталар:

- Сизлар қайси пайғамбарнинг умматидансиз?

Улар:

- Муҳаммад алайҳиссалом умматиданмиз.

Фаришталар:

- Ҳудо ҳаққи учун талаб қиламиз: дунёда қандай амаллар қилардингиз, бизларга айтиб берсангиз.

Улар:

- Бизнинг икки хислатимиз бор. Бу мартабага Аллоҳнинг лутфи ила эришдик. Фаришталар:

- Қандай хислатлар экан улар?

Улар:

-БИЗ ТАНҲОЛИҚДА ҲАМ ОЛЛОҲГА ИСЁН ЭТИШДАН ҚЎРҚАРДИК ВА ОЛЛОҲНИНГ БИЗГА БЕРГАН ҚИСМАТИГА РОЗИ БЎЛАРДИК!..

Фаришталар:

- У ҳолда сиз бунга лойиқсиз!

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки:

- Эй фақирлар гуруҳи, Аллоҳдан қисматингизга тушганига қалбан рози бўлингиз. Чунки бунинг савоби билан голиб бўлажаксиз. Агар Аллоҳдан қисматингизга тушганига рози бўлмасангиз, ҳеч қачон голиб бўлолмайсиз.

САБРНИНГ ФАЗИЛАТИ: Аллоҳ Қуръоннинг сал кам тўқсон жойида сабрни зикр этган, бир қанча даражаларни ва яхшиликларни сабрга боғлаган, маънавий юксаклик ва хайрларни сабрнинг самараси қилган ва сабрлилар учун ҳеч бир кимсага ҳозирламаган неъматларини тайёрлаб қўйган. Шунинг учун ҳам буюради:

— **Ана ўшаларга (мусибатларга дучор бўлганда сабрли бўлганларга) Парвардигорлари томонидан мағфират ва раҳмат бордир. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир.** (Наҳл сураси, 96-оят)

Оятга кўра, ҲИДОЯТ, РАҲМАТ ва МАҒФИРАТЛАР ҳаммаси бирваракай сабрлилар учундир. Бу ерда мавзу ила алоқадор барча оятларни ёзишга ва шарҳлашга киришсак, сўз чўзилиб кетади. Фақатгина бир неча ҳадисни қайд этиш билан кифояланамиз.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

- Сабр иймоннинг ярмисидир.

— Сизларга берилган энг оз нарсалардан яна ШАҚ-ШУБҲАСИЗЛИК ва САБРДА ИРОДА (яъни сабрда тақво билан амад қилиш, яната батафсил айтадиган бўлсак: Аллоҳнинг амрларини, тақлифларини, диний вазифаларини ҳеч бир узр-пузрни илгари сурмай, барча йўриқ ва қоидаларига бўйсуниб, тўла ва мукамал тарзда адо этмоқ) ҳам бор. Ким ШУБҲАСИЗЛИК ва ИРОДАДАН сабр ҳузурини олса, тунги намозини (хуфтонни) ва қундузги рўзасини бой бермайди. Сиз бирон ҳолатга тушиб қолганингизда дучор бўлган нарсангизга сабр қилсангиз, бу, менинг наздимда, сизнинг ҳар бирингизнинг, сизнинг ҳаммангизнинг амалларингиздан севимлироқдир. Лекин кўрқаманки, мenden кейин дунё неъматлари жиҳатидан бахтингиз очилиб, баъзи бирларингиз баъзиларингизни рад ва тарк этасиз, шу важга кўра, Осмон аҳти ҳам сизни тарк этади. Ким сабр қилса, яхишликка йўллаб, ёмонликдан қайтарса, савобининг камоли билан зафар топажакдир. Шундан кейин Аллоҳ Расули (с.а.в.) шу оятни ўқидилар:

- **Сизларнинг ҳузурларингиздаги нарсалар йўқ бўлур. Аллоҳ даргоҳидаги нимарсалар эса боқийдир. Биз, албатта, сабр-қаноат этган зотларни ўзлари килиб**

## Ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз.

Жобир — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади: Расулulloҳ(с.а.в.)га иймон борасида савол берилди. Дедиларки:

- Иймон САБР ВА ЖҰМАРДЛИҚДИР.
- Сабр жаннат хазиналаридан бир хазинадир. Яна бир сафар сўралди:
- Иймон нима? Дедиларки:
- Сабр!

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

-Амалларнинг энг фазилатлиси нафслар жирканган нарсани ижро этишдир.

Аллоҳ Довуд алайҳиссаломга шундай ваҳий юборди:

-Менинг ахлоқим билан ахлоқлан. Менинг ахлоқим жумласидан бири шуки, қайтариб айтаман, мен; шак-шубҳасиз, сабрлиман!

Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

-Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) бир гуруҳ ансорлар устига келиб қолди ва: «Сизлар мўминмисизлар?» деб сўради. Улар қармадилар. Ҳз. Умар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» -дея жавоб берди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Иймонингизнинг аломати нимада?! («Қай аломатдан иймонингизни билса бўлади?») деди. Дедиларки: «Мўллик, тўкин-сочинлик пайтида шукр қиламиз. Балоларга сабрлимиз. Қазога ризо кўрсатамиз». Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

- Ҳа, сизлар мўминларсиз ва Каъбанинг эгаларисиз!

Яна Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар:

- Жирканган нарсанга сабр қилишинг жуда хайрлидир. Исо алайҳиссалом шундай деди:  
- Сизлар фақат ўзингизни жиркантирган нарсаларга сабр қилиш йўли билангина севганингизни (яъни Аллоҳни) идрок қила оласиз.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

- Агар сабр бир инсон бўлсайди, албатта, жуда кўп гўзал хислатли кимса бўлар эди. Аллоҳ сабрлиларни севади.

Бумавзуда ҳадислар ва афсоналар кўп. Расулulloҳ (с.а.в.)

айтдиларки:

- ҚАНОАТ қилган АЗИЗ бўлади, ТАМАЪ қилган ЗАЛИЛ (хор) бўлади.

- Қаноат битмас-туганмас хазинадир. Қаноат борасида юқорида ҳам кўп гаплар айтилган.

## ТАВАККУЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

Таваккулнинг фазилатини билдирувчи оятлардан бири:

— **Албатта, Аллоҳ ўзига суяниб (иш қилгувчиларни) севади.** (*Ол-и Имрон сураси, 159-оятнинг сўнгги жумласи*)

Бу қандай мақом, бу қандай даражадирки, унга эга бўлганларга Аллоҳнинг муҳаббати борлиги билдирилмоқда, Ачлоҳнинг қониқишини ўз ичига олгани (Аллоҳнинг қониқишига сазовор бўлиши) маълум этилмоқда, у ҳолда бундан каттароқ бирор мақом бўлиши мумкинми? Билиб кўйинг, бу мақом ТАВАККУЛ МАҚОМИДИР. Кимки Аллоҳ унинг учун етарли эканлигини, Аллоҳ уни севишини ва Ўз паноҳида асрашини айтиб юрса, албатта, катга бир нажотга эришиши ҳақдир. Зеро, севилган киши жазоланмайди, сургун қилинмайди, қамоққа олинмайди.

Бу мавзудаги ҳадислардан баъзилари:

Ибн Масъуд — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади: Аллоҳ Расули — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин буюрдиларки:

-Ҳаж мавсумида умматларни кўрдим. Ўз умматимни ҳам кўрдим. Тоғлару дараларни тўлдириб юборишганди. Уларнинг кўплиги ва ҳайъати таажжубга солди мени.

Мендан:

—Мамнун бўлдингизми? — деб сўрадилар.

- Ҳа, - дедим.

Дедиларки:

-Булар билан бирга етмиш минг киши саволсиз-сўровсиз тўғри жаннатга киради!

Саҳоба сўради:

- Улар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули?

Расул (с.а.в.) билдирди:

- Ҳиздан мамнун бўлиб керилмаганлар, арзимаган бир қийинчилик, арзимаган бир кулфатни бахтсизлик-омадсизлик деб атамаганлар, ўғрилик қилмаганлар ва Раббиларига таваккул қилганлар!..

Шу пайт Уккоша (тўлиқ исми Уккоша ибн ал-Миҳсон ал-Асдий — фозил саҳобалардан ва қаҳрамонлардан бири) ўрнидан туриб дедик:

- Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қил, мени ҳам ўшалардан айласин!

Аллоҳ Расули (с.а.в.): «Аллоҳим, Уккошани ўшалардан айла!» - деди.

Бошқа бири ҳам туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қил, мени ҳам ўшалардан айласин!» деди. Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки:

— Уккоша сендан ўтди!..

—Агар Аллоҳга чиндан ҳам таваккул этиб суянсайдингиз, У тонгда оч туриб, оқшом тўқ ётган қушлардай сизни ризқлантирар эди.

—Ким Аллоҳга таваккул этиб суянса, Аллоҳ ҳар қандай танглик ҳолида унга етарли бўлади, умид қилмаган жойидан унга ризқ эшикларини очади. Ким дунёсига ишонса, Аллоҳ уни дунёга вакил қилиб тайин этади (яъни пул то-пиб келадиган ва сарфловчи вазифасини адо этувчи).

— Ким инсонларнинг энг бадавлати бўлишни истаса, бунинг учун, қўлидагига эмас, Аллоҳдагига кўпроқ ишонсин.

Ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз (с.а.в.), уйдаги бирон эҳтиёж туфайли қандайдир сиқилишлар юз берса, бундай пайтларда оила аъзоларига шундай дерди:

— Намозта турунлар! Раббим менга шундай буйруқ берди:

Аллоҳ буюрдики:

—**Аҳли-умматингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзин-гиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг!** (Тоҳа сураси, 132-оят)

—Бир тарафдан бандалик қилиб, иккинчи тарафдан ўзини мадҳ этган кимса таваккул қилган бўлмайди.

Ривоят қилинадики:

— Иброҳим алайҳиссаломни манжаниқбилан оловга отаётганларида Жаброил алайҳиссалом унинг ёнига келди. «Бирон эҳтиёжинг борми?» - дея сўради. Ҳз. Иброҳим илгариги: «Менга Аллоҳ кифоядир. У нақадар гўзал вакилдир!» деб айтган сўзига содиқ қолиш учун Жаброилга шу жавобни берди:

— Бор, эҳтиёжим бор, лекин сенга эмас!

Иброҳим алайҳиссаломни оловга отиш учун қўлга туширишган пайтда: «Менга Аллоҳ кифоядир. У нақадар гўзал вакилдир!» - деганди. Манжаниқ билан оловга отилаётганда шу сўзига, яъни Аллоҳга бўлган таваккулига содиқ қолди ва ўзини фақат Рабби қутқаришини кутди.

Аллоҳ шу оятни инзол қилди:

— **Аҳдига вафодор зот бўлган Иброҳим...** (Нажм сураси, 37-оятнинг бир қисми)

Аллоҳ Довуд алайҳиссаломга ваҳий орқали билдирди:

— Эй Довуд, ҳеч бир банда менинг махлуқотимга таяниб-суянмасин, фақатгина менга таяниб-суянсин, чунки унга бутун Еру осмон уруш эълон қилса ҳам, мен, агар истасам, унинг учун қутулиш йўлини топмай қўймайман!

Ҳарам ибн Ҳайёон (Увайс Қоронийга муридликка келиб, ундан бир неча насихатлар олиш

билан кифояланган ошиқлардан) Увайс Қороний (Вайсал Қороний ҳам дейилади. Ҳз. Пайғамбар (с.а.в.) даврида яшаган бўлишига қарамай, Расули Акрам с.а.в. билан учрашолмаган егакчи зоҳидлардан биридир. «Увайсийлик» ва «Увайсий» таъбирлари шу зоҳиднинг яшаш тарзи билан боғлиқ ҳолда юзага келгандир. Сиффин жангида 164/780 йили Ҳз. Алининг тарафдори сифатида шаҳид бўлганлардан сўради:

— Қаерда истиқомат қилишимни тавсия этасиз?

— Шомда! - деди Увайс. Ҳарам:

— У ерда тирикчилик қалай? Увайс:

— Уфф, бундай таваккулсиз қалбларга ўғит фойда бермайди!

Бир киши шундай дейди:

— Аллоҳнинг ваколатига рози бўлсанг, ҳар яхшиликкайўл топасан.

Аллоҳдан гўзал ва яхши одоблилик тилайлик.

## МАСЖИД ВА ЖОМЕЪЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ буюрди:

— **Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни тўқис адо этган, закотни (ҳақдорларга) ато қилган ва ёлғиз Аллоҳдангина кўрқадиган зотлар обод қилурлар. Ана ўшалар ҳидоят топгувчи зотлар бўлсалар, ажабмас.** (Тавба сураси, 18-оят)

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирди:

— Ким Аллоҳ учун бир масжид кўрса — у бир қуш уясичалик бўлса-да - Аллоҳ ҳам унинг учун жаннатда бир кўшк қурдиради.

— Ким масжидга ҳамжихатлик қилса, Аллоҳ ҳам унга ҳамжихатлик қилади.

— Қай бирингиз масжидга кирсангиз, ўтиришдан олдин икки ракъат намоз ўқинг.

— Масжидга яқин жойда турган киши намозини доим масжидда ўқисин.

— Қай бирингиз намоз ўқиладиган жойга кетаётган бўлсангиз, бутун йўл давомида фаришталар салоту салом айтиб борадилар, дерларки: «Аллоҳим, унга омонлик бер-Аллоҳим, унга марҳамат қил. Аллоҳим, таҳорати бузилмасдан (ёхуд масжиддан чиқмасдан) уни афв эт!»

— Охир замонда умматимдан бир қисм инсонлар пайдо бўлади. Масжидларга келадилар. У ерларда доира-доира, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтирадилар. Бутун фикр-зикрлари дунё ва дунё севгиси бўлади. Улар билан ўтирманг. Аллоҳнинг уларга эҳтиёжи йўқ.

— Аллоҳ ж.ж. муқаддас китобларда буюрадики:

- — Мен яратган кўррадаги менинг уйларим МАСЖИДЛАРдир. Зиёратгоҳларим, амирликларим йўқсуллар тўйғазиладиган емакхоналардир. Менинг уйимда покланувчилар (масжидларда намоз ўқиб, нафсоний феъллардан покланувчилар), кейин менинг уйимда мени зиёрат қилувчилар (яъни емакхоналарда йўқсулларни тўйғазилган ёрдам кўрсатувчилар) нақадар бахтиёрдирлар. Зиёратга келганни сийлаш ва иззат-икром қилиш уй эгасига вожибдир.

— Бир кимсанинг доим масжидларга келиб турганини кўрсангиз, унинг учун иймонли эканлигига доир гувоҳлик қилинг.

Саиб ибн Мусаййиб (— саҳоба, Вафоти ҳ. 94 й) дейдики:

— Масжидда ўтириш Рабби билан ўтириш демакдир. Шундай бўлгач, у ерга кирган одам фақат яхши нарсалардан сўзламоғи керак.

Яна айтадиларки:

— Масжидда айтилган дунёвий сўзлар — ҳайвонлар ям-яшил ўтларни егани каби, ҳасанотни (гўзалликлар, яхши амалларни) ейди.

Наҳоий (тафсирчилардан, куняси Шарик ибн Абдуллоҳ ибн Аби Шарикдир. Бухорода ҳ. 95 йилда туғилган, Куфада ҳ. 177 йилда вафот этган) дерки:

— Қадимгилар тун қоронғисида масжидга қараб кетишни жаннатга тушишга сабаб бўладиган воқеалардан, деб ишонардилар.

Анас ибн Малик эса шундай дейди:

— Ким бир масжидга бир қандил ёқса, бу қандилнинг ёруғи масжидни қанча вақт ёритиб турса, фаришталар ва Аршга юксалганлар унинг учун шунча вақт истиғфор қиладилар.

Бу мавзуда бошқа сўзлар: Ҳз. Али:

— Киши ўлганда, Ер юзида у намоз ўқиган жой ҳамда Осмонда амали йиғилган жой унинг учун йиғлайди.

Ҳз. Али шундай дегандан кейин мана шу оятни ўқиди:

— **Бас, уларга (Фиръавн ва қавмига) Осмон ҳам, Ер ҳам (аза тутиб) йиғлагани йўқ ва уларга (тавба-тазарруъ учун) муҳлат ҳам берилмади!** *(Духон сураси, 29 оят)*

Ибн Аббос:

— Мўмин киши ўлганда қирқ кун давомида Ер юзи аза тутлади. .

Ото Хуросоний:

— Ер юзининг бир парчасида Аллоҳ учун сажда қилган ҳеч бир киши йўқки, ўша ер парчаси унинг учун қиёматда гувоҳлик бермасин ва ўлган куни аза тутмасин!..

Анас ибн Малик:

— Намоз билан, зикр билан Аллоҳ эсга олинаётган пайтда босиб турилган ҳар тупроқ парчаси, атрофидаги бошқа тупроқ парчаларига юзланиб, бу билан ифтихор қилади. Буни етти иқлимдаги тупроқ парчаларига эшиттиради. Бироқ ерда бирон кимса намоз ўқиш учун қаддини ростлар экан, у ер у кимса учун, албатта безанади!

Дейдиларки:

- Ер юзида бирон ер парчаси йўқки, у ерга бир қисм инсонлар келгандан сўнг, у ер уларга ё салоту салом, ё лаъ-нат ўқимаса!

## КАЮМАТ АҲЛИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА РИЁЗАТ

Билки, Аллоҳ бир бандасига хайр ато этмоқчи бўлса, унга ўз нафсининг қусур ва айбларини кўра оладиган басират беради. Кимнингки басирати ўткир бўлса, қусур ва айблари ўзига кўринмай қолмайди. Киши ўз айбларини билганда эса, уларни даволаш имконига эга бўлади. Лекин инсонларнинг кўпчилиги ўз қусур ва айбларини кўрмайди. Аҳвол шундайки, баъзан киши бир мўмин дўстининг кўзидаги тариқдай кирни кўради-ю, аммо ўз кўзидаги ёнғоқдай доғни кўрмайди. Кимки ўз нафсининг айбларини кўрмоқчи бўлса, бунинг тўрт йўли бор:

**БИРИНЧИ ЙЎЛ:** нафснинг айб ва қусурларини кўра оладиган, яна нафс сабабчи бўлиши мумкин бўлган яширин офатлардан бохабар бирон пир билан боғланиб, уни ўз нафсига ҳакам этмоқ ва нафс билан мужодалада унинг ир-шод ва танбеҳларига риоя қилмоқдир. Мурид билан шайхнинг, талаба билан устознинг ҳоли мана шудир. Устоз (ўқитувчи, муаллим) талабасига, шайх эса муридига нафснинг айб ва қусурларини таърифлаб тушунтиради, даво йўлларини кўрсатади. Бу замонда ушбу биринчи йўлга риоя қилувчилар жуда оз.

**ИККИНЧИ ЙЎЛ:** бениҳоя тўғри, басиратли ва диндор бир киши билан дўст тутинмоқ ва уни ўз нафсига назоратчи қилмоқдирки, бу дўст унинг аҳволини, ҳаракат ва атворларини кўз остида тутсин, зоҳирий ва ё ботиний бир феълини кўрса, унга танбеҳ берсин. Эскидан дин ва давлатнинг заковатли ва басиратли катталари шундай қилишарди.

Ҳз. Умар — Аллоҳ ундан рози бўлсин - шундай дерди:

— Менга айбларимни кўрсатувчи кимсага Аллоҳ хайр берсин!

Кўпинча у Салмон Форсийдан ўз айбларини сўрарди. Бир кун яна Салмон келганда:

— Сенингча, менинг айб ва қусурларим нима? — деди.

Салмон Форсий Ҳз. Умардан афв сўраб шундай деди:

- Эшитишимча, дастурхонда икки турли зиравор қўйдирармишсиз. Бири кундузи, бири

кечаси киядиган махсус икки шимингиз бор эмиш!

Ҳз. Умар: «Булардан бошқа борми?» деди. Салмон: «Йўқ!» деганда, у шундай деди:

- Шу иккови менга етарли!..

Яна Ҳз. Умар Ҳузайфадан ҳам тез-тез ўз қусур ва айбларини сўрарди. Бир кун унга шундай деди:

- Сен мунофиқлар масаласида Аллоҳ Расулининг сирдоши эдинг. Менда мунофиқлик аломатларидан бирон белги кўрасанми?

Ҳз. Умар кадр-қиммати бунча баландлигига ва мартабаси бунча юксаклигига қарамай, ўз нафсини ана шундай шубҳа остида тутарди. Одам қанчалик ақлли ва даража жиҳатидан қанчалик юксак бўлса, кибр ва ҳаво жиҳатидан шу даража кичик бўлади. Нафсини энг катта шубҳа остида тутадиган инсон ҳам шудир. Лекин, очиғини айтганда, бундай хислатларнинг баҳоси ошиб кетди. Жуда оз кишилар бундай феъл-атворга эгадирлар. Дўсту улфат, ошна-оғайнилар орасида бир-бирига лаганбардорлик қилмайдиганлар, бирининг айб ва қусурларини ёймайдиганлар, ҳасад қилмайдиганлар жуда озайиб кетди. Дўст-улфат, ошна-оғайнилар ичида, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳасадгўйлар, ғаразгўйлик билан иш юритиб, айб ва қусур бўлмаган бир ҳаракатингни айб ва қусур деб гап тарқатувчилар, ёхуд табиий лаганбардорлиги туфайли қусур ва айбларингни юзингга айтмайдиганлар бор. Мана шундай сабабларга кўра Довуд Тои инсонлардан ажрашиб кетганди-. Ўзидан «Нега инсонлар билан ош-қатиқ бўлмайсан!» - деб сўралганда шундай жавоб берганди:

- Менга айб ва қусурларимни айтмайдиган инсонлар билан ош-қатиқ бўлиб нима қиламан? Диндор кишилар учун энг сеvimли нарса - бошқаларнинг танбеҳи билан ўз қусур ва айбларидан воқиф бўлмоқдир.

Мана, буюқларимизнинг ҳоли!.. Афсуски, бизнинг замонамизда иш терсига қараб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, энди, бизнингча, инсонларнинг энг ёмони бизга насиҳат қиладиган, бизга, айб ва қусурларимизни айтадиган кишилар бўлиб қолди. Бу, иймонимиз заифлашганининг аломатидир. Чунки ёмон феъл-атворлар — чақонғич илонлар ва чаёнлардир. Агар либосимиз этагида бир чаён чақай деб турганда, бизга биров бундан хабар берса, албатта, унга миннатдорчилик айтамыз, севинамыз ва чаённи чертиб ташлаб, ўлдиришга чоғланамиз. Ҳолбуки, бу чаённинг зарари баданингдир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса қўрқинчлироқдир, ўлимдан кейин абадиян ва ё мингларча йил давом этадиган азобдан қўрқуликдир. Сўнгра, биз, биров бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан севинмаймыз, бу қусур ва айбларни йўқотиш билан машғул бўлмаймыз. Аксинча, биз ҳам у кимсага насиҳат қилишга киришамиз ва шундай деймиз:

— Сен ҳам шундай-шундай қиласан. Сенинг ҳам шу қусурларинг бор.

Шу тариқа унинг насиҳатидан фойдаланмаймыз, тескарисини қилиб, у ерда адоват туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол гуноҳлар кўплиги сабаб бўлган қалб қашшоқлиги-дандир. Аслида эса, буларнинг бари иймоннинг заифлигига асосланади.

Биз Аллоҳдан, бизни тўғри йўлга солувчи илҳом ато эт, деб тиланамиз. Илоё, айбларимизни кўрсатадиган басират берсин. Бу айбларни даволаш билан машғул бўлиш бахтини эҳсон этсин. Лутфу карами билан бизни айб ва қусурларимиздан воқиф этувчи кишига ташаккур этиш улуғлигини насиб этсин!..

УЧИНЧИ ЙЎЛ. Нафсининг қусур ва айбларини душманларининг тилидан ўрганишдир. Зеро, ғазабли кўз қусурларни юзага чиқаради. Эҳтимол, инсон қусурларини очиб ташлаган ғаразли душманидан фойдаланганчалик — хушомадгўй, уни юзига мақтаб, айб ва камчиликларини яширадиган дўсту биродаридан фойдалана олмас. Ҳолбуки, инсон табиатан ва хилқатан душманини ёлғончиликда айблашга ва унинг айтганларини ҳасадга йўйишга мойилдир. Лекин басиратли киши душманларининг ўзи ҳақидаги сўзларидан фойданишдан қочмайди. Чунки, шак-шубҳасиз, унинг айб ва камчиликлари душманларининг тилига тушган бўлади.

**ТҮРТИНЧИ ЙЎЛ.** Инсонлар билан кўпроқ ош-қатиқ бўлиш, халқ орасида кўрган ва қораланадиган ҳар нарсани ўзидаги хулқ атворлар билан солиштиришдир. Зеро, мўмин мўминнинг ойнасидир. Шу тариқа бошқаларнинг айб ва камчиликлари орқали ўз айб ва камчиликларини кўрган бўлади ва биладики, инсон табиати ҳавойи нафсга эргашишга мойил бўлади. Бировдаги қораланадиган феъл-атворни кўрган иккинчи киши ўзини ўзи тадқиқ қилиши керак, бошқаларда

кўрган бу қораланадиган феъл-атвор ўзида ҳам бор бўлса, ундан покляниши керак. Ўғит таъсир қиладиган одамга шунинг ўзи кифоядир. Агар ҳар инсон бошқаларда кўрган ва ўзини жиркантирган ёмон феъл-атворларни ва ёмон хатти-ҳаракатларни тарк этган бўлсайди, унинг учун тарбиячи ва насиҳатчининг кераги ҳам бўлмас эди.

Исо алайҳиссаломдан сўрадилар:

- Сизни ким тарбия қилди?

Жавоб бердиларки:

-Мени ҳеч кимса тарбия қилмади. Жоҳилнинг жаҳолатини, ахлоқсизнинг ахлоқсизлигини қусур ва айб сифатида кўрдим, жаҳолат ва ахлоқсизликдан қочдим.

Буларнинг ҳаммаси ориф, закий, нафсининг айб ва қусурларини кўра оладиган, шафқатли, диний ўғит бериш қўлидан келадиган, ўз нафсини ёмон феъл-атворлардан халос этган ва Аллоҳнинг бандаларининг ахлоқини тузатиш билан машғул бир муршиди бўлмаганлар учундир. Агар кимда-ким шундай сифатларга эга бўлган бир муршид топа олган бўлса, у табибни топибди. У бу муршидга қаттиқёпишсин. Муршид уни маънавий хасталиклар бўлган ёмон ахлоқдан қутқаради. Фалокатлар қуриш овидан соғ-саломат олиб чиқади.

Агар айтганларимдан ибрат олиш ниятинг бўлса, шу ҳақда ўйлаётган бўлсанг, басиратинг очилади. Қалбнинг иллат ва хасталиклари (ёмон қилиқ ва ҳаракатлар) ва уларни даволаш йўллари ИЛМ ва ШУБҲАСИЗЛИК (жуда аниқ ва қатъий суратда билмоқ) нури билан сенга кашф бўлади. Агар бундай қилишдан ожиз бўлсанг, лоақал қабул этганингни тақлидий йўл билан тасдиқ этишинг ва бунга иймон келтиришни орқага сурмаслигинг керак. Чунки илмнинг даражаси бўлгани каби, иймоннинг ҳам даражаси бор. Илм иймондан кейин ҳосил бўлади. Илм иймоннинг орқасидадир. Аллоҳ ҳам буюрадики:

— **Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларнинг даража-мартабаларини кўтарур.** (*Мужодала сураси, 11-оят*)

Кимки «Аллоҳга олиб борувчи йўл — нафсоний орзулар билан кураш олиб бориш» эканлигини тасдиқ этса-ю, фақат бунинг сабаби ва сирларидан воқиф бўлолмаса, у оятда маълум қилинганларнинг фақатгина «иймон келтирган»лар қисмидадир. Кимки агар нафсоний орзуларнинг биз кўрсатган ҳайбаракаллагилигидан воқиф бўлса, яъни нафсининг ҳийлаларидан хабардор бўлса, у оятда маълум қилинганларнинг «илм ато этилган зотлар» жумласидандир. Аллоҳ ҳар икки зумрага ҳам жаннат ваъда этган. Қуръонда, ҳадисда ва олимларнинг сўзларида бу борада шу тахлит иймон келтиришни зарур қилиб қўйган далиллар сон-саноксиздир. Аллоҳ марҳамат қилади:

- **Энди ким Парвардигорининг (ҳузурида) туришидан кўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур.** (*Нозиот сураси, 40-41-оятлар*)

- **Албатта, Аллоҳнинг Пайғамбари (с.а.в.) ҳузурида овозларини паст қилган зотлар - ана ўшалар Аллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир. Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофот бор.** (*Ҳужурот сураси, 3-оят*)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдиради:

- Мўмин беш бало орасидадир:

1. Мўминлар унга ҳасад қилади;
2. Мунофиқ ёвлик қилади;
3. Кофир ҳаётига қасд этади;



4. Шайтон йўлдан оздиришга ҳаракат қилади;

5. Нафс у билан тортишади. Ривоятга кўра, Аллоҳ ваҳий йўли билан Довуд алайҳиссаломга шундай деб буюрди:

— Эй Довуд, асҳобингни нафсоний орзуларга эргашишдан эҳтиёт қил, нафсоний орзулардан қочсинлар. Зеро, нафсоний орзуларнинг асири бўлган қалбларнинг ақллари мени кўра олмайди, ақлларини пардалаб қўяман.

Исо алайҳиссалом шундай деди:

— Ўзи кўрмаса ҳам воқеъ бўлиши муқаррар бўлган истиқболдаги нариги дунё учун бу дунёда нафсоний орзуларидан воз кечган инсонлар нақадар бахтиёр бўлажаклар!

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин - душман билан жангдан сўнг қайтиб келаётган бир гуруҳ саҳобаларга буюрдилар.

— Марҳабо сизларга! Кичик жиҳоддан катта жиҳодга келдингиз!

Улардан бири ради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, катта жиҳод нима?

Расул (с.а.в.) билдирди:

- НАФС билан олишиш!..

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

- Мужоҳид - бу, Аллоҳга итоат йўлида нафси билан жиҳод қилган одамдир.

- Нафсингдан келаётган азобни ташлаб юбор. Аллоҳга исён борасида нафсингга қулоқ солма. Қиёмат куни нафс сенга душманлик қилганда, баъзи бир аъзоларинг баъзиларига лаънат айтади. Фақат Аллоҳ афв этса ва ҳимоясига олса, ҳеч вақо содир бўлмайди.

Баъзи буюкларнинг сўзлари: Суфён Саврий:

-Ҳеч бир нарсамни даволаш нафсимни тарбиялаш ва уни даволашчалик менга оғир келмади. Чунки у гоҳ мен тараф бўлар, гоҳ менга қарши чиқарди.

Абу Аббос Муслий (ҳижрий П-Ш асрларда яшаган мутасаввиф олимлардан) ўз нафсига шундай дерди:

-Эй нафс, на дунёда ҳукмдорлар билан бирга неъматланиб, кайфу сафо сура олдинг, на-да охират учун Аллоҳнинг обид бандалари билан бирга жиҳод қила билдинг! Бу аҳволда, дейман, мен сен билан жаннат-жаҳаннам орасида маҳбус бўлсам керагов... уялмайсанми, эй нафсим!..

Ҳасан Басрий:

-Энг қутурган ҳайвон ҳам пишиқ қармоқ билан илинтиришга нафсингчалик лойиқ эмас.

Яҳё ибн Муоз:

- Риёзат қиличларини суғуриб нафсинг билан мужодала қил.

Риёзат тўрт йўл билан бўлади:

1. Оз емоқ;

2. Оз ухламоқ;

3. Оз гаплашмоқ (лузумсиз гаплашмаслик);

4. Барча жонлилардан келадиган изтиробларга чидамоқ. Оз емоқ нафсоний ҳавас ва орзуларни сусайтиради. Оз ухлашдан ёрқин бир ирода туғилади. Оз гаплашмоқ, яъни бемаъни суҳбатга вақт сарфламаслик билан офат ва мусибатлардан омон чиқилади.

Жонлилардан келадиган изтиробларга чидаш билан кузатилган мақсад ва мўлжалларга етилади. Одамзод учун жабру жафога дучор бўлган чоғида ҳалим-салим бўлишдек ва изтиробларга учраганда сабр қилишдек оғир бир нарса йўқ.

Нафсинг ҳавойи истак ва орзуларни ишга солганда ва бемаъни суҳбатлардан завқ ола бошлаган пайтларда, сен ҳам оз ейиш, оз ухлаш, унга (нафсга) туҳмат қилиб беобрў этиш ва оз гаплашиш қиличларини қинидан суғурки, у (нафс), зулм ва интиқомдан воз кечсин, Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларини топтамасин. Сен ҳам бошқа борлиқлар орасида унинг разилликларидан бехатар бўласан. Нафсинг ҳавойи орзулари натижасида юзага келган зулматни бартараф этиб, у келтирган офатларнинг ташвишларидан қуту-ласан. Шундай

қилсанг, ёмон феъл-атворлардан покланиб, яхши феъл-атворлар билан нурланасан. Юзларингда, усти-бошингда бир назокат, бир руҳоният бўлади. Энди барча яхшиликлар сен яшаган майдонларда айланишади; йўлбошчи от каби кенг далаларда тоза ҳаво олишга чиққан ҳукмдор каби боғу бўстонларда сайр этасан, жавлон урасан. Яна Яҳё ибн Муоз айтади: — Инсоннинг душмани учтадир:

1. Дунёси;
2. Шайтони;

3. Нафси. Нафсоний завқу орзудан ўзингни тийиб ДУНЁдан, курашиб-курашиб ШАЙТОНдан, ҳавойи истакларни тарк этиб НАФСдан саклан. Ҳикмат аҳлидан бири:

— Нафс, кимни енгиб олса, у нафсоний орзуларининг асири бўлади. Кибру ҳаво (керилиш) ўз зиндониди маҳбус қилади. Жилови нафснинг қўлида бўлиб, обдон тинкаси, қурийдими..Нафси истаган томонга тортади. Қалбининг яхши аъмолларни идрок қилишига монё бўлади.

Жаъфар ибн Ҳомид (ҳижрий И-Ш асрларда яшаган мутасаввиф олимлардан):

— Барча олимлар ва ҳикмат аҳллари НАИМ (НЕЪМАТ) ЖАННАТИГА фақат нафсоний орзу-ҳавасларини тарк этиш билан етажаклари тўғрисида фикрдош бўлганлар.

Абу Яҳё Вароқ (ҳижрий П-Ш асрларда яшаган мутасаввиф олимлардан):

— Ким аъзоларининг нафсоний орзуларига бўйин эгиб, уларни шод этган бўлса, бу - қалбига надомат ниҳолини ўтқазган, деганидир.

Ваҳоб:

—Қуруқ нондан нарига ўтган - нафсоний орзуларни ҳозирлагандир.

—Дунёда нафсоний орзуларини севган — хорликка ҳозирлансин.

Нақл қиладиларки:

Юсуф алайҳиссалом Миср ўлкасига ва хазиналарига эга бўлиб, ҳукмдорлик тахтига ўтириши муносабати билан маросим қилинган чоғда Азизнинг хотини Ҳз. Юсуфга шундай деди:

— Мен Аллоҳни тасбиҳ этаман, чунки у ўзига итоатсизлик қилган ҳукмдорларни қул қилади. Ўзига итоат қилган қулларни ҳукмдор қилади. ҲИРС ва НАФСОНИЙ ОРЗУЛАР ҳукмдорларни қул ҳолига туширади. Бу — бузуқчиларнинг жазосидир. САБР ва ТАҚВО эса қулларни ҳукмдор қилади.

Ҳз. Юсуф — Аллоҳ Қуръонда хабар берганидай — унга шу жавобни берди:

— **Ким Аллоҳдан қўрқиб, сабру қаноат қилса, албатта, Аллоҳ бундай чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас.** (Юсуф сураси, 90-оят)

Жунайд Бағдодий ҳикоя қилади:

— Бир кеча ухлаёлмадим? Турдим. Зикр этмоқчи бўлдим. Лекин ҳар доимгидай маза топмадим. Ухламоқчи бўлиб яна ётдим. Бари бир ухлаёлмадим. Турдим, ўтирдим. Беҳузур бўлиб, ташқарига чиқдим. Бир маҳал қарасам, йўлда тўнига бурканиб олган бир одам турибди. Мени таниб: «Ия, Жунайд, сенмисан, мен билан юришга озгина вақтинг борми?» - деди. Мен: «Гаплашмаган ҳоддами?» - дедим. Дедики:

— Ҳа, Аллоҳдан сени менга учратишни ва қалбингни менга мойил қилишни тилагандим.

Дедим:

— Нима дардинг бор?

Деди:

— Нафснинг хасталиги қай вақт нафснинг дориси ҳолига келади?

Дедим:

— Нафс ҳавойи орзулари билан курашган чоғида.

Шунда орқасини ўгириб нафсига деди:

— Эшит! Мен сенга шу гапни етти марта такрорлагандим. Лекин сен қабул қилмагандингва: «Илло, Жунайднинг оғзидан эштай!» дегандинг.

Шундай дегандан сўнг ўтди-кетди. Унинг кимлигини билолмадим.

Язид Роққоший:

— Менга совуқ сув берманг. Охиратда ундан маҳрум бўлмасликка умид қилай.

Бир одам Умар ибн Абдулазиздан сўради:

—Қачон гаплашамиз?

—Сукут сақлашни хоҳлаган пайтингда!

—Қачон сукут қилай?

—Жуда гапиргинг келганда?

Ҳз. Али:

—Жаннатга иштиёқи бўлган дунёда нафсоний орзу-ҳавасларидан тийилсин!

## ИМОН-ИНФОҚ

Билки, «Аллоҳнинг бирлигини ва пайғамбарларнинг Аллоҳ томонидан юборилганлигини тасдиқ этишдан иборат бўлган иймоннинг камоли яхши амалларининг кўплиги билан боғлиқ. Аллоҳ буюради:

—**Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра шак-шубҳа қилмаган ва Аллоҳ йўлида молу жонлари билан курашган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содиқ бўлган зотлардир.** (*Ҳужурот сураси, 15-оят*)

—**(Яхши кишилар) Аллоҳга, охират кунга, фаришталарга, Китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, молини — Аллоҳни яхши кўрган ҳолда қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларини озод қилишга берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган, аҳдларига вафо қиладиган ва, хусусан, оғир-енгил кунларда, жангу жадал пайтларида сабр-тоқат қиладиган кимсалардир.** (*Бақара сураси, 177-оятнинг асосий қисми*)

Аллоҳ бу ерда аҳдга вафо, мусибатларга сабр қилиш... каби йигирма хислатни шарт қилиб ўртага қўйгандир. Сўнг эса билдирди:

— **Ана ўшалар чин иймонли кишилардир.** (*Бақара сураси, 177-оятнинг хулоса қисми*)  
Яна Аллоҳ ж.ж. марҳамат қилди:

—**Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур.** (*Мужодала сураси, 11-оят*)

—**Нега сизлар Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмаяпсизлар?! Ҳолбуки, Осмонлар ва Ернинг ворислиги ёлғиз Аллоҳники-ку! Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган) бошқа кишилар билан баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улўғроқ мартабададирлар. Айни чоғда Аллоҳ барчаларига гўзал (оқибат-жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.** (*Ҳадид сураси, 10-оят*)

—**Улар Аллоҳнинг ҳузурда ҳар хил даража-манзилатларда бўлурлар.** (*Ол-и Имрон сураси, 163-оят*)

Пайғамбаримиз - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — билдирдилар:

—Иймон яланғочдир. Либоси тақводир.

- Иймоннинг етмишдан ортиқ дарвозаси бордир. Энг кичкинаси йўлда мусулмонларга азоб берадиган нарсаларни олиб ташламоқдир.

Бу ҳадислар иймоннинг камоли яхши амаллар билан жуда яқин алоқада эканлигини кўрсатади. Иймоннинг камоли учун киши нифоқдан (иккиюзламачилик, динда риёкорликдан) ва хофий (яширин) ширкдан узоқда бўлиши кераклиги масаласига келсак, бу борада Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

— Тўрт нарса кимда бўлса, у ҳақиқий мунофиқдир. Ҳатто у рўза тутаётган, намоз ўқиётган ва ўзини мўмин ҳисоблаётган бўлса-да!

1. Сўзига ёлғон аралаштирса;
2. Сўз бериб сўзида турмаса;
3. Омонатга хиёнат қилса;
4. Урушиб қолган кишининг айбларини ўртага тўкиб солса.

Абу Саид Худрий ривоят қилган бир ҳадис шундайдир: - Қалблар тўрт турлидир:

1. Беғидир-тўғри қалб(ғидирсиз қалб). Бундай қалбда киши кўнглини ёритувчи бир қандил бордир. Бу қалб мўминнинг қалбидир.

2. Майлли қалб. Бунда иймон ҳам бор, нифоқ ҳам!.. Бундаги иймон бир ниҳолга ўхшайди: чучук сув уни ўстириши ҳам мумкин, қуритиши ҳам. Нифоқ эса бир чипқонга ўхшайди: қонли йиринг бу чипқонни тузатиши ҳам мумкин, баттар қилиши ҳам. Бу майлли қалбга моддалардан (чучук сув, қонли йиринг) қайсиниси ўтса, шунга қараб ҳукм чиқариш мумкин.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай дедилар:

— Бу умматдаги мунофиқларнинг аксарияти қорию қурролардир.

Яна бир ҳадисда шундай буюрилади:

— Менинг умматимда ширк Сафо тоғида юрган чумолининг ҳаракатидан ҳам яширинроқ - билинмасдир.

Ҳузайфа - Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай дейди:.

— Расулуллоҳ (с.а.в.) замонида бир киши бир дона сўз айтгани сабабли ўлгунча мунофиқ саналарди. Мен у сўзни сизларнинг ҳар бирингиздан кунда ўн марта эшитаман.

Бир олим шундай дейди:

-Мунофиқликка энг яқин кимса ўзининг нифоқдан (иккиюзламалик, динда риёдан) узоқдалигини айтиб юрувчи кимсадир.

Ҳузайфа дейдики:

— Бугун мунофиқлар, Пайғамбар (с.а.в.) замонидагидан кўпроқдир. Бурунгилар нифоқларини ичда сақлашарди. Бугунгилар очикдан-очик нифоқ қилишади. Яширин нифоқ иймоннинг самимийлиги ва камолига тўсқинлик қилади. Мунофиқликдан қўрққан одам мунофиқликдан узоқ бўлади, ўзининг нифоқдан узоқдалигини айтиб юрувчи кимса эса мунофиқликка яқин туради.

Ҳасан Басрий деди:

— Агар мунофиқларнинг гуноҳлари ер юзидаги ўсимликлар сингари бўлсайди, оёқ босишга жой тополмасдик.

Бир одам Ҳажжож золим(асл исми Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақафийдир. Милодий 661-714 йилларда яшаган, яъни 54 йил умр кўрган. Ҳз. Умар замонида амавий валийси, қози ва хатиб бўлган. Кейинчалик — халифа Абдулмалик ибн Марвон ва халифа Валид ибн Абдулмалик даврларида йигирма йил Ироқ валийси бўлган. Тарихчиларнинг билдиришича, у бу даврда 120 минг одамни ўлимга ҳукм қилган ва неча юз минглаб одамларни, шу жумладан, аёлларни ҳам зиндонга ташлатгирган. Шунинг учун ҳам Ҳажжож Золим лақабини олганди. «Кескин иродали ҳукуматнинг жуда оз кишига зарари тегади, лекин заиф ҳукуматнинг зарари ҳаммага тегади» дер эди у. Айни чоғда у катгагина олим, маърифатпарвар шахс, нафси камсуқум инсон бўлганлигича ҳам маълум. Ҳажжожнинг ташаббуси билан амалга оширилган муҳим ишлардан бири Қуръон матнининг ҳаракатлантирилгани ва ўқилиши осонлаштирилганидир. У вафот этганда, ундан биргина Қуръони Карим, шахсий қурол-аслаҳаси ва бир-икки юз дирҳам пулидан бошқа ҳеч нима қолмаганлиги билинган)ни ёмонлай бошлаганди, Ҳз. Умарнинг ўғли — Аллоҳ улардан рози бўлсин, - унинг гапини эшитиб бўлиб, шундай деди:

-Агар Ҳажжож бу ерда гапларингни эшитиб турган бўлса ҳам шу айтганларингни айтаверармидинг?

- Йўқ! - деди у одам.

Ҳз. Умарнинг ўғли:

— Биз Расулulloҳ (с.а.в.) замонида бундай ҳолни мунофиқлик деб баҳолардик, - деди.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки:

-Ким дунёда икки хил сўзлаган бўлса, Аллоҳ охиратда унинг тилини иккита қилади.

— Инсонлар ичида энг кўп гуноҳга ботгани — бировга бир хил, бошқа бировга иккинчи хил сўзлаб юрган мунофиқлардир.

Ҳасан Басрийдан: «Баъзи бир инсонлар, биз нифоқдан қўрқмаймиз, дейишади. Сиз шунга қандай қарайсиз?» - деб сўрадилар. У шундай деб жавоб берди:

-Аллоҳга қасамки, нифоқдан четда эканлигимга аминлигим — мен учун тарновдан ерга олтин тушишидан афзалроқдир.

Яна Ҳасан Басрий шундай дейди:

— Сухбатларда ва қалбларда, сир тутишлар ва ошкоралик ўртасида фарқлар нифоқдандир. (Сўзлашганда гапнинг ҳаммасини айтмаслик, юракда сир сақлаш, самимият ва ошкораликдаги фарқлар нифоқдан келиб чиқади).

Бир одам Аллоҳ рози бўлгун Ҳузайфага:

— Мен мунофиқ бўлишдан қўрқаман, - деди.

Ҳузайфа жавоб берди:

— Агар сен мунофиқ бўлсанг, нифоқдан қўрқмасдинг. Мунофиқ ўзида нифоқ йўқлигига ишонади.

Ибн Аби Мулайка (сўнгги саҳобалардан. Тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Аби Мулакадир. Вафоти ҳ. 117 й) дейдики:

— Мен саҳобалардан юз ўттиз киши билан танишишга муяссар бўлдим. Уларнинг ҳаммаси ҳам нифоқдан қўрқардилар.

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалар жамоатида ўтирардилар. Улар бир одамдан баҳс очдилар ва уни кўп мақтадилар. Шу аснода у одам кириб келди, эндигина таҳорат олганди. Юзидан таҳорат сувининг томчилари томиб турарди. Ёғоч шиппакларини қўлида кўтариб келарди. Икки кўзи орасида (манглайида) сажда изи бор эди. Саҳобалар: «Биз Сизга ана шу киши ҳақида гапиргандик, эй Аллоҳнинг Расули!» дедилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса шундай деб биддирдилар:

- Мен унинг юзида шайтонлик аломатини кўряпман!

У одам Расулulloҳ(с.а.в.)га яқин келди, салом берди.

Жамоатга қўшилиб ўтирди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга дедики:

-Аллоҳ учун сендан бир нарса сўрайман. Илтимос, тўғриси айт: бу ерга келаётганда: «Буларнинг ичида мендан яхшиси йўқ!» деб кўнглингдан ўтказдингми, ўтказмадингми?

У одам жавоб берди:

- Шундай гап кўнглимдан ўтди, Аллоҳим!

Бир куни Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дуо ўқиди:

-Аллоҳим! Билган ва билмаган нарсаларим учун мағфират қил!

Ундан сўрадиларки:

- Сиз ҳам қўрқасизми, эй Аллоҳнинг Расули?

Жавоб бердиларки:

- Қалблар қудратли Аллоҳнинг икки бармоғи орасида бўлгач, мени қандай куч хавфсизликда сақлаб қола олади? У, қалбларимизни истаган кўйига солиб ўйнатиши мумкин.

Аллоҳ буюрдики:

— **У кунда (қиёмат куни) уларга Аллоҳ томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар — азоблар кўринди.** (Зумар сураси, 47-оят)

Сақотий (Жунайд Бағдодий (25-изоҳга қаранг)нинг шайхи. Тўлиқ исми Сарий Сақотий (Сирри Сақотий деб ҳам ёзишади). Вафоти 257/870 й) дерки:

— Агар бир инсон бир боққа кирганда, бу боғда турлитуман дарахт ва ҳар турли қушлар

бўлса-ю, бу қушларнинг бари бир тилда: «Ассалому алайкум, эй Аллоҳнинг авлиёси!» - деса, унинг нафси бундан мамнун бўлса, у қушларнинг қўлида асир бўлади.

Бу мисолда бўлгани каби, юқорида ҳам нифоқ (иккиюзлилик) ва яширин ширк ҳақидаги сўзларни қайд этиб келаётирмиз. Булар ҳар хил даврда яшаган ва турли тоифа кишиларнинг сўзлари бўлишига қарамай, ҳаммалари бир тилда айни бир нарсани — нифоқ ва яширин ширк бениҳоя но-зик ва хатарли эканлигини, улардан сақланиш ниҳоятда қийин эканлигини маълум қилганлар. Кўрдингиз: ҳатто Ҳз. Умардай одам ҳам ўзида мунофиқлик аломати бор-йўқлигини билиш учун Ҳузайфадан сўрарди.

Абу Сулаймон Дороний дейдики:

— Мен айрим қўмондонлардан бир нарсалар эшитдим. Бунитанқид қилмоқчи бўлдим. Лекин мени ўлдиришга буйруқ беришларидан қўрқиб танқид қилишдан воз кечдим. Бундай қилганда ўлимдан эмас, қалбимга мунофиқлик келишидан, яъни одамлар: «Ҳақиқатни ҳимоя қиламан деб ўлди!» - дейишади деган мулоҳаза кўнглимдан ўтиши эҳтимолидан қўрқдим. Шунинг учун танқид қилишдан воз кечдим.

Бу хил фикрлар иймон ҳақиқатига, самимиятига, камолотига ва поклигига зиддир. Моҳиятига зид эмас.

Нифоқ икки турли бўлади:

Биринчиси. Диндан чиқаради. Кофирликка олиб боради. Абадий жаҳаннамликлар зумраси (тўдаси) йўлига киритади.

Иккинчиси. Кишининг узоқ вақт жаҳаннамда қолишига, жаннатга ўтганда эса даражаси паст бўлишига ва сиддиқлар мартабасидан тушишига сабаб бўлади.

## ҒИЙБАТ - ЧАҚИМЧИЛИК (ГАП ТАШИШ)

ҒИЙБАТ: Аллоҳ китоби Қуръонда ғийбат кескин равишда қораланган ва ғийбатчи «ўлик этини еган»га ўхшатиш билан Аллоҳ буюради:

— **Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланишлар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманлар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми! Ана, ёмон кўрдингизми?! Аллоҳдан қўрқингиз. (Ҳужурот сураси, 12-оят)**

Аллоҳнинг Расули — Аллоҳнинг саломати устларига ёғилсин — буюрдилар:

— Мусулмонга мусулмоннинг қони, моли ва номуси ҳаромдир, яъни: мусулмон учун мусулмоннинг қонини тўкиш ёки молини ўзлаштириш ҳаром бўлганидай, унинг номусига тегиш ҳам ҳаромдир.

Ғийбат номусни ҳам ўз ичига олади. Аллоҳ Расули (с.а.в.) ҳадисда номус, мол ва қон (жонга қасд қилиш)ни ёнма-ён зикр этдилар.

Яна ривоят қилинган ҳадислардан бирида Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

— Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Бир-бирингизнинг пайингизни қирқманг. Мол олмоқчи бўлмасангиз, мол эгасини безовта қилманг: нарх-навони қизитманг (табиий нарх-навони оширишга ё туширишга ҳаракат қилманг). Бир-бирингизни орқадан ғийбат қилманг. Аллоҳнинг биродар бандалари бўлинг.

Жобир ва Абу Саид ривоят қиладилар:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Ғийбатдан тийилинг. Ғийбат ҳақиқатан зинодан ҳам ёмондир. Зеро, киши зино қилади, сўнгра тавба қилса, Аллоҳ тавбасини қабул қилиши мумкин. Ҳолбуки, ғийбат қилинган киши ғийбат қилган кишини кечирмаса, Аллоҳ ҳам афв этмайди.

Анас - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Меъроҷ кечаси бир тўда кишиларга дуч келдим. Тирноқлари билан юзларини

тимдалардилар. «Эй Жаброил, кимлар булар?» дедим.

— Булар - инсонларни ғийбат қилганлар, инсонларнинг ор-номусларига тил теккизганлар! — деди.

Сулаймон ибн Жобир (саҳобалардан) ривоят қилади: Расулulloҳ(с.а.в.)нинг олдиларига бордим. «Менга фойдалансам бўладиган яхши нарсалар ўргатинг!» - дедим. Дедиларки:

— Яхши истакнинг ҳеч бирини паст кўрма, терслик билан қарши олма. Чашмадан олиб келаётган бир коса сувингни чанқаб келаётган бирон кимсага беришга мажбур бўлсанг ҳам, бу муслмон биродарингни очиқ юз билан қарши ол. Сендан узоқлашгандан сўнг уни ГАП ҚИЛМА.

Барро ривоят қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) бизга бир хитоба қилдилар. Уни уйдаги хотинлар ҳам эшитсин деб, баландроқ овозда сўзладилар. Дедиларки:

— Эй тили билан иймон келтириб, қалби билан инонганлар! Муслмонларни ғийбат қилманглар. Уларнинг айб ва қусурлари ҳақида гаплашманглар. Ким, муслмон биродарининг айбини кавлаштира, Аллоҳ ҳам унинг айбини синчиклаб тадқиқ қилади. Аллоҳ кимнинг айбини тадқиқ этса, уни уйининг ўртасида расвои бало қилади.

Нақл қилинишича, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга шундай ваҳий юборди

— Ким ҒИЙБАТдан тавба қилган ҳолда ўлса, у жаннатга кирувчиларнинг энг охирида бўлади. Кимки ҒИЙБАТдан тавба қилмай ўлса, у жаҳаннамга кирувчиларнинг энг биринчиси бўлади.

Анас - Аллоҳ ундан рози булсин - ривоят қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.), ҳаммага бир кун рўза тутишни буюрган ва: «Ҳеч ким мендан рухсат сўрамай рўзасини очмасин!» деганди. Ўша куни ҳамма рўза тутди. Шом бўлганда бир киши келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, куним рўза билан ўтди. Рухсат беринг, энди ифтор қилай!» - деди. Расулulloҳ (с.а.в.) унга изн берди. Ундан кейин яна бири келди, сўнгра бошқаси келди. Шу асно тагин бир одам келиб, дедики:

— Ё Расулulloҳ, уйимда оила аъзоларидан икки йигит бор. Кунни рўза оғиз билан кеч қилдилар. Мажбуриятингиздан ижозат олгани ҳузурингизга келолмадилар. Изн берсангиз, улар ҳам рўзаларини очсалар! Расулulloҳ(с.а.в.) унга изн бермади. Бу киши илтимосини яна такрорлади. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг рухсат беришга яна ҳуши бўлмади. У киши учинчи марта изн сўраганда, Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдиларки:

— Улар рўза тутмадилар. Кундузи инсонларнинг гўштини ейиш билан (яъни ғийбат қилиш билан) вақт ўтказган кимса рўза тутган ҳисобланмайди. Бор олдиларига. Агар рўзали бўлсалар, «Энди қусинглар!» - деб айт.

У одам кетди. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг буйруғини уларга айтди. Қусдилар. Ҳар иккисининг ичидан қуюлиб лахта-лахта бўлиб қолган қон тушди. У одам Расулulloҳ(с.а.в.)нинг олдига қайтиб борди. Бўлган воқеани айтиб берди. Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

— Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, агар ичларида яна шундай қон қолган бўлса, уларни жаҳаннам олови еяжак.

Анасининг бошқа бир ривоятида шундай дейилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) бир хитобасида фоиздан ва фоизнинг ёмонлигидан сўз очди ва дедики:

- Кишининг фоиз сифатида олган биргина тангаси -гуноҳлиги жиҳатдан — Аллоҳ наздида кишининг ўттиз уч марта зино қилганидан ҳам баттарроқдир, фоизнинг энг ёмони эса, муслмон кишининг номуси ва шарафини юлқилашдир.

## ЧАҚИМЧИЛИК - ГАП ТАШИШ

Чақимчилик, гап ташиш ҳеч ким хуш кўрмайдиган, айб Ҳисобланадиган бир хусусиятдир. Аллоҳ буюради:

**-... ғийбатчи-ю, гап ташувчи, яхшиликни ман қилгувчи — бахил, тажовузкор,**

**гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб-ҳароми кимсага итоат этманг.**  
(Қалам сураси, 11 -13-оятлар)

- **Барча бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлғай** (Ҳумаза сураси, 1-оят)

- **...хотини алангали дўзахга киражак!** (Масад сураси, 4-5-оятлар)

Тарих китобларида айтилишича, Абу Лаҳаб Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг амакиси бўлиғига қарамай, Расулulloҳ (с.а.в.)га азият бериш учун кўп ҳаракат қилган, унинг хотини эса, одамлар ўртасида гап тарқатиб, уларни Муҳаммад алайҳиссаломга қарши гижгизлаган.

- **Аллоҳ кофир бўлган кимсалар ҳақида Нухнинг аёли ва Лутнинг аёлини мисол келтирди. У иккиси Бизнинг бандала-римиздан икки солиҳ банда қўл остида эдилар. Бас, улар хиёнат қилган эдилар, (Нух ва Лут) Аллоҳ(нинг азоби)дан бирон нарсени у иккисидан дафъ қила олмадилар. Ва (уларга) «Киргувчилар билан бирга дўзахга киринглар!» дейилди.** (Таҳрим сураси, 10-оят)

Айтишларича:

— Нух алайҳиссаломнинг хотини қавмига: «Нух жинни!» деб гап тарқатарди. Лут алайҳиссаломнинг хотини эса, уйига келган меҳмонлар ва ўртадаги гап-сўзлар тўғрисида қавмига хабар берарди.

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин - билдирдилар:

— Гап ташувчи жаннатга киролмайди.

Абу Ҳурайра ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки:

-Орангиздаги ахлоқи энг яхши кишиларни, оиласига нисбатан ўз вазифасини ўринлатиб адо қилувчиларни, улфат орттирган ва ўзи ҳам кўпчиликка улфат бўла олган кишиларни Аллоҳ яхши кўради. Ундан бунга гап ташувчи, одамлар орасини бузувчи ва тўғри кишиларнинг айбини қидирувчи кимсаларни эса, Аллоҳ яхши кўрмайди.

Яна бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) одамлардан сўрадилар:

- Сизларга энг ярамас кишиларни айтайми? Саҳоба деди:

- Ҳа, айтинг!

Расули акрам (с.а.в.) дедилар:

-Ундан бунга гап ташиш учун йўл босганлар, ора бузувчилик қилганлар ва тўғри кишиларнинг айбларини кавлаштирганлар.

Абу Зар ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

-Ким бир мусулмонни ёмон отлиқ қилиш мақсади билан унга қарши ноҳақ гап тарқатса, Аллоҳ шу қилиғига яраша қиёмат куни уни дўзахга оттиради.

Абу ад-Дардо ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) огоҳлантирдилар:

~ Қайси бир киши бошқа кишини ёмон отлиқ қилиш мақсадида бу дунёда, унга йўқ қусур ва айбни тақиб, у ҳақда гап тарқатса, қиёмат куни у кимсани ўзи айтган калом билан дўзахга оттириш Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир.

Абу Ҳурайра ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

-Ким бир мусулмонга қарши ёлғон гувоҳлик берса, жаҳаннамда жойи тайёрлигини билиб қўйсин.

Айтадиларки:

- Қабр азобининг учдан бири тухматчиликдан келади.

Ибн Умар ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

- Аллоҳ жаннатни яратганда, унга «гапир!» деди.

Жаннат дедики:

— Менга кирган хурсанд бўлсин!

Аллоҳ буюрди:



- Иззатим ва жалолим ҳаққи айтаманки, саккиз зумра сенда истиқомат қилмайди:

1. Сархуш қилувчи ичимлик ичган майхўрлар.
2. Ношаръий муносабатда бўлишни талаб қилувчи зиногарлар.
3. Тухматчи — гап ташувчилар.
4. Ўз никоҳидаги хотинини бошқасига пешкаш қилувчилар.
5. Забтия (миршаблик идораси)нинг зулмкор маъмурлари.
6. Хотинлашган эркаклар.
7. Силаи раҳим (қон-қариндошлар аро оқибат) қилмаганлар.
8. Аллоҳ ҳақиға сўз бериб, сўзининг устидан чиқмаганлар.

Каъб Ахбор ҳикоя қилади:

— Ҳз. Мусонинг қавми қаҳатчиликка учраганди. Мусо алайҳиссалом Аллоҳга ёлвориб (с.а.в.) ёмғир ёғшпини тилади. Лекин ёмғир ёғмади. Аллоҳ ваҳий йўли билан Мусо алайҳиссаломга билдирдики:

— Сизларнинг қавмингиз ичида тухматчи-ғийбатчилар кўп. Улар бир-бирлари тўғрисида гап тарқатишни бас қилмас эканлар, дуоларингиз ижобатга ўтмагай!

Мусо алайҳиссалом сўради:

— Эй Раббим, қавмимда гап тарқатиш билан машғул бўлганлар ким? Менга билдир, уни орамиздан чиқарайлик!

Аллоҳ буюрди:

— Мен сизларга чақимчиликни ман этаман. У кишиларнинг номларини айтиб, энди мен ўзим чақимчилик қилайми?

Шунда Мусо алайҳиссаломнинг қавми йиғилиб, тавба қилди. Тавбалари қабул этилди ва Аллоҳнинг раҳматиға такрор ноил бўлдилар.

Нақл қиладиларки:

— Бир одам ҳикмат аҳлидан бир кишининг етти масала юзасидан фикрини олиш учун етти юз фарсаҳ юрди. Шунча масофадан етиб келгач, ҳикмат аҳлидан бўлган зот мақсадини суриштирганда, у одам дедикки:

- Мен - ҳузурингизга — шунинг учун келдим: Аллоҳ сизга илм берган, энди менга айтингчи:

1. Осмонлардан каттароқ ва оғирроқ нарса борми, бўлса нима у?
2. Ердан кенгроқ нарса борми, бўлса нима у?
3. Тошдан қаттиқроқ нарса борми, бўлса нима у?
4. Оловдан қизғинроқ нарса борми, бўлса нима у?
5. Замҳарир (қаҳратон қиш)дан совуқроқ нарса борми, бўлса нима у?
6. Денгиздан ҳам ғаний (бой)роқ нарса борми, бўлса нима у?
7. Етимдан ҳам хорроқ зот борми, бўлса ким у?

Донишманд жавоб берди:

1. Ор-номусли кишиға тухмат қилмоқ осмондан ҳам катта ва оғирроқ.
2. Ҳақиқат ердан ҳам кенгроқ.
3. Иймонсизнинг қалби тошдан ҳам қаттиқроқ.
4. Ҳирс ила ҳасад оловдан ҳам қизғинроқ.
5. Ночор қолиб қон-қариндошға бош уриб бормоқ -замҳарирдан ҳам совуқроқ.
6. Қаноатли қалб денгиздан ҳам бойроқ.
7. Тухматчи, чақимчилар фош бўлганда, етимдан ҳам хорроқ бўладилар.

- Ким инсонлар орасида ўч дўстиға қарши гап тарқагса, билинги, унинг ичида илонлари ва чаёнлари бор. У тарқатган гаплар кечаси босган сел каби, қаердан келнб, қаерға кетганини билиб бўлмайди. У сўзида ҳам турмайди. Аҳдини ҳам қайта-қайта бузаверади. Дўстлигиға ҳам ишониб бўлмайди. Уни истаган чоғи бузади.

- Сенинг фойдангга ишлаган одам зиддингга ҳам ишла-ши мумкин. Икки юзли

ҳийлагарнинг ўйинларидан ҳеч қачон хотиржам бўлма.

## ШАЙТОННИНГ ДУШМАНЛИГИ

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломии устларига ёғилсин — буюрдилар:

-Қалбда икки хил туртилиш (кўзғалиш, илҳом) бўлади. Бирини малаклар кўзғайди — яхшиликка ва ҳақиқатларни тасдиқлашга даъват этади. Ким буни (туртилишни) ҳис этса, билсинки, у Аллоҳдандир. Аллоҳга ҳамд ўқисин. Иккинчисини душман кўзғайди — ёмонликка бошлайди, ҳақиқатларни инкор этади ва яхши иш қилишга йўл бермайди. Ким бундай туртилишни ҳис этса, шайтоннинг зулмидан Аллоҳга сиҳнсин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буларни айтгандан кейин мана бу оятни ўқидилар:

**- Шайтон сизларни камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Аллоҳ сизларга Ўз тарафидан мағфират ва карам ваъда қилади. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва билгувчидир. (Бақара сураси, 268-оят)**

Ҳадисдаги «туртилиш»ларни шарҳлаган Ҳасан Басрий дейдики:

-Улар қалбда кезувчи икки туртилишдир. Бир Аллоҳдан, бошқаси душман (шайтон)дандир. Қалби туртилган паллада унга диққат қилиб, Аллоҳдан бўлганини олиб, шайтондан бўлганига қарши жиҳод қилган кишилар устига Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

Жобир ибн Убайда накл қилади: Ибн Зайод (ҳижрий I-II асрларда яшаган тасаввуф олимларидан)га дедимки:

— Мен қалбимда ҳеч васваса ҳис қилмайман!

У менга шундай жавоб берди:

— Қалб ўғрилар кирган уйга ўхшайди. Унда бир нарса топишса - титиб ташлашади. Топишмаса - ташлаб, чиқиб кетишади.

Бундан шундай маъно чиқариш мумкин:

— Ҳавойи нафсдан холи бўлган қалбга шайтон васваса солмайди. Мана шунинг учун Аллоҳ буюрадики:

**—(Эй шайтон), менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат - ҳукмронлик йўқдир. (Ҳижр сураси, 42-оят)**

Ҳавойи нафсига эргашган одам Аллоҳнинг бандаси эмас, ҳавойи нафсининг бандасидир. Шунинг учун Аллоҳ уни шайтоннинг хуржларидан ҳимоя қилмайди.

**— (Эй Муҳаммад), ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрмаганмисиз? Бас, уни Аллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?! (Жосия сураси. 23-оят)**

Бу оят ҳавойи нафсига топинган кимса Аллоҳнинг эмас, ҳавойи нафсининг бандаси эканлигини очиқ-ойдин айтиб турибди.

Шунинг учун ҳам Амр ибн Ос Пайғамбаримиз(с.а.в.)га шундай деганди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, шайтон мен билан намозимнинг ва намоздаги қироатимнинг орасига кирди!

Расул (с.а.в.) билдирдилар:

— Буни шайтон деб қўйипти! Уни бекорга «чўчқа» демайдилар. Уни ҳис этган чоғингда Аллоҳга сиҳин. Сўл тарафинга уч бора тупур!

Амр ибн Ос дейдики:

— Мен кейин шундай қилдим. Аллоҳуни мендан кетказди.

Яна шундай дедилар:

— Таҳорат асносида васваса берадиган бир шайтон бор. Отини «Валахон» дейдилар. Ундан Аллоҳга сиҳининг.

Шайтоннинг васвасасини фақат у васваса берган нарсдан бошқа бир нарсани зикр этиш

орқали дафъ қилиш мумкин. Чунки қалбга бир фикр кирганда, ундан олдин қалбда бўлган фикр чиқиб кетади, унинг ўрнини бу янги келгани эгаллаб олади. Шайтон Аллоҳдан ва Аллоҳга тааллуқли бўлган нарсалардан бошқа ҳар бало билан қалбга васваса сола олади. Фақат Аллоҳ номи ва Аллоҳга тегишли нарсалар зикр қилинаётган жойда шайтон васваса беролмайди. Ҳар нарса унинг зидди билан даволанади. Шайтон васвасаларининг зидди эса Аллоҳни зикр этиш, унга сиғиниш ва унинг мададига суюнишдир. Бу истакни «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир ражийм ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳил ъалийй-ил-ъазийм» жумлалари ифодалайди. Яъни шу жумлаларни айтган кимса шайтоннинг васвасасидан Аллоҳга сиғинмоқчи бўлаётганини ифодалайди. Бунга эса фақат Аллоҳнинг зикрини ўзларига шior қилиб олган тақводорларгина эриша оладилар. Довдираш-эсанкираш ва танглик-қийинчилик онларида шайтон йўлдан оздириш нияти билан уларнинг атрофида айланишади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ буюради:

— **Тақводорларни шайтон васвасасига учсалар, Аллоҳни ёдга оладилар, кейин (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар.** (*Аъроф сураси, 201-оят*)

Мужоҳид, «**васвасачи шайтоннинг ёмонлигидан**» (*Ан-Нос сураси, 4-оят*) мазмунидаги оят устида тўхталиб, дейдики:

— Шайтон васвасага солиш учун қалбда ҳозир у нозирдир. Аллоҳ зикр этилганда, у синади. Қалб ғофилликда қолган чоғида унга васваса солади. Аллоҳни зикр этиш билан шайтон васвасасининг қалбдаги аҳволини зулмат ила нур, кеча ила кундуз аҳволига ўхшатиш мумкин. Бу иккови бир-бирига зид бўлгани учун Аллоҳ буюради:

— **Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳни эслашни унуттирди. Ана ўшалар шайтон ҳизби-гурӯҳидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта шайтон ҳизби (бўлган кимсаларгина) зиён кўргувчилардир.** (*Мужодала сураси, 19-оят*)

Анас ибн Малик - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

- Шайтоннинг бурни одамзоднинг қалби устидадир. Агар киши Аллоҳни зикр этса, шайтон синади. Агар Аллоҳни унутса, шайтон унинг қалбини, албатта, қўлга олади.

— Шайтон одамзоднинг қон айланадиган томир йўлларида кезиб юради. У кезиб юрадиган йўлларни очлик қилиш орқали тикиб-тўсиб ташлаш мумкин.

Ҳадиснинг шарҳи қуйидагича:

— Очлик нафсоний орзуларни синдиради. Шайтоннинг йўллари эса нафсоний истак ва орзулардир. Нафсоний орзулар қалб атрофини ўраб олиши — бу ерда шайтон иш кўраётганини билдиради. Шунинг назарда тутиб, Аллоҳ билдирдики:

- **У (Иблис) айғди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни (Одам болаларини) кутиб ўтирурман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларида келиб (Тўғри Йўлдан оздирурман) ва (оқибатда) уларнинг кўпларини (берган неъматларингга) шукр қилган ҳолларида топмайсан»** (*Аъроф сураси, 16-17-оятлар*)

Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай дедилар:

— Шайтон кўп жиҳатдан одамзодга қарши чиқади:

Бошқа диндан Исломига ўтаётганда ичига ғулғула солиб дейдики:

— Эски динингни ва ота-боболаринг эътиқодини тарк этиб мусулмон бўлаётирсанми?

У шайтонга қулоқ солмай, мусулмон бўлади.

Сўнгра шайтон ҳижрат йўлида қаршисидан чиқиб, дейдики:

— Еринг-юртингни ташлаб, ҳижратга кетасанми? У яна шайтонга қулоқ солмайди. Ҳижратга кетади. Сўнгра жиҳод йўлида қаршисидан чиқиб, дерки:

— Жиҳод қияпсанми? Бу сендан молингни ва жонингни талаб қилади. Сен бошқаларни ўлдирасан, бошқалар сени ўлдиришади. Сўнг бошқалар хотинингни олади. Молингни тақсим қилишади.

Лекин мусулмон бунга ҳам ўзини олдирмайди, жиҳод қилади.

Аллоҳ Расули кейинроқ буюрдиларки:

— Ким бу босқичларнинг ҳаммасидан ўтса, Аллоҳ уни жаннатга қўйиши муҳаққакдир.

## МУҲАББАТ БИЛАН НАФСНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Суфён Саврий шундай дейди:

— Муҳаббат — Аллоҳнинг Расули(с.а.в.)га эргашмоқдир.

Муҳаббатни таърифловчи бошқа баъзи сўзлар:

—Муҳаббат — Аллоҳни доим ёдда тутишдир (ёки: Аллоҳни ҳеч қачон унутмасликдир).

—Муҳаббат — Аллоҳга бўлган севгини ҳаммасидан афзал билмоқдир.

Бу таърифларнинг барчаси муҳаббатнинг самарасига ишорадир. Вале муҳаббатнинг таърифи эмас.

Жунайд Бағдодий дейдики:

—Аллоҳ ёмонликни кўзлаган кишига муҳаббатни ҳаром қилди.

—Ҳар муҳаббат бир нарсанинг жавобидир. У нарса зоил қилинганда муҳаббат ҳам зоил бўлади.

Эй улуғ ва карам соҳиби бўлган Аллоҳ! Сенга бўлган муҳаббатимиз қалбимизнинг тўрида, Эй қабоқларимдан уйқуни қочирган Аллоҳ! Сен менинг бошимга келган ҳар нарсадан бохабарсан.

Робиа-и Адвиййа бир кун шундай деди:

— Бизни севгимизга ким етказди?

Чўриси унга шу жавобни берди:

— Севгимиз ўзимиз билан бирга. Лекин дунё бизни ундан айирди.

Ибн Жало (ҳижрий I ва III асрлар орасида ўтган мутасаввиф олимлардан) дерки:

Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга шундай ваҳий қилди:

-Мен банданинг қалбига қарайман. Агар уни ҳеч қандай севги билан тўлмаган ҳолда топсам, ўз севгим билан тўлдираман ва уни эҳтиётлаб, ўзимга дўст қилиб оламан.

Иброҳим ибн Адҳам шундай дуо ўқир эди:

-Эй Раббим, менга икром юзасидан ато этган муҳаббатинг, зикринг билан менга кўрсатган яқинлигинг, беқиёс буюклигингни англай олишим учун берган фурсатингни жаннат билан қиёс қилсам, жаннатинг менинг олдимда бир оддий пашша қанотичалик ҳам қимматга эга эмас.

Сиррий (Сиррий Сақотий (550-изоҳга қаранг).) дейдики:

— Аллоҳни севган яшайди. Дунёни севган мўлжалга етолмайди. Аҳмоқ ҳаётини бекор ўтказди. Оқил эса, ўз айб ва нуқсонларини топган ё топмаганлигини тадқиқ этади.

НАФСНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ: Аллоҳ инсонга нафс ҳисоб-китобини (ўз-ўзига ҳисоб беришни) амр этгандир.

Аллоҳ буюради:

— **Эй мўминлар, Ачлоҳдан қўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (қиёмат қуни) учун нимани тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.** (Ҳашр сураси, 18-оят)

Бу оят нафсинг қилган амаллари учун ҳисоб-китобга тортилажагига ишора қилаётир. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Умар дейдики:

— Ҳисоб-китобга тортилмасдан олдин ўзингиз нафсингиз билан ҳисоблашинг. Амалларингиз тарозига солинмасдан бурун уларни ўзингиз тортиб кўринг.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурига бир одам келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг!» - деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Насиҳат истайсанми?» - дедилар. У одам: «Ҳа!» - деди. Расул (с.а.в.) буюрдиларки:

— Қилаётган ишингнинг якуни ҳақида ўйла. Агар фойдали бўлса, давом эттир. Охири

қандайлиги қоронғи бўлса, тарк эт.

Айтадиларки:

— Киши кунига бир маҳал ўз нафсини тергаб қўйиши керак.

Аллоҳ шундай буюрди:

— **Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинг, эй мўминлар!Шоядки (шунда) нажот топсангизлар.** (Нур сураси, 31-оят)

Тавба «ёмон феъл-атвор билан қилинган ишдан афсус-надомат қилмоқ» демақдир, Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳа-мат қилдиларки:

— Мен кунда юз марта Аллоҳга тавба ва истиғфор қиламан.

Аллоҳ буюрди:

— **Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас (Тўғри Йўлни) кўра бошлайдилар.** (Аъроф сураси, 201-оят)

Баъзи буюкларнинг сўзлари:

— Ҳз. Умар кеч бўлганда оёқларини ерга урар ва нафсига: «Бугун нима қилдинг?» дер эди.

Маймун ибн Миҳрон (машҳур тобеин. Тасаввуф олимларидан; тўлиқ исми Абу Айюб Маймун ибн Миҳрондир. Куфада туғилган. Ал-Жазирада яшаган. Вафоти ҳ. 117 й. (80 ёшида)):

— Киши шерикчилик билан иш қилаётганда шеригини тергаганга нисбатан ўз нафсини қаттиқроқ тергамагунча тақводорлар қаторида бўлолмайди.

Ҳасан Басрий:

— Мўмин деган ўз нафсининг ҳоқими бўлмоғи керак. У нафсини Аллоҳ учун ҳисоб бердиради. Дунёда нафс билан ҳисоб-китоб қилганларнинг охиратдаги ҳисоб-китоби осонроқ ўтади. Нафс билан ҳисоб-китоб қилмай, умрини тугатганлар қиёмат куни ҳисоб берганда мушкул аҳволда бўладилар. Ҳасан Басрий нафс ҳисоб-китобини шундай изоҳлайди:

1. Ёмон амал қилишдан олдин: Мўмин ўзи беҳабар, кутилмаганда, нохуш бир иш билан юзма-юз келиб қолганда, шундай фикр қилади:

— Бу иш мендаги соғлом ақлга тўғри келмаяпти. Воқеа таъсирида шу ишни қилишга эҳтиёж сезяпман. Лекин номаъқул ва ношаръий бу амални қилмайман.

2. Ёмон амал қилиб қўйгандан кейин: Мўмин қандай тарзда юз берганлигидан қатъи назар, гуноҳ бир иш қилиб қўйса, нафсига мурожаат қилиб, шундай дейди:

— Нима ният билан шу ишни қилдинг? Қасам ичиб айтаманки, шу амал туфайли мен асло маъзур тутилмайман. Аллоҳ ҳаққи учун, худо хоҳласа, энди бундай гуноҳ иш қилмайман.

Анас ибн Молик — Аллоҳ ундан рози бўлсин – ҳикоя қилади:

- Бир кун Ҳз. Умар ташқари чиққан эканлар, мен ҳам чиққандим. У киши бир ҳовлига кирдилар. Орамизда бир девор бор эди. Халифа Умар у ерда ўз-ўзига шундай дедилар:

- Хаттоб ўғли Умар!.. Мўминларнинг амири!.. Яхши, яхши!.. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки ё сен Аллоҳдан қўрқ, ё сени Аллоҳ жазолагай!..

— **«Мен маломатгўй нафсга қасам ичурманки, (ҳеч шак-шубҳасиз, қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсизлар)»** (Қиёмат сураси, 2-оят) мазмунидаги оят узра тўхталиб, Ҳасан Басрий дерки: —Мўмин ҳар доим ўз еганлари, ичганлари ва сўзлаганлари борасида нафси билан ҳисоб-китоб қилиб боради, бу ишни ҳеч орқага ташламайди. Фожир (бузуқ, гуноҳ қилишдан тоймайдиган киши) эса, умри тугаб битса ҳам, бирон марта бўлсин, нафси билан ҳисоб-китоб қилмайди.

Молик ибн Динор:

— Аллоҳнинг раҳмати насиб айласин шундай кишиларгаки, улар ўз нафсларига шундай дерлар:

— Сен шундай ёмон феълли, ёмон амалли эмасдинг-ку?! Шундай дегандан сўнг нафсларини тизгинлаб, юзини ўгириб олиб, уни Аллоҳнинг китоби - Қуръоннинг ахлоқ асосларига боғлайдилар. Шу тариқа, Қуръоннинг ахлоқ асослари улар учун «қаноатланарли» бўлади.

Иброҳим Тамимий ҳикоя қилади:

- Жаннатда нафсим менинг вакилим қилинди. Жаннат меваларидан еб, даррёларидан сув ичиб, бошқа неъматларидан баҳраманд бўлиб завқланардим. Сўнгра, бирдан нафсим жаҳаннамда вакилим қилинди! Заққумларидан еб, йирингли сувларидан ичиб, занжиру кишанларда жазойимни олаётган эдим. Нафсимдан: «Қалайсан энди? Бирон хоҳишинг борми яна?» деб сўрадим. «Қани энди, дунёга такрор қайтарилсаму, солиҳ амаллар қилаётган бўлсам!» - деди. Мен эса унга: «Сени паноҳига олувчи бор, модомики яхши хаёлда экансан, ноумид бўлиб ётма, дарҳол солиҳ амалга кириш!» - дедим.

Молик ибн Динор ҳикоя қилади:

Ҳажжож Золимни эшитдим, хутба ўқиётганда шундай деди:

- Ҳисоб-китоби бошқалар қўлига ўтиб кетмасдан бурун ўзи нафси билан ҳисоб-китоб қилганларга Аллоҳнинг раҳмати насиб этсин. Аллоҳнинг раҳмати насиб этсин яна у кимсагаки, амалларининг тизгинини қўлга олиб, кимни хурсанд қилиш учун ишлаётганини назорат қилса... Тош-тарозини кузатиб турган кишиларга Аллоҳнинг раҳмати насиб этсин.

Ҳажжож шундай давом этарди. Унинг сўзлари мени йиғлатди.

### **ҲАҚ БИЛАН БОТИЛНИ АРАЛАШТИРМОҚ**

*(Тўғри билан бузукни, ҳаром билан ҳалолни фарқламаслик)*

Ибн Йасор (акобир етти тобеиндан бири, тўлиқ исми Абу Айюб Сулаймон ибн Йасор ал-Хилолийдир. Вафоти ҳ. 104 й) ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

- Инсонлар шундай замонларга етиб борадиларки, у пайтларда баданларни ёпиб турадиган либослар қандай эскириб, чиригани сингари инсонлар қалбида ҳам Қуръон шу тарзда эскириб, чирийди. Аллоҳдан қўрқмайдиган бу инсонларнинг бутун хатти-ҳаракатлари биргина нарса — тамаъга қаратилган бўлади. Бир одам бир яхшилик қилиб қолса: «Бу яхшиликни мен қилдим, бу — мақбул бўлиши турган гап!» деб керилади. Ёмонлик қилса (гуноҳ иш қилса), «Аллоҳ мени афв этади!» - деяверади.қф

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳадисда, инсонлар Қуръоннинг қўрқитувчи оятларини ва ундаги бошқа жиҳатларни билмаганлари учун, қалбларини Аллоҳ қўрқуви ўрнига тамаъ эгаллашини хабар қилганлар. Бу фикр насронийлар тўғрисида Қуръонда шундай хабар қилингандир:

**— Улардан сўнг Китобга (Тавротга) меросхўр бўлган бир авлод келадики (яъни насронийлар келадики), улар бу тубан дунё нарсаларини (ҳалол, ҳаромлигига қарамай) оладилар ва: «Албатта бизлар мағфират қилинурмиз», - дейдилар. Ҳолбуки, агар яна ўшанга ўхшаган нарса келиб қолса, уни ҳам олаверадилар. Ахир улардан олдинги китобда (Тавротда) Аллоҳ шаънига фақат ҳақни айтишлари борасида аҳд-паймон олинмаганмиди? Ундаги оятларни ўқиб ўрганган эдиларку!**  
*(Аъроф сураси, 169-оят)*

**— Парвардигори (ҳузурда) туришидан қўрққан киши учун икки жаннат бордир.**  
*(Раҳмон сураси, 46-оят)*

**— Бу менинг ҳузуримда туришдан қўрқувчи ва Менинг ваъдамдан хавф қилгувчи кишилар учундир.** *(Иброҳим сураси, 14-оят)*

Қуръон бошидан охиригача ана шундай хушёрликка чақирувчи ва қўрқитувчи оятлар билан тўла. Қуръонга иймон келтирган ва ундаги оятларнинг маъзини чаққан бирон бир мутафаккир йўқки, узундан-узоқ хаёлларга толиб, маънос тортмаган бўлса, беадад даҳшатга тушмаган бўлса... Инсонлар Қуръон борасида ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни айтадилар. Қуръон ўқиркан, ҳарфларни (товушларни) махражларидан (оғиз билан бўғизнинг турли жойларидан) чиқаришга алоҳида эътибор берадилар. Устун (забар)га, асраъга ўтраъга кўпроқ диққат қиладилар. У мухтарам бечоралар гўё араб шеъриятининг энг гўзал бир намунасини ўқиётгандай ўқийдилар. Маъносини ўйлаш, унга амал қилиш масаласи гўё уларга ҳеч алоқасиз бир гапдай. Дунёда бундан ҳам ортиқ чалғиш бўладими?

Уларнинг ичида ўзгарувчан яна бир тоифа бор. Бу тоифа ибодат ҳам қилади, гуноҳ ҳам қилаверади!.. Фақат гуноҳлари ибодатларидан кўпроқ. Лекин улар мағфиратни кутадилар ва яхши амаллари устунроқ деб топилишига ишонадилар. Ҳолбуки, тарозининг гуноҳлар палласидаги юклари кўпроқ. Бундай тарозининг гуноҳлар палласидаги юклари кўпроқ бўлгани ҳодда, мағфират кутиб, яхши амаллар (савоблар) палласининг оғир босишига ишонмоқ жаҳолатнинг сўнгги парда-сидир. Масалан, бу тоифа инсонлардан бирини олайлик. Бу киши ҳалол ва ҳаром фойдаларининг йиғиндисиди бунёд бўлган давлатидан бир неча чақасини, боринг ана, тангаси ё динорини садақага бериб, савоб истайди. Ҳолбуки, бошқа томондан, унинг муслмонлардан қўлга киритган фойдалари ва шубҳали бойликлари, берган ана шу чақаларидан бениҳоя ортиқ. Эҳтимолки, садақа тарзида берган ана шу пуллари бутунлай бошқаларнинг ҳақидир, яъни ғайриқонуний бойликдир. У садақа қилиб берган шу бир неча чақасига ишонади ва ҳаромдан топилган минглаб динорга жавобан, ҳаром ва ҳалол фойдадан ўн динор берса, бу ўн динорлик садақа минг динорлик ҳаром фойданинг гуноҳини ювиб юборади, деб ҳисоблайди. Бу тарозининг бир палласига ўн мисқол, бошқа палласига эса юз мисқол юк қўйиб, оғир паллани енгил палла даражасига келтирмоқчи бўлган кишинингҳолига ўхшайди. Бу ҳол у кимса жаҳолатнинг энг баланд чўққисиди эканлигини кўрсатади, холос.

Ҳақ билан ботилни аралаштирган баъзи бир гуруҳлар савоблари гуноҳларидан кўпроқ деб ўйлайдилар. Булар нафс билан ҳисоб-китоб қилмайдиган кимсалардир. Улар гуноҳ-ларини назорат остида тутмайдилар. Аммо бирон савоб иш қилсалар борми, буни дафтарларига ҳеч ўчмайдиган қилиб ёзиб қўядилар. Лекин қилган гуноҳлари ҳеч дафтарга туширилмайди. Масалан, тили билан Аллоҳга истиғфор қилади ёхуд кунда юз карра Аллоҳни тасбиҳ этади, шундан кейин эса муслмонлар тўғрисида ғийбат қилади. Тили билан уларнинг ор-номусларини парчалайди (ор-номусларига доғ туширади). Бутун кун бўйи ҳеч уялмай-қўрқмай Аллоҳ рози бўлмайдиган бемаъни сўзларни ишлатади. Ишлатса ишлатибди, хўш, нима бўпти? «Астағфируллоҳ»ни унутгани йўқ-ку?! Кунда юз марта такрорласа, қутулиб кетишига ишонади. Ҳолбуки, кун бўйи бемаъни сўзларни ундан ҳам кўпроқ ишлатганидан хабари ҳам йўқ. Агар бу бемаъни сўзлари ҳам ёзилиб борган бўлсайди, айтган тасбиҳлари ва қилган истиғфорлари юзта бўлса, булар мингталигини кўрарди. Ваҳоланки, унинг барча бемаъни сўзларини «Ёзувчи фаришталар» қайд қилиб қўйишган. Аллоҳ эса ҳар куфр калимага жавобан бир жазо ваъда қилган. Мана унинг буюргани:

— **У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир у нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта) у сўзни ёзиб олур.** (Қоф сураси, 18-оят)

Лекин у Аллоҳга қилган «Тасбиҳ ва таҳлил»ларининг фазилатлари ва савобларини ҳеч қачон хаёлидан қочирмайди. Ғийбатчиларга, ёлғончиларга, тухматчиларга, икки юзли мунофиқларга... бериладиган жазоларга ҳеч эътибор бермайди. Бу ҳол, тўла алданишдир. Агар у кишининг куфр сўзларини ёзиб боровчи малаклар ўз котиблик вазифаларининг маошини ундан сўрашайди, турган гапки, у киши тилини бундай куфр сўзлардан тийиб юрган бўларди. Ҳаттоки, котиблик харжи кўпайиб кетмасин деб, бир қанча муҳим мажлислардан ҳам воз кечар, мажбурий мажлисларда бекорчи гапларни эшитиб, сиқилиб кетарди. Шунақа, у бечоралар котиблик харажатлари ошиб кетмасин, деб бундай зарурий мажлисларда сиқилиб кетсалар ҳам Аллоҳ тақиқтаган куфр сўзлардан қочмайдилар. Фирдавс жаннатини ва неъматларини қўлдан чиқармаслик учун кундалик ҳаётда ва суҳбат-ларда тилга эҳтиёт бўлиб сўзлашга ҳаракат қилмайдилар. Бу ҳол, тушунганлар назарида, аслида катта бир бахтсизликдир. Бу ҳол бизни шундай ҳукм чиқаришга бошлайди:

— Агар Қуръонга шубҳамиз бўлса, иймонсизларданмиз. Йўқ, тасдиқ эта туриб шундай қилаётган бўлсак, аҳмоқ мағрурлардан. Ва ҳар икки ҳолда ҳам, қилаётган ишимиз Қуръон ҳукмларини тасдиқ ва қабул қилган одамларнинг иши эмас.

Ё Аллоҳ, бизни иймонсизлар сафида бўлишдан ўзинг асра!..

## ЖАМОАТ БИЛАН БИРГА НАМОЗ ҲАМ ҲАМОНИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдилар:

— Жамоат билан ўқилган намоз, ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баравар фазилатлироқдир.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Бир дафъа талайгина кишилар жамоат билан ўқиладиган намозга келмаган эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларки:

— Бир ора - намоз ўқитишни бирон кишига қолдирсам-у, бориб намозга келмаганларнинг уйлариини бошларига йиқсаммикин деб ўйладим.

Ҳз. Усмон — Аллоҳ ундан рози бўлсин — айтади:

— Ким ҳуфтон намозини жамоат билан ўқиса, у кечанинг ярмини ибодат билан ўтказган бўлади. Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, у бутун тун бўйи ибодат қилган бўлади.

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Ким намозни жамоат билан ўқиса, кўксини ибодатга тўлдирганидир.

Баъзи буюкларимизнинг тарзлари ва сўзлари: Ҳасан Басрий:

— Олимлар билан ҳамдард бўлмаган кишининг орқасида намоз ўқимайман.

Наҳойи:

— Етарли илми бўлмагани ҳолда одамларга имомлик қилган кимсанинг ҳоли денгизда гирдобга тушган кишининг ҳолига ўхшайди ва қай бири устуну қай бири тубанлигини айириш қийин.

Ибн Аббос (Аллоҳ ундан рози бўлсин):

— Ким азонни эшитиб туриб, ижобат қилмаса, демак, у яхшилиқни мурод қилмайди ва яхшилиқ ҳам унга яқин йўламайди.

Абу Ҳурайра (Аллоҳ ундан рози бўлсин):

— Одамзоднинг қулоғига эритилган қалай қуйилгани — азонни эшитиб унга ижобат қилмаганидан яхшироқдир.

Маймун ибн Маҳрон жамоат билан намоз ўқиш учун жомега борган эди. Унга ҳар ким ҳар хил мақсад билан тар-қалиб кетганини айтишди. Маймун шундай деди:

— Биз Аллоҳ учунмиз ва Аллоҳга қайтамиз. Жамоат билан ўқилган намоз мен учун Ироқ вилоятига бориб келишдан ҳам ёқимлироқ.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Ким, такбир бошланишига ҳам етиб бориб қирқ кун жамоат билан бирга намоз ўқиса, Аллоҳ унинг учун икки бедахллик ёзади: бир бедахллик нифоқдан, иккинчиси жаҳаннамдандир.

Дерларки:

— Қиёмат куни бўлганда бир гуруҳ инсонлар юзлари порлоқ юлдуздай ҳодда ҳашр этиладилар (тўпланадилар). Малаклар улардан:

— Дунёда қандай амаллар қилгандинглар? - деб сўрайди.

Улар жавоб берадилар:

— Биз азонни эшитган заҳоти таҳорат олардик. Бу пайтда бошқа бирон машғулотимиз бўлмас эди.

Сўнгра, юзлари тўлин ойдай ёруғ бўлган бир гуруҳ инсонлар ҳам келадилар. Малаклар сўрашади:

— Амалларингиз нималар эди?

— Вақт кирмасдан олдин таҳорат олардик! — деб жавоб беради улар.

Кейин яна бир гуруҳ инсонлар келади. Юзлари қуёшдай порлайди.

— Амалларингиз нималар эди? — Малаклар яна ўша саволни беради.

Улар жавоб берадилар:



—Азонни жомеда эшитардик!

## ТУНГИ НАМОЗНИНГ ФАЗИЛАТИ

Оятлар:

—(Эй Муҳаммад), албатта Парвардигорингиз сиз ва сиз билан бирга бўлган кишилардан иборат тоифа (яъни саҳобаларингиз) гоҳо кечанинг учдан иккисидан озроғида, (гоҳо) унинг ярмида ва (гоҳо) учдан бирида (бедор бўлиб, намозда) туришларингизни билур. Кеча ва кундуз (соатлари)ни Аллоҳ белгилар. У зот (фасллар ўзгариши билан кечалар ҳам узун-қисқа бўлиб туриши сабабли сизлар у кечаларда бедор бўлишларингиз лозим бўлган соатларнинг) саноғига ета олмасликларингизни билиб, сизларга қайта енгиллик берди. —Энди (кечалари намозларингизда) Қуръондан муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар. У зот сизларнинг орангизда (кечалари бедор бўлишга қуввати етмайдиган) беморлар бўлишини, бошқалар Аллоҳнинг фазл — марҳаматидан (ризқ-рўз) истаб Ер юзида (яъни унинг турли томонларига) сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Аллоҳ йўлида жангга чиқиб кетишларини билади. Бас, (ўзларингизни қийнамай Қуръондан) муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар. Ва намозни тўқис адо этинглар ва (бечора-мискинларга хайру саховат қилиш билан) Аллоҳга қарзи ҳасана беринглар! Ўзларингиз учун тақдим қиладиган ҳар бир яхшилиқни (қиёмат кунини) Аллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улуғроқ ажр-мукофот ҳолида топурсизлар. Аллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир. *(Муззаммил сураси, 20-оят)*

- Албатта кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш (тун уйқу-ором вақти бўлгани сабабли) жуда оғир юқдир ва (лекин у пайтда кундузги безовталиқлар бўлмагани учун) энг тўғрисиқдир. *(Муззаммил сураси, 6-оят)*.

—Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. *(Сажда сураси, 16-оят)*

—Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмтик турган ҳолда тоат-ибодат қилгувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши билан куфру исёнга фарқ бўлган кимса баробар бўлурми?! Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар. *(Зумар сураси, 9-оят)*

—Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва (жойнамоз устида) тик туриб — бедор ўтказадиган кишилардир. *(Фурқон сураси, 64-оят)*

—Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. *(Бақара сураси, 153-оят)*

Сўнги оятда айтилган «намоз» калимасида тунги намоз назарда тутилган дейишади. Ҳадислар:

— Одам ухлаб қолганда, шайтон унинг тепасига келиб, бошининг орқа томонини уч тугун билан тугиб қўяди. Ҳар тугунни тугаётганда «Кечанг узун бўлсин!» - дейди ва бир уриб, уйқусини тошдай қилиб қўяди. Агар киши уйғониб қолса, дарҳол Аллоҳни зикр этсин, шунда тугунлардан бири ечилади. Агар ўрнидан туриб, таҳорат олса, иккинчи тугун ҳам ечилади. Намоз ўқиса сўнги тугун ҳам ечилади; тонгни мамнун-масрур ва пок-покиза бўлиб кутиб олади. Агар буларни қилмаса, тонгда жирканч бир танбаллик билан уйғонади.

Ривоят қилинишича, бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурида бутун тун бўйи тонггача ухлаган одам тўғрисида баҳс очилиб қолади. Расулulloҳ (с.а.в.) айтдиларки:

- У шундай одамки, шайтон унинг қулоғига бавл қилиб кетган.

Жобир - Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

— Бирон киши кечаси туриб, икки ракъат намоз ўқиса, бу унинг учун дунё ва дунёдаги бошқа нарсалардан хайрлироқдир. Агар менда, умматимни қийнаб қўяман, деган андиша бўлмасайди, бу икки ракъатни уларга фарз қилардим.

-Туннинг шундай ажойиб бир бўлаги бор. Қайси бир бандаи мўмин туннинг шу соатига дуч келиб қолса ва Аллоҳдан бир хайр тиласа, Аллоҳ тилаганини, албатта, беради.

Муғира ибн Шўъба (саҳобалардан. Хусусан, ҳ. 9 (мил. 630) йилда юз берган Табук жангида Расулulloҳ с.а.в. билан бирга эди) ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.) тун бўйи шу қадар кўп намоз ўқигандиларки, тиззалари чақа бўлиб кетган эди. Ул муборак зотдан: «Аллоҳ ўтмишдаги ва келажакда қилишингиз мумкин бўлган гуноҳларингизни афв этмадими?» деб сўрадик. Шунда жавоб бердилар :

— Раббимга шукр қиладиган банда бўлмайми?

Ҳадиснинг маъносидан сезилиб турибдики, бу ерда юқори рутбадаги кишиларга киноя ҳам бор. Чунки шукр аксар ҳолларда зиёдалиқдан кейин айтиладиган калимадир. Аллоҳ шундай буюрган:

— **Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар берган неъматларимга ШУКР қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир. (Иброҳим сураси, 7-оят)**

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Эй Абу Ҳурайра! Ҳаётда экансан, ўлганингда, қабрда экансан, тирилтирилиб қабрдан турғазилган пайтингда Аллоҳнинг раҳмати устингга ёғилишини истайсанми? Ундай бўлса, кечаси ўрнингдан тур. Раббингни рози қилиш учун намоз ўқи. Эй Абу Ҳурайра, уйингнинг гўшаларида шундай кўп намоз ўқигинки, дунё аҳлининг назарида уйингнинг нури юддузлар нуридай кўкларда бўлсин!..

-Тунда намоз ўқинг. Чунки тунги намоз сиздан олдин ўтган солиҳларнинг одатидир. Тунги намоз, бу Аллоҳга яқинлашишдир, гуноҳларга каффоратдир, вужуддан ёмон феъл-хўйларни ҳайдайти, гуноҳларга монё бўлади.

— Ҳар бир кимса тунда намоз ўқиганда — намоздан кейин уни уйқу босади, лекин шуни унутмангки, унинг намозига савоб ёзилгандан ташқари, уйқуси ҳам садақа деб саналади!

Аллоҳ Расули — Аллоҳнинг саломии устларига ёғилсин — Абу Зардан сўрадилар:

— Бир сафарга чиқмоқчи бўлсанг сафарга ҳозирлик кўрасанми?

- Ҳа, - деди Абу Зар.

Расул (с.а.в.) сўрадилар:

— Хўш, қиёмат йўлчилиги қандай бўлиши керак! Эй Абу Зар! Сенга бу йўлчиликда фойдаси тегадиган нарсалардан айтайми?

- Ҳа, айтинг, ота-онам сизга фидо бўлсин, - деди Абу Зар.

Расул (с.а.в.) буюрдилар:

-Қиёмат куни учун, энг иссиқ кунда рўза тут. Қабрда қўрқмаслик учун, тун қоронғилигида икки ракъат намоз ўқи. Катта ишларим вожиб бўлсин десанг ҳажга бор. Йўқсулга садақа бер, керакли жойда ҳақ сўзни айт ва ёки бўлмағур бир сўзни айтгинг келганда сукут сақла - бу ҳам садақага ўтади!

Ровийлар ҳикоя қиладилар:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) замонида бир одам бор эди. Ҳамма ётоғига чекилиб, ухлаган паллада у ўрнидан турар, намоз ўқир, Қуръон тиловат қилар ва: «Аллоҳим, мени жаҳаннам балосидан асра!» деб илтижо этарди. Бу, Пайғамбаримиз (с.а.в.)га хабар қилинди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «ундай бўлса, уни ҳузуримга юборингиз!» дедилар. У одам келди.

Жимгина гап кутиб турди. Даставвал ундан сўралган гап шу эди:

- Эй фалончи, Аллоҳдан жаннат сўрадингми!

У одам жавоб берди:

— Эй Аллоҳнинг Расули, мен жаннатилардан эмасман.

Қилган амалларим у ерга олиб бормади.

Орадан кўп ўтмади. Жаброил алайҳиссалом келиб, у одам ҳақда деди:

- Фалончига хабар бер. Аллоҳ уни дўзах азобидан халос этди.

Айтишларича, бир кун Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз (с.а.в.)га деди:

— Ибн Умар қандай гўзал одам. Қанийди энди тунда ҳам намоз ўқиса!

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳақда унга хабар берди. Шундан кейин ибн Умар кеча намозини доим ўқийдиган бўлди. Нофий (дастлабки шайхлардан. Имом Молик (135-изоҳга қаранг) унинг муридларидан биридир. Вафоти ҳ. 117 й) дерки:

- Ибн Умар тун намозини уқирди. Сўнг: «Эй Нофий, саҳар вақти келдимиз?» дерди. «Иўқ!» дердим. У, яна намоз бошларди. Бир оздан сўнг: «Саҳар вақти бўлдими?» дея яна сўрарди. Мен: «Ҳа» дердим. У ўтириб, тонготаргача Аллоҳга истиффор этарди.

Ҳз. Али - Аллоҳ унинг юзини мукаррам қилсин - ҳикоя қилади:

— Бир сафар Яҳё алайҳиссалом яхшилаб арпа нонга қорин тўйғазганди. Ухлаб қолди. Тунги зикрини адо этолмади. Шу тариқа тонг отди. Аллоҳ унга шундай ваҳий этди:

— Эй Яҳё, сен менинг уйимдан хайрлироқ уйми, менга кўшниликдан яхшироқ кўшниликни топмадингми? Иззатим ва жалолим ҳаққи, эй Яҳё, агар ҳақиқатан Фирдавс жаннати нималигини билсайдинг, ҳеч шубҳасиз, вужудинг ёғи эрир, нафсинг жаннат иштиёқи билан йўқ бўлар эди. Агар ҳақиқатан жаҳаннам нималигини билсайдинг, ёғинг эриб, кўзёшларинг битгандан кейин йирингли қон тўкиб йиғлардинг. Газмол ўрнига тери киярдинг.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

—Кечалари туриб намоз ўқийдиган эркакларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин. Бундайлар кейин хотинини ҳам турғазади, у ҳам намоз ўқийди. Агар турмаса, юзига сув сепади.

—Кечалари туриб, намоз ўқийдиган хотинларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин. Бундайлар, кейин эрини ҳам турғазади, у ҳам намоз ўқийди. Агар турмаса, юзига сув сепади.

—Кечаси уйғониб, хотинини ҳам уйғотиб, икки ракъат намоз ўқиганлар Аллоҳни жуда кўп зикр этган эркаклар ва хотинлар тоифасидан деб ёзиладилар.

—Фарз намозларидан кейин энг фазилатли намоз тунда ўқилган намоздир.

Ҳз. Умар ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

—Кимда-ким Аллоҳ зикрини адо этолмай ухлаб қолса, уни бомдод намози билан пешин намози орасида ўқисин, шунда ўша зикри тунда адо этилган зикрдай савоб топади.

## ЁМОН ОЛИМЛАРНИНГ ЖАЗОСИ

«Ёмон олимлар» деганда, «дунё неъматларидан завқланиш, дунё аҳли ёнида каттароқ мартаба, мансабга ўтириш» мақсадида илм олган кишиларни назарда тутганмиз.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

— Қиёмат куни энг қаттиқ жазо оладиган кимса шундай олимки, Аллоҳ уни илмидан фойдалантирмайди.

— Илмига амал қилмаган киши олим бўлолмайди.

Икки илм бор:

1. Тилдаги илм. Бу — Аллоҳнинг мавжудотларга юклаган ҳужжати, далилидир.

2. Қалбдаги илм —фойдали илм мана шудир.

— Охир замонда жоҳил обидлар (ибодат қилувчилар) ва фосиқ (фисқ-фужур билан

шуғулланувчи) олимлар бўлади.

—Олимлар қаршисида мақтаниш (ғурурланиш) ва жоҳиллар билан баҳслашиш ва инсонларнинг обрў-эътиборида бўлиш учун илм олманг. Ким шундай ниятда таҳсил олса, унинг жойи жаҳаннамдадир.

—Ким илмини яширса (бошқаларга ўргатмаса) Аллоҳ уни олов тизгин билан тизгинлайди. Эй умматим ва асҳобим, мен сизнинг бошингизга келадиган дажжолдан бошқа бир нарсдан қўрқаман ва ундан дажжолга нисбатан кўпроқ қўрқаман!

—Нима экан у, дажжолдан бошқа нарса? — деб сўрашди йиғилганлар.

—Дедилар:

— Тўғри йўлдан оздирувчи йўлбошчилар!..

— Кимнинг илми ортса-ю, ҳидояти ортмаса, унинг фақат Аллоҳдан узоқлиги ортади.

Ҳз. Исо дерки:

— Тун қоронғилигида ўзингиз ҳам йўлни аниқ кўрмаётган бўлсангиз, кетаётганларга уни қандай таърифлайсиз?

Бу ва бунга ўхшаш хабарлар илмдан келадиган таҳлика (яъни илмнинг масъулияти) катталигини кўрсатади. Чунки олим ё абадий фалокатга, ё абадий саодатга урилади. Яъни илми билан ё абадий саодатга эришади ё абадий фалокат остида қолади. Агар олим илми чуқур эгаллаш билан саодатга эришолмаса, у ўзига ўзи тани соғлиқ-хотиржамликни ҳаром қилган бўлади.

Ҳз. Умар шундай дейди:

— Мен ҳаммасидан ҳам бу умматнинг бошига мунофиқ-олим келишидан кўпроқ қўрқаман.

Йиғилганлар сўрашади:

—Мунофиқ олим қандай бўлади? Жавоб беради:

—Тили олим, қалби жоҳил; илмига амал қилмайди!

Бу мавзуда баъзи олимларнинг сўзлари:

Ҳасан Басрий:

— Олимларнинг илмини, файласуфларнинг назарияларини тўплаб, амалда нодонлар даражасида иш кўрувчилардан бўлма!

Бир киши Аллоҳ рози бўлгур Абу Ҳурайрага шундай деди:

— Мен илм ўрганмоқчиман, лекин уни зое қилишдан қўрқаётирман!

Абу Ҳурайра шу жавобни берди:

— Илми ташлаб кетиш билан уни зое этишнинг бир-биридан фарқи оздир (яъни илми ўрганмаслик ҳам, ўрганган илми зое этиш ҳам бир хил даражада айбдир).

Иброҳим ибн Убайда (ҳижрий II-III асрларда яшаган шайхлардан)дан сўрадилар:

— Энг кўп пушмонлик ҳис қиладиган инсон ким? (Инсонларнинг энг кўп пушаймон бўладигани ким?)

Жавоб берди:

— Бу дунёда: илмига амал қилмаган олимлар.

Халил Ибн Аҳмад(ҳижрий II асрда яшаган мударрис ва олимлардан. Улуғ араб имоми Сибовайх унинг муридларидан бири. Ҳаммод ибн Салама (вафоти ҳ. 167 й.)нинг замондоши):

Инсонлар тўртга бўлинади:

Биринчиси: Билади. Билишини ҳам билади. Бу — олим. Унга эргашинг.

Иккинчиси: Билади. Лекин билишини билмайди, билганидан хабари йўқ. Бу уйқуда. Уни уйфотинг.

Учинчиси: Билмайди. Лекин билмаслигини билади. Билмаслигини фарқлайди. Бу — иршодга муҳтож. Уни иршод қилинг.

Тўртинчиси: Билмайди. Билмаслигини ҳам билмайди (жоҳили мураккаб). Ўзини аллома ҳисоблайди. Бу — жоҳил. Ундан қочинг.

Суфён Саврий:

-Илм амални чақиради. Агар ижобат этса, илм қолади. Ижобат этмаса, илм кетиб қолади.

Ибн Муборак:

-Киши илм ўрганишда давом этаётган паллада олимдир. Олим бўлдим, энди бас, деб хулоса чиқарган чоғидан бошлаб жоҳилдир.

Фузайл ибн Иъёз:

Кишилар орасида уч хилига кўпроқ ачинаман:

1. — Олдин халқининг йўлбошчиси бўлиб, кейин хор бўлган кишига.

2. — Олдин бой, кейин фақир бўлган кишига.

3. — Дунё ўйинчоқ қилиб ўйнаган олимга.

Ҳасан Басрий:

-Олимларнинг жазоси — қалбларининг ўлганидир. Қалбнинг ўлиши эса, илми ва ухровий амаллари бўла туриб, дунёвий ниятлар кетида юрганидир.

-Ҳайронман, хато йўлга ҳидоятни сотганларга! Дини бўла туриб дунёсини сотиб олган кишиларга янада ҳайронман. Бу иккисидан ҳам бешбаттар ҳайрон қиладигани эса динини ҳам, дунёсини ҳам сотганлардир...

Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

- Олимга қанчалик кўп азоб берилса ҳам, жаҳаннам аҳли . бу азоблар шиддатини орттириш учун яна унинг атрофида айланишади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ерда фожир-фосиқ олимни назарда тутганлар.

Усома ибн Зайд ривоят қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман, шундай дегандилар:

-Қиёмат куни олимни олиб келиб, дўзахга улоқтирадилар. Ичаклари ташқарига пириллаб чққапт». Мушук ўз думининг кетидан қувиб айлангандай, олим ичаклари кетидан айланади. Жаҳаннам аҳли унинг атрофига тўпланади. Ундан сўрайдилар:

— Сенга нима бўлди?

У жавоб беради:

— Дунёда мен яхши ишлар қилишни амр этардим, аммо ўзим яхши иш қилмасдим. Гуноҳдан ҳам қайтарардим-у, лекин ўзим гуноҳ қилаверардим.

Олим азобининг устма-устлигига сабаб — ҳақни била туриб, Аллоҳга исён қилганлиги, Унинг амрларига қарши чиққанлигидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ айтади:

— **Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мадаккор топа олмайсиз.** (Нисо сураси, 145-оят)

Чунки мунофиқлар билганлари ҳолда инкор этадилар. Аллоҳ буюради:

— **Биз китоб ато этган кимсалар (яхудий ва насронийлар) Уни (Муҳаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. (Яъни ўзларининг илоҳий Китобларида у ҳақда ўқиганлар). Ва албатта улардан бир гуруҳи билганлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар.** (Бақара сураси, 146-оят)

—... **бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса (Қуръон) келганда унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлғай.** (Бақара сураси, 89-оят)

Яна Аллоҳ Балъом бин Боура қиссасида буюрди:

— **(Эй, Муҳаммад), уларга (яхудийларга) бир кимсанинг хабарини тиловат қилинг - у кимсага оятларимизни билдирган эдик. Бас, у ўша оятларимиздан четлангач (яъни уларга амал қилмагач) уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди.** (Аъроф сураси, 175-оят)

Ниҳоят Аллоҳ у ҳақда билдирди:

— **Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайдики, уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади, ёки (ўз ҳолига) қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади.** (Аъроф сураси, 176-оят)

Фожир-фосиқ олим ҳам шундай. Чунки Балъом Аллоҳнинг китобини яхши биларди. Олим

эди. Шундай бўла туриб нафсоний орзуларига эргашди. Шунда калб (ит)га ўхшатилди. Оятнинг аниқ шарҳи шундай:

— У Аллоҳнинг китобини билган бўлса-да, билмаган бўлса-да, аҳамияти йўқ. У нафсоний орзуларга эргашаверади.

Исо алайҳиссалом шундай дейди:

— Емон олим дарё оғзига туриб қолган ва унинг йўлини тўсиб қўйган қояга ўхшайди. На ўзи ичади, на экин-тикин суғоргани сувни қўйиб юборади!

## ГЎЗАЛ АХЛОҚ

Аллоҳ, ўзининг Элчиси ва севикли бандаси Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга сано айтиб, унга ато этган юксак неъматини қайд этиб, айтдики:

**- Албатта, сиз Улуғ Хулқ устидадирсиз.** (Қалам сураси, 4-оят)

Ҳазрати Ойша — Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай деганлар:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.)нинг ахлоқи Қуръон ахлоқи эди.

Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан: «ГЎЗАЛ АХЛОҚ»ни сўради. Расулulloҳ:

**«(Эй Муҳаммад), марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг!** (Аъроф сураси, 199-оят) мазмунидаги оятни ўқиб, сўнг марҳамат қилдилар:

— ГЎЗАЛ АХЛОҚ — сен билан қариндошлик ришталарини узганларга кенгроқ ва раҳм-шафқатлироқ бўлишинг, сендан яхшиликни аяганларга яхшилик қилишинг ва сенга зулм ўтказганларни афв этишингдир!

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

— Мен - АХЛОҚНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛИНИ ПОЁНИГА ЕТКАЗИШ УЧУН (яъни энг гўзал ахлоқ қандай бўлишини амалда кўрсатиш учун) юборилдим.

— Қиёмат куни амаллар тарозида тортилганда, энг оғир тош босадигани Аллоҳдан қўрқув ва гўзал ахлоқдир.

Бир пайт Пайғамбаримиз (с.а.в.)га олд тарафдан бир одам келди. «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. Расулulloҳ (с.а.в.): «ГЎЗАЛ АХЛОҚ!» деб жавоб бердилар. Сўнгра ўнг тарафларига ўтиб сўради: «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» Расулulloҳ: «ГЎЗАЛ АХЛОҚ!» деб жавоб бердилар. У одам Расулulloҳнинг сўл тарафига ўтиб, яна: «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деди. Расулulloҳ: «Ҳазабланмаслик. Тушундингми?» деб айтдилар.

Аллоҳ Расули (с.а.в.)дан сўрадилар:

— Эй Аллоҳнинг Расули, толесизлик нима?

Жавоб бердилар:

- ЁМОН АХЛОҚДИР.

Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурига келиб: Эй Аллоҳнинг Расули, менга ўғит бергин! — деди. Расул (с.а.в.) буюрди:

- Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан қўрқ!

- Яна айтинг! — деди у одам. Расул (с.а.в.) буюрди:

- Ёмонликдан кейин шундай бир яхшилик қилки, бу яхшилик ёмонликнинг изини ювиб кетсин.

- Яна айтинг! — деди у одам. Расул (с.а.в.) буюрди:

- Одамларга чиройли муомала қил.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўрадилар:

- Амалларнинг қай бирида фазилат кўпроқ? Жавоб бердиларки:

- ГЎЗАЛ АХЛОҚДА! Яна Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

- Аллоҳнинг гўзал ахлоқли қилиб яратган ҳеч бир бандаси жаҳаннамга ем бўлмайди.

Фузайл ибн Иъёз ҳикоя қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.)га бир кун шундай хабар бердилар:

— Фалон хотин кундузи рўза тутади, кечаси намоз ўқийди. Шундай бўлгани ҳолда, унинг ахлоқи ёмон: қўшниларига тилги билан азоб беради (қўшниларини қарғаб, кўп хафа қилади).

Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдиларки:

— Бу ишда хайр йўқ, у жаҳаннам аҳлидан бўлади.

Абу ад-Дардо ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.)дан эшитганман, шундай дегандилар:

— Қиёмат куни амаллар тортилганда тарозига биринчи қўйиладиган нарса ГЎЗАЛ АХЛОҚ ва ЖЎМАРДЛИҚДИР.

— Аллоҳ иймонни яратганда, у шундай деганди: «Аллоҳим, мени қувват билан таъминла!» Шунда Аллоҳ уни ГЎЗАЛ АХЛОҚ ва ЖЎМАРДЛИК билан таъминлаганди.

Аллоҳ КУФРни яратганда, у шундай деганди: «Аллоҳим, мени қувват билан таъминла!» Шунда Аллоҳ уни ЁМОН АХЛОҚ ва ХАСИСЛИК билан таъминлаганди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай буюрдилар:

— Аллоҳ исломни ўзига хос дин қилди. Сизнинг динингизга жўмардлик ва гўзал ахлоқдан бошқаси ярашмайди. Кўзингазни очинг. Дилингазни шу икки хислат билан гўзаллаштиринг.

ГЎЗАЛ АХЛОҚ Аллоҳнинг энг буюк неъматидир.

Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

— Эй Аллоҳнинг Расули, иймон нуқтаи назаридан мўминларнинг қайсиниси фазилатга бойроқ?

Дедиларки:

— АХЛОҚАН ЭНГ ГЎЗАЛ БЎЛГАНЛАРИ!

Яна Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Сиз молларингиз билан (мол-дунёингиз билан) инсонларни ҳузур-ҳаловатга етказа олмайсиз. Уларни очиқ чехра, кулар юз ва ГЎЗАЛ АХЛОҚ билан ҳузур-ҳаловатга етказасиз.

— Сирка асални бузганидай, ЁМОН АХЛОҚ ҳам амалларни бузади.

Жарир ибн Абдуллоҳ (саҳобалардан. Тўлиқ исми Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалийдир. Ҳз. Абу Бакр замонида Нажрон валийси эди. Ҳижрий 14 йилда лашкарбоши эди. Ҳижрий 36 йилда Ҳз. Алининг Муовия ҳузурига Шомга юборган элчиси эди) ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Сен инсонсан, Аллоҳ сени гўзал қилиб яратди. Сен ҳам АХЛОҚИНГНИ ГЎЗАЛЛАШТИР!

Барро бин Озиб айтади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) инсонларнинг энг гўзал юзлиси ва энг ГЎЗАЛ АХЛОҚЛИСИ ЭДИ.

Абу Саид Бадрий (саҳобалардан) ҳикоя қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) дуо ўқиганда шундай дердилар:

— Аллоҳим, мени гўзал қилиб яратганинг каби феълу атворимни ҳам гўзал қил.

Абдуллоҳ ибн Умар - Аллоҳ ундан рози бўлсин — нақл қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) тез-тез дуо ўқир ва шундай дер эдилар:

— Аллоҳим, мен сендан тани соғлиқ, хотиржамлик ва ГЎЗАЛ АХЛОҚ тилайман!

Абу Ҳурайра — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Мўминнинг ЖУМАРДЛИГИ (саховати), бу — дини, унга етарли бўлган нарсаси - ГЎЗАЛ АХЛОҚИ, муруввати ва ақлидир.

Усома ибн Шурайқ (саҳобалардан) ривоят қилади:

— Аъробийларни кўрдим. Расулulloҳдан: «Бандасига ато этилган энг яхши хусусият нима?» деб сўрашаётган экан.

Расул (с.а.в.):

— ГЎЗАЛ АХЛОҚ! — деб жавоб бердилар.

Яна Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Сизларнинг орангизда мен кўпроқ яхши кўрадиган кишиларим ва қиёмат куни даврамга

энг яқин бўлажак одамларим ахлоқан энг гўзал бўлган кимсалардир.

Ибн Аббос ривоят қилади: Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки: — Уч нарса ёки уч нарсадан бири кимда бўлмаса, сиз унинг амалларига аҳамият берманг:

1. Аллоҳга исён қилишдан сақлайдиган ТАҚВО.

2. Ақлсизлик билан иш кўраётганларнинг ақлини тўғри йўлга сола оладиган ВИҚОР-САЛОБАТ.

3. Инсонлар билан яхши чиқиша оладиган ГЎЗАЛ АХЛОҚ.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) намоз бошлашидан олдин кўпинча шундай дуо ўқирди:

- Аллоҳим, МЕНГА АХЛОҚНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛИНИ БЕР! Ахлоқнинг энг гўзалига фақат сен етиштира оласан. Мен мубтало бўлган нарсани сен ўзинг бартараф этмасанг, ҳеч кимса бартараф этолмайди. Ҳаммасини сен ўзинг ўнгла, Аллоҳим...

## КУЛМОҚ, ЙИҒЛАМОҚ, ЛИБОС

Аллоҳ буюрди:

— **Ҳали сизлар мана шу сўздан (Қуръондан) ажабланурсизларми? Йиғламасдан, ғофил бўлган ҳолларингизда кулурсизларми?! (Нажм сураси, 59-61 -оятлар)**

Муфассирлар бу оятларни шундай шарҳлайдилар: —Сиз Қуръонни ёлғон ҳисоблаб, ундан таажжубланасиз. У Аллоҳнинг китоби бўлгани ҳолда, уни мазах қиласиз, ундан куласиз. У хабар берган азоблардан кўрқиб, қилган гуноҳларингизга йиғламайсиз. Сизни ғафлат босган. Қуръон сиздан нима истаётганидан хабарингиз йўқ.

Муфассирларнинг қайд этишича, бу оят инзол бўлгандан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳеч кулмайдиган бўлдилар, фақатгина енгил жилмаяр эдилар.

Ибн Умар ривоят қилади:

— Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) масжиддан чиқиб келаётган эди. Чақчақлашиб-кулишиб ўтирган бир гуруҳ одамларга дуч келди. Тўхтади. Уларга салом берди, кейин дедики:

— Хурсандчилик, завқ ва кайф-сафони четга суриб қўядиганни (ўлимни) кўпроқ эслаб турунглар.

Яна бир кун худди шундай масжиддан чиқиб кетаётганларида кулишиб ўтирган бир жамоани кўрдилар. Буюрдиларки:

— Борлигим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, агар мен билганларимни билсайдингиз, оз кулиб, кўп йиғлардингиз?

Хизр алайҳиссалом Ҳз. Мусодан ажрашиб кетаётганларида, Мусо алайҳиссалом ул зоти беназирга ёлбордилар:

— Менга насиҳат қилинг!

Хизр алайҳиссалом шуларни айтдилар:

— Эй Мусо, хусуматда қайсарлик қилма. Зарурат бўлмаса, бирон жойга борма. Ҳақиқатан таажжубли бўлмаган нарсага кулма. Янглишганларни хатолари учун айблама. Ўз хатоларингга йиғла.

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг салони устларига ёғилсин — буюрдилар:

—Кўп кулма — қалбни ўлдиради.

—Ёшлигида кулган — қариганда йиғлар.

—Бойлигида кулган — фақирлигида йиғлар.

—Бу дунёда кулган — у дунёда йиғлар.

— Қуръонни ўқинг ва йиғланг. Агар йиғламасангиз — йиғлатиласиз.

Ҳасан Басрий шундай дейди:

— Ҳайронман у кулган кимсаларга, билмаслармики, орқаларида жаҳаннам оташи бор! Ҳайронман у масрур кимсаларга, билмаслармики, орқаларида ўлим бор!

Бир кун Ҳасан Басрий қаҳқаҳлаб кулаётган бир йигитга дуч келди. Унга дедики:



— Ҳей ўғил, Сирот кўпригидан ўтдингми, дейман?

Йигит:

- Йўқ! - деди.

Ҳасан Басрий:

- Жаннатга кирасан деб биров қўлингга ҳужжат бердими?

Йигит:

- Йўқ! Ҳасан Басрий:

- Бўлмаса нега куласан, ичинг терингга сиғмай?!

Бу ҳодисадан кейин бу йигитнинг ортиқча кулганини кўрмадилар.

Ибн Аббос шундай дейди:

- Гуноҳлари кўп бўла туриб, кулган одам, йиғлаб жаҳаннамга киради.

Аллоҳ йиғлай биладиган кишиларни улуғлаб, буюрдики:

**- Улар йиғлаган кўйи юзларини ерга қўйиб сажда қилурлар ва бу уларнинг кўпчилигидаги эҳтиромни орттирур. (Ал-Исро сураси, 109-оят)**

**- Номаи аъмоли ўртага қўйилур. Бас, гуноҳкорлар ундаги нарсалардан даҳшатга тушиб: «Бизларга ҳалокат бўлғай, бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб битиб қўйибди», дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган барча амалларини ҳозир нозир ҳолда топурлар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас. (Каҳф сураси, 49-оят)**

Авзойи, бу оятдаги «кичик, катта» сўзлари «табассум ва қаҳқаҳа»ни билдиради, дейди.

Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдиларки: — Қиёмат куни ҳар бир кўзнинг йиғлаши муқаррардир, булардан фақатгина уч кўз мустасно. Булар:

1 - Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўз,

2 - Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни кўрганда юмилган кўз,

3 - Аллоҳ йўлида, Аллоҳ учун ухламай, очиқ ётган кўз.

Дейдиларки:

Уч нарса қалбни ғам-ғусса билан тўлдиради:

1 - Таажжубли бўлмаган нарсадан кулмоқ,

2 - Очиқмасдан овқат емоқ,

3 - Кераксиз ерда сўз сарфламоқ.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дуч келган либосини кийиб кетаверар, ҳеч қачон кийимлари ичидан аълосини излаб ўтирмасдилар. Яшил рангдан хушланардилар. Аксарият кийган либослари оқ бўларди. Бу борада ўзлари шундай дер эдилар.

-Тирикларга оқ либос кийдирингиз. Ўликларни эса оқ кафан билан кафанлангиз.

Расул алайҳиссаломнинг бир ипак чопонлари бор эди. Ушани киярдилар. Ҳар энгил (яъни кийим) кийганда ўнг тарафдан кийинишни бошлар ва шундай дуо ўқирдилар.

-Шу кийим билан аврат жойларимни ўрадим ва инсонлар орасида гўзаллашдим, либосни менга кийгазган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Энгилни ечишда сўл тарафдан еча бошлардилар. Янги бир кийим олсалар, аввалги кийимларини бирор йўқсулга берар, сўнгра шундай дердилар:

-Агар бир мусулмон аввалги кийими билан Аллоҳ ризоси учун бир мусулмонни кийинтирса, ул кимса ҳаётлигида ҳам, ўлгандан кейин ҳам Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимоясида бўлмай қолмайди.

Расулulloҳ (с.а.в.) бир бўйра устида ётардилар. Остларида бошқа бир нарса бўлмас эди.

## **ҚУРЪОННИНГ, ИЛМНИНГ ВА ОЛИМЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ**

Қуръоннинг фазилати:

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломии устларига ёғилсин - дедилар:

- Ким ҚУРЪОН ТИЛОВАТ ҚИЛСА-Ю, сўнгра ўзи ноил бўлган нарсадан фазилатлироқ бир

нарсага кимдир биров ноил бўлди, деб ўйласа, у Аллоҳнинг қудратини камситган бўлади.

- Аллоҳ наздида — даража жиҳатидан - ҚУРЪОНДАН яхшироқ шафоатчи йўқ.
- Умматимнинг энг яхши ибодати ҚУРЪОН ЎҚИМОҚ (унинг асосларига амал қилмоқ)дир.
- Сизларнинг орангизда ҚУРЪОННИ ЎРГАТУВЧИ ВА ЎРГАТУВЧИЛАР энг яхши кишилардир.
- Темир занглагани каби қалблар ҳам занглайди!

Сўрадилар:

- Эй Аллоҳнинг Расули, қалбларнинг зангини кетказувчи нарса нима?

Жавоб бердилар:

- ҚУРЪОННИ ЎҚИМОҚ ва ўлимни хотирламоқ.

Фузайл ибн Иъёз дейдики:

- Қуръон ҳофизи (қори) исломнинг байроқдоридир. Унинг Қуръонинг ҳаққига ҳурмат юзасидан – ўйнаганлар билан ўйнаши, ғофиллар қаторида ғофил бўлиши ва ҳамма сурбетлардай сурбет бўлиши тўғри эмас.

- Ким эрта билан «ҲАШР» СУРАСИНING сўнги қисмларини ўқиса ва шу куни вафот этса, унинг ўлими «ШАҲИДЛАР МУҲРИ» билан муҳрланади. Ким кечқурун ётиш олдидан бу суранинг сўнги қисмларини ўқиса ва шу кеча вафот этса, унинг ўлими «ШАҲИДЛАР МУҲРИ» билан муҳрланади.

ИЛМНИНГ ва ОЛИМЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ:

— Бу мавзуда айтилган ҳадислар жуда кўп. Жумладан, бир нечасини қайд этайлик.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

— Аллоҳ кимга хайр тиласа, уни диннинг фақиҳи қилади ва унга комиллик ато этади.

— Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир. Ҳар биримизга маълумки, пайғамбарляк рутбасидан устун рутба ва бу рутбага ворис бўлиш шарафидан устун шараф йўқ

— Инсонларнинг энг фазилатлиси ОЛИМЛАРДИР. Улар жамиятда бирон нарсага эҳтиёж туғилса, буларни қондиришда фойда келтирадилар, эҳтиёж бўлмаганда ҳам руҳингизни бойитадилар.

— Пайғамбарлик даражасига энг яқин бўлган инсонлар ОЛИМЛАР ва МУЖОҲИДЛАРДИР. Олимлар пайғамбарлар хабар қилган диний асосларни инсонларга ўргатиш борасида йўлбошчилик қиладилар. Мужоҳидлар пайғамбарлар хабар қилган диний рукнларни асраш учун қиличлари билан жиҳод қиладилар.

— Бутун бир қавмнинг ўлими бир олимнинг ўлимидан кичикроқ нарсадир.

- Қиёмат куни ОЛИМЛАРНИНГ СИЁҲИ шаҳидларнинг қони билан тортилади.

— Олим охири жаннати бўлмагунча (то жаннатга бориб тушмагунча) илмга тўймайди.

- Умматим икки нарсадан ҳалок бўлиши мумкин:

1. ИЛМНИ ТАРК ЭТИШДАН.

2. МОЛ ЙИҒИШДАН.

-Ё ОЛИМ БЎЛ, ё илм ўрганувчи, ё тингловчи, ё илмни севувчи! Бешинчиси бўлма — маҳв бўлурсан!..

- Илмнинг офати КИБР ва МАНМАНЛИҚдир.

Ҳикмат аҳлларида бири дейдики:

- Ким, БОШ БЎЛИШ учун (раҳбар бўлиш учун) илм ўрганса, тавфиқни, дунё ва охират саодатига эришиш неъматини қўлдан бой беради. Аллоҳ буюради:

**- Энди Ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, Тўғри-Ҳақ Иўлни кўрсалар, уни йўл қилиб олмайдиган, агар залолати нотўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб оладиган кимсаларни Ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб қўюрман). Бунга сабаб улар Бизнинг оятларимизни ёлғон деганлари ва у оятлардан ғофил бўлиб олганларидир. (Аъроф сураси, 146-оят)**

Имом Шофеъий шундай дейди:

-Ким Қуръонни ўрганса, қадрли ортади. Ким фикҳ ўрганса, ҳурмати ошади. Ким ҳадис ўрганса, ҳужжати кучли бўлади. Ким ҳисоб ўрганса, фикри ёрқинлашади. Ким, ажойиб нарсаларни ўрганса, юмшоқ табиатли бўлади. Ким, нафсини тақводор қилолмаса, илми унга фойда бермайди.

Ҳз.Ҳасан (Ҳз. Муҳаммад с.а.в.нинг севиқли набиралари, Ҳз. Али ва Ҳз. Фотиманинг тўнғич ўғли. Шиаларнинг 12 имомидан иккинчисидир. Ҳижрий 3-49 йилларда яшаган) ҳам шундай дейди:

-Кимки олимлар билан бирга юриб, бирга ўтирса, тили бийронлашади, зеҳни очилади, зеҳнига ўрнашган нарсалардан бениҳоя сурурланади, билганларидан фойдаланишда кучли бўлади, билганларини бошқаларга ифодалаб бера олади.

Пайғамбаримиз билдирдилар:

-Аллоҳ, агар хоҳласа, бандасининг зеҳнини илм билан тўлдиради.

- Жаҳолатдан ачинарлироқ қашшоқлик йўқ.

## НАМОЗ ВА ЗАКОТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Билиб қўйки, Аллоҳ закотни Ислоннинг пойдеворларидан бири ҳисоблаган ва уни энг олий ибодат бўлмиш намоздан кейин зикр қилган. Мана, Унинг амри:

**- Намозни тўқис адо қилинг, ЗАКОТНИ БЕРИНГ ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг.** (Бақара сураси, 43-оят)

Расулulloҳ айтади:

— Ислоният беш асос устига қурилган:

1. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад (алайҳиссалом) унинг элчиси эканлигига шаҳодат бермоқ.

2. Намоз ўқимоқ.

3. ЗАКОТ БЕРМОҚ.

4. Рамазон рўзасини тутмоқ.

5. Кучи бўлганда ҳажга кстмоқ.

Бенамоз ва закот бермаган гуноҳкорларга жазо қаттиқ. Аллоҳ буюради:

**— Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлмайки, улар риёкорлик қиладиган ва рўзғор буюмларини ҳам (кишилардан) ман қиладиган (яъни бирон кишига фойдалари тегмайдиган) кимсалардир!** (Моъувн сураси, 4-7-оятлар)

Намоз мавзуида юқорида етарли даражада сўзлар айтилган. Бу ерда кўп тафсилотларга берилмаймиз. Фақат шу оятни ёдларига соламиз:

**- Олтин-кумушни босиб, уни ОЛЛОҲ ЙЎЛИДА ИНФОҚ-ЭҲСОН ҚИЛМАЙДИГАН кимсаларга аламли азоб «хушхабар»ини етказинг!**

**У кунда (қиёматда) ўша (олтин-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: «Маиа бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингиз-нинг мазасини тотиб кўринглар, дейилур».** (Тавба сураси, 34-35-оятлар)

Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмоқ - молнинг закотини бермоқдир.

Закот бермоқчи бўлган вақтда тақводор кишилар камбағалларни қидириши лозим бўлади. ГГайғамбаримиз (с.а.в.) буюради:

- Сен фақат тақводорларнинг овқатини егин. Сенинг овқатингни ҳам тақводорлар есин.

Бунинг сабаби шу:

— Тақводор еган овқати, олган закоти ва садақа билан тақводорлигини давом эттиради. Шу тариқа сен ҳам унга қилган ионанг (ҳадянг) туфайли унинг ибодатига шерик бўласан.

Ибн Муборак закотнинг илм аҳли (олимлар)га берили-шини хоҳларди. Ундан бунинг

сабабини сўраганларида, шундай дер эди:

-Мен, пайғамбарлик мартабасидан кейин олимлар мартабаси келишини биламан, лекин олимлар мартабасидан фазилатлироқ мартабани билмайман. Агар улардан айримларининг қалби тирикчилик дарди билан машғул бўлса, илмини оширишга вақг тополмайди, ўргатувчилик вазифасини ҳам қойиллатиб адо этолмайди. Уларнинг вақтларини фақат илмга ажратишлари учун шароит яратмоқ - энг катга фазилатдир.

Фалокатга учраганлар, хусусан қариндош-уруғ ва яқин таниш-билишлар — агар закот оладиган даражада муҳтож бўлсалар - закот берилиши лозим бўлган кимсаларнинг биринчиси ҳисобланадилар. Чунки қариндош-уруғ ва яқин кишиларга берилган закот ҳам садақа бўлади, ҳам силаи раҳим!.. Силаи раҳимда эса, юқорида, бу мавзу билан алоқадор баҳсда ёзганимиздай, саноқсиз ажр-мукофотлар бор.

Ундан ташқари, амалга риё аралашса, бунинг ўзи бир бахтсизликдир. Шу сабабли бундан омон қолиш учун ва закот олаётган кишини хижил ҳолга туширмаслик учун закотни яширинча бериш керак. Аллоҳ Расули буюрадиларки:

-Яширинча берилган садақа (закот) Аллоҳнинг ғазабини сўндиради.

Ҳеч қандай соя бўлмайдиган, ёлғиз Аллоҳ Аршининг соясигина бўладиган қиёмат кунда Аллоҳ бу соядан етти тоифадаги кишиларни баҳраманд этиши баён этилган ҳадисда «ўнг қўлининг берганини сўл қўли кўрмайдиган қилиб яширинча садақа берган киши» ҳам зикр килингандир.

Агар садақани (закотни) ошкора беришда фойда бўлса — масалан ўрнак бўлиш каби — у ҳолда ошкора садақа бериш камчилик ҳисобланмайди. Бу ерда гап риёдан сақланиш устида бораётир, холос.

Берилган садақани миннат қилишдан ҳам қочиш керак.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ буюради:

**- Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! (Бақара сураси, 264-оят)**

Миннат яхшилиқнинг офатидир. Яхшилиқ қилган киши, бу яхшилигини яшириши ва унутиши керак. Бировлар ўзига яхшилиқ қилганда эса, бу яхшилиқни гапириб юриши ва яхшилиқ қилганга ташаккур айтиши керак. Шунинг учун ҳам ҳадисда шундай буюрилган:

— Инсонларга ташаккур айтмаган Аллоҳга шукрони неъматда бўлолмайди.

## ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ВА ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Қон-қариндошларнинг бир-бирларида ҳақлари борлиги тўғрисида аввал гапирилган эди. Қариндошлар орасида энг яқини ота-она ва фарзандлар бўлганлиги учун бошқа қон-қариндошларга нисбатан буларнинг ҳақлари ва бурчларига оид фикрлар кўпроқдир.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдиларки:

—Фарзанд отасининг қарзини ҳеч қанақасига узолмайди. Фақат уни қулликка тушган ҳолда топса ва сотиб олиб озод қилсагина унинг ҳаққини узган бўлади.

—Ота-онага эҳсон бермоқ ва иззат-икром қилмоқ, намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳажга-умрага бориш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан фазилатлироқдир.

— Кимки ота-онасини мамнун этган ҳолда эрта билан ўрнидан турса, унга жаннатнинг икки эшиги очилади. Кимки, ота-онасини мамнун қилган ҳолда шомга кирса ҳам шундай бўлади. Агар бирини мамнун этса жаннатнинг бир эшиги очилади. Асло ота-онага қарши борманг — зулм ўтказган бўлсалар ҳам, ўтказмаган бўлсалар ҳам... Кимки ота-онасини ранжитган ҳолда тонг отирса, унинг учун жаҳаннамнинг икки эшига очилади. Кимки ота-онасини ранжитган ҳолда кунини кеч қилса ҳам, шундай бўлади. Агар бирини ранжитса дўзахнинг бир эшиги очилади. Асло уларга қарши борманг — зулм ўтказган бўлсалар ҳам, ўтказмаган бўлсалар

ҳам...

—Жаннатнинг ҳиди беш юз йиллик масофадан сезилади. ОТА-ОНАСИНИ РАНЖИТГАН ВА СИЛАИ РАҲИМ ҚИЛМАГАН (ЯЪНИ бир-бирлари билан қон-қариндошлик алоқаларини узган) кимса унинг ҳидини сезмайди.

—Онангга, отангга, опангга, синглингга, акангга, укангга, сўнгра бошқа яқин қариндошларингнинг ҳаммасига яхшилик қил.

Ривоятга кўра, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга шундай бу-юрди:

— Эй Мусо, ким ота-онасига яхшилик қилса, менга осий бўлса-да, уни яхшилар зумрасига ёзаман. Ким менга итоат этса-ю, аммо ота-онасини ранжитса, уни осийлар зумрасида қайд этаман.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай буюрдилар:

— Бир кимса бирон нарсани тасаддуқ қилмоқчи бўлган чоғида, буни ота-онам учун ният қилдим, дейиши ўринсиздир. Агар ота-онаси муслмонлар бўлса, берган садақасининг ажри-мукофоти уларга ҳам тегади, айнаи чоғда, уларга қанча ажр берилган бўлса, шунча ажр ҳеч камайтирилмаган ҳолда ўзига ҳам берилади.

Молик ибн Робиа (саҳобалардан) ҳикоя қилади:

— Кунлардан бир кун биз Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ёнида эдик, Салама ўғиллари қабиласидан бир киши келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам ўлгандан кейин уларга қилишим мумкин бўлган бирон яхшилик борми?» деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳа!» деб жавоб бердилар. «Улар учун дуо ва истиғфор этмоқ, васиятларини ўрнига қўймоқ, дўстларига иззат-икром кўрсатмоқ ва қариндошлар билан қариндошлик ришталарини узмаслик».

— Кишининг отаси ўлгандан кейин, унинг дўстлари ва севганларига яхшилик қилиши ҳам отасига яхшилик қилмоқ жумласидандир.

— Фарзандда онанинг ҳаққи отага нисбатан икки баравар кўпроқ.

—Онанинг дуоси тезроқ қабул бўлади. Шу гаплардан кейин, одамлар:

—Нечун, эй Аллоҳнинг Расули? — деб сўрадилар. Расул (с.а.в.) дедиларки:

— Чунки она отага қараганда фарзандга яқинроқ. Яқин бўлганнинг дуоси олдинроқ қабул бўлади.

Бир кпши сўради:

—Эй Аллоҳнинг Расули, мен кимга яхшилик қилай? Расул (с.а.в.) буюрдилар:

—Ота-онангга яхшилик қил. У киши деди:

—Менинг ота-онам йўқ. Расул (с.а.в.) буюрдилар:

—Боласига яхшилик қил. Сен ота-онанг олдида бурчли бўлганинг каби, боласининг олдида ҳам бурчлисан.

—Фарзандига яхшилик йўлида ёрдам берган кишига, яъни унга ёмон муомала қилмай, осийликка (исёнчиликка) бош уриб кетишига сабабчи бўлмаган кишига Аллоҳ раҳмат ёғдирсин.

— Болаларингизга қўша-қўша эҳсон қилинг, икки баравар кўпроқ сийланг.

Анас — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

—Ўғил бола туғилганда, еттинчи кун ақиқа қилиб, қурбонлик сўйилади, исм қўйилади, ювиб пок-покиза қилинади. Олти ёшига келганда тарбиясига эътибор кучайтирилади. Тўққиз ёшида ётоғи бўлак қилинади. Ўн уч ёшида намозни унутса, саваланади. Ўн олти ёшида отаси уни уйлантиради. Сўнгра кўлидан тутиб, дейдики:

—Сени тарбия қилдим. Ўқитдим. Уйлантирдим. «Дунёда ғам кўрма, охиратда азоб тортма», деб дуо қилиб, паноҳида асрашини тилаб Аллоҳга ёлворади.

—Отанинг фарзандни яхши тарбия қилиши ва унга яхши от қўйиши ҳам фарзанднинг ота зиммасидаги ҳаққи ҳисоб-ланади.

—Ҳар бир ўғлон «ақиқа қурбонлиги» эвазига берилган гаровдир. У туғилганига етти кун бўлганда қурбонлик сўйилади ва сочи олинади.

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳузурига бир одам келди. Боласининг итоатсизлигидан шикоят қилди. Ибн Муборак ундан сўради:

— Уни баддуо қилибмидинг?

— Ҳа! — деди у одам.

Ибн Муборак:

— Уни сен йўлдан чиқарибсан! Болага меҳр билан, юмшоқ муомала қилиш керак.

Ақроъ ибн Ҳабис(аъробий саҳобалардан. Бани Тамим қабиласининг 70 кишилиқ ҳайъати раисларидан бири эди. Расулulloҳ с.а.в.га учрашгани келгандилар. Бир қанча ҳадисларни ривоят қилган), Пайғамбаримиз (с.а.в.) невараси Ҳз. Ҳасанни ўпаётганини кўриб, дедики:

—Менинг ўн болам бор. Ҳеч бирини ўпган эмасдим. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

—Марҳамат қилмаган - марҳамат кўрмайди. Ҳз. Ойша — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади: —Расулulloҳ (с.а.в.) бир кун менга: «Усоманинг юзини

юв!» деди. Мен юва бошладим. Лекин жирканаётган эдим. Расулulloҳ (с.а.в.) буни сезиб, қўлимга урди. Усомани мендан олиб, ўзи ювди. Сўнгра уни севди. Кейинроқ дедики:

— Яхшиям бола (фарзанд) кўрмаган экансан...

(Ҳз. Ойша фарзанд кўрмаган эдилар).

Абдуллоҳибн Шаддод(саҳобалардан. Унинг номи Ибн Аббос (106-изоҳга қаранг) санаган санадлар қаторида келади) ҳикоя қилади:

—Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) жамоат билан намоз ўқиётган эдилар. Ҳусайн — Аллоҳ ундан рози бўлсин — келди. Расулulloҳ (с.а.в.) сажда қилиб турганда бўйнига минди. Расулulloҳ саждани узайтирди. Унинг орқасидан намоз ўқиётганлар, бир нарса бўлди, деб ўйладилар. Намоз битганда: «Эй Аллоҳнинг Расули, саждани чўздингиз. Биз бир бало бўлди-ёв, деб ўйладик!» дедилар. Расулulloҳ (с.а.в.) шу жавобни бердилар:

—Неварам (Ҳусайн) мени миниб олди. Унинг завқи бузилмасин деб, саждадан туришга шошмадим.

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг бу ҳаракатида баъзи ибратли жиҳатлар бор:

1. - Аллоҳга яқинлик (Чунки кишининг Аллоҳга энг яқин бўлган пайти саждада бўлган чоғидир).

2. Болага шафқат ва яхшилик.

3. Умматига шафқат ва марҳаматни ўргатиш.

Расулulloҳ (с.а.в.) яна шундай буюрди:

— Боланинг ҳиди жаннатнинг ҳидидандир.

## **ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚҚИ ВА ЙЎҚСУЛЛАРГА ЁРДАМ**

Билки, Исломи бироварлиги дунёсида қўшничилик ҳуқуқи алоҳида ўрин эгаллайди. Муслмон қўшнининг Исломи бироварлигидан ташқари, яна қўшничилик ҳаққи ҳам бор. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрадилар:

Қўшнилари учга бўлинади:

1. Бир ҳаққи бўлган қўшни.

2. Икки ҳаққи бўлган қўшни.

3. Уч ҳаққи бўлган қўшни.

Уч ҳаққи бўлган қўшни муслмон ва қариндош бўлган қўшнидир; бир - қўшнилик ҳаққи, икки - Исломи бироварлиги ҳаққи, уч — қариндошлик ҳаққи.

Икки ҳаққи бўлгани - қариндош бўлмаган муслмон қўшнидир. Бунисининг қўшнилик ҳаққи билан Исломи бироварлиги ҳаққи бор.

Бир ҳаққи бўлган қўшни бутпараст қўшнидир. Бунинг фақатгина қўшнилик ҳаққи бор, холос.

Кўриниб турибдики, Расулulloҳ (с.а.в.), бор-йўғи қўшни бўлгани учун, муслмон бўлмаган

қўшнининг ҳаққини ҳам таниганлар.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрдилар:

— Қўшника яхшилик қил, тинч-саломат бўласан.

— Жаброил менга қўшничиликка оид шу қадар кўп тавсиялар берардики, мен қўшнини ворис қилса керак, деб ўйлардим.

— Кимнинг Аллоҳга ва қиёмат кунига иймони бўлса, қўшнисига нисбатан иззат-икромда бўлсин!

— У қўшни бу қўшнининг бегуноҳлигига амин бўлмаса, бу қўшнининг иймони шубҳа остида бўлади.

— Қиёмат куни биринчи бўлиб ёвлашиб қолган қўшнилари муҳокамага қўйилади.

— Қўшнининг итини ранжитган бўлсанг, қўшнини азоблаган бўласан.

Аллоҳ рози бўлгур ибн Масъуднинг ҳузурига бир одам келиб дедики:

— Менинг бир қўшним бор. Менга азоб беради, сўқади, мени беҳаловат қилади:

Ибн Масъуд шу жавобни берди:

— Кет. Агар у сен туфайли Аллоҳга осийлик қилаётган бўлса, сен у туфайли Аллоҳга итоат эт.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)га дедиларки:

— Фалон хотин кундузи рўза тутуди, кечаси намоз ўқийди, айна пайтда қўшниларига азоб беради.

Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

— У жаҳаннамга тушади.

Пайғамбаримиз ҳузурига бир одам келди. Қўшнисидан шикоят қилди. Расулulloҳ (с.а.в.) унга:

— Сабр қил! — дедилар. Яна учинчи, тўртинчи марта келганида:

— Ашёларингни йўлга чиқариб ташла! — деб буюрдилар. У одам шундай қилди. Келиб-кетувчилар: «Сенга нима бўлди?» деб сўрашар, у: «Қўшним сиғдирмай азоб беряпти!» дер эди, шунда улар: «Қўшнинг Аллоҳнинг лаънатига учрасин!» дея бошладилар. Бу аҳволдан ноқулай бўлган қўшни унинг олдига кирди ва: «Ашёларингни йиғиб ол. Аллоҳга қасамки, энди нотинч қилмайман!» деди.

Заҳарий (саҳобалардан) ривоят қилади:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдига бир одам келди. Қўшнисидан шикоят қилди. Расулulloҳ (с.а.в.) жарчи чақиртириб, жомеъ дарвозасидан «Қирқ уй қўшнидир! Қирқ уй қўшнидир!» деб жар солишни амр этди.

Заҳарий дерки:

— Қирқ уй қўшни, қирқ уй қўшни, қирқ уй қўшни, қирқ уй қўшни! — деб тўрт томонга ишора қилдилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

- Баракат ва баракасизлик ХОТИНДА, МАСКАНДА ва ОТДА бўлади. Хотиннинг баракати маҳрининг енгиллиги, никоҳининг осонлиги ва ахлоқининг гўзаллигидир (Маҳрига оғир нарса талаб қилмайди, никоҳда келажакни ўйлаб, ишнинг осон кўчишига қулайлик яратади, яна бунинг устига-устак ахлоқи ҳам гўзал бўлса, хотин уйга қут-барака келтиради). Хотиннинг бахтсизлиги аксар ҳолларда маҳрининг оғирлиги, никоҳининг қийинлиги ва ахлоқининг ёмонлиги билан боғлиқ бўлади.

Масканнинг баракати турар жойининг кенглиги ва қўшнилариининг яхши инсонлар бўлишидир. Бебаракалиги турар жойининг торлиги ва қўшнилариининг ёмон феъл-ат-ворли инсонлар бўлиши билан боғлиқ.

Отнинг баракати унинг юмшоқ ва яхши габиатли бўлишидир. Асов ва ёмон табиатли отлар ишнинг баракасини қочиради.

Қўшничилик бурчи фақатгина қўшнига азоб бермасликдан иборат эмас. Қўшни учун қандайдир қийинчиликни зиммага олиш ҳам керак бўлади. Чунки қўшнига азоб бермасликнинг ўзи, ҳали бурч ўталди, дегани эмас. Бунинг учун ҳатто маълум бир қийинчилик ё ноқулай аҳволга чидаш ҳам камлик қилади. Чунки шу билан биргаликда қўшнига яхши (меҳр билан) ва мулойим муомала қилиш, унга хайр-садақа қўлини узатиш ҳам керакдир. Айтадиларки:

— Қиёмат куни камбағал қўшни бой қўшнининг ёқасига ёпишади ва дейдики:

-Эй Раббим, ўзинг сўра бундан! Нечун шариятга кўра менга бериши лозим бўлган нарсани бермади, менга эшигини ёпди?

Бир одам уйда сичқон кўпайганидан шикоят қилади. Унга: «Бир мушук топсанг бўларкан!» дейишади. У ўзига бундай деганларга шу жавобни беради:

-Сичқонлар мушук келганини сезиб қўшнимизнинг уйига қочишларидан ва шу тариқа ўзим хоҳламаган нарсани қўшнимга хоҳлагандай бир аҳволга тушиб қолармиканман, деган андишадаман.

Қўйдагилар қўшничилик бурчлари жумласига киради: Қўшни билан учрашганда салом билан сўз бошламоқ, гаплашганда гапни чўзмаслик, кўп савол бермаслик, касал бўлганда кўргани бориш, бошига мусибат тушганда таъзиясида бўлиш, унинг билан бирга сабрли бўлиш, севинчли онларида қутлаш, унинг севинчи билан севиниш, хатоларини кўрмасликка олиш, уйини жосусларча кузатмаслик, деворига бир нарсалар қўйиб ёки осиб ғашини келтирмаслик, унга тегишли жойдан сув олмаслик, уйининг олдига ахлат ва супуринди тўкмаслик, ҳақроҳа (ўтиш йўллари)ни торайтирмаслик, бирон баҳона билан уйига қарамаслик, қулоққа чалинган оилавий сирларини ёймаслик, керагида унинг мардлигига сўз теккизаётганларнинг сўзини бўлиш, ўзи йўқлигида уйини қўриқлаш, унга қарши айтилган сўзга қулоқ солмаслик, маҳрамига оид хусусларда кўз юммоқ, хизматчисига қарамаслик, боласига ширин сўзлар айтиш, диний ва дунёвий масалаларда билмаганларини иршод қилиш.

Расул алайҳиссалом буюрдилар:

— Биласизми, қўшнининг ҳаққи нима? Иона истаса иона берасиз. Ёрдам сўраса ёрдам берасиз Қарз сўраса қарз берасиз. Камбағаллашса рўзғорига мадад бериб турасиз. Хасталанса зиёратига борасиз. Вафот этса жанозасига қўшиласиз.

Омад кулиб боқса, уни қутланг. Бошига мусибат гушса таъзиясида бирга бўлинг. Ундан рухсат бўлмаса уйингизни унинг уйдан баланд қилиб қурманг. Чунки уйингизни баланд қилиб қурсангиз унинг нимасигадио тўсқинлик қилган бўласиз. Унга азоб берманг. Бирон мева олган пайтингизда унга ҳам беринг. Агар бермоқчи бўлмасангиз, уйга олиб келганингизни кўрмасин. Болангизнинг қўлига бирон мева бериб ташқарига чиқариб юбормангки, қўшнининг боласи шундай нарсага эга бўлмагунча бундан ўпкаланиб юрмасин. Қозонингизда қайнатган эт ҳиди билан уларни нотинч қилманг. Агар келтирган этингиздан бир парчасини унга кесиб берган бўлсангиз, эт ҳиди таралашининг айби йўқ.

Биласизми, қўшнининг ҳаққи нима? Борлиғим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, қўшни ҳаққини фақат Аллоҳнинг марҳаматига ноил бўлган кимсаларгина ўтай олади.

Мужоҳид ҳикоя қилади:

- Бир куни Ҳз. Умарнинг ўғли Абдуллоҳнинг ёнида эдим. ўғли ҳам бор эди. У қўй сўйиб, терисини шилаётган эди. Отаси дедикки:

- Қўйни сўйиб бўлганингдан кейин, қўшниларга беришни ёнимиздаги яхудий қўшнидан бошла!

Абдуллоҳ бу сўзни ўғлига бир неча марта такрорлади. Охири ўғли: «Неча марта айтасиз, ота?» деди. Шунда Абдуллоҳ дедикки:

-Расулulloҳ (с.а.в.) қўшничилик ҳаққида шу қадар кўп ўғит берардиларки, биз қўшнини қўшнига ворис қилдилар, шекилли, деб ўйлардик!

Ҳишом (атоқли тобеинлардан, Ҳасан Басрий (52-изоҳга қаранг)нинг замондоши, демак, II асрда яшаган) дейдики:



-Ҳасан Басрий қурбонлик этидан яҳудий ва насронийларга берилишини хатарли деб билмасди.

Абу Зар — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қиладп: Дўстим Расулуллоҳ (с.а.в.) менга васият қилиб, дедики:

- Қозон қайнатган найтингда сувини кўп қил, кейин кўшни уйдагиларга қара. Уларнинг саноғига қараб, бир миқдор улар учун ажрат.

## МАЙХҲҮРЛИКНИНГ КАСОФАТИ

Аллоҳ май ҳақида уч оят инзол қилди: Биринчиси шудир:

**-Сиздан арақ (ичкилик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир». Ва Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. «Ўзингиздан ортганини», деб жавоб қилинг! Шундай қилиб, дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга Ўз оятларини баён этади. (Бақара сураси, 219-оят)**

Бу оят келгандан кейин мусулмонларнинг бир қисми ичкилик ичишда давом этди. Бир қисми эса ичишни тарк этганди. Ниҳоят баъзи бировлар маст ҳолда ҳам намоз ўқиди. Бу ҳол, Аллоҳнинг яна бир оятни нозил қилишига сабаб бўлди:

**-Эй мўминлар, токи гапираётган гапларингизни билишингиз учун маст ҳолингизда намозга яқин келманглар. Ва яна сафарда бўлмасангиз, то чўмилмагунингизча жунуб ҳолингизда (намозга яқин келманг). Агар бетоб ё сафарда бўлсангизлар, ёки биронтангиз ҳожатхонадан чиққан бўлсангиз, ёхуд хотинларингиз билан яқинлашган бўлсангиз ва сув топа олмасангиз покиза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинглар. Албатта, Аллоҳ афв этувчи ва мағфиратли бўлган зотдир (Нисо сураси, 43-оят).**

Бу оят келгандан кейин мусулмонларнинг яна бир қисми ичкиликни тарк этди. Лекин ҳануз ичувчилар бор эди. Бир кун Ҳз. Умар ҳам бўлган бир зиёфатда ичкиликлар ичилди. Кўпчилик сархуш бўлди. Бу майхўрлик сабабли юзага келган жанжалда Ҳз. Умар Абдурраҳмон ибн Афвнинг бошини ёрди. Бу хабар Расулуллоҳ (с.а.в.)га келганда жуда қаттиқ ўпкаланди. Шу ондаёқ сакраб туриб, зиёфат бўлган уйга келди. Қўлида бир нарса бор эди. Кўтариб туриб, Ҳз. Умарга отди. Ҳз. Умар: «Аллоҳнинг ва Расулининг ғазабидан Аллоҳга сиғинаман!» деди. Шундан кейин Аллоҳ мана бу оятларни инзол қилди:

**— Эй мўминлар, ароқ, қимор, бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз!**

**Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!?**

**Аллоҳга итоат қилингиз, Пайғамбар (с.а.в.)га бўйинсунингиз ва (ҳаромдан) эҳтиёт бўлингиз! Агар (итоатдан) бош тортсангиз, билингизки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) зиммасида фақат (бизнинг ҳукмларимизни (очиқ-равшан) қилиб етказиш бор, холос. (Моида сураси, 90-92-оятлар)**

Шундан кейин Ҳз. Умар:

— Нукта қўйдик, нукта қўйдик, тамом!.. — деди.

Сархуш қилувчи ичимликларнинг зарарлигига доир ҳадис: Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар:

— Раббим менга ширкни таъқиқлагандан кейин, яна дастлаб манъ этган нарсаси — эркаларнинг ичкилик ичиб, жанжал кўтаришидир.

Ибн Абид-дунё (тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Абид-Дунё, муҳаддислардан. Яшаган йиллари ҳ.

208-281) ҳикоя қилади:

— Бир майхўрни кўрдим, кичик таҳорат олаётгандай, қўлини май билан ювиб, шундай дер эди:

— Ҳамд бўлсин Аллоҳгаки, Исломиятни нур қилди, сувни тозаловчи модда қилди.

Исломиятдан аввал, Аббос ибн Мирдос(мусулмонликни қийинлик билан қабул қилган ансорлардан. Ўзи халқмуҳаббатини қозонган шоирлардан эди. Кейинчалик нафақат исломни қабул қилган, шунингдск, исломнинг кучли ташвиқотчисига айланганди)дан сўраганлар:

— Нечун ичкилик ичмайсан?

У шундай жавоб берган:

— Мен ақлимни назоратдан чиқарувчи нарсани ўз қўлим билан олиб, ичимни булғамайман. Эрталаб қабиламнинг муҳтарам бир хожаси бўлиб туриб, кечқурун аҳмоқ бир қабиладош бўлиб ётишни истамайман.

Байҳақий қайд этади ва Ҳз. Умарнинг ўғлидан ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки:

— Ёмонликларнинг онасидан (маст қилувчи ичкиликдан) қочингиз. Сиздан аввалги қавмлар ичида бир одам бор эди. Ҳеч кимга қўшилмай ўз гўшасида Аллоҳга ибодат қиларди. Бир хотин унга азоб бериш мақсадида кетига тушди. Бир хизматчисини юбориб, «Бизга сизнинг гувоҳлигингиз керак!» деган баҳона билан уни чақиртирди. У келиб хотиннинг уйига кириши билан, хотин эшикни қулфлаб олди. Ёнида бир ўғил бола ҳамда бир товоқ ичкилик бор эди. Хотин дедик:

— Биз сени бу ерга гувоҳлик учун чақирмадик, шу болани ўлдириб, мен билан алоқа қилишинг ёки шу ичкиликдан ичишинг учун чақирдик. Агар шу шартлардан бирини қабул қилмасанг, сенга бўҳтон ёғдираман!..

Ў одам ўйлаб қолди. Қутулишнинг йўлини тополмади. «Менга сопол косадаги ичкиликни бера қолинг!» - деди. Хотин берди. Кейин яна бир коса истади. Ва ниҳоят, ичкиликнинг таъсири билан хотин ила алоқада бўлди. Кейин болани ҳам ўлдирди.

Эй умматим ва асҳобларим! Ичкиликдан тийилинг. Аллоҳга қасамки, бир инсоннинг қалбида ичкилик ва иймон курашади. Бири иккинчисини, албатта, сиқиб чиқаради.

Имом Аҳмад ва ибн Ҳиббон ўз саҳиҳларида қайд қилиб, ибн Умардан ривоят қиладилар:

Ибн Умар эшитганига кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деган эканлар:

Одам алайҳиссалом Ер юзига отилган пайтларида малаклар деди:

- Эй Раббимиз, у ерга (Ер юзига) фасод қиладиган ва қон тўкадиган бир зотни қўясанми? Сени тасбиҳ ва тақдис этганлар бир эдик-ку?!

Аллоҳ буюрди:

- Мен сизнинг билмаганингизни биламан!

Малаклар деди:

- Эй Раббимиз, биз сенга одамзоддан кўра кўпроқ итоатлимиз!

Аллоҳ малакларга деди:

- Икки малакни келтиринг. Қандай амал қилишларини кўрайлик!

Малаклар Ҳорут ва Морут деган малакларни танладилар. Аллоҳ уларга амр этди:

- Ер юзига ининг!

Индилар.

Аллоҳнинг қудрати билан бир гул уларга энг гўзал бир хотин суратида кўрсатилди. Улар у хотин ёнига келдилар. Ўзларига таслим бўлишини сўрадилар. Хотин рад этди. Фақат Аллоҳга шерик қўшишни билдирадиган бир сўз айтсалар таслим бўлажagini айтди. Малаклар буни қабул этмадилар ва: «Биз асло Аллоҳга шерик қўшмаймиз!» дедилар. Хотин чиқди-кетди. Кейин яна келди. Ёнида етаклаб олган бир боласи ҳам бор эди. Улар хотинни кўрганда такроран ўша хоҳишларини айтишди. Хотин фақат шу болани қатл этганлари тақдирда айтганлари бўлиши мумкинлигини билдирди. Улар: «Биз асло бундай иш қилолмаймиз!»

дейишди. Хотин яна кетди. Сўнгра яна қайтиб келди. Бу сафар қўлида бир чамчак (тутқичли ёғоч кўзача) ичкилик бор эди. Улар ўша истакни такрорлашганида: «Манавини ичсангиз, бир гап бўлар!» деди. Улар уни ичдилар. Кейин эса хотин билан алоқа ҳам қилдулар, болани ҳам ўлдирдилар. Ниҳоят хайрлашаётган чоғларида хотин уларга шундай деди:

—Мен илгари айтганимда қилмаган ишларингизнинг ҳаммасини ичкилик ичгандан кейин қилдингиз!

Ҳорут билан Морут бу қилғиликларининг жазосини бу дунёда ё охирадда тортишлари мумкинлигини, булардан бирини танлаш ихтиёри улардалигини айтишганида, улар жазони шу дунёда тортишни ихтиёр қилдилар.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ МЕЪРОЖИ

Бухорий қайд этади ва Молик ибн Соъсоъ (саҳоба. Пайғамбаримиз с.а.в. бу зотни Ҳайбарга ғайримуслимлардан солиқийғувчи қилибтайинлагандилар. Имом Бухорий ўз «Саҳиҳ»ларида бу кишининг Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақидаги икки ҳадисини келтирганлар) ривоят қилади:

Расулulloҳ - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин —меърождан хабар бердилар:

— Бир вақт мен Каъбада ухлаб ётгандим. Биров (Жаброил) келди. Кўкрагимни томоғимга қадар ёрди. Қалбимни чиқарди. Иймон тўла олтин жом келтирди. Қалбимни ювиб топ-тоза қилди. Иймону ҳикмат билан тўлдирди. Кейин кўкрагим ёпилди ва шу ондаёқ тузалди. Кейин хачирдан кичик, эшакдан катта оппоқ бир ҳайвон (буроқ) олиб келишди. Кўзига кўринган жойга бир сакрашда етар эди. Унга миндим. Кейин Жаброил мени бу дунё осмонига (осмонларнинг биринчи қаватига) олиб чиқди. Дарвозасини тақиллатди. Дарвоза пойлоқчиси: «Ким бу?» деди. Жаброил: «Менман» деди. Пойлоқчи: «Ёнингдаги ким?» деб сўради. Жаброил: «Ёнимдаги Муҳаммад!» деди. У: «Меърожга чиқишга келдингларми?» дея сўрди. Жаброил: «Ҳа!» дея жавоб берди. Пойлоқчи: «Марҳабо, эй азиз меҳмон! Хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанот!» деб дарвозани очди. Осмоннинг биринчи қаватида Одам алайҳиссаломни кўрдим. Жаброил менга: «Бул зот сенинг бобокалонинг Одам алайҳиссалом бўлади. Салом бер!» деди. Мен салом бердим. Одам алайҳиссалом ҳам: «Марҳабо, эй яхши ўғил, яхши пайғамбар!» деб жавоб қайтарди.

Кейин Жаброил мени осмоннинг иккинчи қаватига олиб чиқди. Дарвозани тақиллатди. Пойлоқчи: «Ким у?» - деб сўради. Жаброил: «Жаброилман!» деди. «Ёнингдаги ким?» деб сўради. «Муҳаммад!» деди. Пойлоқчи «Меърожга чиқишга буйруқ олганми?» деди. Жаброил: «Ҳа!» дегандан сўнг, у ҳам дарвозани очиб, «Марҳабб! Хуш келибсиз!» деди. Ичкари киришимиз билан икки холавачча - Яҳё билан Исога дуч келдик. Жаброил: «Булар Яҳё билан Исо! Салом бер!» деди менга. Салом бердим. Улар ҳам алик олиб: «Марҳабо, эй яхши биродар, қутли пайғамбар!» дейишди. Кейин Жаброил мени Осмоннинг учинчи қаватига олиб чиқиб, дарвозасини тақиллатди. Пойлоқчи: «Ким у?» деганида «Жаброилман!» деди. «Ёнингиздаги ким?» деганда, «Муҳаммад!» деди. «Меърожга чиқишга амр бўлганми?» деганда, «Ҳа!» деб жавоб берди. Пойлоқчи дарвозани очиб: «Марҳабо! Хуш келибсиз!» деди. Бу ерда Юсуфни кўрдим. Жаброил ҳам: «Бу Юсуф бўлади! Салом бер!» деди. Салом бердим. Алик олиб: «Марҳабо, эй яхши пайғамбар!» деди.

Жаброил билан тўртинчи осмоннинг дарвозасига келдик.

Пойлоқчи: — Ким у? Жаброил: - Жаброилман. Пойлоқчи: — Енингиздаги ким? Жаброил: - Муҳаммад!

Пойлоқчи: — Меърожга чиқишига амр бўлганми? Жаброил: — Ҳа!

Пойлоқчи: — Хуш келибсиз! Марҳабо! Ичкарида бир зотга дуч келдик. Жаброил: «Бу, Идрис! Салом бер!» деди. Салом бердим. Идрис алик олди ва: «Марҳабо, эй биродар, марҳабо, эй яхши пайғамбар!» деди.

Жаброил мени бешинчи осмонга олиб чиқиб, дарвозасини тақиллатди. Бу ерда ҳам худди

ўша савол-жавоблар бўлиб ўтгандан кейин дарвоза очилди. Бу ерда Ҳорунни кўрдик, Жаброил, «Бу, Ҳорун! Салом бер!» деди. Салом бердим. Ҳорун алик олиб: «Марҳабо, эй биродар, марҳабо, эй яхши пайғамбар!» деди.

Кейин худди шу тарзда олтинчи осмонга кирдик. Жаброил: «Бу Мусо! Салом бер!» деди. Салом бердим. Алик олди ва: «Марҳабо, эй биродар! Марҳабо, эй гўзал пайғамбар!» деди. Мен кетаётганимда эса, йиғлай бошлади. «Нега йиғлайсиз?» дейилганда: «Мендан кейин келган пайғамбарнинг умматидан жаннатга кўпроқ киши киради, мен ўз умматимга ачиняпман!» дея жавоб берди. -

Жаброил мени еттинчи осмонга олиб чиқиб, дарвозасини тақиллатди. Пойлоқчининг: «Ким у?» деган саволига «Жаброилман» деб жавоб бергандан кейин, менинг Муҳаммадлигимни ва меърожга чиқиш учун менга амр борлигини айтди. Дарвоза пойлоқчиси: «Марҳабо! Хуш келибсиз» деди. Ичкари кирдик. Жаброил: «Бу Иброҳим! Салом бер!» деб бир кишини менга кўрсатди. Мен салом бердим. Алик олди ва: «Марҳабо, эй гўзал ўғлон, яхши пайғамбар!» деди. Сўнгра Аллоҳ таолодан ўзга зот номини ҳам билмайдиган бундан ҳам баландроқ осмонга кўтарилдик ва Сидрат ул-Мунтаҳо деган жойга етиб бордик. У ерлар менга кўрсатилди. Сидра (араб гилоси) деган дарахтнинг Набик деган мевалари Ҳажар (Ажар) ўлкасининг хурмачаларига ўхшарди. Япроқлари фил қулоғидай келарди. Жаброил: «Бу ер Сидра!» деди. Сидрада иккитаси махфий, иккитаси очиқ ҳолда бўлган тўрт дарё оқиб ётарди. Жаброилдан: «Булар қандай дарёлар!» деб сўрадим. «Махфий, яъни ер остида оқаётган икки дарё жаннатга оиддир. Ташқарида оқиб ётган мана бу икки дарё эса, Нил ва Фирот дарёларининг бошидир!» деди. Кейин менга Байти Маъмур кўрсатилди. Ҳар кун етмиш минг малак (фаришта) бу ерни зиёрат қилиб кезиб юрар экан. Бу орада шарбат, сут, бол косалари келтирилди. Мен дарров сутни олдим. Жаброил:

— Тўғри қилдинг, - деди. — Сен ва умматинг яратилганда лойингиз сутга қорилган. Сутни олганинг тўғри бўлди. Агар шарбатни олганингда, умматинг йўлдан адашарди!

Аллоҳ менга ва умматимга бир кеча-кундуз учун эллик вақт намоз ўқишни фарз қилди. Мен қайтишда Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига бордим. «Раббингиз қандай вазифа юклади?» деб сўради. «Бир кеча-кундузда эллик вақт намоз ўқимоқни буюрди» дедим. «Умматинг бунга чидамайди. Мен инсонларни ўрганганман. Яҳудийларнинг ахлоқсизлик-ларини бартараф қилиш учун кўп ҳаракат қилганман. Инсонларда чидам йўқ. Раббингга қайтиб бор. Бул вазифани камайтиришини илтимос қил! Қайтдим. Вазифани енгиллатишини сўраб дуо қилдим. Аллоҳ ўн вақт намозни камайтирди. Мусога келиб воқеани айтиб бердим. У яна қайтиб боришимни ва яна камайтиришни сўрашимни айтди. Шундай қилдим. Яна ўн вақт камайтирилди. Яна бор, деди. Бор-дим. Яна ўнта камайтирилди. Яна бордим. Яна ўнта туширилди. Ўн вақт қолди. Мусога келсам, У, яна бормасам бўлмаслигини айтди. Яна бордим. Беш вақт тағин туширилди. Мусога келиб учраганимда, у, «Мен яҳудийлардан била-ман, одамлар беш вақт намозга ҳам чидамайди. Тағин камайтиришни сўра!» деди. Мен: «Раббимдан уяламан. Беш вақт намозга розиман. Қабул этдим!» дедим.

Мен аста-секин йўлга тушарканман, шундай бир нидо келди:

- Эй Муҳаммад, мен, беш вақт намознинг фарзларини айириб, қайд қилиб қўйдим. Бандаларимнинг юкини енгиллатдим. Бу беш вақт намоз учун эллик вақт намознинг савобини бераман!..

## ЖУМАНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Жума улуғ кундир. Аллоҳ шу кун билан Исломиятга маҳобат ато этган, муслмонларга алоҳида ажр ажратиб қўйган. Аллоҳ буюради:

**- Эй мўминлар, қачон жума кунидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар**

### **билсангиз, бу ўзингиз учун яхшироқдир. (Жума сураси, 9-оят)**

Аллоҳ бу ояти билан жума куни намоз учун азон айтилган ондан эътиборан дунёвий ишлар билан машғул бўлишни ва жума намозига боришга халақит берадиган ҳар нарсани ҳаром қилди.

Расулulloҳ - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдилар:

—Шубҳасиз, Аллоҳ шу бугун шу жойда сизга жумани фарз қилди.

—Ким узрсиз уч жумага бормаса, Аллоҳ унинг қалбини муҳрлай бошлайди.

— Жума куни қадимги замонда китоб аҳлига (яхудийлар, насронийларга) берилган эди. Лекин улар у вақт ихтилофига тушдилар. Шунда улардан бу кун қайтариб олинди. Аллоҳ уни бизга ҳадя этди. Аллоҳ уни бизнинг уммат учун сақлади ва бизга байрам қилиб берди. Ва биз инсонларнинг энг аълоси бўлдик. Китоб аҳли бизга тобе бўлди.

Анас ибн Молик - Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдилар:

— Менинг олдимга Жаброил алайҳиссалом келди. Қўлида оппоқ бир ойна бор эди. «Бу — жума. Раббинг уни — сенга ва умматингга байрам бўлсин деб — сенга фарз қилди!» деди. «Бизга ундан нима фойда чиқади!» дедим. Дедики:

— Жумада сиз учун хайрли бир соат бор, ким у соатда хайрли бир нарса истаса, Аллоҳ уни албатта беради. Ёки бир гуноҳдан сақланиш учун Аллоҳга сиғинса, Аллоҳ уни сақлайди. Бизнингча, у — қунларнинг энг улуғидир. Биз охиратда явмул-мазид деймиз уни. (явмул-мазид — ортиғи билан қувонч берилган кун, демакдир).

— Тепасида қуёш туғилган энг хайрли кун жума кунидир. Одам алайҳиссалом шу кунда яратилган. Шу кунда жаннатга қўйилган. Шу кунда ер юзига индирилган. Шу кунда тавбаси қабул бўлган. Шу кунда вафот этган. Қиёмат куни ҳам шу кунда содир бўлади. Аллоҳнинг наздида бу кун явмул-мазиддир. Кўкдага фаришталар ҳам бу кунни шу ном билан айтадилар. Аллоҳнинг жамоли томоша қилинадиган кун ҳам шу кундир.

— Аллоҳ жума куни олти юз минг кишини жаҳаннамдан озод қилади.

Анас ибн Молик — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедилар:

— Жума омон бўлса, бошқа кунлар омон бўлади.

Яна Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Жаҳаннамнинг олови ҳар кун заволдан олдин истиво вақтида (кун-туннинг ўртасида, баробарлик онида) бир гуриллатилади. Жума намозидан ташқарида бу пайтда намоз ўқиманг. Чунки жума кунининг бошдан-оёғи батамом намоздир. Жаҳаннам олови жума кунида гуриллатилмайди.

Каъб дейдики:

— Аллоҳ шаҳарлардан Маккани, ойлардан Рамазонни, кунлардан жумани, кечалардан Лайлат-ул-Қадрни кўпроқ фазилатли қилди.

Дейдиларки:

— Жума куни қушлар ҳам, ҳашарот ҳам бир-бирлари билан учрашганда саломлашиб шундай дейишармиш:

— Салом, салом, солиҳ кун!

Расулulloҳ (с.а.в.) шундай буюрдилар:

—Жума куни кечаси ўлган кишига (мўминга) Аллоҳ шаҳид савобини ёзади. Уни қабр можаросидан асрайди.

### **ХОТИННИНГ ЭРИДАГИ ҲАҚҚИ**

Хотинларнинг эрларида ҳақлари жуда кўп. Эркаклар уларга нисбатан ғоят яхши феъл-атворли бўлишлари; хотинларнинг яратилиш жиҳатидан эркакларга нисбатан заифроқлигини

назарда тутиб, марҳамат қилиб, уларнинг берган азобларига чидашлари шундай ҳақлар жумласидандир. Аллоҳ буюради:

— **Эй мўминлар, хотинларга зўрлик билан ворис бўлишингиз ҳалол эмас. Агар очиқ бузуклик қилган бўлмасалар берган маҳрларингизнинг бир қисмини қўлга киритиш учун уларни эзманг. УЛАРГА ЯХШИ МУОМАЛА ҚИЛИНГЛАР. Агар уларни ёмон кўрсангиз ҳам, сабр қилинг, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин.** (Нисо сураси, 19-оят)

Яна Аллоҳ уларнинг ҳақини ҳурмат қилиш тўғрисида буюрди:

- **Бирга яшаганингиз ва улар сиздан ҳалол таъминот олганларидан кейин қандай қилиб уни (яъни маҳрни) қайтариб оласиз?! (Нисо сураси, 21-оят)**

- **Аллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарса шерик қилманглари. Отанангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, яқин қўшнига ва узоқ қўшнига ЁНИНГИЗДАГИ ҲАМРОҲИНГИЗГА, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қўлларингизга ЯХШИЛИК ҚИЛИНГИЗ! Аллоҳ мутакаббир ва мақганчоқ бўлган кимсаларни севмайди.** (Нисо сураси, 36-оят)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) видо хутбаларида уч нарсадан баҳс этдилар. Сўзлаб туриб йиғлар, йиғлабтуриб сўзлар эканлар, тиллари титраб, овозлари бўғилди. Ўшанда шундай дедилар:

— Намоз, намоз, намозингизга диққат қилинг, ҳеч бепарволик қилманг!..

Ўз қўлингиз остидагиларга (қўллар, хизматчилар,-ишчиларга) кучлари етмайдиган вазифаларни юкламанг.

ХОТИНЛАРнинг ҳақларини ҳурмат қилинглари, мен бу хусусда Аллоҳдан кўрқингларни тавсия этаман. Хотинларнинг ҳаққи масаласида Аллоҳдан кўрқинглари! Зеро, улар сизнинг ёрдамчиларингиз ва сизнинг мададингизга муҳтождирлар. Улар СИЗГА ОЛЛОҲНИНГ ОМОНАТИДИРЛАР. Аллоҳнинг розилиги билан уларнинг ҳар нарсаси сизларга ҳалод қилинди.

Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

—Қайси эркак хотинининг қилиқларига чидаса ва сабр қилса, Аллоҳ унга, Айюб алайҳиссаломнинг балоларга сабри натижасида берган ажрини ато этади.

—Қайси хотин эрининг инжиқликларига чидаса ва сабр қилса, Аллоҳ унга Фиръавннинг хотини Осиёга берган савобидан ато этади.

Хотин билан яхши яшаш, фақатгина унга азоб бермас-ликдан иборат эмас. Ундан келадиган ҳар қанақа азобларга чидаш, у аччиқланганда унга мулойим муомала қилиши ҳам лозим. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг хотинлари баъзан гап қайтариб, унга қўпол муомалада бўлишарди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай пайтларда уларга ўзларини босиб, яхши сўзлар айтиб мулойим муомала қилардилар. Бир кун Ҳз. Умарнинг хотини гап қайтариб, ёмон муомала қилганда, Ҳз. Умар унга: «Менга гап қайтариб, қўполлик қилишга уялмайсанми?» деди. Хотини: «Расулуллоҳ (с.а.в.) сендан яхшироқ бўлгани ҳолда, унинг хотинлари (бизнинг қизимиз Ҳафса ҳам) унга бемалол гап қайтаришади!» дея жавоб берди. Ҳз. Умар эса шундай деди:

-Агар Пайғамбаримиз (с.а.в.)га гап қайтараётган бўлса, Ҳафса хато қилибди.

Кейинчалик Ҳз. Умар Пайғамбар (с.а.в.)га гап қайтараётгани учун қизи Ҳафсага танбех бериб, шундай деганди:

— Сен Абу Бакрнинг қизи (Ойша)га қараб, унга тақлид қилиб, Пайғамбарга гап қайтарма. У Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг севгилиси, билдингми?

Бир мартасида Расулуллоҳ (с.а.в.) билан завжаи муҳтарамалари Ҳз. Ойша ўртасида гап қочди. Низони бир ёқлик қилиш учун қозиликка Ҳз. Абу Бакрни чақириб келишди. У нима гаплигини сўраганда, Пайғамбаримиз (с.а.в.), Ҳз. Ойшага: «Гапир, ё мен гапирайми?!» дедилар. Ҳз. Ойша эса: «Сиз гапиринг, лекин тўғриси айтинг!» деди. Шу сўзни айтиши билан Ҳз. Абу Бакр қизига бир шапалоқуриб, оғзи-бурнини қонатди.

~ Ҳой тилинг кесилгур! Бирда-ярим ёлғон гапирибдимми? — деди унга.

Ҳз. Ойша, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг орқасига қочиб ўтирди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қайнотаси Абу Бакрга ташбеҳ бериб дедики:

— Биз бундай қилишингизни истамасдик!

Анас ибн Молик — Аллоҳ ундан рози бўлсин — дейдики:

-Аллоҳ Расули (с.а.в.) хотинлару болаларга энг раҳм-шафқатли инсон эди.

Хотин киши эридан ўзи билан ҳазиллашиб-қулишиб ўтиришини талаб қилиши ҳам, унинг ҳақлари жумласидандир. Зеро, хотинларнинг бундай нарсадан кўнгли кўтарилади. Расул алайҳиссалом, хотинларининг ақли ва маданий савиясига тушиб, улар билан ҳазиллашар, ўйнашиб-қулишар эди. Ҳатто, бир ривоятга кўра, Ҳз. Ойша билан югуришда мусобақа ўйнар, гоҳ униси бунисини, гоҳ буниси унисини қувиб ўтиб кетарди.

Хотинларга иззат-икром кўрсатишда Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ўтадиган киши йўқ эди.

Ҳз. Ойша ҳикоя қилади:

— Бир марта муҳаррам ойининг Ашуро куни ташқаридан сурон овозлари эшитилди. Ҳабашлар ва бошқа инсонлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб шовқин кўтариб ўйнашаётган эди. Расулulloҳ (с.а.в.) менга: «Уларнинг ўйинларини томоша қилгинг келяптими?» дедилар. «Ҳа!» дедим. Расулulloҳ (с.а.в.) эшик олдига келиб тўхтадилар. Бир қўлларини кесакига тирадилар. Бошқа қўллари билан мени тортдилар. Мен иягимни қўллари устига қўйдим. Ҳабашлар ўйнар, мен Расулulloҳ (с.а.в.)нинг қўлларига иягимни қўйганча, эшикдан ўйинни томоша қилардим. Бир мунча вақт шу ҳолда томоша қилиб турганимиздан кейин, «Етар энди!» дедилар. Мен «Яна бир оз кўрайлик!» дедим. «Етади, эй Ойша!» дедилар. «Ҳа, майли!» дедим мен. Расулulloҳ (с.а.в.) ўйинчиларга имо қилдилар. Улар -ҳам ўйинни бас қилиб, узоқлашдилар. Шу куни Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деб буюрдилар:

— Иймон жиҳатидан мўминларнинг энг комили оила аъзоларига энг кўп чиройли муомала қилувчи кишилар бўлади.

Яна бир сафар Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Энг яхши одамлар хотинига яхши муносабатда бўлади. Сизларнинг орангизда мен ҳам хотинига яхшилардан бириман.

Ҳз. Умар — табиатан кўполроқ муомалали бўлсалар ҳам - дердиларки:

— Киши оиласи билан боладай муомала қилиши керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир тул хотинга уйланган Жобирга дедики:

— Бокира қизга уйлансайдинг... у билан ҳазиллашиб, ўйнашиб ўтирардинг, у ҳам сен билан ўйнагиси келаверарди!

Эркак хотинга мулойим ва чиройли хулқлар билан муомала қилишда салобатли бўлиши ва обрўйини йўқотмаслиги ҳам хотиннинг эрдан талаб қилиши мумкин бўлган ҳақлари жумласига киради. Чунки эр хотини олдида обрўйини йўқотса, хотин ҳавойи нафсига берила бошлайди. Шу тариқа хотиннинг ахлоқи издан чиқади. Эрни менсимай кўяди. Ана шунинг учун ҳам эркак хотинига нисбатан хушмуомалада мувозанатни йўқотмаслиги, унинг олдида ўз ғурури ва савлатини сақлаб туриши керак. Хотинининг ҳар бир ғайриахлоқий қадамини дарҳол терговга олиши, хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворидаги нуқсонларни тез бартараф этиб, уни тўғри йўлга буриб юбориши, шариатга ва инсонийликка зид ҳолни кўрса, ҳеч иккиланмай, унга қарши қатъий курашиши керак.

Ҳасан Басрий дейдики:

— Хотинининг нафсоний орзуларига бўйсунган ҳар бир эркакни Аллоҳ жаҳаннам оташига отмай қўймайди.

Ҳз. Умар эса шундай дейди:

— Хотинларга итоат этманг. Уларга қаршилиқ қилиб турмасангиз уйдан барака кетади.

Расул алайҳиссалом буюрдилар:

— Хотинга қул бўлганни юзтубан судраш ҳам оз!

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бундай буюрганларининг сабаби қуйидагича:

— Хотинининг нафсоний орзуларига итоат этган эркак унинг қули демақдир. Чиндан ҳам

бундай эркак лаънатга лойикдир. Чунки Аллоҳ уни хотинга ҳоким қилиб яратган. Ва ҳоким қилган. У эса хотинининг нафсоний орзуларига итоат этиб, унинг амрига кириш билан Аллоҳнинг ҳукмига терс борган, шу тариқа шайтонга итоат этган бўлади. Шунинг учун Аллоҳ шайтондан ҳикоя қила туриб, шундай деб буюради:

— **Аллоҳ уни (шайтонни) лаънатлади. (Шунда) у деди: «Қасамки, бандаларнинг орасидан ўзимга тегишли насибани, албатта, оламан. Ва уларни йўлдан оздираман, хом-хаёлларга мубтало қиламан, буюрсам улар чорваларининг қулоқларини кесадилар, буюрсам Аллоҳ яратган нарсаларни ўзгартириб-бузадилар».** Кимки Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, бас, у очикдан-очик зиён қилибди. *(Нисо сураси, 118-119-оятлар)*

Эркакнинг ҳақи Аллоҳга тобе бўлмоқдан иборат. Унинг хотинга тобе бўлиши тақиқланган. Аллоҳ, **«Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар!»** *(Юсуф сураси)* деб буюрган.

Яна Аллоҳ эркакни хотинга хожа, деб номлади. Мана, У буюради:

— **Эшик олдида хотиннинг хожасига йўлиқиб қолишди.** *(Юсуф сураси, 25-оят)*

Модомики аҳвол шундай экан, хотинига итоат этган, унинг нафсоний орзуларига бўйин эгган эркак, аслида, Аллоҳнинг неъматини инкор этган ва унинг ҳукмининг тескарисини қилган бўлади.

Хотиннинг нафси ҳам сенинг нафсинга ўхшайди. Унинг тизгинини бирозгина қўйиб юборсанг, сен истамаган узоқ ва тақиқланган минтақаларга тортиб кетади. Агар жиловини бир қарич бўшатсанг, у сени бир қулоч нарига судрайди. Агар маҳкам ва забт билан ушлаб олсанг, у ҳолда молик ва хожа бўла оласан.

## ЭРНИНГ ХОТИНИДАГИ ҲАҚҚИ

Эрнинг хотинидаги ҳаққи мавзуида ҳаммага ёқадиган гап шуки:

— Никоҳ, қайсидир бир жиҳатдан бандалиқдир, демак, хотин эрининг олдида бандалиқни адо этиши шартдир.

Бу борадаги қатъий ҳукм шундан иборатдир:

— Хотин гуноҳ бўлмайдиган ҳар қандай масалада эрининг хоҳишларига сўзсиз итоат қилиши керак.

Хотин эрининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши кераклиги тўғрисида бир қатор ҳадислар бизга мерос (ҳужжат) бўлиб қолган. Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрадилар:

— Қайси хотиннинг эри ундан мамнун ҳолда вафот этса, ўша хотин, албатта, жэннатга киради.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирдилар:

— Хотин беш вақт намоз ўқиб, Рамазон рўзасини тутиб, номусини ёт кишилардан асраб, эрига итоат қилса, жаннатга киради.

Кўриниб турибдики, Аллоҳ Расули (с.а.в.) Ислоннинг шартлари бўлган намоз ва рўза қаторига эрга итоат қилишни ҳам қўшганлар.

Расулulloҳ (с.а.в.) бир куни хотинлардан баҳс очиб, шундай дедилар:

— Ҳомилали ва эмизикли хотинлар, оналар, болаларига раҳм-шафқатли бўлган жувонлар, агар эрларига итоатсизлик қилмай, намоз ўқишсайди, жаннатга киришарди.

— Жаҳаннамдан хабардор бўлдим. Жаҳаннам аҳлининг кўпчилиги хотинлар эканлигини кўрдим.

— Нега бундай, эй Аллоҳнинг Расули? — дедилар.

Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Чунки кўп лаънат оладилар, эрларига нонкўрлик қилдилар.

Бошқа бир ҳадис мана бундайдир:

— Жаннатга учрадим. Жаннат аҳлининг озчилиги хотинлардан ташкил топган экан.



«Хотинлар қаерда?» дедим. «Улар олтин, кумуш ва бошқа зийнат ашёлари билан овора!» дейишди.

Ҳз. Ойша ҳикоя қилади:

—Расулulloҳ (с.а.в.)нинг олдига ёш ва кучли (бақувват) бир хотин келди. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ёш ва бақувват аёлман. Эрга тегмоқчиман. Лекин кўрқиб турибман. Эрнинг, хотинда қандай ҳуқуқлари бўлади?» деди. Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдиларки:

—Агар эринг қон-йирингга ботиб ётган бўлса-ю, унинг эрлик хоҳишига қўнмасанг, сен уни сочидан тирноғига тозаласанг ҳам, ҳамон унинг ҳақини ўтаган бўлмайсан.

Хотин деди:

— Эрга тегаверайми, эй Аллоҳнинг Расули?

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ҳа, оила қуриш хайрли нарса.

Бошқа сафар яна бир хотин келиб: «Мен эрсиз хотинман. Оила қурмоқчиман. Эрнинг, хотинда қандай ҳуқуқлари бор?» деди:

Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

— Хотин туянинг устида сафарга отланиб турган бўлсаю, шу пайт эркак хоҳлаб қолса, унинг нафсини қондириш ҳам эрнинг хотиндаги ҳақлари жумласидандир.

Эрдан берухсат уйдан бир нарса бермаслик, эрдан берухсат нафила рўза тутмаслик ҳам эрнинг хотиндаги ҳуқуқи жумласидандир. Агар эрига билдирмай унинг мулкидан бировга бир нарса берса — хотинга гуноҳ, берилган садақанинг савоби эса эрга ёзилади. Эридан ижозат олмай рўза тутса қабул бўлмайди. Оддий очлик ва чанқоқлик бўлади.

Хотин эридан изн олмай уйдан чиқса, уйига қайтиб келгунча ва тавба қилгунга қадар фаришталар унга лаънат ўқийдилар.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Агар мен бирон кимсанинг бошқа бир кимсага сажда қилишини буюрмоқчи бўлсайдим, эрнинг хотинда ҳақи кўплиги туфайли, хотин эрига сажда қилсин, деб буюрардим.

— Хотиннинг Раббига энг яқин бўлган пайти уйда бўлган пайтидир. Яна, хотиннинг уйдаги намози масжиддаги (жомедаги) намозидан фазилатлироқдир. Уйининг бир гўшасида ўқиган намози, уйининг ўртасида ўқиган намозидан савоблироқдир. Хужра ичидаги (энг кўзга ташланмас гўшада) ўқиган намози, ҳамма дабдабали жойларда ўқиган намозидан афзалроқдир.

Буларнинг бари кўзга ташланавермаслик учундир. Шунинг учун аёл киши ўзини кўз-кўз қилавермаслиги керак.

Эрнинг хотинда ҳақлари кўп. Энг муҳимлари қуйидаги икки нарсадир:

1 - Хотиннинг ўралиб юриши, оила сирларини сақлаши, ор-номуси ва шаънини пок тутиши.

2— Эридан нозарур нарсани талаб қилмаслиги, эрининг ҳаром топиш-тутишига сабаб бўлмаслиги.

Қадимдан солиҳа мусулмон хонимлар шундай эдилар. Эркак тижорат мақсади билан йўлга чиққан чоғида хотини шундай дерди:

— Отаси, ҳаром топиш-тутишдан сақланинг! Биз очликка ҳам, бошқа етишмовчиликка ҳам чидаймиз. Лекин қиёмат куни жаҳаннам оташига чидолмаймиз!..

Қизлари ҳам оталарига шу сўзларни айтишарди. Шом (Сурия)лик Робиа Хотун Аҳмад ибн Абдулҳаворий(шайхлардан. Абу Сулаймон Дороний (221-изоҳга қаранг)нинг муриди бўлган. Жунайд Бағдодий (25-изоҳга қаранг) У ҳақда: «Аҳмад - Шом райҳонидир» деган эди. Ҳижрий III асрда яшаган)га тегмоқчи эди. Лекин Аҳмад, кўп вақти ибодат билан машғул бўлгани учун, бунга ҳеч ҳам рози бўлмаган ва унга шундай деганди:

- Мен ўз ҳолимча яшаётган, ўзи билан ўзи овора бир одамман. Хотинлар билан кўпда ишим йўқ.

Робиа эса унга шу жавобни берди:

— Мен, сиздан-да кўпроқ ўз ҳоли билан овора одамман. Менда жинсий-нафсоний орзу йўқ. Фақатгина, эримдан озгина давлат қолди. Сиз солиҳ кишиларни яхшироқ биласиз. Менга қолган бу давлатни — бу бойликни уларга улашсангиз, дейман. Шу ниятда сизни мен билан никоҳланишга таклиф қиляпман. Шундай қилсам, Аллоҳга яқинроқ бўлардим.

Шунда Абулҳаворий уйланиш масаласида Абу Сулаймон Доронийга маслаҳат солди. Дороний Абулҳаворийга уйланишни ман этди ва шундай деди:

— Бизнинг одамларимиздан кимки уйланган бўлса, ҳаммаси ўзгарди, бузилди. Уйлансанг сен ҳам бузиласан.

Лекин Робианинг юқоридаги сўзлари унга батафсил айтилганда, «У (Робиа), Аллоҳнинг авлиё бандаси экан, дарҳол уйлан!» деди.

Шунда Аҳмад ибн Абулҳаворий унга уйланди. Секин-секин бутун бойликни камбағалларга ва солиҳларга тарқатдилар.

Бу Шомлик Робиа Басралик Робиага (Робиа-и Адвиййага) ўхшайди.

Эрнинг моли ва бойлигини исроф қилмаслик, уларни яхши асраш ҳам хотин учун вожибдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрадилар:

— Эрининг рухсатисиз унинг молини ҳар кимга бериш хотин учун ҳалол эмас. Фақат бузилиб қолиши мумкин бўлган овқатни бериши мумкин. Агар эрининг рухсати билан бирон кимсага бирон нарса едирса, у ҳам эри билан теппа-тенг ажр-мукофот олади. Агар эрининг ижозатисиз берса, гуноҳи унга, савоби эса эрига бўлади.

Узатиладиган қизнинг ота-онасига тушадиган вазифалар ҳам бор. Улар қизларига эрга, теккандан кейин эри билан яхши яшаш, унга гўзал ахлоқ билан муомала қилиш йўллари йўргатишлари лозим. Чунончи, Фазорий қизи Асмо(тахминан ҳижрий II-III асрларда яшаган тақводор аёллардан бири), қизини эрга узатаркан, унга шундай ўғитлар берган экан:

— Қизим, шу кунгача яшаган уянгдан чиқиб, нотаниш бир уяга, билмаган-танимаган, ҳеч қачон ҳамсўхбат бўлмаган бир одам билан бирга яшашга кетяпсан. Сен у одамга дўст бўл, Ер (тупроқ) бўл, у одам сенга Осмон бўлсин, сени ҳимоясига олсин. Сен унга тўшак бўл, у сенга суюнчиқ (устун) бўлсин. Сен унга чўри бўл, у сенга султон бўлсин. Уни ҳеч қачон хафа қилмаки, у ҳам сени хафа қилмагай. Ундан узоқлашмаки, сени унутмасин. Агар сенга яқинлашмоқчи бўлса, сен ҳам унга яқинлаш. Агар сендан узоқ туришни истаса (яқинлашишни истамаса), сен ҳам узоқ тур. Унинг бурнини, қулоғини ва кўзини ҳурмат қилиб асра. Сендан доимо муаттар ҳидлар анқиб турсин. Оғзи бурнингдан ёқимсиз ҳидлар келмасин. Сендан доимо ширин ва гўзал сўзлар эшитсин, қулоғига ифлос сўзлар кирмасин. Сени доимо гўзал кўрсин. Сендан совимасин, жирканмасин!..

## ЖИҲОДНИНГ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ ж.ж. билдиради:

— **Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган (жиҳод этган) зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содиқ бўлган зотлардир.** (*Ҳужурот сураси, 15-оят*)

Нуъмон ибн Башир ҳикоя қилади:

- Мен Расулulloҳ (с.а.в.)нинг минбари ёнида эдим. Биров: «Мен Исломдан кейин энг фазилатли амал сифатида ҳажга борганларга сув тарқатишни қабул қиламан!» деди. Бошқа бири: «Мен Исломдан кейин энг фазилатли амал — Масжид-ал Ҳарамни таъмирлаш деб биламан!» деди. Учинчи бир киши: «Жиҳод — айтганларингизнинг ҳаммасидан фазилатли!» деб қарши чиқди. Бу орада Ҳз. Умар уларнинг баҳсига чек қўйиб: «Расулulloҳ (с.а.в.)нинг минбари ёнида шовқин солманглар! Бугун жума. Намоздан кейин бориб, ихтилоф қилаётган нарсангизни Аллоҳ Расулидан сўранглар!» деди. Шу куни Аллоҳ шу оятни инзол қилганди:

— Сизлар ҳожиларга сув беришни ва Масжид-ал Ҳарамни обод қилишни Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳамда Аллоҳ йўлида курашган (жиҳод этган) зотларнинг амалларига тенг деб билдингизми?! Булар Аллоҳ наздида тенг эмаслар. Аллоҳ золим қавми ҳидоят қилмас. *(Тавба сураси, 19-оят)* Абдуллоҳ ибн Салом ҳикоя қилади:

— Биз, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг асҳобидан бир неча киши, йиғилишиб ўтиргандик. Ўз-ўзимизга: «Кошки Аллоҳ ва Расулининг наздида қайси амал яхшироқлигини билсайдик, ўшанга амал қилиб яшардик!» дедик.

Аллоҳ шу оятларни инзол қилди:

— Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Аллоҳга тасбиҳ айтди, У қудрат ва ҳикмат соҳибидир. Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир). Албатта, Аллоҳ ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилган ҳолларида жиҳод қиладиган кимсаларни севар. *(Саф сураси.)*

Бир киши Пайғамбаримиз (с.а.в.)га: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга жиҳод билан тенг келадиган бир амал айтинг!» деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мен бундай амал тополмайман!» деб айтдилар ва илова қилдилар:

— Орангизда кимда-ким Аллоҳ йўлидаги бир жиҳодга қўшилса, бу — уйда етмиш йил намоз ўқиганидан яхшироқдир.

## ШАЙТОННИНГ ҲИЙЛАСИ

Бир одам Ҳасан Басрийдан:

— Шайтон ухлайдими? - деб сўради.

Ҳасан Басрий бу гапга кулди ва шундай деб жавоб берди:

— Қанийди ухласа, биз ҳам тинчир эдик!

Модомики шундай экан, мўмин учун ундан қутулиш йўқ.

Фақатгина уни даф қилиш ва ҳийласини таъсирсиз ҳолга келтириш бор.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Сизлар сафарда туянгизни қандай ниқталасангиз, шайтонни ҳам шундай ниқталашингиз керак, шунда мўминлигингиз билинади.

Ибн Масъуд — Аллоҳ ундан рози бўлсин — шундай дейди:

— Мўминнинг шайтони — даф қилингандир.

Қийс ибн Ҳажжож (ҳижрий II-III асрларда яшаган, тасаввуфий китоблар муаллифи) ҳикоя қилади:

— Шайтон ичимга васваса солиб: «Мен сенинг олдинга қутурган туя сингари кирган эдим, ҳозир чумчукдайман!» деди.

— Нега? — дедим.

— Гуноҳлар йўлига киритиш учун сенга ҳар гал васваса солганимда, сен Аллоҳни хотирлаб, кўрсатган йўлимдан воз кечасан. Шундай қила-қила мени адои тамом қилдинг.

Тақво аҳлига шайтоннинг васваса эшикларини ёпиш ва ўзини ҳимоя қилиш қийин эмас. Улар одамни гуноҳ қилншга ундаётган шайтонга бу эшикларни осонлик билан ёпадилар. Тақводорлар аҳволдан бохабар бўладилар ва ҳимоя чоралари кўришни бир он ҳам орқага сурмайдилар. Қалбда шай-тоннинг васвасасига очик эшиклар жуда кўп. Фаришталар кириши мумкин бўлган эшиклар, яъни яхшилик эшиги эса биттагина. Шу бир эшик ҳам бошқа эшиклардан фарқли эмас. Қалбнинг аҳволи шундай бўлганлиги учун, инсон қоронғи тунда сўқмоқлари ҳар ёққа таралиб кетган чўлда адашган йўловчига ўхшайди. Бу аралаш-қуралаш йўллардан омон чиқиш, фақат ўткир кўз эгаларига насиб бўлади. Шунингдек, тонг отгандан

кейин қуёш нурида ҳам қутулиб кетиш мумкин. Шайтон васвасаси ҳужумига учраган кимса учун тақво билан тозаланган пок қалб ўткир кўз вазифасини ўтайди. Аллоҳнинг китоби Қуръондан ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларидан ўрганилган илмлар эса, қуёш нури вазифасини ўтайди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади.

— Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) бир чизиқ чиздилар ва «Бу — Аллоҳнинг йўли» дедилар. Сўнг, бу чизиқнинг ўнгига ва сўлига яна биттадан чизиқ чиздилар ва «Булар ҳам йўллар. Бу йўлларнинг икки четида йўловчиларни чақириб ўтирувчи шайтонлар бор» деб айтдилар, ундан кейин эса, шу оятни ўқидилар:

**- Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб (У, яъни Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди. (Анъом сураси, 153-оят)**

Биринчи китобдаги баъзи баҳсларда шайтоннинг ҳийла-ларидан баъзиларини зикр этиб, олимларни ва обидларни алдаш йўлларини кўрсатган эдик. Энди бу ерда бир мисол келтирайлик.

Ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) шу ҳикояни айтган эканлар:

— Қадим замонда бир роҳиб бор эди. Шайтон уни йўлдан оздиришга қасд қилди. Шу орада бир кишининг жорияси хасталанган эди. Шайтон: «Бу касални фалон роҳиб тuzатади», деб жориянинг оиласига васваса солди. Жорияни даволатиш учун роҳибни кига бордилар. Лекин у қабул қилмади. Лекин улар такрор-такрор унинг уйига бош уриб боравердилар. Ахийри, роҳиб уни қабул қилишга мажбур бўлди ва даволай бошлади. Бир маҳал шайтон унинг кўнглига васваса солди. Жория билан алоқа қилиш фикрини уйғотди. Ниҳоят буига муваффақ ҳам бўлди: жория билан алоқа қилди. Жория ҳомиладор бўлди. Энди шайтон роҳибни шундай васвасада қолдирди:

— Сен буни ўлдиришинг керак. Агар ўлдирмасанг эртага овоза тарқалади, эл аро юзи қаро бўласан. Яхшиси, ҳозир уни ўлдир, кейин эса оиласига «Ўлди!» дейсан. Шу тариқа ўзингни қутқариб қоласан.

Роҳиб шундай қилди.

Шайтон эса энди жориянинг оиласини: «Роҳиб қизингиз билан алоқа қилди. Кейин ўлдириб кўмди!» деб васвасага солди. Улар келдилар. Ҳақиқатни аниқлагач, роҳибни ўлдириш ниятида унга ҳужум қилдилар. Шунда шайтон роҳибга юзма-юз келиб, шундай деди:

— Бу ишларнинг ҳаммасини сенга васваса бериб, мен қилдим. Хоҳласанг сени қутқариб қолишим мумкин. Лекин олдин менга икки карра сажда қиласан!

Роҳиб сажда қилди. Сўнгра шайтон унга қараб шундай деди:

— Мен сендан йироқман. Мен сенитанимайман. Сен билан ҳеч қандай алоқам йўқ.

Мана, Аллоҳж.ж. ўз оятида шу ҳақиқатни, яъни шайтон олдин васвасага солиб, кейин қочиб қолишини кўрсатгандир:

**— (Мунофиқлар) худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Эсланг, у инсонга «кофир бўл» - деганди. Энди қачонки (инсон) кофир бўлгач, шайтон унга: «Албатта мен сендан безорман. Зеро мен барча оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқурман», деди. (Ҳашр сураси, 16-оят)**

Иблис (шайтонларнинг бошлиғи) имом Шофеъийдан сўради:

— Мени хоҳлаганидай яратиб, хоҳлаганидай фойдаланган зот ҳақида нима деб ўйлайсан? Энди мени истаса жаннатга қўяр, истаса дўзахга. Бу адолатми ёки зулмми?

Имом Шофеъий ўйлаб турди-турдида, деди:

— Ҳей, мен сени билмайман, сен қандай одамсан! Аммо билиб қўй: агар сен хоҳлаганинг учун сени яратган бўлсалар, сенга зулм қилганлар. Агар Ўзи хоҳлагани учун яратган бўлса, қилган ишлари учун жавоб сўралмаслиги керак. Яратилганлар эса, қилган ишлари учун сўроқ

қилинади.

Бу жавобдан шайтоннинг овози ўчди. Кейин деди:

— Эй Шофеъий, мен бу муаммони васваса қилиш орқали етмиш минт обидни обидлик мақомидан зиндиқлик (динсизлик) даражасига туширдим.

Бир дафъа Иблис Исо алайҳиссалом қаршисига чиқди. «Ла илаҳа иллаллоҳ, де!» деди. Исо алайҳиссалом: «Бу, ҳақ сўздир, лекин мен сен айтиб турганинда айтмайман!» деди.

Чунки шайтон ҳақ билан ботилни аралаштирмоқ учун баъзан ҳақгўй суратида кўринади. Шу тариқа обидларни, зоҳидларни, бойларни ва халқ табақасининг ҳар турли инсонларини ҳалок этади, унинг фитнасидан ёлғиз Аллоҳ асрайдиган кишиларгина омон қолади.

Аллоҳим, сен бизни шайтоннинг ҳийлаларидан асра. Токи Сенинг ҳузурингга тўғри йўлда бўлган кишилар бўлиб борайлик.

## ЧОЛҒУ ТИНГЛАМОҚ

Абу ат-Тоййиб Тобарий (ҳижрий IV асрда яшаган фақиҳ-қозилардан) шундай дейди:

-Шофеъийнинг гҳамсуҳбатлари айтишича, эркак кишининг номаҳрам аёлдан кўшиқ тинглаши жоиз эмас.

Абу ат-Тоййиб Имом Шофеъийга асосланиб яна шундай дейди:

— Халқни тўплаб, чўрисига кўшиқ айттириб, базм берган эркак ақлсиз эркакдир.

Абу ат-Тоййибнинг айтишича, Имом Шофеъий яна қамчи ва бошқа нарсаларни ерга усул билан тақ-тақ уришни ҳам макруҳ ҳисоблаган, бу усулни аввалги замонларнинг зиндиқлари Қуръонни тинглашга халақит бериш учун ўйлаб топганларини бунга сабаб қилиб кўрсатган.

Имом Молик кўшиқ тинглашни қатъиян таъқиқлаб шундай дейди:

— Бирон кимса чўри сотиб олса, сўнгра унинг кўшиқчи эканлигини кўрса, эгасига қайтариб бериши лозим.

Саъд ўғли Иброҳим(тўлиқ исми Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Саъд аз-Зухарий, мадиналик ансорлардан. Вафоти ҳ., 183 й)дан бошқа ҳамма мадиналиклар шу фикрдадилар.

Абу Толиб Маккий (тўлиқ исми Абу Толиб Муҳаммад ибн Али ибн Отиёт ал-Ҳорисий ал-Маккийлир. Машҳур сўфий ва муҳаддислардан. «Қут ал-Қулуб» ва бошқа асарлар муаллифи. Фаззолий юқоридаги иқтибосни Маккийнинг «Қут ал-Қулуб» асаридан келтирган) эса, баъзи кишилар кўшиқ тинглашни мубоҳ ҳисоблашларини нақл этиб дейдики:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сафдошларидан Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Муғира ибн Шуъба, Муовия ва бошқалар кўшиқ тинглаганлар. Қадимда яшаб ўтганлардан, саҳобалар ва тобеинлардан бир қанчалари ҳам мусиқа тинглашда айб кўрмаганлар.

Абу Толиб Маккий сўзида давом этиб шундай дейди:

—Ҳижозликлар, Маккада бизнинг ёнимизда, йилнинг энг фазилатли кунларида кўшиқ тинглашдан қочманглар. Масалан, бандасига, Уз номини зикр этиш буюрилган Қурбон ҳайити кунларида одамларнинг кўпчилиги кўшиқ тингларди. Маккаликлар каби Мадина халқи ҳам кўшиқ эшитишдан қочишмасди. Отонинг икки чўриси бор эди. Кўшиқ айтишарди. Отонинг дўстлари ҳам уларни тинглашарди. Солим ўғли Абу Ҳасандан «кўшиқ тинглашни ҳаром дея оласизми?» деб сўрашганда, у шундай деганди:

—Мендан яхшироқ кишилар уни жоиз (эшитса бўлаверади) ҳисоблашар ва тинглашар эди. Шундай бўлгач, мен нима дея оламан?

Ибн Журайҳ (Ҳадислардаги сўзларга аниқлик киритишда катта хизматлари бўлган муҳаддислардан. Вафоти - ҳ. 150 й), чолғу тинглашга рухсат берарди. Ундан: «бу қиёматда яхши амал ҳисобланадими, ёки ёмон амал ҳисобланадими?» деб сўраганларида шундай жавоб берган эди: ,

—Яхши амал ҳам ҳисобланмайди, ёмон амал ҳам!.. Чунки у беҳуда сўзларга ўхшайди. Аллоҳ

буюради:

— **Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди.** (*Бақара сураси, 225-оят*)

## БИДЪАТ ВА ҲАВОЙИ НАФСГА БЕРИЛИШ

Пайғамбаримиз - Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдилар:

— Кейин динга қўшилган одатлардан сақланнинг. Шубҳасиз, кейинчалик тўқиб чиқарилган қонун-қоидалар бидъатдир. Ҳар бидъат диндан адашишдир, чалғишдир. Ҳар чалғишнинг охири жаҳаннам оташидир.

— Кимки динимизга бир нарса ижод қилиб қўшса, у мартуддир (лаънатланган, яъни шайтондир), мақбул эмасдир.

— Менинг ахлоқимга ва мендан кейин Хулафои Рошидийн (яъни тўрт халифа - Ҳз. Абу Бакр, Ҳз. Умар, Ҳз. Усмон ва Ҳз. Али)нинг ахлоқига эргашиг.

Бу ҳадиқлардан мантиқан шундай хулоса келиб чиқадики, Қуръонга, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ахлоқига ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматидан чиққан йўлбошчилар ва улуғ олимларнинг умумий ахлоқий асосларига мое келмайдиган ҳар қандай нарса — бидъатдир, диндан четдадир. Лаънатга лойиқдир.

— Кимки бир суннатни (Расулulloҳ (с.а.в.)нинг гўзал феълларидан бирини) ўзига сингдириб олса (одат ҳолига келтирса), бу суннатнинг ва то қиёматгача бу суннатга амал қилганларнинг ажр-мукофотига сазовор бўлади. Кимки ёмон бир атворни одатга айлантирса, бу ёмон атворнинг ва то қиёматгача бу атвор билан иш қилганларнинг гуноҳини олади.

Қатода, **«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди»** (*Анъом сураси, 153-оят*), мазмунидаги оятни ўқиб, дейдики:

— Билингизки, йўл битта. Бошдан-оёқ ҳидоят йўли, олиб борадиган жойи жаннат. Иблис эса бир қанча йўллар ижод қилган. Бошдан-оёқ чалкашлик, олиб борадиган жойи жаҳаннам.

Ибн Масъуд — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади:

- Бир кун Расулulloҳ (с.а.в.) бир чизиқ чиздилар ва «Бу, Аллоҳнинг йўли» дедилар. Сўнг бу чизиқнинг ўнгига ва сўлига яна биттадан чизиқ чиздилар ва «Булар ҳам йўллар. Бу йўлларнинг икки четида йўловчиларни чақириб ўтирувчи шайтонлар бор» деб билдирдилар.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) кейин Анъом сурасидан бир оятни (153-оят) ўқидилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) яна шундай деб огоҳлантирдилар:

— Ким менинг суннатимдан (йўлимдан, ахлоқимдан) юз ўгирса, менинг умматимдан эмас.

— Пайғамбарлар ўлимидан кейин динда бидъатлар ижод қилмаган биронта уммат йўқ. Лекин Аллоҳ уларни қанча миқдорда бидъат ижод қилган бўлсалар, шунча миқдорда диний асослардан бенасиб қилмай қўймаган.

— Аллоҳнинг наздида, Кўк тоқи остида, ҳавойи нафсча-лик ўзига чўқинтирадиган катта бут йўқ. (Яъни инсонлар шунчалик ўз ҳавойи нафсларининг асири бўлиб қолганларки, шунчалик унинг чизган чизиғидан чиқмайдиган бўлиб кетганларки, бу аслида унга сиғинишдир).

— Шундай қилиб, сўзнинг энг хайрлиси Аллоҳ китоби Қуръондир. Ҳидоятнинг энг хайрлиси — Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг гуноҳлиси — кейин ижод қилинган нарсалар - бидъатдир. Ҳар бидъат чалғишдан бошқа нарса эмас. Мен сизларнинг қоринларингиз,

шаҳватингиз ва ҳавойи нафсларингиз сўзидан чиқмай, йўлингизни йўқотиб қўйишингиздан қўрқаман. Бидъатлардан сақланнинг. Шубҳасиз, ҳар бидъат диндан адашишдир.

— Аллоҳ ҳар бидъатчига тавба эшигини ёпади. Бидъатчиликни ташламагунча, бу эшикни очмайди.

— Аллоҳ бидъатчининг рўзасини, ҳажини, умрасини, жиҳодини, тавбасини қабул қилмайди. У исломиятдан осонгина чиқади. Мен сизларни тунда кундузгидай ёруғ бўлган ойнинг ўн тўртидай қолдирдим. Бу йўлдан фақат ҳалокатга учрайдиганлар бурилиб кетади. Умрда ҳар нафснинг ҳиммат ва ғайрати бор. Ҳар ҳиммат ва ғайратнинг бир заифлик пайти бор. Кимнингки ҳиммати ва ғайрати менинг суннатимга қаратилган бўлса, у ҳидоятга етишади. Кимнингки ҳиммати ва ғайрати менинг суннатимдан бошқа нарсаларга қаратилган бўлса, у ҳалок бўлажак. Мен умматим учун уч нарсдан кўрқаман:

1. Олимнинг ҳақ йўлдан бурилиб кетишидан,
  2. Ҳавойи нафсга берилишидан,
  3. Ноодил ҳукм чиқаришидан.
- Бу ҳадисни Термизий ривоят қилганлар.

## **ЎЙИН - ЭРМАК ҚУРОЛЛАРИ**

Бухорий қайд этади:

— Кимки дўстига: «Кел, бирга қимор ўйнаймиз?» деган бўлса, садақа берсин ва тавба қилсин.

Муслим, Абу Довуд ва ибн Можа қайд этадилар:

— Кимки ошиқ ўйнаса, бамисоли қўлини чўчка гўштига артгандай бўлади.

Имом Аҳмад ва бошқалар қайд этадилар:

— Қимор ўйнаб ўтириб, кейин туриб намоз ўқиган киши йиринг билан чўчка қони аралаштирилган суюқликдан таҳорат олиб намоз ўқиган кишига ўхшайди.

Байҳақий қайд этади:

—Аллоҳ Расули (с.а.в.) ошиқ ўйнаётган бир гуруҳ кишиларга дуч келдилар. Ва шундай хитоботда бўлдилар:

—Ўйинчи қалблар, силтаниб ишлаётган қўллар, ботил сўзлар!..

Дайламий ривоят қилади:

— Қимор, ошиқ, нард ва буларга ўхшаш ўйинлар ўйнаётган кимсаларга дуч келиб қолган пайтингизда уларга салом берманг. Агар сизга салом берсалар алик олманг.

Уч нарса қимор ҳисобланади:

- 1 — Қимор,
- 2 — Ошиқ ўйнаш,
- 3 — Ҳаммомда ҳуштак чалиш.

## **РАЖАБ ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ**

«Ражаб» калимаси, асли «Таржиб» сўзидан келиб чиққан. Таржиб эса, таъзим маъносида келади. Ражаб ойини «асоб» ҳам дейишади. Чунки бу ойда тавба қилганларнинг устига Аллоҳнинг раҳмати ёғилади. Яхши амаллар билан машғул бўлганлар қабул нурлари тошқинига кўмиладилар. Бу ойнинг яна бир учинчи исми «АСОМ-КАР»дир. Чунки бу ойда урушиш-ўлдириш (қаттоллик) туйғулари сезилмайди, сўниб туради. Дейдиларки:

— Ражаб жаннатдаги бир дарёнинг номи бўлиб, у дарёнинг суви сутдан оқ, болдан ширин, қордан совуқдир. Ундан фақат Ражаб ойида рўза тутиб, ёмон феъл ва туйғулардан покланганлар ича оладилар.

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрадилар:

— Ражаб — Аллоҳнинг ойидир, Шаъбон — менинг ойим, Рамазон эса умматимнинг ойидир.

Ишорат аҳли дейдики:

- Ражаб уч ҳарфдан иборат калимадир (арабчада):

1 - Ре,

2 - Жим,

3 - Бе.

Ре - Аллоҳнинг раҳмати, Жим — банданинг журми (гуноҳи, жинояти) ва Бе — Аллоҳнинг Бирри (эҳсони, яхшилиги)дир. Бамисоли Аллоҳ шундай деб буюраётгандай:

— Банданинг гуноҳини раҳматим билан яхшилигим орасига оламан!

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Ким Ражабнинг йигирма еттинчи куни рўза тутса, унга олтмиш ойлик рўза савоби ёзилади.

Ражабнинг йигирма еттинчи куни Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Рисолат билан (яъни катта китоб - Қуръон билан келган Пайғамбарлик хабари) биринчи марта келган кундир. Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Меърожи ҳам айнан шу куни содир бўлгандир.

— Хабарингиз бўлсин, Ражаб — Аллоҳнинг АСОМ ОЙИдир. Ким бунга инонган ва ақлан англаган ҳолда Ражабда бир кун рўза тутса, Аллоҳнинг катта қувончига сазовор бўлади (қувончи унга вожибдир).

Анас - Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қилади: Расулulloҳ марҳамат қилдилар:

—Ким ҳаром ойларда (Зулқаъда, Зулҳижжа, Мухаррам, Ражабда) уч кун рўза тутса, унинг учун тўққиз юз йиллик рўза савоби бор.

—Шу ҳадисни Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитмаган бўлсам, қулоқларим кар бўлсин! — дейди Анас.

**ЁҚИМЛИ СЎЗ:** Ҳаром ойлар тўртта (Зулқаъда, Зулҳижжа, Мухаррам, Ражаб). Малакларнинг энг катталари ва энг яхшилари тўртта (Жаброил, Азроил, Микоил, Исрофил — устларига салом ёғилсин). Таҳорат аъзолари (ювиш фарз бўлган аъзолар) тўртта. Аллоҳни тасбиҳ ва тақдис этувчи энг фазилатли сўзлар тўртта («Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулиллоҳ», «Ла илаҳа иллаллоҳ», «Аллоҳу Акбар»). Ҳисоб илмининг асосий бирликлари тўртта (бирлар, ўнлар, юзлар, минглар). Замон бирликлари тўртта (соат, кун, ой, йил). Йил мавсумлари тўртта (бахор, ёз, куз, қиш). Табиатдаги ҳолатлар тўртта (иссиқлик, совуқлик, қуруқлик, намлик). Хулафои Рошидин тўртта (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али — Аллоҳ улардан рози бўлсин).

Дайлабий нақл қилиб Ҳз. Ойшадан ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) билдирдиларки:

— Аллоҳ тўрт кечада хайрини тўкиб - сочади. Булар: Қурбон ҳайити кечаси, Рамазон байрами (Катта Ҳайит) кечаси, Шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси ва Ражабнинг биринчи кечаси.

Яна Дайлабий қайд этади ва Абу Умомадан нақл қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

—Беш кеча бор, Аллоҳ бу кечаларда айтилган дуоларни рад этмайди. Булар: Ражабнинг биринчи кечаси, Шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси, Жума кечаси ва икки ҳайит кечаларидир.

## МУБОРАК ШАЪБОННИНГ ФАЗИЛАТИ

«Шаъбон» — одамни «ҳайратдан телба қиладиган» маъносида бўлиб, бунинг сабаби бу ойда кўп хайрлар амалга ошади. Абу Умома Бохилий айтади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай буюрдилар:

— Шаъбон кирганда нафсларингизни покланг. Ниятларингизни гўзаллаштиринг.

Ҳз. Ойша ривоят қилади:

- Расулulloҳ (с.а.в.) шунчалик кўп рўза тутардиларки, биз ҳар доим рўза бўлсалар керак, деб ўйлардик. Рўза тутмаган пайтларида эса, энди сира ҳам рўза тутмасалар керак, деган хаёлга борардик. Бундай танаффусли рўза тутишларнинг аксарияти Шаъбонда бўларди.

Насоий қайд этади ва Усомадан — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.)га дедимки:



— Эй Аллоҳнинг Расули, ҳеч бир ойда Шаъбондагидай кўп рўза тутганингизни кўрмадим!

Расул (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Бу шундай бир ойки, одамлар Ражаб билан Рамазон ойлари орасида ундан ғофил қоладилар, Ҳолбуки, бу ойда яхши амалларингиз оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳга юксалади. Мен ҳам амалларимнинг рўзали ҳолда Аллоҳга юксалишини истайман.

Бухорий ва Муслим қайд этадилар ва Ҳз. Ойшадан ривоят қиладилар:

— Мен, Аллоҳ Расули (с.а.в.)нинг Рамазон ойдан бошқа ойлarda тўлиқ рўза тутганларини кўрмадим. Шаъбондан бошқа ойлarda ҳам тўлиқ рўза тутганларини кўрмаганман.

Бошқа бир ривоятга кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) Шаъбон ойининг ҳаммасини рўзали ўтказардилар. Муслимнинг бошқа бир ривоятига кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) Шаъбоннинг жуда оз қисмини рўзасиз ўтказардилар.

Бу ривоятлар аввалги ҳадисни тафсирлаган. Буларнинг баридан чиқадиган хулоса шуки, Расулulloҳ Шаъбоннинг кўп кунларини рўзали ўтказганлар.

## РАМАЗОННИНГ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ буюрди:

**— Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди.** (Бақара сураси, 183-оят)

Рамазоннинг рўзаси ҳижратнинг иккинчи йилида фарз қилинган.

Рамазоннинг фазилати ҳақида бир қанча ҳадислар биз учун ҳужжат бўлиб қолган. Шулардан бир нечасини қайд қилайлик.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) айтдилар:

— Рамазоннинг биринчи кечаси келганда Аллоҳ ҳамма жаннат эшикларини очади. Бутун ой давомида бу эшикларнинг ҳеч бири ёпилмайди. Аллоҳ бир жарчига амр этади, жарчи бақиради:

— Ҳей хайр талаб инсон, кел! Ҳей гуноҳ йўлидаги сарсон, қайт!

Кейинроқ дейдики:

— Тавба-истиғфор қилувчилар йўқми? Тиланг, мағфират қилинасиз! Савоб тилаган йўқми? Тиланг, тилагингиз вожиб бўлади. Тавба қилиб, гуноҳ йўлидан қайтаётганлар йўқми? Тавбаси қабул этилади?

Бу чақирув, бу даъватлар шафақ қизаргунча давом этади. Аллоҳ ҳайит куни кечаси азобга мустаҳиқ (муносиб) бўлган минг-минглаб кишини жаҳаннамдан озод қилади.

Салмон Форсий ривоят қилади:

Расулulloҳ (с.а.в.) Шаъбоннинг сўнгги куни бизга хитоб қилиб дедики:

— Эй инсонлар, сизларни буюк бир ой бағрига олаётир. Унда минг ойдан ҳам хайрли бўлган қадр кечаси бор. Аллоҳ бу ойда рўза тутишни фарз қилган. Тун ибодатини эса нафила (ихтиёрий) санаган. Ким бу ойда бир савоб иш қилса, у савоблигидан ташқари, бир фарзни адо этган кимса сингари бўлади. Бу — сабр ойидир. Сабрнинг мукофоти эса жаннатдир. Бу — лутф ойидир. Бу ойда мўминнинг ризқи ортади. Ким бу ойда рўзадорларга бир ифтор қилиб берса, бир қулни озод қилганчалик савоб олади. Гуноҳлари афв этилади.

— Эй Аллоҳнинг Расули, биз ҳар биримиз рўзадорларга ифтор қилиб берадиган аҳволда эмасмиз-ку? — дедик биз.

Марҳамат қилдиларки:

- Оллоҳ бу савобни, бир рўзадорга бир ютум сут, бир қултум сув ёки бир хурмо билан ифтор қилдирганга ҳам беради. Ким бир рўзадорни тўйдирса, бу унинг гуноҳларига мағфират василаси бўлади. Рабби уни менинг ҳовузимдан (Ҳавзи Кавсар) шундай қондирадики, бундан кейин у абадиян чанқамайди. Бу шундай Ойки, аввали раҳмат, ўртаси мағфиратдир, охири

жаҳаннам оташидан озод бўлишдир. Ким бу ойда қулининг (хизматчиси, ишчисининг ) юкини енгиллатса, Оллоҳ уни жаҳаннамдан озод қилади. Сиз бу ойда тўрт нарсани кўпайтиринг. Бу тўрт нарсдан иккиси билан Раббингизни шод қиласиз. Қолган икки нарсдан эса асло қочиб қутула олмайсиз. Раббингизни қувонтиришга васила бўладиган икки нарса, “Ло илоҳа иллоллоҳ”, яъни “Оллоҳдан бошқа ибодатга лойиқ маъбуд йўқ” жумласи (бу жумланинг маъносига тўла тушунган ҳолда унга риоя қилиш) ва ожизлигини эътироф этиб Оллоҳдан афв тилашингиздир. Сиз қочиб қутула олмайдиган икки нарса эса, жаннат билан жаҳаннамдир. Шунинг учун бу ойда Раббингиздан жаннат сўранг. Жаҳаннамнингдан асра, деб Оллоҳга сифининг.

- Ким, инониб ва фойдасига ақли етиб рўза тутса, Оллоҳ унинг ўтмишдаги ва келажакдаги гуноҳларини афв этади.

- (Оллоҳ буюради): Одамзотнинг ҳар амали ўзи учундир. Лекин рўза мустасно: у – Мен учундир. Бунинг мукофотини шахсан Мен ўзим бераман.

- Менинг умматимга беш хислат берилди, бу аввалгиларга берилмаганди:

1. Оллоҳнинг наздида рўзадорнинг оғзидан мушқдан ҳам яхшт ҳтд келади.

2. Ифторгача малаклар рўзадор учун истиғфор қиладилар.

3. Бу ойда шайтонлар боғланади.

4. Оллоҳ ҳар куни жаннатни безантиради ва “Солиҳ бандаларим, қалбларидан ёмонлик ва жавобгарликни йўқ қилиш учун шошилиш ҳаракат қилишяпти!” деб буюради.

5. У, ойнинг сўнгги кечасида уларни афв этади.

Йиғилганлар сўрашди:

- Эй Оллоҳнинг Расули, бу кеча Қадр кечаси эмасми?

Расул буюрдилар:

- Йўқ! Лекин ҳар бир яхши иш қилган кишининг амали қабул бўлганда ажр-мукофоти тўланади.

## ҚАДР КЕЧАСИ

Анас ибн Молик — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдиларки:

— Қадр кечаси келганда Жаброил фаришталардан бир жамоат билан бирга Ерга инади. Улар намоз ўқийдилар, тик туриб ё ўтириб Аллоҳни зикр қилаётган ҳар кишига салом берадилар.

Абу Ҳурайра дейдики:

— Қадр кечаси келганда кўп сонли фаришталар ер юзига инади. Уларнинг иници учун осмон эшиклари очилади. Нурлар ошади (кўпаяди). Жуда катта жилваланиш пайдо бўлади. Фаришталар атрофга ёйиладилар. Бу вазиятда инсонларнинг ҳоли хилма-хил бўлади. Бировга Осмонлар ва Ернинг сирлари очилади, Осмонлардан пардалар олиб ташланади. Бировлар Осмонларда фаришталарни қиём ҳолида (тиктурган ҳолда), ўтирган ҳолда, руку этаётган, сажда қилаётган, Аллоҳни зикр этаётган, унга шукр қилаётган, уни тасбиҳ ва таҳлил қилаётган ҳолда мушоҳада этадилар. Бошқа бировга бутун ички олами билан жаннат кашф бўлади; уйларни, кўшкларни, хур қизларни, дарёларни, дарахтларни, меваларни кўрадилар!.. Бу кимса Аллоҳнинг Аршини, Пайғамбарларнинг, саркардаларнинг, шаҳидларнинг ва содиқбандаларнинг мартабаларини мушоҳада этади. Бу руҳоний оламга ҳайрон бўлади. Раҳмат дарёсида сузади. Жаннатни, жаҳаннамни, жаҳаннамнинг даражаларини (азоб чуқурларини) ва иймонсизларнинг маконларини мушоҳада этади, кўради. Яна у кеча мўминларнинг бир қисмига Аллоҳнинг жамоли очилади. Парда кўтарилади. Фақат шу мўминлар Аллоҳни мушоҳада этадилар.

Ҳз. Умар ривоят қилади: Аллоҳ Расули буюрдиларки:

— Ким қадр кечасини жонлантириб, у кеча икки ракъат намоз ўқиса ва тавба-истиғфор

этса, Аллоҳ уни мағфират айлайди. Аллоҳнинг раҳматига эришади. Жаброил уни қаноти билан сийпалайди. Жаброил қаноти билан сийпалаган ҳар бир киши жаннатга киради.

## БАЙРАМНИНГ ФАЗИЛАТИ

Шаввол ойининг биринчи куни Рамазон байрамига, Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни Қурбон байрамига тўғри келади. Бу кунларнинг байрам дейилишига сабаб шулардир:

1. Мўминлар Рамазон байрамида Аллоҳга тоат ҳисобланувчи фарз - Рамазон рўзасини тутгандан кейин, Пайғамбар (с.а.в.)га тоат ҳисобланувчи олти кунлик Шаввол рўзасини тутишга қайтган бўладилар. Қурбон байрамида эса, яна Аллоҳга тоат ҳисобланувчи фарз ҳажни адо этиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)ни зиёрат қилишга ҳозирланадилар.

2 - Байрамлар ҳар йили такрорланади.

3 — Байрамда Аллоҳнинг эҳсони кўп бўлади.

4— Байрам кунининг ўзи севинч ва қувонч билан келади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) биринчи марта Байрам Намозини ҳижратнинг иккинчи йилида ўқиганлар ва уни Рамазон Байрам Намози деб эълон қилганлар.

Абу Ҳурайрадан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилинади:

— Байрамларингизни такбир билан зийнатлантинг. Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрдилар:

— Ким байрам куни уч юз марта «Субҳаналлоҳ ва биҳамдиҳи» деса ва буни мусулмонларнинг ўлганларига бахшида этса, ҳар бир қабрга нур киради. У киши ўлган вақтда Аллоҳ унинг қабрига минг нур киритади.

Ваҳоб ибн Мунаббих ҳикоя қилади:

— Иблис ҳар-байрам куни бир нидо қилади. Ёрдамчилари йиғилишади. Унга дерларки:

— Улуғ устоз, нега бунча ғазабли кўринасиз? Иблис шу жавобни беради:

— Аллоҳ мўминларни ёрлақади. Энди сизлар уларни нафсоний орзулари билан чалғитмоқ учун қаттиқроқ ишлашга мажбурсиз.

Яна Ваҳоб ибн Мунаббих айтади:

— Аллоҳ жаннатни Рамазон байрами куни яратди. Тубо дарахтини шу куни ўтказди. Жаброилни шу куни ваҳий элчиси қилиб сайлади. Фиръавн сеҳрбозларининг тавбасини шу куни қабул этди.

Аллоҳ Расули дедилар:

— Ким байрам кечасини шу куннинг мазмунини англашга бағишлаб ўтказса, қалблар ўлган куни унинг қалби ўлмайди.

Машҳур халифа Ҳз. Умар — Аллоҳ ундан рози бўлсин — байрам куни кичик ўғлини кўрди. Боланинг эғнида фақатгина эски кўйлак бор эди. Ҳз. Умар йиғлай бошлади. Бола нега йиғлаётганини сўради. Отаси болалар сени бу эски кўйлақда кўрганда кўнглинг эзилади, деб ўйлаганимдан йиғладим, деди. Бола шу жавобни берди:

— Фақат Аллоҳ ризосини йўқотган киши ёки ота-онасига қарши чиққан кишининг кўнгли эзилиши керак. Сиз мендан ризо бўлсангиз, Аллоҳ ҳам ризо бўлади, деб умид қиламан.

Бу жавобни эшитиб Ҳз. Умар такрор йиғлади. Уни бағрига босди ва яхшилаб дуо ўқиди.

Бизга келган хабарлар орасида шундай ҳужжат ҳам бор:

— Байрам куни саҳар вақтида Аллоҳ фаришталарни юборади. Улар Ер юзига инадилар. Ҳамма кўчаларнинг бошларини фаришталар тутуди. Инсонлар ва жинлардан бошқа бутун махлуқлар эшитадиган овоз билан нидо қиладилар.

Дерлар:

— Эй Уммати Муҳаммад, ўрнингиздан туринг. Карамли Раббингизга пешвоз чиқинг. Бу кун катта эҳсонлар бўлади, кўп гуноҳлар афв этилади.

Мўминлар намоз ўқигани жомелар ва масжидларга йиғилган вақтда Аллоҳ фаришталарга хитоб қилади:

- Ишчи ишини адо этганда нима қилиниши керак? Фаришталар дерлар:
- Маошлари тўланиши керак! Аллоҳ буюради:
- Сиз ҳаммангиз гувоҳларим бўласиз. Мен уларга савоб (маош) тарзида ўз РОЗИЛИГИМНИ ва МАҒФИРАТИМНИ бердим.

## ЗУЛҲИЖЖАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ибн Аббос ривоят қилади:

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Аллоҳнинг наздида бу кунларда (Зулҳижжанинг биринчи ўн кунлигида) қилинган амаллар бошқа кунларда қилинган амалларга қараганда Аллоҳ учун сеvimлироқдир.

Саҳоба сўради:

— Аллоҳ йўлида қилинган жиҳоддан ҳам сеvimлироқми! Расул (с.а.в.) жавоб берди:

— Ҳа, Аллоҳ йўлида қилинган жиҳоддан ҳам... Фақат моли ва жони билан Аллоҳ йўлида жиҳодга кетиб қайтмаган (шаҳид бўлган)нинг амали мустасно.

Ибн Масъуд дейдики:

— Аллоҳ кунлардан тўртини, ойлардан тўртини, хотинлардан тўртини мумтоз қилди. Бундан ташқари тўрт киши жаннатга биринчи бўлиб кирувчиларнинг олди қаторида бўлади. Булардан бошқа тўрт кишига ҳам жаннат муштоқдир.

Кунларнинг биринчиси — ЖУМАдир. Бу кунда шундай бир фурсат ҳам борки, ҳар ким бу фурсатга дуч келганда Аллоҳдан дунёвий ва ухровий ҳар нима тиласа, албатта, берилади. Иккинчиси - АРАФАдир. Арафа куни келганда Аллоҳ малакларга хитобан дейдики:

— Эй фаришталарим, бандаларимга қаранг. Қийинчиликларни зиммаларига олишяпти. Йўқсулларни тўйдиришмоқда. Гувоҳ бўлинг: Мен уларни афв этдим!

Кунларнинг учинчиси - ҚУРБОН ҲАЙИТИнинг биринчи кунидир. Бирон киши Аллоҳ учун қурбонлик сўйса, унинг қонининг илк томчиси гуноҳларига каффорат бўлади.

Мумтоз кунларнинг тўртинчиси — ФИТР берилиб, муҳтож ва йўқсуллар сеvimтирилган кундир. Мўминлар Рамазон рўзасини тутиб, байрамга етишган пайтларида Аллоҳ фаришталарига хитобан буюрадики:

— Ҳар қандай ишчи қилган меҳнати эвазига маош олади. Менинг бандаларим уларга фарз қилинган бир ойлик рўзани тутдилар. Эртага байрам қилишади, маошларини беришимиз керак. Сизлар менга гувоҳ бўлинг, эй фаришталар, мен уларга мағфиратимни бердим.

Шу онда бир жарчи (нидочи) нидо этиб дейдики: — Ҳей Уммати Муҳаммад, бизга қаранг (эшитмадим деманглар) Ёмон амалларингиз яхши амалга айлантирилди! Мумтоз ойлар: Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррамдир. Мумтоз хотинлар: Имрон қизи Марям, Ҳувайлид қизи Ҳз. Ҳадича (Аллоҳга ва Расулига иймон келтирган биринчи хотин), Мазоҳим қизи Осиё (Фиръавннинг хотини), Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима (жаннат аҳли хотинларининг энг улуғи).

Жаннатга кирувчиларнинг олди қаторидагилар: Пайғамбар Ҳожамиз, Салмон Форсий, Сухайб(исломни қабул қилиш ҳаёт-мамот масаласи бўлган илк даврдаги этиқодида маҳкам турган саҳобалардан), Билол(дастлаб қул бўлган, сўнг о.эод қилинган, муслмон бўлгани учун қаттиқ азобларга солинса ҳам, динида маҳкам турган мустаҳкам иродали саҳобалардан).

Жаннат муштоқ бўлган кишилар: Ҳз. Али. Салмон Форсий, Аммор ибн Ёсир(қулликда муслмон бўлгани.учун қийнаб ўлдирилган инсонлардан), Миқдод ибн Асвад(120 нафар ҳабашистонлик энг сара саҳобалардан бири. Жуда муҳим масалаларни ҳал қилувчи ҳадислардан ривоят қилган. 70 ёшида Мадинада вафот этган).

Расулulloҳ билдирдилар:

— Ким арафадан бир кун олдинги кунда рўза тутса, Аллоҳ унга Айюб алайҳиссаломнинг балоларига берган сабр савобини беради.

— Ким Арафа куни рўзали бўлса, Аллоҳ унга Исо алайҳиссаломга берган савобининг мислини беради.

Арафа куни бўлганда, Аллоҳ Ер юзига раҳматини сочади. Бу кун жуда кўп бандаларини авф этади. Ким Арафа куни Аллоҳдан дунёвий ва ухровий бир ҳожат тиласа, Аллоҳ унинг истаганини беради.

### **АШУРО КУНИНИНГ ФАЗИЛАТИ** (Ашуро — муҳаррам ойининг ўнинчи куни)

Ибн Аббос ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули Мадинага келган вақтда Ашуро куни яҳудийларнинг рўза тутаетганини кўрди. Сабабини сўради. Улар: «Аллоҳ шу куни Ҳз. Мусони ва Бани Исроилни Фиръавннинг ёмонликларидан қутқарди. Биз Аллоҳнинг шу ишига ҳурматан рўза тутамиз!» дедилар. Расулulloҳ: «Биз Мусога сиздан кўра яқинроқмиз!» деди. Ва шу куни рўза тутилишини яхши деб топди. Лекин: «Яҳудийларга ўхшаб қолмаслик учун Ашуро кунидан бир кун олдин ва бир кун кейин рўзадор бўлинг» деб буюрди.

Ашуро кунининг фазилати ҳақида бир талай маълумотлар — хабарлар бор. Одам алайҳиссалом ўша куни яратилгани, шу куни жаннатга киритилгани, шу куни тавбаси қабул қилингани, Аршнинг, Курсининг, Кўкларнинг (Осмонларнинг), Ернинг, Қуёш, Ой ва Юлдузларнинг шу куни яра-тилгани, Иброҳим алайҳиссаломнинг шу куни туғилгани ва Намруднинг оташидан шу куни қутулгани тўғрисидаги ривоятлар шулар жумласидандир.

Байҳақий қайд этган бир ҳадис мана бундай:

— Ким Ашуро куни оила аъзоларини яйратса, Аллоҳ ҳам бутун йил давомида уни яйратади.

Тобароний қайд этган, лекин саҳиҳлиги аниқланмаган бир ҳадис эса мана бундай:

— Ашуро куни қилинган бир яхшилик етмиш минг яхшиликка тенг.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг невараси Ҳз. Ҳусайннинг Ашуро куни ҳалок этилганлиги Аллоҳ наздида унинг қадри ва даражаси юксаклигини кўрсатади. Шунингдек, бу - Аллоҳ уни пок Аҳли Байт (яъни Пайғамбаримиз (с.а.в.) хонадонига мансуб бўлганлар)нинг олий мақомларига даҳддор қилганини кўрсатувчи шаҳидликдир. Ким Ашуро куни Ҳз. Ҳусайн мубтало бўлган мусибатни (кўргиликни) хотирламоқчи бўлса, барча инсонлар фақат ўткинчи эканликларини ва ҳамма ҳам Аллоҳдан келиб, Аллоҳга қайтажагини ёдда тутиб тафаккурга берилмоғи лозим. Рофизийларнинг, Шиаларнинг ва бошқа айирмачи бўлувчиларнинг бидъат йўлларига тушмаслиги керак, йиғлаб-сихтаб, фарёд кўтариб, аза тутишлар ярамайди. Чунки бундай хатти-ҳаракатлар мусулмончилик ахлоқига тўғри келмайди. Агар мусулмончилик ахлоқида дод-фарёд солиб, ўнгу сўлга қарамай ҳар ёққа лаънатлар ёғдириб мотам тутиш бўлсайди, Ҳз. Ҳусайннинг бобоси, коинотнинг қуёши — Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг вафоти куни бунга лойиқроқ эди.

Аллоҳ таолонинг бир ўзи биз учун етарлидир. Нақадар гўзал Вакилдир у!

### **ФАҚИРЛАРГА ИЗЗАТ-ИКРОМ**

Пайғамбаримиз — Аллоҳнинг саломии устларига ёғилсин — буюрдилар:

- Меҳмонга хизмат юкламанг, дилини оғритган бўласиз. Ким меҳмонни хафа қилса, Аллоҳни ранжитган бўлади. Ким Аллоҳни ранжитса, Аллоҳ ундан нафратланади.

— Меҳмонни қабул қилмаган кишида яхшилик бўлмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир одамниқига қисқа вақтга киргандилар. У бой одам эди. Туялари ва сигирлари кўп эди. Аммо меҳмонни қабул қилиш ва унга иззат-икром кўрсатиш вазифасини адо этмади. Кейин бошқа бир одамниқига кирдилар. У Пайғамбаримиз (с.а.в.) учун ўз инсонлик ва мусулмонлик вазифасини ўтади. Шунда Адлоҳ Расули билдирдиларки:

— Бу икки кишини кўринг. Бу ҳар икки муомала ҳам Аллоҳнинг қудрат қўли билан юз

берди. Кимга гўзал ахлоқ бахш этган бўлса — беради.

Абу Рофий (саҳоба. Дастлаб Расулulloҳ (с.а.в.)нинг амакиваччалари Ҳз. Аббоснинг қули эди. У киши Абу Рофийни Ҳз. Муҳаммад (с.а.а)га совга қилганди. Кейин Пайғамбаримиз с.а.в. унга озодлик бердилар. Асли исми Асламдир. Ҳз. Али замонида вафот этган) ҳикоя қилади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурига бир меҳмон келганди. Лекин, аксига олиб, уни иззат-икром қилмоқ учун уйда ҳеч вақо йўқ эди. Менга: «Фалон яҳудийга бориб айт: меҳмоним келди. Менга ражаб ойигача озгина қарзга ун бериб турсин!» дедилар. Бордим. Айтдим. Яҳудий: «Гаровга бир нарса бермаса бермайман!» деди. Келиб, Расулulloҳга аҳволни тушунтирдим.

Расулulloҳ дедилар:

— Аллоҳга қасамки, мен Осмонларда ҳам ИШОНАРЛИ КИШИман, Ерда ҳам ИШОНАРЛИ КИШИман. Агар қарзга берса вақтида узардим. Ол, мана бу совут кўйлагимни, гаровга қолдир!..

Аллоҳнинг дўсти Иброҳим алайҳиссалом овқатланишдан олдин бир-икки чақирим айланиб юрар, ўзи билан бирга овқатланишга шерик қидирарди.

Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

—Иймон нима? Жавоб бердилар:

—Едирмоқ, атрофда соғлик-омонлик яратмоқдир.

Яна бир дафъа Расулulloҳ, гуноҳларга каффорат ва даражаларнинг юксалишига сабаб бўладиган амаллар қайси, деган саволларга жавобан дедилар:

— Едирмоқва ҳамма уйқудалигида ибодат қилмоқ... Ҳаж пайтида энг мақбул ҳисобланувчи амал қайси амал, деган саволга эса:

— Едирмоқ ва гўзал сўзли бўлмоқ! — жавобини бердилар.

Анас ибн Молик - Аллоҳундан рози бўлсин — дейдики:

— Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмас. Фақирларга ва меҳмонларга иззат-икром кўрсатиш мавзуида гўзал хабарлар жуда кўп.

Чорловчи ҳамма вақг биринчи галда ТАҚВОДОРларни ва номусли, тўғри кишиларни чақиритиши ва имкон борица, фосиқларни даъват этмаслиги лозим. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзини меҳмонга чақирган бир кишини шундай деб дуо қилгандилар!

— Топган-тутганини, илоё, яхшилар есин! Яна Аллоҳ Расули (с.а.в.) буюрадилар:

—Фақат ТАҚВОДОРЛАРНИНГ дастурхонидан е! Сенинг дастурхонингдан ҳам фақат ТАҚВОДОРЛАР есин!..

—Яна шуни ҳам ёдда тутинг: зиёфатга нуқул бойлар ва амалдорларни эмас, асосан фақирларни таклиф қилиш керак. Шунинг учун Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрадилар:

—Дастурхонларнинг энг гуноҳлиси — бойлар даъват этилиб, фақирлар чақирилмаган тўй дастурхонидир.

Берилган зиёфатларга ўз яқинларини айтишни асло унутмаслик керак. Чунки бундай нарсаларда қон-қариндошларни унутиш ёки атайлаб, ёки лоқайдлик қилиб айтмаслик ўртага совуқчилик тушишига ва бегоналашишга сабаб бўлади.

Дўстларни, таниш-билиш ва қариндош-уруғларни зиёфатга айтганда, дастурхон устида диққат-эътиборли бўлиш керак. Бир қисмига бошқача муомала қилиб, иккинчи қисмига ўзгача лутф кўрсатилса, бир қисмининг дили оғриб қолиши мумкин ва бу ҳам бегоналашишга сабаб бўлади.

Зиёфатдан мақсад бойлигини кўз-кўз қилиш ва мақтаниш бўлмаслиги керак. Фақатгина, Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг одатларини қилиш, мўмин биродарлар орасида меҳр-оқибатни давом эттириш ва уларнинг қалбига сурур бериш бўлмоғи лозим.

Чақирса, келиши гумонлигини била туриб ва борди-ю дастурхонга келган тақдирда ҳам бошқа чақирилганларга ёқмаслиги маълум бўлган кимсаларни, яхшиси, чақирмаслик керак.

Энг тўғриси, фақат чақирса келадиган кишиларни чақиритиш керак.

Суфён Саврий дейдики:

— Ким чақирса келишдан озорланадиган кишини даъват этса, бу даъват этган кишига бир гуноҳ ёзилади. Агар даъват этилган киши келса, икки гуноҳ ёзилади. Чунки даъват этган киши уни, истамагани ҳолда емакка зўрлаган бўлади.

Тақво соҳибининг зиёфати унинг ибодат йўлида бўлишига ёрдамдир. Фосиқ кишининг зиёфати эса; унинг фисқ-фужурларини мустаҳкамлайди.

Даъват қилинган жойга бориш — суннатдир. Расулуллоҳ марҳамат қилдилар:

— Агар бир поча пишириғига чақирилсам ҳам, бораман. Ва агар бир бўлак поча берилса, қабул қиламан.

## ТОБУТ – ҚАБР

Ичига ўлик ётқизилган тобутлар басиратли (кўрувчан) кишилар учун бир ибратдир. Тобутларда басиратли кишилар бир эслатма, бир ўғит кўрадиларг Тобут ғафлатдаги кишиларга ҳеч нарсани ифода қилмайди. Тобутлар фақатгина уларнинг ғам-ғуссасини орттиради. Чунки ғофиллар бунда бошқаларнинг тобутларини кўряпман, деб ўйлайдилар. Эртами-индин ўзлари ҳам тобутга тушажакларини ҳеч ҳисобга қўшмайдилар. Ёхуд балки бир кун ўзлари ҳам бу тобутга ёта-жакларини озми-кўпми ўйлайдилар, лекин буни жуда узоқ вақтларга сурадилар. Ўйламайдиларки, бу тобутларнинг ичидагилар ҳам шундай ўйлардилар, ўзлари жуда узоқ вақт ўтгандан кейин бу тобутга кираман деб ҳисоблардилар. Лекин ҳисоблари янглиш чикди. Сўнги кунлари шошилиб кела қолди. Ичида ўлик бўлган тобутни кўрган ҳар киши унинг ичидагини — ўзи деб қабул қилиши керак. Чунки қисқа вақт ўтгач, у ҳам, албатта, унинг ичига ётажакдир.

Биз яқинда бир жаноза маросимида шундай бир манзарани кўрдик:

Жаноза туфайли бир қанча инсонлар тўпланди. Кўпчилиги кулди, сурбетларча ёқимсиз қилиқлар қилди. Ҳали ўлик қабрга кетмасдан бурун бутун гапирган гаплари ёлғиз ўликнинг мероси ва бу меросни бўлишиб оладиган ворислари тўғрисида эди. Ҳеч қайсиниси ўз жанозасини ва тобутга қўйилган пайтда унинг номи атрофида қандай гап-сўзлар бўлажagini ҳеч ўйламас эди. Бу ғафлатнинг сабаби гуноҳлари кўплиги туфайли қалбларининг ғамга ботганлигидир. Нега қалбларимиз ғамга ботади? Чунки биз Аллоҳнинг қиёмат кунини ва истиқболда бизни кутаётган таҳлика ва даҳшатларни унутганмиз. Биз мутлақо бефойда нарсалар билан вақтимизни ўтказамиз. Аллоҳдан бизни бу ғафлат уйқусидан уйғотишни сўрамаймиз. Жанозада ҳозир бўлганлар учун энг яхши ҳол ўлик учун йиғламоқдир. Агар ақллари бўлсайди ўликка эмас, ўз ҳолларига йиғлардилар.

Иброҳим Зайод(Иброҳим ибн Зайод (558-изоҳга қаранг)), бир ўликка раҳмат сўраб дуо ўқиётган бир гурӯҳни кўради. Дедики:

— Агар ўз нафсларингизга раҳмат сўраб фотиҳа ўқисайдингиз, сиз учун хайрлироқ бўлар эди!..

Тафаккур, ибрат олиш, «сафар»га ҳозирланиш ва тобут олиб кетилаётганда тавозуъ билан юриш, ўлган киши ҳатто фосиқ бўлса ҳам, у ҳақда ёмон фикрларга бормаслик жанозада ҳозир бўлганларнинг одобидан ҳисобланади. Киши ўз нафси ҳақида — назарида яхши кўринса ҳам ёмон фикрда бўлиши керак, лекин ўлик ҳақида асло ёмон фикрда бўлмаслиги лозим. Чунки охир-оқибат шундай бир нарсаки, яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам энди билинмайди.

Бир киши Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўради:

— Эй Аллоҳнинг Расули, инсонлар орасида нафсоний орзуларидан энг тез қутулиб кетадигани ким?

Расулуллоҳ жавоб бердилар:

— Қабрни ва ўзини кутиб турган балоларни унутмаган, дунёвий завқ ва орзуларини ташлаб кета оладиган, мангу нарсани ўткинчи нарсдан афзал билган ва нафсини қабр аҳлидан бири деб ҳисоблай олган киши нафсоний орзуларини тез тизгинлаб олади.

Ҳз. Алидан: «Нима учун мазорга яқин жойда яшайсиз?» деб сўрадилар. Ўшанда шундай

жавоб берганди:

— Мозорлар (қабрлар) менинг энг хайрли, энг содиқ қўшнилари. Улар тилларни ёмон сўз айридан қайтарадилар, охиратни хотирлатадилар.

Ҳз. Усмон - Аллоҳ ундан рози бўлсин — йўл устида бирон қабрга дуч келганда тўхтар ва шундай йиғлардики, соқоли кўз ёшларидан жикқа ҳўл бўлиб кетарди. Бир куни ундан бунинг сабабини сўрашди ва: «Жаннатни ва жаҳаннамни эсга олган чоғингда йиғламайсан, бир қабр бошига келиб қолдингми, ўзингни йиғидан тўхтатолмайсан?!» - дейишди. Ҳз. Усмон шу жавобни берди:

Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман. У айтардики: — Қабр охират йўлчилигининг биринчи қўналғасидир. Агар киши қабрдаги сўроқдан омон чиқса, ундан у ёғи осон кечади. Агар у ердаги сўроқдан омон чиқмаса, ундан у ёғи машаққатли бўлади демақдир.

Мужоҳид дейдики:

—Одамзот ўлган чоғида унга биринчи бўлиб қабр чуқури хитоб қилади:

—Мен ҳашарот уясиман. Мен — ёлғизлик, мен ғурбат, мен зулмат уйиман. Мен сенга ҳозирча шуларни ҳозирладим. Сен менга нима ҳозирлаб келдинг?

## ЖАҲАННАМ АЗОБИ

Бухорий қайд этади:

Кўпинча Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб дуо ўқирдилар:

— Эй Раббимиз, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бизга яхшиликлар ато қил ва бизни жаҳаннам азобидан сақла!

Абу Йўъло қайд этади:

— Расулуллоҳ (с.а.в.) бир хитобасида: «Икки улуғ нарсани — жаннатни ва жаҳаннамни нутмангиз!» деб буюрди. Сўнгра йиғлади. Кўз-ёшларидан соқоли жикқа ҳўл бўлди.

Кейин дедиларки:

— Нафсим қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, охират борасида менинг билганларимни билсайдингиз, бу пок тупроқ узра кибрланмай доим пиёда юрар, юзингизга тупроқ суртардингиз.

Тобароний «Авсот»да қайд этади:

—Бир марта Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг олдига кутилмаганда Жаброил алайҳиссалом келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга пешвоз чиқди ва: «Нима бўлди, эй Жаброил, рангинг сўлғин кўринади?» деди. Жаброил: «Келмоқчи эмасдим. Аллоҳ жаҳаннам дамларига (ҳаво пуфлагич) оловни кучайтириш тўғрисида амр берди!» деб жавоб қайтарди. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Эй Жаброил, менга жаҳаннамнинг кўриниши қандайлигини тушунтириб бер!» деди. Жаброил алайҳиссалом таърифлади:

—Аллоҳ жаҳаннамга буюрди, минг йил ёқилди, шундай тобландики, оқ кўр ҳолига келди. Сўнгра яна буторди, яна минг йил ёқилди, бу сафар қип-қизил бўлди. Кейин яна буюрди, минг йил ёқилди, энди қоп-қора бўлди. Жаҳаннам ҳозир тим қора. На бир учкун йилт этади, на олов бутунлай сўнади. Сени ҳақ-пайғамбар қилиб жўнатганга (Аллоҳга) қасамки, агар жаҳаннамдан игна тешигича бир жой тешилиб қолсайди, унинг ҳароратидан бутун ер юзидагилар ўларди. Яна сени ҳақ-пайғамбар қилиб жўнатганга қасамки, агар жаҳаннам забоний (жазолоччи фаришта)ларидан биргина нафари ер юзида кўриниб қолсайди, бадбашаралигидан ва сассиқлигидан ер юзидаги барча жонлилар қирилиб битарди. Сени ҳақ-пайғамбар қилиб жўнатганга қасамки, агар Аллоҳ ўз китоби Қуръонда тавсиф этган жаҳаннам аҳли занжирларидан биргина халқаси ер юзи тоғларига тушсайди, зарбидан тоғлар ер тагига ботиб кетарди.

Гап шу ерга келганда, Аллоҳ Расули (с.а.в.) дедиларки:

— Етар, эй Жаброил! Қалбим пора-пора бўлди. Ортиқ чидолмайман.



Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаброилга қаради. У йиғлаётган эди.

Расулulloҳ (с.а.в.) сўради:

— Нега йиғлаяпсан, эй Жаброил? Сен Аллоҳ тайинлаган ишда, айна чоғда, юксак макондасан. Сенинг қўрқинингга ҳеч асос йўқ-ку!

Жаброил деди:

— Мен йиғламай ким йиғласин. Аксинча, мен кўпроқ йиғлашим керак. Эҳтимол, мен Аллоҳнинг илмига кўра, бу ҳолда эмас, бошқа ҳолдадирман. Мен билмайман. Эҳтимол, Иблис мубтало бўлган оқибатга мен ҳам мубтало бўларман (мен ҳам Иблиснинг қисматига учрарман) — Ҳолбуки, Иблис ҳам юксак мақомдаги малаклардан эди. Билмайман, балки, менинг ҳам бошимга Ҳорут ила Морутнинг бошига тушган балолар тушар!..

Бу сўзларни эшитиб Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам йиғлади. Жаброил ҳам йиғлади. Кўз ёшлари дарё бўлиб оқар эди. Шу аснода бир овоз эшитилди. Уларни номма-ном чақириб, шундай деяётган эди:

— Ҳей Жаброил, ҳей Муҳаммад, Аллоҳ сизларни, ўзига қарши исён қилмайдиган, маъсумлар этиб яратди!..

Шунда Жаброил ўртадан ғойиб бўдди. Пайғамбаримиз ташқари чиқди. У ерда бир гуруҳ ансорларга дуч келди. Улар кулишиб, ўйнаб ўтиришган эди. Уларга хитобан шундай деб буюрди:

— Куляпсизларми? Ҳолбуки, орқангизда жаҳаннам бор. Агар менинг билганларимни билсайдингиз, оз кулиб, кўп йиғлар эдингиз. Еган-ичганларингизни ҳазм қилолмай, тоғларга чиқиб кетар ва Аллоҳга ёлворар эдингиз.

Шу пайт Аллоҳ Расули (с.а.в.)га бир овоз эшитилди. Унинг номини тилга олиб, шундай деди:

— Эй Муҳаммад, сен бандаларимни ноумид қилма. Мен сени хушхабар элтувчи қилиб юборганман. Одамларни саросимага солиш учун юбормаганман!..

Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Тўғри йўлдан адашманг, тўғри йўлга яқин бўлинг!..

Бир марта Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаброилни саволга

тутдилар:

— Мен ҳеч Микоилнинг кулганини кўрмадим, нега бундай?

Жаброил жавоб берди:

— Микоил жаҳаннам яратилганидан бери ҳеч кулмади.

Ибн Можа ва Ҳаким қайд этадилар: Атлоҳ Расули дедиларки:

— Сизларнинг оловингиз, дўзах оловининг етмишдан бир ҳароратидадир. Агар оловингизга икки марта сув сепаиб пасайтирилган бўлмасайди, сиз ҳеч қачон ундан фойдалана олмасдингиз. Ва сизлардаги бу олов ҳар доим жаҳаннамга қайтарилишини сўраб, Аллоҳга сиғинади.

Байҳақий қайд этади:

Ҳз. Умар: **«Қачонки терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз»** (Нисо сураси, 56-оят) маолидаги оятни ўқиб, «Эй Каъб, менга бу оятни тафсирлаб бер-чи, бир эшитиб қўрай. Агар тўғри тафсирласанг, тўғри айтганингни тасдиқлайман. Тўғри тафсир қилолмасанг, янглишингни айтаман», деди.

Каъб оятни шундай тафсир қилди:

— Одамнинг териси бир соатда ёки бир кунда олти минг марта ёқилади ва янгиланади!..

Ҳз. Умар: «Тўғри тафсир қилдинг!» деб уни тасдиқлади.

Ҳасан Басрий оятнинг тафсирини мана бундай қилиб айтган:

Жаҳаннам оташи одамларнинг териларини ҳар кун етмиш минг марта ейди. Ҳар ейишида: «Эски ҳолингизга қайтинг!» деб хитоб қилинади. Улар эски ҳолларига қайтадилар.

Муслим қайд этади:

— Бу дунёда фақат роҳат-фароғатда яшаб, бутун умрини завқ билан, айш-ишрат қилиб ўтказган бир киши жаҳаннам аҳлига қўшилади. Бир сафар уни олиб келиб жаҳаннам оташига бир тиқиб олишади ва: «Эй одамзод, дунёда қандай роҳат-фароғат кўргандинг? Олган завқларинг, айш-ишратларингдан гапир...» деб сўрашади. У. «Йўқ-йўқ, худо ҳаққи, мен дунёда ҳеч нима кўрмаганман, ё Рабби!» дейди, (бир лаҳзалик жаҳаннам азоби у олдин кўрган бутун неъматларни унуттиради).

Кейин жаннат аҳли орасидан дунёда умри сиқилиб ўтган бир одамни олиб келишади. У жаннат завқларини яхшигина тотиб кўрган бўлади. Унга: «Эй одамзод, сен дунёда қандай азоб-уқубатлар кўрган эдинг?» деб савол беришади. У эса: «Йўқ-йўқ, мен дунёда ҳеч қийналмай яшаганман. Азоб-уқубат кўрмаганман!» дейди.

Ибн Можа қайд этади:

— Жаҳаннам аҳли бир бора қаттиқ йиғлатилади. Шундай йиғлайдиларки, кўз ёшлари тутади. Кейин қон йиғлайдилар. Бундан юзларида бир қатқалоқ, сўнг тарс-тарс ёрилган излар пайдо бўлади. Бу ёрилган излардан оқаётган қон дарёсида, қўйиб берсангиз, кемалар сузиб юриши мумкин!..

## ТАРОЗИ ВА СИРОТ КЎПРИГИ

Абу Довуд қайд этади ва Ҳз. Ойшадан ривоят қилади:

— Бир маҳал Ҳз. Ойша йиғлаётганди. Аллоҳ Расули: «Нега йиғлаяпсан?» деб сўрадилар. Ҳз. Ойша: «Жаҳаннамни хотирладимда, шунинг учун йиғладим. Қиёмат куни оила аъзоларингизни эсга оласизми?» деди. Расулulloҳ билдирдиларки:

— Уч жойда биров бировни ўйлай олмайди:

1. — Амаллар тортилаётган вақтда, яхши амаллари енгил ё оғир келишини билмоқчи бўлиб турган чоғида;

2. — Амал дафтарлари ўнгга ё сўлга учурилаётган вақтда, унинг дафтари ўнгданми, сўлданми ё орқаданми берилишини билмоқчи бўлиб турган чоғида;

3. Сирот кўпригидан ўтилаётган вақтда, бундан ўта оли-ши ё ўтолмаслигини билгиси келиб турган чоғида.

Термизий қайд этади ва Анас ибн Моликдан - Аллоҳ ундан рози бўлсин - ривоят қилади:

— Аллоҳ Расули (с.а.в.)дан, қиёмат куни менга шафоат қилишини илтимос қилдим. «Иншооллоҳ, шафоат қиламан!» дедилар. Мен: «Сизни қаердан топаман?» дедим. «Мени даставвал Сирот олдидан қидир!» деб буюрдилар. Мен: «У ердан тополмасам-чи?» дедим. «Амаллар тортиладиган тарози атрофидан қидир!» деб буюрдилар. Мен: «Тарози атрофида ҳам тополмасам-чи!» деб сўрадим. Расул (с.а.в.) буюрдилар:

— Кавсар ҳовузи ёнидан қидир! Мен албатта шу уч жойдан бирида бўламан!..

Ҳаким қайд этади:

— Қиёмат куни бир Тарози қурилади. Бу Тарози билан бутун Осмонлар ва Ер тортилса ҳам бўлаверади.

Малаклар дейдиларки:

- Эй Раббимиз, бу ким учун қурилади?

Аллоҳ буюради:

— Яратганларимдан тилаган нарсаларим учун!..

Малаклар дерлар:

— Сени танзиҳ этамиз, Раббимиз, биз Сенга бандалик вазифамизни чиндан ҳам ўтай олмадик!

Муслим қайд этади ва Умму Мубашшар Ансория(ансорий саҳоба аёллардан. Пайғамбаримиз с.а.в. ул муҳтараманинг хурмозор боғида меҳмон бўлганлар)дан — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ривоят қилади:

- Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман. Ҳафса(Расулуллоҳнинг завжалари. Ҳз. Умарнинг қизи)нинг — Аллоҳ ундан рози бўлсин — ёнида шундай деган эдилар:

- Иншооллоҳ, дарахт тагида байъат қилганлар (қасамёд қилганлар) жаҳаннамга тушмайди!

Ҳафса — Аллоҳ ундан рози бўлсин — «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг сўзини кесдилар. Лекин Ҳафса: **«Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушгувчидирсиз»** (*Марям сураси, 71-оят*) мазмунидаги оятни ўқиди. **Расулуллоҳ (с.а.в.) эса унинг билан кетма-кет: «Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан, яъни жаҳаннамдан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз»** (*Марям сураси, 72-оят*) мазмунидаги оятни ўқидилар.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ВАФОТИ

Ибн Масъуд — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади:

-Айрилиқ (ўлим) яқинлашган кунлар эди... Биз Ҳз. Ойшанинг уйларига Расулуллоҳ(с.а.в.)ни кўргани бордик. Бизга термилдилар. Кўзлари ёшга тўлди. Кейин гапира бошладилар:

— Марҳаболар!.. Аллоҳ ҳаммангизга баракали умр берсин. Илоё, муродингизга етказсин. Ўзи мададкор бўлсин. Сизларга ўғитим шулки, Аллоҳдан кўрқинг ва тақволи бўлинг. Яна шуни ҳам айтиб қўяй: мен Аллсҳдатг маконида ва бандалари орасида, Унинг инсонларга амр этган дин асосларини топтамаслигингиз учун — Аллоҳ томонидан сизларга юборилган очиқ бир ҚЎРҚИТУВЧИМАН! Энди менга ажал яқинлашди. Сизларга ва мен ўлганимдан кейин динимизга кирганларга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!..

Ҳз. Ойша — Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади:

- Расулуллоҳ (с.а.в.) бизга, етти қудуқдан етти човгун сув олиб келиб, ўзини чўмилтиришимизни буюрди. Биз бажо этдик. Роҳатландилар. Сўнг ташқари чиқдилар. Жамоатга намоз ўқитдилар. Уҳуд шаҳидлари учун истиғфор қилиб, уларга бағишлаб дуолар ўқидилар. Ансорлар ҳақида васият қилиб, буюрдиларки:

— Саломдан сўнг, эй муҳожирлар! Сизлар кўпаясизлар. Ансорлар бугунги миқдордан ортиққа ошмайдилар. Улар менинг сирдошларим ва хос жамоатимдир. Уларнинг яхшиларига яхшилик қилингиз. Қусурлиларининг қусурларини афв этингиз.

Кейинроқ буюрдиларки:

- Банда дунёда яшаш билан Аллоҳ ёнида бўлиш деган икки воқелик орасида эркин қолдирилди. Ва у Аллоҳ ёнида бўлишни афзал билди.

Гап шу ерга етганда, Абу Бакр — Аллоҳ ундан рози бўлсин — йиғлаб юборди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу сўзи ўзига қаратилган деб ўйлаб, энди дунёдан кўчаман, деб тахмин қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Тинчланинг, эй Абу Бакр! Масжиднинг кўчага очиладиган ҳамма эшикларини ёпинглар! Ёлғиз Абу Бакрнинг йўлига очиладиган эшик қолсин! Мен Абу Бакрнинг суҳбатидан баҳраманд бўлай, мен учун унинг суҳбатидан ширин нарсаси йўқ дунёда.

Ҳз. Ойша сўзларини давом эттириб, айтадики: - Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг уйимда, менинг уйимда бўладиган кунларида ва менинг қучоғимда вафот этдилар. Аллоҳ, ўлим оғизда ул зотнинг оғиз суви билан менинг оғиз сувимни бирлаштирди. Шу аснода укам Абдураҳмон келди. Қўлида мисвок бор эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) мисвокка қарадилар. Тиш тозалагилари келаётганини сезиб: «Уни сизга олайми?» дедим. Бошлари билан «ҳа» деб ишора қилдилар. Олиб бердим. Оғизларига сукдилар. Бироқ дағал эди. Мен «юмшатайми?» дедим. Бошлари билан ишора қилдилар. Мен мисвокни тишларим билан учларини узиб юмшатиб бердим. Ёнларида бир идишда сув бор эди. Қўлларини унга тиқиб, юзларини хўлладилар ва: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Ва, албатта, ўлимнинг ўз сархушликлари мавжуд», дедилар. Кейин мен қўлларига сув қуйиб турдим. Ул зот: «Фир-Рафиқ-ил-аъло», «Фир-рафиқ-ил-аъло» (яъни «Энг аъло дўст». «Энг аъло дўст») (деб Аллоҳга мурожаат қилиб — пичирлар эдилар). Мен ўзимча:

«Аллоҳ бизни афзал кўрмаяпти, шекилли!» дедим.

Саид ибн Абдуллоҳ (Ҳз. Умар ибн ал-Ҳаттобнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Умар (вафоти ҳ. 76 й) 2630 ҳадис ривоят қилган. Саид унинг ўғли бўлиб, отасидан эшитган ҳадисни ҳикоя қилган), отасидан ривоят қилади: — Ансорлар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг касали оғирлашганини кўриб, Масжидда тўпландилар. Аббос — Аллоҳ ундан рози бўлсин — Пайғамбар (с.а.в.)нинг олдига кетди. Тўпланганларини ва хавотир олаётганларини айтди. Кейин Фазл — Аллоҳ ундан рози бўлсин — борди. У ҳам айна ҳолларини изҳор этди. Кейинроқ Ҳз. Али борди. Саҳобалар тўпланганини ва безовталиги ортганини баён этди. Аллоҳ Расули қўл узатиб имо қилдилар. «Эгилинг» деб буюрдилар. Улар эгилдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Нима деяпсиз» деб сўрадилар. Улар: «Айрилиб қолишдан кўрқяпмиз!» дейишди. Эркаклар Расулуллоҳнинг тепасида уймалашаётганини кўриб, хотинлар бир-бирларини чақира бошладилар. Аллоҳ Расули (с.а.в.) бир амаллаб ўринларидан турдилар. Ҳз. Али ва Фазлга суяниб ташқари чиқдилар. Аббос олдинда борарди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг боши ҳали маҳкам ва тик турарди. Қадамлари анча шахдам, рисоладагидай одимлашни эплаётган эдилар. Шу тахлит масжидга келдилар. Минбарнинг энг пастки зинасига ўтирдилар. Бутун жамоат Расули Акрам (с.а.в.)га юзланганча қотиб турарди. Расулуллоҳ аввал Аллоҳга ҳамд ўқидилар, сано айтдилар ва дедиларки:

— Эй инсонлар, менга хабар беришларига қараганда, сизлар менинг ўлишимдан кўрқаётирсиз. Бу — бир нави сизнинг ўлимни инкор этишингиз демакдир. Сиз энди пайғамбарингизнинг ўлимини инкор этолмайсиз. Мен сизларга ўлим хабарини бермаганмидим? Нафсларингиз сизга ўлим хабарини бермадиларми? Мендан илгари юборилган бирон бир пайғамбар ўзи юборилган қавми орасида боқий қолдими-ки, мен сизнинг орангизда боқий қолсам? Ҳабарингиз бўлсин, мен Раббимга қовушаман, сизлар ҳам қовушасизлар Унга! Мен сизларга - биринчи бўлиб келган муҳожир-ларга яхши муомала қилишингизни васият қиламан. Муҳожирларга ҳам — ўзаро хушмуомала бўлишларини васият қиламан. Чунки Аллоҳ буюради:

**- Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат иймон келтирган, яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ йўлини тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчилардир).** *(Вал-Аср сураси)*

Барча ишлар Аллоҳнинг изни билан юради. Бир ишнинг кечнканлиги сизни шошма-шошарликка етакламасин. Чунки, шубҳасиз, Аллоҳ, биров шошгани билан шоша қолмайди. Ким Аллоҳнинг ҳукмларига қарши чиқса, уни Аллоҳ уради. Ким Аллоҳни лақиллатмоқчи бўлса, Аллоҳ унинг ҳийласини бузади. «Демакки, идорани ва ҳоқимиятни қўлга олсангиз, дарҳол ер юзида бузғунчилик чиқариб, қариндошлик муносабатларингизни ҳам парчалаб узиб ташлайсиз, шундайми?» Мен ансорларга яхши муомала қилишингизни сизларга тавсия этаман. Зеро, улар сиз, муҳожирлардан олдин Мадинани бошпана ва иймон уйи қилгандилар. Уларга (ансорларга) яхшилик қилишингизни ўғитлайман. Улар (ансорлар) сизларни молларига шерик қилмадиларми? Улар сизнинг рўзгорингизга мўлчилик, қут-барақа қўшмадиларми? Улар ўзларида қанчадан-қанча муҳтожликлар бўлгани ҳолда, сизларни сийлаб, нафсларини тиймадиларми? Огоҳлантириб қўяй: кимки тақдир тақозоси билан улардан икки киши орасида ҳакамлик (қозилик) қилаётган бўлса, яхшисига яхшилик билан муомала қилсин, қусурли бўлганининг қусурини кечирсин, кўрмасликка олсин. Ҳеч бир нарсани улардан устун қўйманглар. Мен сизлардан айрилиб кетаётирман. Сизлар ҳам менинг орқамдан борасиз ва мен билан қовушасиз. Хабарингиз бўлсин, топишадиган жойимиз менинг ҳовузимнинг бўйидир. У ҳовузга «Кавсар тарнови»дан шундай бир сув оқиб ётган бўладики, сутдан оқ, кўпикдан юмшоқ, болдэн ширинроқдир. Қим ундан бир марта ичса, ортиқ ҳеч қачон сувсамайди, чанқоғи абадиян қонади. Унинг тошлари инжу, оқиб келаётган дараларидан мушк ҳиди ке-лади. Кимгаки барча яхшиликлар ҳаром бўлса, эртага ўша, ҳисоб-китоб бериладиган жойда ҳам унга ҳаром бўлажак. Хабарингиз бўлсин, ким эртага мен билан қовушишни севса (хоҳласа), қўлини,

тилини ёмонликлардан ва ёқимсиз қилиқлардан тийсин.

Шу пайт Аббос лукма ташлади:

- Эй Аллоҳнинг Расули, Қурайшларга ҳам насиҳат қилинг!

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Мен буларни Қурайшларга васият қилаётирман. Инсонлар, Қурайшларга — яхшилари яхшиларига, ёмонлари ёмонларига тобедирлар. Қурайш оиласи ҳам инсонларга яхшилик қилса, яхшиликни тавсия этсинлар. Эй инсонлар, гуноҳлар неъматларни ўзгартиради — неъматларнинг қўлдан кетишига сабаб бўлади. Инсонлар (тобеа — пайғамбарга эргашувчилар) яхши бўлган пайтларида йўлбошчилари уларга яхши муомала қиладилар. Инсонлар (тобеа) ёмонлашган пайтларида йўлбошчилари уларга зулм қиладилар, уларни эзадилар. Аллоҳ билдирди:

**-Улар айтдилар: «Сен бизга (пайғамбар бўлиб) келишингдан илгари ҳам, сен келганингдан кейин ҳам озор кўрдик». У (Мусо) айтди: «Шояд Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни бу ерга халифа қилса ва қандай амаллар қилишингизни кўрса».** (Аъроф сураси, 129-оят)

Ибн Масъуд - Аллоҳ ундан рози бўлсин - ҳикоя қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) Абу Бакрга дедилар:

- Нима дейсиз, сўранг, эй Абу Бакр! Абу Бакр деди:

- Ажал яқинлашдимми, эй Аллоҳнинг Расули? Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Ажал яқинлашди, яхшигина яқинлашди! Абу Бакр деди:

-Ўлим сизга осон бўлсин, эй Аллоҳнинг Набийси, Аллоҳнинг ёнида сиз учун ҳозирланган неъматлар муборак бўлсин. Нетарди, кетар йўлимиз қайларга эканини билсам!..

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

-Аллоҳга, Сидраи Мунтаҳога!.. Кейин Жаннатга, Фирдавси Аълога, олий дўст ёнига, завқу нашъаларга тайёрланган гўзал ҳаётга!..

Абу Бакр сўради:

- Сизни ким ювсин, эй Аллоҳнинг Набийси? Расулulloҳ (с.а.в.) билдирдилар:

- Яқинлик навбатига кўра, аҳли байтимдан бир гуруҳ эркак!

Абу Бакр деди:

- Нима билан кафанлайлик? Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар:

- Шу либосим, Яман либоси, Мисрнинг оқ сурпи билан!

Абу Бакр деди:

- Жаноза намозингизни қандай қилайлик (адо этайлик)?

Бу аснода биз йиғладик. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам йиғладилар.

Буюрдилар:

-Тўхтанг! Аллоҳ сизни мағфират этсин ва Пайғамбарингиздан сизга хайрлар берсин... Мени ювиб, кафанланганингиздан кейин, шу уйимдаги қабримнинг ёнига, садирим — чорпоям устига қўйинг. Сўнг ташқари чиқиб кетингиз. Бир соат мендан узоқ бўлингиз. Чунки даставвал мени

Аллоҳ раҳмат қилади. У сизни ҳам раҳмат қилади, албатта. Сўнгра менинг жаноза намозимни ўқишлари ва истиффор-да бўлишлари учун малакларга изн беради. Аллоҳ бандаларидан биринчи менинг ёнимга келиб жанозамни ўқийдиган зот Жаброил бўлади. Сўнг навбати билан Микоил, Исрофил, улардан кейинроқ жамоат билан биргаликда Азроил ва энг охири бошқа барча фаришталар — Аллоҳнинг саломи барчаларининг устига ёғилсин! Сўнг сизлар, бўлим-бўлим бўлиб кетинглар, жаноза намозимни алоҳида гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўқинглар, салом беринглар. Мени улуғловчи сўзлар айтилишига, нутқлар қилинишига, йиғи-сиғиларга, шиквалар изҳорига асло йўл қўйманглар. Биринчи бўлиб бошлиқ (халифа) намозимни ўқисин. Сўнг энг яқинларимдан бошлаб, аҳли байтим, ундан кейин хотинлар ва энг охирида болалар! Абу Бакр сўради:

- Сизни ким қабрга қўйсин?

Расулulloҳ (с.а.в.) буюрди:

- Аҳли байтимнинг энг яқинларидан бошлаб бир гуруҳ қўяди, ундан ташқари бир тўда фаришталар ҳам бўлади; сиз уларни кўрмайсиз, лекин улар сизларни кўрадилар. Энди туринглар. Мендан кейингиларга менинг ўғитларимни етказинглар!

Ҳз. Ойша - Аллоҳ ундан рози бўлсин — дейдики: — Расулulloҳ (с.а.в.) вафот этган куннинг илк соатларида ул зот бироз тузалиб қолгандай кўриндилар. Эркаклар чиқиб кетишди, уй-уйларига ва ишларига тарқалишди. Расулulloҳнинг тузалаётганини айтиб, одамларни севинтира бошладилар. Уйда фақатгина хотинлар қолди. Биз хотинлар, умид билан шу тариқа шодланиб ўтирдик. Бир пайт Расулulloҳ буюрдиларки:

— Хотинлар ташқари чиқишсин. Манови фаришта олдимга кириш учун рухсат сўраяпти.

Мендан бошқа ҳамма хотинлар чиқиб кетишди. Расулulloҳ туриб ўтирдилар. Бошлари менинг қучоғимда эди. Кейин мен уйнинг бир бурчагига ўтдим. Келган малак билан анчагача гаплашдилар. Сўнгра мени чақирдилар. Такрор бошларини қучоғимга қўйдилар. Хотинларга ҳам: «Кираверинглар!» дея садо бердилар, Мен: «Бу келган, Жаброил эмасмиди?» дедим. Расулulloҳ (с.а.в.): «Йўқ, эй Ойша, Жаброил эмасди!» дедилар. «Бу келган, ўлим малаги (Азроил) эди. Менга дедики:

— Аллоҳ мени юборди. Сендан рухсатсиз ёнингга кирмаслигимни, изн бермасанг қайтиб кетишимни, фақат изн берганинг тақдирда киришимни амр этди. Нима дейсан, кираверайми, - деди. Мен дедимки:

— Ҳозирча кет. Жаброил келсин, ундан кейин, сен!..

Ҳозир бир соат ичида Жаброил келиб қолади.

Ҳз. Ойша дейдилар:

—Биз шундай бир аҳволда эдикки, на бир саволга жавоб бера олар, на бирон нарса ҳақда ўйлай олар эдик. Бизни мудҳиш бир қайғу босган эди. Нақ бошимизга бир қаттиқ нарса урилгандай гарангсиган эдик. Катта бир хавотир эди бу. Ичимизни даҳшат қоплаган эди. Уйдагиларнинг биронтасида чурқ этиб гапиришга мажол йўқ эди. Жаброил айна вақтида келди. Салом берди. Мен, бу келган Жаброил эканлигини англадим. Уйдагилар ташқари чиқдилар. Жаброил кирди ва дедики:

—Аллоҳ сенга салом айтди. Ўзингни қандай ҳис қилаётганингни сўради. У сени сендан яхшироқ билади. Лекин бундай қилаётганининг сабаби бор: У сенинг кароматингни, сенинг шарафингни орттирмоқчи, сенинг яратилганлар оламидаги каромат ва шарафингни поёнига етказмоқчи. Сендан эса, умматингга намуна бўлишингни талаб қилади.

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мен ўзимни ожиз бир хаста ҳолида кўриб турибман.

Жаброил буюрди:

— Мен сенга хушxabар келтирдим. Аллоҳ сени сен учун тайёрлаб қўйган нарсаларига етиштирмоқчи.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Эй Жаброил, ўлим малаги олдимга кириш учун мендан рухсат сўраб келди, - дедилар ва Азроилнинг ташрифи ҳақида унга хабар бердилар.

Жаброил буюрди:

— Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Раббинг сенга муштоқ. Сенга нима тилаётганини сенга билдирмадимми? Аллоҳга қасамки, ўлим Малаги бунгача ҳеч кимдан жонини олиш учун рухсат сўрамаган. Бундан кейин ҳам асло сўрамайди. Хабаринг бўлсин, Раббинг сенинг шарафингни поёнига етказмоқда. У сенга муштоқ. Шундай бўлгач, қайғуга ботма, келаверсин.

Расулulloҳ (с.а.в.) хотинларга рухсат бердилар. Фотимага: «Эй Фотима, менга энгаш!» дедилар. Ул муҳтарама бошларини эгдилар. Расулulloҳ дилларидаги бир гапни айтиб эдилар, Фотима бошларини кўтариб, йиғлай бошладилар. Ҳеч гапирмасдилар. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) ул муҳтарамага яна: «Менга энгаш!» дедилар, Фотима яна энгашдилар. Расулulloҳ

унинг қулоғига яна бир нарсалар деб пичирладилар. Бу сафар Фотима кула бошладилар. Лекин ҳамон гапиролмасдилар. Биз Фотиманинг бу ҳолидан таажжубландик. Сўнг ўзларидан сўрадик. Шундай дедилар: - Аввал қулоғимга пичирлаб: «Мен бугун ўламан» дедилар. Шунда мен йиғладим. Иккинчи мартасида эса: «Мен Аллоҳга дуо қилдим. Аҳли байтимдан биринчи бўлиб сени мен билан қовуштиради ва сени мен билан бирга қилади!» дедилар. Шундай деганларида мен кулиб юбордим.

Мен (Ҳз. Ойша) Фотиманинг болаларини (Ҳасан билан Ҳусайнни) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг тепаларига олиб бордим. Уларни ўпдилар ва ҳидладилар. Бу орада ўлим Малаги келди (Азроил). Салом берди. Киришга изн сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга изн бердилар. Ўлим Малаги: «Бизда нима тилагингиз бор, эй Мухаммад?» деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Энди мени Раббимга олиб бор!» деб жавоб бердилар. Ўлим малаги дедики:

— Ҳа! Раббинг сени иштиёқ билан кутмоқда. У сенда тўхтагани каби ҳеч бир кишида тўхтамаган эди. Ҳеч бир кимсанинг ёнига изнсиз киришни менга тақиқламаган эди.

Ўлим малаги шу гапларни айтгандан кейин чиқиб кетди. Ва шу ондаёқ Жаброил кирди. «Салом сенга, эй Аллоҳнинг Расули!» деди ва давом этди:

— Бу — менинг Ер юзига сўнгги марта тушим. Энди ваҳийлар абадиян тўхтатилди. Дунёнинг иши тамомланди. Менинг Ер юзида сендан бошқа бирон кишига эҳтиёжим йўқ эди. Фақатгина сенинг Ердалигинг мени шу ёққа тортарди. Ортиқ бунда туришимнинг керакли жойи йўқ.

Ҳз. Ойша давом этади:

— Мен сакраб туриб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га яқинлашдим. Бошларини бағримга олмоқчи бўлдим. Кўкракларини силадим. Бошларини ўрамоқчи бўлдилар. Пешоналари шундай терлагандики, мен бирон одамдан бунча тер оққанини ҳеч кўрган эмасман. Ўзим ҳам тер оқишига қўйиб бердим. Бирон нарсанинг ҳиди бу терчалик ёқимли эмасди. У зот сал ўзларига келганларида мен шундай дедим:

— Онам, отам, жоним ва аҳлим сизга фидо бўлсин, пешонангиз шу қадар кўп терладики!..

Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрдилар:

— Эй Ойша, мўминнинг жони тер билан чиқади. Шу пайт укам келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни отамнинг олдига (Ҳз. Абу Бакрга) жўнатиб юбордилар. Лекин ҳеч ким келмасдан бурун Аллоҳ Расули (с.а.в.) вафот этдилар. Аллоҳ уларни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўлими онига етиштирмади. Чунки Жаброил ила Микоилга унинг қошида бўлиш вазифаси топширилган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўлими онда улар ўз вазифаларини ўтаб, у билан бирга бўлдилар. Аллоҳ Расули, ўзларидан кетган, «Аъло дўст», «аъло дўст» дердилар. Такрор ўзларига келганда эса:

—Намоз, намоз!.. — дердилар. — Сиз жамоат билан бирга намоз ўқишда давом этинг, шунда гуноҳларингиз тўкилади ва янги гуноҳлардан қочишга муваффақ бўласиз. Намоз, намоз!..

Расулуллоҳ (с.а.в.) оламдан ўтгунларига қадар намозни васият қилдилар. Ҳатто жонлари узилаётганда ҳам: «Намоз, намоз!» дедилар.

Ҳз. Ойша дерки:

— Расулуллоҳ (с.а.в.) душанба куни чошгоҳ билан пешин вақти орасида вафот этдилар.

Ҳз. Фотима айтади:

— Душанба куни уммати Мухаммад буюк мусибатга дучор бўлди.

Умму Гулсум (Ҳз. Пайғамбар с.а.в.нинг неваралари. Ҳз. Али ва Ҳз.Фотиманинг қизи) айтади:

— Душанба куни мен дучор бўлган мусибатга Куфада Ҳз. Али ҳам дучор бўлди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша куни вафот этгандилар. Ҳз. Али ҳам ўша куни шаҳид этилди.

Ҳз. Ойша ҳикоя қилади:

— Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганда ҳамма йиғлай бошлади. Йиғи-сиғилар борган сари авжига чиқиб борарди. Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг либосимга ўралганди. Одамларнинг

баъзилари Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўлимини ҳеч қабул қилолмасди. Баъзи бировларнинг тили тутилган эди. Улар узоқ муддатдан кейингина сўзлай олдилар. Баъзи бировлар ҳушидан кетиб, бир-бирининг устига йиқиларди. Бировлар ақлини йўқотиб қотиб қолган, серрайганча турарди. Яна бирисининг тили гапга келмай қолганди, қимирлашга мажоли йўқ эди. Ҳз. Умар ҳадеб «у ўлмаган, у ўлмаган» дер эди. Тили гапга келмай қолганларнинг бири Ҳз. Али эди. Ҳз. Усмоннинг тили каловланар эди. Бу аснода Ҳз. Абу Бакр билан Ҳз. Аббоснинг аҳволлари эса бутунлай бошқача эди. Аллоҳ уларга тавфиқ берган, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўлими воқеликка айланиб турган оғир бир паллада қандай қилиб тўғри йўл тутиш кераклигини кўрсатган эди. Халқ Ҳз. Абу Бакрнинг сўзидан бир мунча ҳушёр тортди. Шундай бўлса ҳам бу орада Ҳз. Аббос келиб йиғилганларга хитобан шундай деди:

— Ҳа, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳақиқатан ҳам ўлим шарбатини тотди. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳала орамизда юрган чоғларидаёқ Аллоҳ шундай билдирганди:

**- (Эй Муҳаммад), ҳеч шак-шубҳасиз, сиз ҳам ўлгувчидирсиз, улар ҳам ўлгувчидирлар. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат кунда Парвардигорингиз ҳузурда (бир-бирларингиз билан) талашиб-тортишурсизлар. (Зумар сураси, 30-31-оятлар)**

Ҳз. Абу Бакр Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг вафоти тўғрисидаги хабарни Ҳозраж ўғилларининг уйида эшитди. Шу ондаёқ уйдан отилиб чиқди. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг уйига келди. Уни кўздан кечирди. Устига эгилди. Упди ва:

— Онам, отам сенга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сснга ўлим шарбатини икки марта ичирмайди, албатта. Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ оламдан кўз юмди! - деди.

Кейинроқ у бу ерда йиғилган халойиққа ўгирилиб, одамларга шундай хитоба билан мурожаат этди:

- Эй халойиқ, муҳтарам жамоат, орангизда кимда-ким Муҳаммад алайҳиссаломга топиниб келган бўлса, билиб қўйсинки, ҳақиқатан ҳам. Муҳаммад алайҳиссалом вафот этди. Кимда-ким Муҳаммад алайҳиссаломнинг Раббига топиниб келган булса, билиб қўйсинки, У ҳаётдир. У ҳеч қачон ўлмайди! Аллоҳ айтади:

**— Муҳаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яъни Муҳаммад алайҳиссалом) вафот-қилса ёки ўлдирилса, кетингизга (куфрга) қайтиб кетасизми? Кимда-ким кетига қайтиб кетса, Аллоҳга бирон зиён етказа олмас. Аллоҳ эса (йўлларида қайтмай) шукр қилгувчи бандаларини муносиб мукофотлайди. (Ол-и Имрон сураси, 144-оят)**

Саҳобалар гўё шу он келгунга қадар бу оятни ҳеч эшитмаганга ўхшардилар. Ҳз. Абу Бакрнинг юқоридаги сўзлари ва бу оятни ўқиши ҳаммани ҳушига келтирди.

## ТАМОМ